

ХАЛҚА

Қисса

БИРИНЧИ БОБ

...Хинд уммонидан сузиб бораётган кеманинг номи “Урватул вусқо” бўлиб, йўловчилар бу кемага Индонезия бандаргоҳидан чиқишиб, Саудия соҳилларида тупроққа тушадилар. Мусулмон ширкатига тегишли кема минг нафар йўловчини сифдиради. Улар ичида ҳар тоифа инсонларни учратиш мумкин. Бироқ кеманинг қатъий қоидаси бор: унда Исломий ахлоқ хукм суради. Кемага чиқища бу қоида ҳар бир инсонга тушунтирилади. Очик кийиниш, ажнабий мусиқалар тинглаш, беҳаё одатлар таъқиқланган. Сархуш қилувчи ичимликлар ичилмайди, тамаки чекилмайди. Кемада ихчамроқ масжид бор. Кеманинг бўлмалари ҳар бир оила учун алоҳида.

Ғайридин аёл ё ўзи, ё эри билан чиқа олади. Муслималардан ҳамиша маҳрамлари бўлиши талаб этилади. Истисно ҳолатлар ҳам бор, буни кема раҳбарияти ҳал қиласди.

Эрнинг бўйи баланд аммо озғин, инглизларга хос юзи оқ –сариқ, соchlари қизғиштоп –жингалак, бурни узун, ёноқлари туртиб чиққан, сепкилли, кўзлари кўкиш рангда. Аёлнинг ҳам ҳақиқий инглиз қиёфаси бор: соchlари жигарранг, кўзлари мовий, пешонаси кенг, қиррабурун, ияги бироз олдинга чўзилган, истарали аёл. Кўзлари тагидаги сепкил уни меҳрибон кўрсатади. Эрнинг исми Жозеф, аёлнинг исми Анна. Жозеф соқол қўйган. Қулоғидаги сирғасини кемада ечди. Анна эса кўкрагини ёпиб, узун либос кийди, муслималар ичида ажralиб қолмаслик учун, аникроғи, уларнинг ҳурматини сақлаш ниятида оқ, зарланган, сариқ гулли рўмолни бошига енгил ташлаб юрибди.

Жозеф ва Анна иккиси ҳам журналист. Улар ишлайдиган ахборот агентлиги ўз нашрлари, теле ва радиоканалари ҳамда интернет сайtlарига эга.

Ахборот агентлиги ҳалқаро мақомга эгалиги боис номи “Blue sky's sight” (таржимаси “Мовий само нигоҳи” бўлиб, қисқартмаси BSS) дир. Жозеф ва Анна БСС телеканалининг “Махсус лойихалар” бўлими ходимлари. Жозефнинг таклифи билан “Исломий руҳият” деган лойиҳа тасдиқдан ўтди. Иккиси айни пайтда кемада мусулмонлар билан яқиндан танишишлари керак. Мусулмонлар нима учун динни, айнан Исломни танлаганларини билишни истардилар. Улар камера, овоз ёзиш ускуналарини тайёрлашди.

Каттароқ хонани ижара олдилар. Кема раҳбари Масъуд Ҳасандан тасвир ишлари учун рухсат сўрадилар.

– Исломий руҳиятни англай олсангиз, бу динни қабул қиласиз, – деди Масъуд Ҳасан уларнинг лойиҳаси ҳақида билгач. – Чунки ўзини билган одам учун бошқа йўл қолмайди.

– Биз диндор бўлиш учун келмадик, – деди Жозеф. – Биз мусулмонлардаги радикаллик сабабларига қизиқамиз. Мен Ислом тарихини ўқидим. Қуръоннинг таржимаси билан танишдим. Динингиз шартлари, талаблари ҳақида ўргандим. У бир дин, холос. Мусулмонлар нима учун террорни одат қилишлари тушунарсиз. Пайғамбарларингиз даврида, ундан кейин ҳам Ислом сиёсий қудрат эди. Муҳаммаднинг фаолияти урушни, қон тўкишини тақозо қилган. Бироқ ҳозир мусулмонлар яна нимани исташлари ноаниқ. Ўшани аниқлаймиз.

– Биз теран фикрли инсонлармиз, – деди Анна. У Жозефнинг қайсиadir гаплари Масъуд Ҳасанга ёқмаганини сезганди. – Масалага холис қараймиз, жаноб Масъуд. Биз на Исломни, на насронийликни улуғламаймиз. Биз ўртада икки томонни келишитирамиз. Дунёга Исломий руҳиятни билдирамиз. У жуда ёмон эмас, менимча. Кўркишга ҳам ҳожат йўқ. Яқиндан танишсанг, аждар ҳам ваҳший эмаслигини тушунасан.

Масъуд Ҳасаннинг ёши қирқдан ошган. Жуссадор. Салобатли. Юзи табассумдан ёруғ. Оқ оралаган соқоли, сочи қалин. Миллати малай. Кўзи қийиқ. У мусулмон оиланинг фарзанди. Отаси катта тижоратчи эди. Тинч ва Ҳинд уммонидан Америкага, Африкага, Саудия, Яман ва Амирликларга улгуржи маҳсулот юборарди. Кенжа ўғли Масъудга ҳамма болалари қатори илм берди, динни танитди, улғайгач, олийгоҳда ўқитди, Масъуд Мисрдаги Азҳар олийгоҳининг Куала Лумпур бўлимини битирди. Олий таълимдан кейин отаси билан маслаҳатлашди. Шу кемани сотиб олди. У ҳозир журналистларнинг сўзларини диққат қилиб тинглагач, жилмайганча деди:

– Марҳамат. Мусулмонлар ила сұхбатлашинг. Сизларга бирор нарсани уқтирумайман. Ишингизни якунлагач, фикрларингиз, хulosаларингиз билан бўлишарсизлар, иншаАллоҳ.

Масъуд Ҳасан Анна учун яна бир бўлмани берди. Анна муслималар билан алоҳида сұхбатлашадиган бўлди. Бу жойга бир неча стуллар қўйилди. Тасвирга олиш ва овоз ёзиш учун тўла шароит ҳозирланди.

– Саудия соҳилларига етиб олгунимизча йигирма кун сузамиз , – деди Анна ўзига ўзи гапиргандек. – Бу вақтда қўп ишга улгуриш мумкин.

– Сизлар мусулмон ўлкаларида яшаб кўришингиз керак, – деди Масъуд Ҳасан. – Бу сұхбатлардан ҳам ҳақиқатларни билиб оласиз, иншаАллоҳ, бироқ исломий турмуш чиройини унинг ичидан ҳам ҳис қилиш лозим.

– Лойиҳамизнинг иккинчи қисмида бу назарда тутилган, жаноб Масъуд, – деди Жозеф. – Кемангиздаги мусулмонларнинг сұхбати ҳозирча биз учун кифоя.

... Тушдан кейин Жозефнинг студиясига элликдан ошиқ кўнгиллилар ийғилишди. Уларнинг ҳар бири ўз ҳикоясига эга эди.

– Ҳурматли мусулмон дўстларим! – деди Жозеф. – Таклифимизни ерда қолдирмаганингиз учун раҳмат. Сизларга тарқатган эълонномамиизда айтганимиздек, биз Ислом жозибасини ўрганамиз. Одамлар нима учун Ислом йўлида жонларини ҳам беришдан қайтмайдилар? Исломнинг жозибаси нимада ва нима учун дунёнинг энг замонавий одамлари Исломга қизиқадилар? Яна бир саволимиз бор. Бу ошкора айтилмайди. Лекин мен айтаман. Ислом янги –янги одамларни ўзига жалб этса -да, мусулмонларни ҳам йўқотади ва Исломга ашаддий қарши кишилар бор. Мен уларни қудратли ҳукумат вакиллари орасида ҳам кўрдим. Улар Исломдан ҳайиқадилар ё нафратланадилар. Нима учун? Бунинг жавобини уларнинг ўзлари ҳам билмайдилар. Айтаётган жавоблари жавоб ўрнида эмас. Қандайдир шахсий ва тор хulosалар. Бу онгли ечим саналмайди. Сизларнинг ҳақиқатга асосланган ҳикояларингиз бизга тўғри хulosса қилишда ёрдам беради, деб ишондик.

Жозеф нутқининг шу нуқтасида бир нафас тўхтадио, тингловчиларига бир қур назар солди. Ҳаммалари оқ либосли кишилар бўлиб, кўйлаклари тиззасига тушади. Аксари мусулмонлар соқол ўстиришган аммо ирқлари ҳам, миллатлари ҳам турлича. Уларни бирлаштирган хусусият чехраларидаги ёруғлик эди. Бу ёруғлик Жозефга ҳам мулојимлик, ҳам кишини кўрқитадиган ҳайбат ўлароқ туюлди. Кўзларида раҳмдиллик порлайди. Бу Жозефни илҳомлантириди.

– Сизлар мен ҳақимда шуни билишингизни истардимки, мен Ислом ёки мусулмонлар ҳимояси учун келганим йўқ. Мен Инсонлар ҳимояси учун келдим. Чунки Ислом ҳам одамзоднинг ҳамма ғоялари қатори нуқсонли, деб биламан. Чунки унинг ичида ҳам ўзаро қарама –қарши гуруҳлари бор. Хусусан, сунний ва шиийлар марказий рақиблар ҳисобланади. Бу икки йирик гуруҳ ҳам бир неча ўнлаб тармоқларга эга. Ҳақиқатан, мураккаб. Шу қадар мураккабликка қарамасдан мен бу лойиҳани илгари сурдим.

Жозеф бир лаҳза ниманидир эслади, фикрларини тартиблаб олиб, давом этди:

– Тарқатилаётган ахборотларнинг умумий манзарасида мусулмонларнинг ҳуқуқлари кўп бора поймол этиляпти, энг кўп кўпорувчилик ҳам Ислом номидан бўлаётир. Нима учун? Шу саволларга қониқарли жавоб изламоқдаман. Дарвоқе, – Жозеф ниманидир унугиб, энди эслагандек жилмайди. – Ёшим ўттизда. Хотиним Анна ўттиз иккода. У билан қизиқишлиаримиз бир хил чиққани учун яқинда турмуш қурдик. Сизларда аёлларнинг эркаклар билан суҳбатлашиши таъқиқланган экан. Бу қонунларингизни хурмат қиласман. Хотиним бир аёл сифатида муслималарнинг ички маънавий оламига қизиқяпти. Суҳбат учун ижозат берганингиз учун Сизлардан беҳад миннатдормиз. Марҳамат, ушбу стулга

орангиздан бир киши келиб ўтирсин. Биз унинг ҳикояси билан лойиҳамизни очамиз.

Тингловчилар бироз шивирлашиб, маслаҳатлашишгач, уларнинг ичидан ўрта ёшли киши ўрнидан турди...

... Анна муслималар қархисида бироз ҳаяжонланди. Хонани тўлдирган муслималарнинг қўпи бошдан оёғига қадар ўранган, фақат кўзлари қўринади; бошқаларининг юзлари очиқ бўлса -да, бўйинлари, қулоқлари, пешоналарини ҳам рўмол билан яшириб олишган, либослари кенг, деярли қоматни билдирадиган кийим кийган бирор аёл кўзга ташланмади.

“Улар мода балосидан узокда”, – деб ўйлади Анна беихтиёр. У Европа, Американинг ресторанларида,офисларида, байраму анжуманларида қатнашган, ўз йўналиши бўйича Стенфорд университети бакалаври, назарида, ўранган бу аёлларнинг қандайдир қудрати бор эди. Бу қудрат унда тортиниш ҳиссини уйғотди. Анна бу туйфуни охирги марта қачон туйганини эслолмади. Ҳеч қачон бирорнинг олдида мажбурият сезган эмас. У ҳамиша ўзи хоҳлаганидек кийинди, ўз хоҳишича яшади.

Бирор истагига тўсиқ қўймади. Муслималар билан кўришганда уларнинг жаҳли чиқмасин ёки уларнинг қадриятларига беҳурматлик бўлмасин учун Анна, баданига ёпишиб турса -да, узун либос кийди, сочининг ярмини кўрсатса -да, бошига рўмол ўради, лекин бу ҳолати ҳам унга муслима аёлларнинг қархисида эркин туриб, сўзлашига етарли эмаслигини у ҳозир тушуниб қолди. Иффат пардаси билан ихоталанган муслималар қошида Аннани хижолат қилган ҳиссиётнинг номи, ёддан чиқарилган Ҳаё эди. Шундай бўлса -да, у ўзини тутиб, сўз бошлади:

– Ассалому алайкум, азиз муслималар! Сизларнинг қаршингизда нутқ ирод этиш мендан ирода талаб этяпти, – қизаринқираб кулди Анна. – Мен Фарб юрагида улғайган аёлман. Фарб аёлларининг дунёси менга равshan. Ўзим шу дунёданман. Сизларни, айнан, муслима аёлларни зулмат ичида, деб таърифлайдиган дунёдан мен норозиман. Биласизми, нима учун?

Муслималар Аннани қизиқиши билан тинглаётган эдилар.

– Биласизларми, нега? – саволини тақрорлади Анна. – Аёл зоти зулматда қолиши учун бу дунёга келмаган, аёл дунёни зулматдан қутқариш учун яралган. Аёл қаерга бормасин, у ўша маконни нурга чулғасин. У шу қадар кучли бўлсин! Муслималар Аёл! Уларни зулмат қўйнида қолдилар, дейиш Аёл шаънига тухматдир. Мен шундай ҳисоблайман. Биласизми, мен феминизмга мойил аёлман. Ўзимни том маънода феминист, дея олмасам -да, Аёл шаъни, ҳуқуқини юқори қўяман. Аёлга менсимай боқишиларига тоқатим йўқ. Сизлар мана шундай чодралар ичида, эр ва фарзанд хизматида қолиб кетган бўлсангиз -да, Аёллик хурриятингиз учун бирор имкон топишингизга аминман. Аёллик хуррияти, деганда мен Аёлнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш эркини тушунаман. Ўзингиз истаган касбни эгаллаш, бўш вақтни мароқли ўтказиш, Ер шарининг гўзал масканларида дам олиш каби нуқталарда бу эркни ҳис этиш мумкин.

Муслималардан баъзилар бу нутқдан таъсирлана бошлади. Аннанинг сўзларида жозиба бордек туюлди уларга.

– Сизлар эргашадиган Мұҳаммад пайғамбарни ҳам аёли Ҳадича күллаган экан. Эрини пайғамбар, деб ишонган. Мұҳаммад ўз йўлига ишониб қадам босиши учун ҳамма шароитни тайёрлаган. Макка аристократияси, олигархияси ичида Ҳадичанинг мавқеи баланд бўлган. Мұҳаммадга Ҳадичанинг мавқеи ижобий таъсир берган, албатта. Бу билан нима демоқчиман? Аёл Ислом динида бўлса ҳам, у ҳамиша ёруғликни топа олади, зулматда қолиб кетмайди, демоқчиман. Шу фикримни исботлаш мақсадида «Исломий руҳият» лойихасига қўшилдим. Эрим Жозеф бу лойиха муаллифи,

– Анна проектор орқали деворга тасвир тушириб, Жозефнинг расмини кўрсатди.

– Сизлар билан суҳбатлашаман. Истасангиз, юзингизни экранда кўрсатмаймиз. Сиз менга аёлнинг Исломда бўлиши унга қандай қулайлик ёки ноқулайлик туғдиришини айтиб беришингизни истардим. Марҳамат, ким биринчи бўлади?

Муслималар бир неча он сукут сақлашди, ўзаро шивирлашиб ниманидир маслаҳат қилишди. Кексароқ аёл ўрнидан турди.

– Мен бошлаб бераман, – деди Аннага.

– Марҳамат, бу ерга келинг! – Анна ўртага қўйилган стол ва стулга чорлади. Столда орхидея гули, шиша идишда ичимлик суви ва финжон бор эди.

– Ўзингизни таништиринг, илтимос, тасвир олиняпти, овоз ёзиляпти, – деди Анна у муслимага.

– Оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд айтаман. Унинг Расули, Элчиси, суюкли набийимиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, оилаларига, асҳобларига салом ва саловотлар йўллайман. Аллоҳнинг исми билан сўзимни бошлайман. Сизларга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва барокатини тилайман, эй муслима опа-сингилларим! Қадрли Анна! Гўзал нутқингиз учун ташаккур. Гўзал тарбиянгиз учун сизга раҳмат. Шижаотингиз сизга хайр келтирсин. Бу шижаот сизни Ҳақ ўйлга бошласин! Менинг исмим Ҳожар. Ўзим Малайзияда яшайман, – деб сўз бошлади Ҳожар хоним.

Хонимнинг овози сехрли эди, гўё. Майин, айни пайтда қатъий. Қадам босишлари, ўтиришлари, ҳар бир ҳаракатлари виқорли эди. Анна унга қараб, бундай жозиба давлат тепасида ўтирган президент ва бош вазир хонимларда ҳам учрамаслигини ичида тан олди. Тўғри, Британия қироличаси Елизавета хоним билан бундан беш йил олдин кўришганди. Қиролича етимларга хайрия тадбирига ўғли Чарлз билан келган эди. Анна қироличани етимларни эркалаб турганида ёнига яқинлашди. Сўнг зоти олияларига хайрли кун тилади.

Қиролича унга қараб майин жилмайиб, «Хайрли кун!» – деди. «Сиз билан суҳбатлашсан, майлими?» – сўради Анна шошиб. «Майли, қизалогим. Қандай саволларинг бор?» – илтифот қилди Қиролича. Шу пайт Қиролича ходимларидан бири пайдо бўлди. “Кечирасиз, ёш хоним. Зоти олияларининг

дастурида сиз билан сұхбат йўқ”, – деди у. “Жонатан, қызга рухсат бер. Зерикиб тургандим. Саволини берақолсин”, – деди Елизавета хоним.

“Исмим Анна, зоти олиялари. Ёшим йигирма еттида. Мен ҳамиша Ер юзидағи энг донишманд Қиролича билан, яъни Сиз билан сұхбатлашишни орзу қилғанман”, – деди Анна ҳаяжони тошиб.

“Мұхым саволингни берақол, Анна, – деди Қиролича. – Ёшим түқсонда. Мен ҳам баъзиде чарчайман”.

“Афв этинг, зоти олиялари, – ўзининг эзмалигидан уялиб кетди Анна. – Сизнингча ҳақиқий Аёл қандай бўлиши керак?”

Қиролича Аннага табассум билан:

“Қизалогим, ҳақиқий Аёл қироличалардек эъзозга лойиқ бўлиши керак. Ҳамма қиролича бўлолмайди, табиий. Бироқ қироличаларнинг ахлоқини ўрганиши мумкин. Европада қироличалар, маликалар жуда кўп. Уларни насабидан кўра, сулосасининг қатъий қонунга айланган Ахлоқи чинакам қироличага айлантиради. Сиз ёшлар эса ахлоқни менсимайсизлар”.

Британиянинг эъзозли Онаси билан бўлган сұхбат шу. Анна бу қисқа сұхбатдан бениҳоя таъсиранган эди. Шундан кейин у ҳаётини тартибга солишига кўп интилди.

Ўзини пок тутишга ҳаракат қилди. Дугоналаридан фарқли ўлароқ эрта турмуш қурди. Жозефдаги жиддият уни ўзига жалб этди. Ёниб севмаса -да, эрига қалбдан боғланди. Ораларидаги илиқ меҳрни ўzlари яхши ҳис этардилар.

Анна Ҳожар хонимга боқиб, унинг сўзини тинглаб, беихтиёр Қироличани эслади, хаёлини шу хотиралар яшиндек ёритиб ўтди.

– Анна, ўзинг бўлмаган жой ҳақида гапириш қийин, – давом этди Ҳожар хоним. – Бошингдан ўтмаса, изтиробни ҳам, баҳтни ҳам танимайсан. Муслималарга аёл, деб қараётганингиз жуда яхши. Лекин бу аёлларни Ислом шарафлаган, улар ўзларини эмас, уларни Ислом зулматдан нурга чиқарган, деб фикрласангиз, энг тўғриси шу бўлади, иншаАллоҳ. Зотан, Ислом муҳит жорий этган мажбурият эмас, Фарбда шундай фикр бор, Ислом – соф инсоний фитратнинг соғлом эҳтиёжидир.

Анна сўзлаётган бу аёл оддий аёл эмаслигини тушуниб етди.

ИККИНЧИ БОБ

... – Ўз нафсини яхши билган мусулмон Ислом ҳақида гапиришдан ҳаё қиласи, – деди Аллоҳга ҳамд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтиб, салом берганидан кейин Жозефнинг биринчи сұхбатдоши. – Кимдан уялади, дейсизми? Аллоҳдан уялади! Зотан, Ислом оламлар Роббиси Аллоҳнинг инсониятга туширган Дастанидир. Бу Дастанни мусулмонлар амалга жорий этамиз, шу асосда яшаймиз, деб қабул қилдилар. Бироқ бу ваъда устида тура олмагач, инсон Ислом ҳақида сўзлашга ҳам ҳаё қиласи. Шундай: ўзини таниган мўмин Ислом ҳақида, Аллоҳнинг дини ҳақида

изтиробсиз, азобсиз гапира олмайди. Бу Аллоҳ олдидаги жавобгарлик, масъулият хиссидир. Жозеф бу жүшқин мұқаддима қаршисида таъсиrlанганини сезди. Кишига ғамгин боқадиган, юzlари думалоққа мойил, қизғиштоб соқоли қалин, күzlари катта –катта бўлса -да қийик, ёши элликларга яқин, ўртабўйдан баландроқ бу одам ҳаммани бир нафасда жалб этди. Илмли эканлигидан унинг қиёфасининг ўзи ҳам хабар берар эди.

– Исмим Абдуллоҳ Ёрқин, уйгурман, касбим компьютер дастурчиси. Кибержиноятта қарши курашаман. Менинг ҳикоям жуда олисдан бошланади. Уйгуристоннинг қадим шаҳрида туғилдим. Бу шаҳарни Хўтан, деб атайдилар. Муazzам туркийларнинг минг йиллик эртак, афсона ва достонлари бор. Бахшилар уларни куйлаб тугата олмаслар. Дўмбираларимиз сайраса бутун олам сукут ила тинглайди. Улар эртак эмас, афсона эмас, достон эмас, юраги қон, юzlари ўз қонидан алвон халқимнинг фарёди, оху доди, орзу – армони, нияту шонидир. Бу қадим оҳангларда янграйдиган Кошғар, Болосоғун, Ёркент кабилар афсунли қалъалар қатори Хўтан ҳам мадҳ этилган. Биздан ғарбда яшайдиган қондошларимиз қуёш Хўтандан порлайди, деб ёзишган. Она тупроғимни қайси сўз билан таърифлашни билмайман. Гарчи мен бу ўлкани тўрт ёшимда тарк этсан -да, Хўтан боғларининг тонг насимлари келтирган ифорлари ёдимда. Хўтаннинг осмони ёруғ. Тупроқлари қора, қизғиш, олтинранг, кумушранг! Ҳидласанг, хуш бўй таралади. Бу тупроққа таёқ қадасанг, куртаклайди. Боғларимиздаги мевалар жаннат меваларидек бўлса, не ажаб. Қуръонда Аллоҳ айтади: «Иймон келтириб, солих амал қилғанларга жаннат хушхабарини беринг! У жаннатнинг тагида анҳорлар оқиб туради. У ерда биз жаннат аҳлига меваларни ризқ қилиб берамиз. Жаннатийлар бу мевалардан еб кўриб, «Бу мевалардан илгари ҳам еганмиз», – дейишади. Ҳа, уларга ана шундай ўхшаш ризқлар берилади». Бу Бақара сурасидан бир иқтибос эди. Мен ўйлайманки, Хўтан аҳлидан жаннатга кирган мўминлар жаннат мевасини татиб кўриб, Ер юзидаги маконларини, боғларини ёд этсалар, не ажаб! Сурувларимиз, уюрларимиз кўп. Подаларимиз баракали. Халқимиз меҳнаткаш, камсуқум. Ўз ҳамشاҳарларимни кўриб қолсам, югуриб бориб пешонасидан ўпгим келади. Пешоналари ажинли, қўллари қадоқли, эгнида беқасам тўн, белида қийик ва пичноқ, кўнгли булоқ сувидек мусаффо халқим бор. Ҳар яхши сўзга ошуфта, алдашни билмайдиган, бир муҳтоҷни кўрса, вужуди ила ёрдамга шай, кўноғини уч кун эмас, ўттиз кунлаб сийлайдиган халқимиз. Бир сўкиш сўзни билмайди, бирор –бир номаҳрамга тик боқмайди, жуфти ҳалолини гўшангада танийди, ўғилларини ворисим, қизларини номусим, дейди. Аzon овозини эшитса, ҳар не ишини ташлайди.

Масжидларини, мадрасаларини қандай васф этай! Масжидларининг деворлари олтинрангда товланади. Гумбазларида кабутар, мусича, қалдирғочлар яшайди. Миноралари эса булутларга сир айтиётгандек. Миноралари муаззин сасини халқ қулоғига, қулоғи эмас, қалбига етказаётганидан баҳтиёр! Масжид ҳовлиларида райҳон иси таралади.

Атиргул ҳиди күнгилни шодлантиради. Тасбих гуллари очилиб, гүё «Субханаллох!» деб ҳар не нуксондан пок Аллоҳни ёд этади. Масжид йўлаклариға ғишт терилган. Айвонларидан файз гуркирайди. Нақшинкор устунларида қироатларнинг саси жилва этади. Мехробларида эса нур чараклайди. Хонақоҳларида ихлос ва сидқ уфуради. Имомлари тақводан азиз, муаззини ибодатдан шарафли. Қавми бошини саждага қўйганда қалбларда Роббисига таслимият ва муҳаббат тўлқинланади. Бу менинг она тупроғим, Хўтандир. Минг надоматлар бўлсинки, тўрт ёшимда бу жаннатни тарк этдим. Зотан, оиласиз билан ўз юртимиздан қочишга мажбур эдик. Отам физика муаллими эди.

У фанни яхши биларди. Давлат идораларида, чет давлатларда танишлари кўп эди. Хитой зулми ошиб боргани сайин у ўз оиласини, жонини, иймонини, молини кутқариш учун аввалдан ҳижрат хаёлида юрган. Хитой аскарлари Хўтанга бостириб киргач, вазият қўлдан кетгани маълум бўлди. Эсимда, отам ярим тунда сафар ҳозирлигини қўраркан, онамга бундай деди: “Азизам, Хитой юртимизни босиб олди. Биз ватанни босқинчига бериб қўйдик. Энди қувғинди бўламиз ё чуваринди! Бу ерда қолсак, чувариндимиз. Қочсак, қувғиндимиз. Фарзандларимиз келажаги учун ҳам, иймон ва Исломимизни сақлаш учун ҳам қочамиз. Танишларим билан гаплашиб қўйганман. Бугун Қирғизга ўтамиз. У ердан Кобулга йўл оламиз. Кобулдан Туркман орқали Машҳадга, Машҳаддан Туркияга етиб оламиз. Бундан кейин ё Туркияда, ё Оврўпода муҳожир бўламиз. Чунки Қирғиз, Туркман Советнинг қўлида, Афғон уруш ичида, Эрон бизга бир қадар бегона, у ерда ҳам вазият оғир. Азизам, йўлимиз мاشаққатли, сабрли бўламиз! Онам отамга беҳад итоатли эди. Умрим давомида Онамни ҳамиша Отам қаршисида итоатда кўрдим. Бирор марта нолигани эсимда йўқ. Очман, нон бер, демади Онам. Тилидан чиққан каломи: “Сиз нима десангиз, шу” бўлди. Шунинг учунми, биз фарзандлар шунча кўч-кўч, шунча қоч-қоч ичида на қўрқувни, на безовталикни сезмадик. Ҳижрат пайтида оиласида икки фарзанд бор эди. Акам Солих ва мен. Ота-онам тонгда тайёргарликни тутатишиди. Иккиси намоз ўқишиди. Узок дуо қилдилар. Кейин от аравага чиқиб, тонг қоронғусида Қирғиз чегарасига йўл олдик. Отам бақувват инсон эди. Милтиғи бор эди. Барча юкларимиз икки от аравани тўлдирди. Онам ва икки ўғил учинчи аравада эдик. Отам биринчи аравани бошқариб борарди. Уч кун тинмай юрдик. Алҳамдулилаҳ, бехатар ҳолда чегарага етиб олдик. Чегаранинг нариги томони Қирғиз юрти. Юкларимизни енгил текширишиди. Отам чегара нозирига кўп пул берди. Юртдан қочаётган бир биз эмасдик. У пайтларда чегараларга ҳозиргидек қаттиқ қаралмасди. Йўлини топсанг, хорижга ўтиш осон эди. Шу тариқа, эсон-омон Қирғизга ўтдик. Бизни отамнинг қирғиз дўсти Бахтмурод кутиб турган экан. Отам у билан қучоқлашиб, кўришиди.

– Қудайға шукур, ўтип алдинғиз, уста, сизин кўрен кунға ҳам жетдик, Қудайға минг шукур, – деди у қувониб.

Улар ўзаро сұхбатта киришдилар, отам аравада, Баҳтмурод у кишига бақамти хачирида юриб, гаплашган күйи кетавердик. Бу жойлар тоғли экан. Тепаликлар, дараҳтлар күп. Қишлоқлар қирлар, харсанг тошлар ичига сочилиб кетгандек. Қирғизларнинг күзи қисиқ, хитойларга ҳам ўхшаб кетарди. Лекин кулиб туриши, бағир очиши хитойдан фарқли эди, албатта. Хитой менинг бола тасаввуримда ваҳший маҳлуқ эди. Отам хитой босқинчилари, деб гапиради. Овозида бир нафратни пайқардим. Гүдак онгимга ана шу нафрат чукур сингган эди. Отам ёмон кўраётган бу одамларнинг ҳаммаси ёмон, деб ишонганман. Хўтанда, уйимизга отамнинг дўстлари йигилганларида Хитойнинг зулми, ҳақсизлиги ҳақида, ўз уйғурларимиз уларга хизмат қилаётганларини гапиришарди. Мен эса меҳмонхонамида бу сұхбатларни эшлитиб, охири ухлаб қолардим. Ўша пайтда бу гаплардан айтарли жиддий маъно англамасам -да, сўзлар хотирамга михланиб қолаверган.

Ақлимни таниб, яхши-ёмонни фарқига бораётганимда бу сўзларини хотирам омборидан бирма-бир олиб, маъносини чақдим, ўргандим. Кўп нарсаларни тушундим. Биз юриб кетаётган Қирғиз юртнинг Тўқмоқ, деган шахри экан. Бу жойнинг одамлари ҳам ўзимизнинг юртдошларга жуда-жуда ўхшар эди. Мен кичикроқлигим учунми, ҳеч кимдан бегонасирамадим. Акам эса ҳаммага ётсираб қарайди. Чўчийди. Отам кулади. “Нега чўчияпсан, Солиҳ!” дейди беозоргина. Қирғизга етиб келгунча йўлда кўрганларим ҳамон хотирамда. Ўрилган буғдоизорлардан, серҳосил далалардан, озода, ихчам қишлоқлар оралаб юрганмиз. Отам атрофга қараб, роса уҳ тортгани ҳам ёдимда. Қирғизга ўтишимиз билан бу ғамгинлик йўқолди, гўё. Аслида, эса йўқолмаган экан, бу ғамгинлик ҳаммамизнинг ичимизга, кўнглимизнинг тубтубига чўкиб олган экан. Келажакда рухиятимиз чайқалиб, вужудимиз ларзага келган онларда бу чўкинди қалқиб юзага чиқишини ҳали етарли идрок қилмаганмиз ўшанда. Мен ва акам бу ҳолни ақл билан англамаганимиз аниқ, бироқ руҳимизда бир эзгинлик бордай эди, назаримда.

Ундей бўлмагандир, балки, кейинчалик ўзим бу туйғуни мавжуд бўлганига ишониб қолгандирман. Лекин отам ва онам ўз юртларидан чиқиб кетиш изтиробини чукур ҳис этишган, шубҳасиз. Тўқмоқ шахрида нафар ростладик, бир кеча бир хонадонда меҳмон бўлдик. Отларимизни аравадан бўшатишиди, ем беришди. Мен эса кенг ҳовлида тўйгунимча ўйнадим. Биз тушган ҳовли катта эди. Ўртасидан иккига бўлинган. Кичикроқ қисмини ташқи ҳовли, каттароқ томонини ички ҳовли, дейишаркан. Номаҳрам эркаклар ички ҳовлига кирмайди, аёллар бу томонга чиқмас эдилар. Биз болалар учун бундай чегара йўқ. Кўноқ эмасмизми, ҳамма кўнглимизга қарайди. Акам мендан одобли ва ювошроқ эди. Шу ерда ўтир, дейишса, ўша жойда ўтираверади. Бир иш буюрилса, албатта, эътиrozсиз бажаради. Мен ўйинқароқ, эркаман. Ички ҳовлининг орқа тарафи отхона экан. Отхонанинг тепасига бедапоя босилган. Ўнг томонида кўп товук боқишаркан. Ҳеч кимнинг танбех бермаслигидан фойдаланиб, отхонага кираман, отлар билан

«гаплашаман», отбоқар буни кўриб қўяди, товуқхонага ўтаман. Тухум қўяётган товуқни чўчитаман, бундан жаҳлланиб менга ташланган хўрзга ҳам ҳужум қиласман, кейин бедаҳонага қўтарилеман. Тепадан атрофга қараб, катта одамлари дай қўлимни орқага қўяман. Катта одамларда қорин бўлишини ҳисобга олиб, йўқ қорнимни олдинга чиқармоқчи бўламан. Кейин яна ички ҳовлига кирдим. Айвонга бордим. Кўп аёллар ўтиришибди, бир нималарни гаплашяптилар, кўпроқ онамга эътибор қаратилган. Бундан хурсанд бўлиб, онамга нимадир деб эркалангим келди.

– Она, ҳолва беринг! – деб қичқирдим. Ҳамма аёллар менга қарашди. Онам қизариб кетди:

– Вой, Абдуллоҳ, беодоблик бўладия, болажоним! – деди. Онамни ёнига олиб ўтирган Кайвони момо кулди.

– Қизим, уялма. Бала бўғани шўх бўсин -да! Қани, кел бери! – деди менга. Кайвони момо кенг гулдор кийимли, бошида узун чўгирма, чўгири маси рангли матолар билан безалган, устидан эса рўмол ташлаб, томоғигача беркитиб олганди. Олдига секин юриб бордим. Момо мени эркала бўлди. Пешонамдан ўпди. Момонинг қўлида билагузуги, бармоқларида ҳам узуклари бор экан.

– Умринг узақ бўсин, айнам. Айналиб кетай, ма, ол ҳолва жейсанми? Же, – деди.

– Раҳмат, Катта Момо! – деб ҳолвани олдимда шаталоқ отиб ташқи ҳовли томон югурдим.

– Вой, катта момо дейдия! – деб ортимдан аёлларнинг гуриллаб кулгани эшитилди.

Катта ҳовли ўртасида ҳовуз бор экан. Ҳовуз лабида жуда баҳайбат тут ўсган. Шу тутнинг соясидаги супада бир қанча эркаклар сұхбатлашиб ўтиришибди. Акам ҳам шу ерда экан. Отамнинг ёнида тиззалиб, одоб билан худди сұхбатни тушунаётгандек тингляяпти. Буни қўриб, менинг сұхбат тинглагим келди.

– Ота! – дедим -да, супага югурдим. Супада ўтирганлардан ёшроқ йигит тезда мени қўтариб, супага чиқарди. Мен отамнинг ёнига бориб, ўтириб олдим. Ўртада хонтахта. Дастанхонда мева –чева. Нон. Гўшт. Супа тепасига бўз тортилган. Қолган –қутган тут ёки қушлардан у –бу тушмасин, дейишган бўлса керак. Отам гапираётган экан, қолганлар тингларди.

– Алихонтўра Соғуний жаноблари бир сұхбатларида жуда ачинган эканлар. Ёқуббек тузган Еттишаҳарнинг таназзули Уйғурлар ҳурриятининг тугаши бўлди, деб. Хитойда яқин –яқингача аҳвол оғир эди. Мао Цзе тахтга чиқмасидан аввал Уйғур давлати тузишнинг қулай фурсати бўлган. Афсус, кўмондонимиз Алихонтўра жанобларининг буюк ниятлари амалга ошмади. Эшитишимча, ҳозир Тошкентда эмишлар? – деб сўради отам.

– Ҳа, Тошкентда. Кўкча маҳалласида истиқомат қилаётган эканлар, – деб жавоб берди иягидаги уч –тўрт соқоли бор бир одам.

– Сиҳҳатлари қандай экан? – сўради яна отам.

– Бироз бетоб эканлар. Шунга қарамай илм беришдан, ижоддан тўхтамаётган эканлар. «Тарихи Мұхаммадий» номли сийрат асарини ёзибдилар. Темур Кўрагоннинг «Тузуклар» китобини форсийдан туркийга ўгирибдилар. Шу кунларда «Туркистон қайғуси» деган бир асар ёзяптилар, деб эшигатман, – жавоб берди бояги одам.

– Аллоҳ хайрли этсин! – дуо қилди отам. – У киши Шарқий Туркистон Ислом жумҳуриятини эълон қилғанларида қўлларида эллик минг мужоҳид бор эди. У кишини ўғирлаб кетишгач, кўп дилхираликлар бўлди. Жанобга итоатда юрганлар ўзаро ихтилоф этишди. Хитой тортиб келган армия қаршисида тумтарақай бўлдилар.

Холбуки, Алихонтўра бу қўшинни бошлаб чиққанида ҳар бир аскар бир шер эди. Хитой армияси чумчуқдай қочган эди... У улуғ воқеалар бугун бир ўтмиш. Бир ўтмиш, келажак ундан ибрат олмоғи лозим.

– Биз нима учун бу имконни бой бердик деб кўп ўйланаман, – деди тингловчилар орасидан яна бир киши.

– Бу неъматга лойиқ бўлмадик, – деди отам. – Ҳурриятга, бир Давлатга, бир Йўлбошчига муносиб эмас эдик, Аллоҳ бизни маҳрум этди.

– Қандай қилиб муносиб бўлиш мумкин? – яна савол берди бояги одам.

– Аллоҳнинг динини ўрганамиз, амал қиласиз, душмандан кўрқмасликни, урушни, хато қиласликни, иттифоқни, аҳилликни, итоатни, садоқатни, мардана ўлишни ўрганамиз, шундай яшашни бошлаймиз ва ўша буюк даражага чиқамиз, иншаАллоҳ. Йўқса, хорлиқда қолаверамиз. Соғуний жаноблари шуни таълим бердилар. Бироқ бу таълимни олмадик.

... Суҳбат чўзилди. Шом вақти кирди. Ҳамма намоз ўқиди. Мен ҳам, акам ҳам ўқидик. Кечки таомдан кейин ҳам гап узилмади.

– Алихонтўра жаноблари айтар эканларки, хатар бўлса, зиёратимга келманг, деб. Маҳаллаларида доимо Совет жосуллари ўралашиб юради, – деди соқоли кам одам.

– Келганни ҳам, кетганни ҳам текшираб эмиш. Темур Кўрагоннинг китобини таржима қилиб бўлғанларида ўғирлаб ҳам кетишибди, нобакорлар. Устоз хос суҳбатларда: «Ер юзида Худони инкор қилган биринчи тузум шу Совет тузуми бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча сўзлари ҳақ: хулафои рошидийнлар ўтдилар, султону амирлар ўтдилар, золим подшоҳлар ўтдилар, охиризамон Ислом нусратига яқинлашяпмиз», – деб айтар эканлар.

– ИншаАллоҳ, бу биз мазлумларга бир ҳурриятдир, – деди отам.

... Улар қанча гаплашиб ўтиришди, билмайман, чунки тошдай қотиб ухлаб қолибман. Эрталаб мусичанинг «ку-ку»лаши уйғотди. Ҳовлилар супурилган, район ҳидлари тарапланган, чумчуқ, қалдирғочлар вижирлайди, отам эса Куръон ўқир эди. Нонушта қилдик, қаймоққа иссиқ нонни ботириб, еб олдим, сарёғ қўшилган қайноқ сутни ичдим, акам ўз одатича кам еб, кам ичди. Қуёш қиздирмасдан йўлга отландик. Отамнинг режасига кўра Туркман

чегарасига кетаётган эдик. Бизни кутаётган қандай синовлар бор, билмасдик, албатта. Бугун қўрқмасдан шу сафарга отланган отамнинг жасоратига қойил қоламан. От арава миниб минглаб чақирим сафарга чиқиш учун инсон нақадар ботир бўлмоғи керак?! Ният холис бўлган экан, саноқсиз синовлар фақат бизнинг фойдамизга хизмат қилди.

УЧИНЧИ БОБ

...Хожар хоним муслималарнинг ҳар бирига бирма –бир қараб чиқди. Сўнг Аннага қараб:

– Анна, бу ерга ўз ҳаётимни ҳикоя қилгани чиқмадим, – деди у. – Бу ердаги опа-сингилларимда сиз кутган ҳикоялар ҳам бор, шубҳасиз. Мен Ислом ҳақидаги баъзи хато тасаввурларингизни Роббим қодир этган даражада тўғирлашни истайман. Ислом нуқсондан холи диндир. Чунки уни нуқсондан холи бўлган Аллоҳ инсониятга неъмат, раҳмат ўлароқ тушириб берди. Тасаввур қилинг, туғилганингиздан сўнг, ота-онангиз сизни парвариш этмасалар, яшаш имконингиз қай даражада бўлар эди? Улар сизга юришни, кийим кийишни, овқат ейишни, ювишишни ўргатиши. Мактабда ўқиш, ёзишни ва бошқа илмларни таълим бердилар. Гўдак ҳолингизда ташлаб қўйганларида қандай бўларди? Буни ўйлашнинг ўзи қўрқинчли. Мен инсонлар жамиятининг қоидаларини айтмоқдаман. Қайси дин, қайси ирқ, қайси ҳалққа мансуб бўлманг, ота-оналарнинг фарзандларига ғамхўрлик қилишлари орасида тафовут йўқ. Келинг, ҳайвонот ёки қушлар оламига боқинг. Ўз насли учун қайфурмайдиган бирор жонзодни қўрмайсиз. Ҳатто илон ва қумурсқалар ҳам ўз болаларига кўп тарбиятлар берадилар. Туғилган боласини ялайди, эркалайди, боқади, овга ўргатади ва ҳоказо. Мен нима учун бу мисолларни келтирмокдаман? Одамзодни ҳам йўқдан бор қилиб, ақл, нафс ва қалб ила неъматлантирган Аллоҳ унга қандай яшашни ўргатмасмиди? Ўргатарди, албатта, ўргатди ҳам. Пайғамбар одамзодга тўғри яшаш илмини Аллоҳдан олиб келдилар. Аллоҳ Одам ато алайҳиссаломдан то набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламгача инсониятга буюк Тарбиялар берди, Таълимлар берди. Уни қабул қилганлар иззат топишиди, рад этганлар хорланди. Охири замон пайғамбари Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Аллоҳ динини камолга етказди. Уни Ислом, деб атади. Ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у зот алайҳиссаломнинг издошлари Исломда яшадилар, яшаш асносида Исломда бўлмоқнинг гўзалликларини Ер юзига намойиш қилдилар. Агар Ислом билан улуғликка эришмаса, билсинки, у Исломни тўла қабул этмабди, Исломга тўқис итоат қилмабди. Ким Ислом билан шарафланса, билингки, у бу динни руҳининг чироғига, жисмининг яроғига, ҳаётининг байроғига айлантирибди, яъни Исломнинг ичиди яшабди. Хожар хоним сўзининг шу нуқтасида

финжонга сув қуйиб ичди. Анна нотиқ хоним нутқини якунлаганини сезиб, сўради:

– Хоним, жуда гўзал гапирдингиз. Мен фалсафани яхши ўқиганман. Билсангиз керак, Европада, Америкада ҳар бир фан фалсафа устига қурилади. Илмда фалсафа тасдиқлаган назарияларгина қабул қилинади. Қадимги юонон фалсафаси жуда жозибали. Суқротни фалсафанинг отаси деб таърифлайдилар. Унинг шогирди Афлотун, Афлотуннинг шогирди Арасту.... Умуман, бу масала жуда чукур. Кейин насронийлик жорий бўлди. Насронийлик фалсафани қатағон қилди. Ўрта аср Европа Уйғониш даври намояндадарининг ҳар бири файласуф эди, улар насронийлиқдан ошиб ўтиб, юонон фалсафасига таяндилар. Кейин Инжилдаги покланиш, тавба, яхшилик қилиш, ёмонликнинг жазоси ҳақидаги оятлар фалсафий метафизика билан қоришиб кетди. Яъни фалсафа ғайбни рад этмайди. Ақлдан ташқари ҳодисаларни ҳам эътироф қиласди ва буни метафизика деб номлади. Инжилдаги ғайб таълимоти метафизикани бойитди десак ҳам, бўлади. Мен буларни кўп ўқиганман. Хитой, Хиндистондаги буддавийлик таълимотларидан хабарим бор. У ерларда бўлганман. Дунёдан воз кечган, рух тарбиясини олий иш деб биладиган руҳонийлар билан танишганман. Инжил, Қуръон ва бу таълимотлар орасида умумийликлар бор. Гўё улар ўзаро бири бирини тўлдиради. Айниқса, Исломдаги суфийлик покланишга кучли эътибор берилади. Бу ҳам қайсиdir жиҳатлари билан менга Тибетроҳибларининг эътиқодини эслатади. Сиз айтяпсизки, Исломни Аллоҳ Ер юзига инсонлар учун тўғри яшаш таълимоти ўлароқ туширди. Бу билан сиз инсоният тафаккур ва руҳий дунёсининг бошқа барча хазинасини инкор қилмоқдасиз: метафизика, Шарқдаги буддавийлик ғоялари, ҳатто, эзгулик ва ёвузлик орасидаги курашлар ҳақида сўзловчи зардуштийлик, дао, тай қзи, кунгфу таълимотлари, бадиий адабиётлардаги юксак қарашларни, санъатни, ҳамма-ҳаммасини рад этяпсиз. Агар Исломни танласак, ҳаётимиз рангини йўқотиб, бир хилликка мубтало бўлмаймизми? Араблардан чиқсан диннинг темир қоидалари одамзод эркини чеклаб ташламайдими? Мұхаммад инсоният пайғамбариман деб айтгани билан Ислом араб халқлари манфаати устига қурилгандек туюлади менга.

Анна гапини тугатиб, Ҳожар хонимдан жавоб кута бошлади. Тингловчиларнинг айримлари бу нутқни тушунди, айримлари эса бироз англамади, айримлари эса фаҳм ҳам этмаганди. Ҳожар хоним Аннага жилмайиб қаради. Анна нутқи давомида бироз ҳиссийлашди, натижада, юзи бироз қизаринқиради.

– Европа университетларида, Америкада ҳам, ўқитиладиган асосий китобларда Зигмунд Фрейд, Эрих Фромм, Эдмунд Хуссерл, Гадамер, Дилтей каби файласуфларнинг қарашлари қонун деб қабул қилинган, тўғрими, Анна? – сўради Ҳожар хоним. Анна тасдиқлади. – Улар фалсафада жуда чукур ёндашганлар. Ғарб файласуфлари Мусулмон Шарқида етишиб чиқсан ибн Рушд, ибн Арабий, ал-Форобий, ал-Ғазолий, ибн Сино, ал-Жилий каби ўнлаб

олимларни ҳам унтиб қўймаган. Шу билан бирга Ғарб фалсафасининг ўзгармас қоидалари ичida ўzlари учун баҳсли бўлган бир хулоса ҳам бор. Файласуфлар одамзод табиати, руҳияти, ақлини тадқиқ эта-эта коинотдаги Олий Ақл ҳақида бир гапни ўйлаб топдилар. Фрейд, Фромм каби файласуфлар миф деган атамани кўп тушунтиришиди. Одам онгидаги ҳар қандай хаёл мифдир дейишди. Миф инсоният генида сақланган ухлоқ ахборотлардир дейишди. Инсон биологик майлларини тийса, ҳеч қачон баҳтли бўла олмайди дейишди. Олий Ақл ўз-ўзидан бор, у ҳамма нарсанинг асоси, у турли шаклларда ўзини намойиш этади дейишди. Миф Олий Ақлнинг меваси дейишди. Одамзоднинг руҳоний-маънавий эҳтиёжлари Олий Ақлнинг бир белгиси дейишди. Барча таълимотлар Олий Ақлда бирлашади, одамзод Олий Ақл билан абадийликка эришади, ҳаётдан кейин бошқа ҳаёт йўқ деб, ўлим ҳаётини инкор қилишди. Тўғрими, Анна? Эҳтимол, сиз бу ҳақдаги китобларни ҳам ўқигандирсиз?

Анна шу ерда донг қотиб қолди. У Ҳожар хонимнинг ҳар бир жумласини ақл элагидан ўтказиб, бу аёл фавқулодда хислатли эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг назарида, рўмол ва ҳижоб ўраб юрган аёл бу қадар катта илмга эга бўлиши имконсиз эди гўё. Ҳолбуки, қаршисидаги муслима унга унинг хаёлидаги ахборотларни очиб бераётганди. Анна шу чоққача ўзи ишониб келаётган бу таълимотларни шундай оддий сўзлар билан ифодалаш мумкинлигидан бехабарлигини ҳис қилди. Чунки у фалсафанинг мураккаб ғояларини осон услугуда етказиб бўлмайди деб ўйларди. Китоблардаги жуда кўп қоидалар, бижирлаб кетган мисоллар унинг хотирасига сифмай ҳам қоларди, гўё. Ҳозир эса унинг тасаввуридаги Ислом “зулмати”даги бир аёл ҳаммасини бир нафасда айтиб берди. Шунча илмни билиш учун, албатта, Ғарбда ўқиш керак эмасми? Балки, Ҳожар хоним янги муслималардандир!?

– Хоним, – деди Анна шуларни ўйлаб. – Тўғри сўзладингиз. Гарчи фикрларингиз хулосасини аниқ билмасам -да, сўрамоқчи эдим: Сиз Исломни қачон қабул қилдингиз?

Ҳожар хоним Анна нима учун бу саволни берганини тушунди.

– Анна, мен ҳали Одамзод яралмасидан аввал Исломни қабул қилғанман.

– Ҳа... – Анна бу жавобдан сўнг бир лаҳза эсанкираб қолди.

– Аллоҳ Ер юзида Одам атодан то қиёматгача бўлган оралиқда яраладиган ҳамманинг руҳини йиғиб, “Мен кимман!” – деди. Руҳлар: “Сен бизнинг Роббимизсан!” – дейишди. “Сизлар Менга таслиммисизлар?” – деди буюк Аллоҳ. “Сенга мақтовлар бўлсин, биз Сенга таслиммиз!” – деди руҳлар. Бу таслимият Ислом эди. Исломда бўлиш эди. Ўша Аҳд қунида менинг руҳим ҳам Аллоҳга аҳд берган, ўшанда мен мусулмон бўлганман, – деди Ҳожар хоним.

– Ҳайратланарли бир эътиқод! – деб юборди Анна. – Мусулмонлар ана шундай деб ишонишларини билардим. Аммо биринчи марта буни бир тирик муслимадан тингладим. Хоним, сиз исломий оилада туғилганмисиз?

– Мақсадингиз шуни аниқлаш эди, Анна, – деди Ҳожар хоним. – Ислом мұхитидаги аёл мен айтәётгән илмларни, сизнинг наздингизда, билиши қийин. Анна, менинг аждодларим Исломда ўтдилар. Мен ҳам Ислом тарбиясими олиб улғайдим. Бу илмларни ҳам диним тақозоси ўлароқ ўргандым. Баъзилар ўйлаганидек, аёлнинг Исломда бўлиши, ҳижобда яшashi уни ақлсиз, банди, мазлумга айлантирмайди, билъакс, унинг иффатини, шаънини бегоналардан ҳимоя этади. Аннага бу жавоб бир танbihдай таъсир этди. У қизариб кетди. Очиги, у эътиroz билдиришни истаётган эса -да, эътиrozларини тартиблаб улгурмаётгани сабабли индай олмади.

– Энди Ислом сиз айтгандек, инсоният тафаккури хазиналарини рад этадими? Исломнинг темир қоидалар одамзодни фикр эркидан маҳрум қиласи деган мулоҳазаларингиз хусусида сўзлаймиз, – Ҳожар хоним давом этди. – Азизам Анна! Фалсафада чукур кетиш яхши ва ёмон орасидаги фарқни йўққа чиқаради. Муқаддас деб қабул этилган ҳамма қадриятларни янчib ташлайди. Масалан, инсоннинг биологик майлларини тиймасликни эрк деб билсақ, инсон нималарни хоҳламайди? Тўғри ва нотўғрининг орасида чегара бўлиши лозим. Бу чегарани инсон топишга қодир эмас. Худони Олий Ақл деб номлаб, шубҳа –гумонлар ичида юриш фақат тушкунлик зулматига етаклайди. Исломни ягона Ҳақиқат деб эътиқод қилсангиз, ундан ташқаридаги ҳамма нарса ёлғонлигини тушунасиз.

– Бажонидил, – деди Ҳожир хоним. – Менинг гапларим шу, ҳозирча. Сиз тинглашни истайдиган ҳикояни бошқа муслималардан эшитамиз, иншаАллоҳ, – Ҳожар хоним шундай деб ўрнидан турди.

... Хонимдан сўнг, бу жойга ёши қирқларга яқинлаган бир муслима келди. У ҳам Аллоҳга ҳамд, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат айтиб, гапини бошлади.

– Исломим Шафиқа. Покистонданман. Лахорда туғилганман. Муаллимамиз Ҳожар хоним ҳақ гапни айтдилар: менинг узун бир қиссан бор. Бу ўз ҳаётим ҳикоясиdir. Мен буни тўқимаганман, бирордан эшитиб олмаганман. Ўзим яшаб ўтган бир ҳаёт бу. Уни сизларга ошкор этаман. Тинглаб, албатта, хулоса қилинг, – деди сўзга чиққан муслима юзидағи парданинг ўзинигина очиб. Анна бу сухбатдошининг фавқулодда гўзаллигидан илҳомланиб кетди.

– Шафиқа хоним, шу қадар латофатлisisизки, Ғарбда бу гўзаллик нақадар қадрланишини биласизми? Сиз санъат давраларининг илоҳаси бўла олардингиз! – деди Анна.

Шафиқа хоним Аннага маъюс жилмайди.

– Шундай денг? – деди маҳзун овозда. – Келинг, ҳикоямни бошлай қолай.

– Албатта, албатта, – деди Анна.

— Отам Лаҳор мадрасаларидан бирида мударрис, яъни ўқитувчи эди. У киши табиатан қаттиққўл бўлиб, ҳеч қачон кўнгилбўшлиқ қилмасди. Отамнинг тўрт хотини бор эди. Тўрттovi ҳам бир ҳовлида яшарди. Аникроғи, отам катта ҳовлини тенг тўрт қисмга бўлганди. Раҳматли бобомдан қолган даромадли тижорат отамни шундай бой ва имконли бўлишига шароит берганди. Отам тўрт хотинини бирдек назорат қиласди. Ҳамма хотинларидан умумий ҳисобда ўттиз фарзанди бор. Ўн етти ўғил, ўн уч нафар қиз. Отам ҳар бир аёлига бир нафардан хизматчи ходима олиб берган. Бундай катта оилани бошқариш, еб-ичириш осон эмас, албатта. Ўттиз фарзанднинг ҳар бирини тарбиялаш, таълим бериш, банд қилиш ҳам машаққат. Отам шунинг учун бўлса керак, доим важоҳатли эди. Ҳамма фарзандлар отамдан қўрқардик. Отамнинг аёлларини айтмаса ҳам бўлади. Улар отамдан Азоилдан қўрқандек қўрқишарди. Шу қадар улкан ҳовли бирор марта тўзиб ётганини эслай олмайман. Отамнинг аёлларининг ҳаммасини она деб танидик. Ўз онамизни она деб чақирсак, хонадоннинг катта хонимини катта она, кейингиларини кичкина она дер эдик. Оналаримизга беҳурматлик қилмадик. Итоатларидан чиқмадик. Отамнинг талаби шу эди. Оналаримиз ҳам бизга овоз кўтаргандарини билмайман. Қарғищ, нолиш, йифи-сиғи бу хонадонда йўқ. Оналаримиз ҳам, хизматчи аёллар ҳам уй тозалаш, овқат пишириш, кийим тикиш билан банд бўлишар эди. Ҳар куни кундузи соат ўндан ўн биргача мутолаа ва қироат вақти эди. Отам шундай атарди. Ҳар бир онамиз ўз болаларини йифиб, китоб ўқитарди. Бу китоблар ҳар хил бўлса-да, тартиби бор эди. Асосан, ақийда, тарих, ибодат ҳақида ўқирдик. Мактабга бордик. Мадрасага қатнадик. Отамнинг талаби билан оналаримиз ўқишимизга ўта эътиборли эдилар. Хонадонимизда бир вақт намоз қазо бўлмаган, хуфтондан сўнг деярли ҳамма ухлайди, бомдоддан сўнг уйқу мумкин эмас. Пешин намозини ўқиб ҳам, бирор соат ухлар эдик. Отамни ҳар куни кўра олмасак-да, кун ора кўрардик. Тўрт кунда бир бизнинг дастурхонда ўтириб, кечкилик қилардилар. Лаҳордан ташқарида еримиз бор эди. Бу ернинг бир қисми мева ва узумли боғ, бир қисмига ҳар йили мош, ловия, нўхот ва турли сабзавотлар экардик. Биз қизлар ерда меҳнат қилмасак-да, акаларим, укаларим ишлашарди. Чорвамиз ҳам бор эди. Отам ҳеч бир фарзандини бекор ва эътиборсиз қўймасди, тўғри, биз билан суҳбатлашгани вақти деярли йўқ эди. Лекин тарбиямизни асло унутмаган. Мен отамнинг кенжা аёлидан туғилган кенжা қизи эдим. Айтишларича, бобом отамнинг шогирди бўлган. Энг гўзал қизини устозига никоҳлаб берган. Онам чиндан беҳад чиройли аёл эди. Катта оналаримиз онами бироз суймасликларини кўп сезганман. Онам эса буни қўрмаганга оларди. Ҳамиша отамни ҳурмат билан кутарди. Онгимизда ота деганда Ер юзидағи энг улуғ инсон гавдаланган доим. Ўн ёшга тўлганимда кўзгуда ўзимни кўп томоша қилардим. Кундан кун гўзаллашаётганимни яхши идрок этганман. Ўша пайтлар Покистонга Америка маданияти кўпроқ таъсир этаётган эди. Инглиз тилини ўрганарканман, турли журналлар, газеталардаги суратлар менинг

хаёлимни ўғирлайдиган бўлди. Кўчаларимиз Америка қўчалари олдида ғариф эди. Одамларимиз америкаликларга қиёслаганда кўримсиз, қолоқ эди. Ҳаётимиз Америка ҳаёти олдида ўта жўн, ўта зерикарли эди. Ўн тўрт ёшимда шундай ишонч онгимга мустаҳкам ўрнашиб бўлди. Бироқ онам билан кам гаплашардим. Менимча, онам ўта содда аёл эди. Опаларим ҳам қўзимга ўта мутеъ кўринган. Ўзимни бу ҳаёт одами деб ҳисобламай қўйдим. Бурқамни очиб юришдан қўрқсан-да, хаёлимда соchlаримни гарбона турмаклаб, ҳаммани лол қолдириб юришни орзу қила бошладим. Уйимизда мусика тингланмасди. Телевизорда ҳам фақат диндорларнинг ваъзлари қўйиб бериларди. Мен эса мусика ошуфтаси бўлиб қолдим. Шундай ўзгаришлар ичидаги юрар эканман, менга совчи келди...

ТЎРТИНЧИ БОБ

Абдуллоҳ Ёрқин ҳикоясини давом эттируди:

– Туркман чегарасидан ўтдик. Бироз юрдик. Онам, акам ва мен йўл четидаги дараҳт тагида қолдик. Отам отга миниб, қаергадир кетди. Акам билан онам ўзига эрмак топди. Ариқдан сув олиб сепди. Юкларни тартиблай бошлади. Биз қўнган жойдан уч юз метр нарида ўтов кўринади. Ўтов атрофида болалар ўйнаб юрибди. Ўтовдан бир жувон чиқиб, нималаргадир уннайди. Кейин яна кириб кетади. Бир –икки марта бизга қаради. Ариқ деганим анҳордан кичикроқ ўзан. Ёқасида тол, мажнунтол, наъматак, бақатерак, тут ўсган. Йўл шағалли. Бу ердан ўзиорар уловлар ўтиб қоларкан. Бундай уловларни Хўтанда кам кўрганмиз. Дариллаган овоз чиқади. Катта, юмшоқ ғилдираклари бор. Орқасида тутун чиқарадиган қувур. Атроф бийдай дашт. Сув қаердан келиб, қаерга кетади – билиб бўлмайди. Яқин –орада бирор қишлоқ кўринмайди. Акам билан мен чумолиларни анча томоша қилдик. Мен чумолиларнинг сувда сузишини кўргим келиб қолди. Барг олиб, чумолиларнинг карвонини тўсадим. Бир неча чумоли баргга чиқди. Баргни сувга қўйиб юбордим. Назаримда, чумолилар учун барг кема эди. Бу «кема»нинг ариқда «сузиши»ни томоша қилиб, оқим бўйлаб югурдим. Ортимдан онамнинг хавотирли саси келди:

– Абдуллоҳ, узоқлашма, болам!

«Кема» сув ўртасига кетиб қолди, мен чумолиларни тақдир измига қолдириб, онамга қараб югурдим.

– Она, нон! – дедим.

Онам тугундан қора буғдой нони олиб берди. Мен ариққа келдим. Ноннинг ярмини акамга бердим. Ўзимнинг улушимни сувга ботириб, қотган нонни юмшатиб, оғзимга солиб чайнай бошладим.

Ўтовдан бир кампир чиқди. Ортидан бояги аёл кўринди. Кампир аёлдан ниманидир сўради. Аёл ҳам бизни кўрсатиб жавоб берди. Кампир биз томон кела бошлади. Онам унга томон пешвоз юрди:

– Ассалому алайкум, она, – деди.

Кампир ҳам ўз қизини күргандек онамни бағрига босди:

– Ва алайкум ассалом, чироғим, – деди. – Құноқмисизлар?

– Ҳа, она, құноқмиз. Үйгурмиз. Үғлингиз ўзюරар улов ахтариб кетди, – деди онам. – Юкимиз күп. Йўлимиз мүл.

– Войй, чироғим, – астайдил ачинди Туркман она. Мен туркманлар юртида эканлигимизни билганим учун кампирни хаёлимда «Туркман она» деб атадим. – Мусоғирлик қурсин, чироғим. Биз туркманлар чўлма –чўл юрамиз. Умримиз сахрова ўтади. Бизга бунинг ҳеч бир оғири сезилмайди. Лекин Ватанидан чиқкан одамга қийин. Юр, чироғим, ўтовга юр.

Онам тараддудланди:

– Она, юкларимиз бор. Үғлингиз ҳам келиб қолса...

– Юкларинг жойидан қимирламайди. Ўғлим келса, ана, невараларим.

Хабар беришади, юрақол, – қистади Туркман она. Үнга эргашиб, ўтовга кирдик. Ўтов ичи кенг ва салқин экан. Ерда гулдор, юмшоқ гилам ястанган. Тўшак ўрнида терилар. Туркман онанинг таклифи билан майин терига ўтиридик. Туркман она дуо қилди:

– Худойим сиз мусоғирларни эсдан чиқармасин, чўлларимиз серўт, қўйларимиз серсут, сергўшт, этли бўлсин! Омин!

Ўртада дастурхон. Кўзача. Нон. Қоқи мевалар.

– Чироғим, уйғурлар ҳам е, демаса, овқат емайдими? Туркманлар е, демайди. Ўзинг олиб е. Уят бўлмайди. Емасанг, уят бўлади.

Онам нон ушатди. Кўзачадан сопол косага айрон қўйди. Акамга, менга берди. Ўзи ҳам ичди. Туркман она ҳам тамадди қилди. Таом пайти ҳеч ким гапирмади. Таомдан сўнг онам ҳам Туркман она билан гаплашиб кетди. Биз болалар ташқарига югурдик. Болалар билан тезда тиллашиб, ўйинга берилиб кетдик. Кечга яқин отам келди. У отда эмас, ўзиюරар уловда келди. Юкларимизни шу уловга ортдик. Туркман онанинг ўғиллари ҳам келишди. Улар бизга кўмаклашдилар. Туркман она бизга бир нарсалар берди. Онамни кучоқлаб, ўпди. Бизни ҳам қучоқлади, ўпди.

– Йўлларинг олис экан, яқин бўлсин! – деб дуо қилди.

Ўзиюරар уловнинг орқаси атрофи ўралган супа экан. Шу супага юкларимизни кўйиб, ўзимиз ўтириб кетишга ҳам жой ҳозирладик. Ҳаммамиз ўтиридик. Улов бир силкиниб, юриб кетди. Мен отамнинг пинжига тиқилдим. Акам онамнинг ёнида.

– Отларни сотдим, – деди отам. – Бу улов билан уч кунда Эронга етиб оламиз.

... Бирор шаҳар ё қишлоқда тўхтамадик. Улов деярли тинмай юрди. Билсак, уни икки киши галма –гал юргизар экан. Учинчи кун тунда уловнинг силкинишдан уйғониб кетдим. Қарасам, отам ҳам, онам ҳам уйғониб, нимагадир қулоқ тутишяпти. Пастдан овоз келди:

– Машинада нима бор? Борингни бер!

– Ё бошингни узайликми? Ўлигинг чўлда қолади, бўрилар еб кетади.

– Машинанг ҳам бизга қолади.

– Оғам, машинада ҳеч нарсам йўқ. Бир мусофири оиласи билан манзилига элтяпман.

– Алдама, оч, юхонани! Оч!

Ўтирган супамизнинг орқа томони эшиги очилди. Фонус тутган отлиқлар кўринди. Уларнинг қўлида милтиқ ҳам бор эди. Онам қўрқиб кетди. Отам бизга:

– Кўрқманглар! – деди. Ўзи супадан пастга тушиш учун юрди.

Осмон тиник эди. Осмонда тўлин ой. Юлдузлар чараклайди. Чўлнинг изгиринли шабадаси эсади. Она болалар бўйрага ўрандик. Онам иккимизни маҳкам қучоқлаб олди.

– Ё Қодир Эгам! Бизни паноҳингда асра! Ё Мехрибон Эгам, бизни ташлаб қўйма! Ё Қодир Эгам! Ё Раҳмли Худойим! Бизни ҳимоя қил! – онам тинимсиз пиширлаб шундай дерди. Онам бизни шундай қаттиқ қучоқлаб олганники, юрак уришини сезиб турдим. Ич –ичимдан қўрқмасам -да, хатарда эканлигимизни идрок этиб, нафас ҳам чиқармасдим. Пастда эса отамнинг йўлтўсарлар билан суҳбати қулоққа чалинади:

– Оғаларим, – дерди отам. – Хотиним, икки болам билан кетяпман. Уйгурман. Хитой зулмидан қочдим. Боримни йўлда сарфлаб келяпман. Шу условни ҳам базур топдим. Ҳали манзилим олис.

– Шундай де? Қаерга кетяпсан?

– Оғалар, Эронга ўтишим керак. Кейин Туркияга.

– Туркманда юравер! Туркияда нима қиласан! Киминг бор у ерда?

– Оғалар...

– Айт, айт! Ит эгасини танимайдиган замонда Туркияда сенга кўзи учган ким экан?

Отам жим қолди.

– Эй мусофири, исминг нима? – бу мутлақо жиддий бир овоз эди.

– Иброҳимман, – деди отам. – Иброҳим Ёрқин.

– Яхши, Иброҳим Ёрқин. Мени эшит! Сен чиққан условни ўрислар кўпроқ минади. Улар бу условда наша, кўкнори ташиб юрадилар. Аффондан олиб, Эронга, Қирғизга, Термизга, Тошқовузга, Хоразмга сотадилар. Биз инсофисиз қароқчи эмасмиз. Бу кофирларнинг шундай қилиб, додини берамиз. Кейинги пайтда аҳвол оғирлашди. Ўрис Аффонга қўшин киритади дейишпти. Сен хитой зулмидан қочдим деяпсан. Мен мазлумни таламайман. Ростини айт, Туркияда кимни қора қилиб кетяпсан? Гапинг рост бўлса, сени Туркиягача эсон –омон боришингни таъминлашга ҳаракат қиласан.

– Оға, мен қора қилиб бораётган одам ҳаётми, йўқми, билмайман. У жуда таниқли одам. Бобом унинг мужоҳидларидан бўлган, – деди отам.

– Бобонг мужоҳид бўлганми? Ё Қодир Аллоҳ! – йўлтўсар оға ҳайқириб юборди.

– Бобомнинг исми Қиличбек Мужоҳид бўлган. У амирулмуслимин Ёқуббек қўшинида бўлган. Еттишаҳарни барбод этганларидан кейин бобом Хўтанга, она юртига қайтади. У пайт ёш, навқирон йигит бўлган. Ёши

етмишга етганида Фарғона коғирга қарши Эргаш қўрбоши жиҳод қиляпти деб эшитади. Фарғонага келиб, Эргашнинг Форбувадаги қароргоҳига боради. Ўша ерда Шермуҳаммадбек қўрбошига ёрдамчи бўлади. Бобом аскарлар ичидан нисбатан ёши улуғ эди. Ёқуббек Бадавлат лашкаридан ҳам олган тажрибасини ишга солади. Оппоқ соқоли билан ўрисга қарши қўп урушиб, шаҳид бўлган. Шермуҳаммадбек шунда қўп маҳзун бўлган. Бобомнинг яккаю ягона ўғли отасининг шаҳодат топганини эшитиб Форбувага келган. У менинг отам Холид Мужоҳид эди. Уни ҳам Шермуҳаммадбек ўз лашкарига олган. Кўп урушлардан сўнг, ҳар хил сабаблар билан қўрбошилар лашкари тарқалиб кетди. Кобулга чекинишга мажбур бўлган Шермуҳаммадбек қўрбоши отамга «Юртингга қайт!» дейди. Отам Хўтанга келди. Мен ўшандада анча эсимни таниб қолгандим. Кейин отам яна урушга кирди. Энди у киши Алихонтўра Соғунийнинг лашкарида эди. Алихонтўрани ёлғон келишув билан Московга олиб кетдилар. Лашкар бошсиз қолди. Хитой ҳужумига дош бермади. Отам ана шу жангларда шаҳид бўлди. Оға, аждодларимизнинг ҳаммаси коғир босқинчига қарши курашиб келди. Бизни босқинчи ҳукумат яхши танийди. Хитойга Мао Цзе раис бўлди. У охирги инқилобда хароб бўлган давлатни тиклаб олди. Энди навбат Уйғур ўлкасига келади. Биринчи иш эски курашчилар авлодини қириш бўллади. Шунинг учун, юртимдан бош олиб чиқдим.

Туркияда мен қора қилиб кетаётган одам донгдор қўрбоши, мужоҳидлар сардори Шермуҳаммадбекдир.

Отам гапини тутатди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Сукутни Йўлтўсар оға бузди:

– Иброҳим, жигарим! Шуни билки, мен ҳам ғорбувалик мужоҳиднинг авлодиман. Шермуҳаммадбек Кобулга ўтганда бизнинг оила у билан эди. Қўрбоши Истанбулга кетди. Биз Афғонда қолдик. Бу ерда ҳаёт қилдик. Бироқ нотинчлик тўхтамади. Ҳар хил босқинчиларга қарши урушиб юрибмиз. Бир томондан ўрис, бир томондан инглиз таҳдид қилаётир. Яқин орада Афғон юрти улкан жанг майдонига айланса керак. Ўрис бизга қўшин киритса, халқ оёққа туради. Афғон халқи ювош халқ эмас. Босқинчи келса, қочадиган бўлса, уйини бузиб кейин қочади. Нима учун тайёр бошпанани ёвга бериш керак? Шунинг учун, катта уруш остонасидамиз. Мен бу ерда шерюрак йигитлардан жамоа туздим. Туркман чўлларида коғир ўриснинг молини талаяпман. Ўрис бу юртни босиб олиб, ҳаловат топаман деса, хом ўйлабди. Бухорони, Хивани, Кўқонни коғирга бериб қўйдик. Аммо бу ёғига қадам бостирамаймиз. Қадам босса, бу жойни жаҳаннамга айлантириб берамиз.

– Омин! – деди отам.

– Иброҳим, модомики, қасдинг Туркия хижрати экан, йўлдан қолма. Сенга пул бераман. Корингга ишлат. Афғонга ўрис келса, Қиличбек ва Холид Мужоҳидлар изини босишини истасанг, кел!

Мен ўрнимда турдим -да, тахта тўсиқ оша пастга қарадим: бир неча ўн отликлар, ўртада отам ва жуда барваста одам гаплашиб туришган экан.

– Омон бўл, жигарим! – Йўлтўсар оға отамни бағрига босди.

... Шарқ осмони, аввал, курранг тус олди. Кейин кўкарди, гезарди, оқарди ва қуёш чиқди. Биз, аллақачон йўлда эдик.

... Йўлтўсар оға ваъдасига вафо қилди: Эронга ўтдик. У ерда ҳам бизни бошқа ўзиорар улов олиб кетди. Эронда жуда қўп шаҳарлардан ўтдик. Отам айтгандек, баъзи шаҳарларда нотинчликни қўрдик. Одамлар қўчада тўпланиб, бақиришарди. Баъзи шаҳарларда ўқ овозлари!

Эрон ичида ўн кун йўл босдик...

Истанбулга ҳорғин кириб келдик. Кейинчалик онам эслайдики, егулигимиз, нақд пулимиз деярли қолмаган. Ҳатто, юкларимизни йўлда отам сотиб юборишга мажбур бўлган. Эрондан Ироққа ўтишга тўғри келибди. Ироқда мол –мулкимизни пуллашни бошлаганмиз. Онам айтадики, Истанбулга киришда хушимдан кетибман. Ёз эмасми, ҳаво қайноқ. Денгиз яқинлиги учун бу иссиқ ҳарорат одамни лоҳас этаркан. Отам ҳар тарафга жавдираб ёрдам излабди. Кўчадаги ҳар бир одамдан шифохона сўрабди, табиб излабди. Одамлар Эҳсон ҳаким деган инсоннинг манзилига йўллашибди. У пайтларда Истанбулда ҳам ўзиорар улов кам экан, шундай бўлса -да, мусулмонлар тезда оиласизни Эҳсон ҳакимнинг уйига етказишибди. Отам мени қўтариб, табибининг ҳовлисига югуриб кирибди. Эҳсон ҳаким шу топда бемор кўраётган экан.

– Ҳаким афандим, болам хаста, боламга қаранг! – дебди отам. Онам эса рўмолининг бир учини тишлаб, бир уни билан кўзини беркитиб, сассиз йиғлармиш. Эҳсон ҳаким барваста, соч –соқоли оппоқ, юзи нурли одам экан. Ўзи қараётган беморни шогирдига топширибди -да, тезда келиб мени қўлига олибди ва дебди:

– Роббим ёрдамчи бўлсин! Қўрқма, ўғил, боланг Аллоҳнинг изни ила шифо топгай!

Кейин мени супага ётқизибди, кийимларимни ечиб, баданимни нам мато билан артибди. Кўзимнинг ичига, оғзимга қараб, юрагимга қулоқ тутибди. Ҳар хил муолажалар қилиб, иши давомида тинимсиз дуо ўқибди. Бурнимга қандайдир пахтани тутибди, хушимга келиб, ғингшибман. Кейин қандайдир дамламадан бир қошиқ ичирибди. Сўнг ота –онамга қараб, дебди:

– Ўғил, келинни олиб мусофирихонамизга жойлаштири, – сўнг шогирдларидан бирига тайинлабди. – Мехмонни мусофирихонага элт. Хизматларида бўл. Барча ҳожатларини раво эт!

... Онам айтадики, мусофирихона катта даргоҳ экан. Қашшоқлик оилалар, етимлар, бевалар – ҳамма учун алоҳида –алоҳида ажратилган хоналари бор экан.

Мусофирихонада ота –онам ювиниб, иссиқ таом ейишибди. Кийимлар олишибди. Бироқ онамга ҳеч нарса татимабди. У фақат мени ўйлабди. Бироқ Эҳсон афанди мени бир хонага олиб, ҳеч кимни киритмабди. Ўзи даволабди. Уч кундан кейин онамга рухсат берибди. Онам олдимга кирса, ойдай бўлиб, покиза тўшакларда ётган эканман. Онам қувонганидан роса йиғлабди...

БЕШИНЧИ БОБ

...Шафиқа хоним ўз қисмати ҳикоясини сўзлайди:

– Совчилар менинг дунёйимни зулматга улоқтириди, гўё. Наҳотки, шу қора оламда абадул абад қолиб кетаман? Ер юзида, узоқ ўлкаларда, масалан, Оврупода, Америкада ҳамма саодатманд яшамокда. У ерда барча инсонлар шоду хуррам, менинг мамлакатимда, менинг оиласидан эса қулдорлик ҳукм суроётни! Мени мажбурлаб эрга беришмоқчи! Қани, менинг ҳуқуқим! Менинг ҳам орзуларим бор, овозим жуда жарангдор, ўзим гўзалман, мен машхур хонанда бўлишим мумкин! Эронлик Гугушни кўрмайсизми? Ахир, у ҳам зулм чангалидан ғолиб чиқди, Ер юзи бугун уни танийди. Мен ундан кам эмасман! Бизнинг оми ҳалқимиз санъатни тушунмайди. Ваҳшийлар мусиқани таъқиқлашган. Инсон қалбини азоблашади. Туйғулар учун сизни жиноятда айблайдилар. Бу қандай манфурлик! Ўша пайт мана шундай фикрлар миямни қамраб олди. Онам совчи ҳақида айтганида бақириб юбордим:

– Тегмайман! Эрга тегмайман!

Онам авзойимни кўриб, қўрқиб кетди:

– Шафиқа, қизим, майли, майли, – деди у шошиб. – Нега бунча ийғладинг? Эрга тегишни истамасанг, мажбурламаймиз.

Онамнинг охирги гапи мени тинчлантириди.

– Энди ўн тўртга кирдинг. Ёшсан, ҳаётни билмайсан, Шафиқа, – онам бошимни силаб давом этди. – Сен йўқ десанг, ҳеч ким хўп деёлмайди. Ўзингни бу қадар қийнама, изтиробга солма, хўпми, қўзимнинг нури?

– Хўп, она, – дедим.

Анча хотиржам эсам-да, қўнглим озурда эди. Хонадонимизда тўй тўйга уланиб қолди. Отам ҳамма фарзандларини уйли-жойли қилишга киришди: бир ўғлини уйлантиrsa, бир қизини узатарди. Бу такдир мени ҳам кутаётганини билардим. Узоқ –узоқларга қочиб кетгим келарди. Қандай қочаман? Менга ким ҳам ёрдам беради? Шунда менга бир зот ёрдам бера олади деб ўйладим. Бу Аллоҳ эди. Астойдил сўрасанг, Аллоҳ сўраганингни беради. Бизга сингдирилган ақийдалардан бири шундай эди. Ибодатга берилдим. Таҳажжуд ўқидим, нафл рўзалар тутдим, онам берган пулларни муҳтоҷларга садақа қилдим, эвазига Аллоҳдан бир нарсани сўрадим: “Аллоҳим, мени бу зулматдан қутқар! Ўзим орзу қилган эркин ҳаётни тухфа эт!”

Совчиларнинг кимлигини сўрамай рад этавердим. Шу тариқа икки йил ўтиб, ўн олтига тўлдим. Отам Шафиқани ўн еттига тўлмай узатаман, қиз болани бундай узоқ ушлаб бўлмайди, дебди. Онам менинг ибодатгўйлигимни эслатибида.

“Ибодати яхши, – дебди отам, – аммо уй ишларини ҳам ўргатинг, хоним, эрининг уйида ибодатига қараб, раҳмат, дейишмайди, меҳнатига қарашади”.

Бу гаплардан жуда дилим озорланди. Отам мени, ўз қизини бегона хисоблаяпти, деб ўйладим. Бунга ўзимни мутлақо инонтириб қўйдим. Навбатдаги совчи хабарини эшитиб, одатдагидек йўқ дедим.

– Қизим, энди йўқ дейишинг бефойда, – деди онам. – Отанг розилик берип юборади, бу аниқ. Куёв бўлмиш ёш йигит. Йигирмага кирган. Биринчи уйланиши.

– Менга бу қизик эмас, – дедим йиғлаб. – Мен турмушга чиқмайман.

– Ҳар бир қизга эрга тегиши шарт! – онамнинг овози бирдан кескинлашди. – Сенга ёмонликни право кўрамизми? Куёв Малайзияда яшайди. Отангдан ўн беш ёшидан буён илм олади. Отанг Шафиқанинг қалби нозик деб айтади. Шунинг учун дуч келган одамга сени узатмайди. Не –не одамларни ўзи ҳам рад этди. Инша Аллоҳ, баҳтли бўласан!

...Шафиқа хоним ҳаётини ҳикоя қиларкан, у кунларни ҳозиргидек эслади: қизнинг қайсарлиги хисобга ўтмади, никоҳ ўқилди.

Шафиқа куёвнинг, ҳақиқатан, жуда ёш эканлигини кўрди. Кўзлари думалоқ, соқоли сийрак йигитча устозига жуда муҳлис эди. У ўз рафиқасини устозининг ҳурмати боис ўзгача эҳтиром ила қарши олди. Келин-куёв бир муддат Лаҳорда яшадилар. Бу орада куёв бўлмиш Фотих Карим таълимни яқунлади. Мадрасадан бир қанча ижозаларни олди, ҳанафий мазҳаби бўйича дин мутахассиси сифатида ҳужжатга эга бўлди ва ўз юртига – Куала Лумпурга ёш аёли билан қайтди.

Шафиқа самолётга чиқди, осмонга кўтарилиди, ўзини бир қадар шод сезди. Фотих Карим доим аёлининг кўнглига қаради. Шафиқа эрига кўнгли талпинмаса-да, унинг поклик ила боқиб турган нигоҳларидан уяларди, бирор инжиқлик қила олмади. Бу ҳолни Фотих итоатдан деб билиб, жуда мамнун бўлди.

Устози энг гўзал қизини гўзал тарбиялаб унга тақдим этганидан Аллоҳга ҳамд айтди. Бироқ у Шафиқанинг қалбидаги туғёнлардан бехабар эди.

... Куала Лумпурдан эллик километр узоқликда бир мавзе бор. Бу дарёлари мўл бир ҳудуд. Ҳавоси тоза. Табиати гўзал. Ўрмонлари кўп. Боғлари сермева. Ҳайвонотга бой. Қушлари хилма-хил. Балиқчилик бобида аҳолиси жуда моҳир. Денгиз нафаси кезади. Икки-уч соатлик йўлни босиб, шарқда Тинч, ғарбда Ҳинд океанига олиб чиқадиган исталган денгизга етиб олса бўлади. Халқи бағрикенг. Доим қулиб юради. Бу ердаги ҳаёт Шафиқага анча маъқул келди. Мусиқа тинглаш мумкин экан. Телевиденияда исталган дастурни топиб томоша қилишинг мумкин. Австралия, Сидней, Тасмания, Янги Зеландия каналлари ҳам бор. Ҳаёт Шафиқа орзу қилганидек рангли эди.

Фотих Карим маҳаллий масжидга хатиб бўлиб ишга кирди. Маҳаллий теле ва радио дастурларда ҳанафий мазҳабидан дарс бера бошлади. Шафиқа бу ернинг аёлларининг кувноқлигидан мамнун эди. Қизлар эр талашиб урушиб қолишади. Баъзан қизлар онасига ўзи танлаган эрни айтар эди. Бу

ҳол ҳеч кимни ажаблантиrmайди. Ёш йигитлар кемада ҳаж бориб келишади. Фотих Шафиқага ҳам ҳажга бирга борайлик деди. Шафиқа юкли эди.

Орадан беш йил ўтди. Шафиқа икки ўғилнинг онасига айланди. Лаҳорга бир неча марта бориб келди. Онаси қизининг гўзал уй бекаси бўлганидан кўнгли тўқ эди. Қайнота-қайноаси Шафиқани ўз қизларида кўришарди. Бироқ Шафиқанинг қалбида ҳамон эски ҳавас олови ўчмаган эди. У ҳамон бу ҳаётидан тўла рози эмас эди.

– Билмайман, қалбимга бу шайтон қачон кириб ўрнашиб олган эди! – деб буни айтиб беради Шафиқа хоним. – Болаларимни қолдириб, эримдан ажралишни истаб қолдим.

... Фотих қулоқларига инонмай қолди.

– Хоним, сиҳҳатингиз жойидами? Кўзингизга нимадир қўриняптими? – деди қайғуриб.

– Йўқ! – Шафиқа сапчиб туриб кетди. – Мен соппа-соғман! Жин теккани йўқ. Келинг, мени сиз тингланг, Фотих, Онгли, маданиятли инсон ўлароқ қалбимни тушунинг.

Фотих қаршисида умр йўлдошим, деб фахр этиб юргани қўққисдан бегонага эврилганини сезди. Илиқ қалби музлаётганини идрок қилди. Мутаассир бўлишни бас қилиб, сокин овозда деди:

– Сўйланг, Шафиқа хоним, сизнинг дарди оламингизни биз ҳам билайлик. Зимистонда қолиб кетган қўринасиз!

Эрининг товушидаги важоҳатдан Шафиқа қўрқиб кетди. Уни тинглашга шай бўлиб ўтирган Фотих Карим кутилмагандан Шафиқанинг назарида улкан ҳайбат касб этди. Шу чоққача тилидан ширин сўз, юзидан табассум аrimаган мусулмоннинг ичидаги ғазабми, қаҳрми, хуллас, шунга ўхшаш бир қувват аждаҳо каби қўзғалган эди. Бу аждаҳонинг дами Шафиқани ҳайиқишига мажбур этди. Бироқ сўз айтилган эди, аёл бу аждаҳо қаршисида тик туриб, ёнишга маҳкум бўлди. Аслида, у ўзини ўзи бу балога дучор этди.

– Мен бу орзу билан болалигимдан буён яшаб келяпман. Фотих, ўзимни занжир ичидан қурбон этолмайман. Бизнинг исломий деб мақтанадиган турмушимиз занжирдан иборат, холос.

Фотих ўз хотинини илк марта кўраётгандек қотиб қолди. Эридаги бу ўзгаришдан куч олиб, Шафиқа тўхтамасдан бидирлай бошлади:

– Сизларнинг исломингиз инсон қалбини парчалайди. Инсон қалбини ўлдиради. Эрк ва ҳурриятни бўғади.

Фотих чидай олмади:

– Сен мусулмонмисан? – деб юборди.

– Алҳамдуиллаҳ, мусулмонман. Сиз менинг иймонимга шубҳа қилияпсизми? Иймонимни биладиган Зот тепада! – деди Шафиқа. – Исломий ҳаёт санъатни, маданиятни рад этмайди. Аллоҳ бандаларига зулм қилмайди. Сизлар еттинчи аср Исломини бугунги замонга тиқиширасиз. Йўқ! Ислом сиз, отам айтгандек эмас! Сизлар қолоқсизлар! Исломий қоидаларни янгилаш фурсати етди! Аёл киши ҳам жамиятда, Ер юзида ўз салоҳиятини намойиш

етиши лозим. Мен хонанда бўлишни истайман. Бутун дунё менинг овозимни тингласин! Мени танисин! Сиз эса бунга йўл бермайсиз. Шунинг учун ажрашаман!

Хотини гапиаркан, Фотих ўзини қўлга олди. Тишини тишига босди. Шафиқа гапириб бўлгач, сўради:

– Бори шуми?

– Сизга шу етади. Мен маданиятли, онгли муслимаман. Диним мени бўғмайди, балки менга йўл очади. Бироқ сизлар буни тушунмайсиз.

– Бу васваса сени қачон эгаллаб олди?

– Сиз учун бу васваса. Мен учун ҳакиқат.

– Сенинг бундай васвасанг учун талоқ ҳам шарт эмас, шекилли, – Фотих шундай деб ўрнидан турди. – Талоқсан. Уйимдан йўқол. Болаларимдан умидингни уз.

Шафиқа ғалати бўлди. Эридан бу қадар тез жавобни кутмаган эди.

– Сиз мени севмагансиз! – деди чираниб.

– Ҳали шу ердамисан? – Фотих шундай деди-да, ичкари хонага кириб кетди.

Шафиқа ичи бўшаб қолганини сезди. Худди бир бўшлиқда муаллақ қолган эди у. Суянадиган бир таянчи йўқ эди атрофида.

– Ўзингни қўлга ол, Шафиқа! – деди ўзига ўзи овоз чиқариб. – Энди эркин қушсан! Ўз ҳаётинг ўз қўлингда! Бўшашма!

... Шафиқа кетиш учун бир қанча пул, либосларини ҳозирлаб қўйган эди. Режасига мувофиқ Куала Лумпур марказидаги шоҳона меҳмонхонага жўнади.

... Эрталаб қизил либосини кийди, юзини очиб рўмол ўради ва Америка Кўшма штатларининг Куала Лумпурдаги элчихонасига йўл олди.

– Элчихона мени амалий қўллаб-қувватлашини сўрайман, – деди у. Элчихонадагилар уларни йўқлаб келган бу дилбар аёлнинг диндор оиласдан келганлигини эшишиб руҳланиб кетишиди. Ўзгача эҳтиром ва илтифот илиа алоҳида сухбат хонасига таклиф этишиди.

– Каҳва, чой ёки сув? – деб сўради хизматчи.

– Сув, – деди Шафиқа. У беҳад ҳаяжонланаётган эди. Бир неча дақиқада унинг қарсисига бир аёл ва икки эркак келиб ўтиришиди. Аёл қора танли эди. Уларнинг учови ҳам жуда кувноқ, жуда дўстона, жуда мулоийм эдилар.

– Хайрли кун, хоним, исми шарифим Жейн Бронти, сиз Жейн деб чақиринг, шу менга ёқади, – деди хайриҳоҳлик илиа қора танли аёл.

– Танишганимдан хурсандман, Жейн, – деди Шафиқа. – Мен Шафиқаман.

– Шафиқа, исмингиз жуда ҳам гўзал жаранглар экан! Худди ўзингиз каби дилбар исм! – деди Жейн. – Танишинг, ҳамкасларим Жой ва Николас. Биз элчихонада гендер ҳимояси, маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш масалаларида ишлаймиз.

— Хоним, элчихонамизга ташриф буюриб энг тўғри ишни қилгансиз, — деди Жой деб танитилган эркак. — Сизнинг ҳикоянгизни тинглашни истаймиз. Сиз ўз қобиғингиздан чиқишга қандай жасорат топдингиз?

— Агар бу ҳақда биз билан сұхбатлашсангиз, мамнун бўлардик, — деди кулиб Жейн ҳам.

Шафиқа уларга оиласи, келиб чиқишини айтиб бериш осон кечмаслигини шу онда англаб етди. Айтажак ҳикояси гўё ўзи мансуб бўлган оила ҳақида шикоят қилиш эди.

— Кечирасиз, мен тегишли бўлган оила ўз ҳаётидан рози, мен учун у торлик қилди, холос, — деди Шафиқа.

— Тортинманг, азизам! — деди Жейн. — Сизга атрофлича ёрдам беришимиз учун сизни яхшироқ танишимиз керак.

Шафиқа бошқа чораси йўқлигини тушунди. Чуқур нафас олиб, секин сўз бошлади:

— Мен исломий оилада туғилдим...

Шафиқанинг ҳикояси элчихонадагиларга жуда ёқди. Улар аёлни кўллашга тайёр эканликларини билдиришди.

— Албатта, Ислом дини инсонларга таскин беради, ўзидан қониқиши, Худонинг паноҳида хавфсиз эканлигига одамни ишонтиради, — деди Николас. — Бу кишига психологик хотиржамлик ато этади. Бироқ динни, у Исломми, насронийликми, эркимиз занжирига айлантириш тўғри иш эмас. Биз одамзоднинг ҳамма хуқуқларини ҳимоя қиласиз, хусусан, тақводорликни ҳам. Бироқ инсонлар тақводорлик билан ўзларини чеклаб юришлари жуда ачинарли. Шафиқа хоним, жасоратингиз таҳсинга лойик. Бу жасорат минглаб аёлларни рухлантиради, оламга очик кўзлар ила бокишига чорлайди, шубҳасиз.

Шафиқа қайтиб бўлмас йўлга чиққандек ҳис этди ўзини.

“Етар! Ҳадиксирашни бас қил, Шафиқа! — ичида ўзига ўзи далда берди. — Сени отанг тушундими? Сени онанг тушундими? Сени эринг тушундими? Йўқ, улар сени тушунмади. Энди ортга қайтсанг, сени чексиз хорлик кутяпти. Энди олға юр! Сен оилангдан юз ўтиргадинг, сен ўз йўлингга чиқдинг. Сен қолипларни буздинг. Сен кишанларни парчаладинг. Шафиқа! Чекинма! Келиб чиқишингни яширма! Яшириб нима қиласан? Бутун олам шундай жасур аёлни билсин! Жасорат ва истак бўлса, қандай буюк мэрраларга эришмоқ мумкинлигини исботла! Отингни, зотингни яширма, Шафиқа! Дин бу эски бир қолип. Эски занжир. Ундан қўрқма! Аллоҳ марҳаматли, у бандаларини бундай азобламайди. Ахир, санъатнинг нимаси гуноҳ? Мусиқанинг нимаси ҳаром? Инсон қалбига ҳаловат берувчи неъматнинг нимаси ёмон? Аллоҳ сени тушунади, Шафиқа. Аллоҳ сени кечиради. Асосийси, қалбингни тоза сақла! Ибодатингни қил! Аллоҳни унутиб қўйма! Шафиқа, чўчима!”

... Орадан бир ой ўтиб, Шафиқа ҳақида халқаро ахборот хизматлари бир неча дастур тайёрладилар. Уларда Шафиқа эрк фариштаси, жасоратли қалб

сохибаси каби сифатлар билан мақталди. Шафиқа ўзининг “ҳаёт йўли” ҳақида ҳикоя қилди. Таъқиқланган орзулар, соқов қилинган болалик, гунг аёллар қисмати бу дастурлар мавзуси эди. Шафиқага БМТ, ЮНЕСКО эътибор қаратди. Овозини тинглашди. Кўшиқчиликни ўрганиш учун таълим олди. Шафиқа ўз “муваффакияти”дан маст бўлди. Дастрлаб, саҳналарга чиқишида ҳаяжонланар эди, аста-секин бу ҳаяжон йўқолди. Олти ой давомида Ер юзининг бир неча нуқталарига борди. Африка, Араб Амирликлари, Сингапур, Ҳиндистонда аёллар ҳуррияти ҳақида маъruzалар ўқиди. БМТ Шафиқага Жейн Бронтини ҳамроҳ қилиб берди. У Шафиқа учун ҳамма нарсани ҳал қиласи эди. Шафиқанинг ичидаги бир туйғу уни сезилар-сезилмас азобларди. Ҳар томонга боқиб, у шаҳватпарастлик ҳавосини ҳис этарди. Бу истакларга Farb одамларида ҳеч қандай тўсик қўйилмаслиги унга олган тарбиясини кўп бора ёдига солди. Шаън ва иффатига миллионлаб нигоҳларнинг тажовузи унга оғирлик солди. Айниқса, эркакларнинг аксари унга энг яқин даражада дўстлашишни доимо таклиф этишлари уни ерга ураверди. У баҳтиёрликда деб ҳисоблаётган Farb аёллари, аслида, ўз эркаклари қошида бир қадр касб этмаслигини тушунди. Севги деган туйғу шаҳватпарастликни ифода этарди, холос. Ҳеч бир аёлда на иффат ҳимояси, на шараф пояси йўқ эди. Аёллар ҳамиша ўз қоматларини кўз-кўз қилишга мажбур эдилар.

Бу ерга урилишлар Шафиқага шу қадар оғир ботдики, ўзини алданган ҳис этди. Кайфияти зулматга чўқди: табассумлар ёлғон; мода саҳнасидаги латофату малоҳат рўё; туйғуларда бирор поклик йўқ; аёл қалби бу маконларда ўзини зинҳор аёл деб ҳис этмагай! Аёл эркинлик баҳонасида бўшлиққа ташлаб юборилган! Унда на суюнч бор, на таянч!

Шафиқанинг нутқларидан жўшқинлик ғойиб бўлди. Овози сўнди. Кўзлари маъюсланди.

– Шафиқа! Сенга нима бўляпти! – деди қайта-қайта Жейн. Шафиқа жавоб бермади.

– Бошқа сўзлай олмайман, – деди Шафиқа ниҳоят.

– Нима учун? – ҳайрон сўради Жейн.

– Тушунтириб бера олмайман... Мени тинч қўйинглар! – хазин оҳангда гапирди Шафиқа.

– Кечирасан, қизалоқ! – деди Жейн жаҳл билан. – Биз сени излаб топдикми? Ялиниб келган ўзингсан. Сенга шароитлар ҳозирладик, йўлингни очдик, пул бердик. Дунёни кездинг. Юлдуз бўлдинг. Сен бу ишларни ўйин деб ўйлайсанми? Сенинг қўнглингга қарайдиган ҳеч ким йўқ. Буйруқни бажар.

Шафиқа қулоқларига ишонолмай қолди.

ОЛТИНЧИ БОБ

Абдуллоҳ Ёрқин ҳикоясида давом этаркан, эллик йил аввалги тарих унинг хотираси китоби қатларидан тирилаётган каби ўша онларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир саси, ҳар бир ҳаракат ва сукунати унинг учун беҳад қийматли эди.

... Иброҳим Ёрқин оиласи Эҳсон афандининг мусофирихонасида бир неча кун қолди. Келган куниёқ Иброҳим бу зот нақшбандия тариқатининг муршиди эканлигини билди. Халқ бу инсонни эъзозлаб, «шайх Эҳсон ҳаким ҳазратлари» деб атар экан. Эҳсон афанди тиб ва ҳикмат илми соҳиби бўлиб, одамлар у ҳақда «Шайх Эҳсон тариқати кўнгил шифоси, табобати вужуд давоси» деб юришаркан. Шайх Эҳсон афандининг юзлаб шогирдлари бор эди. Ҳар бир шогирдига турли илмларни ўргатган. Ўзи яшайдиган ҳовли жуда камтарона эди. Бироқ шу маҳаллага мусофирихона, мактабхона, шифохона қурдирган. Ундан ташқари хонақоҳ ҳам бор эди. Хонақоҳда ҳар кун шайх Эҳсоннинг илм дарслари бўлади. Тушдан сўнг ҳордик чиқарган Иброҳим шайх Эҳсон илм сухбатини тинглаш учун хонақоҳга келди. Хонақоҳ кенг. Деворлари оппоқ. На нақш, на ёзув, на зийнат йўқ. Хонақоҳнинг қибласида меҳроб. Меҳробнинг ўнг томонида минбар. На меҳробда, на минбарда, бироз бўлса -да, зийнат асари кўринмайди. Шогирдлар, муҳлис ва муридлар хонақоҳни тўлдирди. Меҳробнинг ўнг ёнидаги деворнинг бурчида ихчам эшикдан шайх Эҳсон бироз эгилиб, кириб келди. Хонақоҳ сукутга чўмди. Шайх бир –бир қадам босиб, минбарга чиқиб ўтирди. Либослари бўз, кенг, салласи ихчам ва қора. Шайхнинг қўлида тасбих ҳам кўринмайди. Шайх Эҳсон минбарга чиққач, бир нуқтага боқиб, бироз сукут сақлади. Икки –уч дақиқа ўтди. Шайхнинг ўқтам саси хонақоҳ бўйлаб тарқалди:

– Бизни мўмин, муслим қилиб яратган, ислом ухувват орасига киритиб қўйган, «Бўл!» деса, истаган иши бўладиган, ҳар бир иши ҳикмати или гўзал, қудрати или мукаммал бўлган, дунёда жамики мавжудотга, охиратда мўминларгагина раҳм этувчи, ар –Раҳмон ва ар –Раҳим Аллоҳга чексиз мақтovларимиз, ҳамдларимиз бўлсин! Банданинг Аллоҳга итоатдан бўлак, Унга ҳамд айтишдан бўлак бир иши йўқдир! Ё Роббимиз, бизни Ўзингга ҳамд, тасбих айтиб, амрларинг адосида айла! Амийн! Бутун дунёга Ислом неъматини келтирган, оламларга раҳмат бўлган, Исломда яшамоқнинг намунасини ўз ҳаёти или кўрсатиб берган пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, оилаю асҳобларига саловату саломларимиз бўлсин! Ё Аллоҳ, набиййимиз, ҳабибинг Мухаммад мустафо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муносиб уммат бўлиб, динингда яшаб ўтишимизга, динингга хизмат қилишимизда ёрдам бер! Амийн!

Иброҳимнинг бутун вужуди қулоққа айланди. Яқин –орада, йўқ, яқин – орада эмас, деярли бундай соф исломий сухбатда бўлмаган эди. Шайх Эҳсон афандининг ҳар бир калимаси ташна руҳига оби ҳаёт, хаста қалбига муроду қанот бўлаётган эди.

– Бугун Аллоҳнинг изни ила абноул вақт, яъни вақт ўғиллари ҳақида сухбат қурамиз, – шайх фасоҳат ила сўзларди.

– Билингки, вақт ўғиллари бир тамсилдир. Бир ўхшатишдир. Вақт Аллоҳ томонидан яратилди. Ойларнинг ҳаракати вақт учун ўлчов қилинди. Инсониятнинг ҳаёти вақт ичида ўтиб боради. Вақт бутун оламни ўз ичига олди ёхуд вақт рўй бераётган ҳодисотларнинг бир суврати кабидир. Вақтинг ўғиллари – Аллоҳнинг тавҳидини идрок этиб, ўзини буткул Аллоҳга бахшида этган мўминлардир. Вақт ҳар нени завол айлайди, аммо мўминлар вақт ўтган сайин камол топажаклар. Вақт ҳар нени емириб, адо қилади, аммо вақт иймон эгасининг хизматкори янглиғ, зотан, вақт ўтгани сайин мўминнинг Иймони пишиб, нурланиб, зиёда бўлиб, қувватланиб боради. Вақтнинг қархисида одамзод қўрқади, иймонлилар вақт қошида мамнундирлар, зотан, вақт уларни Роббилари томон элтгай. Одамзод Аллоҳ томон кетаётган сайёҳдир. Кимдир буни идрок этади, инонади, кимдир буни англамайди, куфр келтиради. Куфр келтирганлар ҳам нақадар қайсарлик этмасинлар тонг –ла оламлар Роббиси қошида тик туриб ҳисоб беришга мажбурдир. Кибри, каттатарошлиги уларни ҳеч нарсадан қутқариб қолмайди. Набиййимиз, ҳабибимиз, Аллоҳнинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам афандимиз: «Мўминнинг иккинчи куни биринчи кунига ўхшамас», – деб марҳамат этмишлар!

Нақадар гўзал сўз! На -да, гўзал, Буюк Сўз! Иймон эгаларининг йўлини қуёш янглиғ порлатиб, ёритиб, чароғон айлаяжак Сўз! Зотан, мўмин ҳар бир кун бир хайр фаолиятдадир. Ҳар бир кун ўзи учун, дини учун, уммат учун, охирати учун бир хизмат ўтаяжак. Бир янги илму ҳикмат ўрганажак. Бир он зикр холи бўлмаган қалбнинг нақадар юксалишини идрок эта билурмисиз? Қуръон тадаббури ила мўмин нақадар баландларга парвоз этажагини билурмисиз? Мўмин ҳаргиз дангаса бўлмас. Мўмин ҳаргиз танбал бўлмас! У ҳамиша шижаат устида, ҳамиша ғайрат ва жасорат устидадир. Уни енга олгувчи куч Ер юзида бўлмас, зотан, Аллоҳга таслим бандани ким енгмоғи мумкин?! Ҳеч ким! Бугун оламни зулм қопламиш. Ўз ҳаққини сўраганларнинг юзини қора, талончилар юзини оқ кўрсатурлар. Дининг учун, эркинг учун, юрting учун курашсанг, сени адашган деб айтурлар. Золимларни эса эъзоз кўрсатиб, бошга кўтарурлар. Билингки, бу шайтоннинг макри, холос. Бу макр Аллоҳнинг қудрати олдида ҳеч нарсадир. Мўминлар эса бу макр қурбони бўлмасинлар! Ўз юртидан қувилганлар бир эмас, мингдир. Душмандан нажот тилаб йиғлаганлар, бир эмас мингдир. Ҳақни била туриб тарқ этиб, ботилни била туриб тутганлар бир эмас, мингдир. Билинг, эй аҳли мўмин, ўз юрtingни вақтида ҳимоя этсанг, сургун бўлармидинг? Душманингдан аввалроқ Роббингга йиғлаганингда ғаним кўлида залил бўлармидинг? Ҳақни ҳамиша ҳимоят этганингда ботил чангалида қолармидинг? Зинҳор! Зинҳор ундей бўлмас эди! Зотан, вақтни ўз фойдасига қўлланган мўмин мудом музофар бўлгай! Биз эса ундей қилмадик, зикрдан ғофил бўлдик, катта гуноҳларни кичик, кичик гуноҳларни

мубоҳ санадик, нафсимиз истакларига ҳийлалар ила йўллар очиб бердик. Фафлат уйқусида ётдик. Нажот қаерда? Нажот Исломдадир. Нажот Иймондадир. Бошимиздаги ҳалокат булуларини, қўлимиздаги қуллик кишанларини, қалбимиздаги зулмат совугини идрок этмасак, биз Вақтнинг ўғли эмас, золимнинг қули бўлиб қолаверамиз. Ҳаётимизни Аллоҳнинг қонуни қолиб, унинг қоидаси ила қурамиз. Аллоҳнинг сўзини тарк этиб, унинг сўзини гапирамиз. Юртимиз бойликларини босқинчига тутқазиб, ўзимиз унинг хизматкорига айланамиз! Ҳайҳот! Роббимиз бизга нажот берсин, эй аҳли мўмин! Ибодатингиз илм –ла, зуҳдингиз ибодат –ла, саъингиз жасорат –ла қувватлансин! Оламга очик кўз ила боқинг. Шайтоннинг ўргимчак тўри билан қўйган тузоқларида пашша каби тўлғанишни бас қилинг! Қалбингизни Аллоҳга боғланг, юзингизни Аллоҳга қаратинг, оёғингизни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг изларига босинг! Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух!

Шайх Эҳсон афанди ваъзни яқунлади. Иброҳим Ёрқиннинг кўзларидан шашқатор ёш оқди. Тилиб ташланган қалбига бир марҳам қўйилди, гўё. У манзилда янгиштиргмаган Аллоҳга ҳамд айтди. Эрталаб тонгда уни Эҳсон афанди ўз уйига чорлади. Ўртача хона. На зийнати, на безаги бор. Шайх болишга суюниб ўтирган экан. Ўртага дастурхон ёзилган. Дастурхонда майиз, мева қоқилари ва нон бор.

– Ваалайкум ассалом, ўғил, кел, ўтири, – деб ўз қаршисидан жой кўрсатди шайх.

– Хуш келдинг, сафо келтирдинг, Иброҳим. Бирга нонушта этайлик, сўнгра ўзинг ҳақингда менга сўйлаб беражаксан. Сенга ёрдам бера олсам, бир баҳтиёрликни топардим.

Нонуштадан кейин Иброҳим Ёрқин ўзини батафсил таништириди, касбини айтди, оғир йўл ҳикоясини баён қилди.

– Сен Шермуҳаммадбек мужоҳидни изляпсанми? – деб сўради уни диққат ила тинглаган шайх.

– Худди шундай, – деди Иброҳим. – Зиёрат қилсам, сухбатлашсам...

– Яхши ният, иншаАллоҳ, – деди Эҳсон афанди. – Менинг боболарим Ҳўқанд шаҳридан бу ерларга келиб ерлашмишлар. Мен ҳам асли туркистонлиман, ўғил. Шермуҳаммадбек каби мужоҳидлар миллатнинг йўлбарслариридир. Туркиядан Туркистон мужоҳидларига кўмак бергани Анвар пошшо бормишиди. Роббим уни шаҳодат шарбати ила сийлади. Ислом ўлкалари бу асрда бутқул куфр қўлига ўтди. Мовароуннахрни ўрис босди. Бобурийлар салтанатини инглизлар эгаллаб олди. Усмонлиларни -да, иқтидордан кетказдилар. Шимолий Африка ерларини истибододга тортдилар. Либя ерларига Мусоллини қўшини кирмишди. Умар Мухтордек зотлар италиён босқинчиларига қарши туриб, уларни титратиб юборди.

Туркистонда эса худосиз советларга оёқда турган зотлар ушбу Шермуҳаммадбек каби шерлар эдилар. Минг йилда тикланган салтанатларни душманга топширидик, энди уни қайтариб олишга биргина Шермуҳаммадбек

ёхуд биргина Умар Мухтор кифоя этгайми, ўғил? Ахир, бу салтанатлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари қудрати ила барпо бўлмишди. То ўша қудратни топмасак, қулликдан халос бўла олмасмиз! Мен Шермуҳаммадбекни танийман. У билан қўп мусоҳиб бўлдим. Аҳволидан хабаринг борми?

– Йўқ, хабарсизман, – деди Иброҳим.

– Аллоҳ Шермуҳаммадбекнинг кўзидан нурини олиб, синади. Ҳозир унинг соғ қолган битта кўзи ҳам ҳеч нарсани кўрмай қолди. Сиҳҳатига ҳам кексалик таъсир этмоқда. Бироқ ҳамон қалби бедор, ҳамон фикрати теран, ҳамон шижоати жўшқин. Шермуҳаммадбек яшайдиган маҳаллада, асосан, туркистонлилар яшар экан. Мужоҳиднинг ҳовлиси бошқаларнидан қайсиdir жиҳатлари билан фарқланарди. Чунки Шермуҳаммадбек ўз уйини Фарғона ҳалқининг ҳовлилар билан бир хил қурдирган эди. Албатта, Иброҳим Ёрқин буни кейинроқ билиб олди.

...Хонага киргандарида мужоҳид паст овозда ёддан Қуръон тиловат этаётган эди. Одам кирганини пайқаб, қироатни якунлади.

– Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух, мужоҳид бей! – тезда бориб Эҳсон афанди Шермуҳаммадбекнинг икки қўлини ушлади. Шермуҳаммадбекнинг елкалари кенг, кўзига қора кўзойнак таққан, соч – соқоли бутқул оқарган эди. Бошида енгил дўппи. Эгнида бўз кўйлак. Кекса мужоҳид озган, бироқ забардаст жуссаси унинг ўтмшидаги ҳайбатидан дарак берарди.

– Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуху ва мағфиратух, афандим! Хуш келдингиз, сафолар келтирдингиз, – деди Шермуҳаммадбек чехрасига табассум ёйилиб. У Эҳсон афандининг ташрифидан қувонгани яққол намоён эди. Кекса жангчининг овози гулдираб жаранглади.

– Ота юртимиздан бир муҳожиримиз зиёратингизга келмиш, исми шарифлари Иброҳим Холид Ёрқин ўғли, – таништириди Эҳсон афанди.

– Холид Ёрқин! – Шермуҳаммадбекнинг овози титраб кетди. Иброҳим кўл узатган эди унинг қўлини маҳкам ушлаб олди. – Эй Иброҳим, сен Қиличбек Мужоҳиднинг неварасимисан? Холид Мужоҳиднинг ўғлимисан?

– Худди шундай, бейим, – деди Иброҳим.

– Субҳаналлоҳ! Хуш келдинг, ўғлим, сафолар келтирдинг! Ўтири, бу ерга ўтири! – Мужоҳид ёнидан Иброҳимга жой кўрсатди.

Эҳсон афанди Шермуҳаммадбекнинг гўдак сингари шодланиб кетганидан қалбида бир мамнуният уйғонганини сезди.

– Эҳсон афандим, сиз -да, бу ерга ўтиринг! – тўрга таклиф қилди Шермуҳаммадбек. – Аллоҳ Сиздан рози бўлсин, афандим! Ғариб кўнглимиизга фараҳ келтирдингиз, Эҳсон ҳаким ҳазратлари!

Иброҳим кекса жангчини унинг келиши бу қадар қувонтирганидан хижолат тортди, ўзини ноқулай сезди. Мужоҳид унга яна қаради:

– Кўзларим кўрмаса -да, сендан ота юртим нафасини туймоқдаман, Иброҳим, – деди у. – Сенинг бобонг Қиличбек катта хизматлар этди. Етмиш

ёшида шижаоти вужудига сифмас эди. Унинг илми, тажрибаси бизнинг милтиқ тутмаган жангчиларни тарбиялашда аскотди. Роббим уни жаннати илиа мукофотлаган бўлсин! Амийн!

– Амийн, – деди Эҳсон афанди.

– Амийн, – деди Иброҳим ҳам сидқидилдан.

– Сўйла, Иброҳим, ота юртимда не гаплар? Кўп хабарлар эшитаман. Кўзларим кўрса эди, бу оёқлар юрса эди, Аллоҳим шоҳид, ўрис кофирини Ватанимдан қувиб чиқармоқ учун қўлимдан келганини қиласдим! – деди Шермуҳаммадбек чукур қайғуда.

– Ота юртимизнинг аҳволини қандай баён қиласай, бейим? – деди Иброҳим изтироб ила. – Қадим Бухоро, Самарқанд, Хўқанд, Хива динсизлар қўлида қолди. Гитлерга қарши урушда юз минглаб йигитлар ўрис томондан жангга чиқиб, ҳалок бўлдилар. Ҳозир давлатни коммунистлар бошқармоқдалар. Оддий ҳалқ даладан чиқмайди. Советнинг чўнтағи учун ишлайди, бироқ ўзи буни билмайди. Дин таъқиқда. Мусулмонлар ҳам қора меҳнатдан бош кўтармайдилар. На илм, на ирфонни билмаслар! Орифларнинг бағри қон. Заифлик ила Аллоҳга дуо этишдан бўлак иложимиз қолмади. Кошки, дуо қилсайдик! Мени энг қўрқитгани шуки, ҳалқ ҳуррият, эрк нелигини мутлақо унудими экан!

Бутун Туркистон ўз номини қўйиб, ўз Роббисини эсдан чиқариб, босқинчи ўрисга ҳамд айтади, Ленин аталмиш тоғутни зикр этади. Бутун миллат руҳи ўлдирилган, фикратсиз қолдирилган қуллар тўдасига эврилмиш, гўё! Аллоҳ ўз ҳикмати ва марҳамати ила бу диёрга Ислом неъматини қайтармаса, ҳуррият нафасини етказмаса, чиқиб бўлмас ботқоққа чўқдик.

Шермуҳаммадбек бошини эгиб, чехраси тўла мунг, Иброҳим Ёрқинни тингларди.

– Шарқий Туркистон эса Хитой чангалида қолди, бейим, – деб давом этди Иброҳим. – Уйғур ҳалқи -да, бошидан оёғига қадар кишанбанд этилмиш. Ўлик сингари ётган миллатни уйғотишдан ожиз бўлдик. Бир инсон йўқки, бу Дардни англаша, идрок этса! Йўқ, барча одамлар ўз жонлари қайғусидан бўйинларига бўйинтуруқ кийишга рози бўлган жониворларни эслатади. Баъзилар бурунларидан ҳалқа ўтказиб, душманга жиловларини тутқаздилар. Ер юзини титратган миллат бугун дарбадар бир оломон бўлди. Ўз оёғи остидан нарини қўрмайди. Душманлар эса оч шоқолдай бу муборак ўлкани тишлиб икки томонга тортиб, парчалаб ташладилар. Биз эса ҳамон ўзимиз билан хусуматлашамиз. Иброҳим гапиаркан, қўзидан ёш чиқиб кетди. Эҳсон ҳаким, Шермуҳаммадбек ҳам сукут сақлар эдилар.

– Йўлда афғонистонлик ўзбекларни қўрдим, – Иброҳим йўлдаги ҳодисани эслади. – Улар сахрова кофириларни талаб юришибди. Уларнинг айтишича, Афғонга ўрис қўшин киритиш арафасида экан. Афғон катта жанг майдони бўлади, юртни кофирга бермаймиз дейишди.

– ИншаАллоҳ, – дедилар икки мўйсафид бир вақтда.

ЕТТИНЧИ БОБ

Шафиқа күчада беҳол туриб қолди. Гендер “химоячилари” ундан осонгина юз ўғирдилар.

– Кечирасиз, Шафиқа, – деди Николас мулойимлик билан. – Бизда ҳар бир иш хоҳишга суюнади. Сизда хоҳиш бўлмаса, биз мажбурлай олмаймиз. Жейн қизишибди, уни кечиринг. Психологларимизнинг айтишича, сизда бекарорлик кучли экан. Бекарор одамлар билан ишлай олмаймиз. Таклиф сиздан чиққан эди, қабул қилдик, сизни мудҳиш қисматдан халос этдик. Дунё аёллари ҳимоясиз эмаслигини исботладик. Бироқ сиз ўзингиз биз билан бошқа ҳамкорлик қилишни истамадингиз. Қолаверса, олти ой давомида бизнинг маданиятга сингиб кета олмадингиз. Ҳамон эркаклар билан тортиниб гаплашасиз. Суҳбатни қисқа қиласиз. Нутқда ҳам кўзингизни одамлардан четда тутасиз. Ичингизда қандайдир куч сизни қўйиб юбормади. Майли, бу бизнинг хulosамиз. Бироқ энди мустақилсиз. Ҳаётингизни эркин давом эттиринг. Бирга ишлаганингиз учун, раҳмат. Сизни соқчилар кузатиб қўйишади.

– Йўқ, ўзим... – Шафиқа шундай деб, бинони тарк этди.

“Шафиқа, бу нимаси бўлди?”

У ўзига савол берса-да, нима бўлганини биларди. Олти ой жуда ҳам тадбирларга бой ўтди, лекин Шафиқадаги “ёввойилик” йўқолмади. У итоат билан матнларни ўқиб берди, айтилган жойларга борди, кўрсатилган меҳмонхоналарда яшади, ҳолбуки, на бир аёл, на бир эркак ила дўстлашмади. Бу гендер “химоячилари”ни таажжубга солди. Шафиқа навбатдаги тадбирни рад этгач, у билан орани очиқ қилиш қарори чиқарилди. Бундай табиатли инсонлар билан ишлаш гендер “химоячилари” учун имконсиз. Уларга кувнок, киришимли, севгига бой, ҳароратли, қайноқ юракли одамлар зарур.

Шафиқа кўчада қолди. Ҳамёнида егуликка бир цент ҳам йўқ. Телефон ҳисоби бўш. Шафиқа бу хатар ҳақида мутлақо ўйлаб кўрмаган эди. Юклари билан кўча бўйлаб юаркан, йиглашини ҳам, кулишини ҳам билмади. Юраги куйди. У болалигидан орзу қилгани Америкада эди. Америка эса уни қўчада қолдирди. Кимга мурожаат этишини билмасди Шафиқа. Олти ой у бирор марта мустақил ҳолда кўчага чиқмаган эди. Уни Жейннинг маҳсус дастурлари бошқарди.

“Мусулмонларни топишим керак... Қандай қилиб?! Мен мусулмонлардан юз бурган эдим-ку! Кеча телевидение ва радиода анъанавий Исломнинг қолоқлигини бутун дунёга эълон қилдим-ку! Буни кўрган миллионлаб мусулмонлар нима деган экан? Наҳотки кўчада қолиб ўлиб кетсан?!”

Шафиқа туйқус қўрқди. “Аллоҳим!” дея қалбидан нидо қилдию, бу нидога “Лаббайка!” жавобини ҳис этмади.

“Худбинлашиб кетибман! Бошимга мушкул тушганда мусулмонларни эсладим. Аллоҳни эсладим... Нақадар худбин, нақадар мунофиқман!”

Бу ўйлар жонсиз эди, зотан, бу ўйлар қалбни күйдириши керак эди, Шафиқанинг қалби “мик” этмади. Қалб на қўрқувни, на хавфни сезмади. Шафиқа ўзини ўлиб қолгандек ҳис этди.

Эрини, фарзандларини эслади. Ажабо! Уларни унутиб юборибди! Наҳотки, ўз бағрида олиб юрган жигаргўшасини ёдидан фаромуш этди?!

“Аҳволим нақадар оғир! Мен қандай аҳволга тушдим! Шафиқа, хароб бўлибсан, Шафиқа!”

Аёлнинг боши айланди. У ортиқ ўйлашни истамади. У бу ҳаётни тезроқ тарқ этишни хоҳлади. Афсуски, вужуди ҳолсизланди, кўз ўнги қоронгулашди, қуввати қаергадир, бир қора, мавхум бўшлиққа сўрилиб борарди, гўё. Шафиқа гандираклади. Қандайдир ўриндиққа етиб олди, ўтирди, суюнди, нафаси сиқилди, хушини йўқотаётганини сезди. Шу он бир аёлнинг овози эшитилди:

– Қизим, сенга нима бўлди ҳой, қизим?

Шафиқа бу меҳрли сас соҳибасининг чехрасини қўрмади, у буткул хушдан айрилганди.

... Дераза очик. Қуёш нури ҳарир пардадан ўтиб, алвон гиламда жилваланади.

Енгил шабада. Гуллар ифори. Жавон тўла араб ва турк тилида чоп этилган китоблар.

Мусҳаф! Қуръони карим! Шафиқа шуурсиз ҳолда Каломуллоҳга талпинди.

Ҳамон кучсиз эди. Боши зилдай оғир. Хонанинг бир қисмигина намоён.

– Қизим, ўзингга келдингми?

Шафиқа тепасида кўзлари катта ва мовий, чехрасида нур жилваланган, рўмоли ўзига беҳад ярашган Аёлни кўрди.

– Ассалому алайкум... – базўр шивирлади.

– Ва алайкум ассалом. Зинҳор уринма!

– Аёлнинг саси илиқ эди.

– Исмим Розия. Шарифим Муҳсин. Розия Муҳсин. Сенга товуқли шўрва қайнатдим. Ичиб ол. Аллоҳнинг изни ила қувват бўлади.

Шафиқа жавоб беролмади. Кичиккина чинни косани кўтариб, Розия хоним унинг ёнига чўқди. Косани ёнидаги филдиракли столга қўйди. Иккита ёстиқ билан Шафиқанинг бошини бироз баландлатди. Ёғоч қошиқда Шафиқанинг лабига шўрвани тутди. Шўрва илиқ, хушбўй эди. Икки ҳўпламдан сўнг, Шафиқанинг танасига енгил ҳарорат ёйилди. Бошидаги оғриқ тарқагандек бўлди.

– Шўрвага шифобахш гиёҳлар солдим, иншаАллоҳ, ичингдаги дардларни аритади.

– Кошки, арийдиган дард бўлса эди улар... – Шафиқанинг кўзидан ёш оқа бошлади.

– Ҳеч бир дард давосиз яралмаган, қизим, – деди Розия хоним. – Бу қадар умидсизланма. Тинглай оласанми?

– Албатта, хоним... – деди Шафиқа.

– Қанча вақт ётдим?

– Йигирма тўрт соат, – жавоб берди Розия хоним. – Тиббун набавийядан бироз хабарим бор. Дардинг хафақонликнинг ибтидоси. Енгиб юборасан, инша Аллоҳ. Шунинг учун, докторга югурмадим. Ўзим муолажа қилдим. Икки ойки, Америка даман. Бу укамнинг уйи. Ўзим Туркияда яшайман. Бир ҳафтадан сўнгра сафарим карииди. Роббим бу сафарни сен ила хайрли этди. Яъни сенга яхшилик қилишдек имкон қўлимга кирди. Алҳамду лиллаҳ.

– Мени қандай топдингиз?.. – сўради Шафиқа.

– Харид учун чиққан эдим. Сени кўрдим. Ҳушиңг бошингда эмаслигини пайқадим. Сен томон келавердим. Ҳижобли бир муслиманинг қўлида юк аравачаси ила паришон туришидан кўз юмиб бўлурми? Ҳақиқатан, ўриндиқقا чўқдинг. Етиб келдим. Не кўз ила кўрайки, рангинг оппок, қўзларинг юмуқ! Тезда таксида уйга келтирдим. Бори шу.

– Мен ҳам муслима бўлдимми?.. – изтиробда гапирди Шафиқа. – Кимлигимни билганингизда ўлиб, қумурсқаларга ем бўл, деб кетиб қолар эдингиз...

Розия хоним Шафиқага қараб қолди. Нигоҳидаги ачиниш эмас, шунчаки, ихлос эди.

– Исмингни айтасанми? Сени қандай чақиришни билиб олай, қизим, – деди хоним худди Шафиқанинг шикоятини эшитмагандай.

Шафиқа исмини айтди.

– Шафиқа, сен оёққа тур. Ёшинг нечада?

– Йигирма учда...

– Жуда ҳам ёшсан, жон қизим, – деди Розия хоним. – Ҳаётда нимани кўрибсанки, бунчалик нолийсан? Роббимнинг ёрдамидан, марҳаматидан умидингни узма. Уйинг қаерда?

– Уйим йўқ... Борадиган жойим йўқ...

– Ундей дема. Мўминнинг борар жойи Аллоҳнинг ҳузуридир. Ўқинма. Истасанг, сени Туркияга олиб кетаман. Ҳужжатлариниг тўқисми? – сўради Розия хоним.

– Йўқ, йўқ! Ҳеч қаерга кетмайман. Ўзимни денгизга ташлайман, – деди Шафиқа.

Розия хоним ҳайрон бўлди:

– Нега?

– Чунки ўлигим ҳам одамларга юк бўлмасин. Ер юзида мени излайдиган инсон йўқ. Ўлигим бегоналар қўлида хорланмасин. Наҳанглар ҳавзасига ўзимни чўқтираман, – Шафиқанинг қарори қатъий эди.

Розия хоним тик ҳолда Шафиқани тинглаётган эди. Бу даъводан кейин яна ўтиришга мажбур бўлди.

– Ўлигингни бегоналарга қолдирмаслигинг яхши иш, – деди маъқуллаб.

– Лекин ўлишга нега шошиляпсан? Кимдир қувяптими?

Шафиқа ўйланиб қолди. Нима учун шошяпти, ахир?

– Мен ўлишим керак... – деди жавоб топа олмагач. – Ер юзида менга жой йўқ.

– Шафиқа, инсонларнинг барчаси бир куни, албатта, ўладилар десам, ишонасанми? – сўради Розия хоним.

– Албатта, – деди Шафиқа.

– Сен-чи? Сен ҳам ўласанми? Ёки ҳамма ўлиб, биргина сен тирик қолиб кетаяпсанми, Шафиқа? Ё ўзингни денгизга отмасанг, ўлмас экансанми?

– Йўқ, нега... – Шафиқа тараддуланиб қолди.

– Ер юзида қанча инсон яшаяпти, биласанми?

– Саккиз миллиардга яқин...

– Ўшаларнинг ичидаги энг баҳтсизи сенмисан?

Шафиқа бир неча сония жим бўлиб, сўнг секин шивирлади:

– Билмайман...

– Ўзингни ўлдириш энг муҳим иш бўлса, нима ҳам қиласадим, Шафиқа!

– деди Розия хоним.

Шафиқа жим. Югуриб хонадан қочиб чиқар эди, бироқ мадори йўқ.

Розия хоним эса Шафиқанинг кўзига қаради:

– Кенж қизим сен билан тенг. Агар қизимнинг ўрнида бўлганингда сени, албатта, жазолардим. Қандай жазолайман, биласанми? Сув тўлдирилгани идишга юзингни босиш керак! Жон бериш осон, деб ўйлајапсанми? Ўн сония нафас ололмасанг, қандай азоб чекишингни биласанми? Билмайсан! Жон бериш энг буюк азобдир. Ўлимдан кейин ҳаммаси тугайдими? Иймонинг қаерда? Охиратга бўлган иймонинг қани? Қабр азобига иймонинг қани? Шунчалар заиф бўлурми муслима?! Дунё ҳаёти охират қошида бир нафасдир! Бир нафасдан ҳам қисқадир! Бир нафасни жонингни қатл этиб, абадий азобга айирбошлайсанми?

Розия хонимнинг овози қўтарилиб кетди, юзи қизарди. Шафиқа хонимнинг ғазабидан қўрқди. Бу шундай қўрқув эдики, унинг моҳиятини аёл билмасди, шунчаки, Розия хоним унинг қалбига ҳайқиши олиб кирди.

– Башарти, яна ўзимни ўлдиражакман десанг, сенга ўлим азобини ўзим тоттираман! – Розия хоним бу таҳдидни Шафиқанинг юзига юзини энг яқин масофага келтириб эълон этди. Шафиқанинг қўркуви кўпайди. Қўркуви кўпайгани сайин яшаш иштиёқи тирилди.

– Шафиқа, сени уйимга, Туркияга элтаман. Сен тарбиятга муҳтоҗсан!

... Шафиқа Розия хонимнинг ортидан ёш боладай эргашди. Хонимнинг Истанбул ташқарисида, Қора дengиз бўйидаги ҳовлиси сўлим экан. Чоратрофи қўм-кўк. Бу Шафиқага Куала Лумпурни эслатди. Бироқ у Куала Лумпурни, эри Фотих Каримни эслашни истамасди, зотан, бу эслаш унга унинг ношукурлигини намойиш этади. Бой берилган неъматларнинг азоби аччиқ. Айниқса, бу азобнинг ортида ўз хатойинг тоғдек қад ростлаб турган бўлса! Розия хоним хонаси ёнидан Шафиқага бир хонани берди. Хонанинг юзи кунчиқарга қараган. Деразанинг тагида сопол йўлак. Йўлакдан сўнг гулзор. Гулнинг ададсиз турлари ўсади, гўё. Розия хоним бир неча кун

Шафиқани ўз ҳолига қўйди. Лекин уч кундан сўнг Шафиқа хонимга айтдики, у уй ишларида кўмаклашмоқни истайди. Хоним қабул этди. Келинига буюрдики, у Шафиқага қилажак ишларини кўрсатади.

Орадан бир ой ўтди. Шафиқа Розия хонимни муттасил мутолаа, тиловат, ибодат устида кўрди. Хоним на овознигор тинглайди, на ойнайи жаҳон кўради. Боғ ўртасидаги айвонда тонг ва оқшомда Куръон, тафсир, ҳадис ўқийди. Хоним шу қадар сокин, шу қадар маъноли эдики, Шафиқа у билан кўпроқ суҳбатлашмоқ хоҳлади. Оқшомларнинг бирида айвонга борди, хоним ўтирган сўрига чиқиб, тиз чўкди. Розия хоним китобдан кўзини олиб, Шафиқага бокди, кўзойнагини кўзидан туширди.

— Мен покистонликман. Лаҳорданман, — деб сўз бошлади Шафиқа. У ўз ҳаётининг сахифаларини варақлади. Ҳар бир варақда у ўқишни истамайдиган изтиробли сатрлар бор, бироқ у ўқиди. Ҳаммасини Розия хоним қаршисида ўқиди.

Шафиқанинг дардли қиссаси ярим тунга чўзилди. Розия хоним уни қатта эътибор ила тинглади, сўзларини бўлмади, сўнгра дедики:

— Хато қилиш Одам атодан мерос, Шафиқа. Тавба қилиш ҳам унинг суннати. Роббисининг қошига синиқ қалб ила бориш беайблиқ давоси ила борищдан кўра яхшироқdir, иншаАллоҳ. Надомат ханжари қалбинги нақадар чуқур ботганини Аллоҳ билгувчи. Бу жароҳат қалбинги Аллоҳга буткул таслим этсин! Билурмисан, ҳидоят йўлини топиш унда юришдан оғирроқ, зотан, шайтон ҳамиша у йўлдан оздирмоқ қасдида. Бугун биз дажжол маданияти даврини бошдан кечирмоқдамиз. Дажжолнинг бир кўзи бор. Дажжол маданияти инсониятни бир залолат ботқогига ботирди. Бундан қирқ йил олдин ҳар бир халқнинг ўз урфи бор эди. Ўз қоидаси, ўз либоси, ўз нияти, ўз тақвоси бор эди. Бугун дунёнинг ҳамма халқи бу бойликни бой берди. Ҳеч бир миллатнинг аслияти қолмади. Одамзод ўз аслиятидан юз ўғирди. Ўз илдизидан узилди. Аслиятда қоламан, деганларни қолоқ дейиш урф бўлди. Аслиятга талпинганларни душман, деб билиш қоидага айланди. Бугун Ер юзининг қайси нуқтасига қадам босма, бир хил нарсани кўрасан: инсоният ечинишга, семиришга, еб-ичишга, кайфу сафога муккасидан кетганлар Ер юзини эгалладилар. Ҳеч бирида муқаддас эътиқод йўқ. Эрнинг аёлдан, аёлнинг эрдан фарқи қолмади. Катта ва кичик орасидаги ҳадлар барбод бўлди. Бу шайтон ўйини, бу дажжол маданиятидир. Одамзоднинг аслияти — Аллоҳга бўлган комил иймондир. Шафиқа, сен комил иймонга эришмоғинг лозим.

— Қандай? Мен дин олимининг фарзандиман. Дин нафаси ичидаги улғайиб сиз айтаётган неъматни топмадим. Ёд олганим ақийда матнлари, Куръон оятлари, ҳадислар менинг дардимга даво бўлмади, — деди Шафиқа қайғуда. — Сиз яна қандай иймонни айтмоқдасиз?

— ИншаАллоҳ, буни ўзинг кашф этажаксан, қизим, — деди Розия хоним.

Субҳи содиқ қирган эди. Бомдод намозини адо этдилар. Шафиқа тобора ўзи истаган Бир Ҳидоятга яқинлашаётганини сезди.

Кейинги сұхбатда Розия хоним Шафиқани яна саволга тутди:

- Мусулмонмисан?
- Алхамдулиллах, мусулмонман, – деди Шафиқа.
- Мусулмон эканлигингни қай тариқа билдирасан? – сўради Розия хоним.

– Шаҳодат калимаси ила, – деди Шафиқа. – Ашҳаду ан ла илаха иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан абдуҳу ва росулуҳ.

– Субҳаналлоҳ, – деди Розия хоним. – Шаҳодат калимасининг маъноси недир?

– Аллоҳдан бўлак Илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман, – деди Шафиқа. – Ва Мұхаммад Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

– Субҳаналлоҳ, – деди яна Розия хоним. – Гувоҳлик бермоқ недир? Тушунурмисан?

Шафиқа ўйга толди.

– Гувоҳлик аниқ билганинг хусусда ўртага чиқажак бир Ҳақиқатдир, – деди Розия хоним. – Аллоҳнинг ягона илоҳ эканлиги хусусда гувоҳлик бериш зиммангга қандай вазифалар юклашини англайсанми? Ҳар бир сўз юракдан чиқмоғи шарт. Ҳар бир калима қалб тубидан янграши лозим. Қалб қаъридан порлаб чиқкан Сўз ҳаётимизни ёритади. Ўйлаб кўр, шаҳодат калимасини айтар экансан, унинг қудрати, сенинг қалбинг, руҳинг, ҳаётингга нақадар таъсир этажаги ҳақида тафаккур қилганмисан? Шаҳодат калимаси сени дунё зиндонидан охират саодатига олиб чиқажак Нур эканлигини тасаввурингдан ўтказмишмисан?

Шафиқа сукутда эди. У болалигидан ўзига берилган таълимни эслашга тиришди. Бундай сўзлар наҳот унга зинҳор айтилмаган бўлса?!

– Шафиқа, Роббимизни таниш сўзларни ёд олиш билан амалга ошса, кошкайди! Қуръонни, Энг Буюк Каломни ҳифз этамиз, тинглаймиз, ҳолбуки, нечун бу қадар ҳаловатсизмиз? Иймон калимаси ортидаги кашфга қадар узун бир йўл бор, зотан.

САККИЗИНЧИ БОБ

Иброҳим Ёрқин Шермуҳаммадбекдан сўради:

– Бейим, Туркистон мужоҳидлари ўрисга, ўриснинг кофирига нима учун таслим бўлдилар? Ҳамиша шу азобли тарихимиз ҳақида ўйлайман ва бу ўйлар менга тинчлик бермайди...

Шермуҳаммадбек хўрсинди. Эҳсон афандига қараб деди:

– Келажак авлод, албатта, шу саволни беришини билардим. Бу сўровга жавоб бериш осон эмас. Инсон қошида осон эмаски, Роббимиз терговида қандай жавоб беражакмиз? Ахир, биз миллат ва дин ҳимоясини елкамизга олиб эдик. Ҳолбуки, курашни бой бердик. Қанийди, авлодларимизга Аллоҳнинг бизга берган нусрати ҳақида хотиралар қолдирсак! Йўқ, биз юракнинг қоп –қора қони томчилаб турадиган бир аламли ҳикояларни,

қалбларни ўртайдиган мағлубият тажрибаларни баён этишга мажбурмиз. Баён этайлики, болаларимиз биз тушган чоҳларга қайта йиқилмасинлар, балки у чоҳлардан қутулсинлар. Биз борган тиканларни босиб, зулм дараҳтларини қонлари ила суғормасинлар, золимларнинг чангалида шоқолнинг тиши орасига тушгандек ингранмасинлар! Иброҳим, айтажагим сўзларни нақш каби қалбингга жо эт. Бу сўзларни фарзандлар билмоқлари лозим, шубҳасиз. Кўп хато қилдик. Биринчи хатойимиз ғафлатимиз эди. Ўрис юртимизга келганида дунёда не бўлаётганидан бехабар эдик. Қудратли давлатлар Ер юзини ўзлари учун томорқа каби бўлишиб олаётгандарини хеч биримиз билмасдик. Ватанимиздаги бойликлар ҳисобини биз билмасдик, душман билар эди. Биз билсак -да, уни қандоқ истифода этиш илмидан бебаҳра эдик. Ҳаётимиз ўзаро жиққамушт ўтди. Сен сарт, сен тожик; сен қиёт, сен қўнғирот; сен найман, сен уйғур деб баҳслашдик. Кошки, илм или баҳслашсак! Кошки, тақвода мусобақалашсак! Йўқ, биз тўй қилишда тенгсизмиз. Биз ғийбатда қучлимиз. Мансабпарамстликда ғайратлимиз. Ҳолбуки, инглизлар, француздар, немис ва руслар Ислом салтанатларини емириб келар эдилар. Жаннатмакон Осиёни жаҳаннамга эвирдилар. Ундей эмас, аслида, ўзимиз ўзимизга гўр қазидик. Оврупода милтиқ, замбарак, снаряд билан жанг қилганларида, биз камон ва қилични чангалладик. Овупо, Амирқо ўз ҳаётини тартиблаш қайғусида қонунлар ёзар эканлар, биз минг йиллик қонунларимизга тупурдик. Ғайридинлар қонунни у асосда яшамак учун тузсалар, биз ўз муқаммал коидаларимизни амал этмаслик қасдида буздик. Ғайридинлар, кофирлар Ислом дунёсини ер билан яксон этишни режалаштирилар. Подшоҳларимиз ўриснинг подшоҳига қуллик ва қуллуқ қилиб, совға –салом билан югурдилар. Улуғ деб билганларимиз юрт деб, миллат деб, дин деб ғам чекмаганларидан сўнг биз эрйигитлар, бўзйигитлар қўлга қурол олдик. Ўрисга билганимизча қарши чиқдик. Бироқ бизда на ҳарбий илм, на эътиқодий бир таълим йўқ эди. Устоз деб боргандаримиз кўрқдилар, дўст деб ўйлаганларимиз сотдилар. Бизнинг ягона мақсадимиз юртдан кофирни ҳайдаб чиқармоқ эди. Шу қадар содда бўлдикки, кофир ўзимиз чиқиб кетамиз, бизни ўлдирманглар деса, осон алдандик. Мужоҳид биродарларимиз билан орамизга фитна солса, алдандик. Бир –биримизга ишониш ўрнига кофирга ишондик. Бизга бир зот бўлмадики, урушимизнинг моҳиятини англатса! Даставвал, юртни кофирдан тозалаймиз дея майдонда эдик. Қуролларимиз эски, ўқ тополмаймиз. Хоинлар пода –пода бўлиб, кофирга таслимият келтирди. Жон сақлаш қийинлашди. Оқибат, жон сақлаш учун ўқ отдиқ, кейин жон сақлаш учун ўқ отиш шарт эмас деб ўйладик. Минг афсус, минг афсус, минг афсус! У кунларни эсласам, юрагим қонга тўлади. Қандай, чора кўллашни билмасдик. Қочишдан, баъзиларимиз қуролини топширишдан бўлак чора топмадик. Ўз дўстларимиз бизни босмачи деб, қонимизни тўқди. Биродар, нега мен босмачи бўлай? Ахир, мен ўз юртимдаман. Отам, бобом яшаган тупроқдаман. Бу тупроқда босмачи ўрис эмасми? Кофир эмасми? Шундай, босмачи ким, ҳимоячи ким – фарқлай

олмас ҳолга тушдик. Биз кўп нарсани англамаганмиз. Қаршимиздаги ғанимни танимасдик. Ғанимни танимасак -да, майли, биз ўзимизни танимасдик, жигарим. Бундан даҳшатли не бор жаҳонда? Ўзинг боқ: ўрисни ҳайдаб солсак, кейин нима қилишни билмасдик! Юртни идора қилиш илмидан бехабар эдик. Ўзини миллатпарвар деб билганларнинг эса ўзаро низолашмоқдан бўлак ишлари йўқ. Сенга бир воқеани айтиб берай.

Кофирга жиход бошлаганимизнинг ilk вақтларида оловдек ёндиқ. Кучимиз, ғайратимиз танага сифмайди. Коммунистларни водийдан ҳайдаб чиқара бошладик. Эргаш қўрбоши раҳбаримиз. Мадаминбек ва мени ўзига энг яқин ёрдамчи билиб, кофиридан озод этганимиз ерларни қўриқлашни, ҳужумни давом эттироқни амр этди. Роббим нусрат бериб, икки кунда ўн қишлоқдан большовойларни қувдим, қолганини ўлдиридим. Қўлимда беш юз йигитим бор. Ўзим кофирилардан кутқарган қишлоқлардан бирида тунаб қолдим. Эрталаб қароргоҳим олдида оломон. Бир йигитнинг қўлини боғлаб ерга ташлаб қўйишибди. Бу йигит шу тунда ўғирлик устида ушланибди. Илк маҳкама. Халқ ilk даъфа дардини айтиб қошимда турибди. Эл орасида қўрбошилар, мужоҳидлар ҳақида кўп гап тарқалган. Энди адолат лозим. Қишлоқ одамлари жуда содда, ёши улуғларидан бири менга вазиятни тушунтира кетди:

– Бек, қишлоқларимизда ўғирлик бўлмас эди. Кофир келди – ўғирлик келди. Кўз олдимизда мулоим одамлар большовойман деб, қутуриб кетди. Олти ой уларнинг қўлида қолдик. Ҳамманинг молини тортиб олди. Бирорнинг додини бирор тингламай қўйди. Ўғирлик ҳам бошланди, беадаблик бошланди. Ёшларимизни базур ушлаб ўтирибмиз. Сиз бу қўли эгриларни шариат билан жазоланг, ҳаммага ибрат бўлсин.

Чолни тинглай туриб, ҳукмни мен бера олмаслигимни эсладим. Менда илм бўлмаса! Тўғри, Қуръондан бир неча порани ёд олганман. Сўфи Оллоёрни ўқиганман, лекин қози эмасман-ку!

– Қози борми? – сўрадим қариядан.

– Кофир ҳужуми бошланган қозимиз ҳаммадан аввал ҳижрат қилишди. Чунки большовойлар қозиларни аввал ўлдиришаётган экан. Қозимиз шу музофотнинг чорак қисмига масъул эди, – жавоб берди чол.

– Имом борми? – сўрадим яна.

– Қишлоқда бир имом бор.

У киши масжиддан чиқмайди. Кофирилар имом билан роса гаплашишибди. – Чакиринглар имомни, – буюрдим.

Имом ёши қирқлардагичуваккина киши экан. Бўйи пакана, қўса, қандайдир қўрқинчи бордай туюлди.

– Келинг, мулла, – деб уни ичкарига таклиф қилдим. Имом эгилиб салом берди, икки қўллаб сўрашиб, ичкарига югуриб кирди. Мен ундан сўрадим.

– Қаерда ўқигансиз, мулла бува?

– Бухорои шарифда таҳсил кўрганмиз, – деди имом.

– Яхши, мулла бува, – дедим. Вақтим зик, тезроқ ҳукм зарур. – Бир ўғрини келтиришибди. Шариат билан ҳукм чиқарип беринг.

Имомнинг кўзи ўйнаб кетди:

– Ундей қилолмайман!

Ундей қилолмайман!

Мен жуда ҳайрон қолдим.

– Нимага, мулла бува?

– сўрадим.

– Большойлар эртага қайтса, додимни ким эшитади? – кўзи чақчайди имомнинг.

Ғазабим қайнаб кетди. Белимдаги тўппончага беихтиёр қўлим югурди. Бироқ олмадим.

– Ҳой, мунофиқ! – деб қалтираганча унинг ёқасидан тутиб силтадим. – Менга қара, пакана! Худодан қўрқмасдан кофирдан қўрқасанми? Кофир қайтиб қелмайди! Билдингми? Келмайди!

Имом адойи тамом бўлди. Ранги ўчиб, лаби пирпиради, пешонаси терлади.

– Билдим, билдим, – деди ялингансимон йиғламсираб. – Истасангиз, ҳукм чиқарип бераман, бек. Қандай ҳукм чиқарай?

Бу гапидан қоним қайнаб кетди. Мен бу итдан шариат ҳукмини сўрасам, менинг раъйимга қарайпти? Uriб, башарасини қонга белашдан ўзимни базўр тийдим. Силтаб, итариб юбордим. Пакана имом гандираклаб туриб қолди. Салласи бошиданчувалашиб ерга тушди. Шахд билан ташқари чиқдим. Оломон тинчили.

– Испинг нима? – сўрадим ундан.

– Ўроз, бегим, – деди ўғри. Турқидан нашавандлигини сездим.

– Нима ўғирладинг? – важоҳатим ёмон эди, шекилли, ўғри типирчилаб деди:

– Мен... Мен... Ҳалиги...

– Нима ўғирладинг, ит! Каззоб! – ҳайқириб юбордим. Шундай хайқирдимки, овозимда қаҳримнинг ҳамма алангаси бор эди. Одамлар чўчиб кетганини яққол сездим.

– Қўй... Қўй олдим, бегим...

– Чап қўлини ечинглар, – дедим. Ўғри ялина бошлади:

– Раҳм қилинг, бегим, раҳм қилинг! Шайтон йўлдан урди. Бир зумда чап қўлини ечиб, ўнгини танаси билан қўшиб маҳкамроқ боғлашди. Ўғри чийиллади:

– Раҳм қилинг... Раҳм қилинг...

Мен одамлардан сўрадим:

– Кимнинг уйига тушди бу ит?

Қотмадан келган, қора бир одам чиқди:

– Менинг уйимга тушган, бек.

– Касби корингиз нима?

– Дәхқонман.
– Нечта қўйингиз бор?
– Битта ориқ қўйим бор, холос. Кофирлар молларим билан қўшиб тортиб олди. Қизил аскарларни боқармиш.

Ўғрига қарадим:

– Сен ит бир камбағалнинг шўрини қуритмоқчи бўлибсан-ку! Кўлингни чўз!

Ўғри тиз чўкди, чап қўлини қаерга яширишни билмай менга ялиниб узатган эди, қиличимни кўз юмиб очгунча бир фурсатда қиндан суғурдим, билагидан чопдим. Ўғри чинқириб қонига беланиб йикилди.

– Кигиз куйдириб босинглар, – дедим. Бир зумда айтганимни бажаришди, қон тўхтади. Ўғрининг оёқ – қўлини ечишди, у ҳамон ҳушсиз эди, замбилга солиб олиб кетишди. Одамлар мендан қандайдир гап кутаётганини билдим.

– Кофир билан урушдамиз,

– дедим. Очиги, чиройли гапира олмасдим. – Ким яна шундай иш қилса, шариатга кўра қўлини кесаман, керак бўлса, бошини узаман. Биз Худо йўлида ҳалқ ҳимоясига чиқдик. Бу кофирга қарши ғазовот дейилади. Қўрқманглар, кофирни юртдан қувамиз! Мусулмонлар! Унутиб қўйманг, Худо Бир, Расул Барҳақ!

Одамлар тарқалди. Менинг кайфиятим йўқ эди. Қизиллар бу ердан иигирма чақирим нарига жойлашаётганини эшитиб, йигитларим билан кетарканман, имомнинг сўзларини ҳамон ҳазм этолмасдим. Жигарим, бу биз ичида бўлган муаммоларнинг энг майдаси эди. Лашкарни бошқариш, лашкар ичидаги низони ҳал этиш, таъминот, кофирдан қайтариб олинган ҳудудларни сақлаб қолиш, асосийси, лашкарнинг руҳиятини кўтариб туриш каби ишларнинг чеки йўқ эди. Йигитларим кўпайди. Икки мингдан ошганимиздан сўнг, Эргаш қўрбоши маслаҳат солди, лашкаримизни Ислом лашкари деб эълон қилдик. Ҳарбий тайёргарлигимиз барибир суст эди. Йигитларнинг қони қайнок, бироқ кўпи ҳаёт кўрмаган, шижаоти бор, тажрибаси йўқ. Калта ўйлайди. Баъзилари билиб – билмай хатолар қилди. Кофирни водийдан улоқтирганимизда уларнинг саркардалари сулҳ таклифи билан чиқди. Бу ҳол обрўмизни ошириб юборди. Сафимизга одам оқиб келди, афсуски, келаётгандарни текширишга, улар билан батафсил сухбатлашишга вақт ҳам, имкон ҳам, олимларимиз ҳам йўқ эди. Ҳафтияк ўқиган, Сўфи Оллоёрни ёдлаганларни лашкар ичидан топтирдим. Йигитлар ибодатга мустаҳкам туришлари шартлигини тушунтирудим. Ҳар хил гуноҳлардан қайтиш кераклигини уқтирудим. Сонимиз кўпайди, сифатимиз ошмади. Эргаш, Мадаминбек ва менда умумий ҳисобда ўн беш минггача қўшин йиғилгани аниқ ёдимда. Учовимиз ҳам бироз ҳаволандик. Эргашни амирулмуслимин деб тан олсак -да, ичимидан унга бўйсумаганимизни биламан. Эргаш ҳам буни сезиб юради. Лашкар ҳам бундан огоҳ эди. Ҳозирги ақлим ўшанда бўлганида эди ҳаммани Эргашга мажбурлаб итоат қилдирган бўлардим.

Итоатсизларни ўлдириб, бутун водийда темир интизом жорий этардим. Бироз илмимиз, ақлимиз бўлганида ўзаро адоватлашмасдан кофирни таг –туги билан қуритардик, албатта. Кофирнинг Фрунзе деган саркардаси катта фитна қилди. Биз алдандик. Эргаш бир жангда яраланди, эсини йўқотди, Мадаминбекка мени хоин ўлароқ кўрсатдилар, менга эса Мадаминбекни ёмонладилар. Бу аламли ва узун ҳикоя. Ҳаракатимиз билан Фарғонани эмас, бутун Туркистонни ларзага солдик. Кейин эшитдимки, ўрис кофир бу ерлардан умид ҳам узган. Ҳолбуки, биз ғофил эдик. На ўрис ичиде жосусимиз, на бир руҳоний йўлбошчимиз йўқ эди. Қизилларга қарши Оқ подшонинг эски ҳарбийларидан лашкаримизга таълим ҳам ўргатдик. Орамизга хоинлар кирди. Динидан, иймондан юз ўтирганлар бизни сотди. Минглаб йигитларимиз шаҳид бўлди. Кофир юртимизни бўғма илон каби бўғиб, босиб олди. Биз боримизни бой бериб, қон йиғлаб чиқиб кетдик. Аллоҳ бизга ўз Ватанимизни қайта раво қўрмади. Биз Амударёning нариги томонида, афғон шамолида қум ютиб, қуфр ҳалқимизни қай тариқа хорлаганини жим томоша қилдик.

– Эй Шермуҳаммад, – деган эди амир Олимхон менга. – Аллоҳ берган Ислом салтанатини мен қўлдан чиқардим. Неча асрлик мусулмон юртини кофирга топширдим. Бунинг учун Маҳшарда Аллоҳга қандай жавоб беражакман?!

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Розия хоним Шафиқа билан кўп суҳбатлашди. Денгиз бўйига олиб чиқди. Бомдод намозини ўқийдилар, тиловат ва зикр ила ўтирадилар, сўнг уфқ қирмизи тус олиш арафасида соҳилга йўл оладилар.

– Инсон ўзини таниб, ўзини енга олишидан каттароқ иш йўқ, Шафиқа, – деди Розия хоним. – Бу нафс билан курашмоқдир. Аллоҳга ибодат ва итоатда бўларканмиз, нафсимизни синдиришимиз, уни таслим этишимиз энг машаққатли курашга айланади. Дунё ва унинг ичидаги нарсаларга муҳаббат билан қараганинг сайин Аллоҳдан йироқлашасан. Аллоҳдан йироқлашган банда ҳеч бир ҳақиқатни идрок этмас, унинг тафаккури ҳақни англашдан ожиз қолажак. Иймон калимасини айтсанг-да, беш маҳал намозни адо этсанг-да, закотингни мусрифларига тутқазсанг-да, Рамазонда рўзали юриб, ҳаж нияти ила Каъбанинг зиёратида бўлсанг-да, нафсингдан ғолиб келмагунингча бу амаллар сени яхши томонга ўзгартиргай. Ҳатто, жиҳод майдонига чиққан мужоҳиднинг нафси унга иймонидан кўра кучлироқ таъсир ўтказса, кофирнинг қонини тўкиб, жонини олишдан кимга қандай наф бўлгай?! Зотан, жиҳоднинг асли нафсга қарши жиҳод қилмоқдир. Нафс кўзни кўр этади, ҳақиқий ишқдан айиради, рўёларга асир этади. Мушриклар “Лаилаха иллаллоҳ” демадилар, чунки Аллоҳга сифинмоқ ила нафсларининг хоҳишларидан юз ўгиришга мажбур бўлишларини улар биздан теранроқ тушунган эдилар. Бугуннинг мусулмонлар иймонга олиб киражак калималар

моҳиятига Макканинг ўша мушриклари қадар ҳам назар сола билмаймиз. Исломга бир шакл ўлароқ бокдик. Унинг ичига қизиқмаймиз. Қалбингни тарбиялаб, руҳингни кирлардан поклайдиган Исломни эмас, қонун-қоидалардангина Исломни ушладик. Ҳолбуки, Исломнинг моҳияти инсонни Роббисига етаклашдан иборат, бизнинг исломимиз эса, аксинча, Худодан тескарига олиб кетмоқда. Чунки биз Ислом ила яшамаяпмиз. Ислом ила яшаш ўғрининг қўлини кесиб, фоҳишани тошбўрон қилишгина бўлсайди, бундан осон иш топилмас эди, шубҳасиз. Ислом ила ҳар бир мўминнинг ички олами, ҳаммадан беркитадиган яширин ҳаёти, қалбидаги ўйлари, хиссиёти, ақлининг хулосалари – ҳамма-ҳаммаси исломий бўлмоғи лозим. Роббимнинг қошида бу ниятим учун қандай жавоб беражакман? Бу амалим сабабли Аллоҳнинг муҳаббатидан маҳрум бўлмасманми? Қайси ишларим Роббимга хуш келади? Ахир, мен Аллоҳга таслимман, унинг амрларини сўзсиз бажаришга қасам ичдим, менда заррача шубҳа бўлмасин, икки дунё бўлурми, бўлмасми, Роббимнинг амрларида событ туришим керак, леким бу менинг кўлимдан келса, кошки! На ниятларимни ўнглай оламан, на амалларимни ислоҳ этаман! Ҳар бири Роббимнинг изнида. У хоҳласа, мен ҳидоятдаман, у хоҳласа, мен яхши ишга кодирман, “ё Роббим, менга ёрдам бер, бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйма!” Бизнинг борлиғимизда шу қоидалар ишлаши керак. Ҳар бир ишни Аллоҳ амрлари асосида бажариш керак, Аллоҳнинг буйруқлари, таъқиқ ва ижозатларидан каттароқ кенглик йўқ, эркинлик, хуррият йўқ. Буни иймон эгалари кашф этадилар, холос. Аллоҳ иймон келтирган ва ҳидоятланган ҳар бир одамга ўз амрларини жуда осонлаштириб беради. Лекин шайтон бошқаларнинг кўзига Аллоҳнинг шариатини оғир ва қийин кўрсатади. Шафиқа, шундай – иймон калимасин тилингда айтар экансан, қалбингда тасдиқ, яқийн, муҳаббат, ихлос ва сидқни топ. Акс ҳолда, худди илгариги ҳолатингдан холос бўлмайсан. Ёки дунё ҳаётига боши билан чўккан одамлар каби Аллоҳ учун бир дақиқангни ажратади олмай ўтиб кетасан. Худди бўшлиқда қолиб кетган бир маъносизлик сингари. Шайтон маъносизлик ичиладир. У бошидан оёғига қадар умидсизлик ва исён ила ўралган. Ислом эса умид ва муҳаббат, инонч ва ихлос йўлидир.

Шафиқа денгиз соҳилида узоқ сайр қилди. Бир неча кун тонгларини, оқшомларини денгизга термилиб ўтказди. Азим тўлқинларнинг сўзларини тинглади. Қўёшнинг сокин сув ичига атроф –жавонибни олтинлантириб ботишини кўрди. Қум ичидя ялангоёқ юрди.

Бир куни Розия хоним ўлимдан сўз очди:

– Ўлим охират учун эшик кабидир. Ҳар қандай нафс бу эшиқдан ўтишга мажбур. Истаганлар ҳам, истамаганлар ҳам Аллоҳнинг қадарига мувофиқ ҳолда, шубҳасиз, ўлим шарбатини ичади. Ўлим биз учун узоқдаги бир манзил сингари туюлади, афсуски, бу энг катта нуқсонимиздир. Ўлим қош ва қовоқ қанчалик бўлса, бизга ана шу қадар яқиндир.

Розия хонимнинг кўп такрорлайдигани: “Биз гўзал ўлимга тайёргарлик кўриш учун яшамоқдамиз”, – эди. Хоним деярли ҳамиша рўзадор эди.

– Шуни билки, Шафиқа, Аллоҳнинг дини инсоният учун осонлик ва ҳаловат динидир, – дер эди Розия хоним. – Мусулмоннинг ҳаётида қийинчилик бўлиши мумкин эмас. Чунки Аллоҳ менинг амрларимни бажариш ҳидоятланганлар учун катта иш эмас деб айтган. Модомики, дин арконларини бажаришда биз қийинчилик топаётган бўлсак, бизнинг айбимиз. Зотан, Аллоҳ ваъдасига ҳаргиз хилоф этмас, banda ўз вазифасини мукаммал бажара олмайди. Қўлимизда Қуръон, дилимизда Иймон, йўлимизда Ислом бўла туриб, бизнинг, мўмин ва мусулмонларнинг хорликда яшashi мумкинми?! Мумкин эмас, бироқ ночор аҳволдамиз, нечун? Чунки динимизга амал қилмаяпмиз. Аллоҳдан йироқлашганмиз. Ихлосдан мосуво бўлганмиз. Қалбимиз куйиб, Аллоҳга қачон юзландигу, Аллоҳ бизни ноумид қолдирдими? Йўқ, биз Аллоҳга юзланмадик. Қиблага юзланиб, ўзимизни Аллоҳга юзлангандек тутмоқдамиз, холос. Қалбимизда на ишқ, на шавқ бор! Устига устак, хорланишимизга динимизни айбдор қиласиган даражада мардудмиз, астағфируллоҳ!

Шафиқа зикрларни қайта ёд олди. Қуръонни янгидан ўқишига киришди. Фарзлар адосидан ортиб, нафл ибодатларни лозим тутди. У гўё Исломни энди кашф этди. У гўё Исломда эмас эдию, энди мусулмон бўлди.

Ҳар бир қадамида тасбих, таҳмид, такбир, истиғфор айтар экан, тилига begona сўз, дилига begona ўй келишидан уяла бошлади.

– Ислом камолот динидир, – деди Розия хоним. – Динимизда қалбдан, ихлос ила маҳкам тутиш ва маърифатини англаш ила биз ҳар куни камол топамиз. Мусулмоннинг ҳаётида хорлик, таназзул бўлиши мумкин эмас. Мусулмон юксалса, юксаладики, тубанликка тушмайди. Чунки бу юксалтирадиган йўл. Чунки Аллоҳ йиғлаб сиғинаётган мухлис ва муслим бандасини ёрдамисиз ташлаб қўймагай. Ёнида бир дўсти, ишида бир унуми, бошида бир ҳимояси, саъларида парвози бўлмаган мусулмон, аввало, ўз қалбига назар солсин, сўнг амалларига боқсин. Албатта, нуқсонини топади. Ё қалбида Аллоҳга тўла таслим эмас, ё амалларига ихлоссизлик борлигини англаб етади. Сени уйингдан чиқарган, эрингдан ажратган, болаларингдан юз ўгирирган сабаб шу. Акс ҳолда, она ўз жигаргўшасидан воз кечадими?

Шафиқа нақадар зикрга, ибодатга чулғанса, шу қадар надоматга, афсусга чўкди. Ўтмиш хатолари қаршисидан чиқаверди. Эри Фотих Карим, икки фарзанди, отаси, онаси, ака-укалари кўз ўнгидан кетмай қолди. Чунки Шафиқа ўзини уларга ноҳақлик қилган одамдек ҳис этди. Улардан афв тилаб, кўнгилларидаги норизолик тугунларини ечиб юбормагунича зинҳор хотиржам бўла олмаслигига иқрор эди у.

– Мен Малайзияга қайтишим керак, – деди бир куни Розия хонимга. – Истихоралар қилдим, Роббим қалбимга эримнинг ҳузурига қайтиш ниятини солди.

Розия хоним табассум қилди:

– Алҳамдуиллах, – деди мамнун. – Сени ўзим олиб бораман.

...Куала Лумпурга боргунларича, ундан кейин ҳам Шафиқа бир оғиз гапирмади. У ажиб бир қўрқув, шунингдек, тўғри иш қилаётганига аниқ ишонч ичида эди.

Шафиқа бошидан оёғига қадар қора чодрага ўралди, эрининг ҳовлисига келиб, машинадан тушганларида Розия хонимнинг ортидан эргашди. Эшикни уй хизматчиси очди:

– Ассалому алайкум, келинг, хоним, марҳабо, – деди у очиқ юз ила.

– Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ, – алик олди хоним. – Хатиб Фотих Карим жаноблари уйдами?

– Уйда, илм ила машғул, – деди хизматчи.

– Агар ижозат берсалар, сұхбатларига киришни истаймиз, биз Истанбулдан келдиқ, исмим Розия Мұхсин, бу эса менинг синглим, – деб ўзини таништириди хоним.

– Марҳабо, бу ерда бироз ҳордиқ олинг, мен жанобимизга хабар бераман, – деб хизматчи уларни ичкарига таклиф этди.

Меҳмонлар учун мўлжалланган хона кенг, шинам эди. Хизматчи Фотих Каримнинг хонасига кетаркан, истарали бир аёл кирди.

– Бекам, Истанбулдан меҳмонлар келишибди, хатибимизни сўрамоқдалар, мен у кишидан ижозат олай, – деди хизматчи йўл-йўлакай.

Унинг “Бекам” деган сўзи Шафиқага чақмоқ ургандек таъсири этди. Беихтиёр аёлга қаради. Аёл келиб, уларга салом берди.

– Келиб, кўзимизни нурга тўлдирдингиз, – деди мезбон хоним очиқ юз ила. – Исми шарифим Амина Карим, Фотих Карим жанобларининг завжалариман.

Шафиқа муздек сув ичига чўккандек сесканиб кетди, хайриятки, у паранжи ичида эди, юзларини парда ёпиб турибди, акс ҳолда, Амина бу аёлнинг нима учун бу қадар оқариб кетганидан таажжубга тушар эди, албатта.

– Жуда ҳам мамнунмиз, – деди Розия хоним. – Фотих Каримдек олим инсонга сиздек мutoҳҳара завжа беҳад ярашади. Аллоҳим турмушингизни хайрли, барокатли қиссин, амийн!

– Амийн, – деди Амина.

– Амийн, – деди эшитилар-эшитилмас оҳангда Шафиқа. Кўзларини тўсиб турган қора тўрли парда унинг кўзёшини ҳам яширди.

– Менинг исмим Розия Мұхсин, – деб ўзини таништириди хоним. – Бу менинг синглим. Фотих жанобларига бир масалада мурожаат этмоқчи эдик.

Шу пайт ташқаридан бири беш, бири уч ёшли икки болакай чуғурлашиб кириб келди. Шафиқа ўрнидан туриб кетди. Ортиқ ўзини ушлай олмади. Югуриб бориб болаларни қучоқлади. Буни кўриб, Амина ҳам, Розия хоним ҳам тезда турдилар. Шу онда хизматчининг овози келди:

– Устоз Фотих Карим азиз меҳмонларимизни кутмоқдалар.

Розия хоним Шафиқанинг қўлидан ушлади. Шафиқа сассиз-садосиз ҳолда икки болани яна бир марта маҳкам бағрига босиб, кейин Розия хонимнинг изидан юрди.

- Амина хоним, – деди Розия хижолатомуз. – Бизни афв этасиз...
- Нега ундей дейсиз? – деди шошиб Амина таскин ва тасалли ила. – Хижолат бўлманг...
- Ойи, акам билан уй қурдик, – деб кенжатойнинг мақтанаётгани эшитилди ортдан.
- Вой, кўзимнинг қораси, у уйда кимлар яшайди? – дегани қулоққа чалинди Аминанинг...

Фотих Каримнинг ижодхонаси кенг. Ёруғ. У меҳмонларни ўрнидан туриб кутиб олди, хонимларга юмшоқ ўриндиқлардан жой кўрсатиб, ўзи тўрдаги ёзув столига чўкди. Хонанинг деворларига суюнган жавонлар турфа китоблар ила тўла.

Дуодан сўнг, Фотих Карим меҳмонларга саволомуз боқди.

– Фотих жаноблари, – деб сўз бошлади Розия хоним. – Бир гуноҳкор ўз хатосини тушуниб, тавба этса, Аллоҳим уни ўз марҳамати, фазли ила афв этади.

– ИншаАллоҳ, – деди Фотих Карим. У меҳмоннинг муддаосини ҳамон англамаётган эди.

– Биз динимизни, набийимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келтирган динни тўғри тушуна олмаяпмиз, тушунмаганимиз учун уни тўғри татбиқ эта билмаяпмиз, – сўзида давом этди Розия хоним. – Аллоҳ ал-Карийм, Аллоҳ ал-Ҳакийм, Аллоҳ ал-Муиз, Аллоҳ ал-Ҳодийдир. У биз бандаларга сўрамасак-да кўпдан кўп, саноқсиз неъматлар беради. У Ўз ишини буюк ҳикмати ила қилгувчидир. У хорликдан иззатга кўтариб, бандасини хидоятга йўлловчи ягона Зотдир. Аллоҳ Роббимиздир, у бизнинг Тарбиячимиздир. Ўзига иймон келтирган ҳар бир бандани тарбиялайди, камолга етказади.

- Ҳақ сўзларни айтмоқдасиз, – деди Фотих Карим.
- Сизнинг биринчи завжангиз Шафиқа Карим ёдингиздами? – савол берди Розия хоним.
- Шафиқа?! – чўчиб кетгандек бўлди Фотих. – Шафиқа менинг собиқ хотиним, унга талоқ берганман.

– Талоқ бердингизу, унинг кейинчалик қандай ахволга тушганидан хабарингиз борми? – сўради Розия хоним.

Фотих Карим бу саволдан нокулай бўлди, қизаринқираб деди:

– Бегона аёл билан менинг қандай ишим бўлсин, хоним?

“Бегона аёл” таърифи Шафиқанинг юрагига ўқдай қадалди.

– Талоқ билан у бегонага айланади, бироқ бир муслима сифатида мусулмонларнинг ҳимоясига у муҳтоҷ эмасмиди? Сизлар биз мусулмонмиз, деб айтасиз, бироқ адашса ҳам, адашмаса ҳам диндошингиз бўлган бир

заифани ҳимоясиз, чорасиз ташлаб қўйишиларингиздан озурдаман, – деди бироз қизишиб Розия хоним.

– Бу кечирилмас хатойимиз, – деди Фотих Карим. – Шафиқадан ранжигандим. Шу боис, уни қалбимдан юлиб отдим. Уни қандай танийсиз? У қаерда? Яхшими?

– Қалбдан юлиб отиш ожизларнинг иши, мўминнинг иши эмас, – деди Розия хоним кескин. – Мўмин дунё муҳаббатини қалбдан юлиб отсин, кофирдан қўрқиши қалбдан юлиб отсин! Хато устидаги муслимани ислоҳ этиш ўрнига уни қалбдан юлиб отиш нақадар тўғри иш деб ўйлайсиз? Қалбини Аллоҳга топшириш ўрнига бир аёлга бериб қўйиш ҳам мусулмон эрга ярашадими?

Фотих Карим мум тишлади.

– Сиздек соҳиби илмга танбих бериш учун келмадим, – деди Розия хоним. – Шафиқа билан орангиздаги ақдни қайта тиклашингизни истаб келдим.

– Шафиқа қаерда? У келдими? – деб сўраркан Фотих Карим чодра ичида ўтирган аёлга кўз қири билан қараб қўйди.

– Амина хонимдек дилбар муслимани никоҳингизга олибсиз, – деди Розия хоним.

– Албатта, – тасдиқлади Фотих Карим. – Болаларимни қаровсиз қолдира олмас эдим.

– Шафиқанинг ота-онасига нима дедингиз?

– Устозимга буни айтишга журъат этмадим, – деди Фотих. – У кишининг орияти бу ҳодисани қабул этмайди. Бирор кун Аллоҳнинг тавфиқи етиб, Шафиқа тавба қилиб қайтиши мумкин, деб ҳамиша ишончда эдим. Ўшанда мен уни афв этсан-да, отаси кечирмайди, деб хавотир олганим учун бу тўғрида у инсондан сир тутдим.

– Сиз нима учун Шафиқа тавба билан қайтиб келади, деб ишондингиз? – сўради яна Розия хоним.

– Чунки... – бироз жим қолди Фотих. – Чунки у кетганидан буён Роббимдан унга тавфик сўраб дуо қилмоқдаман.

– У ҳолда, Шафиқани қалбимдан юлиб отдим, деганингизни қандай тушунай? – деди Розия хоним.

– Шафиқа кетгач, – деди Фотих Карим бир изтироб ила. – Уни ҳаддан ортиқ яхши кўришимни англадим. Шу қадар яхши кўрибманки, унга бўлган муҳаббатим қалбимни буткул эгаллаган экан. Мўминдан у нимани қўп севса, олиб қўйилган. Мен Шафиқанинг кетишини ана шу ҳикматдан деб билиб, истиғфор ва дуода эдим.

Розия хоним Фотих Каримнинг жавобидан мутаассир бўлди.

– Фотих жаноблари, – деди у. – Сизни ўғлим, деб чақирсам ҳам ҳаққим бор, чунки кенжа ўғлим сиз ила тенгдош. Мен борай, Шафиқа билан гаплашай, унга асл ҳолатдан хабар бераман. Агар у рози бўлса, сиз рози бўлсангиз, никоҳингизни ўқисинлар.

– Инша Аллоҳ, – деди Фотих Карим. – Агар Шафиқа келса, уни никоҳимга оламан. Болаларимнинг ёнида ўз оналари бўлишини истайман.

Розия хоним таклиф этилган қаҳвани ҳам, чойни ҳам назокат ила рад этди. Эр-хотин Фотих ва Амина Карим уларни кузатиб, оstonага чиқдилар.

Машинада кетарканлар, Шафиқа бир оғиз ҳам гапирмади. Мехмонхонага бориб, ўз хоналарига киргандарида Розия хоним Шафиқанинг юзига қараб қўрқиб кетди:

– Ё Аллоҳим! Шафиқа, нега ўзингни бунчалик қийнаяпсан, қизим?

Шафиқанинг икки кўзи йифидан қизариб, ҳатто, шишиб кетган эди.

ЎНИНЧИ БОБ

Шермуҳаммадбек Амир Олимхон билан бўлган сухбатни эслаш асносида бир он ўйга чўмди. Эҳсон Ҳаким афанди ва Иброҳим Ёрқин уни дикқат ила тинглар эдилар.

– Амирни мен шундай қайғуда кўрдимки, умрим бино бўлиб, у каби андуҳли бошқани учратмадим, – деб ўтмиш хотираларига яна шўнғиди Шермуҳаммадбек. – Мен ўз елкамдаги вазифани бажара олмаганимдан озурда эдим. Кофирга юртни бериб қўйдим. Бу шармандалик эди. Шундан кейин ҳам тирик юриш изтиробли. Бироқ менинг ғамим амир Олимхоннинг ҳасрати олдида денгиз тубидаги муштумдек бир тошга айланиб қолди. Амирнинг вужудидан бир алам ҳарорати тарақар эди. Билдимки, у деярли ҳеч бир киши билан сўзлашмай қўйган. Содик хизматчиси унга таом келтиради, ювинши учун ёрдамлашади. Амир эртадан кечгача, оқшомдан тонггача Қуръон ўқиёди. Менинг келганимни айтишганида: «Ким у?» – деб сўрабди. «Шермуҳаммадбек, мужоҳид», – деб мени таърифлаганларидан кейин, ҳузурига киришим учун изн берибди. «Шермуҳаммад, – деди менга амир Олимхон, – Бизнинг халқимиз ўзи ҳам англаб ета олмайдиган бир буюлиқдан англаб етганида надомати юракни парчалайдиган тубанликка чўқмоқда. Бу шундай тубанликки, унда одамзод яшашнинг мақсадини унутади. Ҳайвон мақомига, ҳайвондан ҳам пастроққа тушади. Қудсиятдан ақл бовар этмас даражада йироқлашиб, наҳсиятга шу қадар яқинлашади, натижада инсон ва наҳсиятни ажратишга қийналиб қоласан. Шермуҳаммад, ҳамма нарсани бой бердик: динни, иймонни, исломни кофирга бердик, юртни, ватанини босқинчига текиндан текин тақдим этдик, халқни золимларга кулликка топширдик, ундан ҳам мудҳишроғини айтайми? Мудҳиши шуки, келажак наслларни душман қўлида қолдирмоқдамиз. Туғиладиган болаларимиз Аллоҳ, деб, Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, деб, миллатим, давлатим, халқим, деб тил чиқармайди. Уларнинг тили тоғутнининг исми такрорлаш ила чиқади, оёғи шайтонни қадами билан босилади. Ўзлигидан йироқлашиб, Аллоҳга мункар бўладиган, бири иккинчисини ваҳшийларча қирадиган, энг даҳшатли қийноқларга соладиган бир авлод дунёга келади. Бу авлод ўтмишга тупуради, келажакни қўрмайди,

ўзини мақтаб, худо, деб атайди. Олимлари жаҳолатни, қозилари разолатни тутади. Волийлари хиёнат –ла, миршаблари жиноят –ла тирикчилик ўтказади. Шоирлари мунофиқ, адиллари кazzобдир. Воизларининг ягона иши ҳалқни алдашдан иборат. Бу авлод ҳақгўйларни ўлдиради, мўминларни азобга солади, тақво ахлини ёлғончига чиқаради. Катта иззатни, кичиги ҳурматни билмайди. Аёли эрликни, эрлари аёлликни хоҳлайди. Бу авлод ўз ҳалокатини қўради, бироқ ҳис этмайди. Ўз саодатини англайди, лекин интилмайди.

Ҳамма чиройли ишларни зийнат учун бажарадилар, бирор кас қалбини ислоҳ этишга иштиёқ топмайди. Бу авлоднинг бири иккинчисини сотади, бошқаси бошқасига фириб беради, ҳаргиз боши бирикмагай, ҳаргиз аҳиллик нелигини билмагай!»

Амир Олимхон шундай гапирдики, ранглари оқариб, соқолларига қадар қалтираб кетди, ожиз қўзларидан, ҳатто, ёш сизиб чиқди, нафас олиши -да қийинлашди. Мен эса шу қадар мутаассир бўлдимки, ихтиёrimни йўқотиб:

«Астағфируллоҳа алиййил азийм! Ва атубу илайҳ!» – деб»Астағфируллоҳ, де, мужоҳид! Астағфируллоҳни айт! Шаънимга кўп ножоиз сўзлар ёғилади, беҳад кўп айблар ила айбландим. Хайриятки, у айбларим ўзимда бор гуноҳларнинг олдида ҳеч нарса! Мен тахтда ўн йил ўтиредим. Ўн йилни мен Бухорои шарифнинг шарафини тиклашга сарф этдим. Ўн йил тин олмадим, ўн йилим беҳаловат ўтди, нураб бўлган азим давлат иморати пойдеворини қайта тиклашга Аллоҳим қодир қилган даражада азм этдим, мужоҳид. Раиятни билмасмидим? Билар эдим. Диндорлигимиз ҳолини билмасмидим? Билар эдим. Ташқаридан келаётган бало нақадар улкан бўлса, ичимиздаги офат ундан икки баробар улкан эди. Ўрис биздан қавий эди, биз эси заиф эдик. Ўйлама, Шермуҳаммад, жисмда заиф эдилар, қуролсиз заиф эдилар, деб ўйлама. Жисмга қувват берадиган, қуролга қудрат ато этадиган нарсадан айрилган эдик. Бу Динимиз эди. Уламолар, садрлар, беклар, қозилар, лашкар, толиби илмлар, ё Роббим, ҳаммамиз кўрлар подаси эдик, гўё. Оловдек ёнасан, сўзингни ҳис этмайдилар, шижаотдан айро ўликка ўхшайдилар. Ҳаммамиз охиратни унутиб, дунё зиндонининг энг тубига, зулматнинг зулматига ўзимизни ўзимиз занжирбанد этган эдик...»

Мен лол эдим. Амирнинг нуқтасига қўтарилимоққа тиришдим. У муаммога қай нуқтадан қараётганини билгим келар эди.

«Шермуҳаммад, – деб давом этди амир. – Муҳожиротда йилларки, рўзадорман. Ислом кишварини кофирга бой берган бир амирнинг бу дунёда тўйиб овқат емоққа ҳаққи йўқ, зотан. Очлик руҳингни тозалайди. Ўзгаларга кўринмаган сарҳадлар сенга қўринади. Мен бу сарҳадларда ана шу айтганларимни идрок этмоқдаман».

«Амир ҳазратлари, – дедим мен изтироб ила. – Сиз шундай нарсаларни баён этдингизки, гўё жаҳаннамга рўбарў келдим. Наҳот, бизнинг юртга, ҳалққа бир имдод бўлмаса?! Бир нажот йўли топилмасми?!»

«Имдод – Аллоҳнинг Каломи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатидир. Нажот шу иккисига эргашмоқ билан пайдо бўлажак, – деб жавоб берди амир. – Бироқ бу ҳақиқатни англаб етгунимизча бизга неча ўн йил, йўқ, неча юз йил керак? Буни билмайман. Миллат ўзини хорликда эканлигини англамагунча, у нажот ҳақида зинҳор ўйламагай. Шермуҳаммад, қадим шарафимиз, қадим буюклигимиз ўз –ўзидан қайтади, деб хаёл қилма. Бу хаёл бир хом тамаъ, холос. Қадим қудратимиз ортида боболаримизнинг минг чақиримлик йўллари бор. Отларнинг кишинашлари, қиличларнинг жарангি, қонлар тўлиб оққан дарёлар бор. Биз бу қудратни ғафлатимиз сабабли йўқотдик. Уни бир кунда йўқотмадик, жуда секин йўқотдик. Буюк давлатимиз ўзимизга сездирмасдан нураб, ер билан яксон бўлиб йиқилди. Уни яна аслидай тикламоқ учун аждодлар босиб ўтган йўлни худди улар каби босиб ўтмоқ лозим. Боболаримиз азим қудратга эришиб, олий давлатни қуриш учун нақадар мاشаққат чеккан бўлсалар, худди ўша мешаққатлар кутиб турибди.

Бироқ бу шарафни ҳис этадиган, бу азаматни, бу қудратни танийдиган насллар қачон туғилиб, бу йўлга жонларини тикиб отланишлари ёлғиз Роббимизга аён!

«Амир Олимхон ана шуларни сўйлади. Мен амирга у кўрсатган улуғ йўлдан юришимни айтдим. У Аллоҳ ёрдамчи бўлсин, деди. Мен афғон тоғларида, туркман сахроларида лашкар йиғиб, коғир ўрисга қарши жиҳод қилиб, юртимни унинг ҳаром оёғидан покламоқчи эдим. Шу мақсадда Истанбулга келдим. Бу ерда эса, қазои қадарда бор экан, иккинчи кўзимдан ҳам айрилдим. Шу ерда қолиб кетдим.

Шермуҳаммадбекнинг қайгули қиссаси Эҳсон афандига ҳам Иброҳим Ёрқинга ҳам кучли таъсир этди. Қаршиларида ўтирган кекса паҳлавон қаноти кесилган, кўзларидан маҳрум қилинган бургутга ўхшайди. Унинг юраги ёняпти, шиҷоати вужудига сифмайди, бироқ юришни истамай қолган оёқлар, кўришни хоҳламаётган кўзлар у шиҷоатнинг намоён бўлишига изн этмайди.

– Иброҳим, башарти, кўзларим кўр бўлиб, оёқларим юриб турганда эди, отимга миниб ота Туркистонимга кетар эдим, – деди у яна бир хиёл жимлиқдан кейин.

– Субҳаналлоҳ, – деди Иброҳим Ёрқин.

– От устида жангчиларга хос шараф ила шаҳид бўлмоқ орзуйимдир, Роббим бу орзуйимни ижобат этгайми, йўқми, билмайман, – деб қўйди Шермуҳаммадбек. Улар кечгача кекса мужоҳиднинг зиёратида қолдилар. Кенжа ўғил Абдуллоҳ тузалди, у янги маҳаллани ҳам тезда «ўзлаштириди»: тенгдошларининг тилини топди, ўзидан катта болаларга қўшилиб мактабларга ҳам бориб юрди. Иброҳим Ёрқинга Шермуҳаммадбекнинг маҳалласи яқинидан ҳовли топиб беришди. Ихчам, учта хонаси, ошхона,

ҳаммомлари бор, асосийси, ҳовлининг этагидан ариқда сув оқади. Иброҳимнинг аёли Робиянинг қалби шодликка тўлди. У салкам бир ойга чўзилган сафарнинг мاشаққатлари тугаб, Аллоҳ уларга гулдай маскан ато этгани учун шукроналар келтирди. Қисқа фурсатда Иброҳим Ёрқин хонадони энг файзли, энг баракали хонадонлардан бирига айланди. Робия эртадан кечгача ҳовлини обод қилиш, рўзгорини тартиблаш учун куйманади, Иброҳим эса шу ерлик ёрдамчилар қўмагида кичик дўкон очди.

Орадан йиллар ўтди. Аввал Шермуҳаммадбек, кейин Эҳсон ҳаким афанди вафот этдилар. Замон ўзгарди, одамлар ўзгарди. Ер шари бўйлаб бир шамол эсарди, гўё. У шамол қайси инсоннинг танасини силаб ўтса, ўша инсон фақатгина роҳат ва фароғат муҳлисига айланди. Роҳат ва фароғат олий қадрият мақомига кўтарилди. Инсоният қизиқ томошаларни, ёқимли оҳангларни, мақтову фахрни, лаззат ва ҳузурни, нафис қомат ва гўзал чеҳраларни, эҳтиросли нафас ва туганмас шодлик талабгори бўлиб қолди. Ҳаёт шу талаб устига қурила бошланди, мақсадлар, ниятлар фақат шу манзилларга қанот қоқди. Ўтмишнинг руҳоният оламидаги софлик ирсиятини сақлаган илдизлар қирқилди, замин ҳаёти томири қуриб, шамол ўйнаб юрган қоқшол дараҳт қиёфасига кирди. Ҳамма янги ранг излайди, янги шакл қидиради, эски ранглар зерикарли, қадим шакллар кераксиз, гўё. Ранг ва шакллар аҳамиятга айланди, унинг ичи унтилди. Ҳаракатлар маънодан, сўзлар ҳақиқатдан айрилди. Замон ана шундай ўзгарди. Аждодлар орзуси авлодлар наздида қадрсизланди. Аждодлар йўлидан юрилмай қўйди. Юрилмаган йўлни тикан босди. Насллар тўда –тўда бўлиб ҳар томонга сочилдилар -да, юраётган жойларини Йўл, деб атадилар. Бироқ бу ҳолни идрок этувчиilar кам эди, зотан, ҳамма шу иқлим асири, ундан ташқарида нафас олмагач, тоза ҳавони танимоқ мумкинми?!

Иброҳим Ёрқин хонадони кенгайди. У турмушга кириб келаётган ҳар бир янгиликка теран разм солар эди. Одамларнинг шошиб қайгадир чопишларига қараб, ойнайи жаҳон тасвирларини кўриб, овознигор сасини тинглаб, инсониятга улкан тўфон яқин қолганини сезар эди. Бу, албатта, росмана тўфон эмас, рамзий бир тўфон эди. Қалбларни маҳв этадиган, меҳру оқибатни ўлдириб, барчани худбинлик зиндонига якка –якка қамайдиган Тўфон эди бу.

Иброҳим Ёрқин руҳоний ўтмишнинг энг сўнгги вакили эди. У фарзандларига ўзи кўраётган ҳақиқатларни англатишга тиришди, кўп тиришди, шунда туйқус англадики, жигаргўшалари гўдак эканидаёқ уларнинг онги ва қалбига бегона уруғлар келиб тушибди. Иброҳим Ёрқиннинг тўнғичи савдони тутди, кейингиси, яъни Абдуллоҳ Ёрқин янги соҳага – компьютер илмига қизиқди, тўрт нафар қиз кўрган эди, уларнинг бири шифокор, бири муаллима, қолгани уй бекаси бўлди. Ўтмишдаги Тоза Дард юки, Шаън Қайғуси Абдуллоҳнинг елкасига ортилган эди. Бироқ у буни билмасди. Унинг қалби тубида ўзлик эҳтиёжи, деб аталган вулқон яширин эди. Бу вулқон отилса, ўз соҳибини ҳаммадан аввал куйдириши муқаррар.

Ана шу муқаррар ҳодиса Абдуллох Ёрқин Урумчига борганида содир бўлди. Бу пайтга келиб, Иброҳим Ёрқиннинг ёши олтмишга етган, Абдуллоҳ уйланиб, бир ўғил қўриб, уни катта бобосининг исми билан Қиличбек, деб чақирган эди. Хитойда, айниқса, Шинжондаги воқеалар дараги Ер юзи бўйлаб тарқалаётган паллада Абдуллоҳ Ёрқин Урумчига боришини отасига айтди.

– Нима қиласан у ерда, болам? – деб сўради ота.

– Уйғурлар учун таълим дастури ишлаб чиқдик, у ердан бу дастурга муносиблар танланди. Сўнгги синовга мени таклиф қилишди, ҳакамлик учун, – сабабни изоҳлади ўғил. Иброҳим Ёрқин чукур ўйга ботди ва деди:

– Халқимиз ҳозир қуллиқда яшамоқда, ўғлим. Қул бўлган халқнинг ичидаги муносиблар рағбат ва имкониятдан мудом маҳрумдирлар, сенга у жойларда зиён етишидан қўрқаман, – деб хавотирини баён этди ота.

– Рухсат берсангиз, ота юртга борсам, Хўтан, Ёркент, Кошғарни зиёрат этсам. Юрак-юрагимда нимадир ўша тупроқларга тортаётир, – деди Абдуллоҳ.

– Болам, ўша танлов сенсиз ҳам битар, – деди Иброҳим Ёрқин ўғлини юборгиси келмай. – Зулм маконига киришга бу сабаб арзимайди.

Абдуллоҳ индамади. Уйғур юртига бориш истаги уни қамраб олганини отаси сезди. Сезди -да, ноилож деди:

– Майли. Жуда ҳам боргинг келибди. Бориб келақол, Аллоҳнинг паноҳида бўл.

Абдуллоҳнинг юзи яшнади. Астайдил ҳозирлик кўрди. Бир ҳафтадан сўнг, отасидан дуо сўради, хотини Роҳила билан хайрлашди, ўғли Қиличбекни кўтариб, пешонасидан ўпди. У ўн кунда қайтиши керак эди. Шунинг учун сафарини ҳаммага билдирамади. Бу сафар узоқ йилларга чўзилмоғидан, ота-онасини, оиласини, бу кунларини чукур мунг ичидан эслашидан у бехабар эди, зотан.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Тонг насими денгиз ҳавосини олиб келди. Бу ҳаво намчил, ҳатто, шўртак эди, гўё. Шарққа қараган очик дераза олдида Розия хоним Қуръон ўқийди. Деразадан денгиз жуда яқин кўриниади. Жимиirlаётган баҳр, даставвал, ол тусга кирди, кейин оловланди, сўнг офтоб олтин қош каби кўтарила бошлади.

Розия хоним Шафиқанинг муаммосини ҳал этиб, бугун Истанбулга учиш ниятида эди.

Кечаки Шафиқани йифидан тўсолмади. У на гапирди, на сўзлади, фақат сиқтади. У ўз ичидагини баён этишга бир сўз топмасди.

Йўқ, сўз эмас, сўз топса-да, ҳоли йўқ эди, зотан. Надомат, тавба, истиғфор, қайта дийдор, тақдир қошидаги таслимият Шафиқани ажаб кайфиятга тутиб берди. Розия хоним буни яхши тушунди. Уни ўз ҳолига қўйди.

Фотих Каримниң борганларыда хонадон сохиби қайгадир кетибди, тезда қайтаман, дебди. Уларни Амина очиқ юз ила кутиб олди.

Бир финжон чой ичишаркан, Розия хоним вазиятдан Аминанинг хабари бор-йўқлигини билишни истади.

— Амина хоним, — деди у. — Биз кеча ҳам келдик. Бугун яна уйингиздамиз. Бу сизни ажаблантирмаяптими? Сохибингиз бу хусусда гапирдими?

Амина чиройли кўзларини дастурхондан узмай деди:

— Эрим гапирмади, мен ҳам сўрамадим. Сохибим муносиб билган гапини айтади, муносиб билмаса, айтмайди. Мен эса талаб қилмайман, — Амина шундай деб, бироз сукут сақлади, сўнг давом этди. — Бироқ эримнинг илк завжаси Шафиқа хоним ташриф буюрганини жуда яхши биламан.

Розия хоним ҳам ажабланди, ҳам хотиржам тортди. Ажабланиши эҳтиромдан, хотиржамлиги шукрдан иборат эди. Шафиқанинг эса ичи куйди. Негадир қизариб кетди. Юзидағи парда буни ошкор этмади, беркитди.

— Эрим уйланса, монелик қилолмайман, бу унинг ҳаққи, — деди Амина. Гарчи у мардона сўзласа-да, сасида бир алам жизилладики, сезмаслик мумкин эмасди.

Шафиқа юзидағи пардани кўтарди, чехрасининг гўзаллиги уйни ёритди, гўё, у икки қўли билан Аминанинг қўлларини тутди:

— Амина, мен Шафиқаман, — деди дона-дона қилиб. — Роббим эримга сиздек солиҳани насиб этганидан беҳад шодман, мен ҳам ўзимни Аллоҳ йўлида Фотих Карим ва болаларим хизматига бағишламоқ учун келдим. Биз аёллар rashk ва макрдан зинҳор холи эмасмиз. Аллоҳдан кўрқишигина бизни rashk ва макр азобидан озод этади. Фотих Карим никоҳига ўтар эканман, Амина, сизни синглим каби кўришга аҳд бераман. Сизга ҳаргиз ёмонлик тиламасман. Балки, ҳаққингизга дуо қилгайман.

— Шафиқа хоним, бизнинг юртда эрларнинг икки аёлга уйланиши ғайритабии ҳол эмас-ку, — деб кулди Амина. — Кундошлар ўртасидаги жанжаллар нақадар табиий бўлса, уларнинг ўзаро сабрли бўлишлари шу қадар мажбурий. Аллоҳим берган рухсат бўлмаса эди, эрини баҳам кўрадиган муслима Ер юзида топилмасди, валлоҳу аълам. Сизнинг фарзандларингиз менинг фарзандларимдир. Улар сизнинг йўқлигингизни сезмасликларига интилдим. Роббимиз ризолиги йўлида уларга меҳр кўрсатишмдан норизо бўлмайсиз, деб ионаман.

— Болаларимга раҳм этганингиз каби Аллоҳим ҳамиша сизга раҳмат ва мағфират раво кўрсин! — дуо қилди Шафиқа кўзида ёш йилтираб. — Ўғилларимни кўрсам бўладими?

... Шафиқа ҳикоясини деярли якунлади.

— Эримга иккинчи хотин ўлароқ никоҳландим, — деди у тингловчиларига боқиб. — Бу воқеаларга ҳам ўн йилдан ошди. Ўғилларим ўн беш, ўн олтига тўлди. Роббим менга ҳам, Аминага яна фарзандлар ато этди. Хулоса қилиб айтмоқчиманки, гоҳо дин муҳити инсонга етарли эмас, инсон

табиатини Аллоҳим сирли яратган, одам боласи хатолари ортидан аниқ ҳақиқатларни кашф этмаса, қалбан таскин топмас экан.

– Ҳайратланарли! – ўрнидан туриб кетди Анна. – Мен зинхор ақлимга сиғдира олмайдиган бир воқеа! Ҳикоянгиз эртак сингари жозибадор. Агар ўз оғзингиздан буни тингламасам эди, ҳеч ишона олмасдим. Фикримча, аёл табиати Ер юзининг ҳеч бир иқлимида ўзгармайди. Исломда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, аёл, аввало, Она. Унинг фитратидаги оналик туйғуси буюк инъом. Сўнг у садоқатли ва муҳаббатга ташна ҳилқат. Қизиги шундаки, аёлга муҳаббатнинг зиёдаси малол келади, ози эса етмайди. Аёл ўзини тушунишдан заиф бўлган яратик. Шафиқа хоним, сиз болаларингизни -да фаромуш этдингиз, қалбингида уйғонган ғайритабиий қудрат эса сизни тарбиялади, деб ўйлайман.

Анна таассуротларини изҳор этиб тугата олмасди, бироқ унинг режаси бўйича яна бошқа муслималарни тинглаш керак эди.

– Мен болалиқда дин тарбиясини олмаганман, – деб сўз бошлади навбатдаги сухбатдош. У ўрта ёшли муслима эди, овозидан чўрткесарлиги бирдан сезилди. Ҳаракатлари ҳам дадил эди. – Ота –онам қўйган исм Анжелина, Исломни қабул этганимда ўзимни Мубина, деб атадим. Анна, сиз жуда ёшсиз. Менинг ёшлигимни ёдимга солдингиз. Мен Австрияда, немис муҳожири оиласида туғилдим. Отам вино сотарди. Онам унга кўмакдош эди. Акаларим, укаларим ҳам меҳнаткаш, урушқоқ эдилар. Оилада ягона қиз эдим. Иккинчи жаҳон урушида етим қолган ота –онам турмуш қуриб, тирикчилик илинжида Австрияга келиб қолишган.

Ота-онам муҳожирлар мавзесидаги хароба кулбага бир амаллаб жойлашишган. Очлик, камбағаллик кучли эди. Европа ўша пайтлар ҳам аксар қитъаларда жаннатдек кўринган. Бироқ асл ҳаётнинг кинофильм ва телекўрсатувлардан фарқли жихатлари жуда кўп. Ҳақиқатан, Европада одамларнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун курашган қаҳрамонлар кўп. Бу қаҳрамонлар, аввало, ғоя эгалариdir. Уларнинг ғоялари халқларни оёққа турғизган. Ҳуррияти, наслининг келажаги, даҳлсиз ҳаёти учун курашга отлантирган. Биз европаликлар учун ўтган асрнинг ўрталарида инсон қадр-қиммати бирламчи масала бўлган.

Инсон қадри олдида биз курашдан ҳам, ўлимдан ҳам қўрқмаганмиз. Ҳар биримиз, аввало, ўз эркимиз йўлида қатъий эдик. Жиноятчилар ҳам кўп эди. Порахўрлик ҳам. Қийноқлар ҳам. Биз жиноятдан хабар топсак, кўчага чиқардик -да, полициядан ишлашини талаб этардик. Ҳукумат бизни алдаса, яна кўчага чиқиб, бошқа раҳбар келишини талаб қилардик. Ҳаёт шундай эди. Онг, тафаккур шундай эди. Кўшнимга бўлаётган зулм эртага менинг бошимга келиши аниқ бўлгани учун уни ҳимоя қилганман. Менга бўлаётган зулм авлодимга бўлишини тушунганим учун курашдан ҳайиқмаганман.

Бизнинг ёшлигимизда онгимизга сингдирилган ғоя шу эди. Биз каби муҳожирлар яшайдиган мавзелар асло хавфсиз бўлмаган. Кўча безорилари

изғиб юришарди. Бироқ улар ҳам инсофсиз эмасдилар. Қашшоқ ва бегуноҳларга тегмасдилар.

Газета-журналлар, кино ва театрлар, китоблар бизга ана шу ғояни сингдирди. Бу ғоя, шунчаки, назария эмас, ҳаёт эди. Бизнинг турмуш тарзимиз эди. Ҳаққимизни бирорга бермаслик учун ўлиб –тирилганмиз. Ҳар қандай сўзимизни очиқ айтишдан чўчимадик.

Хуллас, отам кекса француз виночига шогирд тушган.

– Францияни Гитлер бошлиқ немислар босиб олди, лекин айб немисларда эмас, Гитлерда, – дер экан у француз. – Биз биринчи жаҳон урушида бу ерга келганмиз. Лекин мен қалбан францияликман. Шарль де Голль фашистларга қарши партизан уруши қилганида, бормоқчи эдим, ўзлари ишни менсиз ҳам амаллашди, азаматлар!

Виночи деганим вино ишлаб чиқармайди, вино савдоси бу. Европада француз винолари машхур. Бандаргоҳга кемалар Франциядан вино келтиришади, отам устози билан бирга олиб келган, савдосига ҳамиша ёрдам берган. Кекса виночи уни ҳеч қачон қуруқ қўймаган. Яхши тўлаган. Шунинг учун ҳам ота –онам қисқа йилларда кулбаларини шинам уйга айлантиришган. Ақаларим, мен, укаларим – ҳаммамиз кетма-кет туғилдик. У пайтларда аёллар оилани, фарзандни, эрни муқаддас билган, ҳаёт мазмуни санаган.

Туғишдан қочмаган. Ҳозир эса вазият жуда бошқача. Мен бугун ҳаётимизга қараб, бегона дунёга тушгандай ҳис этаман ўзимни.

Биз туғилиб, улғайган муҳит ўзгача эди. Тўғри, меҳнатдан бошимиз чиқмасди, бироқ дам ҳам олардик, далаларга борардик, соҳилларни айланардик. Ғамгин ва мамнун кунларни ўтказдик.

Бизнинг оиласи дин қоидалари заиф эди. Отам деярли чўқинмасди. Демак, черковга боришини тасаввур этиш қийин. Онам эса бувисидан қолган Инжилини баъзида ўқирди, иконаларга қараб чўқинарди, бизга ҳам Исо хақида, Марям хақида, авлиёлар хақида ривоятлар айтиб берарди.

Биз ҳам қизиқиб тинглардик. Шундай бўлса-да, биздан ибодат талаб қилганини эслай олмайман. Муаммоларимизни Худонинг иштирокисиз ҳал қилишга ўргангандик. Бўйнимиздаги хочнинг қалбимиздаги бу эътиқод билан боғлиқ эмасди. Ақлимизни таниб, оиласидаги ҳар бир фарзанднинг ҳаёт хақида аниқ тасаввuri шаклланди. Бу тасаввурда Худо кўринмасди. Худо биз учун қайгули кунларимизда тасалли берувчи Зот эди, холос. Унинг зиммасига бошқа вазифа юкламагандик. Ўрта асрлар католик черкови истибоди, инквизиция кирдикорлари ҳамда индульгенция тижорати ҳақида тарих бизнинг онгимизда ғалати бир тушунча уйғотган эди. Унга кўра, Худонинг қонунлари инсонлар ҳаётида унчалик қатъий эмас, агар у қатъий тус олса, демак, унга одам боласидан кимнингдир манфаати аралашгани аниқ.

Шундай экан, Худонинг қонунларига ёпишиб олиш шарт эмас, биз ўз хоҳишларимизга назар солайлик. Башарти, кимнингдир табиатида художўйлик ошиб-тошиб кетаётган бўлса, марҳамат, черковга борсин,

монастирда яшасин, Инжил ёдласин, роҳибликни танлаб, авлиё ота касбини ўзлаштиурсин. Харқалай, авлиё оталарга ҳам жамиятнинг баъзи қатламларида эҳтиёж катта бўлади. Мен адабиётга, санъатга қизиқиб қолдим. Роман ўқишга муккасидан кетдим. Бизнинг давримизда максималист ёшлар орасида Кафка, Камю, Хемингуэй, Фолкнер, Маркес кабилар урф эди.

Руслардан Достоевскийни мен суйиб ўқиганман. Европада ёзувчилар ўша пайтда ҳам кўп эди. Америкада ҳам минглаб қаламкашлар топиларди. Воқеа баёнидан иборат романларнинг адади кўринмасди. Омманинг катта қисми воқеий романларни, детективни севади. Сентиментал, сюрреалист ва модерн асарларни эса олифта ёшлар яхши кўришади.

Мен ҳам ўшалар сафида эдим. Зальцбург университетида ўқишни исташимни айтгандим, ота-онам бажонидил қўллаб-куватлашди. Фалсафа йўналишида ўқий бошладим.

Бакалавр даражасини олдим, кейин магистр дипломига эга чиқиш истаги пайдо бўлди. Таҳсилни давом эттирдим.

Ёшим ўттизга кирганида онам: «Йигитинг борми?» – деб сўради. Мен хайрон бўлиб, «Йўқ», – дедим.

Ўшанда онам турмуш қуришимни истаётганини илк даъфа сездим.

Магистрлик ишм юон мифлари ва фалсафа мавзусида бўлди. Миф, дин ва фалсафа орасидаги боғланишни тадқиқ этдим. Инсон онгидаги эрк, руҳнинг англамсизлиги, бунда мифнинг ягона ечимлигини тушунтиришга интилдим.

Энди олим сифатида талабаларга маъруза ўқишим учун доктор даражаси зарур эди. Негадир, буни истамадим. Тўсатдан университет ҳаётидан чиқишни истаб қолдим. Қизиқарли, Ер юзининг ҳамма бурчакларига элтадиган, турфа эл ва элатлар ҳаётини таништирадиган касб излай бошладим.

Бу истагим ўзимга маълум эди, холос. Зерикишимни бартараф этиш учун йигитлар билан танишдим, кўпинча сигарет чекдим, вино, виски ичдим, клубларда кўнгил ёздим.

Бироқ турмуш қуриш режамда йўқ эди.

Бу вақт орасида бир танишим илмий фильмлар суратга оладиган компанияда бўш иш ўрни борлигини айтди. Сценарийнавис керак экан. Резюме топширдим. Суҳбатга чақиришди. Ишга кирдим. Ишхонам уйимдан узоқда – Германияда эди. Ота –онам билан хайрлашиб, Берлинга йўл олдим.

Бу ёшимда ҳам мен қайғусиз эдим. Ҳаётда мени Худо ҳақида ўйлашга мажбуrlайдиган бир воқеага дуч келмаган эдим.

Биринчи ишм Болқонда бошланадиган бўлди. Болқон тарихда узок йиллар турк фотиҳлари қўл остида бўлган. Бу юртларга турклар мажбуран Ислом динини сингдирганлар. Биз суратга оладиган фильм сербларнинг туркларга қарши аёвсиз курашларига бағищаниши лозим эди. Мен йўл – йўлакай тарихчи олимлар, археологлар билан кўп сухбатлашдим, илмий –

хужжатли фильмнинг сценарий тоясини миямда пишитиб, синопсис қоралашга киришдим.

Сараевога жойлашдик. Айтишларича, шу шаҳардаги археологик ёдгорликлар бизнинг бош обьектимиз, тасвирлар, далиллар шу ердан йигилади, маҳаллий халқ билан, мутахассислар билан суҳбат қилинади, мен ишга шўнғидим. Сараево жуда гўзал шаҳар экан. Ҳавоси ёқди. Одамлари камсуқум, Европанинг бошқа шаҳарлари аҳолисидан кескин фарқли эди. Масалан, ғарбий ва жанубий Европада эркинлик қонунга айланган. Шаҳар кўчалари нақадар гўзал ва сокин бўлмасин, сассиз шовқинни тинглайсан, кўринмас исённи кўрасан. Болқон эса мутлақо бошқа дунё эди. Мусулмонлар кўп. Ҳаммаси серб. Ҳаётларидан мамнун. Менга берилган фактларга кўра, сербларни туркларга қарши курашини ёритиш им керак эди, бироқ сербларнинг турмушида буни сезмадим.

– Йўналишни ўзгартириш керак, – дедим ижодий гуруҳ мажлисида. – Тахминан Болқонга Исломни кириб келиши, серб ва турк муносабатлари масалаларини асосий ўринга чиқаришимиз керак.

– Нима учун? – деди лойиха раҳбари. Мен далилларимни тақдим этдим. Тарих ҳақиқатини холис етказмоқ учун серб ва турк халқи орасида, мусулмонлар ва ғайримусулмонлар ўртасида зиддият уйғотадиган жумлаларни кўллаш шарт эмас, балки бу каби сўзлардан қочиш зарур, дедим.

Баҳс бошланди. Кимдир мени рад этди, кимдир маъқуллади. Вақт эса зик.

– Бизнинг мақсадимиз туркларни босқинчи, Исломни эса зулмкор дин сифатида кўрсатиш эмас-ку! – дедим мен. – Балки, тарихий ҳақиқатни холис ёритиш, яъни турклар Болқонга нима учун, қандай кириб келди, оқибати қандай кечди, деган саволга замон нигоҳи билан боқиб, атрофлича жавоб бериш бош мақсадимиз-ку!

Фикрларим қийинчилик билан бўлса -да, қабул этилди, мен таклиф этган йўналиш бўйича тасвирга олиш ишлари бошланди.

Ўшанда илк бор Ислом дини билан учрашдим. Болқон мусулмонлари ҳаёти менга жозибали, ёруғ кўринди. Муслималарнинг соддалиги ажойиб эди. Улар мен каби мифлар ҳақида бош қотиришмасди, фалсафанинг минг бир қоидаси ҳақида ўйламасдилар, беш маҳал ибодатларини адo этиб, эр ва фарзандларга ғамхўрлик машғул эдилар. Биргина эрга итоат этишади, эр ҳам аёлинни ҳимоялайди, менга бу жуда ажиб туюлди. Ўзимнинг алмашиб турадиган йигитларим, ичкилик ҳамда тамаки ила ўтаётган ҳаётим кўз олдимда гариблашди, гўё.

Кейин эсимни йиғиб олиб, бу ҳолатимни ўта эмоционаллик деб баҳоладим. Эзотерикага берилиш яхши эмас, дедим. Кейин ўзингни баҳтиёр сезиш учун эзотериканинг нимаси ёмон, дедим.

Суратга олиш давомида бир серб оиласи билан яқиндан танишдим. Улар чинакам мусулмон эдилар. Оила буткул исломий урф –одатлар асосида яшар эди.

Бу оила мени меҳмонга чақирди.

Ховли баланд девор билан ўралган. Баланд ва нақшинкор эшиги шарқона санъатдан дарак беради. Ичкари кирдим. Мени хонадон бекаси кутиб олди. Бошида пушти рўмол, юзи кулиб турган бу аёлнинг сехрига бир лаҳзада мафтун бўлдим. Унинг немисча лаҳжаси ҳам ёқимли эди. Келганимдан жуда хурсанд эди.

– Келинг, келинг, – деб ховлига йўл бошлади. Баланд девор ичида жаннатни кўрдим! Ўртада фаввора, отилган сув етти қиррали ихчам ҳовузни тўлдиради. Ҳар қирранинг учидан сув оқиб чикиб, гуллар, турли экин ва ўсимликларнинг жўяклари бўйлаб югуради.

Ховлига киришда ўнг томонда айвон, айвоннинг чегарасига нафис зийнатланган тўсиқ ўрнатилган, айвондан қандайдир хонага кирилади. Ховли ичи гулхона! Сариқ, қизил, алвон, пушти, зарғалдоқ, сиёҳранг, оқ, мовий гуллар саф тортиб, енгил шабада қўлида титрайди.

Фавворага олиб борадиган мармар йўлак тушган, уй бекаси мени шу йўлақдан бошлади.

Гуллар мавжи устида ранго –ранг капалаклар қанот қоқади, асаларилар учади, гулзор ичига узоқ –узоқ масофада олча экилган, четларига эса бир хил бўлиб анорлар қад ростлаган. Бу манзарани қўриб, қадим Қуртуба халифалиги ҳақида эсладим. Бу Андалусиядир.

Андалусия мусулмонлари зироат, боғдорчиликда ўз даврида бутун Европани лол қолдирган. Куръонни ўқиган роҳиблар Андалусия босқинидан сўнг, бориб у ердаги боғларни кўришган, тилларини тишлишган. «Мусулмонлар Куръондаги жаннат лойиҳаси асосида уй қуриб яшашган экан, биз қачон уларга етиб оламиз?!» – дейишган иchlари куйиб. Мен кирганим хонадонда ўзимни айнан қадим Андалусия ўлкасига тушгандек хис этдим, у пайтларда Куръонни ўқиб чиқмагандим, агар ўқиган бўлганимда худди ўша роҳиблар каби бу хонадонни жаннатнинг лойиҳаси билан Ер юзида бунёд этилган уй, деб атаган бўлардим, шубҳасиз.

Фавворанинг ортида тўртта нақшинкор устун кўтариб турган айвонни кўрдим. Айвон ердан бел бўйи кўтарилиган. Ўртада оёқлари калта Осиё столи, уни баъзи халқлар хонтахта, деб аташаркан, айвоннинг гирди гулдор нақшли тўсиқ, шу тўсиқларга алвон рангли болишлар суялган.

Айвон тўрида эса ёши улуғ, нуроний, кенг либосли, бошидаги рўмоли узорларига қадар ўралган аёл тасбех ўгириб ўтиради. Сездимки, хонадоннинг улуғи шу аёл.

– Онажон, меҳмонимиз келди, – деди уй бекаси.

Ёши улуг аёл бошини кўтариб, қаради -да, жилмайди:

– Қандоқ јхши! Олиб қел ёнимга, – деди меҳрибонлик билан. Улардаги эҳтиром, мулизамат ва лутф қаршисида ўзимни ҳаётимда илк марта анча беўхшов, очиги, қўпол ва дағал ҳис этдим.

«Бу бир шакл, – дедим ўзимга ўзим. – Моҳиятга боқиши лозим. Бундай гўзал муомала гўзал бир ички дунёнинг мевасими, йўқми?»

Очиғи, ўша гумонларим учун бугун уяламан.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Абдуллоҳ Ѓеркин Уйғур диёрига учиб бораркан, ота юрт дийдоридан бироз бўлса -да, ҳаяжонга тушди. Ҳар хил маълумотлар унинг тасаввур дунёсида Ватан қиёфасини мужмал ҳолга келтирган эди.

Учоқдаги йўловчиларнинг хотиржам чехралари Хитой томонга яқинлашганлари сайин хавотирга чулғанаётганини Абдуллоҳ яққол сезди. Кулиб турган кўзлар маъюслашди, ўз –ўзидан бошлар эгилди, одамлар ўйчанлашди, юзлардаги ажинлар ҳам қуюқлашиб, кўпайиб ҳам кетди, гўё.

Ўттиз йилки, бу маконлардан йироқда сув ичган, гўдаклигидаёқ қардошлар ўлкасига тақдири олиб кетган бир фарзанд ўлароқ Абдуллоҳ бу ҳолдан ажабланди. Зотан, у ҳали ҳақсизлик таъмини тотгани йўқ, зотан, у зулм чангалида ҳаргиз инграби кўзёш тўккан эмас. Музтариб ва мазлумнинг оламини изтироб чекмаган, зулм кўрмаган зот қаердан билсин?!

Учоқ бир силкиниб пастлай бошлади. Туйқус Абдуллоҳ ўз кайфиятида оғир ҳавони сезди. Учоқнинг ғилдираклари ерга теккан ондан эътиборан у вужудини ғалати ҳузун бутқул эгаллаганига иқрор бўлди, ҳолбуки, қўнгилни хира қилгулик бирор воқеа ҳали рўй бермади. Ҳолатини таҳлил қилишга ултурмай, Абдуллоҳ ўзини учоқ эшиклари ёнида кўрди, димоғига Урумчи нафаси урилди. Йўловчилар шошилиб, нимадандир қўрққандек зинадан пала – партиш тушар эди.

Абдуллоҳ ҳам уларнинг бу ҳолатини кўриб ғайрихтиёрий тезлашди. Тезлашдию, «Бизни ҳеч ким қувмаяпти-ку!» – деган ўй онгидা «йилт» этди.

Учоқмайдон ари уясини эслатди: ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ, турфа одамлар юкаравачаларини судраб югуради, хитойча бақир –чақирлар кулоқка чалинади.

Абдуллоҳнинг хаёлини банд этгани инсонларнинг юзлари эди. Барчанинг қиёфаси бир хил! Эътибор берсангиз, ундей эмас: кимдир баланд, кимдир пакана; кимдир қоракўз, кимдир қўйкўз, кимдир қирғизқовок; кимдир япалоқбурун, кимдир қиррабурун; бирор чўзинчоқюз, бирор юмалоқбашара; айримлар соқолдор, айримлар кўса. Уларни бир хил кўрсатган умумий сифат қон –қонга, зеҳну зеҳниятга, жону рухга, ақлу қалбга сингиб, ўрнашиб кетган қўрқув ҳамда тобелик мунги эди.

Бу мунг уларнинг ўзларидан яширин, бироқ Абдуллоҳ каби ҳурриятли ўлгадан келган ҳар кимга пешвоз чиқади. Бу мунг аччиқ тутун каби димоқни ачиштиради. Ҳаммадан ана шу тутун таралиб, атрофни қоплаган.

Тиқилинчда юкаравачасини базўр олиши билан Абдуллоҳнинг қаршисида пўрим кийинган, ёши ўттиз беш ва қирқ ўртасидаги бир киши пайдо бўлди. Кўзи қийик, жигарранг, юзи юмалоқтоб, соқоли қиртишланган, кастим –шим кийган бу одамнинг уйғур эканлиги аниқ эди.

– Салом алайкум, хуш келдингиз, меҳмон! – деди Абдуллоҳга мамнун қўл чўзиб. – Исли шарифим Мойимхон Сотим. Уйғур ёшлар ташкилотининг етакчи фаолиман, коммунистик партия аъзосиман. Коммунистман, яъни. Партиямиз раҳбари кўрсатган йўлдан юриб бормоқдаман. Сизни кутиб олиш менга буюрилган. Сиз – туркиялик Абдуллоҳ Ёрқинсиз! Қадим Уйғур диёрига хуш келдингиз!

Абдуллоҳ унга пешвоз чиқажак мезбон ҳақида огоҳлантирилган эди.

Демак, шу силлиқ назарда тутилган экан. Гарчи, Абдуллоҳ Мойимхоннинг хушчақчақлигидан энсаси қотса -да, сездирмади, чунки унга бу лутф жуда сохта кўринди.

Мойимхон тинимсиз гапириб, Абдуллоҳнинг диққатини бошқа нарсалардан асрароқчидай эди, гўё: учоқмайдондан катта, кенг, аммо исқирт кўчага чиқиши. Кўчанинг исқиртлиги бўшаган елим сувидишлар, халталарнинг сочилиб ётиши, ариқларнинг ахлатга тўлалиги, овозини «ванг» кўйиб тинмаётган катта –кичик, эски –янги, рангли –рангсиз ўзиюрар уловлардан чиқаётган бурқсиқ тутунлар билангина эмас, булутли осмон, нафасни ҳам, кўкракни ҳам қисадиган «дим» ҳаво ҳамда қора –қура, сариқ –суруқ, пакана –новча, семиз –озғин одамларнинг ҳар қаёққа олазарак шошиши билан ҳам намоён эди.

Йўл ёқаларида тунд бинолари қалашиб турибди, биноларнинг манглайига хитойча ҳарфлар ёзилган ҳархил пешлавҳалар осиб ташланган, қуйисида дўконлар қайнайди. Аёлу эркақ, ёшу қари, болаю бақра дўконларга киради, чиқади, соқоли ўсан тиланчилар қўл чўзиб бир нима тиланади, йўл ўртасидан қандайдир темир излар ўтган, йўлчироқлар ёнади, ўчади.

Мойимхон Абдуллоҳни хитойча русумли уловга таклиф этди, улов кўзғалди, бир неча дақиқадан сўнг, диққинафас ва хўмрайган кўча ортда қолди, уйлар сийраклашиб йўл янада кенгайгандек бўлди, ўйдим –чуқурлар камайиб, улов ҳам қоқилмай кўйди.

– Учоқмайдоним шаҳарнинг четроғида жойлашган, сизни марказга олиб кетяпман, марказ маданиятли, осойишта. Буюк Хитой ва коммунистик сиёсатнинг асл қудратини кўрасиз, бунёдкорлигига гувоҳ бўласиз, – дерди Мойимхон Сотим. – Ватанпарвар ёшларимизнинг хорижда ўқиши – ютуғимиз. Биз катта ривожланиш йўлидамиз. Хитой Ер юзини лол қолдирияпти. Хитойга камарбаста уйғур халқи, Шинжон ўлкаси ҳам буюк йўлдан буюк келажакка бормоқда. Сиз ёшларимиз ичидан асл иқтидорларни саралаб олишингизга ишончим комил!

Абдуллоҳ Мойимхонни бош силкиб, маъқуллагандек ўтиrsa -да, зерикиб кетди. Университетда ўзини бозорга соладиган жипириқ ёшлар бўларди.

Ҳаммага яхши кўринишни истайдиган бу тоифадан Абдуллоҳнинг доим кўнгли айниган, Мойимхон эса ўша ёшлардан ҳам ўтиб тушди. Коммунистлар йигинида минбарга ёпишиб олган вайсақи нотиқларнинг ҳаммасига хос ҳолат эди бу, улар, одатда, миясига пайвандланган ясамағоявий жумлалари билан бошни оғритиб юборадилар. Мойимхон

коммунистик жамият қураётган сиёсатнинг энг кўп учрайдиган вакилларидан бири эди. Улар жорий этилган ҳамма қонунларга риоя этадилар, қайишувчанлиги учун ҳамма тешикка сифадилар, қоидаларда ахлат ейиш ёзилса, албатта, иштаҳа билан фақат ахлат ейишади.

Уларда шахсий дид мавжуд эмас: катта раҳбарларга тақлидан кийинишиди, масалан, пойабзal ва қастим –шимнинг ранги, галстукнинг кўриниши, сочни қай тарафга ётқизиб тараш кабиларда ҳам эргашилади.

Абдуллоҳга бундай маданият ёт эди, чунки у келаётган ўлкада коммунизмнинг «ҳаётбахш» нафаси йўқ, диндан эркин бўлишдек «тараққийпарвар» гоялар Туркияда ҳам устувор эса -да, диннинг файзи одамлардаги самимиятни ҳамон таъминлаётган эди, ҳарқалай.

Мойимхоннинг вайсашларига бош силкиса -да, хаёли бошқа жойларда юрган Абдуллоҳ йўлнинг қайсиdir қисмида ўргимчак тўридек қаватлашган кўприклардан ўтишаркан, «Қойил!» деб юборди.

Бундан Мойимхон илҳомланиб кетди:

– Бу каби кўприклар Буюк Хитой қудратидан бир дарак, йўлбошчиси коммунистик партия миллатнинг ижоди! Бундай иншоотларнинг саноғи йўқ!

Коммунистларнинг бунёдкорлиги ҳақидаги ҳаяжонли қиссалардан Абдуллоҳнинг қулоғи батанг бўлиши арафасида улов Урумчи марказига кирди. Меҳмон уни тинглаш иштиёқидан йироқлигини, ниҳоят, англаб етгач, Мойимхон ҳам секин жим бўла қолди. Марказий қўча ораста эди, албатта, ҳар хил уловлар, мутаҳаррик ёзувли пешлавҳалар, шакл берилган дараҳтлар чирой қўчага бағишлиайди, хитойча ва инглизча битиклар кўп, одамлар ҳам юриш –туришда, расм –русумда оврупоча бўлишга талпинишида Абдуллоҳ яхши идрок этди.

– Кечирасиз, Мойимхон, – деди Абдуллоҳ. – Бир саволим бор эди.

Гапиролмай маъюс ўтирган Мойимхон меҳмоннинг мурожаатидан шодланиб кетди:

– Бемалол, меҳмон! Бажонудил!

– Мен намоз ўқийман, борадиган жойларимизда ибодатга шароит бўладими?

Мойимхон «намоз», «ибодат» сўзларидан ғайрихтиёрий безовталанди, лекин тезда жавоб берди:

– Коммунистик партия диндан воз кечган, худо ҳақидаги сафсаталарга мен ҳам ишонмайман, бироқ меҳонимиз динга мойил бўлса, bemalol намоз ўқиши, чўқиниб, юкиниши мумкин.

Мойимхон бу гапларини кулимсираб гапирди, бу ҳол Абдуллоҳга оғир ботди.

– Динга бундай беҳурматлик қилманг! – деди кескин. Ҳатто, овози титраб кетди.

Мойимхон мусоҳибини тинчлантиришга шошилди:

– Азиз меҳмон, бу ҳақорат эмас, қизишманг! Коммунистик партия инсоният онгининг энг юксак кашфиёти, бемисл ютуғидир. Дин ҳам одамзод

ақли топган топилмалардан бири. Коммунизм инсонларни онгли бўлишга чорлайди, дин онгсизликка даъват этади. Онг билан ёндашсак, дин ҳақидаги танқидий фикримдан сиз нима учун асабийлашяпсиз, меҳмон? Ҳамма динларда радикализм бор, бу, айниқса, Исломда кучли. Мусулмонларнинг ҳаммасида радикаллик унсурлари мавжуд. Меҳмон, мен дин ҳақида танқид қиляпман, сизнинг шахсиятингизни эмас. Демак, ранжишингизга ҳожат йўқ. Келинг, ҳамма нарсани мана шундай онгли ҳал қиласиз.

Абдуллоҳ Мойимхон ўзи ўйлаганчалик гўл эмаслигини тушунди. Мойимхон коммунистлик ва дахрийлик ғояларини ўзига чуқур сингдирган ноёб мутахассис эди, аслида. Унинг олдида асабийлашиш заифликдан бўлишини Абдуллоҳ англади, ичида: «Астағифируллоҳ», – деб тақрорлай – тақрорлай

ўзини босишга уринди.

– Ажойиб мантиқ, – деб жилмайди у. – Тўғри айтасиз. Ҳар бир масалага онг ила ёндашсак. Сиз динни, айнан, Исломни илоҳиёт дастури эканлигини рад этяпсиз, бу фикрингиз сабабли жаҳли чиқаётган мусулмонни радикал, деб таърифлаяпсиз, шундайми?

– Шундай, – жавоб берди Мойимхон мамнуниятдан ял – ял ёниб. – Диндорлик ва тажовузкорлик ҳамиша ёнма – ён юради. Диндан қутулиш ҳамма ёвузлиқдан қутулиш демакдир.

– Буни қаранг, шунга сира ҳам ақлим етмаётган экан, – заҳарханда қилди Абдуллоҳ. – Коммунизмни энг аҳмоқона ғоя, одамзод учун зарарли, деб ўйласам ва айтсам, бундан ғазабланманг! Акс ҳолда, сиз ҳам, ўз мантифингизга қўра, радикализмни юзага чиқарасиз. Коммунистлар радикал эмас, тўғрими, ахир?!

Бирдан Мойимхоннинг тузи ўзгарди.

– Сиз... Сиз буюк коммунизм ҳақида бундай дея олмайсиз! – деди кучаниб.

– Кечирасиз, қизишманг, радикал бўлманг! – деди Абдуллоҳ. – Коммунизмни сиз Исломни рад этганингиз каби рад этиб, таҳқирлаганингиздек, таҳқирлайман. Бироқ сиз мусулмонлар ғазаблангани каби ғазабланманг, бу радикализмга айланиб қолади.

Мойимхон «мум» тишлади, лекин ўзини тезда қўлга олди:

– Тилингизга эрк берманг, меҳмон, сиз коммунистик давлатдасиз! – деди тиш орасидан.

– Таҳдид қиляпсизми? – сўради Абдуллоҳ. – Ҳамма меҳмонларни таҳдид билан кутиб оласизларми?

– Сиз туркияликсиз, меҳмон, – деди Мойимхон. – Бироқ уйғурсиз! Туркия ватандоши бўлсангиз -да, уйғурсиз! Бу сизни буюк коммунистик Хитой давлатига боғлаб ташлайди!

– Кечирасиз! – росмана қизишди Абдуллоҳ. – Мен ҳозироқ Истанбулга қайтаман. Менга қилинган бу таҳдид сабабли барча дастурларни бекор қиласман. Мени учоқмайдонга қайтаринг!

Бу кескин қарорни эшитиб, Мойимхон ўзини йўқотгандек бўлди.

– Ўзингизни босинг, меҳмон, минг бора узр, – деди мулойимлашиб. – Дастанни амалга ошириш керак. Ахир, баҳс ўта табиий жараён-ку! Мен ҳазиллашдим! Нега, жаҳлингиз чиқади, ахир?

Мойимхон шундай деб, қаҳ –қаҳ отиб кулди, шундай кулдики, кўзидан ёш чиқиб кетди, Абдуллоҳ унинг, ҳақиқатан ҳам, ҳазиллашганига ишониб қолди.

– Оббо, меҳмон! – дерди тиззасига қўлини уриб куларкан Мойимхон. – Арзимаган гапларга хафа бўлманг! Сиз бу ерда, аввало, буюк коммунизм химоясидасиз! Бир тола сочингиз тўкилмайди!

Зинҳор хавотирланманг! Мана, манзилга етиб келдик! «Абадий дўстлик» меҳмонхонаси хизматингизда!

Улар уловдан тушишди. Тўққиз қаватли бино. Манглайига хитойчалаб ёзилган. Барзанги қўриқчилар. Кирди -чиқди кўп. Хорижликлар. Ойнаванд эшиқдан хизматчи югуриб келиб, Мойимхонга таъзим қилди. Хитойчалаб бир нималар деди. Мойимхон улов юкхонасига ишора қилиб, юкни ол, деб буюрди, чоғи, хизматчи шундай қилди.

Меҳмонхонанинг қабулгоҳи кенг, ёргу, серҳашам, қизил зийнатлар ҳаддан ташқари кўп; салқин, қаҳва иси; юмшоқ курсилар, хушмуомала ходимлар.

Келганларга навбатчи маъмурлар жилмаяди, калит узатишади, маслаҳат беришади.

– Бешинчи қаватдаги йигирма биринчи маҳсус хона олдиндан буюрилган, – деди Мойимхон маъмурлардан бирига.

– Хуш келибсиз! – деди жилмайганча маъмур ҳам уйғурчалаб ва компьютер ойнасига қараб, буюртмани топди. – Ҳа, мана, 521 –хона, Туркия ватандоши Абдуллоҳ Ёрқин учун банд этилган. Марҳамат, калитни олинг!

Калитни олиб, кўтармада бешинчи қаватга кўтарилилар.

Хона шинам, деразалари шимолга қараган, ҳамма шароит муҳайё.

– Ёқимли ҳордик! – деди Мойимхон илтифот ила. – Мана бу телефон рақамим, зарурат туғилса, тезда кўнғироқ қилинг! Эрталаб соат тўққизда сизни биринчи қаватда кутаман. Соат ўнда тадбирга борамиз. Сафарингиз дастурини ҳам ўшанда бераман. Оқшомингиз хайрли ўтсин!

Мойимхон кетди. Абдуллоҳ жуда толиққанини билди. Боши ичига ари кириб олгандай, ғувиллайди.

Пардани очди: шаҳарнинг қовоғи солиқ қиёфаси намоён бўлди. Қуёш кунботарга оққан.

Абдуллоҳ телефон рақамларини терди ва гўшакка деди:

– Мени Истанбулга уланг, – сўнг уйининг рақамларини айтди. Икки марта чақирув сасидан кейин кимдир гўшакни олди. – Ассалом алайкум!

Нарига томондан отасининг товуши келди:

– Ва алайкум ассалом. Абдуллоҳ, сенмисан, ўғлим?

— Ха, ота, Абдуллоҳман, Урумчидаман. Яхши меҳмонхонага жойлаштириши. Ҳаммаси яхши, алҳамдулилаҳ.

Ота –бала бироз гаплашишгач, хайрлашдилар.

... Эрталаб Абдуллоҳ бомдодга ухлаб қолди. Уйғонганида кун ёйилиб кетган эди. Шошиб, таҳорат олди, фажрни адо этди. Бироқ күнгли ғашлик чангалида эди.

Нонуштадан сўнг, кўтармада пастга тушди.

Одам сийрак. Кўпчилик ухляяпти, шекилли. Абдуллоҳ юмшоқ ўриндиқлардан бирига ўтириди, столга ташлаб қўйилган газеталардан бирини олди: ҳам уйғурча, ҳам хитойча. Биринчи сахифасида қирмизи саҳнда Хитой раиси савлат тўкиб турибди, ёнида дафтарча чанглаб, боши эгилган бир неча киши, худди энг муҳим ишлари раиснинг нутқини ёзид олишдан иборатдек туришибди. Абдуллоҳга бу эриш туюлиши керак эди, бироқ Урумчи ҳавоси унинг ўпкасига кириб, қонига сингиб улгургани учунми, негадир ажабланмади. Гўё шундай бўлиши керак, деган ахборот унинг миясига аввалдан қўйиб қўйилган эди.

Туйқус бир чинқириқдан Абдуллоҳнинг ҳуши бошидан учиб, сакраб кетди: маъмурият олдида бир хитойлик ёш хизматчини тепиб, бақирап эди. Абдуллоҳ ҳайрон қолди, хизматчига бирор тепки қаттиқ тегди, шекилли, букчайиб ҳиқиллаб қолди. Абдуллоҳ уларнинг олдига югурди. Хитойи одам ерда ётганнинг юзини мажақламоқчилик оёгини кўтарган эди, Абдуллоҳ уни итариб юборди.

Саҳнда одам сийрак эди, бироқ кўпчилик бу ҳолга индамаётгандилар. Абдуллоҳнинг ҳимояга отилгани бир неча сонияда рўй бериб, ҳамма қотиб қолди.

Кутилмаган турткидан йиқилган хитойи ўрнидан туриб, ҳезланиб келди -да, Абдуллоҳнинг жағига мушт солди.

Абдуллоҳнинг кўзидан ўт чақнади, ғазаби миясини қайнатди, энди у ҳам ўзини ушлай олмади, бор кучи билан хитойининг иягига мушт урди. Хитойи «Фийқ» деб овоз чиқардию, ерга йиқилди, йиқиларкан, боши девор қиррасига тушиб, ёрилди, бир зумда қон оқди.

Меҳмонхонада қиёмат қўпгандек шовқин кўтарилиди, полиция етиб келди, кириш -чиқиши эшиклари қатъиян ёпилди.

Калтак еган хизматчининг мурдадек оппоқ эди, хитойини «Тез ёрдам» олиб кетди, Абдуллоҳнинг қўлига кишан солишиди.

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Анжелина, Аллоҳ ҳидоят бергач, исмини Мубина, деб ўзгартирган муслима ўз ҳаётини ҳикоя этмоқда.

Ха, кечагидек ёдида: илмий фильмлар сценаристи ўлароқ бошлаган илк лойиҳаси «Болқон: битмайдиган жароҳат; ухламайдиган вулқон», – деб

аталганди. Бу номни Анжелинанинг ўзи топди. У Болқон тарихини ўрганиб, бу ўлка Оврупонинг Буюк Оғрифи, Аччиқ Изтироби эканлигини билиб олди.

Болқон баланд тоғлар, яшил ўрмонлар, мусаффо дарёлар диёри. Бўйсунмас одамларининг кўзида чақмоқ чақади, овозида момагулдирак гумбирлайди. Серёмғир кўклам, хушҳаво ёз, олтинранг куз, кумушдай оппок қишиш яриморол жозибасига жозиба қўшади.

Чапдаст, малла, бакувват, мушакдор, елкадор, дароз халқи меҳнатдан қочмайди, бироқ ор масаласи ўртага чиқса, уларнинг йўлида туриб бўлмайди. Бу инсонлардаги зарда, важоҳат олдида марказий ва гарбий Овруподагилар мулојимдан мулојим кўринадилар.

Бир қанча фазилатга бой бу жасур элнинг заифлиги – содда ва ишонувчанлигида эди. Бири хорват, бири серб, бири босниан бўлса -да, яна қанчадир уруғларга ажралса -да, гоҳида бир шохтомирнинг дараҳтлари эканлигини унутиб, бир –бирларига қурол ўқталишларининг ягона сабаби шу эди.

Анжелинани Сараевода обрўли инсонлардан бири ўз уйига меҳмонга чақирган эди. Бу одам асли серб бўлиб, исми Умар, аждодлари турк фотиҳларининг илк келишидаёқ Исломни қабул этишган. Маҳаллий инсонлар билан суҳбатлашиш асносида Анжелина Умарга дуч келди. Умар Анжелина ўз ишига ихлос билан қараётганини сезди, масалага тарафкашларча эмас, холис ёндашаётганига ишончи ҳосил бўлгач, «Хоним, хонадонимизга келинг, ёши улуғ волидам бор, суҳбатлашсангиз, ишингизга ёрдам бўлади», – деди.

Бу таклиф Анжелинага жўяли туюлди. У меҳмонга бориб, аввалги бобларда айтганимиздек, фусункор бир масканга тушиб қолди, гўё. Қадим мусулмон маданияти, урф –одати, эътиқодига мувофиқ курилган ҳовли Анжелинани мафтун этди –қўйди.

– Бошимиздан ўтган ишларни эслаш ҳам оғир, – деди Умарбейнинг волидаси саломлашувдан сўнг бир финжон қаҳва устида. – Бизнинг боболаримиз Усмонлилар салтанатига хизмат қилганлар. Ўғлим Умарнинг аждодлари султон Сулаймонхон, султон Аҳмадхон, султон Салимхон даврларида пошшо мақомида эдилар. Кейин дини Исломнинг равнаки, шариати Мухаммаднинг ҳимояси учун ота юртга – Ватанга юборилдилар. Болқон қадимда Рим империясига тобе эди. Насронийлик дини халқ ичида ёйилди. Кейин турклар Исломни келтирдилар. Шуни яхши билингки, Болқонда ҳеч ким Исломга мажбуран киритилмади. Мусулмонларининг улуғ олимлари даъвати, фотиҳларнинг ерлашиб, гўзал ҳаёт намунасини кўрсатишлари натижасида одамлар Исломни қабул этдилари.

Диққатингизни бир ҳақиқатга қаратай: Болқон Усмонлилар қўл остида бўлган пайтларда халқ жуда осойишта яшади. Зотан, Ислом замонамизнинг айрим «маданиятли» ва «илгор» инсонлари каби терининг ранги, тилга, насл –насабингга қарамайди, ўз нафсига ёқмаган бирорни ерга уриб, ўзига маҳбуб бирорни кўкка кўтармайди. Ислом қандайдир зўравонларнинг раъи,

кайфияти, туйфуси, истакларига боқиб яшаш эмас, балки ҳар ишни илохий қонунга мувофиқ бажарадиган диндир.

Анжелина хоним, менинг эримни, ўғлимнинг Умарнинг отасини Мусо пошшо, дейишарди. У ўлкамиздаги мусулмонларнинг раҳнамоси эди. У барча ички диний масалаларни ҳал этарди, ҳукумат ҳам у киши билан ҳисоблашиб иш тутарди. Мусо пошшонинг бирор гапи ерда қолмаган. Борган жойида бошга кўтариб кутиб олардилар.

Насронийлар ҳам, зўравонлар ҳам, Мусо пошшо бор экан, ўзбошимчалик қилишга журъат этмадилар.

У пайтлари биз жуда муҳташам уйда яшардик. Умарнинг етти акаси, икки опаси бор эди. Невараларим қучофимда, келинлар хизматимда эди. У пайтлар офтоб бошқача порлаб, оқшомлар ўзгача тароват касб этарди. Кунлардан бир куни Мусо пошшо уйга ҳар кунгидан эрта қайтди. Биз энди пешин намозини ўқиб бўлгандик...

Гўё бир шамол елдию, Зайнаб хонимнинг хотира китобини вараклади. Балки, бу варакларни кўтариб, ҳар ёққа сочди. Хоним эрининг ўша қайғули кундаги ҳолатини ҳозиргидек яққол эслайди.

Мусо пошшонинг ранги оқарган, пешонасидан реза –реза тер оқарди. Базўр ўз ўрнига ётди -да, тепасида унга хавотир –ла қараб турган аёлига деди:

– Хоним, менга суюқасд қилдилар, Сен ақли, эсли хотинсан. Дод –вой солиб, фарёд урганинг бефойда. Хорватияда эмас, Боснияда эмас, Белградда эмас, бутун Болқонда улкан фитна оловини ёқмоқдалар, хоним!

– Пошшом, – қўрқиб кетди Зайнаб. – Қандай фитна? Бу нима деганингиз? Сизга ким қасд қиласди?

– Ўғилларимизга одам юбордим. Табиб ҳам чорлатдим. Бироқ улар етиб келишганида тирик бўламанми, йўқми, билмайман. Хоним, мен қон исини сезмоқдаман. Минглаб бегуноҳлар қирилади, бир миллатни қирадилар.

– Ё Аллоҳ! – деб юборди Зайнаб хоним. – Миллатни қирадилар! Кимни ўлдиришади? Нима учун?

– Хоним, сафар тадоригини кўр. Болаларга эътиборли бўлинглар, айниқса, ўғил болаларга! Мен ўлишим билан жанозамни ўқинглар ва ҳовлига кўминглар! Ҳаммангиз кетинг! Одамларга айтинглар, кетишин! Жонларини сақласинлар!

Зайнаб хоним карахт эди. Эри алаҳлаётгандек гапирмоқда.

– Алаҳламаяпман! – деди Мусо пошшо худди хотинининг фикрини ўқигандек. – Ва энг муҳимини ёдда тутинглар! Ҳамиша Аллоҳнинг зикрида бўлинг. Ҳар қандай ҳолда ҳам ибодатни унутманг! Бошингизга келажак ҳар ишни Аллоҳдан деб билинг ва тақдир ишига исён этманг! Золимга бош эгманглар, бу нажотга етаклайди. Золимга ёлворсангиз, хорликка юз тутасизлар. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ! Ва яна гувоҳлик бераманки, Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир!

Тамом. Забардаст Мусо пошшонинг жони узилди. Жони узилиши асносида хонага саккиз ўғил бирин –кетин шошиб кириб келдилар. Улар оталарининг бошида кўзда ёш ила туриб қолдилар.

– Ўғилларим, – деди кўзидағи ёшини артиб Зайнаб хоним. У, ниҳоят, гапиришга куч топди. – Шундай қайғудаманки, тилимга на бир сўз, дилимга на бир ўй сифмайди! Бироқ отангизнинг васиятини айтиш бўйнимдаги қарз. Отангиз эсини йўқотмади, қўрқмади, талвасага тушмади, мардона туриб ўлимни қарши олди, иймон калимасини айтиб, Роббисига қовушди. Бироқ у шундай гапларни васият этдики, у мени жуда ҳайрон қолдирди...

Зайнаб хоним Мусо пошшонинг ҳар бир сўзини ўғилларига етказди. Ўғиллар эса хайратга тушдилар.

– Қандай қилиб, отамизни ҳовлига дафн этамиш? – деди тўнғичи. – Нима учун қочишимиз керак? Одамларга нима учун қочинглар, деб айтамиш? Ахир, бунга асос йўқ! Ундан кўра, отамизнинг жанозаларини эълон қиласайлик!

Умардан бошқа ҳамма шу фикрда эди. Умар ҳали ўсмир, ундан ҳеч ким: «Сен нима дейсан?» – деб сўрамади. Зайнаб хоним эса иккиланаётган эди:

– Отангиз васиятига мувофиқ иш тутайлик, болаларим, – деди. – Шунча гапни бекор айтмагандир, ахир.

Хоним шундай деса -да, овозида қатъият йўқ эди. Шу пайт табиб келди. У жасадни текшириб кўришини айтди.

– Керак эмас, – деди яна катта ўғил. – Отамнинг танасини қийнамаймиз!

– Енгил кўрик ўтказаман, холос, – деди табиб хурмат билан. – Мусо пошшо ҳаммамизга қадрли эдилар. Ўлимлари сабабини аниқлаб қўйсак, бунинг ёмон томони йўқ, деб ўйлайман.

Кенжা ўғилларга ҳам табибининг талаби маъқул келди. Улар оталарини кўриқдан ўтказишга рози бўлишиди.

Табиб жасаднинг танаси рангига, қовоғини кўтариб, кўз ичига, милкларига қаради ва деди:

– Мусо пошшони заҳарлашган, аммо буни ҳеч ким исботлай олмайди, пошшомизга энг қиммат заҳар ичиришган. У заҳар алломатлари ўлимдан сўнг дархол юзага чиқади, ўн беш дақиқада яна ғойиб бўлади. Мен заҳар белгилари йўқолишининг сўнгги босқичида, яъни хозир буни аниқладим.

– Бу ерда катта фитнани сезмоқдаман, – деди катта ўғил. – Ҳукуматга ёки полицияга хабар бериш фойдасиз, чунки давлат идоралари уюшган гурухларнинг жосуслари билан тўлдирилган. Отам айнан кимлар билан зиддиятга борганини билмаймиз. Агар заҳарланиш ҳақида хабар берсак, бу қотилликни ёпиш учун оиламизга ҳам, табибга ҳам ҳужум қиласадилар. Ҳозирча ўзимизни тағофулга соламиз, зимдан отамнинг қотилларини топишга киришамиз.

– Ташқарида одам кўпайиб кетди, – деди ўй хизматчиси кириб. Ўғиллар ҳовлига чиқишиди. Ташқи ҳовли, дарвозахона ва кўчада одам кў

эди. Ҳамма Мусо пошшонинг сиҳҳати ҳақида гаплашарди. Пошшонинг ўғилларини кўриб, ҳамма жим бўлди.

– Инсонни йўқдан бор қилган, Ер юзида яшатиб, сўнг жонини оладиган, охиратда қайта тирилтирадиган Аллоҳга чексиз ҳамду мақтовларимиз бўлсин! – деб сўз бошлади тўнгич ўғил. У отасига жуда ҳам ўхшарди. – Ислом динини гўзал бир тарзда бизга етказган ҳабибимиз Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга, оилаю асҳобларига, авлоду атболарига дурдудлар, саловат ва саломлар бўлсин! Азиз мусулмон дўстлар! Акалар, укалар! Ҳаммамиз Аллоҳникимиз ва, албатта, Унга қайтажакмиз! Отамиз Мусо пошшо Маҳмуд пошшо ўғли бир неча дақиқа олдин жон омонатини Аллоҳга топшириб, иймон калимасини айтиб, боқий оламга риҳлат этди.

Оломон гувиллади.

- Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун!
- Аллоҳ раҳматига олсин!
- Аллоҳ гуноҳларини кечирсин!
- Қандай буюк одам эди!
- Ахир, соппа –соғ юрган эди-ку!
- Аллоҳнинг тақдиди!

Одамлар ичидан ёноқлари ва ияги туртиб чиққан, кулранг кўзи чуқур ботик, сариқ қошлиари сийрак, яккам –дуккам соқолли, суяги бузуқ бир нусха бақириб сўради:

- Пошшомиз бизга нимани васият қилдилар?

Товуш совуқ ва жуда баланд янграгани учун бирдан шовқин босилди. Мусо пошшонинг катта ўғли сўровчини кўзлари билан топди, негадир, бу афти ангорни яхши эслаб қолишга тиришди, сўнг жавоб берди:

- Отамиз Аллоҳдан кўрқинглар, гуноҳдан четда бўлинглар, шариатни маҳкам ушланглар, деб васият қилди.
- Субҳаналлоҳ!
- Аллоҳ Мусо пошшомиздан рози бўлсин!
- Охираглари обод бўлсин!

Тўнгич ўғил ғовур тинишини кутди, нигоҳини савол берувчидан узмаган ҳолда дона –дона қилиб деди:

- Ва яна... Фитна қилманглар, фитначининг жойи – жаҳаннам, деб васият қилди отам.

Дафн учун ҳаракат бошланиб кетди. Fassol келди, кафанликни ҳозирлаб, жасадни ювишга киришди, гўрков гўр кавлагани кетди, қорилар Қуръон ўқиёди, таъзиячилар, ҳамдардларнинг қадами узилмайди, бутун шаҳар Мусо пошшонинг жанозасига йиғилиб келаётган эди.

Бомдоддан сўнг, тобутни кўчага чиқариб, қибла тарафга қаратиб қўйишиди.

Одам кўплигидан игна отсанг, ерга тушмайди. Ҳукумат одамлари, полиция ҳар ер, ҳар ерда кўринади. Қуёш машриқдан қон каби қизариб, кўтарилаётганда имом жаноза ўқиши учун сафларни текислашни буюрди.

Қисқа маъруза ила марҳум яхши сифатлар ила ёдга олинди, сўнг жанозанинг биринчи такбири учун қўллар кўтарилиди, айни шу лаҳза кунчиқар ва кунботардан иккита парракли учоқ пайдо бўлди ва оломон устига тобора яқинлаб келаверди. Жанозанинг учинчи такбирида одамлар намозни унутиб, осмонга қарадилар, парракли учоқдан улар устига ўқ ёғилди. Бу ҳеч ким кутмаганда содир бўлди, чалғи ўрган ғалладек ҳамма ерга йиқила бошлади, одамлар тутдек тўкилди, қочиш имконсиз эди: ўликлар айқаш –уйқаш ерда ётар, ўқ эса тўхтай демайди, оломон бирини бир босиб довдираиди, ниҳоят қий –чув кўтарилиди. Парракли учоқлар ўн дақиқада кўчани қонга тўлдириб, ерга кўнди, ичидан ниқобланган барзангилар отилиб тушиб, инсонларни беаёв ўлдиришда давом этдилар.

Ваҳшийлар ичидан бири ўз соқчилари билан Мусо пошшонинг ҳовлисига юрди, дарвоза тагида пошшонинг етти ўғли қонга беланиб, жонсиз ётарди.

Ички ҳовлида ҳамма даҳшатга тушган эди, Зайнаб хоним эрининг васиятини энди тушунди. У босқинчилар уйга кириб келишларини билди, таъзияга келган аёлларни ва келинларини йифиб деди:

– Ҳозир шовқин –сурондан бизга наф йўқ, қизларим, мардона бўлинг! Ўғилларингизни беркитинг! Мусо пошшонинг амри шундай эди!

Ўқ овозлари яқинроқдан эшитилди. Зайнаб хоним ранги оқариб титраётган Умарни ва ўғил невараларини уй остидаги ертўлага олиб тушди.

– Нима бўлса, жойингиздан жилманг!

Умар жиянларини қучоқлади. Зайнаб хоним деворни пайпаслаб, қандайdir ғиштни бор кучи билан итарди, ертўланинг пишиқ ғиштли шарқий девори одам сигар даражада қия очилди.

– Киринглар! Умар, жиянларингни олиб кир! – деди шошиб. Умар икки гўдак жиянини кўтариб ичкарига қўйди. Улар эса қоронғудан қўрқиб, йиғлай бошлади. Колган невараларини Умарга узатишга улгурмай ертўланинг ташқи эшиги қарсиллаб очилди. Босқинчилар қулфни синдиргранлари аниқ. Зиналардан оёқ товуши ва «Қаердасанлар, итваччалар!» деган бўкирик эшитилди. Зайнаб хоним бошқа чораси қолмаганини билди: қия деворни ёпди. Умар: «Она! Она!» – деди, бироқ энди ичкаридан чиқолмасди.

Кейинроқ Зайнаб хоним бу совуққонликни қандай топганига ўзи кўп ажабланди.

Кенжак ўғли ва икки неварасини яширишга улгурди, ўн уч невараси эса қалтираб –қақшаб туришарди. Шарқий девор зичлашиб ёпилиши билан, ертўланинг эшиги ичкарига қулади: зинадан ниқобланган тўрт барзанг автоммат билан тушиб келди. Улар ертўлада невараларини қучоқлаб турган ёши улуғ аёлни кўришди.

– Эй кампир! Тепага чиқ! – деди улардан бири. Зайнаб хоним ўзига ўқталинган автомат учига хотиржам бокди -да, икки неварасини даст күтариб, қолгандарига деди:

– Мен билан юринглар! Қўрқманглар!

Ховлида аёллар тиз чўкиб, йиғлаб ўтиришарди, Мусо пошлонинг жасада тобутдан олинибди, етти ўғлининг ўлиги билан бирга териб қўйилибди.

Зайнаб хоним энди чидай олмади:

– Аллоҳим, золимларга кифоя эт! – деб ҳайқириб юборди.

– Ўчир овозингни, кампир! – босқинчилардан бир хонимнинг бўйнига автоматнинг қўндоғи билан туртди, аёл мункиди, лекин йиқилмади, қўлидаги болаларни ҳам тушириб юбормади. Бироқ ваҳшийлар тортиб олишди, хонимнинг қўлини бойлаб, аёллар қаторига ўтқазиши. Ўн уч нафар ўғил неварани ўлик бобо ва оталари тепасига сафлантириши.

– Нима қиляпсанлар! – аёлларнинг фарёди фалакка чиқди.

Босқинчилар ичидан бири, у бошлиқ эди, шекилли, ўлик оталар ва гўдак болаларнинг тепасига бориб, аёлларга юзланди:

– Аёллар! Эшит! – деди. – Сенларга таҳдид йўқ. Бироқ эрларинг ва ўғилларинг ўлади!

КенжА келин қўзида ёш ила бақирди:

– Мени ҳам ўлдир, ваҳший!

Ваҳший:

– Хўп, – деди -да, жувоннинг пешонасига қўрғошин жойлади. Аёлларнинг уни ўчди.

«Бундай даҳшатни ҳеч кимга раво кўрмайман, – дейди Зайнаб хоним айни шу воқеа ҳақида изтиробдан куйиб. – Биз музлаб қолдик. Ўликмизми, тирикмизми, билмас эдик. Инсон зоти бундай юкни кўтариши қийиндир, Аллоҳ эса бизга матонат берибди, сабр берибди».

Ваҳший сўзида давом этди:

– Бизга Мусо пошлонинг саккиз ўғли ва ўн беш ўғил неварасини ўлдириш буюрилган, бироқ бизда еттита ота жасади ва ўн икки ўғилнинг тириги бор. КенжА ўғил ва икки невара қани?! Қани! Қаерда!

Ваҳший шундай деб бўкирган кўйи автоматини болаларга қаратди ва тепкини босиб турди. Бегуноҳ норасидалар сассиз –садосиз оталарининг устига йиқилдилар. Оналар ўринларидан туриб ўзларини фарзандларига отдилар.

Уларнинг оху ноласидан босқинчилар маст бўлишди. Кўчадан ҳам тўхтовсиз ўқ овози эшитилиб, даҳшатли қатлиом авжга чиқмоқда эди.

– Ўликларга тўйиб ол! – деди ваҳший. – Ҳозир улар уйларинг харобаси остида қолиб кетиши мумкин.

Зайнаб хонимда мадор қолмади, томоги қуриди: босқинчилар ҳовли ва уйга, ертўла ичига бензин сепар эдилар.

Бири гугурт чақиб юборди: муҳташам ҳовли, уй аланга ичида қолди.

Босқинчилар қаҳ –қаҳ отиб, ҳовлини тарк этдилар. Уй эса гуриллаб ёнар эди.

Зайнаб хоним ертўлага отилди. Ертўла ичида олов ланғиллар, тутун ҳам бурқсиб чиқарди. Келинлар ўлик болаларини қучоқлаб, инграб, мунграб эс – ҳушларини йўқотиб бўлдилар.

«Ҳозир уй қулаб тушади! Болаларим ертўлада!»

Зайнаб хоним бутун оламни унутиб, аланга атрофида чарх уриб югуради.

Бир неча дақиқада томлар қулади, атрофни қуюк чанг, қурум, тутун қоплади, нафас олиш, бирор нарсани кўриш имконсиз эди.

Зайнаб хоним келинларини кўчага судради. Уйнинг ёнишига маъносиз ва ўта ҳорғин қараб ўтиришди. Чунки бутун оламда уларга ёрдам берадиган ҳеч ким қолмади. Ёрдам берадиган ҳамма ўлиб ётибди. Кўчалар ўликка тўлди. Ариқларда қонлар оқди. Осмонни қора тутун ва мурда исини сезган ўлаксахўрлар эгаллаб олди. Мусо пошшо хонадонининг бева аёллари либослари кир, юзлари қора куя, ўзлари озурдаҳол ўтирадилар.

«Ўшанда қалбимни эзган азобнинг таърифи йўқ, – дейди Зайнаб хоним. – У оғриқни бошдан ўтказмаган бирор зот била олмаса керак. Қандай тирик қолдик – билмайман! Аллоҳ, Аллоҳ деб фарёд чекардиму, бўғзимдан бир сас чиқмасди. Миямда бирор фикр, қалбимда бирор туйғу қолмади, гўё. Ақлим ҳодисотларни миямга муҳрлашдан тўхтамаганини биламан... Эҳтимол, ҳамон тириклигим Роббимнинг бир ҳикмати ва раҳматидир».

Зайнаб хоним куч топиб, ўрнидан турди. Ер билан яксон бўлган ҳовлисига қараб талпинди. Ертўлани топмоқчи эди. Бироқ олов ҳамон ҳароратли, тафти терини куйдиргулик эди. Бироқ аёлни бу тўхтата олмади. У иссиққа ҳам, куяётган қўлларига ҳам, ачимсиқ тутунга ҳам парво этмай олазарак қараб, ертўлани излаётган эди...

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу воқеалар ўнгда содир бўлмоқдами ёхуд тушда?! Абдуллоҳ Ёрқин гарангсиб қолди: миршаб уловининг чинқириги ва меҳмонхона ҳалокат қўнғироғининг шовқини қоришиб кетди, Абдуллоҳни бир зумда ерга ётқизиб, қўлларини қайириб кишанладилар, оёғини ерга тегизмасдан темир билан ўралган улов ичига улоқтиридилар. Абдуллоҳ бошини кўтариб ўзини ҳибс этганларни кўрмоқчи бўлган эди, бошига келган қаттиқ зарб уни хушдан айирди.

У кўзини очиб, олти томони тош девор, бир томонида қалин темир эшик, бир томонида калладек туйнуги панжараланган хонада ўзининг ётганини кўрди. Кишанларни ечишибди, бироқ билаклари оғрияпти.

Хона узунасига тўрт, энига бир ярим, баландлиги олти қадам чиқса керак. Ним қоронғу. Эшик тепасида хира чироқ. Эшикнинг чап томонида хожат учун чуқурча, ундан бир қулоч тепада сув оқадиган темир қувур, аммо

сувни очиш учун бурама қулоқ кўринмади. Хонанинг чап деворига ёпиштирилган икки қаватли иккита темир ўрин, бош томони тайин бўлсин учун бир ёғи сал қиялатилган; юқорисига чиқиш учун оёқ қўйиладиган зина вазифасида иккитадан уч бурчак темир пайвандланган. Бу ўринларда тўрт киши ётиши мумкин.

Бироқ ўринларда на тўшак, на бошқа нарса йўқ. Темир.

Абдуллоҳ ўрнидан турди, томоги қақрабди, боши ҳам сезилар – сезилмас айланди, эшикка яқинлашди.

Хожатхона тешигидан чиқаётган сассиқдан ўқчили, эшикни тақиллатди, ҳеч ким жавоб бермади. Абдуллоҳ ҳайрон бўлди. Эшикка суюнди. Эшикнинг ўртасида тўрт бурчак дарча бор эди. Эҳтимол, шу дарча очилса керак.

Абдуллоҳ бениҳоя ташна бўлганини яна хис этди. Айни шу пайт заҳар танг қилди. Хожатхонага қаради -да, бошқа иложи йўқлигини билди...

Энди ўтирган лаҳзада ташқарида хитойча бақир –чақир эшитилди, чўчиб кетиб, шимини юқори кўтариб, тезда ўрнидан турдию, «Оҳ!» деб юборди, икки курагининг ўртасини хожат тешиги тепасидаги қувурга урган эди, суяк –суягига оғриқ тарқалиб, ихраб, темир ўринга ўтириб қолди. Жароҳатланган жойини қўли билан пайпаслади, бармоғи намланди, юмшоқ гўштга тегди, шошиб қўлига қаради: умуртқа суюгининг ёни қонабди.

АЗоб зўридан чанқоқ ҳам, заҳар танг ҳам ғойиб бўлди, хитойча овозлар эшикка яқинлаб келди, шарақа –шуруқ овозлар эшитилди, қулфга калит урилди, шекилли, темир тамба сурилди, оғир ғирчиллаган саси баробарида эшик қия очилди, хитойбашара миршабнинг қалпоқли боши кўринди, у ўйғурчалаб буюрди:

– Чиқ! Тез бўл!

Тишини тишига қўйиб, оғриқни енгандек бўлди -да, Абдуллоҳ эшикка қараб юрди. Чиқиши билан яна буйруқ бўлди:

– Энгашиб югур! Бошингни кўтарма!

Абдуллоҳ ё амрни англамади, ё довдиради бошини беихтиёр кўтариб: «А?» – дедиyo, елкасига тушган миршаб таёғи даррасидан ерга чўккалаб қолди. Иккинчи зарба бўйнига тушиб, уни чўзилтирди. Бояги хитойбашара Абдуллоҳнинг ёқасидан даст кўтариб, деворга тираб вишиллаади:

– Менга қара, ит! Энгаш, бошини кўтарма! Югур, маймун!

Миршабнинг ичидан ўликнинг исидек бадбўй хид келаркан, Абдуллоҳ ўзи истамай юзини буриштируди.

– Нега турқингни бужмайтирасан? Тўнғиз! – миршаб таёғини ишга солди. Абдуллоҳ ғужанак бўлиб олди.

– Ўрнингдан тур! Тур, деяпман! Тўнқайиб югур!

Абдуллоҳ ўрнидан турмаса, калтак тўхтмаслигини билди ва бир амаллаб турдию, энгашган кўйи айтилган тарафга югурди.

– Нега қўлингни туширасан! Қўлингни орқага қил, аҳмок!

Абдуллоҳ икки қўли орқада, чопишда давом этди. Унинг мияси шанғиллар, иситмаси кўтарилиб, кўзи ҳеч нарсани кўрмай қолди. Шу

югуришида бориб, боши билан ҳибс хоналарини маъмуриятдан ажратиш учун ўрнатилган пўлат панжарага урилиб, орқасига чалқанча йиқилди, ииқиларкан бошини чангаллади.

Миршабларнинг хохолагани қамоқ бўйлаб акс –садо берди. Абдуллоҳ шошиб, яна ўрнидан турди. Хитойбашара секин юриб келиб, бақирди:

– Деворга ўгрил! Энгаш!

Абдуллоҳ деворга юзини буриб, энгашди. Ўртадаги панжара эшик очилди:

– Юр!

Бироз юришгач, қора темир эшик олдида тўхташди. Миршаб эшикни қия очиб, хитойчалаб рухсат сўради, чоғи, Абдуллоҳга деди:

– Ичкари кир!

Абдуллоҳ ҳадиксираб, елкасини қисиб ичкарига кирди. Хона кенг эди, ўртада узун стол, тўрда бир киши, столнинг икки ёнида уч киши ўтиради. Абдуллоҳ уларнинг қаршисида қўлини орқасига қўйиб, англамсиз бир ҳолда мутеларча туриб қолди.

– Хитой фуқаросини урдингиз, бошини ёрдингиз, қани ўша жасорат?

Савол берган овоз жуда таниш эди, Абдуллоҳ кўзларига ишонмай қолди. ўтирганларнинг бири Мойимхон Сотим эди!

– Мойимхон! – Абдуллоҳ ғайритабии овозда ҳайқириб юборди.

– Маҳбус, ўзингизни асранг! – Мойимхоннинг саси ўта жиддий, ҳокимона ва сиёсий жаранглади. – Сиз кеча коммунистик партияни ҳақоратладингиз, Ислом террорини эса мақтаб, унга даъват этдингиз. Бу жиноят жазоланиши шарт!

Абдуллоҳнинг тили тутилди. Кеча айтганларининг бадали шу қадар қимматми эди? Умри ва жони ила нархланажак сўзларни изҳор этибми эди?!

Ўтирганлардан иккисининг хитой миллатига мансуб эканлиги кўриниб туриди. Икки уйғурнинг бири Мойимхон, бири нотаниш.

– Келинг, яқиндан танишиб оламиз, Абдуллоҳ Ёрқин жаноблари, – деди айнан ўша Нотаниш. – Олдимиизда икки йўл бор, очик ва самимий сұхбат. Бу биринчи йўл.

Абдуллоҳ томоғи қуриб, ютинди. Калтакланган оёқлари – сони, болдири оғриди. Нотаниш ўзига шишадан финжонга сув қуиди, хўплади, сўнг эриниб, ўта сокин оҳангда давом этди:

– Биринчи йўлни танласак, унда хотиржамлик, хавфсизлик, амният бор! Амният арабий сўзми? Сиз исломчи экстремистлар арабий сўзларни севасизлар-ку! Амният! Хуллас, камгина муддатга қамаймиз, яхши қамоқقا жўнатамиз, ҳамкорлигимиз бардавом бўлса, балки, жазони тугатиб, қамоқдан чиқиши ҳам насиб этади, албаттат!

Абдуллоҳ тергов муштлашув устида кетмаётганига мутлақо амин бўлди, бироқ терговчи ундан нимани хоҳляяпти?!

— Энди иккинчи йўлни тушунтираман, — деди Нотаниш салмоқлаб. — Бу жаҳаннамдан ўтадиган йўл. Мусулмон жаҳаннамга ишонасизлар-ку, тўғрими?

Абдуллоҳ савол моҳиятини англамай ҳайрон қаради.

— Жаҳаннамга ишонасизми? Яъни, дўзах борми? — такрор сўради Нотаниш.

— Албатта, бор, — жавоб берди Абдуллоҳ.

— Аммо жаҳаннамга кириб чиққанлар борми? — кўзини лўқ қилди терговчи. — Йўқ! Демак, дўзах йўқ нарса. Тўқима! Аҳмоклар тўдасини власвасага солиб, йўқ куч билан бошқариш, дейилади бу. Адашдим, нодон галани хаёлот воситасида маймундай ўйнатиб, эшакдай ишлатиш учун жаҳаннамни тўқиб чиқаргансанлар!

— Ундай эмас! — деди дарҳол Абдуллоҳ. — Жаҳаннам кофирлар, золимлар ва хоинлар учун тайёрлаб қўйилган улкан азобдир!

Мойимхон Сотим икки кафтини уч —тўрт уриб қарсак чалди:

— Офарин! Тасанно! Эътиқодингизга қойил қолдик! Худди кечагидек динингиз ҳимоясидасиз! Сиздан собит мусулмон чиқади, шекилли.

Абдуллоҳ ҳеч сўз демади, фақат бор кучини кўзига йиғиб, ўқрайди.

— Хой, бунчалик ғазабланманг! — уни кўриб хиринглади Нотаниш. — Мойимхонни кўзингиз билан қатл қилиб юборманг, илтимос. У бизга керак. Ҳа, дарвоқе, жаҳаннамга ишонаверинг. Бизнинг иккинчи йўлимиз ўша ишончингизни маҳкамлаб, мустаҳкамлайди. Биласизми, бу қандай рўй беради?

Абдуллоҳ нигоҳини бир нуқтадан узмади, индамади. Нотаниш овозини таҳдидомуз кўтариб, деди —

— Биласизми, деяпман!

— Билмайман, — деди Абдуллоҳ.

— Унда эшитинг, — деб тиржайди Нотаниш. — Сизга шундай қийноқ тақдим этамизки, ҳақиқатан, у дунёда жаҳаннам бор экан, азоби жуда кучли бўлар экан, деб иймонингиз зиёда бўлади!

Нотаниш совуқ илжайиб, стол устига дурадгорлар асбобларини сақлайдиган қути каби бир қутини қўйиб, очди. Унда бир неча хил бигиз, пичоқлар, қайчилар, омбурлар, ҳар хил мих, бир ўрама арқон, сим бор эди.

— Менимча, ҳаммаси тушунарли, — деди Нотаниш. Сўнг стол қаршисидаги курсига ишора қилди.

— Ўтилинг.

Абдуллоҳ курсига ўтирди. Мойимхон финжонга сув қуйиб, узатди:

— Ичинг, ташнадирсиз.

Абдуллоҳга сув жуда оромбахш туюлди, мириқиб сипкорди ва: «Алҳамдулилаҳ», — деди. Мойимхон бўшаган финжонни яна тўлдирди. Абдуллоҳ буни ҳам охиригача ичди. Учинчи финжонга келганда чанқоғи қонди, фикри равшанлашди. Терговчилар ундан кўз узишмас, ҳар бир харакати, юз ифодаларини ҳам кузатаётган эдилар.

– Сувдай сероб бўлинг! – деди Нотаниш кесатиб. Чунки Абдуллоҳ сувни ичди, ичдию, на соқийга, на бошқага раҳмат, демади, «Алҳамдуиллаҳ», – деди, бўлди. Нотанишнинг кесатигини тушунмагандай Абдуллоҳ уларга қараб талмовсиради.

– Энди ишга ўтамиз, – Нотаниш қовоини солиб, Абдуллоҳга тикилди.
– Қани, ҳаммасини бир бошдан гапириング. Биз тинглаймиз.

– Нимани гапирай? – ҳайрон сўради Абдуллоҳ.

– Нега Туркиядан Урумчига келдингиз? Сизни ким юборди? Қандай мақсад –муддаингиз бор? Ҳаммасини айтинг, – тушунтириди Нотаниш. – Ҳар бир сўзингизни ўйлаб, кейин гапириング. Алдаманг. Ёлғонингиз, албатта, бошингизга бало бўлади. Борини, рўй –рост сўйланг. Ўзингиз учун мана шу ёрдам бўлади.

– Уйғур ёшларини Европада ўқитиш дастури бўйича келдим, – деб сўз бошлади Абдуллоҳ.

– Бизнинг ортиқча вақтимиз йўқ, – деди шарт кесиб Мойимхон важоҳат билан. – Эртакни невара кўрсангиз, уларга айтасиз. Қайси террор ташкилотининг буюртмасини бажаряпсиз? Биз ҳаммасини биламиз. Ўз оғзингиздан эшитмоқчимиз.

– Террор ташкилоти? – мияси шанғиллади Абдуллоҳнинг. – Мен ҳеч қандай террор ташкилотини билмайман.

– Сиз террор, деб ўйламайсиз-ку! – деди Нотаниш. – Сиз уни Ихванул муслимин, яъни Мусулмон биродарлар, деб атайсиз.

– Адашяпсиз! – деди кескин Абдуллоҳ. – Менинг ундаи ташкилотларга алоқам йўқ.

– Шундайми? – муғамбирларча илжайди Нотаниш. – Отангиз Иброҳим Ёрқин Истанбулга боргандаёқ югуриб кимнинг уйига борганини биласизми?

Абдуллоҳ ўттиз йил аввалги воқеа титкиланаётганидан ҳайратланди.

– Билмайман, – деди у.

– Билмайман, деб тураверинг, ҳозирча, – деди Нотаниш. – Отангиз туркистонлик террорист, буюк Совет давлатининг душмани кўр Шермуҳаммаднинг уйига борган, оёғини ўрган, террористлар сардори ўлгунича унинг хизматини қилган. Тўғрими? Буларни биласиз-ку!

– Шермуҳаммадбей террорист эмасди, – деди Абдуллоҳ. – У кекса, бемор бир мусулмон эди, холос.

– Ҳа –ҳа –ҳа! – заҳарханда кулди Нотаниш. – Балки қуёндай беозор мусулмондир, а? У қизил аскарларни, садоқатли коммунистларни ўлдирган қотил! Пуштун жангариларини қўллаб –қувватлаган. У билан ҳамкорлик қилиш учун аввал, Германия маҳсус хизмати, кейин Ихванул муслимин террорчилари алоқага чиқишиган. Шермуҳаммадбек араб давлатларини Исроилга қарши урушини ёқлаган. Умар Мухтор ҳақида доим тўлқинланиб гапирган. Сиз ва отангиз эса унинг хизматида бўлгансизлар. Энди очиғини айтаверинг, Шермуҳаммадбекнинг қайси террорини амалга ошириш учун топшириқ олгансиз? Бу ерда кимлар билан учрашмоқчисиз?

Абдуллоҳ қулоқларига ишонмас эди, донг қотди.

Бироқ энди гапириш керак эди. – Мен сизларга Шермуҳаммадбей ҳақида ростини айтаман, – деди жиддият ила. – Гапларимга ишонинг. Заррача ёлғон аралаштирумайман.

– Жуда соз, қани, бошланг! – деди Нотаниш.

– Ҳақиқатан, биз Туркияда Шермуҳаммадбей ҳимоясида эдик, бироқ у аллақачон сиёсий ва ҳарбий фаолиятини тўхтатиб бўлган эди. Оёги ишламасди, кўзи кўрмасди. Гитлер Олмонияси унга махсус ҳаракат режасини тақдим қилган, лекин у инсон бу режани қабул этмаган. Ва сиз айтгандек, Ихванул муслиминдан ҳам вакиллар келган, Шермуҳаммадбей истаса, бу ҳаракатда иштирок қилса бўларди, бироқ унга таклифни батафсил ўрганиб рад этди, бу ишларда фитна бор, деб айтган. Тўғри, у инсон Туркистонни Совет давлатидан ажратиб олишни истарди, бироқ амалий ҳаракат қиладиган даражада имконияти бўлмаган.

Мен таниган Шермуҳаммадбей ибодатгўй қария эди, холос. Ундан ҳеч кимга, бирор давлатга, айниқса, Хитой каби катта давлатга зиён етиши мумкин эмасди.

Абдуллоҳ гапини тугатиб, сувдан ҳўплади. Унинг гапини дикқат билан эшитган икки хитойи ҳам бир –бирига нимадир дейишиди, кейин Нотаниш савол беришиди.

– Абдуллоҳ Ёрқин, – деди Нотаниш уларнинг саволини тушуниб олгач.

– Сиз ўз ота –боболарингизни биласизми?

– Ха, – деди Абдуллоҳ. – Отам Иброҳим, бобом Ҳолид, катта бобом Қиличбек, ундан каттаси ҳам Иброҳим.

– Бизни зериктиряпсиз, дўстим, – деди Нотаниш. – Нега фахрланиб Ҳолид мужоҳид, Қиличбек мужоҳид, демаяпсиз? Боболарингиз сўнгги томчи қони қолгунича буюк Хитой давлатига қарши урушганини яширяпсизми? Амир Ёқуббек, маршал Алихонтуранинг аскарлари эдилар-ку улар! Буни билмайман, деб бизни ишонтиromoқчимисиз?

– Буни биламан, албатта, – деди Абдуллоҳ.

– Нега у ҳолда яширмоқдасиз, Абдуллоҳ бей? – сўради Нотаниш. – Қўрқяпсизми?

– Қўрқмайман! – туйқус Абдуллоҳнинг ичидаги қўрқув таг –туги билан қўпорилиб, ғойиб бўлди. – Қўрқмайман, Алҳамдулилаҳ. Боболарим хитой мустабидига, хитой босқинчиларига қарши урушдилар. Хитой босқинчиларининг бошини узишиди, юрагини суғуришиди. Минг афсуски, биз ношуд авлод бўлдик! Ўз юртимиздан қочдик, ёвуз душманга Ватанинни қолдирдик. Ўз ўлкамизга қадам қўя олмаяпмиз. Ўз диёrimизда қулларга айландик. Имконим бўлса эди, сизлар ўлгудек қўрқадиган террорчилар ичida бўлардим! Минг афсус, ундей эмас!

Абдуллоҳ бу гапларни айтаркан, қизишиб кетди, юзи қизариб, бўйин томирлари бўртди. Донг қотиш навбати терговчиларга келган эди.

Улар бир –бирларига қараб қолишиди. Нотаниш терговчи ва Мойимхон икки хитойига ҳадиксираб тикилдилар. Улар сапчиб ўринларидан турдилар ва ғазаб билан, лекин паст товушда таҳдидомуз гапирдилар ва терговхонани тарк этдилар. Нотаниш жирканиш билан Абдуллоҳга боқди:

– Жуда жасур экансиз! Ҳар бир айтган сўзингиз учун чексиз уқубатлар тортасиз! Буни кафолатлайман!

– Имконият эшикларини умрбод ёпдингиз, Абдуллоҳ бей, – деди Мойимхон ачингансимон. – Ўлгунингизча қамоқдан чиқмайсиз, деб хавотирдаман.

– Олдиндан айтиб қўяй, – деди Нотаниш. – Сиз қамоққа эмас, улкан терговхонага кирмоқдасиз. Бу ерда энди сизни биз каби инсофли мутахассислар эмас, ўз отасини ўлдиришдан тоймаган манфурлар тергов қилишади.

... Камерага Абдуллоҳни қандай ур –сур қилиб олиб кетган бўлса, худди шундай ҳолда қайтариб келтиришди.

Ичкари кириб, Абдуллоҳнинг кўзи тинди, коронгуга кўзи кўнишиб улгурмай, кимдир унинг жағига мушт урди, кимдир биқинига, кимдир кўлидан тортиб йиқитди. Абдуллоҳнинг овоз чиқаришга ҳоли қолмай, ғужанак бўлди, боши, елкаси, бели, оёқлари – бутун аъзойи баданига аёвсиз тепки ёғилаверди. Бу Абдуллоҳ хушини йўқотгунича давом этди.

... Юзига сепилган сувдан Абдуллоҳ кўзини очди. Қовурғаси, пешонаси, боши, ҳар бир суяги, ҳар бир бўғими қақшаб оғриётган эди. Абдуллоҳ туришга тиришди, йўқ, қуввати етмади, тепасида ўзига тикилаётган ойтовоқдай икки башарани гира –шира илғади ва «Камида тўртта қовурғаси синган, тепага кўтариш керак», – деган бўғиқ овозни элас –элас эшилди.

Икки киши Абдуллоҳни даст кўтариб, ўриннинг иккинчи қаватига итқитди, Абдуллоҳ темир юзага «гурс» этиб тушди, қовурғасининг синган суяклари қиррали учи билан ичакларига санчилгандек бўлиб, ихраб юборди. Ихрадию, оғзидан оқаётган сўлакни ҳам ушлаб қолишига мадори етмади. Абдуллоҳ шу ётганча кўзларини юмди, йўқ, унинг жони узилмади, балки кун бўйи то кечгача давом этган калтак унинг бор қувватини сўриб олгани учун уйқу босиб келди.

Бу шундай уйқу эдики, кейинчалик Абдуллоҳ Ёрқин уни: «Раҳмат уйқуси», – деб айтиб юрди.

«Асҳоби Каҳф ҳикоясини ўқиб, Аллоҳ таоло мўминларни уч юз тўққиз ийл ухлатиб қўйганидан доим ҳайратланардим. Уч аср ором уйқусида бўлган йигитлар жуда кам ухладик, деб ўйлашган, уйғониб шаҳар тушиб, не кўз ила кўрсинларки, тавҳид замонаси экан! Халқнинг ҳаммаси муваҳҳид, ҳаммаси якка Аллоҳга сифинаркан, ғордаги биродарларнинг ёдида қолган мудҳиши давр – иймон эгалари қатл этиладиган, азобга солинадиган давр интиҳо топган экан. Ўшанда йигитлар ғорга қайтиб, абадий уйқуга кетадилар, Аллоҳ уларни жаннат ила мукофотлади, уларга эргашган бир ит бор эди, у ҳам жаннатга киради. Аллоҳ таоло бу қиссани биз мусулмонларга ибрат ўлароқ

Қуръонда баён қилди. Валлоху аълам, мени ўшанды қамраб олган уйқу асхоби қаҳфга ором берган ўша уйқу бўлса, не ажаб! Зотан, у уйқу танимга шифо, қалбимга сакинат, руҳимга ҳаловат бағишлади. Шундай ухлабманки, золимлар нима учундир мени уйғотиб қайта дўппосламадилар, уйғонишимни кутдилар», – дейди Абдуллоҳ Ёрқин.

Бу ҳикояни айтиб бериши учун у яна узоқ йўл босиши керак. Суубатли, уқубатли йўл!

Абдуллоҳ бир кечаю бир кундуз тўлиқ ухлади, қамоқ назоратчилари унинг бошига тушаётган кўргиликдан боҳабар эдилар, текширувларда ҳам уйғотиб ўтиришмади. Аслида, уйғотиш бир оз мулоҳазали эди: Абдуллоҳ ярим чалқанча ётиб ухлар, кийимининг тутмалари юлиб олингани учун қонталаш, кўкарған ва қорайған қорни, кўкраги очилиб ётарди. Кўрган кишининг сесканмаслиги қийин эди.

Маҳбуснинг юзи ҳам шишиб, кўкимтири тус олган, лаблари, ёноқларида қотган қон парчалари кўзга ташланади.

Абдуллоҳ эрта сахар уйғонди. Шифтга, камера деворларига қаради, қаерда эканлигини идрок эта олмай, гангиди, бир неча лаҳзадаёқ ҳамма воқеани эслади. Секин ёнбошлаб, пастга қаради: бири чалқанча, бир тўнтарилиб икки маҳбус ухлайди, бири ҳуррак отади. Эшик тепасида чироқ хира милтирайди. Абдуллоҳ Аллоҳга дуо қилиши зарурлигини билди, қўлини кўтариб, деворга сурди ва таяммум қилди. Намозга ният қилди, шифтга қараб ётган кўйи икки қулоғининг юмшоғига бош бармоғини текизди, сўнг икки қўлини қорни устида боғлаб, пиҷирлаган кўйи санони ўқиди: «Субҳанака Аллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва ла Илаҳа гойрук!»

Бисмиллаҳга келгандаёқ Абдуллоҳнинг ашки кўзидан тошди, ичида тўфон янглиғ йифи ташқарига қараб ёпирилди, у фарёд солиб йиғлашни истарди, бироқ бу имконсиз эди.

«Аллоҳим! Аллоҳим! Аллоҳим! Мени ўз ҳолимга ташлаб қўйма!»

Унинг бутун вужудини титрататётан илтижо шу эди.

«Эй оламлар Роббиси! Ўзингта ҳамд бўлсин! Мақтовга фақат Сен лойиқсан! Сенга ибодат қиласман! Сендангина ёрдам сўрайман! Мени неъмат этилганларнинг Йўлига, Иймонга ҳидоят эт! Адашганлар, ғазаб учраганлар йўлида қиласман! Буюк синов бердинг, Роббим! Бу синовдан ёруғ юз или мени чиқар! Охиратда Сенга рўбарў турганимда юзимни қора қиласман! Хатолардан мени омон сақла, Аллоҳим! Сен мадад бермасанг, Сен сақламасанг, на шайтон ҳийласига бас келмайман, на нафсимдан ғолиб бўла олмаяжакман!»

Роббим, мени золим зулмидан халос эт, офиияту омонлик бер! Иймонимни саломат эт! Расулинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга муносиб уммат эт, Роббим!»

... Бирор соатлар ўтиб, камера дарчасидан қўёшнинг бир тутам нури кирди. Миршаблар ташқари йўлакда кезиб, «Уйғон! Уйғон!» – деб бақира бошлиши.

Махбуслар бирма-бир туриб, хожатга чиқиши, ювиниши...

Абдуллоҳ ҳам қийнала –қийнала тепадан пастга тушди, бўшанди, ювинди, кейин ўзига бақрайиб ўтирганлар қаршисига келди. Улар уч киши эди: биринчиси пакана, қоши қалин, оқарган, тепакал, дўрдоқ лаб, манглайининг чап ёни тиртикли; иккинчиси бўйи баланд, озғин, ёноғи ёнғоқдек туртиб чиққан, афтини чўтири босган, елкаси тор, боши ва ияги уч бурчакни ёдга солади, умуман, турқи конус шаклида эди; учинчиси эса ёшроқ йигит, юзи оқ, қош-кўзи келишган, ўзи ҳам барваста, бироқ нигоҳида қандайдир бешафқатлик ва беҳаёлик уфуради.

– Менга қара, – деб пакана гап бошлади. – Сени биламиз, террористсан, бизни таниб ол: мени Айдар киллер, дейишади. Эллик етти кишини сўйганман, давлат бор –йўғи йигирма учтасини билади, қисқаси, мен билан ҳазиллашга, гапимни икки қилма, шу камеранинг эгаси менман. Манави шунчаки, Найнов. Исми ҳам шу, лақаби ҳам шу. Бу Олифта тирриқ. Сен мени Айдар оға, деб, буларни эса Найнов оға, Олифта оға, деб чақирасан. Камеранинг қоидаларини билиб ол: Худо, пайғамбар дейиш мумкинмас, дуо, намоз таъқиқланади. Пичирлаб дуо қилсанг ё ишора билан намоз ўқисанг, ўзингдан кўр! Таҳорат олиб юрма! Юзингни ҳам, оғзингни ҳам, қўлингни ҳам бир марта ювишга рухсат.

Кўтингни эса умуман ювиш йўқ. Қоғозга артасан. Овқатни чап қўлда ейсан! Юзига фотиха тортсанг, икки қўлингни синдираман, қандай тушундинг?

Абдуллоҳ Айдарнинг гапини жим эшитди, ичидан зил кетса -да, ўзини босди, титроғини енгил деди:

– Умуман тушунмадим!

Айдарнинг кўзи косасидан чиққудек бўлди:

– Тушунмадингми!

Қўлини мушт қилиб, Абдуллоҳнинг юзига урмоқчи эди, Абдуллоҳ чаққонлик қилиб оёғини кўтариб, унинг қорнига тепди. Айдар ўриннинг ичига буқланиб кириб, деворга урилди. Зарба кутмаган Найнов ва Олифта бир он ажабсиниб қолдилар ва бирваракайига Абдуллоҳнинг устига шоқолдек чийиллаб отилдилар. Уларга қарши оёқда туриш ҳам мумкин эмасди, Абдуллоҳ яна йиқилди, тепки ва калтак аввалгидан икки карра қўпайди, ураётганлар ҳансираб қолишиди.

Бу сафар Абдуллоҳ хушини йўқотмади, танаси қаттиқ оғриса -да, деворга суюниб оёққа қалқди. Айдар қорнини чанглаб ўтиради, у ҳозироқ Абдуллоҳнинг жонини олишга шай эдию, тепки зарби фавқулодда кучли бўлиб, уни беҳол қилиб қўйган эди.

Абдуллоҳнинг оёқка тураётганини кўриб, бироз куч тўплаб олган Найнов ва Олифта яна ҳужумга ҳозирландилар. Шу пайт эшик шарақлаб очилди ва буйруқ янгради:

– Ҳамма ташқарига! Текширув!

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Зайнаб хоним ўз оиласидаги эрларнинг қатли ҳақида гапиравкан, нуроний чехрасига қайғу булути соя солди. Бу соя Анжелинанинг ҳам қалбига кўчиб ўтди. Ноҳақ қонлари тўкилган мақтуллар аҳлига ҳамдарду уларни киприк қоқмай қирган ва хонадонларни куйдириб, хонумонлар кулини кўкка совурганлар қаршисида қасоскор бўлиб қолди беихтиёр. Кекса хонимнинг ҳикояси уларни ўтмишнинг қонли ҳудудларига етаклади. Анжелина бу воқеа тафсилотини матбуотда ўқиган эди, марҳумларга қалбida раҳму шафқат уйғонган эди, саккиз минг қуролсиз инсоннинг шунчаки ўлдириб юборилишидан, бугун англаб етдики, етарлича ларзага тушмаган экан. Ахир, бегуноҳларнинг жонини олиб, қонини тўкиб, уларнинг аёлларига зулм қилишдан улканрок қабоҳат борми? Бу қабоҳат ҳақида эшитиб, билиб, ҳамдард бўлмаслик инсофданми? Ҳамдард бўлса -да, ул бечоралар ҳимояси учун бир сўз айтишга-да қодир бўлмасликдан каттароқ ноинсофлик бўлурми?! Надоматлар бўлсинки, инсониятнинг аксари ўзгаларнинг изтироби, ўлими ва фожиасидан зарра қадар ғам чекмай қўйди. Наҳот, қалблар ўлиб, руҳлар сўнди? Наҳотки, одамийлик унутилди??

Анжелина бу эҳтирос унинг ичида илк бор тўлқинланганини кейинчалик эслайди. У одамзод чекаётган мунг, эътиқоди, дини учун азобга маҳкум этилганлар, тили, ирқи ва фикри учун қатағон бўлганларнинг ўнлаб, юзлаб мисоллари билан юзлашгач, бетокат ҳолга тушди. Айниқса, зулм қаршисида бефарқ қарайдиган тоифалардан кўп ажабланди, ўзи ҳам уларнинг ичида эканлигидан қўрқиб кетди. Янги туйғулар унинг фитратан тоза қалбини Ҳақиқат сари бошлиётган эди. Ҳали чинакам Ҳақиқатга учрашмоқ учун узоқ йўлни босиб ўтмоқ лозим. Зайнаб хоним ҳикояси Ҳақиқатнинг заиф, бироқ уйғотишга қодир саси эди, аслида. Анжелина дуч келадиган, ўзи ҳам иштирокчи бўладиган юракни тирновчи ҳодисотларни мавриди билан ўқиймиз, ҳозир эса Зайнаб хонимнинг ҳолатига назар солайлик.

...Қонли ҳодиса хабари шамолдек бутун дунё бўйлаб елди. Шу кун кеч бўлмай ҳар тарафдан ёрдам кела бошлади. Телевидения, радио, қирғин тафсилотларини эълон қилди, айбдорларни топиб жазолаш талаб этила бошланди. Зайнаб хоним эса булардан хабарсиз, унинг бу хабарларни билишга ҳам хоҳиши йўқ. Вайронага айланган хонадони узра полапонидан айрилган бургутдек чарх урди, кўмакка келган ҳарбийларга ертўланинг жойини кўрсатди.

У ерда одам борлиги айтилгач, бир неча ўн киши ишга киришди. Ярим соатларда ертўла очилди, беҳуш ётган ўсмир ва болакайни кўтариб чиқдилар...

Шу тундаёқ бутун Болқон йиғи ва ўқ овозларига тўлди. Кўмиладиган мурдаларнинг саноғи кўринмасди. Қариндоши, ёру биродари ўлдирилган ҳар ким қасос ўтида ёнарди. Воқеанинг асл сабаблари ҳақида таҳлилчилар, сиёsatчилар тинимсиз гапиришди. Мусо пошшо болаларига, хотинига қуидаги воқеани айтиб улгурмаган эди: Охирги бир йилда онда –сонда ҳар хил қотилликлар ҳақида нохуш хабарлар тарқалди. Матбуотда ташвишли мақолалар эълон этилди, бироқ кўпчилик ҳолатни бутунича идрок этмаётганди. Мусо пошшо баъзи насронийлар ва мусулмонларнинг орасида рўй бераётган зиддиятлардан хавотирга тушди. На ҳукумат, на бошқа бирор куч бу зиддиятни ечиш ҳақида ўйламас эди. Мусо пошшонинг фикрича, миллатчилик адватидан кўра диний адоват хатарлироқ. Ерли мусулмонларга проваслав ҳамда католик черкови пешволари: «Ота-боболарингиз босқинчи туркларга динини, юртини сотган, сизлар хоинлар авлодисиз, аслингизга қайтинг! Насроний бўлинг!» мазмунида ошкора шаъма қилишга ўтдилар. Масжидларда эса бу шаъмаларга нисбатан оғирроқ киноялар янгради. Мусо пошшо бу фитнанинг илдизи чуқурлигини англади. Черков пешвоси ёхуд масжид имоми ўз фикридан, туйғусидан келиб чиқиб, ғайридинни таҳқирламайди, мусулмонлар қудратли Турк султонлари даврида ғайридинларни бесабаб чертган эмас. Насроний ва яҳудийлар ҳам шунга муқобил даражада адабли эдилар. Мусо пошшо фитна илдизини топишга қатъий қарор қилди, шогирд ва ёрдамчиларига черков руҳонийларини кузатишни буюрди. У ишнинг бошида турганлар кимлигини шу йўл билан аниқлайман, деб ўйлади. Ҳукуматдаги танишларини юзага келаётган хавф ҳақида огоҳлантирди.

– Ортиқча хавотирга тушяпсиз, – деди ҳудуд ҳокимининг ёрдамчиси. – Мавжуд бўлмаган хатар ҳақида гапиряпсиз.

Мусо пошшонинг одамлар черковнинг хорижликлар нотанишлар билан бир марта учрашгани ҳақида хабар келтиришди. Хорижликлар деб айтилган кишилар эса Америкадаги номаълум гурухлар билан шубҳали тижорат қилишларини билгач, Мусо пошшонинг шубҳаси кучайди, у Болқонда қандайдир ларзага ҳозирлик кўрилаётганини тушунди. Айнан қандай режа учун тайёргарлик кўрилаётгани унинг учун ҳамон мавҳум эди. Охирги вақтларда уч-тўрт марта насроний ва мусулмонлар ўртасида жанжал чиқди, баъзи маҳаллий уруғлар ҳам бир-бирини кўп марта ҳақоратлади. Масала ҳақида узил-кесил хulosага келиш учун Мусо пошшо черковга таъсир ўтказишга уринаётган гуруҳнинг шаҳар ташқасидаги манзилига йўл олди. Дарё ёқаси бўйлаб минглаб таноб ҳудудга ёйилган ўрмонда ажиб тароват ва сеҳр бор. Тоғ бағридаги дараҳтлар ўрмоннинг чўккига узанган қўлинин эслатади. Муazzам дараҳтзорнинг ичига қадам босиш кўпчиликка қизиқ эмас, чунки адашиб қолиш ўлим билан баробар. Мусо пошшо эса ўрмон ичидаги

кўл ёқасида жойлашган пинҳона қароргоҳга етиб борди. Қароргоҳ беҳад мухташам, ўз соҳибининг қудратини кўз-кўз қиласи. Баланд деворлар, ҳар томонни тасвирга муҳрлаётган «қўзлар», ўнлаб девқомат ва хўмрайган, куролли соқчилар бу маконни сирли, қўрқинчли кўрсатади. Мусо пошшо дарвоза қўриқчисига шахд билан гапирди:

– Сер Арчибалдга Мусо пошшо келди, деб айт!

Соқчи эътиrozсиз хабар бергани жўнади. Зотан, сер Арчибалднинг исмини биладиганлар Оврупонинг ўзида саноқли эди. Модомики, соч-соқоли оппоқ ва узун, эгнида мусулмонлар яктагини кийган, ўртабўй, чехрасида жиддият ёғилаётган бу чол сер Арчибалд исмини тилга олдими, у ҳакда зудлик ила маълумот бермоқ зарур.

Жавоб ҳаялламади: сер Арчибалд Мусо пошшони дарҳол хузурига чорлади. Мусо пошшо шундай бўлишини тахмин қилган эди, Аллохга дуо қилган кўйи соқчилар қуршовида қароргоҳнинг юонон мармарлари ётқизилган йўлагидан Арчибалднинг хос қабулхонасига йўл олди.

Сер Арчибалднинг қабулхонаси кенг, безаксиз эди: оқ стол, бир неча стуллар, оқ девор, ўрмонга юзланган дераза. Деворларда сурат ёки зийнат йўқ. Киришдан ўнг томонда улкан жавон, унга мингга яқин китоб тахланган: фалсафа, мифлар, динлар, жанглар ва тарих ҳақидаги илмий, назарий ва бадиий асарлар, рисолалар.

Хона ёруғ, Арчибалд ёқаси бўйини сиқиб турадиган жигарранг, тугмасиз свитер устидан кулранг кастим кийган, столнинг устида бир неча оқ қофоз, ручка ва телефон бор. Мусо пошшо қабулхонага кириши билан сер Арчибалд ўрнидан турди, тез юриб келди ва очик юз ила Мусо пошшонинг қўлини сиқди:

– Кунингиз хайрли бўлсин, Мусо пошшо, – деди қўли билан курсини кўрсатиб. – Марҳамат, ўтириңг. Мен истеъдодли инсонларни яхши қўраман. Истеъдод – Тангрининг санъати. У одамнинг ичидан вулқондай отилади, булоқдай қайнайди, бошқаларни мафтун этади. Сиз бағоят истеъдодли инсонсиз, Болқон мусулмонлари сизни норасмий сиёсий йўлбошчи, деб билади, турк диаспораси, Туркиядаги турли кланлар орасида жуда мавқеингиз баланд. Менинг исмимни Европадаги катта-катта амалдорлар ҳам била олишмайди, фақат оламшумул ишларимдан ҳайратга тушиб ўтирадилар, сиз эса менинг исмимни билиш ҳам камдай, маконимни топиб, якка ўзингиз келишга жасорат топдингиз, оварин!

Сер Арчибалд гапириш асносида Мусо пошшонинг рўпарасига ўтириди ва:

– Пошшом, қаҳва буюрайми, чойми? – деб сўради.

– Мен сув ичаман, – деди Мусо пошшо.

– Жуда соз, – сер Арчибалд телефон гўшагини олиб, буюрди. – Иккита финжон ва сув. – Сўнг яна пошшога юзланди. – Мен Болқонда улкан лойиҳани бошладим. Ўзим ишни шахсан бошқариш учун бу ерга келдим. Ҳали ишим лойиҳа эканлигига ёқ кимлар қарши чиқиши мумкин, деган

саволни ўзимга бердим. Насл –насабингиз, тарихингиз, фаолиятингизни ўрганиб, гаровга олиш мумкин бўлган бирор яширин ё ошкор жиноятингизни тополмадим. Ҳукумат раҳбарлари, амалдорлар, дин пешволари – уларнинг ҳаммасининг кўтарган қоплари йиртиқ, яъни ўзларидан қўрқадиган жойлари бор, фош бўлишдан чўчийдиган ишлари кўп. Тажрибам давомида, ишонинг, сиз сингари шахсиятга илк бор учрадим. Менинг лойиҳамнинг яккаю ягона тўсиғи шу одам бўлажак, деганман. Ўткир ақлим янглишмади: Мусо пошшо бугун рўпарамда турибди. Очиги, Болқондаги нотинчлик сабаб казо-казолар билан учрашдингиз, Европа ҳукуматларидағи танишларингизга хабарлар юбордингиз, менинг ҳамма одамларимнинг ортидан кузатувчилар қўйдингиз, бироқ уйимгача келишингизни кутмагандим. Офарин ва яна офарин!

Мусо пошшо Арчибалднинг гапини бўлмади, ҳамсуҳбати қулиб гапирса -да, ўзини бир поғона баланд тутаётгани кундай равshan эди. Шунинг учун, Мусо пошшо Арчибалдга тик қаради, оптик линза йилтираётган қулранг қўзларга ўқрайиб деди:

– Сер Арчибалд, мақтовни севадиган ёшдан ўтганман. Ҳар қандай мулозамат энсамни қотиради. Мени ёш болани алқагандек алқашингизга умуман ҳожат йўқ. Эртакларингизни бошқаларга сақлаб қўйинг. Фитнангизга сотилаётган мутаассибларни шундай мақтасангиз, чалган ногорангизга ўйнайдилар, лекин мен эмас!

Шу пайт хизматчи патнисда графинда сув ва иккита финжон келтирди. Арчибалд Мусо пошшонинг гаплариға жиддий қулоқ тутаркан, финжонларга сув қўйди, бирини ўз олдига, бирини Мусо пошшонинг олдига қўйди.

– Яхшиси, менинг саволимга жавоб беринг, сер! Болқонда диний ва миллий низони қўзғаб, нима учун фуқаролар урушини уюштироқчисиз?

Сувдан ҳўплаб, Арчибалд ажабланганнамо қошини чимиреди:

– Бу қандай сафсата? Асосингиз борми? Балки, менинг Болқондаги амалиётим хайрлидир!

– Хайрли?! Сиз проваслав ва католик черковларидағи епископларга катта микдорда пул бердингиз, уларни мусулмонларнинг босимидан химоя қилишга, Исонинг динини нафақат Болқонда, балки Ер юзи бўйлаб, тарқатишларини исташингизни айтдингиз. Сотиб олган мухбирларингиз ерли мусулмонлар ва мусулмон муҳожирларини ғайридинларга эътиқод сабабли тажовуз қилганлари ҳақида хабарни тарқатдилар. Ҳолбуки, бу хабарлар сохта эди! Серблар ва хорватларни, боснианлар ва сербларни бир –бирига қайраш учун ҳукумат ичидаги хоинлардан фойдаландингиз. Болқонда ҳар бир диндорни, ҳар бир инсонни ўзаро адоватлантириш учун ҳамма ишни қилиб келяпсиз. Мусулмонлар ичидаги жоҳилларни ҳам фойдасиз тўқнашувларга илҳомлантиряпсиз. Кейинги пайтда Белградда, Сараевода, яна бошқа ўнлаб ҳудуд масjidларидан ҳар хил одамлар: даҳрийлар, мушриклар, кофирларнинг Исломга кириши урфга айланди. Айниқса, охирги олти ойда бу ҳол кўпайди. Содда мусулмонлар янги диндошини қучоқ очиб қабул этмоқда. Бироқ уларнинг бир қисми мусулмонлар ичида ихтилоф ва фитна

уругини сочяпти, бир қисми диндан қайтиб, мусулмонларнинг ички ҳаётига тухматлар ёғдиряпти, бир қисми эса, ҳақиқатан, холис мусулмонлардир. Мен мунофиқларни текширдим, ҳаммаси сизнинг ҳомийлигингизда Исломга душманлик қиласидиган университетларда етиштирилган. Ҳаммасига нифоқ «илми» ўргатилган. Ана ўшалар худди «исломшунос»дек минг йиллик ихтилофни қўзғаяпти, Аллоҳ ҳақида куфроний саволларни бермоқдалар. Сер Арчибалд, сиз нима қилмоқчисиз? Ортингизда кимлар турибди?!

Арчибалд Мусо пошшога қараб хохолаб кулди.

– Сиз ажойиб экансиз! Ўйлаганимдан кўпроқ нарсани билиб олибсиз-ку! – деди. Кейин жиддийлашди, овозида таҳдид пайдо бўлди. – Сизнинг эсингиз жойидами, пошшом? Шундай хатарли маълумотларни йиғибсиз, ҳаёт учун хавфли хulosаларга келибсиз, қойил қолдим! Нима деб ўйлайсиз, энди келажакдаги режаларим ва сиз билмайдиган яна бошқа ишларим ҳақида сизга тик оёқда туриб, маълумот беришим керақдир!

Мусо пошшонинг ранги гезарди, қўзининг оқи қонталаш тусга кирди, асабийлигини енгиш учун финжондаги сувдан ичди.

– Сер Арчибалд, керак бўлса, айтасиз! – деди шахд билан. – Мен эса сизни огоҳлантираман! Шайтонга хизматкорлик қилишни бас қилинг! Истеъфога чиқиб, Болқонни эса тезда тарк этинг! Мен бутун кучимни сизни тор –мор қилиш учун сафарбар этганман.

Мусо пошшонинг таҳдиди Арчибалднинг аччиғини келтирди, кибри қўзғалди.

– Эй Мусо пошшо! Икки қулоғингиз билан эшишиб олинг, майлими? Ёдингиздан кўтарилиб кетмасин, яна! – деди дарғазаб бўлиб. – Мутлақо тўғри фаҳмлабсиз! Болқон яқинда ёнади! Ҳамма бир-бирини отади, ўлдиради. Ҳеч ким омон қолмайди! Америка ва Россияга қарши бирлашиб, иттифоққа айланишни истаётган Европа яна Болқон билан овора бўлиб қолади. Мен эса бу йўлда насроний ва мусулмонлардан ҳамда маҳаллийчи аҳмоқлардан фойдаламан. Улар бир-бирларини қонларини тўкар экан, менинг қудратим ошади. Улар бир-бирларининг уйларини ёқар эканлар, бу оловда менинг қозоним қайнайди. Биласизми, пошшом, мен бутун Болқонни тўр билан ўрадим, ўтин ғарами устига ўтқаздим, ёқилғи сепдим, гугурт чақсам, кифоя!

Мусо пошшо сапчиб ўрнидан турди, тудию, чап кўкси санчди, нафас сикди, столга суяниб, финжондан сувни охиригача симириди.

– Бундай типирчиламанг, пошшом, – заҳарханда қилди Арчибалд. – Сизнинг салобатингизга ярашмайди. Финжонни менга отиб ўтируманг, бу уят бўлади.

– Менга уятни ўргатма! Арчибалд, бутун дунёни сенга қарши оёққа қўяман! – деди Мусо пошшо.

– Бутун дунёни? Кулгимни қистатманг, пошшом! – деди Арчибалд лабини масхараомуз қийшайтириб. – Биринчидан, мени ҳеч қаердан топиб бўлмайди, иккинчидан, мени ўлдира олмайсиз, чунки сизни оилангиз билан

эртага қириб ташлашади. Дунё эса арзимаган нарса учун оёққа туравермайди. Дунёни арзийдиган манфаатга ишонтириш осон эмас. Охирги гапим шуки, Болқонда, албатта, геноцид бўлади, давлатлар майдаланади, эски ҳукуматлар кетиб, янгилари – бизнинг ўйинимизни ўйнайдиганлари ташкил бўлади, иттифоққа бирлашаётган Европа, қадим олигарх, аристократ ва монарх сулолаларининг Европа бирлиги ҳақидаги хомхаёллари, шубҳасиз, чиппакка чиқажак. Бечора мусулмонлар бу қирғинда қўп азият чекишади, мен эса уларга ҳамдард бўлиб, қурол бераман, улар қурол билан кўпроқ қон тўкишади ва тағин менинг олдимда қарам бўлиб қолишади. Сиз эса буни кўра олмайсиз, бир соатдан сўнг ўласиз, чунки сув ичган финжонингизни заҳарлатиб қўйгандим.

Мусо пошшо оёқларидан мадори қочиб, иситмаси кўтарилиганини, терлаётганини сезаётган эди. Бор кучини тўплаб, деди:

– Эй шайтоннинг қули! Эҳтимол, сен айтгандек бўлар, сен иблис минглаб одамларни васваса этиб, қонлар оқизарсан, Аллоҳ номи ила қасам ичаманки, албатта, бу қон ичида ўзинг чўкиб ўласан. Ҳар бир зулм учун ҳам, ҳар бир адолат учун ҳам Аллоҳнинг ҳисоби бор. Сен дунёда ҳадсиз хорлик чангалида ўласан, қиёматда жаҳаннамда абадий ёнажаксан!

Мусо пошшо қувватини жамлаб, ташқарига чиқиб, эшикни қарсиллатиб ёпди ва тез-тез қадам босиб дарвозадан чиқди, уловга этиб бориб, ўтирди, ҳайдовчисига буюрди:

– Энг катта тезлик билан уйимга ҳайда!

Арчибалд Мусо пошшонинг юзида ажал белгиларини кўрди, бироқ рақибининг охирги гаплари уни мувозанатдан чиқарди. Гарчи, у ҳар қандай диний эътиқодга куфр келтириб яшаса -да, Мусо пошшонинг дунёдаги хорлик ва жаҳаннамдаги абадий азоб ҳақидаги таҳди迪 уни қўрқитиб юборди. «Йўқ, ҳаммаси ёлғон! Дин – васваса, диндорлар галлициядаги тентаклар-ку! – деди ичида. – Аммо айтаётгандари рост бўлса-чи! Мумкин эмас, ёлғон! Башарти, рост бўлса ҳам, бизни гуноҳкор, деб дўзахга қарши уруш эълон қиласман!» Арчибалд ўзини шундай деб овутган бўлди -да, бақирди:

– Виски келтиринглар менга!

Мусо пошшо уйига келгани, хотини Зайнаб хонимга нималарни айтишга ултургани китобхонга маълум. Зайнаб хоним эса қирғиндан кейин бехуш ўғли Умар ва неварасини ертўладан чиқариб олгач, сув пуркаб хушига келтирди.

Шифохоналар ҳам вайрон бўлган эди, шаҳарда қон ҳиди куюк иси билан қоришиб, анқиб кетди. Томоқлар, димоқлар бу ҳиддан бўғилди, тирик қолган аёллар шаҳар ташқарисидаги далага олиб чиқилди, тикилган чодирларга жойлаштирилди. Европанинг турли бурчакларидан, Туркиядан қўнгилли ёрдамчилар кўмакка этиб келдилар, мурдаларнинг шахсини аниқлаш, уларни кўмиш ишлари бошланди. Бу ишлар пайти ҳаммаёқ талатўп бўлди, ҳамма чарчаган, ҳамма асабий, ҳамма қайғуда, ҳамма қўрқувда эди. Болқонни ҳали

у нүктасида, ҳали бу нүктасида намойишлар, қуролли тўқнашувлар бошланди, кимлардир қасос талаб қилди, кимдир ҳукуматлар истеъфосини.

Гўё ҳамма айбдор, ҳамма жиноятчи эди, қўли қонга ботмаган одам қолмагандек туюларди. Зайнабнинг у кунлар изтиробидан ҳамма каби юраги санчади:

– Қуръонда Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «Биз сизларни хавф-хатар, очлик, молларингизга, жонингизга, меваларингизга зиён етказиши билан имтиҳон қиласи. Сабрлиларга хушхабарлар бўлсин! Улар бошларига мусибатлар келганда: «Биз Аллоҳнимиз ва, албатта, Унга қайтажакмиз!» дейдиганлардир. Уларга Роббиларидан нажот, раҳмат бор. Улар хидоят топганлардир!»

Бу Бақара сурасидаги ояти каримадир.

– Имтиҳон шундай оғир кечди биз учун, бироқ тоқатимиз уни қўтарди. Сабр қила олдикми, йўқми, билмаймиз, – деди Зайнаб хоним Анжелинага. – Ислом ягона яратган зот Аллоҳга таслим бўлиш динидир. Инсон, нафақат, Аллоҳнинг амру фармонларига, балки, тақдирига-да, таслим бўлмоғи лозим. Ана шундай мусибатлардан чин таслимият, чин иймон ўртага чиқади, ўзини намоён этади. Аллоҳ, шубҳасиз, нажот беради, ўз раҳматини ёғдиради, мусибатни мўмин учун енгиллаштириб қўяди, мусибат устидан мусулмонни музaffer айлади. Бироқ мусибатни соғинмаслик лозим. Мусибат тиламаслик шарт. Аллоҳга дуо ила ёлвориб, ҳамиша нажот ва нусрат сўрамоқлик даркор. Зотан, мусибатлар бир тиф, у кесган жойнинг чандиги, албатта, сақланади.

Анжелина Зайнаб хоним сұхбатидан сўнг чиндан паришон бўлди. У ўзи турган бу яшил маскан, сұхбатлашаётгани одамларнинг тарихида бу қадар улкан фожиалар борлигидан бир ҳайрат баробарида қўркувга тушиб юраги орқага тортса, шунча йўқотиш ва изтироблардан кейин ҳам қаддини тик тутиб, ибодат тўла нурли ҳаётини Роббисига шукронга ила кечираётганларидан уларга эҳтироми қўпаярди.

– Келинларингиз тақдири қандай кечди? – деб сўради Анжелина.

– Келинларимни узатдим, – деди Зайнаб хоним. – Йўқ дейишларига қўймадим. Аёлнинг дини олдидаги бурчи ўлган эри ва болаларига мотам тутиб, умрини исроф қилиш эмас, балки, солиҳ бир мусулмонга, хоҳ биринчи, хоҳ иккинчи хотин сифатида турмушга чиқиб, фарзанд дунёга келтириб, тарбиялашдир, Ислом учун етук мусулмонни камол топтиришдир. Мен шундай тушунаман. Шайтоний туйгуларга, тушкунликка алданиб, ўзини жабрдийда қўрсатиб яшайдиган аёлларнинг кучли бўлишларини истардим. Бундай кучнинг манбай эса Исломдир, соф Иймондир.

Анжелина учун бу янги мезон эди. У ўқиган фалсафа китоблари ўзинг учун яша, деб уқтиради. Зайнаб хоним эса бошқа бир ҳадафни, умр ва жонни баҳшида этишга арзийдиган Юксакликни кўрсатаётир. Хоним Анжелина учун мавҳум бир руҳоний мулкнинг маликаси ўлароқ туюлди; бу малика ўз мулкида зерикмаяпти, шикоят этмаяпти, у ҳаловатда, таърифга сиғмас

сакинатнинг тахтида улуғвор яшамоқда. Анжелина айнан ана шу руҳоний мулкка мансуб бўлишни истай бошлади.

У ишига қайтди, лойиҳадаги фильм суратга олинди, намойиш этилди. Анжелина яна жўшқин ҳаёт бағрига кирди. Зайнаб хоним сухбатининг таъсири хиралашди. Бироқ Анжелина хиёнатга, қайғуга дуч келганида Зайнаб хонимни, унинг гапларини беихтиёр эсларди. Бир неча фильмлардан кейин галдаги лойиҳа Анжелинада ўзгача иштиёқ уйғотди. Бу Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бориб, салтанат қурган Мұхаммад Захириддин Бобур исмли мусулмон подшоҳи ҳақидаги йирик лойиҳа эди. Анжелина ижодий гуруҳ билан подшоҳ Бобур ва унинг сулоласи ҳақида бир неча қисмли илмий фильм тасвирга олиш учун Ҳиндистонга учиб кетди. Бу янги саҳифа. Анжелина қўп таъсиrlантирган, ҳатто, уни йиглашга мажбурлаган воқеалар Ҳиндистонда кутаётганидан у мутлақо бехабар эди шу онда.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

...Абдуллоҳ текширувга ҳаммадан кейин оқсоқланиб чиқди. Айдар, Найнов ва Олифтанинг қаторида сафга турди. Текширувни олти миршаб ўтказар экан. Улар исковуч ит ҳам етаклаб олишган эди. Икки миршаб исковуч ит билан камерага кириб кетди. Миршабларнинг каттаси буюрди:

– Ҳамманг кийимингни еч!

Абдуллоҳ кўрдики, шериклари бир зумда лунгидан бўлак ҳамма либосларини ечишди.

Миршаблар ҳар бир маҳбуснинг исм-шарифларини ўқиб, йўқлама ўтказдилар. Абдуллоҳнинг наздида ҳамма миршаблар бир хил эди, гўё уларнинг ҳеч бирида бирор хос фарқ йўқ. Аслида, қамоқ қўрмаган инсон учун дастлаб шундай туюлади.

– Қандай муаммолар бор? – сўради бир миршаб. Маҳбуслар бир овоздан:

– Муаммо йўқ! – дейишли ва жўр бўлиб бақиришди. – Буюк Хитой, олға бос! Буюк Хитой, олға бос! Коммунизм, олға бос!

Миршабларнинг каттаси маҳбусларга рухсат беришга шошмаётган эди. У ҳар бир маҳбуснинг ялангоч танасига диққат билан разм солди, Абдуллоҳнинг рўпарасида тўхтади.

– Менимча, янги маҳбусимизда муаммо бор, – деди елимтаёғи билан унинг танасини кўрсатиб. – Бу ўртоқнинг баданида қўкармаган жой қолмабди-ку! Башара ҳам шишиб кетибди! Бу нимаси?

Абдуллоҳ каловланиб қолди. Чунки миршаббоши саволни азбаройи ғамхўрликдан эмас, мазах қилиш мақсадида бераётгани унинг афтидан, овоз оҳангидан маълум. Камерадаги олишувни айтишдан қандай наф? Уларнинг ўзига ҳаммаси аён-ку!

– Янги маҳбус йиқилиб тушган, – деди Айдар.

Миршаббоши Айдарга қаради:

– Йиқилиб тушган?! – маҳбуснинг гапини худди ажабсингандек такрорлади. – Ёмон йиқилибида! Қаерда йиқилдинг, эй маҳбус?

Абдуллоҳ дам миршаббошига, дам Айдарга қаради. Бу ўйиндан асаби бузилаётганини сезди.

– Тегирмоннинг паррагига йиқилиби, – деди Айдар яна. – Шунинг учун, танасида кўкармаган жой йўқ.

– Шундай демайсанми, ахир, – деди миршаббоши хотиржам бўлгандек. – Қамоғимизда тегирмон йўқ, демак, бошқа жойда йиқилган.

У шундай деб маҳбусларга камерага қайтиш учун рухсат беришга чоғландио, тўсатдан яна бир нима эсига келди.

– Менга қара, янги маҳбус, – деди Абдуллоҳга.

– Қамоқ қоидаларини билиб олдингми? Шиорларни ёдладингми?

– Ўргатамиз, яхши билиб олади, – деди Айдар.

– Жуда соз, – деди миршаббоши таҳдидомуз, Абдуллоҳдан кўз узмай. – Камерага кир ҳамманг!

Камеранинг темир эшиги занжирангач, Айдар ўрнидан туриб Абдуллоҳнинг қаршиисига келди.

– Ҳа, ботир! – деди тиржайиб. – Даминг жуда баланд-ку!

– Сенлар билан очиқ гаплашаман! – деди Абдуллоҳ ўзини йўқотмай. – Эркакка ўхшаб гаплашиб олишимиз керак.

– Нима, сен зўрмисан? – хезланди Айдар.

– Зўр эмасману, мени дўппослайман, десанглар, кафолат бераман: учовингдан бирингни шу ерда ўлдираман! – деди Абдуллоҳ кўзи қонга тўлиб. Унинг шу туриши ҳужумга шайланган илонга ўхшарди. – Сенлар шоқолдек тўдалашиб урушар экансанлар. Бир кишига уч киши! Ўзларинга шуни раво кўряпсанларми?

– Ақллимисан? Шу қадар ақллимисан? – деди Айдар. Унга Абдуллоҳнинг гапи наштардек ботган эди.

– Ҳа, ақллиман! – деди Абдуллоҳ паст кетмай. – Жуда ҳам ақллиман!

– Аҳмоқ ўзини ақлли, дер экан, – деди Найнов.

– Аҳмоқ кўчада, – деди Айдар Найновга. У бир нималарни ўйлаб улгурган эди. Шунинг учун, Абдуллоҳга илжайиб ўгирилди. – Одатда, кўпчилик янги маҳбуслар қопдаги мушукдай питирлайди. Мушт уришинг шарт эмас, бир марта сўксанг, хизматингга шай бўлишади. Сен эса қайтмас экансан! Юрагинг бор экан.

– Бир бошга бир ўлим! – деди Абдуллоҳ. У ҳамон ҳимоя ҳамда ҳужумга шай эди.

– Гап йўқ! Эркак экансан, – деди Айдар. – Сенга тан бердим. Энди камеранинг teng ҳуқуқли аъзосисан.

Найнов ва Олифта Айдарнинг бу ҳимматидан ҳайрон ҳолда бир-бирларига қараб қўйишиди.

– Сендан бир илтимосим бор, фақат тўғри тушун, майлими? – деди Айдар.

– Қандай илтимос? – сўради Абдуллоҳ.

– Намозни ишора билан ўқийсан, чунки қамоқда ибодат тақиқланган. Намоз ўқишинг ҳамон сени маъмурият жазолайди. Бизни ҳам. Ишора билан ибодат қиласану, савол –жавоб бўлса, намоз ўқимаяпман, дейсан, – тушунтириди Айдар. – Акс ҳолда, сени намоз ўқиш тугул, оёқда туролмайдиган қилиб қўйишади. Бизнинг камерадан бошқа жойга ўтсанг, гапингни эшишиб ҳам ўтиришмайди.

Айдарнинг овози мулойим ва самимий эди, гўё. Абдуллоҳ бу илтимосни қабул қилди.

– Яхши. Энди бир аччиқ чой ичайлик, – деди Айдар ва эшикка бориб, тақиллатди. Дарча очилмади, балки эшик очилди.

Навбатчи миршаб кўринди:

– Айдар, бу ёққа чиқ! – деди у. Айдар камерадошларига ҳозир қайтаман, дегандек қўлини қўтариб қўйди-да, эшикдан чиқди. Уни миршаббошининг хонасига олиб борищди.

– Айдар, янги маҳбусга кучинг етмадими? – деди миршаббоши Айдар кириши ҳамонок.

– Ўлдиришга кучим етади, – деди Айдар дарҳол. – Аммо итдай қайсар экан. Эшакдай оёғини тираб турибди. Бўйсундира олмадим. Ўзингиз ўлдирма, оёқда юрсин, дедингиз. Рухсат берсангиз, тиз чўқтираман. Бироқ унда у ўлган бўлади.

– Йўқ, ўлдирма. У ўзини қандай тутяпти, бирма-бир айт-чи, – сўради миршаббоши.

– Уриб, ичини тўқдим, лекин дадил, – деди Айдар. – Бир бошга бир ўлим, дейди. Ишора билан намоз ўқишга қўндиридим.

– Майли. Эрта-индин унинг тергови бўлади, тезда суддан насибасини олиб, жамлокқа юборилади. У ерда худо дейиш тугул худонинг кимлигини унутади. Бироқ террористни ўз ҳолига ташлаб қўя олмаймиз.

– Нима қилишим керак? – сўради Айдар.

– Эрталабдан кечгача беҳаё ҳикояларга зўр берасанлар, – йўл-йўриқ берди миршаббоши. – Фоҳишалар ҳакида тинимсиз гапирасанлар. Айниқса, намоз ўқиши бошласа, кўпроқ сўкининглар. Ҳамманг овқатни чап қўлда енглар. Сигаретнинг кўтини кўтига улаб чекинглар. Камерани тутунга тўлдириб юборинглар. Сигарет чекмаган пайтларингда нос чекиб туфла. Анави художўйга ҳам севган қизи ёки ўйнашлари ҳақида савол беринглар. Мени тушундинг-а?

– Албатта, – ҳиринглади Айдар.

– Бу ишни қойиллатамиз. Лекин сигарет, нос, чой керак.

– Ундан хавотир олма, – деди миршаббоши ва тортмасидан бир елимхалта тамаки ва носни олиб, Айдарга сурди. – Мана, тамакини қофозга ўраб чекасанлар, нос ҳам етиб ортади. Чойни эса навбатчидан сўрайсан.

– Раҳмат, бошлиқ, – деди тамаки ва носни олиб оғзи қулоғига етиб Айдар ва хонадан чиқди.

Айдар камерага катта ишни дүндиригандек керилиб келди.

– Тамаки, нос, – деб иккита елимхалтани деворга ва ерга пайвандлаб маҳкамланган столга қўйди. – Миршаббошидан ундиридим. Йигитларга бер, дедим.

Абдуллоҳ зикрда эди. Айдарга эътибор ҳам бермади. Эшик очилди ва миршаб чақирди:

– Найнов!

...Найновни ҳам миршаббоши ҳузурига келтирдилар. Миршаббоши Найновга савол берди:

– Камерада нима гап?

– Террорист ўзиникини қўйди, – деди Найнов норози бўлиб. – Айдарнинг унга кучи етмади. Ҳатто, намоз ўқишига рухсат берди.

– Намозга рухсат берди?! – ҳайрон бўлди миршаббоши. – Яна нима гап?

– Террористни нима учун эркалаяпмиз? Шунга тушунмаяпман! Унинг журъати жуда баланд, – деди Найнов.

– Ҳеч ким эркалаётгани йўқ, – деди миршаббоши. – Ҳар бир ишнинг ўз вақти бор. Сенларга жиддий топшириқ: террористни жиғига тег, унга ёқмайдиган ҳамма ишни қил. Камбағални урма-тепма, ёқасини йирт.

– Агар менга айтсангиз, у душманнинг тезда эсини киритаман.

– Қизишма, – деди миршаббоши. – Сенга жиддий бир гапни айтай. Сен билан қиласиган ишларимиз қўп. Сен давлатга катта хизматлар қилишга қодирсан. Шунинг учун, шошма. Бу террорист оддий нусха эмас, у чет эл ватандоши. Шу боис, уни ортиқча калтаклай олмаймиз. Фақат руҳий синдиришимиз керак. Қонун билан уни эзамиз. Тушундингми?

– Тушундим, – деди Найнов.

– Судинг ўтгач, жамлоқда ҳам яхши яшашингга шароит ҳозирлатиб бераман, – ваъда қилди миршаббоши, – сени унутиб қўймайман.

– Раҳмат, бошлиқ, – миннатдор бўлди Найнов чиқиб кетаркан.

Миршаббоши Олифтани чақиришни лозим топмади, бироқ Абдуллоҳ Ёрқин билан сұхбат ўтказмоқчи эди. Навбатчи миршаб Абдуллоҳни етаклаб келди. Абдуллоҳ қўлини орқасига қўйиб, эшик олдида миршаббошига қараб туриб қолди. Миршаббоши эса худди хонада ҳеч ким йўқдек қандайдир қофозларни титкилаб ўқий бошлади. Бир неча дақиқани ўтказиб, Абдуллоҳга қаради.

– Маҳбус, ўзингизни таништиринг, – деди.

Абдуллоҳ исм-шарифини айтди.

– Шинжон провинцияси фуқаросимисиз? – деб сўради.

– Йўқ, – деди Абдуллоҳ.

– Қаернинг фуқаросисиз?

– Туркия Республикаси ватандошиман.

– Фаҳрланасизми бу билан?

– Албатта, – деди ишонч билан Абдуллоҳ.

– Ўз ватанингизга хоинлик қилиб, қочиб кетгач, фахрланасиз-да, бошқа нима ҳам қилардингиз! – деди нафрат билан миршаббоши. Абдуллохнинг миясида ҳарорати ошди.

– Туркия ҳам, уйғур ҳам қондош, – деди асабийлашиб. – Бири оға, бири ини. Ўртада ҳеч қандай хиёнат йўқ!

– Жуда ҳам ақлли экансизми! – ҳиринглади миршаббоши. Бу ҳиринглаш замираша ваҳшийликнинг ҳиди анқирди. – Сиз қамоқ қоидасини билмайсизми?

– Билмайман. Қандай қоида? – деди Абдуллоҳ.

– Миршабнинг ҳузурида ўзингизни тўлиқ танитишингиз шарт, – деди миршаббоши.

– Буни ҳеч ким айтмади, – деди Абдуллоҳ.

– Айтишади, жуда тушунтириб айтишади, – деди миршаббоши. – Қандай жиноят билан келдингиз?

Абдуллохнинг энсаси қотди, миршаббоши ҳамма гапдан хабардор эканлигига унинг ишончи комил эди. Била туриб сўраш, албатта, масхара ва ерга уриш эканлиги аниқ. Шундай бўлса-да, ўзини қўлга олиб жавоб берди:

– Муштлашув.

– Қандай муштлашув? – анқовсиради миршаббоши.

– Мазлум уйғурни ҳимоялаб, золим хитойни урдим. Шунга қамашди, – деди Абдуллоҳ.

– Бу жиноятингиз учун неча йил қамоқда ўтиришингизни биласизми? – деди миршаббоши.

– Мен жиноят қилмаганман, – деди Абдуллоҳ кескин. – Мен ҳимоячи талаб қиласман!

– Ҳимоячи? – ҳайрон бўлди миршаббоши.

– Ҳа, мени судсиз бир неча кунки, ушлаб турибсиз! – деди Абдуллоҳ. – Мен уйимга хабар беришим керак.

– Суд?! – миршаббоши бу сўзни умрида илк марта эшитаётгандек эди. – Ҳуқукий, қонуний ишлардан хавотирланманг, маҳбус. Биз бундай ишларни жуда маромига етказамиз. Терговчиларингиз келса, қолган талабларингизни айтарсиз.

– Мен бу ерда на қонунни, на ҳуқуқни кўрмаяпман! – деди Абдуллоҳ.

– Куйинманг, маҳбус, – таскин берди миршаббоши. – Бу ерда кўрганларингизнинг кўпини кўрмайсиз. Кўрмаганларингизнинг эса жуда кўпини кўрасиз. Энди эса камерангизга боринг-да, терговчингизни кутинг.

– Ҳибсга олинганим ҳақида оиласамга хабар беришингизни талаб қиласман! – деди Абдуллоҳ оёқ тираб.

– Сиз бу ҳаётда талаб ва истакларсиз яшашни тезда ўрганиб кетасиз, маҳбус, – файласуфлик қилди миршаббоши. – Сизга жуда фойдали маслаҳатни бераман, олинг ва фойдаланинг, майлими? Ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан эшитинг: икки жағ орасидаги лахтак гўштни кўп ишлатманг. Тартибга бўйсунинг. Исён қилманг. Тортишманг, акс ҳолда,

ҳалок бўласиз. Бу ерда манаман, деган паҳлавонлар ер чизади, йўлбарсман, деганлар сичқон бўлиб чийиллади. Айтган ҳар бир гапингиз, қилган ҳар бир ишингиз бошингизга шундай балоларни келтирадики, туғилганингизга пушаймон бўласиз. Осмондаги худойингизнинг бу қамоқда гапи ўтмайди, дуоларингиз шу қамоқ деворлари ичида қолиб кетади. Бу жирракилингиз билан ҳамон тирик эканингизга ҳайрон қолинг. Шундоқ ҳам, сиз катта хавф остидасаниз!

Абдуллоҳ миршаббошининг таҳдидларидан кулгиси келди, қасдлашиб кулмоқчи эди, кула олмади. Лекин гапирди:

- Мени қўрқитманг!..
- Биз қўрқитмаймиз, ишларимизни кўриб, ўзингиз қўрқасиз. Боринг камерангизга, маҳбус!

Миршаббоши жуда мулојим, ҳатто, бироз чўзиброқ сўзларкан. Абдуллоҳни бир ой ичида ҳеч ким йўқламади. Бир ой унинг учун жуда оғир ўтди: камерадошларининг беҳаё гапларидан қўнгли айниди, улар эса бу масалада сира тўхтамас эдилар, мана шундай бузук гаплар ичидан чиқаётган бу одамлар Абдуллоҳнинг кўзига шу қадар жирканч туюла бошладики, уларга на амри маъруф, на наҳий мункар кор қилмаслигини англади. Бундай шалоқ сўз одамлар, бундай фасод фикрли каслар, бундай ахлоқсиз кимсалар билан бир ҳаводан нафас олиш жаҳаннам азоби каби туюлди, шубҳасиз, бу тоифа тубанларнинг қўлидан ҳар қандай ёвузлик, ҳар қандай пасткаш ишлар келишига ишонмоқ мумкин. Абдуллоҳнинг хавотири оиласидан эди: отаси не ахволга тушди экан? Онаси-чи? Агар узок йилга қамалиб кетса, завжасининг ҳоли не кечаркин?

«Тақдирнинг яхиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдандир! – дер эди хаёлан ўзига Абдуллоҳ. – Аллоҳдан келадиган ҳар қандай қадар ишига рози бўлиш банданинг адабидир. Аллоҳим, менга хайрлар йўлла! Мени ношукурларинг сафидан айлама, Роббим! Иймонимни саломат қил, агар Сен ёрдам бермасанг, менинг ҳолимвой! Аллоҳим, гуноҳларим беҳад кўп! Мени кечир ва бошимдан бу мушкулотни кўтар!»

Бир ой ичида Абдуллоҳнинг танасидаги калтак излари батамом йўқолди. Буни миршаббоши ҳар куни текширди. Унинг ўзи тиш ювадиган пастани берди ва кўкарган жойларга сурини буюрди. Абдуллоҳ шундай қилди. Камерадошларнинг ахлоқсиз сұхбатлари, ахлоқсиз саволлари бир жиҳатдан уни кўп беҳузур этса, бошқа томондан аср вақтидан то ярим тунгача давом этадиган нолаю фарёдлар эзиг юборди. Орада Олифтани олиб кетиб, ўрнига ёшроқ йигитни келтиришди. У амакисини пичоқлаб қўйибди.

– Эшагим амакимнинг боғига кириб, экинларини еб қўйди. Амаким эса мени ҳақоратлади. Жаҳлим чиқиб юрагига ошпичоқ тиқиб қўйдим.

Боланинг ёши йигирма иккода эди. Жиннидек ўтиради. Айдар ва Найнов эса унинг устидан кулишди:

- Ҳаммасига эшак айбдор! – деб ҳукм қилди Найнов.
- Эшак қочган, – хоҳолади Айдар. – Қидиувда!

У болани олиб кетишиди. Унинг ёшидаги яна бир йигитни шу камерага қамадилар. У эса шериклари билан олтмиш ёшли чолнинг уйига ўғирликка кирибди. Чолни уйида йўқ, деб ўйлашибди, афсус, уйида экан. Уйғониб қолган экан, гулдан билан бошига уриб тинчтишибди.

– Хафа бўлма, – деб унга таскин берди Айдар. – Мен ўн олти ёшимда биринчи марта одам ўлдирганман. Қорнига ўроқ санчганман. Қамалиш масаласида тажрибам ошиб кетди. Қўрқадиган жойи йўқ.

– Қамоқ биз учун уй, – деб мақтанди Найнов. – Кўчага чиқсак, уйидан ҳайдалган одамдай хис қиласман ўзимни.

– Сенга ҳам бу жой ёкиб қолади, – деди Айдар.

– Йўғе, – йигитча бу гаплардан қўрқиб кетди. – Адвокатларим бор. Энг кам муддатни олиб беришади. Қамоқдан чиқсам, ҳалол яшайман.

– Хихихи! – ҳиринглади Найнов.

– Вохахаха, – ётиб қорнини чанглаб кулди Айдар. – Ҳали қамоққа кирмабсан, дунёга келмабсан! Бўйнингга яна беш-ўнта жиноятни қўйишади, ҳаммаси зўр бўлади!

– Адвокатлари кам муддат олиб берармиш! – кулгидан ўзини тўхтата олмасди Найнов. – Адвокатлар бор-ку!..

У шундай деб сўкинди.

Йигитчанинг ранги оқариб гапиролмай қолди. Абдуллоҳ эса бирор сухбатга аралашмай жим ўтиради. Икки кундан кейин йигитчани аср вақти терговга чақиришибди.

– Адо бўлади, – фол очди Найнов. – Ё калтак ейди, ё ҳамма жиноятни бўйнига олади.

– Калтак ҳам ейди, тан ҳам олади, – деди Айдар бепарво.

Одатдагидек, фарёдлар ертўладан чиқиб, қамоқ деворларига урилиб, тепага ўрларкан, Абдуллоҳ қайси чинқириқ анави йигитчага тегишли эканлигини билмоқчи, хаёлан унга ҳамдард бўлмоқчи эди. Вақт хуфтондан ошди. Ухлаш буйруғи берилди. Шу пайт камера эшиги очилди ва йигитчани ичкарига итариб юборишибди. У эмаклаб кирдию, бетон полга ётиб қолди.

– Ҳей, тура оласанми? – деди Айдар ётган жойида ёнбошлаб. Абдуллоҳ тепадан тушди,

Найнов ўз ўрнини йигитчага бериб туришга қарор қилди: биргалашиб уни ётқизишибди. Йигитчанинг оёғи даҳшатли даражада қонталаш бўлиб шишиб кетган, ўзи эса иситмаси қўтарилиб:

– Урманг! Урманг! Тан оламан, урманг, – деб йиғламсираб алаҳларди. Алаҳлаганда эса овози шивирлаб чиқарди.

Абдуллоҳ тепа ўринга чиқиб ётаркан, уйкуси қочди.

«Аллоҳим, бу азоблар қачон тугайди?» – деди ичида. Унинг руҳи синаётганди, қалби умидсизланиб, кўзлари қувончни унутди. Эрталаб йигитча оёқка турди. Текширувдан кейин Айдар уни гапга тутди.

– Нима бўлди? – деб сўради.

– Менга бошқа яширган жиноятларингни айт, дейишяпти, – деди у ҳазин. Йигитчанинг руҳи батамом синиб, на курашишга, на ўзини ҳимоя қилишга кучи ҳам, ишончи ҳам қолмагани қундай равшан эди. – Бошқа жиноятим йўқ-ку, ахир. Ўртоқларимга эргашиб, шу уйга киргандим-да.

– Майли, сиқилма, – таскин берди Найнов. – Яширганинг бўлса, айтавер ўзингга яхши бўлади.

– Нимани яшираман! – деди йигитча қўркувга тўлиб.

– Унда бошқа осон йўли бор, – деди Айдар. – Хоҳласанг, айтаман, қалтак еб юрмайсан.

– Қандай йўл? – танига жон киргандай бўлди йигитчанинг.

– Терговчига: «Оға, қайси жиноятларни тан олай? Қандай қоғозларга қўл қўяй? Фақат мени урманг», дегин. Майлими? – тушунтириди Айдар.

– Нега, ахир... Бу ёлғон бўлади-ку, – деди йигитча қўзлари пирпираб.

– Нима ўзи рост? Дунёда ҳамма нарса ёлғон, укам, – деди Айдар. – Шундай қилсанг, қўп фойдалар топасан. Қалтак тўхтайди, бу бир. Айбларингга иқрор бўлганинг учун камроқ йилга қамаласан, бу икки.

– Адвокатларингдан шимилидириқ ҳам кутма, – деди Найнов. – Сен ўзингга фақат ўзинг ёрдам бера оласан.

– Бу уч, – деб қўшиб қўйди Айдар.

Йигитча ўйланиб қолди. Эртаси куни уни яна чақиришди. У бу сафар чехраси очилиб қайтиб кирди:

– Терговчи гапимдан хурсанд бўлди, – деди у. – Эркак экансан, деб ширинлик билан мени сийлади. Мен ҳар қандай қоғозга қўл қўяман, дедим.

Қисқа вақт ичида йигитча Айдар ва Найнов билан чиқишиб кетди, ўзи сигарета чекаркан, улардан тамакини қоғозга ўрашни ва нос отишни ўрганиб олди. Беҳаё ҳикоялар эса уни жуда мафтун қилди. Абдуллоҳ бу ҳолнинг чорасиз гувоҳига айланаркан, иблис ҳийласининг бу қадар турфалигини кўриб, ўзи учун тинимсиз истиғфор айтарди. Шу тариқа, бир ой ўтгач, уни расмий терговга чақиришди.

– Келинг, – деди терговчи. Унинг ёнида бир кекса киши ҳам бор эди. – Мен терговчингизман. Бу киши адвокатингиз.

– Салом, – деди адвокат очиқ чехра билан қўл узатиб. – Исмим Тублибек. Сизнинг ҳимоячингизман. Менинг ҳақимни давлат тўляяпти.

– Шундай, – деди терговчи.

– Давлатимиз терговда ҳам, судда ҳам адолат, қонун бўлишини истайди. Сиз чет эллик экансиз. Адвокатга пул беролмайсиз. Шунинг учун, Тублибек оға сизни давлат ҳисобидан ҳимоя қиласади. Энди терговни бошласак ҳам бўлади.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деди адвокат Тублибек. – Қани, ҳимоямдаги маҳбус Абдуллоҳ Ёрқинга қўйилаётган айлов билан таниширинг-чи.

– Сиз Абдуллоҳ Ёрқин, – деб гап бошлади терговчи. – Хитой фуқаросини сабабсиз уришда, қасддан тан жароҳати етказишида

айбланмоқдасиз. Энди ишга ойдинлик киритиш учун сиз билан ҳар бир ҳолат юзасидан сухбатлашамиз.

Абдуллоҳ ўзига қўйилаётган айбловлар ичида сиёсий айблов йўқлигини билиб, беихтиёр хотиржам тортгандек бўлди. У хитойликни сабабсиз урмаганини тушунтиурса, озод бўлиб кетадигандек эди, гўё.

Кутилмаган қайғу инсонни бир тола нурга ҳам қуёшга талпингандек талпинтиради. Аммо бу нур эмас, йилтираётган муз бўлса-чи!?

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

– Европада Европа халқи учун ҳуррият бор, адолат бор, – деди Мубина хоним, яъни собиқ Анжелина. – Ҳукумат тепасидаги сиёсатчиларнинг худбинликларини инкор этмайман. Бироқ халқ демократияга ишонади. Мехнат ва иқтидор муносиб баҳоланади. Шарқ одами учун ғайритабиий туюладиган ўзсеварлик бу ерда жуда ҳам табиий. Кайфиятинг, хоҳишларинг, фикр ва сўзларингга ўзинг эгалик қиласан. Бошқаларда ҳам бу эгалик ҳуқуқи бор. Унга дахл қилмайсан. Ана шу бош қоида.

Мен Шарқнинг мусулмонлар кўп яшайдиган ҳудудларида бўлганимда уларнинг Европа хақидаги қараашлари икки хил эканлигини кўрдим. Бир тоифа одамлар Европани нуқул танқид қиласди. Ҳолбуки, уларнинг бирортаси бизнинг Ватанда яшамаган, саёҳат ҳам қилмаган. Бу танқид ҳукмрон ҳукуматнинг бир ёқлама мафкурасининг меваси, холос. Бундай мафкуралар, одатда, миллионлаб одамларнинг манфаати, эркини ҳимоя қилмайди, балки, давлат тепасидаги гурухларнинг шахсий фаровонлигини таъминлайди.

Одамлар қулоқлари билан шундай катта даъволарни эшигадилар . Улар эшитишга мажбур этиладилар. Мафкуранинг баланд овози чор-атрофни шу қадар қоплаб оладики, қулоқлар батанг бўлади. Инсонлар, натижада, шахсий ҳаётларида на фаровонлик, на ҳурриятни кўрмасалар-да, руҳиятларига ғалати, ҳеч тарқ этмайдиган қўрқув сингиб кетса-да, ўзини баҳтли яшаётган ишонади, умрини баҳтли яшаётгани ҳақидаги аргументларни излаш билан ўтказиб юборади. Европада эса одамлар баҳтли ёки баҳтсиз эканликлари ҳақида кўп ҳам бош қотиришмайди. Улар учун, ўзлари истаган ишни қила оляптиларми, шу муҳим. Зотан, сенга бу масалада ташқи тўсиқ йўқ. Давлат ҳам халқ учун шароит яратиб беряпман, беҳаёларча деб қўксига уравермайди, бунинг имкони йўқ. Чунки ёлғон гапирса, халқ ҳукуматнинг эсини киритиб қўяди. Чунки давлатнинг мажбурияти шу. Ҳукуматнинг яккаю ягона вазифаси шу. Агар ҳокимият шу вазифасини бажара олмаса, исталган одам унга қаратади: “Ҳей ҳукуматдагилар! Ишларингни эпломаяпсизлар, қани, ўрнингизни эплайдиган одамларга бўшатиб беринглар!” – дейишига ҳаққи бор. Бу сира ҳам ажабланарли ёхуд қўрқинчли ҳолат эмас. Шарқда, Осиёда эса буни ҳеч ўзларига сингдира олишмас экан, айниқса, мусулмонлардан иборат мамлакатларда ҳукуматдан яхши ишлашни талаб

қилғанларни жазолашади, ҳолбуки, улар Европадаги каби хукуматдан истеъфо сўрашмайди ҳам.

Кейинроқ Ислом тарихини батафсил ўрганиб, биздаги бу эркинлик Ислом таълимотининг асоси эканлигини кўрдим. Гап шундаки, пайғамбаримиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розияллоҳу анҳу даврларида уларни, жамиятнинг саъвияли инсонлари, агарadolat қилмасанг, сени ўлдирамиз, деб огоҳлантиришган. Оддий одамлар давлат раҳбарининг қарорига, агар унда хатолик бўлса, эътиroz билдиришган. Бу учун ҳеч ким қораланмаган, аксинча, олқишиланган.

Евropa Исломнинг шакли, қолипи билан ўз ҳаётини қурди. Бироқ Ислом ақийдасини қабул этмади, ақийдасиз исломий қолип Европани ҳуррият ваadolat ўлкасига айлантириди. Шарқ ва Осиё эса исломий ақийдани ҳам, исломий қоидаларни бузиб юборди. Майли, бу чукур масала. Кўп жиҳатлари бор, кейинроқ тўхталамиз.

Европага нисбатан шарқликларнинг яна бир муносабати буткул тақлииддан иборат. Кўп Осиё одамлари парвоналар чироққа қандай талпинса, Европага шундай талпинади. Европага эргашади. Ажабланарли жиҳати шуки, осиёликлар ҳам, шарқликлар ҳам Европага энг биринчи бўлиб, кийинишида, майший турмуш услубларида тақлид қилишади. Шахсан, бу менга бироз эриш туюлади. Ахир, Евropa халқи очиқ кийинса, столда овқатланса, ички, интим ҳаётида қандайдир қоидаларга амал қилса ёки бир жинсли никоҳни тасдиқласа, шуларни бутунича қабул қилсангиз, Европадек тараққиётга эришиб қолмайсиз-ку!

Мен ўз ўлкамнинг бошқа худудларидан устунлигини тақлииддан йироқлигига, одамлари ўз ичидагини борича тақдим этишида ҳамда инсонлар ўз миллатдошлари устидан хукм юритишга интилмасликларида, деб биламан. Чунки шу асосида ҳамма ютуқни қўлга киритиш мумкин. Осиё мусулмонлари эса аксинча: улар, нима учундир, қудратлиларнинг хоҳиши учун яшашади, бошқаларнинг олдида муте ҳолда турадилар, ошкор этолмаган истакларини пинҳона амалга оширишга уринишади. Ҳолбуки, тилларида ёлғиз Аллоҳнинг розилиги ҳақида гапиришади. Аслида, инсон ёлғиз Аллоҳнинг розилиги учун яшаганида Ер юзида заррача зулм бўлмасди, бирор одамнинг кўзидан бир томчи ёш беҳуда тўкилмасди, ҳатто, чумоли ҳам оёқ остида қолиб эзилмасди, чунки Ислом нафақат одамзоднинг, балки, жонли ва жонсиз жамики мавжудотнинг хуқуқини, ҳурриятини мукаммал ҳимоялайди. Шундай ҳимоялайдики, бирорнинг ҳаққини адо этиш билан бошқанинг ҳаққи поймол бўлмайди. Башарти, инсонлар Исломда яшаяпман, деб ҳаётларига Исломни татбиқ этмасалар, тилларида диёнатдан сўзлаб, дилларида хиёнатни одат этсалар, уларнинг устидан зулм тошлари ёғади, золимлар ҳамиша қойим бўладилар. Чунки бу Аллоҳнинг қонунини ўйин қилишдир. Аллоҳ Ўз Қонунини ўйин қилғанларни эса, албатта, жазолайди. Масалан, золимларнинг қўли билан.

Менга Ўрта Осиёда туғилиб, Ҳиндистонда салтанат барпо этган бир подшоҳ тарихи ҳақида айтишиди. У ҳақдаги илмий фильм лойиҳаси тасдиқланибди. Мен сценарийнавис ўлароқ бу подшоҳ тарихини ўқишига киришдим. Унинг исми Мухаммад Захириддин Бобур эди.

Юқорида айтганларимнинг аксари подшоҳ Бобур фаолиятига ҳам тегишли, чунки у Исломнинг асл қудратини ўрта асрларда намойиш эта олган кам сонли ҳукмдорлардан биридир.

У ҳақида сизларга батафсил гапиришга вақт етишмайди, бироқ бир неча муҳим нуқталар борки, шу нуқталар сабабли мен Бобуршоҳга маҳлиё бўлдим. Бу Бобуршоҳнинг тугамас шижоати, қатъий иродаси, ақлни лол этадиган ғайратидир.

Унинг таржимаи ҳолига боқиб, чинакам Эрни, муҳлис мусулмонни, Роббисига боғланиб, Ундан чексиз қувват олишга эришган Бандани, буюк мақсад йўлида ўзини қурбон этишга тайёр Улкан Шахсиятни кўрасиз. Унинг ўткир ақли, мустаҳкам эътиқоди, беҳад кенг тафаккури, қучли хотираси, сиёsat ва ҳарб илмидаги маҳорати сабаб мен Бобуршоҳга ошиқ бўлдим.

Дастлаб, унинг “Бобурнома” китобини ўқидим. Ўқиганим сари қаршимдан жуда ғайритабиий, айни пайтда, хислат ва фазилатлари одамни сехрлаб қўядиган бир Инсон пайдо бўлди. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам, Бобуршоҳни ҳурмат қилиб бораверасиз. Мен бундай шижоатнинг, бундай жозибанинг манбасига кўпроқ қизиқдим, ўргандим. Хулосам шу бўлдики, Бобуршоҳнинг қудрати Ислом экан. Ўн икки минг лашкар билан юз минг қўшин қаршисига чиқиши учун, ўйлаб кўринг, инсон ким бўлиши керак? Ёки бу қандай одам бўлиши мумкин? Ёки ўн икки минг одам юз минг кишилик қўшин билан жанг қилишга рози. Уларни қандай қилиб бу йўлга бошлаш мумкин, ахир? Ўн икки минг инсон юз минг нафар аскар рўпарасига чиқар экан, уларни қандай ишонч воситасида тарбияланган экан? Мени шу лол қолдирди.

Энг ҳайратланарлиси, ана шу ўн икки минг юз минги тор-мор қилди. Аминманки, Бобуршоҳ ҳам, унинг қўшини ҳам ўлимни бўйинга олиб урушга чиққан эдилар. Улар бу урушда ўлиш орқали дунё ҳаётидаги неъматлардан кўра улкан неъматга эришмоқларига инонмаганларида бу йўлга азм қилармидилар? Йўқ. Улар учун урушнинг натижасидан кўра урушнинг Мақсади қийматли бўлгани аниқ. Ана шу Мақсад уларни музaffer этди. Бу Мақсадни Бобуршоҳ ўз қалбига жо этиб, лашкарини ҳам шу Мақсад кучи билан майдонга олиб чиққан эди.

Мен бу Мақсадни Аллоҳнинг розилиги бўлганига ишонаман. Бобуршоҳ Аллоҳ учун Ислом фатҳини амалга оширишни истади, нияти тўғри экан, Аллоҳ унга бу шарафни берди.

Ана шундай хаёллар, хулосалар мени тўлқинлантириб юборди, Ҳиндистонга шундай завқ ва иштиёқ ила учдим...

Анжелина Ҳиндистонга учаркан, у фақатгина Бобуршоҳ эмас, балки, хинд маданияти ва замонавий сиёсати ҳақида ҳам ўзига етарли маълумотларни ҳам ўрганди.

Учоқ Янги Дехлига қўнди.

Оқшом. Анжелинага айтишганидек, ҳаво қўрқинчли даражада бўғувчан ёки иссиқ туюлмади, лекин иқлим ўзгаришини яққол сезиш мумкин.

Шу қуниёқ кечқурун Ҳиндистоннинг қайси шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилишлари ҳақида қайта эслатма берилди. Саёҳатларнинг ҳаммаси автобус ҳамда поездларда бўлади.

Илк манзил Агра шаҳри. Кейин Файзободдаги Аёдхия, Ҳайдарабод, Аҳмадобод ва ҳакозо. Ҳар бир шаҳарда Бобур ва бобурий подшоҳлар курдирган масжид, мадраса, сарой ва бошқа иншоотлар суратга олинади, маҳаллий тадқиқотчи олимлар, журналистлар, тарихчилар ва ерли одамлар билан суҳбат олиб борилади. Сценарийда “Бобурнома”да акс этган жўғрофия, ҳайвонот, набодот ва иқлимшуносликка оид маълумотларни бугунги шароит билан қиёслаш ҳам назарда тутилган.

Тож Маҳал ҳамда баъзи қадимий масжидлар билан боғлиқ тасвир ишлари икки ҳафта давом этди. Анжелина қадимги хинд меъморчилиги ва санъати билан Мовароуннаҳр Ислом меъморчилигининг уйғунлигига дуч келди. У нафис нақшлар, ранглар, безаклар, бино тузилишлари, қурилиш услублари, фойдаланилган хом-ашёлар, ҳашамат ва улуғворликка боқиб, Бобурийлар салтанатининг қудратга тўла, дориломон давларига тушиб қолгандек эди.

Ўз иши билан овора, лекин одамга кулиб қарайдиган қораҷадан келган хинд эрлари, сарига ўранган аёллар, соқол ўстириб, салла ўраган, тириклик меҳнатига ғарқ бўлган мусулмонлар...

Шарқу Ғарбдан келиб, атроф-жавонибни тўлдирган турли рангли ва турфа тилли сайёҳлар...

Қайноқ об-ҳаво...

Одамлари зич кўчалар, инсонларнинг дарду ҳасрати, қувончу шодлиги, хайру шарри, савобу гуноҳи, итоату исёни, садоқату хиёнати, диёнату даҳрийлиги кўзгуси бўлган пасту баланд, ранго ранг, ҳаробу обод бинолар, уйлар, маконлар, эҳтиромга сазовор сигирлар, муҳаббатга лойиқ илонлар, таъзимга арзийдиган маймуналар...

Исонинг ҳайкали ўрнатилган, қўнғироқлари жаранглаб турадиган, деворларида насроний ривоятлари тасвириланган черковлар...

Браҳма, Шива, Индра, Ганеша, Рам ва ҳоказо маъбудларнинг бутлари учун қурилган бутхоналар...

АЗонлари қалбни титратиб, қироатлари инсонни ларзага соладиган масжидлар – буларнинг ҳаммаси Анжелинани мафтун этди.

Қадимдан хинdlар ўз юртларини Бхарат, деб аташаркан, Ҳиндистон сўзи эса мусулмонлар томонидан кўп қўлланган. “Панчатантра”,

“Маҳабхорат”, “Рамаяна” ва “Ведалар” Анжелина учун буюк тафаккур, юксак гуманизм, чукур фалсафа ўлароқ туюлди.

Ислом тарихида айтилишича, Одам ато ва Момо ҳаво ҳам Ҳиндистондаги тоғларда яшаб ўтишган.

Бир ойлар ўтиб, Анжелина Ҳиндистонга мослашиб қолди. Ҳиндиј саломлашув, муомала, баъзи сўз ва ибораларни ўрганди. Ҳиндларнинг тоифалари, қадимдан қолган браҳманчилик, табақаланиш ҳақида нафақат, эшитиб, ўз кўзлари ила кўра бошлади. Гарчи, шимолий ва марказий Ҳиндистонда одамларнинг браҳманлар, кшатрийлар, шудралар, ҳатто, чандаллар каби табақаларга ажралиши у қадар сезилмаса -да, чека ҳудудлар, айниқса, шарқий ва жанубий Ҳиндистонда фақат шу қоидалар устунлигини билиб олди.

Бобуршоҳ ва унинг авлодлари ана шу табақаланишга қарши курашгани, мусулмон бўлмаганлардан жизя ҳам олганлари ўртага чиқди. Бобурий подшоҳлар қудрат ва таъсир масаласида турлича эдилар. Уларнинг баъзилар жизя олишда беэътибор бўлган, аммо Аврангзеб Оламгир иккинчи Ҳиндистонни бутунича итоатга келтирган, табақаланишга, ўликларни ёқишга, қароқчиликка, ўзбошимчаликка қарши қатъий курашган, мамлакатнинг ҳар бир нуқтасида Исломий қоидаларни жорий қилишга тиришган, бироқ бу ҳамиша ҳам самара бермаган.

Ҳиндлар ичида ўз бутларига садоқатли ҳамда жангари қабилалар кўп бўлган. Улар аксари ҳолларда таслим бўлиб, шартларни қабул қилишарди, сўнг яна тезда ўз билганларича яшардилар. Ана шундай ҳудудларда Исломга ҳам, мусулмонларга ҳам, Бобуршоҳга ҳам, бобурийларга ҳам беҳад кучли адovат борлигини Анжелина англай бошлади.

Аёдхияга борганида қадимий Бобур масжиди бузиб ташланганлигини кўрди. Шу масжидга яқин мусулмон маҳалласидаги одамлар билан суҳбатлашиш истаги уйғонди. Бу ерда бобурийлар, деб аталадиган бир уруғ бор экан. Улар бевосита Бобуршоҳнинг наслидан эмас, фақат Бобурийлар давлатининг Мовароуннаҳрдан келган хизматчилари экан.

Анжелинага маҳаллий мутахассислардан икки киши: Ашока ва Гуру бириктирилган эди.

Ашока Лондонда тарих ва санъат йўналишида таълим олган, Янги Дехлида шахсий мактаби бор, жуда маданиятли, миллатпарвар одам эди. У ўзини ёзувчи Рабиндрантҳ Тҳакурга қариндошлигини айтиб фахрланарди.

Гуру эса Янги Дехлиги Банорас штатидан келган. У шу ерда таълим олган. Ҳинд тили, лаҳжалари, урф-одатларини мукаммал билади, лекин ҳар қандай гапининг оҳангиди Бобур, бобурийлар ва мусулмонлар ҳақида бирор салбий фикр айтишга ўч эди, буни Анжелина сезди.

– Мусулмонлар гаплашишга арзимайди, деб ўйлайман, хоним, – деди Гуру. – Сизга айтганимдек, уларнинг дини босқинчиликка буюради. Улар юртимизни босиб олишган. Динларини мажбуран тиқиширишган. Шунинг учун, уларнинг бизнинг юрта гапириш тугул, яшашга ҳам ҳақлари йўқ.

Улардан қандай маълумот олишингиз мумкин, ахир? Мана, биз ҳаммасини сизга батофсил тушунтиряпмиз-ку!

– Гуру соҳиб, – деди Анжелина. – Фикрларингизга эътиrozим бор. Инсонларни бундай таҳқирлаш тўғри эмас. Мен улар билан гаплашишим шарт.

– Гуру, дўстим, – деди Ашока юмшоқлик билан. – Қўй, шу гапларингни. Хоним ўз лойиҳаси асосида ишлаши керак. – Ашока шундай деб, Анжелинага қаради. – Хоним, сиз истаган жойингизга боришингиз мумкин. Сизга ўзим ҳамроҳлик қиласман. Одамлар билан таништираман.

Мусулмонлар мавзеси бошқа кўчалардан ажралиб туриши сезилди: тозалиги, тартиби, одамларининг юриш-туриши ғайридин ҳинклардан фарқли, албатта.

Ашока Анжелинани Бобурийлар хонадонига таклиф қилди. Хонадон соҳиблари қандолатфуруш экан. Ҳовлининг атрофидаёқ ширин таъм, ёқимли ифорлар кезади. Кираверишда бир қанча мижозлар қўринди. Уларнинг баъзилари қоғоз қутиларни ўз уловларига юқлашмоқда, баъзилари ўрта бўйли, қораҷадан келган, оқ салла ўраб, узун кулранг кўйлаги устидан енгиз жигарранг нимча кийган, мошкичири соқолли, кўз ойнак тақсан, ёши элликлар атрофида бир одам билан суҳбатлашмоқда.

Ашока ва бошига пушти гулдор рўмол ўраган ажнабий аёлни кўриб, у одам ҳамсуҳбатларига узр, айтди-да, улар томонга юрди.

– Ашока, сени бизнинг уйга қайси шамоллар учирди? – деди кулиб. – Хуш келибсан!

Улар сўрашишгач, Ашока Анжелинага мусулмон дўстини таништириди:

– Анжелина хоним, бу инсоннинг исми Хўжа Али оға. Мусулмонлар мавзеси оқсоқоли. Бу кишининг боболарининг оталари сўнгги Бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ Зафар саройида мунший бўлиб хизмат қилганлар.

– Сиз билан танишиш мен учун шараф! – деди Анжелина хурсанд бўлиб.

– Раҳмат, хоним, хуш келдингиз, – деди Хўжа Али, бироқ хонимни танимагани учун Ашокага савол назари билан қаради.

– Бу Анжелина хоним, Бобурийларнинг муҳлиси, сизларга жуда қизиқяпти, – деди Ашока.

– Хўжа Али жаноблари, – деди Анжелина. – Мен учун Ислом, мусулмонлар тарихи, ҳаёти қизиқарли мавзу, бобурийлар йўли эса жуда жозибали. Мен учун китоблардаги маълумотлар ҳам, ҳатто, тарихий ёдгорликлар ҳам тирик тарих бўлган инсонлар билан суҳбатлашишдек муҳим ва завкли эмас. Аминманки, сизда мени жалб этадиган ажойиб ҳақиқатлар бор.

Хўжа Али меҳмонларни ичкарига таклиф қилди, ўғилларидан бирига ишини топширди, чой келтирди.

– Эҳтиромингиз ваadolatингиз эҳтиромга лойиқ, – деди меҳмонларга шириналлик ва чой узатиб. – Бироқ мақсадингизни билишни истардим, чунки

биз мусулмонлар Ҳиндистонда кўраётган зулмларнинг чегараси бўлмаяпти. Шундай ҳолда, Анжелина хонимнинг ташрифларидан ҳайронман, очиши.

– Хўжа Али жаноблари, менинг мақсадим ҳақиқатдир, – деди Анжелина. – Кўзбўямачилик, ёлғон, сохталикни ёқтирмайман. Мен сизлар билан холис танишмоқчиман. Керак бўлса, буюк сулола ҳақиқатини бутун дунёга етказишга ҳаракат қиласман.

– Жуда яхши ният, инша Аллоҳ, – деди Хўжа Али жиддий. – Бироқ бизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз йўли сизни ларзага солади, деб қўрқаман. Ва бу масалада, аввало, хонадонимиз аёллари билан диллашсангиз, мақбул иш, назаримда. Чунки аёлнинг тилини аёл билади, кейин қўшимча саволларингизга ўзим жавоб бераман.

Анжелина ташаккур айтди. Аслида ҳам, унинг нияти хонадон ичидағи хонимлар билан сухбатлашмоқ эди. Чунки чодралар ичидағи муслималарнинг ички дунёси уни тобора ўзига тортияпти, ахир, Муҳаммад Захириддин Бобур ва у каби юзлаб фотиҳларни тарбиялаган муслима аёлларнинг бугунги сийратлари қандай экан?!

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Терговчи Абдуллоҳга муштлашув юзасидан бир неча саволлар берди. Ажабки, сўроқ ярим соатда тугади. Терговчи айбланувчига қофоз ва қалам тутқазди.

– Абдуллоҳ, – деди у. – Мана шу қофозга менга айтганларингизни батафсил ёзинг. Энг майда жиҳатларга ҳам диққат қаратинг.

Абдуллоҳ адвокати Тублибекка саволомуз қаради.

– Шундай, қонунга кўра тушунтириш хати ёзилади, – деб тушунтириди адвокат. – Унумтманг, Абдуллоҳбей, бу хат жиноий ишнинг юраги хисобланади.

– Тушундим, – деди Абдуллоҳ ва: “Бисмиллаҳ”, – дея ёзишга киришаркан, ичиди дуо ўқиди: «Робби ишроҳли содри, ва яссирли амри, ваҳлул ўқдатан мин лисани, яфқоҳу қовли».

Абдуллоҳ ўқиган бу дуо Тоҳа сурасининг 25 – 26-оятидир.

Айтиладики, Мусо алайҳиссалом фиръавн ҳузурига Аллоҳнинг амрини бажармоқ учун – Тавҳидни етказмоқ учун йўл олди.

Ва мазкур дуони ўқиди: “Роббим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин, ишимни осон айла! Тилимдаги тугунни еч: сўзимни англасинлар!”

Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий йўли ила Мусо алайҳиссалом қиссасини билдириди, Мусо алайҳиссалом ўқиган буюк дуони ўргатди. Қуръоний бу дуо катта ва мушкул иш қаршисида турган ҳар бир мўмин учун Аллоҳга ёлвориш, Ундан ёрдам сўрашнинг энг тўғри, энг ишончли йўли бўлиб қолди.

Абдуллоҳ ҳам бўлиб ўтган воқеани баён этишга киришар экан, шу дуони ўқиди, қалбан Аллоҳга таважжуҳ этди.

Абдуллоҳ терговчининг таълимига таяниб, тушунтириш хатида дастлаб ўзини танишитирди, сохта гувоҳлик ёки кўрсатма бермаслигини айтди, кейин воқеани баён қилди. Воқеа жуда қисқа эди, чўзиб ёзишнинг имкони бўлмади: “Бир уйғурни бир хитойи урди, мен мазлумни ҳимоя қилдим, холос”.

Терговчи тафсилотларни батафсил ўрганишини маълум қилди, даъвогар жабрланувчи ҳамда гувоҳлар билан юзлаштиришини таъкидлади, имзолаш ишларини якунлагач, хужжатларни папкага жойлади, адвокат билан Абдуллоҳни қолдириб, хонани тарк этди.

– Тублибей, – деди Абдуллоҳ. – Сизга телефон рақам бераман, илтимос, уйимга қўнғироқ қилинг. Ота-онамга вазиятни айтинг. Хавотир олмасинлар. Ўғлингиз тезда қайтади, денг, майлими?

– Албатта, шундай дейман, – деди Тублибек кўзойнагини рўмолчаси билан артиб. – Мана бу варакқа рақамларни ёзинг.

...Абдуллоҳ камерага қайтиб, ўз ўрнига чиқиб ўтиаркан, жуда ҷарчаганини ҳис этди. Шериклари Айдар ва Найнов эса, негадир, ўзгариб қолган эдилар. Улар Абдуллоҳга кўп эътибор беришмади.

“Келдингми?” – ҳам демадилар. Уларнинг суҳбат мавзуларида ўзгариш бор эди.

Айдар ёш камерадошга “Кичкина” деб лақаб қўйди.

Дарҳақиқат, Кичкинанинг бўйи ҳам, ўйи ҳам, ёши ҳам кичкина эди. У Айдар ва Найновнинг йўриғидан чиқмай қолди. Айдар унга жуда “ғамхўр” эди: қамоқ ҳаётидаги “қаҳрамонликлар”, ўғрилик “сиrlари”, фириб бериш “маҳорати”дан жуда кўп маъруза ўқирди, қамоқ жаргонларини қўллаш қоида ва ўринларини ўргатарди.

Кичкинанинг назарида, Айдар энг ақлли, устомон одамга айланди. Найновнинг яккаю ягона муҳим иши Айдарни тасдиқлашдан иборат.

Абдуллоҳ бу давранинг одами эмаслиги аввалдан маълум бўлган. Бирор “суҳбат”га аралашмагани боис камера аҳлига бегоналашди. Ҳозир ҳам терговдан қайтди, унга совуқкон муносабат ана шу бегоналиқ билан шарҳланса-да, бу бошқа аниқ сабабга боғланади. Абдуллоҳ тергов бераркан, Айдар миршаббошининг қабулида навбатдаги “маҳсус” топшириқни олди.

Жамлоқларда маҳкумлар икки тоифага ажратилган: террорчи ва жиноятчи.

Террорчиларнинг умумий равишда икки хил сифатланади: ювош ва ашаддий. Ювош террорчилар тартиботга қатъий итоаткор, қамоқ “байрам” тадбирларида жуда фаол, қамоқ ишлаб чиқаришида жонини бериб ишлайди, намозу ибодатдан ошкора воз кечган. Уларнинг энг “намунали”лари миршаблар билан ҳамкорлик қиласида ва очиқ куфр ёки ширк ила диндан юз ўғирган. Ювошлар учун анча енгилликлар бор, бунинг тафсилотини кейинги бобларда, Аллоҳ насиб этса, китобхонлар билиб олишади.

Ашаддий террорчилар эса қамоқда одам сонидан чиқарилган маҳкумлардир. Уларни миршаблар ҳам, бошқалар ҳам оддий ҳайвон ёхуд

зааркунанда ҳашарот каби кўради. Ҳашарот бўлганда ҳам, кўпроқ суварак, деб ўйлашади. Чунки улар ашаддий террорист!

Уларнинг ашаддийлигининг биринчи белгиси – миршаблар билан ҳамкорлик қилишмайди. Бу ерда эса: “Менга дўст эмасмисан, демак, душманимсан!” қонуни ишлайди.

Ашаддийлар тамаки, нос чекмайди, сўкинмайди, диндан ҳам чиқмаган, ҳамиша озода юради, меҳнатдан бўйин товламайди, факат энг хавфли ишлари: улар бир-бирлари билан гаплашишади, бир-бирларига қайғуришади, бир бурда нонини ҳам шеригига илинади, устига устак, пичирлаб, имо-ишора билан намоз ўқиди, Куръон қироат қиласди, бир нуқтага тикилиб қолдими, тамом, қандайдир зикр билан машғул!

Жиноятчилар ва ювошларнинг қамоқ ҳаётидаги энг муҳим вазифаси, аниқроқ айтсак, умрининг мазмуни ашаддийларнинг ҳар дақиқасини миршабларга етказиб беришдир. Ҳар бир ашаддийга бириктирилган ювошлар, жиноятчилар бор. Улар ўз нишонларининг уйқудаги ҳурраги, ел чиқаргандаги овоз децибили, пешоб пайти неча дақиқа сарфланиши ва ҳакозо дақиқ маълумотларни хотираларига, қалбларига жойлаб, миршабларни бундан, албатта, огоҳ этишлари шарт. Бу улар учун “фарз”, улар учун “вожиб”.

Жиноятчиларнинг деярли ҳаммаси миршаблар билан ҳамкорликда яшайди. Яшайди, деяпмиз, чунки ҳаётлари шундай ўтади. Бу ҳамкорлик маҳкумлар ҳаётининг икир-чикирларидан миршабни хабардор қилиб туришдир. Бу ишни жиноятчилар ё очик, ё пинҳон бажаришади. Очик бажарувчилар ҳаммага аён, пинҳон фаолиятдагилар эса номаълум.

Ашаддий террорчилар сиёсий ва исломий, деган икки синфга ажralади. Уларга белгиланган кундалик маҳсус жазолар ҳақида бизга “қаҳрамонларимиз” сўзлашади, биз эса энг оғир азоб исломийларга йўналтирилганлигини айта оламиз. Шу сабабли, барча жамлоқларда “исломий” сўзи мудҳиш жаранглайди, инсоний азобланишнинг жами тuri шу сўзга сингдириб юборилган.

“Исломий” террористлар таърифи вабодек даҳшатли эди. Ҳар бир маҳкум улар ҳақидағи афсоналарни эшитади ва уларни, шубҳасиз, таҳқирлаши шарт. Таҳқирлашнинг энг юмшоқ шакли оддийгина сўкишдир.

Айдар миршаббошидан камерада исломийлар ҳақида гапириш ҳамда Абдуллоҳни ажратиб қўйиш ҳақида буйруқ олган эди. Шунинг учун, Айдар Абдуллоҳдан аввалроқ камерага қайтиб, худди энг керакли, оламшумул янгиликни билиб олгандек эълон қилди:

– Анави Абдуллоҳ исломий экан!

Кичкина бу сўзнинг даҳшатини ҳали умуман англамасди. Шунинг учун анграйди. Найнов эса гўё “ажабланиб”, қаттиқ “қўрқиб”, ўрнидан сапчиб кетди:

– Йўғе, ростанми? Вой ...! – деб сўкинди. – Унинг турқига қараб, одам дебман-а! Ҳайвон экан-ку! Чўчқа экан-ку! Тўнғиз! Маймун!

Кичкина Найновнинг бу “мутаассирлиги”дан чўчиб кетиб, шошиб сўради:

– Исломий нима дегани? Шунаقا қўрқинчлими?

Айдар Кичкина жуда “маъноли”, “эзгин” нигоҳлар билан боқди.

– Билмасанг, ўзингга яхши, – деб “хўрсинди”.

– Нега ундин дейсиз? – деб “астойдил куйинди” Найнов. – Бола билсин, ким билан ўтирибди, атрофида ким бор, ҳаммасини билсин!

Айдар “ғам”га ботиб, жавоб беришга улгурмай Абдуллоҳ келиб қолди.

Шу боис, ҳеч ким унга салом ҳам бермади, бир сўз айтмади. Бир оздан кейин Айдар Темир финжонига аччиқ чой дамлади, чой дам еб, ранги чиққунича газетага тамаки ўради, тамакини ёқди, икки марта чуқур тортиб, Абдуллоҳ тарафга сезилар-сезилмас тутун пуфлади, тамакини эса Найновга берди, Найнов ҳам ютоқиб тортди ва Кичкинага тутқазди, Кичкина ҳам фахр билан тамакини қабул қилиб, эҳтиром кўрсатиб, худди Айдар ва Найновга ўхшашга тиришиб, тутунни ичига сўрди.

Бу орада “чой ҳам кўтарилди”, шекилли, Айдар ўз қўли билан қуюқ қайноқ чойни финжондан финжонга ташлаб, шопирди. Камерани чой ҳиди қоплади, бироқ буни маҳбуслар сезмасди: бўғиқ ҳаво, тамаки тутуни билан битган димоқлар ҳидларни ҳам фарқламай қўйган эди, зотан.

Чойни бироз тиндириб, Айдарнинг ўзи хўплади, орқасидан тамакини сўрди ва қўзини юмиб, жуда “хузурланиб” “Ох, ох!” деди. Ундан кейин Найнов ва Кичкина ҳам аччиқ чойдан ичишди.

– Биласанми, Кичкина, – деди Айдар салмоқлаб. – Мен тўртингчи ўтиришимни Россияда ўтказганман. Томск деган жойда бир қамоқ бор. Э, жуда ажойиб у қамоқ! Маҳкумлар жаннатда яшайди. Қора дори, наша, ароқ, қизлар – ҳаммаси бемалол. Миршаблар маҳкумлардан қўрқади. Маҳкумларнинг каттасини ўрисчалаб, братуха дейишади. Братуха ўғридан келган буйруқларни бажаради. Братухага гап йўқ! У ерда маҳкумларни мужик дейишади. Қамоқда ҳамма нарса мужиклар учун. Греф, скачуҳа, теплота! Ия, сизлар бу гапларни қаердан ҳам тушунардинглар! Бизнинг қамоқлар ундин эмас. Томскдаги қамоқни қора дейишади. Чунки братуха положениега қарайди. Положенини ҳам билмайсан-ку, а? Тушунтираман, десам, сочим оқаради. Хуллас, мана бу аччиқ чойни Томскда чифир, дейишади. ЧИФИР дегани чай – источник философии и разума, дегани. Маъноси чой фалсафа ҳамда ақл манбаси, деганидир.

Айдар гапиравкан, Кичкина унга лол бўлиб тикилиб ўтиради. Найнов эса Айдарнинг бу “ҳикоя”га умуман алоқаси йўқлигини яхши биларди, чунки Айдар ҳеч қачон Томскда бўлмаган, у ҳам қайсиadir каззобдан шу ривоятни эшитиб, ёдлаб олган эди. У бу “ривоят”дан янги қамалганларни алдаш учун фойдаланади.

– Шунаقا, – деб Айдарни маъқуллади Найнов. – Бизнинг қамоқлар ҳам қачондир қораярмикин?

– Йўқ, бу жуда қийин, – деди “қайғу” билан Айдар.

– Нега, ахир? – деди бу ҳолдан чиндан ачиниб Кичкина.

– Чунки бунга исломийлар айбдор, – деди Айдар, ниҳоят.

Абдуллоҳ ҳали қамоқда “исломий” сўзини маҳбуснинг тилидан эшитмаган эди. Ҳозир бу сўздан сесканиб, “ярқ” этиб, Айдарга қаради.

Айдар буни сезди, Абдуллоҳни безовталантирганидан ичиди хурсанд бўлди, лекин ўзини билмаганга олиб, давом этди:

– Исломийлар давлатнинг душмани, ҳалқ хоини, – деди у овозига жиддий тус бериб. – Улар биз уйғурларни кўра олмайди, буюк Хитойга қарши курашиб, давлатни эгаллашни исташади.

– Исломийлар ҳам одамми? – деб сўради Кичкина. У саволни шундай бердики, Айдар ҳам, Найнов ҳам кулгидан ўзларини базўр тўхтатишиди.

– Одам, албатта, ўзимизнинг уйғур улар ҳам, – деб жавоб берди Айдар.

– Фақат таши одам, ичи ҳайвон. Ваҳший. Одамхўр. Қонхўр.

– Йўғе! – деди кўзларини катта-катта очиб Кичкина. Айни пайтда у ҳам, Айдар ҳам ўзларининг одам ўлдириб, қамоққа тушишганини унутгандилар, гўё. Исломийлар, уларнинг наздида, одамхўр, бу жиноятчи қотиллар эса қанотсиз фариштанинг ўзгинаси!

– Уларни қаттиқ қийнашади, чунки улар шу қийноқларга лойик, – деди ишонч билан Айдар. Сўнг мароқ билан гапиришга киришиб кетди. Шундай мароқ билан гапирдики, бирор гапини у шу қадар лаззатланиб айтмаган эди.

– Исломийларни азоблаш терговда бошланади. Уларнинг думи жуда узун. Биттасини қўлга олсанг, мингта шериги чиқади исқиртларнинг. Терговда товонига уришади. Елимхалта кийдиришади, аввал қўлидан, кейин оёғидан осиб, калтаклашади. Бошидан осса ҳам бўларди, хахахаха! Агар шерикларини айтмаса, жиноятини тан олмаса, оёғининг орасидаги иккита тухумини айлантириб, қаттиқ ип билан боғлашади, у ипни эса калта қилиб, орқасига кишанланган қўлининг бармоқларига улашади. Қани, кейин ҳам жиноятга иқрор бўлмай кўрсин-чи! Иқрор бўлади, онасини эмиб ётган пайтидан бошлаб, сўнгги нафасигача бўлган ҳар дақиқани эслаб, терговчига сайдайди. Яна бир йўли: уларнинг орқа тешигига елимтаёқ тиқишишади. Ёки миршабтаёқка аччиқ қалампир ёки ёпишқоқ елим суриб қўйилса, нима бўлади, биласанми? Дод, дейди-да! Терговда уларнинг қовурғалари, оёқ-қўли, бурни синиши, боши ёрилиши энг яхши қийноқ. Ана шунаقا!

Абдуллоҳ бу гапларни эшитиб, нафаси сиқа бошлади, қўллари қалтирай бошлади. Айдар эса завқу шавққа тўлиб вайсарди:

– Исломийларнинг тергови бир тараф, камера ва жамлоқ бир тараф, – деб Айдар газета парчасига янгитдан тамаки ўрашга киришди. – Камерада йигитлар уларни тепиб ташлашади, хожатхонани тозалашади, идиш-товоқ ювади. Жамлоқда эса энг оғир ишларни қилишади: ғишт қўйишади, пиширишади, юклашади. Оҳак тайёрлашади, рангли бўёқ тайёрлашади, бетон қўйишади. Ҳар куни ва ҳар хафта, албатта, белгиланган алоҳида калтаклари бор. Уларга гаплашиш, бошларини қўтариш, осмонга, ён-атрофга қараш мумкин эмас. Бир ўзи юришлари таъқиқланган. Сафда ёнма-ён ўтириб

қолиша, тамом! Ҳолларига маймунлар йиғлайды. Чунки исломийлар шунга муносиб! Улар халқ душмани! Коммунизмга хиёнат қилишган! Худо, Аллоҳ, деб одамлар онгини заҳарлашади. Энг ёмони, ана шу маймунлар сабабли бизнинг қамоқларда маҳкумлар азобда. Ҳозир жамлоқларда бир миллион маҳкум сақланади. Беш юз минги исломий. Қолган беш юз минг айбизиз ўтирибди. Чунки исломийларни бошқариш учун биз каби тарбияли одамлар керак. Шунинг учун, кўчада миршаблар ҳар ойда йигирмата одамни, албатта, қамаши керак. Шунга мажбур. Бунга эса исломийлар айбдор.

Кичкинанинг оғзи ланг очилди. Абдуллоҳ эса ҳар бир гапи учун Айдарни бўғиб ўлдиришга ҳозир эди, бироқ у кутилмаганда хузунга чўқди, ўзини бу хузундан кутқара олмай қолди.

Фақат: “Аллоҳумакфиний би ма шиъта!” дер эди ичида.

Саҳих ҳадисда айтилишича, бир неча минг йиллар аввал бир воқеа содир бўлган. Бу воқеа пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳам илгари юз берган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтишларича, қадимда бир подшоҳнинг сехргари бор эди. Сехргар қариб қолгач, подшоҳга деди:

– Ҳукмдорим, мен кексайдим, бир шогирд беринг, унга сехр илмини ўргатаман, ўлсам, хизматингизни қиласди.

Подшоҳнинг амири билан бир ёш болани сехргарга шогирдликка бердилар.

Сехр шундай илм эдики, уни осмондан Бобил шаҳрига тушган иккита фаришта одамларга ўргатишган. Фаришталарнинг исми Хорут ва Морут эди. Улар сехр илмини ўргатишдан олдин: “Бу катта гуноҳ, уни ўрганиш, сехр қилиш куфрdir. Бизнинг ишимиз фитна қилишдан иборат”, – дейишарди. Бироқ одамларнинг кофирлари сехрни ўрганаверишди, Аллоҳга куфр келтиришдан қўрқмадилар. Улар сехр воситасида, асосан, эр-хотинларни бир-биридан совутишарди, ажратишарди. Аллоҳнинг изни билан сехр орқали инсонларга бироз зиён-заҳмат етказишарди.

Мақсадлари одамлар устидан ҳоким бўлиш эди. Бу ҳодиса Сулаймон алайҳиссалом давларида содир бўлди. Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга барча дев ва жинларни бўйсундириб бериб, сехргарларнинг нақадар заифлигини одамзодга яққол кўрсатиб қўйди. Лекин қалби куфр сабабли қулфланганлар сехр билан машғул бўлишарди, баъзи кофир подшоҳлар эса маҳсус сехргар хизматидан фойдаланганлар.

Ҳадиси шарифда айтилаётган ҳикоятда ҳам бир кофир подшоҳнинг сехргари ҳақида гап боряпти.

Сехргарнинг шогирди ҳар куни дарсга бориб юрди. Бир куни йўлда роҳибга учради. Роҳиб мўмин эди. У болага Аллоҳнинг динини, тавҳидни ўргата бошлади. Бола сехргардан ҳам, роҳибдан ҳам бир хилда илм олиб юрди.

Бир куни бола роҳибнинг сұхбатида узокроқ қолиб кетди. Сехргар: “Нега кечикдинг?” – деб сўради. Бола жавоб бермади, сехргар дарғазаб ҳолда болани урди. Эртаси куни бола роҳибга бўлган воқеани айтиб берди.

“Озурда бўлма, – деди роҳиб. – Яна кечиксанг, сехргарга уйимда ушланиб қолдим, де. Ота-онанг нега кеч келдинг, деб сўраса, сехргарнинг ҳузурида қолиб кетдим, дегин”.

Шу тариқа, бола сехр ва тавҳидни бир вақтда узоқ вақт ўрганди. У бу икки йўлнинг қайси бири ҳақлиги тўғрисида бош қотирап эди. Бола ё тавҳид, ё сехр йўлидан кетиши кераклигини қатъяян тушунаётган эди. Ана шундай зиддият ичидаганида унда бу иккidan бирини танлашига ёрдам берадиган воқеа содир бўлди.

Шаҳар қўчаларидан бирини жуда баҳайбат бир махлуқ тўсиб қўйди. Бу махлуқни бальзилар хўқиз эди, дейишади. Одамлар махлуқдан қўрқиб, қўчадан ўта олмай қолишиди.

Ўша пайт бола дарсга кетаётган эди. У махлуққа дуч келгач, қалбида заррача ҳам қўрқув йўқлигини билди. Ердан кичкина тошни олди-да, Аллоҳга дуо қилиб: “Аллоҳим, менга ҳақни кўрсат! Роҳиб ёки сехргардан қайси бири тўғри йўлдалигини намоён эт! Агар роҳибнинг йўли тўғри бўлса, шу махлуқ йўлни бўшатсин ва бу ерни тарқ этсин!” – деди-да, тошни махлуққа отди. Махлуқ эса индамади, балки, қўчани бўшатди, секин юриб, шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Боланинг бу иши шов-шув бўлди. Одамлар унинг қошига ҳар хил муаммолар билан кела бошладилар. Кимдир пес, кимдир шол, кимдир кўр, кимдир кар бўлса, бола Аллоҳнинг номи билан уларни даволайверди. Роҳиб боланинг олдига келиб: “Эй шогирдим, сен мендан ўзиб кетдинг, жуда баланд мақомга эришдинг, энди бошингга жуда кўп синовлар, балолар келади, ҳеч кимга менинг исмимни айта кўрма!” – деб тайнлади.

Юрт подшохининг яқинларидан бирининг кўзи кўрмай қолди. Унга бола ҳақида айтишиди. Подшоҳнинг қариндоши боланинг олдига келиб: “Илтимос, кўзимни давола”, – деди. Бола: “У ҳолда, оламларнинг якка Роббиси, шериги, ўхшиши, тенги бўлмаган, ҳар бир ишнинг Эгаси Аллоҳга иймон келтири! Шундагина мен сени даволай оламан”, – деди. Кўр одам дарҳол иймон келтириди, коинотни, бутун борлиқни ёлғиз Аллоҳ яратгани ва инсонлар Аллоҳнинг йўлидан юришлари шарт эканлигига иймон келтиди. Бола эса Аллоҳнинг номини айтиб, уни даволади.

Подшоҳ кўр бўлган қариндошининг кўзлари қайта кўраётганидан хабар топди. Уни чақириб, бу ишни ким қилганлигини сўради. Қариндоши айтишини истамади, бироқ қийноқдан қўрқиб: “Мени бир ёш боланинг Роббиси даволади”, – деб сирни айтиб қўйди. Подшоҳ болани ҳузурига чорлатди.

“Сен жуда кучли сехргар бўлиб етишибсан!” – деди болага.

“Бу сехр эмас, – деди бола. – Бу Аллоҳнинг марҳамати, зотан, касалликни берадиган ҳам Аллоҳ, шифо ато этадиган ҳам Аллоҳдир!”

Подшоҳга бу гап ёқмади.

“Мен сенинг Роббингман, – деди қаҳр билан. – Аллоҳдан воз кеч!”

“Йўқ, – деди бола. – Сен оддий бандасан, Аллоҳ эса бутун оламнинг якка Роббисидир. Унинг шериги йўқ!”

Подшоҳ болани қўйиб, ўз қариндошига юзланди: “Сен ҳам шу боланинг Роббисига иймон келтирдингми?” – деб сўради. “Ҳа”, – деди қариндоши.

“Тезда бу диндан қайт! – деб буюрди подшоҳ. – Акс ҳолда, сени ўлдираман!”

Бироқ подшоҳнинг яқини динидан қайтмади, подшоҳ жаллодларни чақириб, уни арралашни амр этди. Жаллодлар уни арралаб, бир неча бўлакка бўлиб ташлашди, ҳаммаёқ қонга беланди.

Подшоҳ яна болага қараб: “Сенга Аллоҳ ҳақида ким гапириб берди?” – деб сўради. Бола: “Айтмайман”, – деди. Подшоҳ болани азоблашни буюрди. Бола қийноқларга чидолмай роҳибнинг исмини айтиб қўйди.

Роҳибни тезда подшоҳ саройига келтирдилар. Подшоҳ унга ҳам диндан қайтишни буюрди. Роҳиб эса: “Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ!” – деди. Подшоҳнинг буйруғи билан уни ҳам азоблашди ва арралаб ўлдиришди. Ерда роҳибнинг қонга ғарқ бўлган, парчаланган бадани, суяклари ётарди. Подшоҳ эса болага: “Кўрдингми? – деди. – Сен ҳам динингдан қайтмасанг, шу аҳволга тушасан!”

Бола эса: “Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ!” – деди. Подшоҳ ғазаб отига минди, у, албатта, болани диндан қайтаришга қасд қилди. Чунки бутун мамлакатга боланинг довруғи тарқалиб, Аллоҳни таниётганлар кўпайиб бораётган эди. Подшоҳнинг наздида, болани ўлдиришдан кўра кўрқитиб, ўзига бўйсундириш мақбул кўринди. Шунинг учун ўз аскарларидан бир нечасини чақириб, амр қилди: “Болани тоқقا олиб чиқинг, яхши гапиринг, кўрқитинг, диндан қайтсин, қайсарлик қилса, чўққидан пастга улоқтириб юборинглар!”

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

– Биласизми, хоним, – деди Хўжа Алининг хотини Анжелинани диққат билан тинглагач. – Биз уй аёлларимиз. Сиз айтаётган кўп гапларга ақлимиз етмайди, эrimиз сўрамаса, бирор масалада маслаҳат ҳам беролмаймиз. Чунки биз аёлларнинг фарз ибодатдан кейинги энг муҳим иши – фарзанд дунёга келтириш, уни парваришлаш, тарбиялаш, эрнинг хизматини қилиш ва уй ичини озода, батартиб, саришта сақлаб, борни ошириб, йўқни йўндиришdir. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг ҳуқуқини таъминлаш каби тумтароқ сафсаталардан шахсан менинг энсам қотади. Ҳуқуқ талаб қилиб кўчага чиққан хотин шу қадар оқила, шу қадар жасур экан, нима учун бир эрни эплай олмабди? Ҳайронман. Ундан аёлларнинг ичига шайтон уя қуриб олгани аниқ.

Анжелина Зайнаб хоним сұхбатидан сүңг, муслималарга чуқур әхтиром ила қарай бошлаган эди. Шунинг учун, Хўжа Алиниңг завжаси айтаётган фикрларда асос бор, деб ўйлади.

Холванинг хамирини қориб сұхбатлашаётган хонимдан сўради:

– Сабринисо хоним, сиз менинг наздимда жуда кескин фикрламоқдасиз, – деди нима табассум билан. – Ахир, аёлларга ҳам жуда ноёб салоҳият ато этилади. Наҳотки, бу салоҳият уй ичида увол бўлиши керак? Аёллар ичида жуда ҳам илмли шифокорлар, адibalар, муаллималар, ҳатто, ҳарбийлар етишиб чиқкан. Сиз бу ҳақиқатни инкор этяпсиз. Бу гаплар шахсий фикрингизми ёки динингиз шуни талаб этадими?

– Диним ҳар муслим ва муслимага илм олишни фарз этган. Ислом оламидаги аёлларнинг фаҳму фаросати, илму маърифати туфайли ҳам Ер юзини забт этган, инсониятга нажот йўлини етказган даҳолар, улуғ фотихлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиқдилар, – деди Сабринисо хоним келинига тайёр ҳолвани бериб юбораркан. – Аёлнинг ички дунёсидаги ғайритабиий кувватни инкор этмаяпман. Менинг эътиқодим шуки, номаҳрам эрлар орасида юрган аёл жуда катта йўқотишларга йўлиқади. У, аввало, ҳаёсидан айрилади. Аллоҳ беркитишини буорган аъзоларини бегона эркакларга кўз-кўз этиб, Роббисини норози қиласди. Онаси очиқ болдир ва сонлар, ялангоч елка, ўралмаган бўйин, рўмол бош билан, шаҳват уйғотувчи атиrlар сепган ҳолда бегона эрлар орасида юрганини кўрган ўғиллар мардликни, рашкни, ҳамиятни бой беради, қизлар эса оиласа меҳр беришдек ички, табиий савқдан айрилиб, умрини кўча учун зийнатланиб ўтказади. Қаранг, бугун йигитлар хотинчалиш, қизлар эркакшода! Чунки жамиятда номаҳрам эр ва хотинлар аралашиб кетди. Аёллар ўз салоҳиятларини, ким бўлишларидан қатъий назар, исломий рухсатлар ҳудудида намоён этсин. Табиб бўлсин, олима бўлсин, тижорат қилсин, бироқ Аллоҳнинг чегараларини бузмасин. Ҳозир одамларга бу тўғрида гапириш жуда ҳам эриш туюлади. Ҳатто, мусулмонлар бу қонунни қабул қила олишмайди. Аёллар эркини бўғяпсанми, дейишади. Ўрта асрларда ёки ғорда яшашни истайсанми, дейишади. Ундей эмас, ҳар қандай муслима ўз қобилиятини Аллоҳнинг амрига мувофиқ юзага чиқарсин, кучини эр, фарзанд ғамхўрлиги ва бошқа мусулмонларнинг манфаати учун йўлласин. Шунчаки, тирикчилик ёки зерикмаслик учун ишлайдиган ҳар қандай аёлга, айниқса, муслималарга ачинаман.

– Жуда ҳам бошқача қараашлар, – деди Анжелина. – Сиз ўз фикрига, қатъий эътиқодга эга экансиз. Очиги, хулосаларингизга ҳозир муносабат билдира олмайман. Уларни хато ёхуд тўғри, дейиш шахсан мен учун қийин. Айтинг-чи, сизнинг бундай мустаҳкам ёндашувингиз қай тариқа шаклланди? Оила мұхити, олган таълимингиз ёки яшаш жараёни – қайси бири сизни шу нұктага олиб келди?

– Гапларимдан хафа бўлманг, меҳмон, – деб жилмайди Сабринисо хоним. – Сиз айтаётган сабаблар билан қатъий бир нұктани топиш маҳол бўлса керак. Мен эртага Аллоҳимнинг қаршисида туриб ҳисоб беришим

ҳақида ўйлайман ва бу мени ана шундай эътиқод устида событ этади. Эрим Хўжа Али аслига нисбатан жуда ёш кўринади. Уни ҳамма элликка ҳам тўлмаган, деб ўйлайди. Ҳолбуки, у олтмишдан ошиб кетган. Биз бундан қирқ уч йил аввал турмуш қурдик. Ўшанда Хўжа Али жуда кўркам, бақувват эди. У ўн тўққизни қоралаган, мен ўн саккизга тўлгандим. Сизга иккимиз бошимиздан нималарни ўтказганимни айтиб бераман, шояд, айтаётгандаримни яхшироқ англасангиз!

...Хўжа Али мадрасада ўқир эди. Мусулмонлар мавзесидаги мадрасани “Дорул ҳуффоз” деб аташарди. У ерда, асосан, Куръон таълими бериларди. Хўжа Али ўн олти ёшида Куръонни ҳифз этди. Кейин қандолат сирларини ўрганиш учун Бухорий ҳолвачига шогирд тушди. Хўжа Алиниг отаси Хўжа Асқар камбағал, лекин жуда муҳлис одам эди. У тирикчиликка кўп эътибор бермасди, табиатан боқибегам эди. Хўжа Асқарни танбал ёки ишёқмас дея олмасдилар, чунки у дин уламолари, илми толиблар ва масжид хизматлари учун елиб кетади, хотини Нигор нолиса: “Илтимос, нолима, хотин, нима қилай, пул топишга ҳеч қизиқа олмадим. Ризқимизни Аллоҳ беряпти-ку. Мана, ўғлимиз қори бўлди”, – деб таскин беради.

Оила эса катта: беш ўғил, уч қиз. Хўжа Али учинчи фарзанд. У жуда меҳнаткаш, тиришқоқ. Акалари ҳам ҳар хил ҳунармандларга шогирд тушдилар.

Биз улар ҳақида кўп тўхталмаймиз, чунки Хўжа Алиниг тақдири ҳақида ёзяпмиз.

Хўжа Али икки йилда уйига бир-икки рупий кўтариб кела бошлади. Ўн тўққиз ёшида эса устозининг маҳалласидаги бир қизни кўриб, эсидан айрилиб қолди, гўё. Бу унинг қиз болага нисбатан илк талпиниш туйғуси эди. Бухорий ҳолвачи энг зеҳнли, энг яхши шогирдининг хаёлчанлигини сезди ва гап нимада эканлигини дарҳол пайқади. Бироқ текширишга қарор қилди. Бир ҳафтадан кейин Хўжа Али мис қозонга эриган шакарни эмас, доғланмаган ёғни учинчи марта қуйиб юборди. Кекса қандолатчи шогирдининг билагидан ушлаб, ўзининг хонасига судради. Бошқа шогирдлар ҳадиксираб қараб қолишиди. Уста эшикни зичлаб ёпди. Хонанингнинг яримдан қўпини бир тирсак кўтарилиган сўри эгаллайди. Сўри ўртасида хонтахта ва атрофида кўрпача. Деворда ўйма токчалар, китоблар, чала ёнган шамлар. Тахмон.

Уста хонтахтанинг тўрига ўтирди. Шогирдга синовчан тикилди.

– Хўжа Али, – деди мулойим.

Хўжа Али бўйи чўзилиб, соқоли бироз қалинлашган, пешонасида хуснбузар, томоғида эса “кекирдаги” бўртган, елкаси кенгайиб, йигитнинг ўзига ҳам худди нокулайлик туғдираётгандек. У қилган хатосидан изтиробда, бошини эгиб, елкасини букиб олган, икки қўли орқасида. Бошидаги салла ҳам ўнг ёнга бироз қийшайган, қалин қўнғир соchlар эса салланинг тагидан тошиб, пешонасига кокил бўлиб тушган, қулоқ, бўйинларини ҳам ёпган.

Уста шогирди хушсурат йигит бўлганини кўнглидан ўтказди. Бу ёшда йигитларнинг хаёлида нима бўлиши мумкин?!

– Хўжа Али, бошингни кўтар, болам, – деди яна Уста. Шогирд бошини бироз кўтариб, устозига хижолатомуз бокди. – Ўғлим, сен билан очик гаплашайлик. Сира қўрқма, хўпми?

– Хўп, – деди Хўжа Али. У ўзини оқлашга ҳам уялаётган эди.

– Қани, ўтири, – деди Уста. Шогирд шиппагини ечди, қўлинни қовуштириб, устози кўрсатган жойга чўқди.

– Болам, ҳамма шогирдларимга қаттиққўлман, – деди Уста шошилмай.

– Лекин нимани ўйляяпсизлар, нимани хохляяпсизлар, кайфиятингиз қандай

– ҳаммасини баҳоли қудрат кузатаман. Алҳамдуиллаҳ, ҳар бирингиз ихлос билан, меҳр билан, иштиёқ билан ишлайсиз, ўрганасиз. Акс ҳолда, келганингиз куниёқ ҳайдаб юборардим. Иш пайтидаги хатоларингизни доим маъзур тутаман. Зотан, сиз совуққонлик, бефарқлик билан ёки қасдан эмас, ноҳосдан хато қиласиз, бу кечиришга лойиқ. Ихлос – энг муҳими, маҳорат Аллоҳ насиб этса, қўлга киради. Сенинг бир ҳафтада бир эмас, бир неча марта саҳвга йўл қўйишинг ҳам қасдан ёки лоқайдлиқдан эмас, бошқа сабабдан содир бўлди. Ўша сабабни айтасанми?

Хўжа Али индамади, лекин “дув” қизарди. Уста нишонда адашмаганига ишонч ҳосил қилди ва сўради:

– Болам, уялмасдан айт: у кимнинг қизи?

Хўжа Али Устадан бу саволни қутмаган эди, шунинг учун, довдиради, жойида ўтиrolмай қолди, ҳаёси унинг ҳароратини кўтариб юборди, ёноқлар қип-қизариб, овози қалтиради:

– Йўғе, устоз... Йўғе, ҳалиги...

– Болам, Абдулҳайнинг қизими? – шогирднинг ҳолатига эътибор бермагандек навбатдаги саволни рўпара қилди Уста. Хўжа Али йўқ, деб бош қимиrlатди. Уста эса шогирди шу маҳалладаги ошиқ бўлганига амин эди. Чунки етти кун саҳардан оқшомгача шу ерда кун ўтказаётган йигит Кашмир гўзалини тушида кўриб, севиб қолмас, ҳарқалай.

Кекса ҳолвачи бўйи етган қизи бор хонадонларни бирма-бир айтаверди.

– Шайх Қосимнинг қизими? – деган эди, Хўжа Алиниң кўзи чараклаб кетди, бошини кўтариб, ҳатто, овозини хийла баландлатиб:

– Ҳа! – деб юборди.

Устоз шогирднинг беғубор ҳолатидан завқланиб, беозор кулди:

– Яхши, болам, катта қизими? Яхши. Сен иложи борича кўнглингни хотиржам қил, мен отанг билан маслаҳат қилай, совчиликни тезлаштирай.

Хўжа Али бундай лутфни ҳеч қутмаган эди, унинг назарида, Уста унинг тушида сўради, совчилик ҳақида айтди.

Бухорий ҳолвачи Хўжа Али билан гаплашиб бўлгач, кўча якtagини кийиб, чиқиб кетди. Шогирдлар, ҳатто, халфа (Устанинг ўринбосари) Хўжа Алини ўраб олиб савол бера кетдилар:

– Нима бўлди?

– Уста нима деди?

– Жазоладими?

– Уста қаерга кетди?

Хўжа Али ҳеч кимга жавоб бермади, фақат ўзига ўзи илжайгани илжайган эди.

– Бу савдойи бўлиб қолибди, – деди Халфа, ниҳоят. – Ҳамма ишга!

Хўжа Алининг юраги дукурлади. Кимнидир қўргиси келяпти. Қандолатхонадан секин сирғалиб чиқди, оёғи уни Шайх Қосимнинг боғ ҳовлисига олиб кетди. Фақир бўлса-да, Шайхнинг меҳмони кўп: косибу ҳунармандлар, олиму талабалар, ёшу қари дам-бадам киради, чиқади.

Йигит орқа эшикка ўтди. Бу ер хилватроқ. Кўчадан ичкарига йўлак билан кирилади.

Шу ерда Хўжа Али қизни тасодифан, бир марта, ён тарафдан кўрди. Унинг хаёлида бир гўзал қиёфа қолди. Энди фақат шу чехрага термилиб ўтиришни истарди у. Бошқа ҳеч нарса керак эмас: ҳолва ҳам, новот ҳам, пашмак ҳам, парварда ҳам!

Ухласа ҳам, тушида қизнинг ён томондан узорини кўради.

Хозир у йўлак қархисига келиб ўтирди. Зора, қиз адашиб бўлса ҳам, кўчага чиқса! Хеч бўлмаса, бир марта, бир мартагина жамолини кўра олса!

Йигитнинг кўнгли тоқатсизликдан ёнаётган эди. У оқшомгача Шайх Қосимнинг боғ ҳовлисининг деворига тикилиб вақт ўтказди. Аслида, вақт ўтганини у идрок этмади. Пешинни ҳам, асрни ҳам, шомни ҳам қазо қилди, ҳолбуки, намоз ўқиши ёдидан мутлақо фаромуш бўлди. Йигитнинг кўзлари эса ҳамон деворда.

Кимнидир елкасига секин қўлини қўйди. Хўжа Али оёғини қучоқлаб, иягини билагига қўйиб ўтирган эди, чўчиб қаради: тепасида Уста турибди!

– Ассалому алайкум, Уста!.. – деб сакраб туриб кетди Хўжа Али.

– Ва алайкум ассалом, – сокин алик олди Уста. – Намозларни ўқидингми, болам?

Хўжа Али шу ондагина фарз ибодатларини унутганини эслади.

– Йўқ, унутибман, Устоз, – деди изтироб билан.

– Овқат едингми? – яна сўради Уста.

– Овқат? Йўқ...

– Уйингта бор, ота-онанг хавотир олмасин, қазо намозларингни ҳам ўқи, қолдириб юборма, майлими?

– Хўп, албатта, Устоз!..

Хўжа Али шошиб йўлга тушаркан, Уста уни тўхтатди:

– Дарвоқе, болам, биз шайх Қосим билан гаплашдик, эртага яна келамиз, жавобини айтишади. Инша Аллоҳ, шайх сенга қизини беради.

Хўжа Али тўйгача ҳаяжонда юрди. Хайрият, катталар йигирма кунда тўйни ўтказишиди, Бухорий ҳолвачи ўртада тургани учун иш жуда осон кўчди.

Тўйдан сўнг, бир ойдан ўтиб, Хўжа Али ишга келди. Энди уни таниб бўлмасди: у шердай кучга тўлганди, ишлаб чарчамасди.

Сабринисо Хўжа Али кутганидан аъло чиқди. Келинчак камбағалгина оиласа файз киритди. Хўжа Алиниң икки акаси ҳали бўйдоқ эдилар, ота уларга ҳам қиз излаб қолди.

Бир йилга бормай, улар уйланишди.

Тўй жуда ихчам ўтди.

Ҳиндистонда иқтисодий инқироз беҳад кучли. Бойларнинг ҳам бели ингичкараб қетган. Қолаверса, Исломда тўйдан мурод никоҳ эълони ва эҳсон бўлгани учун Хўжа Асқарнинг ўғиллари валимаси фақат энг яқинлар келишиди.

Келаси бир йилда икки ака аёллари билан алоҳида чиқишиди. Оилада Хўжа Али ота-она хизматида қолди. У жуда мамнун эди.

Аёли Сабринисо жуда меҳнаткаш, синиқдил ва ибодатгўй эди. Нафл рўза ва намозлар ўқигани эрини рағбатлантирарди, уламолар сухбатида бўлишга чақираварди, “Кўп ишламанг, кам, лекин баракали ишланг, барака эса Аллоҳнинг зикрида!”, – дер эди эрига.

Хўжа Али уйланиб, ҳаётига ранг, мазмун кирганини сезди. Устанинг дуоси билан уйида қандолатхона очди. Аёлига ҳам хунаридан ўргатди. Сабринисо ҳомиладор ҳолида ҳам меҳнат қиласиди. Ишлаётганида эса лаби тинимсиз қимиirlайди. У бу ҳолда ё Қуръон, ё бирор дуони ўқииди.

Беш йил ичида ёш оилада икки ўғил туғилди. Хўжа Асқар жуда мамнун, дастурхони тўлиб-тошмаса-да, ҳар кунги егулиги учун Аллоҳга шукур этади.

Ўшанда Сабриниса учинчи фарзандига юкли эди. Хўжа Али шириналарини шаҳар марказига элтиб сотишни ўрганди.

Навбатдаги савдода у мижози билан тортишиб кетди. Бу нусха Хўжа Али билан жанжаллашгани келган эди.

– Шириналарига айнигар экан, – деди ўша мижоз лабини дўрдайтириб.
– Ташлаб юбордим.

– Кечиринг, соҳиб, сизни эслолмадим. Қачон мендан харид қилгансиз?
– деб сўради ажабланиб Хўжа Али.

– Эслай олмайдиган бўлиб қолдингми? – мижоз важоҳат билан Хўжа Алига яқинлашди. Харидорнинг думалоқ ва семиз юзи, осилган тоғорадай қорни, бетартиб ва қазғоғи тошиб чиққан соchlари ва дидсиз кийиниши у ҳақда беихтиёр салбий таассурот уйғотар эди. Хўжа Алиниң бундай одамлар билан тортишишга вақти йўқ, муросага қарор қилди:

– Майли, соҳиб, янглаётган бўлсангиз-да, сизга текинга шириналар бераман, – деди иложи борича ўзини босиб. – Қандай шириналар оласиз?

– Сен мени жинни, деяпсанми? Мен тиланчи эмасман, ўз ҳақимни сўрайапман! – харидор овозини кўтарди. – Сен ёлғончи экансан!

Хўжа Али бу одамнинг нияти яхши эмаслигига амин бўлди.

– Менга қара, – деди жиддийлашиб. – Нима хоҳляяпсан? Мақсадинг нима?

— Мақсадим сени жағингни эзиш! — деди ю харидор Хўжа Алига мушт солди. Хўжа Али чап беришга улгурди ва рақибининг мешдай қорнига жавоб зарби йўллади.

Икки дақиқадаёқ мешқорин ерга думалади. Шуни кутиб тургандек, оломон йигилди. Орада кимдир:

- Одамлар! Мусулмонлар ҳиндларни уряпти! — деб бақирди.
- Нима?
- Қани?
- Қаерда?

Ҳамма томондан одам ёғилди: ҳиндлар, мусулмонлар Хўжа Алини ўраб олди. Ерда ётган “харидор” бир амаллаб тураркан жарбийда овозда бақирди:

- Манави мени кофир ҳинд, деди! Урди!

Энди тумонатни бошқариб бўлмайди. Ҳиндлар қий-чув билан Хўжа Алига ёпирилди.

Кимдир Хўжа Алининг қўлидан тортиб оломон ичидан суғуриб чиқди.

— Тезда бу ердан қоч! — деди уни қутқарган киши. У серсоқол ўрта яшар мусулмон эди.

- Ўйланма! Тезда кет! Бу ер сен учун хавфли!

Хўжа Али бошқа иложи йўқлигини билиб, олондан тезда узоклашди. Одамлар орасида эса даҳанаки олишув қизиб борарди.

- Мусулмонлар ҳаддан ошяпти!
- Уларни ҳайдаш керак!
- Ўрнини билиб юрсин улар!
- Қани анави зўравон?
- Ур уни!
- Мусулмонларда айб йўқ!

Муштлашув бошланди: ҳинд мусулмон бўлса, бас, уришни, майиб қилишни истар эди. Олон шовқин кўтарди, шайтоний васваса ҳамманинг эсини олиб қўйди.

Бирор тош билан, бирор сўйил, бирор пичоқ билан бир-бирига хужумга ўтди.

Полиция етиб келди, ҳавога ўқ узилди, урушаётганлар бирма-бир хибсга олинди.

Бу можаро, аслида, биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмасди, фақат бу худудда ҳинд-мусулмон тўқнашуви деярли содир бўлмас эди.

— Бу қандай бемаънилик! — тезкор мажлисда полиция бошлиғи Мукеш Мукрининг фифони фалакка чиқди. Чунки қамоқ тўлиб кетди, вазият издан чиқишига бир баҳя қолди. — Бу ишнинг ортида ким турибди! Ҳаммасини аниқланг! Айборни ким бўлишидан қатъий назар, жавобгарликка тортинг! Менинг худудимда бундай хунрезликка йўл қўймайман!

— Мукеш соҳиб, — эшикни қия очиб мўралади полиция бошлиғи ёрдамчиси.

– Ҳа! – деди Мукеш асабий.

– Сизни ҳоким ўринбосари чақирибди.

Бош зобит айнан шу масалада ҳисобот беришини билиб, дастлабки маълумотларни олиб, ҳоким идорасига борди.

– Мукеш соҳиб, сизнинг узоқ йиллик меҳнатларингизни биз ҳамиша қадрлаймиз, – деди уни ўз хонасида қабул қилган ҳоким ўринбосари. Бош зобитни унинг ўта хотиржамлиги ҳайрон қолдирди. Чунки у амалдорни асабий ёки ғазабнок ҳолда кўришини тахмин этганди.

– Ташаккур, жаноб! – деди бош зобит.

– Мусулмонларнинг ҳиндларни таҳқирлаши ҳақидаги ишни ўрганяпсизми?

– Биз воқеага аниқ ном бермадик, буни оддийроқ қилиб, бетартиблиқ, деб атаяпмиз, – тушунтириди Мукеш. – Диний ёки ирқий адоват таърифидан узоқ турганимиз маъкул, деб ўйлайман.

– Бу ўйлашингиз менга ёқмади, – деди ҳоким ўринбосари. – Сиз кўриниб турган ҳақиқатни яшиromoқчимисиз? Диний адоватни хаспўшлайсизми? Мусулмонлар ҳиндларни кофир, мушрик, деб жанжал кўтартгандари ҳаммага аён!

Бош зобит амалдорнинг бу қадар ишонч билан гапираётганидан ажабланди.

– Мени маъзур тутинг, пандит жий, – деди эҳтиром билан. – Мен, башарти, диний адоват юзага келган тақдирда ҳам буни муроса йўли билан ҳал этишни истайман. Одамнинг эътиқоди билан ҳазиллашиб бўлмайди. Эътиқодга ҳужум фақат қон тўкишга етаклайди. Сизга бироз нотўғри хабар берибдилар. Жанжал биз томондан, яъни бироз жоҳил ҳиндлар тарафидан чиқарилган. Бизнинг шахримизда мусулмонлар жуда беозор. Улар ўз меҳнатидан ортиб, бош қашишга вақт топишмайди.

Ҳоким ўринбосари бош зобитни жим тинглади. Худди уни маъқуллагандек, чеҳраси очилиб:

– Ишлаш тамойилингиз таҳсинга лойиқ, – деди. – Ўзим жаноб ҳокимга ҳисобот бераман. Сиз маълумотларни қолдириб, хизматга қайтаверинг.

– Ижозатингиз билан, – деди бош зобит ва хонани тарқ этди. Ўринбосар ҳокимнинг ҳузурига кирди.

– Бош зобитнинг фикрича, бу оддий жанжал, жаноб ҳоким, – деди маълумотлар қофозини ҳокимга тақдим этаркан.

– Мен ҳам шундай ўйлайман, – деди ҳоким варақларга қўз югуртириб. – Сиз янгисиз, балки, яхши хабардор эмасдирсиз, мен диний адоватга қарши жиддий курашаман. Мусулмон ва ҳиндлар, насронийлар орасида келишмовчилик бўлмасин, дейман. Йигирма йилдан буён менинг шахримда мусулмон ёки ҳинд бир-бирига дин сабабли овоз ҳам кўтартмади. Мен бор эканман, бунга йўл қўймайман.

– Ҳурматим борган сари сизга зиёда бўлаётир, ҳоким жаноблари! – ялтоқланди ўринабосар.

У ўз хонасига қайтди, тоза варақ олди ва қуидагиларни ёзишга киришди:

“Жаноб Қора Синхга.

Мен ўзимга юкланган вазифани адо этишга киришдим. Кўплаб амалдорларни ўзимга оғдириб олдим. Шаҳарнинг бой қатлами ҳақида пухта ахборот жамладим. Ҳинд-мусулмон тўқнашувининг биринчи қисмини амалга оширдим.

Бу воқеа Каширидаги каби катта қон тўкиш, мусулмонлар қирғинини келтириб чиқариши лозим. Бироқ шаҳар ҳокими ва бош зобити эскича фикрли одамлар. Иккаласи болалиқдан дўст эмиш. Улар диний адоватга қарши туришларини айтиб мақтанишди. Жаноб Қора Синхдан бу иккисига қандай чора кўриш ҳақида буйруқ кутаман. Бизнинг лойиҳаларимизга бу икки қария жиддий тўсиқдир.

Хурмат билан Сариқ Жосус”.

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Подшоҳнинг амри билан болани тоғ чўққисига олиб чиқдилар. Унга яхши гапирдилар, насиҳат қилдилар, дўқ урдилар:

“Эй бола! Подшоҳ билан ўйнашма! У жуда қудратли. Сен сеҳргар сифатида унинг хизматида бўл. Ҳаётинг фаровон, қўлларинг узун яшайсан. Аллоҳдан воз кеч! Бошингдан бундай васвасани чиқариб ташла. Акс ҳолда, сени қатл этамиз!”

Бола уларга айтди:

“Аллоҳ оламларнинг якка Эгаси, фақат У ибодатга лойиқ. Унга иймон келтиринг, нажот топасиз!”

Подшоҳнинг сарбозлари ғазабланиб, болани улоқтириш учун уни ушладилар. Бола: “Аллоҳуммакфийни би ма шиъта！”, яъни “Аллоҳим, уларга Ўзинг хоҳлаган нарса билан кифоя қил！” – деб дуо қилди. Дуо ижобат бўлиб, чўққи ларзага келди, барча золимлар зилзиладан даҳшатга тушиб, ўзлари баланд тоғдан пастга “учиб кетдилар”. Бола эса соғ-саломат подшоҳнинг хузурига келди. Халқ ҳайратга ғарқ бўлди, одамлар боланинг Роббисига Аллоҳга иймон келтира бошладилар.

Подшоҳ болани тирик ҳолда кўриб ҳам қўрқди, ҳам қаҳр ила қутурди. Яна бир гуруҳ навкарларга буюрди: “Буни кемага солиб, денгизнинг ўртасига элting. Тушунтиринг, насиҳат қилинг, динидан қайтсин! Қайтмаса, денгизга чўқтиринг!”

Хизматкорлар кема денгизнинг ўртасига боргач, боланинг қўл –оёгини боғлашди. Улоқтиришга шай қилиб, дедилар:

“Эй бола! Подшоҳдан қўрқ! Аллоҳни унут, Роббингдан воз кеч! Подшоҳнинг худо қилиб ол. У сени мукофотлайди, Ер юзида шон-шараф, давлат ва савлат ила юрасан. Акс ҳолда, сени дengизга отиб юборамиз. Наҳанг ошқозонида ҳазм бўласан!”

Бола хотиржам туриб, уларга шундай жавоб қилди:

“Эй одамлар! Тавба қилинг ва ёлғиз илоҳ, бутун оламнинг Роббиси Аллоҳга иймон келтиринг ва таслим бўлинг! Акс ҳолда, сиз ва подшоҳингиз жаҳаннамда ёнасизлар!”

Аскарлар болани кўтариб, дengизга ташлашга шайландилар, бола эса: “Аллоҳуммакфийни би ма шиъта!” – “Аллоҳим, уларга Ўзинг хоҳлаган нарса билан кифоя қил!” – дея дуо қилди. Денгизда пўртана кўтарили, шамол эсди, тўлқинлар кемани шундай кўтардиларки, боладан бошқа ҳамма дengизга йиқилиб, наҳанг ошқозонига бориб тушдилар.

Боланинг эса қўл-оёқлари ечили, у кема билан қирғоққа сузаб чиқди ва кофир подшоҳнинг олдига борди.

Болани кўрган подшоҳнинг тоқати тоқ бўлди, у қатлга ҳукм чиқарди.

Мамлакатдаги одамларни катта майдонга йиғди, болани бир устунга чирмаб боғлади.

“Эй одамлар! – деди подшоҳ. – Мана бу нонкўр болага сеҳр илмини ўргатишни мен буюрдим. Бу бўлса, қандайдир роҳибдан бемаъни нарсаларни таълим олди. Роҳибни шу қилмиши учун қиймаладим. Энди навбат болага келди. Ким унга эргашган бўлса, ақлини йиғиб олсин! Акс ҳолда, ҳаммангизни ўтда ёқаман!”

Подшоҳ шундай деб, болага юзланди:

“Эй аҳмоқ! Менинг худо эканимни тан ол! Шунда сенга ҳаёт бераман!”

Бола кулди ва: “Эй нодон подшоҳ! Сендан олдин ҳам сендан құдратли подшоҳлар бор эдилар. Ҳаммаси ўлди. Кофирлари Аллоҳнинг қаҳрига учрадилар. Сен ҳам улардан бўлма! Аллоҳга иймон келтир ва таслим бўл!” – деб ҳайқирди.

Подшоҳ бу ҳайқириққа чидай олмай, шахсан ўзи камондан болага ўқ узди. Ўқ нишонга тегди, лекин бола ўлмади. Кофир ҳукмдор яна бир неча бор ўқ отди, ўқлар болага тегса-да, санчилмасди ҳам, озорламасди ҳам.

Бола подшоҳга айтди:

“Эй подшоҳ, сенга ўзимни ўлдиришнинг йўлини ўргатаман. Ўқни “Боланинг Роббиси Аллоҳ номи билан!” дея менга от!”

Подшоҳ халқ олдида ўз айтганини қила олмаётгани учун шарманда бўлаётган эди, шунинг учун, газабдан кўзига ҳеч нарса кўринмади, камонни ўқлади ва: “Боланинг Роббиси Аллоҳнинг номи билан!” – деб бақириб, пайконни қўйиб юборди.

Ўқ боланинг юзига санчилди, у қонга беланди, бор кучини йиғиб, “Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ!” – дедиую, жон берди.

Подшоҳ шундагина нима қилиб қўйганини тушунди: минглаб одамлар боланинг ҳақ йўлда бўлганлигини ўз кўзлари билан кўрган бу кароматдан сўнг англаб, иймон келтирдилар.

Подшоҳ эса аскарларига оломонни қуршовга олишни амр этди. Беҳад улкан чоҳ кавлатди. Чоҳни эса жуда кўп ўтин билан тўлдириб, уч кун олов ёқтириди. Сўнг қўшинига буюрди: “Аллоҳга иймон келтирғанларга айтинг! Динларидан қайтсинлар! Акс ҳолда уларни чоҳга улоқтиринг! Оловда куйиб, кул бўлсинлар!”

Иймон келтирғанлардан ҳеч ким кофир подшоҳнинг амрига итоат этмади. Аскарлар уларни олов тўла чоҳга судраб, суриб улоқтира бошлидилар. Одамлар ичида ёш гўдагини кўтарган аёл фарзанди сабаб оловдан қочмоқчи эди, гўдак тилга кириб: “Онажон, қўрқманг! Сиз ҳақ йўлдасиз!” – деди.

Мўминлар чоҳга йиқиларкан, Олов Аллоҳга илтижо этди:

“Аллоҳим! Кофирлар наздида иймондан бўлак айби бўлмаган мўмин кулларингни зинҳор ёндиришни истамасман! Уларни Ўз Олий Даргоҳингга кўтар!”

Аллоҳ чоҳга улоқтирилган барча мўминларни баданларини куйдирмасдан, жонларини уларга енгил ва хузурли ҳолда олди ҳамда Ўз Олий даргоҳига кўтарди.

Олов эса: “Аллоҳим, Сенинг изнинг ила кофирларни куйдирман!” – деди ва чоҳ тепасига шиддат ила чиқди. Кофир подшоҳ ва унинг барча қул, хизматкор, лашкари билан биргаликда ўз домига ютиб, азоблаб куйдирди, ҳалок этди.

Ушбу буюк қисса мазмунини имом Муслим раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилган ҳадисдан топиш мумкин. Аллоҳ таоло Буруж сурасининг 4 – 9-оятларида бу воқеа ҳақида шундай марҳамат этган:

“Чоҳ эгаларига лаънат бўлсин! У чоҳнинг ёқилғиси оловдир. Кофирлар ўша олов тўла чоҳ атрофида ўтирибдилар. Улар иймон эгаларига қандай зулм этган бўлсалар, ўша ишларига ўзлари гувоҳдирлар! У кофирларнинг мўминлардан топган “айб”лари шу бўлдики, мўминлар Иззат ва Ҳамд эгаси бўлган ёлғиз Аллоҳга иймон келтирган эдилар. Аллоҳ, осмонлару ернинг подшоҳлиги фақат Унга хос бўлган Зотdir. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага гувоҳдир!”

Абдуллоҳ Ёрқин камерада ўтириб, Айдар ва Найновдан мусулмонлар устидан қилинаётган зулмлар ҳақида эшитгач, титроқта тушган эди. Бу титроқ қўрқувдан эмас, иймон эгаларига бўлаётган ҳақсизликдан туғилди. Бироқ унда: “Аллоҳуммакфийни би ма шиъта!” яъни, “Аллоҳим, уларга Ўзинг хоҳлаган нарса билан кифоя эт!” деб дуо қилишдан бўлак чора йўқ эди. Абдуллоҳ шундай деб дуо қилди. У ҳали бу дуони кўп зикр этади. Биз эса Сизга бу муборак дуонинг тарихини айтиб бердик.

Энди эса Абдуллоҳнинг қамоқдаги ҳаёти ҳақида хикоя қиласиз.

Икки кундан сўнг, терговчи Абдуллоҳни чақиртириди. Адвокат Тублибек ҳам келибди.

– Мана, сизнинг “иши”нгиз, – деб терговчи қалин ва қора жилдни Абдуллоҳ томон сурди. – Ўқиб чиқинг ва керакли жойларини имзоланг.

Абдуллоҳ ўз “жиноий иши” диққат билан ўқишга киришди: у тушунтириш хатида ёзиб берган ҳамма нарса киритилибди, аввалги сафарги тергов тафсилоти ҳам икир-чикирларигача баённомага туширилибди. Ҳар бир саҳифанинг энг тагига, ҳар бир хатбошининг сўнгига, терговчининг ҳар бир саволига берган жавобидан кейин тасдиқ имзосини қўйиш шарт экан.

Ярим соат ичида Абдуллоҳ имзолашни тугатди. Энди адвокат қўл қўйишни бошлади.

Абдуллоҳ ишнинг бу қадар силлиқ кетаётганидан шубҳага тушди. Бу “адолат” ортида, албатта, қандайдир разолат борлигига, негадир, ич-ичидан амин эди.

Адвокат ҳам ишини битиргач, терговчи эълон қилди:

– Абдуллоҳбей, жабрланувчи, Хитой Ҳалқ Республикаси фуқароси жаноб У ва гувоҳ Саримсоқ Сағир ўғли ҳам келишган. Чакиринглар!

Хонага Абдуллоҳ қалтаклаган хитойи аввал кирди. У худди отасининг мулкига киргандек керилди, бурни осмонда. Терговчи ўрнидан туриб, Уни кутиб олди, ўтириши учун курси кўрсатиб, хитойчалаб чукур мулозамат қилди.

Бўйинини қисиб, хитойидан қалтак еган хизматчи ҳам шу ерда ҳозир бўлди. Абдуллоҳ хизматчига диққат қилди: у жуда ориқ, нимжон ва касалмандлигини эса қиёфаси “айтиб турибди”.

Терговчи хитойи У билан анча чуғурлашди, кейин Абдуллоҳга деди:

– Абдуллоҳбей, сиз жаноб Уни бесабаб урибсиз.

– Йўғе, у мана бу йигичани ўзи урди-ку! Мен бир мазлумни ҳимоя қилдим, холос.

– Жаноб У эса аксинча айтяптилар... – деди терговчи ва хизматчига савол берди. – Сиз мана қаршингизда ўтирган айбланувчи жаноб Уни беаёв ва ваҳшийларча дўппослаганини холис гувоҳ сифатида тасдиқлайсизми?

Саримсоқ Сағир ўғли дам терговчига, дам хитойига, дам Абдуллоҳга мўлтиради. Овози қалтираб деди:

– Ҳа, тасдиқлайман.

– Қандай бесабаб? – ҳайрон бўлди Абдуллоҳ. – Хитойлик сизни ураётган эди. Мен эса ҳимоя қилдим-ку!

Хизматчи жим бўлиб қолди. Билинар-билинмас минғирлади:

– Мени ҳеч ким урмади. Сиз жаноб Уга сабабсиз тажовуз этдингиз...

– Тажовуз?! – Абдуллоҳ қулоқларига ишонмади. Ўрнидан сапчиб турди. – Ҳой, ноинсоф! Нега алдаяпсан? Нега менга тухмат қиляпсан?

– Алдамаяпман! Тухмат қилмаяпман! – Саримсоқнинг овози туйқус дадиллашса-да, йифлагудек бўлиб гапирди. – Сиз жаноб Уни негадир хақоратладингиз. Урдингиз, мен эса буни кўрдим, ҳозир эса тасдиқлайман!

Абдуллоҳнинг тарвузи қўлтиғидан тушди. У ҳаммасини тушунди.

– Эҳ, бечора!.. – деди ҳорғин қараб хизматчига. – Менга тухмат қилсанг, сенга душманлар лутф қиласиларми? Улар учун бир кўпакчалик ҳам қадринг йўқ.

– Тухмат қилмаяпман! Алдамаяпман! – деди хизматчи.

– Йўқол! – деди Абдуллоҳ унга.

– Айбланувчи, гувоҳга тазийқ ўтказманг! – огоҳлантириди терговчи ва даъвогар ҳамда “холис”га кетиш учун рухсат берди. Абдуллоҳ асабий эди.

– Уларнинг кўрсатмалари расмийлаштирилади, ишни судга ўтказаман, – деди терговчи. – Конун олдида жинояtingиз учун жавоб берасиз.

– Кўйсангиз-чи! – Абдуллоҳнинг энсаси қотди. – Қайси қонунни аятяпсиз? Ўзингиз ўша қонунингиз ишламаслигини жуда яхши биласиз-ку!

– Сизга яна бир янгилик бор, – Абдуллоҳнинг гапига эътибор бермади терговчи. – Устингиздан шикоят тушди. Раҳбарият бу ишни ҳам менга топшириди. Бу бошқа жиноят. Ўта оғир турдаги, ўта хавфли жиноят. Бу алоҳида тергов, алоҳида суд, демакдир.

– Сизлар тухматдан чарчамас экансиз, яна қандай ўйин топдингиз? – тишининг орасидан гапирди Абдуллоҳ.

– Терговга халал беряпсиз,adolatli Давлатимиз тизимини ҳақоратлаяпсиз, ҳар бир гапингизни “ишингиз”га қўшаман, жазони оғирлаштиради, – деди терговчи.

– Шундай денг? – кулди Абдуллоҳ. – Ажойиб! Ҳақ гапни айтсанг, терговга халал берган бўласан! Қойил қолдим.

– Абдуллоҳ Ёрқин! Эшитинг! – деди терговчи қўлидаги вараққа тикилиб. – Сиз, Туркия ватандоши, буюк Хитой Xалқ Республикасига фитна уюштириш, давлатни обрўсизлантириш, Хитой фуқаролари орасида давлатига ишончсизлик уйғотувчи тухматона уйдирмалар тарқатиш, бетартиблик келтириб чиқариш мақсадида таълим дастури ниқоби остида кириб келиб, фаолият юритганликда айбланасиз!

Абдуллоҳ ўзини кулишдан тўхтата олмай қолди.

– Бу қандай аҳмоқона бўхтон бўлди, жаноб терговчи! – деди. – Урумчига келишимдан йигирма тўрт соат ўтмай қамоққа тиқдингиз. Қандай қилиб фаолият юритаман?

– Биз осмондан олиб гапирмаймиз, – деди терговчи дўқ оҳангода. – Фуқаро Мойимхон Сотимга учақмайдондан меҳмонхонага келишда экстремистик, террористик ва антикоммунистик ғояларни сингдиришга урингансиз. Ана шу хатти-ҳаракатингиз уюшган ҳолда давлат тўнтариши уюштириш йўлидаги фаолият ҳисобланади. Лекин ватанпарвар фуқаро сизнинг қутқуларингизга учмади, ёт ғояларингизга алданмади, ўз вақтида тегишли ташкилотларга хабар берди. Ана энди ана шу фитнанинг хусусида алоҳида тергов ўтказаман.

Абдуллоҳ лол эди. Мақрнинг бу қирраси унинг ақлини шоширди.

– Энди менга макр қилдингиз, шундайми? – деди терговчига. – Билиб қўйинг, Аллоҳ ҳам сизга шундай макр қиласиди, кўзингизга ҳеч нарса кўринмай қолади!

– Абдуллоҳбей! Абдуллоҳбей! – шу онда тилини ютиб юбориб жим ўтирган Тублибек гап қотди. – Бундай қизишманг! Ишни қийинлаштирманг! Агар айбловда хатолик бўлса, қонунан курашамиз.

– Сиз ҳам қонун дейсизми? Кўряпман қонунларингизни! Жуда “мукаммал” ишляяпти! – заҳарханда қилди Абдуллоҳ.

– Судда бу гапларингиз учун ҳам жазо оласиз, – деди терговчи совуқкон. – Сизга савол: сизни ким Хитойга юборди? Фоявий раҳнамоингиз ким? Моддий таъминотчингизнинг исмини айтинг.

– Мен бу масалада бирорта саволингизга жавоб бермайман! – деди Абдуллоҳ.

– Терговга ёрдам беринг, – огоҳлантириди терговчи. – Ўзингизга осон бўлади.

– Осонлаштирувчи ҳам, қийинлаштирувчи ҳам Аллоҳдир! – деди Абдуллоҳ.

Терговчининг кўзида бирдан ёвузлик чақнади:

– Менга қара, маҳбус, ўзингни ким деб ўйлаяпсан? Бу қамоқ жаҳаннам эканлигини кўрдингми? Сени ҳеч чертмаяпти? Биласанми, нима учун? Чунки юқоридан айтишди: келгиндининг бурни қонамасин, дейишид! Акс ҳолда, унингни ҳам чиқара олмасдинг! Киндигингдан бошлаб қорнингни ёриб, ичагингни салла қилиб, бошингга ўраб қўярдим, аллақачон! Худойингга ибодат қилиб ўтирадинг! – деди оғзидан тупук сачраб. – Индамаганим сари бошга чиқяпсан! Суд ўтади, камида ўн бешта оласан, камида ўн беш! Жамлоқда эсингни киритиб қўйишади!

Адвокат Тублибек терговчининг дағдағасидан ранги оқариб, нафас ололмай қолди.

Абдуллоҳ пинагини бузмади. Терговчига хотиржам деди:

– Асл башарангизни очдингиз, офарин! Кўзбўямачиликка ўйлаб топган қонунларингизни беҳаёларча пеш қилишингиз-чи! Мойимхоннинг шикояти юзасидан эса битта сўз айтмайман ҳам, ёзмайман ҳам!

– Мард экансиз-да, Абдуллоҳбей! – тўсатдан тиржайди терговчи. – Шундай жиноятларни бўйнингизга қўяманки, икror бўлсангиз ҳам, бўлмасангиз ҳам, bemalol камоқقا кириб кетаверасиз!

– Кўлингиздан келганини қилинг, жаноб терговчи! – Абдуллоҳ шундай деб ўрнидан турди. – Миршабларга айтинг, камерамга қузатиб қўйишсин!

Терговчи ташқарига чиқди, Тублибек овози қалтираб, ялингганнамо деди:

– Абдуллоҳбей, терговчидан кечирим сўранг! Ўзингизга қийинчилик тугдирманг!

– Хавотирланманг, ҳасбияллоҳу ва ниъмал Вакийл! – деди Абдуллоҳ қатъий. – Сиз ота-онамга қўнғироқ қилдингизми? Менга шуни айтинг!

Тублибек жавоб беришга улгурмади, икки миршаб кирди ва Абдуллоҳнинг қўлини қайириб, олиб кетдилар.

Абдуллоҳ ўз камерасига эмас, зиналар орқали ер тагига, ним қоронғу, чироғи хира милтираётган йўлакка тушаётганини кўриб, бақирди:

– Мени қаёққа олиб кетяпсанлар! Кўйиб юбор! – деб силтанди.

Ер тагида узун, охири кўринмайдиган, эни икки қулоч келадиган йўлакка тушдилар. Бетон деворларда ўргимчак тўри йилтирайди. Димоқقا «гуп» этиб йиринг, қон, зах, нажосатнинг аралаш иси урилди. Ҳаммаёқдан ингрок овзлари тараларди.

– Сенинг тилинг жуда узун экан, келгинди, – деди миршаблардан бири.
– Тили узунлар билан яқиндан танишиб ол -чи!

Иккинчи миршаб хиринглади. Биринчи темир эшикнинг қаршисида тўхтадилар. Йўлакнинг нарига томонидан миршаб кийимида баланд бўйли, тиртиқ лабли, бесўнақай бир нусха уларнинг олдига келди.

– Кимни келтирдинглар? Янгисими? – деб сўради хириллаган товушда.

– Ҳа, янгиси. Янги келинчакдек нози бор, – боя хиринглаган миршаб. Абдуллоҳ бу гапни эшишиб бир силтанди.

– Бунга ҳамма камераларни бир-бир кўрсатсанг, Девоға, – илтимос қилди миршаблардан бошқаси. – Келажак маскани билан яқиндан танишиб олсин!

Девоға:

– Яхши, – деди-да, Абдуллоҳнинг орқа ёқасидан даст кўтариб ерга қўйди. Абдуллоҳ бўғилиб, йўталди. Дев уни судраб биринчи темир эшик рўпарасига келтирди. Эшикнинг тамбасини суриб, очди.

– Ичкарига қара, маҳбус, – деди қўлчироқ билан ёритиб.

Ичкарида икка яланғоч маҳбус икки томонга қўлидан осиб қўйилган. Уларнинг оёқда туришга қуввати қолмаган, билакларини темир ҳалқа тишлаб турибди. Корин ичига тортилиб, тери қолган, холос. Қовурғалари саналиб ётибди. Соч ва соқол патак бўлиб ўсган, битлаган. Елка, сон, болдиrlаридағи яралари йириллаган, пашша вижиллайди, майда қуртлар босган. Камеранинг деворлари, поли қасмоқ. Ҳар ер-ҳар ерда одам нажосати. Камерага бир парча ҳам ёруғлик кирадиган дарча кўринмайди.

Абдуллоҳнинг димоғи ачишди, кўзидан дувиллаб ёш отилди.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Хўжа Алига полициядан одам келди.

– Дуода бўлинглар, Аллоҳим хайрлисини берсин! – деб тайинланади Хўжа Али отасига, йиғламсираётган онаси ва аёлига.

Полиция бошқармаси олдида одам кўп. Кимдир терговга келган, кимдир шикоят билан турибди.

– Хўжа Али Хўжа Асқар ўғли, сиз полиция бошлиғининг хонасига киринг! – полиция кийимдаги ёш қизи Хўжа Алига йўл бошлади.

– Келинг, фуқаро, – деб уни ўтирган жойида кутиб олди полиция бошлиғи Мукеш Мукри. – Ўтиринг. Ўзингизни танишириңг.

Хўжа Алининг ичида хавотир тўла эди. Нафасини ростлаб олиб, жавоб берди:

- Хўжа Али Хўжа Асқар ўғли.
- Ёшингиз?
- Йигирмада.
- Касбингиз?
- Қандолатпаз.
- Динингиз?
- Ислом.
- Мазҳабингиз?
- Ҳанафий.
- Қайси мадрасада ўқигансиз?
- Дорул ҳуффоз.
- Яшаш жойингиз?
- Аёдхия, Бобурийлар мавзеи.
- Уйланганмисиз?
- Ҳа.
- Аёлингизнинг исм-шарифи?
- Сабринисо шайх Қосим қизи.
- Фарзандли бўлдингларми?
- Фарзанд кутяпмиз.
- Қайнотангиз шайх Қосим қаерда яшайди?
- Аёдхия, Боғ мавзеида.

– Яхши, Хўжа Али, энди мен ўзимни таниширай. Полковник Мукеш Мукри, шаҳар полиция бошлиғи, ёшим 60га киряпти, йигирма йилдан буён полицияда бошлиқман. Мустақилликдан олдин ҳам сидқидилдан ишладим. Ҳиндистон озод этилгач ҳам, ишляпман. Ҳар икки даврда ҳам жиноятга қарши курашиб келяпман. Энди ўйлаб кўр, Хўжа Али, мен нима учун сен билан шахсан юзма-юз сухбатлашяпман? Нима учун маълумотларингни ўзим ёзиб олдим? Биласанми?

Хўжа Али елкасини қисди.

- Соҳиб, мен буни билмайман, – деди.
- Майли, буни билиб олиш учун вақтинг етарли бўлади. Сен менга ўзинг айт: кечака қаерда эдинг? Қандай жиноятга аралашдинг?

Хўжа Алининг ичида нимадир “шув” этди. Ранги туйқус ўзгарди.

- Ҳеч қандай жиноят қилмадим, – деди шошиб.
- Хўжа Али, кел, ҳаммасини осонлаштирамиз. Воқеа тафсилотини икир-чикирлари билан ўз тилингдан эшитсам, дегандим. Терговга берган ёрдаминг жазони енгиллаштиради, – деди бош зобит.
- Соҳиб, Худо хайрингизни берсин, ҳеч қандай жиноятга алоқам йўқ, ахир! – деди Хўжа Али ялинганнамо.

– Ўзим сенга ёрдам бераман: кеча, пешиндан олдин, шаҳар марказидаги раастада ширинлик сотаётган эдинг... Кейин нима бўлди? – сўради подполковник.

– Ширинлик сотишим жиноят эмас-ку! – деди Хўжа Али хотиржам тортиб.

Полковник Мукешнинг жаҳли чиқди.

– Ўзингни жиннига солма, олдингга келган мижозни нега урдинг? Нима учун уни кофир, мушрик, деб таҳқирладинг? Диний адоват уйғотмоқчимисан? Ким сенга бу ишни буюрди?

Хўжа Али кўзларини катта очиб деди:

– Мен уни кофир ҳам, мушрик ҳам демадим. Ўзи жанжал чиқарди.

– Ўзи жанжал чиқарди? – Хўжа Алиниг гапини такрорлади полиция бошлиғи. У бироз ҳадик билан турган, юзли нурли, соддалиги қиёфасидан аён бу мусулмон йигити алдамаётганига амин эди. Чунки полковник Мукеш турфа жиноятчиларни кўрган. Йилларки, уларни фош этди, қамади. Сал кам қирқ йиллик фаолият унга одамларни бир кўргандаёқ «ўқиб чиқиш» қобилиятини ҳадя этди. Кекса бош зобит шу тажрибасига таяниб, Хўжа Алида болаликнинг соғлиғи, ҳаётни билмаслик, бироз бўлса-да, анқовлик борлигини сезди. Бироқ йигитнинг фитратидаги тозалик барқ уриб турибди. Бу покиза фитрат ўзидан бебаҳо фазилатларни намоён қиласа, бироқ бу нуқтагача полковник Мукеш мулоҳаза қилиб улгурмади. У Хўжа Алидан воқеанинг ҳар бир нуқтасигача мукаммал билиб олиш ниятида эди.

– Қани, менга ҳаммасини айтиб бер-чи! – деди бош зобит овози мулойимлашиб.

Хўжа Али ҳинди “мижоз”нинг келиб, шовқин кўтаргани, ҳакоратлаб, уруш чиқаргани, калтак еб, тухмат билан бақир-чақир қилганини айтиб берди.

– Ҳиндилар мени уришлари мумкин эди, уйимга кетиб қолдим, – деб гапини тугатди йигит.

Полковник Хўжа Алини киприк қоқмай тинглади, унга мутлақо ишонди. Кеча ҳибсга олингандарнинг бир нечаси тергов қилинганди, кўпчилик, ҳиндийнинг “Мусулмонлар мени кофир деди!” – деб додлагани учун жазавага тушганини тан олди. Бироқ айнан бирор инсон: “Фалончи мени кофир деди”, – деб гувоҳлик бермади. Ҳамма эшитганига таянган, шундан ғазабланган.

Бир неча киши жанжал қандолатпаз йигит атрофида бошланди, деди. Полковник барча кўрсатмаларни хаёлан таҳлил қилиб, солишири бошлади. У фикрлаб олиши учун ёлғиз қолиши кераклигини ўйлади-да, Хўжа Алига деди:

– Сен ҳамма гапингни манави қоғозга ёзгин-да, навбатчи тезкор бўлимга бер. Уқдингми? Роҳит! Тушунтириш хатини олиб, қўйиб юборинглар. Зарурат туғилса, чақирамиз.

Полковник холи қолгач, фикрларини тартиблашга киришди.

“Одамларнинг ярмидан қўпи “Мусулмонлар бошимизга чиқиб кетди, энди таҳқирлаяпти”, – деган овозни эшитган. Лекин ҳеч ким бу овоз эгасини кўрмаган. Мана шу биринчи нуқта. Ва яна бирор одам ҳиндийларни сўккан мусулмонни ҳам билмайди. Иккинчи нуқта шу. Жанжал қандолат растасидан чиққан. Қандолатпаз билан гаплашдим... Шовқин кўтарган одам аниқ, лекин ҳибсдагилар орасида у бормикин? Лекин сўроқ қилинганлар орасида йўқ. Уни топсак, биринчи нуқтада нима борлиги маълум бўлади. Иккинчи нуқтада муаммо йўқ, яъни мусулмоннинг ғайридинни ҳақоратлагани уйдирма эканлиги тўқсон тўққиз фоиз аниқ ва равшан. Хўжа Алиниңг кўрсатмасига таяниб иш кўрсам, жанжал келтириб чиқарган одам орқали бу ишдан манфаатдор нуқтага чиқиб боришим мумкин. Терговни бугуноқ тугатиш шарт. Токи “биринчи нуқта”ни қўлдан чиқариб қўймайин! Дарвоқе, бетартиблик қатнашчиларининг ҳар бирининг турқини қўриб чиқишим лозим. Балки, Хўжа Али тасвирлаган одамни тахминан таниб оларман. Кейин маҳсус тергов ўтказиб, қандолатпаз билан юзлаштираман”.

Полковник ҳибсхонага бориш нияти билан ўрнидан туаркан, ёрдамчиси эшикни тақиллатиб кириб келди:

– Соҳиб, ҳибсхонада қотиллик содир бўлибди...

– Қотиллик? – полковник Мукеш деярли югуриб коридорга чиқаркан, буюрди. – Қандолатпаз шу ердами? Ушлаб туринглар, кетмасин! Тезкор бўлим бошлиғи қаерда? Қотиллик жойидами?! Яхши...

Ҳибсхонанинг қотиллик рўй берган камерасида текширув бошлаб юборилган. Полковникни тезкор бўлим бошлиғи кутиб олди.

– Сэр, қурбон пичноқланган, пичоқ кўкрак қисмининг чап соҳасига санчилган, юракнинг ўнг клапанини тешиб ўтгани гумон қилинмоқда, пичноқнинг учи курак суюгидан бир миллиметр тешиб чиққан, демак, зарб кучли бўлган.

– Ўлик камера ўртасида ётибдими ёки панжара яқинида?

Полковник бу саволни бериш асносида қотиллик жойига келиб тўхтади. Камеранинг бир томони, яъни коридорга қараган тарафи икки қават панжара билан тўсилган эди, мурда бир оёғи буқланган, бир оёғи эса узала ҳолда айнан панжарага тегиб туарди.

“Қотил ташқаридан келиб пичноқ урган! Ёки ҳибсхона назоратчиларидан бири хоинми?” – шу ўйлар полковникнинг хаёлидан “йилт” этиб ўтди. Бироқ сир бой бермай, тезкор бўлим бошлиғидан яна сўради:

– Қотилни кўрганлар борми? Дастребки тезкор тергов кетяптими?

– Қотилни ҳеч ким кўрмаган, камерадаги ҳамма ва ҳибсхона назоратчилар ҳам тергов беришмоқда, – деди тезкор бўлим бошлиғи.

Полковник Мукеш ўликнинг башарасига, катта қорнига қараб турди-да, танигандай бўлди:

– Прасат, – деб ниҳоят тезкор бўлим бошлиғининг исмини айтди. – Мен бироз олдин Хўжа Али деган йигитни тергов қилдим. Айт, уни шу ерга келтиришсин.

...Хўжа Алини ҳибсхонага олиб келишаркан, кўнглига кўрқув оралади. Полиция ходимлари, негадир, уни кишанлаймизми, йўқми, деб тортишиб қолишиди. Ва кишанлашга қарор бердилар. Қўлига кишан билақузуклари тақилгач, Хўжа Али музлаб қолганини ҳис этди. Ўзини базур қўлга олиб, “Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил аълиййил аъзийм”ни ўқиб юраверди. Ҳибсхона деворлари қалин, девор тепасига тиканли сим ўрамлари ўрнатилган, автомат тутган қўриқчилар баланд қўттармада ҳаммаёқни кузатяпти.

– Имиламма! Тезлаш! – деди ходимлардан бири Хўжа Алини зарда билан ниқтаб.

Ҳибсхона уч қаватли тўртта бинодан иборат, бу бинолар бир-бирига қаратиб қурилган, ҳовлиси тор.

Ходимнинг ниқташидан кейин Хўжа Али беихтиёр югурди. У баъзилари очик, баъзилари ёпиқ камера панжаралари қаршисидан ўтиб бораркан, у ердан қараб турган ҳамма маҳбуслар жуда даҳшатли туюлди.

Бир камеранинг ёнида полковник Мукеш турган экан. У камера ичига ишора қилди:

– Қара, танийсанми?

Хўжа Али қўрқа-писа мурдага қарадио, ўзини орқага ташлади:

– Танидим, танидим! – деди нафаси тиқилиб. – Мен билан шу одам уришди. Шу одам бақирди.

Полковник индамади, қовогини солиб, нималарнидир ўйлади-да:

– Хўжа Алидан ўликни танигани ҳақида тушунтириш хати ёздириб олиб, қўйиб юборинг, уйига кетсин, – деди ва қандолатпазга жиддий тайнинлади. – Ҳой, бола, полиция чақирса, тезда етиб кел! Уқдингми?

– Ҳа, уқдим, – деди Хўжа Али.

Полковник Мукеш эса хизмат автомобилига ўтириб, ҳокимнинг қабулига йўл олди.

– Ҳоким жаноблари, сиз билан юзма-юз суҳбатлашсам, дегандим, – деди полковник Мукеш ўзи билан эргашиб кирган ҳоким ўринбосарининг чиқиб кетиши кераклигига шаъма қилиб. Ҳоким ўринбосари бундан гезарсада, мажбуран кулди:

– Сизлар... bemalol! Мен хонамда бўламан, – деди-да, “лип” этиб чиқиб кетди.

– Нима гап, Мукеш? – сўради ҳоким. У ҳам олтмишларни қоралаган одам. Ёшлигига Маҳатма Ганди нутқларини эшитиб юради, Жавоҳарлаъл Неруни қўллаб-қувватлади. Инглиз ҳукумати уни ҳам кўп таъқибга олди. Ҳиндистон мустақилликка эришгач, шахсан бош вазир ундан ҳукуматга ёрдам беришини илтимос қилди, бироқ у шу шаҳар ҳокимлигига рози бўлди. “Кексайдим, туғилган шахримга хизмат қилиб ўлсан, шу мен учун шараф”, – деди. Муаммо кўп, камбағалчилик авжда, пулдорлар бўйин беришни истамайди, шаҳар ичига баъзиларнинг инглиз мафияси билан алоқаси

борлиги ҳақида ҳам “мишмиш”лар бор. Ҳоким эса бу масалаларни ҳал қилиш учун курашиб келяпти. Болалик дўсти Мукеш доим уни қўллайди.

– Кумар, – деди Мукеш улар ёлғиз қолишгач. – Бизга жиддий хужум бошланяпти.

Ҳоким ҳайрон бўлди:

– Қандай хужум ҳақида гапиряпсан?

– Қандолат растаси бекор алғов-далғов бўлмабди, бу ерда ҳиндий-мусулмон тўқнашуви учун харакат бошлангани аниқ, – деди ташвишманд бўлиб бош зобит.

– Нималар деяпсан, ахир? – ҳокимнинг ранги ўчди. – Ўйлаб гапиряпсанми?

– Мен текширдим, жанжал бошлаган одамни бир соат олдин ҳибсхонада ўлдиришди. Чунки у ўз буюртмачиларини айтиб бериши мумкин эди.

– Яна қандай далилларинг бор? – сўради ҳоким.

– Ҳозирча йўқ, бироқ вазият жиддий. Бу ҳақда штат ҳукуматини, хавфсизлик хизматини хабардор қилишимиз керак, – деди полиция бошлиғи.

– Яхши. Бу масала билан шахсан шуғулланаман, чўғ аланга олмай ўчириш лозим, акс ҳолда, кеч бўлади, – деди ҳоким.

– Яна бир гап, – овозини пасайтирди Мукеш Мукри. – Ҳукумат ташкилотлари ичига инглиз ҳукуматининг реваншистлари жойлаштирилган бўлиши мумкин. Бу масаладаги ахборотни фақат биринчи раҳбарлар билан муҳокама этиш лозим. Айниқса, сенинг ўринбосаринг бу тартибсизликни диний зиддият, деб аташни жуда ҳам хоҳляяпти.

Ҳоким бу гапни эшитиб ниманидир эслади.

– Тўғри айтасан, у яқинда менга ана шундай руҳдаги ахборотни киритган эди, – деди. – Саркетни штат ҳукумати бу лавозимга тавсия этган. Мен уни текширишни хавфсизлик идорасидан сўрайман.

Ҳоким Кумар ва полиция бошлиғи Мукеш муаммо устида сухбатлашар эканлар, бир сирдан ғофил эдилар: ўринбосар Саркет ҳокимнинг столи тагига микрофон ўрнатиб, истаган пайтида ундан фойдаланаётганди.

Ҳозир ҳам бу гурунгни у диққат билан тинглади. Кеча ёзган мактубига Қора Сингхдан ўта тезкор жавоб олган эди: “Сариқ Жосусга. Ишимизга халал берган ҳар кимни изсиз йўқотинг! Қора Сингх”.

Саркет буйруқни дарҳол амалга ошириш шартлигини тушунди. Деразадан ташқарига қаради: қуёш ботиб боряпти. У шу тунда барча тўсиқлардан қутулишга бел боғлади.

...Эрталаб шаҳар шумхабарлардан ларзага келди. Бу пайт Хўжа Али ҳолва ийлашга киришган эди. Бозорга чиққан отаси Хўжа Асқар шошиб кириб келди.

– Ўғлим, қандайдир кўнгилсизликлар келаётгандек! – деди ҳоргин.

– Аллоҳ сақласин! – деди Хўжа Али. У кеча шомда уйга келди. Жуда толиқкан эди. Тунда уйқуси қочди. Ўзини нақадар хотиржам тутмасин, Сабринисо сезди, бироқ у ҳам сезганини эрига сездирмади.

Хўжа Али бомдодни адо этдию, яхши дам олмаган бўлса-да, ишга киришди. У ўзини чалғитмоқчи эди.

Отасининг ҳали айтмаган хабарию нохуш тахминидан Хўжа Алиниг безовталиги бирдан кучайди.

– Ҳоким Кумар соҳиб ва бош зобит Мукеш соҳиб шу тунда оламдан ўтишибди, – деди қайғу билан Хўжа Асқар. Буни эшитиб, Хўжа Алиниг қўли ишга бормай қолди, беихтиёр ўзини ишдан тортди.

– Бу иккиси бутга сифинса ҳам, адолатпарвар эди, – деди Хўжа Асқар паст овозда. – Устозларимиз сұхбатларда айтишарди: исломий давлат зулмкор бўлса, тезда қулайди, куффор адолатни тутса, яшайверади. Катталаримиз Кумар соҳибнинг ишларини кўриб, ғайридин бўлса ҳам, инсофи бор, дейишарди. Мукеш ҳам бирорни беҳуда қамоқقا тиққан эмас. Кеча сени чақиришганида шуни билганим учун ҳам хотиржам эдим. Қадимда форсларнинг Нўширавон деган подшоҳи бўлган экан. У адолати билан тарихда қолган. Эмишки, у маъжусий динида ўтган. Бироқ адолати билан давлатини мустаҳкам сақлабди. Мушрик бўлса-да, икки адолатли раҳбардан айрилдик биз ҳам. Бунинг оқибатида зулм шамоли келмаса, деб қўрқаман, ўғлим.

– Ота, – деди тасалли оҳангиди Хўжа Али. – Ҳар иш Аллоҳдан. Аллоҳ бизга ёрдамчи бўлсин! Бизни золимлар қўлида қолдирмасин!

Хўжа Али шундай деса-да, бу гаплари, аслида, ўзининг ҳам хавотирига бас келмаётган эди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, шаҳарга янги ҳоким, янги полиция бошлиғи тайинланди. Шу кунларда ҳиндийларнинг диний байрамларидан бири нишонланаётган эди. Янги ҳоким байрам баҳона одамларни йиғдириди. Ҳалқ қархисига чиқиб нутқ ирод қилди.

Ҳоким қирқ ёшлар чамасидаги тепакал ва ўртабўй бир одам экан. У, аслида, инглизпарат зодагоннинг эрка ўғли бўлиб, Англияда отасининг пулининг зўри билан “ўқиди”. Ўқиши базур битириб, Ҳиндистонга келиб, қайғу сафога берилди. Отаси Ҳиндистон мустақиллиги учун аёвсиз кураш кетаркан, киши билмас инглизларни қўллаб юрди. Бироқ иш унинг учун тескари томонга юрди: Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилинди. У одам дарҳол Озод Ҳиндистон ҳимоячиси ўлароқ майдонга чиқди. Катта мулклари, бойликларини, корхона ва ерларини йўқота олмасди, ахир.

Мустақил ҳукумат ислоҳотларининг тарафдори қиёфасида алмашаётган амалдорларни сотиб олишга кўп пул сарфлади.

Ҳаммаси яна изга тушди, сустлашган савдоси, ишлаб чиқариши юра бошлади, ҳам жиноий гуруҳлар, ҳам ҳукумат амалдорларининг оғзини мойлаш масаласида янги тизимни ўзлаштириб бўлганида унга Қора Сингхдан хабар келди.

“Рам Малхотрага. Ўғлинг Amit Малхотрани ҳоким қиласиз. Сен ўғлингни қўллаб-қувватла!
Қора Сингх”.

Шу. Рам Малхотра бу бир парча қоғозга ишониш ёки ишонмасликни билмай қолди. Дехлида кайфу сафога боши билан шўнғиган ўғлидан ўзига тузукроқ меросхўр чиқишига шубҳа қилаётган чолнинг бу “мужда” сабаб боши қотди. У Ҳиндистоннинг гигант компанияларини ҳимоя қиладиган, қурол, қора дори ва одам савдосини мувофиқлаштирувчи беҳад улкан қудрат эгаси бўлмиш “Қора Сингх” хақида афсонавор гапларни эшитган эди, албатта.

Бироқ ҳеч қачон Қора Сингхдан хат олишини тахмин ҳам қилмаган эди.

Уч кундан сўнг Рам Малхотрага ўғли Amitning Аёдхия ҳокими бўлғанлигини айтиб, суюнчи сўрашди. Суюнчи сўровчилар ўта жиддий одамлар эди. Улар Рам Малхотранинг деярли ҳамма ишларидан хабардор эканликларини исботлашди: пора йўлаклари, давлатдан яширин ишлаб чиқариш, беркитилган даромадлар, пинҳоний иншоотлар ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси жаноб Қора Сингхнинг марҳамати боис давлатнинг кўзига кўринмаётганмиш. Шундай экан, Рам Малхотра Аёдхиянинг янги ҳокимини моддий қўллаши, ҳоким ўринбосари Саркетнинг харажат учун сўрайдиган маблағларини етказиб бериши шарт. Бу билан Малхотра жаноблари ҳам ўз тижоратларини хатарсиз юритади ва фаолиятини Шарқий Осиёгача кенгайтириши мумкин.

Рам Малхотра кўнди.

Хозир минбарда туриб, ҳалққа ваъз ўқишига шайлананаётган янги ҳоким Amit Малхотра ана шундай тарихга эга.

Аmit Малхотра ўз ўринбосари ёзиб берган маъruzani ўқишига киришди. Нутқда, хусусан, мана бундай жумлалар бор эди:

– ...Кейинги пайтларда шаҳrimizda вазият оғирлашди. Тажовузкор руҳдаги мусулмонлар ҳиндий миллатини, ҳиндий динини ҳақоратлаш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Айниқса, бундан ўн кун олдин рўй берган ҳодиса фикримизни исботлайди. Шаҳар марказида бир гуруҳ мусулмонлар ҳиндийларни таҳқирлаган, уларга тажовуз этган. Экстремистларнинг тажовузига қаҳрамонларча курашган фуқаромиз эса қамоққа ташланган. Қамоқда уни ўлдириб кетишган... Марҳум ҳоким Кумар Санжай ҳамда полиция бошлиғи Мукеш Мукрилар ҳам шу ҳаракатлар қурбони бўлиши мумкин. Биз янги полиция бошлиғи Прасат Моди билан бирга бунинг тагига етамиз. Шаҳrimizda ҳалқ тинчини бузаётган мусулмон экстремистларининг раҳнамолари ҳамда моддий таъминотчилари Покистондаги гуруҳлар эканлиги ҳам тахмин этилмоқда. Мен аминманки, ҳалқимиз давлатнинг ислом экстремизмига қарши курашини қўллаб-қувватлайди ва мусулмон радикалларнинг ҳаддан ошишига йўл бермайди. Яшасин, она Ҳиндистон!

Бу нутқ офат даракчиси эди. Бу нутқ фақат мусулмонлар учунгина бало эмасди, балки бошқа диндаги оддий инсонларни ҳам безовта қилиб, уларни хуркитадиган, эл ўртасига адоват уруғини сочадиган нутқ эди.

Байрам маросими куни кечга яқин полиция қандолатпаз Хўжа Али ва унинг кекса отаси Хўжа Асқарни катта машмаша билан келиб ҳибсга олди.

Полиция кетганида бутун ҳовли ағдар-тўнтар бўлиб ётарди. Искович итлар ҳаммаёқни ҳидлаб ташлади. Улар солган ваҳимадан уйдаги ҳамма кўрқиб кетди, айниқса, ой-куни яқин қолган Сабринисонинг аҳволи оғирлашди. Қайнонаси келинни уйга ётқизди. Шу тунда Сабринисонинг кўзи ёриди. Ўғил кўрди. Янги меҳмонга бувиси Озод деб исм қўйди.

Бу яхши ниятлар жамланган исм эди. Яхши ниятларнинг амалга ошажак йўли эса, кўпинча, бениҳоя узун бўлади.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

– Кўрдингми? – деди хириллаб Дев.

Абдуллоҳнинг кўзидан отилаётган ёш қўрқувдан, десак, инсофизликдир, чунки у ҳозир қўрқувни унугди. У одам зотини бундай ҳақир ва хорланган ҳолда кўриб, кўз ёшини тўкишдан ўзини тўхтата олмади. Устига устак, таҳқирланувчи диндошинг бўлса-чи? Унга бу азоблар фақат иймон боис ёғилаётган бўлса-чи?!

Дев Абдуллоҳнинг бўйнидан судраб, камерага тикиди:

– Кўряпсанми? – деди яна. Абдуллоҳнинг назарида Девнинг луғатида бошқа сўз йўқ. Бу ҳақиқатга яқин, зотан, Дев темир эшикларни очиб-ёпиш, кунда бир маҳал овқат тарқатиш, одам қийнаш, қийнаб ўлдиришни мукаммал билади, холос. Миясида инстинктлар яшайди. Фикр мавжуд эмас.

Абдуллоҳ занжирбанд махкумларга тикилди, ўнг томондаги гапираётгандек туюлди. Шу лаҳзада Абдуллоҳнинг вужуди қулоққа айланди.

У занжирбанд одамнинг соқол-мўйлов орасида кўринмай кетган лабларидан: “Ва мин аннаси ман яшри нафсағубтиғо амарзотиллах. Валлоҳу роуфун бил ибад” деган нидони пайқаб улгурди.

Бу Бақаранинг 207-ояти!

“Ва одамлар орасида Аллоҳнинг розилигини тилаб, жонини сотадиганлар бор! Аллоҳ эса бандаларига шафқатлидир!”

Дев Абдуллоҳнинг кейинги камерага итқитиб юборди.

Абдуллоҳ саноқсиз тифлар оёғига, кафтига, бутун танасига “ғирч-ғирч” санчилаётганини сезиб, орқа қараб эмаклади. Эмакладио оғриқдан ихраб, қотиб қолди: қамеранинг полида тифдор учи тепага қаратиб узун михлар қоқиб ташланган. Михлар қимирлашга ҳам, туриб қолишга ҳам қўймайди: тананинг хоҳлаган жойига санчилади, қон оқизиб ҳалок этиши мумкин.

Абдуллоҳ ҳаракатсиз қотди. У қимирлагани сари жароҳати кўпайиб, азобланишини сезди. Ҳозир унинг идрокида жонини ҳимоялашдан бўлак

хаёл кўринмайди. Бу хаёл ҳар бир яратиқقا Аллоҳ фитратан ато этган туйғунинг маҳсулидир. Тахминан бир дақиқа тишини тишига қўйиб кўзини юмган Абдуллоҳ оғриқлар босилганини билди. Секин кўзини очди. Қоронгуга ўрганган нигоҳи хона деворларига бир қарич тахтани ўриндиқ сифатида маҳкамланини кўрди. Ўша тахталарда уч киши деворга вужуди билан ёпишиб ўтиради, чунки улар ерга оёқ қўйсалар, табиий, вужудларига мих қадалади.

– Биродар!.. – деди ўтирганлардан бири. Унинг овози бўғик, заиф эди, патак соchlари эса ўсиб елкасига тушган, соқоли юзини қоплаган, эгнидаги бир парча латта титилиб кетган, баданидаги чандикларни эса зулмат ичидан ҳам кўзга ташланади. – Секин ўрнингиздан туриңг, ёнимизга келинг, йўқса, қон йўқотасиз!..

Абдуллоҳ мухотобига қаради-да, у томонга юришга интилди. Иккинчи одам маслаҳат берди:

– Секин судралсангиз, жонингиз оғрийди, кучингиз етса, иложи борича бир шиддат қилинг! Ёнимизга келасиз!

Абдуллоҳ маслаҳатга амал қилди: ўрнидан туриб, икки қадам билан деворга етди, бир қарич тахта устига нақадар тез чиқиб ўтирганини ўзи ҳам фаҳмламай қолди, бироқ биқинлари, қўкрак қисми, сонлари – умуман, танасининг деярли ҳар қаричидан қон сизиб чиқаётган эди.

Оғриқ кучли. Кўзларини юмди. Тишини тишига босди. Нафасини ичига ютди. Бу қийналишни енгиллаштиргандек бўлди.

– Аллоҳнинг Ўзи ёрдам беради, биродар, – деди ўтирганларда бири. – Истиффор айтинг.

Абдуллоҳ бошини силкиди. Унда гапиришга мадор йўқ эди. Иккинчи маҳкум ҳам паст овозда сўзлай бошлади, қизифи, уларнинг саси нақадар бўғик, нақадар жарангсиз бўлмасин, дадил, умид ва ишонч билан тўла.

– Аввалбошда жуда сиқиласиз, – деди тиззасини қучоқлаб. – Кейин кўниласиз. Кунларни қандай ўтаётганини билмай қоласиз. Тошбақа тошини ичига кириб кетгандек сиз ўз ичингизга кириб кетасиз. Зерикмай қоласиз. Сабаби – қалбингиздаги ортиқча нарсалар секин-аста йўқолиб боради. Қалбингиз бўшайди. Дунё ташвишлари ўлади. Иймон аталмиш неъмат қалбда қолади. Ёд олган сураларингиз, зикрларингизни такрорлайсиз. Шу билан таскин топасиз. Ҳаловатга эришасиз.

Абдуллоҳ ҳамсуҳбатининг фикрларини тинглаб, қандайдир қувват ҳис этди. Ажабки, уларга беражак бирор саволи, айтажак сўзи ҳам йўқ эди. Фақат маъқуллаб бошини силкиб қўйди. Шу онда темир эшик очилиб, Дев кўринди:

– Хей, янги! – деди у бўкириб. – Чиқ! Тез чиқ!

– Чиқаверинг, Аллоҳ мададкор бўлсин! – деди ўтирганлар тезда.

Абдуллоҳ тишини тишига босиб, икки қадам босиб эшикка етди. Етдию, ерга йиқилди.

– Жойлашиб олдингми? – деди Дев. – Шошибсан-да! Ҳали бу ерда саргузаштинг кўп бўлади. Шошилма!

Дев Абдуллоҳни судраб кейинги темир эшикнинг олдига келди. Тамбани тушириди. Хонанинг рўпарадаги деворига катта ит боғланган эди. Абдуллоҳ ҳали эсини йиғиб улгурмай Дев уни хонага итариб киргизиб юборди. Ит вовулламади, балки даҳшатли ириллаб Абдуллоҳга отилди, итнинг икки олди панжаси Абдуллоҳнинг елкасига тушди, қучсизлангани учун у ерга йиқилди. Кимдир Абдуллоҳнинг ўнг қўлидан ушлаб қаттиқ тортди. Абдуллоҳни итнинг остидан сугуриб олди. Абдуллоҳ ўзини девор тагида кўрди. Ёнида кимдир турибди. У одамнинг юзи аниқ кўринмади. Кўриш имконсиз, зотан. Ит Абдуллоҳни ғажишга интилаётган эди. Дев эшикдан манзарани завқ билан томоша қилди: маҳбус итнинг тагида шу қадар типирчиладики! У ҳар сафар бу томошадан жуда роҳатланади. Баъзан ит маҳбуснинг бўғзидан олади. Иш ўлим билан тугайди. Лекин ит одамни ёмайди. Қонини ялаши мумкин. Бу ҳол ит билан одамни якка қолдирганда содир бўлади. Ҳозир бу хонада икки маҳбус бор яна. Улар, одатда, Абдуллоҳ каби янгиларни итнинг оғзидан қутқариб қолишади. Ҳозир ҳам улардан бири шиддат билан ҳаракат қилди: Абдуллоҳни хулос қилди. Ранги оқарган, юзи, вужуди қонга беланган Абдуллоҳ эса ички бир туйғу билан типирчилади, ҳолбуки, Аллоҳ ундан айни пайтда қўрқувни кўтариб қўйганди. Унинг кўзлари очиқ турса-да, қўрмасди, қулоғи овозни эшитса-да, маъноларни англамасди. Ваҳший ит занжирини шилдиратиб, унинг бурнини тагида ирилласа-да, заррача қўрқмаётган эди. Дев эшикни ёпди. Эшик тамбаси тарақлаб ўз ўрнига тушгач, нарига тарафда ўтирган маҳбус итга қараб паст овозда қаатый буюрди:

– Йўлбарс, жим бўл!

Ит маҳбусга қаради-да, бирдан думини қисди. Кейин беозоргина бўлиб, нари кетди. Девор тагига бори ётиб олди.

Абдуллоҳ хушидан кетмади. Гарчи ҳислари фалажланса-да, тезда ақлини йиғди. Секин ўтириб, суюнди.

– Исмим Довуд, – деди итга буйруқ берган маҳбус. Унинг ҳам авҳоли қўшни хонадагилардан фарқ қилмасди: ўсиб кетган соч-соқол, алва-далва кийим... Жароҳатларнинг чандиқлари... – Биродар, бу итни қотган нон бериб қўлга ўргатдик. Буни анави Дев билмайди. Унинг олдида итга умуман буйруқ бермаймиз.

– Мен Сулаймонман, – деди Абдуллоҳни қутқарган маҳбус кулимсираб.
– Сиз каби биродарларни бу ерга баъзида олиб киришади. Бақувватлигим учун уларни Йўлбарсдан қутқариш менинг ишим. Тўрт йилдан буён шу зиндондаман. Унутиб юборишганми, ҳеч кимнинг иши йўқ.

– Иши бўлмагани ҳам маъқул, – деди Довуд бир бурда қотган нонни итга улоқтириб. – Зикру ибодатда ўтираверамиз.

– Бу шунаقا зиндонки, маҳсус жазо зиндони, – тушунтириди Сулаймон. – Ҳар бир хонасида алоҳида жазолари бор. Кўргандирсиз. Бирида занжирлашади, занжир ҳеч ечилмайди. Бирида мана шундай – ит, бўри, ҳатто, айик билан қолдиришади. Менга мана шундай ҳайвон билан

қолдиргани ёқади. Ваҳший одамлардан кўра шу ҳайвонлар беозор. Яна бирида михларни тепага қаратиб қоқишиган. Бирида эса чаёнлар тўлдирилган. Бирида илонлар. Бошқасида каламуш. Бошқасида заҳарли моддалар сепишади. Бироқ ҳаммасига қўникиш мумкин. Ажал етмаса, яшайверасиз. Аллоҳим иймондан айирмасин.

Абдуллоҳ толикқан эди. Ётган жойида кўзи юмилиб кетди.

– Биродаримиз чарчабдилар, – деди Довуд унга қараб. – Ухлаб олаверсинлар. Қолган гапларни кейин гаплашамиз...

...Тушида Абдуллоҳ намоз ўқиши учун жойнамозга ўтириди. Қиёмга турган эди, жойнамоз ҳавога кўтарилиди. Абдуллоҳ жойнамоз устида атрофни томоша қилиб, ҳузурланди. Мовий осмон, енгил шабада, пастдаги яшил дараҳтларни томоша қилишдан шавқ туйди. Жойнамоз учиб, катта масжиднинг ҳовлисида ерга қўнди. Абдуллоҳ масжид хонақоҳига қадам кўйди. Хонақоҳ бўм-бўш. Ерга алвон гиламлар тўшалган. Деворлар зарҳал ранг. Гумбаз жуда улкан. Устунлари нақшли. Мехроби баланд. Токчаларида китоблар, шамдонда шамлар. Абдуллоҳ ичида жуда катта қувончни туйди. “Аллоҳ!” деди кўксини тўлдириб. Хонақоҳнинг гумбази, деворларига бу сўз урилиб, ҳаммаёқдан “Аллоҳ!”, “Аллоҳ!” деган акс садо янгради.

“Намоз ўқишим керак”, – деб ўйлади Абдуллоҳ. Мехробнинг қаршисида ўқиши учун қарадио, меҳроб олдида чўк тушиб ўтиган, бошига қора салла ўраган одамни кўрди. “Субҳаналлоҳ!” – деб у томон юрди. Қора саллали одам унинг келаётганини сезиб, ўгирилди. Абдуллоҳ унинг юзини элас-элас кўрди, кейин уйғонди. Уйғониб аъзойи бадани қақшайдиганини билди. Хона қоронғу эди. Бадбўй ҳидлар макони эди бу хона. Бироқ зиндандан йилларки, чиқа олмаётган одам бадбўйни сезиши мумкинми?! Димоқларга бу ҳид жойлашиб олган, ҳолбуки. Ўпкалар бу ҳавони яхши қабул қилмоқдалар.

Абдуллоҳ ўрнидан турди. Бурчакда Довуд ухлаб ётган экан, Абдуллоҳнинг турганини сезиб, кўзида очди:

– Ҳа, биродар? – деди у бошини хиёл кўтариб.

– Намоз ўқимоқчиман, – деди Абдуллоҳ. Абдуллоҳнинг овозини эшишиб, ит яна ириллади. Довуд итга буюрди:

– Йўлбарс, бу ўзимизнинг биродар, жаҳлинг чиқмасин! Билдингми? – ит гапни тушунгандек бошини икки олд оёқлари орасига қўйди. Довуд эса ичи ўйиб, кўза шаклига келтирилган ёғочни Абдуллоҳга узатди: – Суви бор, ичинг, таҳорат қилинг. Ҳартугул, сувимиз бор.

Абдуллоҳ сидқидилдан таҳорат олди. Баданидаги жароҳатлари унга оғриқ бермади, сув билан ювгани учун териси нафас олгандек бўлди.

– Қибла қаерда? – деб сўради сўнг Довуддан. Сулаймон эса ухлаётган эди. Аслида, Сулаймон ҳам ухлаётгани йўқ, шунчаки, кўзини юмиб ётибди. Қамоқда шундай: кўзини юмиб хаёл суриб ётиш ҳам машғулот. Довуд эшик томонга ишора қилди:

– Бу томонда. Сал чапга қияга қараб, ният қиласеринг!

Абдуллоҳ қалбидан нафл намозга ният қилиб, такбири таҳрима учун қўлини кўтарди. Икки ракат намозни ўқиди. Салом бергач, зикрлардан сўнг қўлини дуога очди. Бу шундай дуо эдики, Абдуллоҳ келажакда бу дуодаги ҳолатини қайта топиши маҳол. Бу дуода сўраганларини кейин қайта сўраши ҳам гумон. Бу дуо пайтида симобдек эриб турган қалбнинг ҳароратини қайта бу нуқтага чиқадими, йўқми, буни ҳеч ким билмайди. Келажакда Абдуллоҳ ҳар сафар ибодатга тураркан, қалбida ҳозирги ондаги хушуъни, ёлворишини топа олмаётганини ҳис этади. Аллоҳга қанчалик ёлвормасин, қоронғу хона, ташқарида золимлар изғиб юрган бир паллада, хонанинг бир тарафида ваҳший ит, икки тарафида мазлум мусулмонлар мизғиб, мудраб ўтирган бир пайтда ўқиган бу намози, қилган дуолари бир умр ёдида қолажак. Ҳар доим бу ибодатини, бу ибодатдаги лаззатни эслаб, кўзларидан ёш қалқаяжак. Чунки бу ибодатда риё йўқ эди, ужб йўқ эди. Зотан, у ҳозир ўз-ўзидан ажабланадиган ҳолда эмас. Зотан, у ўзини мақташ, фахр қилиш ҳақида хаёл қила олмайди. Зотан, у ҳозир бу ҳалокатлар гирдобида иймонини сақлаб қолишдан бўлак ташвишни ўйламаяпти. Тўғри, Абдуллоҳ кўплаб машаққатларга учрайди, синовларни бошдан кечиражак, бироқ ҳар бир синов уни қучли қилгани каби, қалбida Роббисига бўлган таслимиятни аланглатгани сингари ўз-ўзидан миннатдор бўлиш, ўз ҳолатидан рози бўлишдек бир хатарга юзлашмоғи бор. Ҳали у бу хатардан ғолиб бўлиши, жамики ишларни Роббисига топширмоғи лозим.

– Эй оламларни яратган Зот! – айнан шу сўзлар Абдуллоҳнинг юрагидан отилиб чиқди. бу сўзларнинг отилиб чиқиши ва кўздаги ёшларни дувиллаб ёмғир мисоли ёғилиши бир бўлди. Абдуллоҳнинг тилидан учайдиган бу калималар унинг қалбидаги изтиробнинг инграши эди. Юрагининг ич-ичидан куяётган, сим-сим оғриқ беришдан тўхтамаётган бир нидо бу сўзлар қиёфасида икки лаб орасидан ташқари чиқиб, Аллоҳнинг Даргоҳи сари кетаётган эди. Бирор тўсиқсиз, нурнинг тезлигидан ҳам кўра каттароқ тезлик ва қудрат ила кетаётган эди. Аслида, бу дуоларнинг қалб ичидан сизиб чиқишию Аллоҳнинг раҳмати ила қабул бўлиши бир он бўлса, не ажаб!

– Эй марҳаматли Роббим! Сен Улуғсан! Сен Буюксан! Сен иззат соҳиби бўлган Азизсан. Бошқаларга иззат берадиган ал-Муизсан. Қалбимдаги ҳар бир ҳолатдан хабардор ал-Хобирсан. Менинг ич-ичимни кўриб турган ал-Басирсан. Сўзларимни ҳаммадан кўра яхшироқ эшитадиган, ҳеч бир кимса мени эшитмаса-да, тинглай биладиган ас-Самиъсан. Дардларимга даво берувчи ҳеч кимса йўқ, Сен аш-Шофиъсан! Марҳамат қиласидиган бирор зот йўқ Сендан бўлак, сен ар-Роҳмансан! Гуноҳларимни кечирадиганим Сенсан! Ал-Ғаффорсан, ал-Ғофурсан, ал-Афуввсан! Дўстларим йўқ, Ер юзида бирор инсоним йўқ, бирор дўстим йўқ, сен ал-Валийсан, Сен – Дўстимсан. Сендан бўлак ёрдам берадиганим йўқ, сен ан-Насийрсан! Айбларим очилса, Сендан ўзга беркитувчим йўқ, Сен – ас-Сатторсан! Қиёмат куни турилганимда жонимни қутқарадиган йўқ, сен Борсан, охиратда иймон келтириб, солих амал этганларга раҳмат кўрсатувчи ар-Роҳиймсан! Ё Аллоҳ! Эй, абадул абад

Тирик бўлган ал-Ҳайй! Эй, абадул абад ўлмайдиган, ухламайдиган ал-Қайюм! Эй жонларни оладиган ал-Мумийт! Эй жон бахш этадиган ал-Муҳий! Эй, ҳар ишни ҳикмат ила қилувчи ал-Ҳакийм! Эй, кофирларнинг куфрига, мушрикларнинг ширкига сабр этувчи ас-Сабур! Эй, ҳар бир ишни юмшоқлик ила адо этувчи ал-Ҳалийм! Эй, ҳеч нарсага беҳожат бўлган, мукаммал, бошқаларнинг ҳожатини раво этгувчи ас-Сомад! Эй, гуноҳлари кўп бандаларини афв этиб, дўзахдан омон сақлаб жаннатларга киритувчи ал-Карийм! Эй, барчага саломатлик ато эутвчи ас-Салом! Эй, ҳамиша ҳар қандай нуқсондан, балолардан саломат бўлган ас-Салийм! Эй кофирларга қаҳр қилгучи ал-Қаҳҳор! Эй, жонларни қабз этувчи ал-Қобийз! Эй барча иш қўлида бўлган, раҳмиларнинг раҳмлиси, қарамиларнинг қарамлиси, адолатлиларнинг адолатлиси бўлган Зот! Золимларни хор қилиб, мазлумларга нажот бергувчи Зот! Олаётган нафасимни, ўйлаётган ўйларимни, томиримдаги қоннинг юришини, қонимдаги хужайраларнинг ҳаракатини яратган ал-Бориъ! Ал-Ҳолиқ! Сенинг мислинг йўқ! Сенинг тенгинг йўқ! Сенинг шеригинг йўқ! Сен нуқсонлардан пок! Сен камол топишдан поксан! Сен олийсан, Аллоҳим! Мен Сенинг бечораҳол, хаста бандангман. Ҳатоларимни санасам, саноғи йўқ. Гуноҳларимни эсласам, кўзимга дунёлар қоронғу бўлади. Ҳолбуки, Сенинг неъматларинг чегара билмас. Ҳолбуки, Сенинг марҳаматинг чексиз! Қошингдаман, Аллоҳим. Бошим ерда. Жоним қўлингда. Танамдан истасанг, жонимни ол! Бошимни уз, қонимни ерга оқиз, Аллоҳим! Сен берган тақдирга розиман. Сенга асло исён этмаслигим учун Ўзинг ёрдам бер! Мени ўз ҳолимга ташлаб қўйма! Аллоҳим! Душманлар қўлида мени хор қилма! Аллоҳим, иймонимни ҳамиша саломат сақла! Аллоҳим, иймонимни ҳамиша зиёда эт! Аллоҳим, ҳақ Сеникидир, менга ҳақни кўрсат, ҳақ томон йўлла! Аллоҳим, ботилни Сен яратгансан, Аллоҳим, кўзимга ботилни кўрсат, мени ундан четлаштири! Аллоҳим! Менда илм бор, на ҳикмат бор! Аллоҳим, менда хайр бор, на яхшилик бор! Аллоҳим, мендан фақат гуноҳлардан иборатман. Жонимга озор етса, уни қутқаришни истайман. Сенга тавба қилиб, тавбамга ҳамиша хилоф этаман. На тавбамда тутуриқ бор, на тақвойимда маъно! Аллоҳим! Намоз, дея ўқиганим ну хушуь, на ҳузуь! Аллоҳим! Закот, дея берганимда миннат! Аллоҳим, рўза, дея тутганимда ҳамиша маъсият! Аллоҳим, ҳаж, дея борганим бир саёҳати тижорат! Аллоҳим! Хайр ишларимни ўзимдан кўрдим, кечир. У ишларни менинг ишларим, деганим учун афв эт. Аллоҳим, ўзимга, ҳуснимга, қувватимга, нафсимга маҳлиё бўлдим, кечир. Аллоҳим, неъматларинг шукрини адо этмадим, кечир. Аллоҳим, Сени қўйиб, маҳлуқлардан қўрқдим, таваккални ташлаб, сабабларга ёпишдим, мени кечир. Аллоҳим, Аллоҳим, Сени унутиб, мен, дедим, кечир. Аллоҳим, на сўзимда ишонч, на кўзимда қувонч! Аллоҳим, на қалбимда тоқат, на жисмимда итоат! Турган битганим хиёнат, садоқатдан асар йўқ. Аллоҳим, чимдим ибодатимни тоғ, деб кўрдим. Тоғдек гуноҳимни бир заррадек билдим. Йўлингда машаққат чекишдан қочдим, ҳамиша нафсим учун омонлик истаб, йўлингга қурбон бўлишни

ўйламадим. Аллоҳим, мени ўз йўлингда қурбон эт! Бу қурбонликни Ўзинг қабул қил! Аллоҳим, коғирлар олдида мени залил этма, улар менга зулм этишларига йўл қўйма! Аллоҳим, хиёнаткорларни мендан узоқ тут, Ўз дўстларингни менга яқин айла. Аллоҳим, қўрқоқларни менга яқинлаштирма, жасоратлилар сафида эт! Аллоҳим, пайғамбаринг Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлидан юргаз, унинг хулқи билан хулқлантириш, Аллоҳим! Аллоҳим, ҳикмак соҳибисан, менга ҳикмат ато эт! Аллоҳим, менга оғият бер! Аллоҳим, қалбимни Ўзингга бўлган иймон билан лиммо-лим айла! Аллоҳим, Ўзингга бўлган муҳаббатни, сидқни, итоатни бер! Аллоҳим, Ўзинга рози бўлмаган ишлардан мени сақла! Аллоҳим, Ўзинг рози бўлган ишларга мени йўлла! Аллоҳим, маҳлуқларингдан мени қўрқитма, Ўзингдан шундай қўрқитки, бу қўрқув қошида бошқа қўрқувлар йўқ бўлиб кетсин! Аллоҳим, Ўзингни шундай севдиргинки, бу севги қошида бошқа севгилар дош бера олмасин! Аллоҳим, дунё зийнатларига мени алдантирма! Аллоҳим, шайтон ҳийлаларидан мени ғолиб қил! Аллоҳим, нафсимнинг ёвузликларидан мени эмин сақла! Аллоҳим, ақлимни йўқотишдан, қалбимни бой беришдан сақла! Аллоҳим, тўймайдиган нафсдан эмин эт! Аллоҳим, ажалим чоғида иймонимни ҳамроҳ эт! Қошингта иймоним ила юзимни ёруғ бўлиб боришини насиб айла! Аллоҳим, бир он ҳам зикрингдан мосуво этма! Аллоҳим, фисқу фужурдан, фитна-фасоддан, мақтанчоқлиқдан мени омон сақла! Танимни соғ қил, вужудимни сихҳат айла! Фақирликдан асра. Бойлик берки, саховатим кўп бўлсин. Қалбимдаги ҳимматни баланд эт. Майдакашлиқдан асра. Қалбимда дунё ва ундаги нарсаларнинг бирортасига заррача ҳам майл қолдирма. Аллоҳим! Кибрли, такаббур бўлиб қолишимдан сақла. Аллоҳим, хокисор ва камтаринлик бер. Аллоҳим, менинг ихтиёrimda ҳеч нарса йўқ. Менинг қўлимдан бирор иш келмайди. Аллоҳим, Сенинг азаматинг, жалолиятинг, қудратинг, буюклигинг чегара билмагани каби менинг заифлигим, гуноҳкорлигим, хатокорлигим, осийлигим чексиздир. Агар сен менга раҳм этиб, дардимга чора этмасанг, ҳалок бўламан. Иймонимни тақво ила зийнатла, ҳаётимни Ислом ила нурлантириш! Сўзи гўзал, амал хунуклардан этма. Ҳакда мени событ қил, ботилга мойил этма. Аллоҳим, мени заифликдан чиқар, хорликдан кутқар. Аллоҳим, мени Ўзинг рози бўлганингга йўлла! Аллоҳим! Ота-онамга раҳм қил. Уларни Исломда, Иймонда, Эҳсонда айла. Рушди ҳидоятингдан қилча ҳам чиқарма! Уларнинг умрини узоқ, амалларини гўзал қил! Икки дунёларини саодат ила тўлдир! Аллоҳим, ахли оиласига раҳм қил! Фарзанду зурриёдларимни адаштириш, уларни фитналардан омон сақла. Қалбларини иймон ила тўлдир, уларни ҳидоятингдан оғдирма! Аллоҳим, уларнинг ҳаётларига барокат, файз ато эт! Аллоҳим! Мусулмонларга раҳм қил! Сен ўзингга қулликни қасд қилаётганларнинг даражаларини қўтариш! Коғирлар қўлида хор этма. Зулм қўраётган биродарларимга раҳм қил. Ҳақни гапиришдан ожиз, курашишдан заиф бўлган биродарларимга оғият бер. Аллоҳим, адашиш йўлида бўлган мусулмонларга тўғри йўлни кўрсат. Аллоҳим, мусулмонлар орасини ислоҳ

эт! Аллоҳим, мусулмонларни фитналардан омон эт. Аллоҳим, мусулмонларнинг қалбларини ўзаро улфату биродар эт! Аллоҳим, мусулмонларнинг қалбларида бир-бирларига муҳаббатни зиёда айла! Улар бир-бирларини кўрганларида меҳр ила боқсинлар! Бир-бирлари учун жону молларини аямасинлар! Аллоҳим, мусулмонларни хорликдан қутқар, мусулмонларга қувват бер! Аллоҳим, Исломга нусрат ато айла! Аллоҳим, мусулмонларга ҳикмат, тақво, илм, гўзал хулқ, гўзал амалларни ато айла! Аллоҳим, Ер юзида мусулмонларнинг қўлини баланд қил! Аллоҳим, мусулмонларни Ўзинг ҳар қандай балолардан қўри! Аллоҳим, Ўзинг Зул Жалола вал Икромсан! Аллоҳим, Ўзинг ал-Ҳодийсан! Аллоҳим, Ўзинг ан-Нурсан! Аллоҳим! Халқимга ёрдам бер! Ватанимни коғирлар қўлидан қутқар. Фарёд чекиб зиндонларда ётганларга ёрдам бер. Аллоҳим, бошимиздан зулмни даф айла! Агар Сен истамасанг, биз ҳеч нарсани истай олмаймиз. Агар Сен раво кўрмасанг, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Аллоҳим, қалбим тўла хато, ақлим тўла хато, елкамда оғир гуноҳлар. Қалбимни на кибрдан, на кизбдан, на риёдан, на ужбдан халос этма олмайман! Аллоҳим, Ўзинг нажот бер! Аллоҳим, қиёмат куни Ўз соянгдан жой бер! Аллоҳим, савол-жавобимни осон қил! Аллоҳим, дўзах оловига мени ташлама! Аллоҳим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига мени раво кўр! Аллоҳим, жаннатинг ила менга раҳмат қўргаз! Аллоҳим, жаннатингда Ўз Жамолингни менга кўрсат! Аллоҳим, агар қалбимни юмшатмасанг, у тошдан кўра қаттиқ. Аллоҳим, қалбимга Ўзингга бўлган муҳаббатни солмасанг, у муҳаббатсиз музлаб ётибди. Аллоҳим, хидоят қилганингдан кейин нотўғри йўлга оғдирма! Аллоҳим, Сен неъмат берувчиларни энг яхшииссан! Ал-Ваҳҳабсан! Аллоҳим, бу дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам яхшиликларини мукаммал тугал қилиб! Дуоларимни қабул эт, эй оламларнинг Роббиси, Эгаси бўлган Аллоҳим!..”

Абдуллоҳ бу илтижолар қалбига қандай қуишлиб келди – ўзи идрок этмади. Роббиси қаршисидан мумдай эриб ўтиррди, зотан. Ниҳоят, дуони тугатиб, ўрнидан турди. Рухи жуда енгил эди. Энди у гўё ҳар қандай курашга тайёр. Ҳар қандай синовдан ғолиб. Шу пайт кутилмаганда тарақлаб эшик очилди.

– Чиқ! – деб бўкирди у. Абдуллоҳ Девга хотиржам боқди ва у томон дадил юрди. Дев ичкаридан чиқиб келаётган маҳбуснинг тўсатдан ҳайбати ошганини идрок этди. Албатта, Дев Абдуллоҳдаги ҳайбатни ҳайбат, дея фикрламади, факат унинг бўм-бўш миясида: “Ия, бунинг бўйи ўсиб кетибдими!” – деган унинг ўзига хос бўлган ўй чақнаб ўтди. Абдуллоҳ қоматини тик тутиб чиқди. Важоҳати шундай эдики, унга: “Эгил!” – дея буйруқ беришга Дев ўзида қувват топмади. Беихтиёр шашти тушди, паст овозда:

– Юр, – деб йўл кўрсатди. Абдуллоҳ Девга қошини чимириб боқди. Айни пайтда у Девдан умуман қўрқмади, айни пайтда унинг онгида ажиб

тиниқлик ярқиради, айни пайтда у қалбини Аллоҳга боғлаб қўйди, айни пайтда у Аллоҳнинг арқонини маҳкам ушлаб олди.

Абдуллоҳ ортга қайтиб чиқаётганларини билди. Тик юргани учун йўлакни яхшилаб кузатди: деворлари қорамтири, қўрқинчли, қўнгилга ҳадик солади. Шифтларда ўргимчак тўрлари. Ингранган, ириллаган, қандайдир чийиллаган товушлар янграйди. Жимжитлиқда янграган ҳар бир овоз ҳамма ёқса ваҳшат солади. Бироқ Абдуллоҳ бу ваҳшатни хис этмади. Чиқиши эшигига борганларида Дев:

– Хей, – деди.

– Ҳа?! – деди унга саволомуз Абдуллоҳ. Девнинг калласи катта, кўзлари митти экан, қошлири жуда сийрак, ҳатто йўқ дейиш мумкин.

– Кўлингни орқага қилиб, бироз эгилиб юр... Йўқса, мени жазолайдилар... – деди Дев минғирлаб.

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

...Хўжа Асқар ва унинг қандолатпаз ўғли Хўжа Алиниңг қамоққа олиб кирилиши шаҳарда қатағон оловини ёқди. Ҳар куни юзлаб мусулмонлар ислом экстремисти ўлароқ ҳибс этила бошланди.

Сабринисо ўғли Хўжа Озодни бағрига босиб, кўп йиғлади. Гарчи, у бир парча гўшт эди, гарчи, шу бир парча эт кўзларини базур очса-да, заиф инграб, онасидан сут талаб этса-да, ёш она учун у бир ҳимоячи янглиғ туюлди. Бу ҳимоячининг улғайиши ва, ҳақиқатан, оила шаъни учун даврага чиқиши ҳали йилларни, онанинг сабру тоқатини сарф этажак.

Сабринисонинг қайнонааси Нигор она келини атрофида парвона. У кўпни кўрган аёл – ҳаёти фақирликда ўтганига қарамасдан, саботини йўқотмади, балки, бу сабот мустаҳкамланди. Йиллар Нигор онага ҳаёт машаққатлари устидан комил Иймон ила голиб келиш сабоғини бериб келаётган эди.

Чақалоқ дунёга келганига йигирма кун тўлганида Нигор она ҳибсхонага бориб, эри ва ўғлидан хабар олишга жазм этди. Бошқа ўғиллари, келиnlари, қизлари ва куёвларидан ёрдам кута олмасди. Чунки уларнинг ҳам турмушини қашшоқлик ўз чангалида маҳкам ушлаган.

Егани таом, ичгани сув, кийгани кийимни қаердан келаётгани ўзлари билмас даражада фақир эдилар улар. Уларнинг баъзилари эрталабдан кечгача ҳаммоллик қиласди, баъзилари катта қурилишларда ишлайди, баъзилари даладан келмайди, оладигани – кунлик икки рупийсига бозорда тузук-куруқ харажат қилиш имконсиз.

Аёллар, қўли қавариб, эрларининг ёнида.

Фарзандлар - очин-тўқин, яхшики, улар бола! Бола ўйин билан кўп нарсани англамайди. Ҳолбуки, болалар улғайиб бораётир, уларни мактабга бериш лозим, лекин мактабларнинг харажати осмон! Аввалгидек мусулмон мактаблари қайда! Мусулмон мактаб-мадрасалари ёпила бошлади,

баъзиларига ўт қўйиб юборилди. Нигор она ва Сабринисо қариндошлар кўмагига қўз тика олмас эдилар. Колаверса, Шайх Қосим ҳам, устоз Бухорий ҳам таъқибга тушдилар. Уларга ҳам ҳукумат тарафидан ҳужумлар содир бўлди: савдолари юришмай қолди, солиқчилар турли сабабларни рўкач қилиб, мол-мулкларидан бир қисмини мусодарага тортди, ҳатто, баъзи безорилар уларнинг уйларини тошбўрон қилишгача бориб етди.

Нигор она ҳибсхонага келди. Хибсхона олдида одам жуда кўп. Қора-кура ғарибу фақирларни ҳам, оқсуягу оқбилак казо-қазоларни ҳам, кампир ва аёлларни ҳам, бола-бақраю, ўсмиру ўспиринни ҳам шу ерда кўриш мумкин.

Кимдир оёқда туради, кимдир ерга ўтириб олган.

Бироннинг қўлида сумка, бирон ҳассага таянган. Бирон пешонасига қўлини қўйиб, ўзига соя қиласди. Бирон манглайнини тириштириб қарайди. Кимдир жанжаллашиб қолади, кимлардир бир-бирига таскин беради. Кимдир суд, тергов ҳақида гапиради, кимдир адолат борлигини жаврайди, кимдир адолат йўқ, дейишдан қўрқиб жим бўлади.

Аслида, ҳамманинг жони дарднинг чангалида.

Аслида, ҳеч ким адолатга қўз тикаётгани йўқ.

Аслида, ҳамма умидсизлик ва чорасизлик қўлида. Ҳеч ким ҳукуматдан нажот қутмаяпти.

Бу ердагиларнинг ҳаммаси ич-ичидан ўғли, эри, отаси ёки ака-укасининг бир неча йиллик қамоққа кириб кетишини сезади. Бу сезги уларни даҳшатга солади, бу ҳисдан қочиш учун вайсайди, кўпчилик ана шу умидсиз туйғуга асир бўлиб, ўйчан ўтиради. Атрофни кўрмайди, эшитмайди. Уларнинг аксари оч қолаётган оиласини қандай бокиши, қамоқдаги жигарига егулик, кийим-кечакни қандай етказиб беришни ўйлади, холос.

Мусулмонларга таскин берадигани – Аллоҳнинг марҳамати. Аллоҳнинг лутфи. Ҳиндийлар эса ўзларининг тошдан бўлган ҳайкалларига илтижо қилиб, ёрдам сўрайдилар.

Нигор она икки тугун қўтариб олган: бирида егулик, бирида кийим-кечак. Ҳибсхона эшиги олдида куролланган соқчилар ҳеч кимни яқинлаштирумайди.

– Рухсат йўқ! – дейди соқчилар орасидан туриб бир зобит. – Учрашувга ҳам, бирор нарса беришга ҳам рухсат йўқ! Кетинглар!

– Қандай кетамиз!

– Бир ҳафтадан бери рухсат йўқ!

– Кетмаймиз!

– Нега рухсат йўқ! Тушунтириб беринг!

– Ичкарида болаларимиз қай аҳволда, ахир!

– Ҳибсхонанглар жуда иссиқ эмиш!

– Овқат бермас экансизлар!

– Урар экансизлар!

– Қийнаётган экансизлар!

Одамларнинг шовқини кучая бошлади. Оломон қамоқ томонга қараб тўлқинланди. Соқчилар қуролларини одамларга ўқталиб, ҳужумни қайтаришга тиришгандек эдилар. Ҳозиргина: “Кетинглар!” – деб турган зобит “лип” этиб ўзини қамоқ ичига урди. Унинг қочгани қўпчиликка куч берди. Ҳар ер-ҳар ерда ўтирганлар ҳам ўринларидан туришди. Кимдир қамоқча қарататош отди.

Тугунларини кўтарган Нигор она одамлар орасига тушиб қолди. Одамларнинг бундай жазавага тушишидан у қўрқиб кетди. “Ё Аллоҳим! Мени омон сақла! Ёрдам бер!” – дедид пицирлаб тугунларини ерга тушириб юбормаслик учун қаттиқроқ ушлаб. У шундай дер экан, қулогига чалинаётган сўзлар беихтиёр ичидан бир норизоликни уйғотди:

– Сизлар боламни ноҳақ қамагансизлар! – деди кекса бир чол қўлинни мушт қилиб соқчиларга қаратади.

– Менинг эримни ҳам! – унга қўшилди бир аёл. У аёлнинг юзида қайғувва исён қоришиб кетган эди. Шу гапни кутиб тургандек шовқин янада кучайди:

– Ҳа! Ҳа! Бизниkilарни ҳам ноҳақ қамагансизлар!

– Қамоқни бузамиз!

Оломон шиддат билан соқчиларга қараб ҳаракатлана бошлади. Шу пайт қамоқнинг темир дарвозаси кескин очилиб, ичкаридан қотма, баланд бўйли, хизмат кийими ўзига ярашган, кўзларида совук қатъият, юзида ёқимсиз жиддияти билан бир одам чиқиб келди.

У – қамоқ бошлиғи эди. У ҳам яқинда тайинланди. Исми Лакшми.

Лакшмининг қадам босишларида ҳам, қарашларида ҳам, ҳатто, қўлларини силташида ҳам одамларни тинчлантирадиган, бошқарадиган бир сиёsat ёғилади. Унинг ўзига бўлган ишончи, важохатини кўриб, оломон бирдан сусайди, қўпчиликнинг онгида англамсиз бир тарзда шу одам муаммони ҳал қиласди, деган бир ўй чақнаб ўтди. Одамларни тўхтатган омил шу эди.

Лакшми шаҳд билан оломонга қараб юрди. Одамларга қурол ўқталиб турган соқчилар иккига ажralиб, бошлиқча йўл очдилар. Йиғилганлар ҳам беихтиёр жим бўлишди.

Лакшмининг ортидан икки хизматчи ёғочдан ясалган бир минбарни кўтариб чиқди.

Минбар дейилаётган бу нарса ердан яrim қулоч кўтарилган, тўрт оёқли кўтарма.

Лакшми оломон ичига бир неча қадаб босиб киргач, унинг оёғи тагига ўша “минбар” қўйилди. Бошлиқ унинг устига чиқди. У одамларнинг деярли ҳаммасини кўрди, одамлар ҳам уни кўрдилар.

Бироқ Лакшми гап бошлагани шошилмади. Қаршисидаги ҳамманинг юзини, қўзини топиб тикилди. Кейин қўлидаги соатга қаради. Икки кафтини бир-бирга қўйиб, пешонасига олиб бориб, хиндий урфга кўра таъзим қилди.

– Намасте! – деди. Лакшмининг овози жарангдор экан. У “Намасте!” деганидан кейин мусулмонлар каби қўлини кўксига қўйди. – Ассалому алайкум! Мен Лакшмиман. Лакшми Чанчат. Сизларнинг қаршингизга чиқиб гапириш мен учун шараф ҳам масъулият! Эшитишмча, негадир қамоқни бузмоқчи экансиз. Муаммоларингиз жуда кўп экан. Марҳмат, айтинг, қандай муаммоларингиз бор?

Ҳамма жимиб қолди. Ўғлим ноҳақ қамалди деган чол гап бошлади:

– Лакшми соҳиб! – деди у ҳассасига астойдил таяниб олиб. – Мен мусулмонман. Ёшим саксондан ошиб кетди. Менинг кенжа ўғлим Баҳодирни ноҳақ қамаб қўйдинглар. Энди эса ундан хабар олгани келсам, қўймаяпсизлар. Бу қандай адолатсизлик! Ўғлим тирикми, ўликми – қаердан биламан, ахир!

Лакшми чолга қаттиқ тикилиб, уни жим эшитди.

– Бўлдими, гапингиз тугадими, отахон? – деб сўради қамоқ бошлиғи.

– Ҳозирча тугади, – деди чол.

– Энди мени тингланг, – деди Лакшми “Тингланг!” сўзига урғу бериб. – Биринчидан, биз одам қамаш билан шуғулланмаймиз. Одамни полиция қамайди. Полиция буйруқ беради – қўлига кишан солиб келтиришади. Биз уни сақлаймиз, холос. Яъни, жиноятчини сақлаб берамиз. Қамаш бизнинг зиммамиизда эмас. Бизнинг зиммамиздаги иш – маҳбусни қўриқлаб, ҳимоялаб ушлаб туриш, холос. Шунинг учун, сиз, отахон, ўғлимни қамадинглар, деб бизга очиқ тухмат қилдингиз.

Чол довдиради:

– Мен қаердан билай! Ҳаммангиз бир полиция бўлсангиз! Сиз қамагансиз, деб ўйладим-да! Билиб ўтирибманми!

Лакшмининг овозида таҳдид пайдо бўлди:

– Билмасангиз, гапирманг, майлими? – Чол бошлиқнинг важоҳатидан чўчиб беихтиёр ортга тисланди. Лашкми эса бундан куч олди. – Билмай гапирасиз, билмай жиноят қиласиз! Билмайсизки, ўғлингиз аслида жиноятчи! Сиз билмайсиз – у қандай жиноятлар содир этиб юрганини! Лекин полиция билади! Полиция ҳар бир ишни қонун доирасида бажаради. Полиция ҳаводан олиб иш қилмайди. Баъзилар бор... осмондан тушган нарса билан иш қиласи! Полиция, суд ундай эмас! Шунинг учун, икки қулоғингиз билан эшитиб, англаб, тушуниб олинг! Биринчидан, ўғлингизни ва, умуман, ҳеч кимни биз қамоққа тиқмадик. Иккинчидан, полиция ҳеч кимни беҳуда жазоламайди. Учинчидан, қамоққа кирган одамни чиқариш бизнинг ишимиз эмас. Қўлингиздан келса, хуқуматга мурожаат қилинг, судга боринг, ўғлингизни, эрингизни чиқариб олинглар!

Эрини ноҳақ қамалганини иддао қилиб қичқирган аёл одамларни туртиб ўтиб, бошлиқнинг олдига чиқди. У ҳинд аёли бўлиб, чехраси азобдан, изтиробдан тўйиб кетганини билдираётган эди.

– Бошлиқ соҳиб! – деди у шартта. Овози кескин, хирқироқ экан. Қораҷадан келган юзи, қалин қоши, лўппи юзи, ажинли пешонаси, қора

гулли сарийси, икки қоши орасидаги хол – ҳаммаси аёлнинг фавқулодда ғазабидан дарак эди. – Бунақа гапларингиз билан ҳаммани алдасангиз ҳам, мени алдай олмайсиз! Қамоғингизда одамларни урасизлар. Азоблайсизлар. Ҳимоячиларга ҳуқуқ бермайсизлар. Менинг эримни бир йилдан бери ушлаб ўтирибсизлар. Майли, сиз айтгандек, жазони полиция берсин! Аслида, шу гапингиз ҳам хато! Полиция қандай қилиб жазо беради? Жазони суд тайинлайди. Сизлар ижро қиласиз. Полиция эса жиноятчиларни тутиб беради. Мен биламан – эримни тухмат билан қамашди.

– Менга қаранг, хоним, – деди пешонаси тиришиб Лакшми. – Дийдойингизни ўша судда айтасиз. Бошимни қотирманг!

– Бошингизни қотирмайми? Ҳозиргина қандай муаммо бор, деб сўраётган сиз эмасмидингиз? – аёл бор овози билан қичқирди. – Адолатсиз, ёлғончи, ярамас одам экансиз! Эримни кўйиб юбор! Уйда болаларим бор! Уларни қандай боқаман, инсофсиз! Эримнинг хўжайини унга пулинни бермади. Эрим эса ундан ҳаққини талаб қиласерди. Кейин у золим эримни тухмат билан қаматиб юборди. Сиз эса уни ушлаб ўтирибсиз!

Лакшми асабийлашди.

У асабийлашгани учун чиқиб келишидаги важоҳат, виқор йўқола бошлади. У имкон қадар ўзини босишга тиришди, мулоим бир тусга кирди, овозини майнинлаштириди:

– Хоним, мени кечиринг, – деди паст тушиб. – Мен ҳақиқатни билмаганим учун қўйполроқ гапирдим. Сиз бу воқеани, албатта, судга айтинг. Суд эрингизни озод қиласди. Тушунинглар: мен ижрои одамман. Тепамда раҳбарлар бор. Улар бир ой муддатга маҳкумларни ҳеч ким учраштирма, деб тайинлашди. Чунки Аёдхияда исломий экстремистлар ҳиндийларга хужум қилмоқда, бизларни кофир, деб таҳқирлашяпти. Мўғуллар подшохи Аврангзеб ўлганидан кейин Аёдхия озодликка чиқди. Биз бобурийларга итоат этмадик. Биз буюк Рамнинг Ватани ворисларимиз. Бу юрт муқаддас. Чандрагупта обод қилган ўлка бу. Мусулмонлар келгиндишлардир. Уларга эргашган миллатдошларимизга раҳмим келади. Яқин-орада бузғунчи мусулмонларнинг ҳаммасини жазолаймиз. Шу сабабли, биз қамоқни бир ой қатъян мухофаза этишга мажбурмиз. Сизлар эса адолат йўқ, дейизлар. Ичкаридаги минглаб маҳбусларни қўйиб юборайликми? Улар ваҳшийларча бизнинг санъатимизни, ибодатгоҳларимизни оёқости қилсинларми? Бунга йўл қўйиб бўладими!

Лакшми шундай гапирдики, ҳамма беихтиёр уни тинглашга мажбур бўлди. Одамлар орасида турган мусулмонлар эса ўзларини жуда нохуш ҳис этдилар. Ҳиндийлар, бутпараст пуштунлар мусулмонларга ёвқарашиб қилиб қарадилар. Нигор она бу ҳолга жим турса олмади:

– Бошлиқ соҳиб, – деди у толиққан овозда. Ҳақиқатан, у йўл босиб ва қуёш тифида чарчаган эди. Лакшми унга қаради. – Сиз мусулмонларни нега ёмонотлиқча чиқаряпсиз? Бундай дейишга ҳаққингиз йўқ! Исботингиз йўқ!

Лакшми Нигор онага қаради, унинг муслима эканлигини билди. Ичидা илжайди, ташида эса қовоғини уйди.

– Сиз муслимага ўхшаяпсиз... – деди салмоқлаб.

– Алҳамдуиллаҳ, мен мусулмонман, – деди Нигор она.

– Балки, сизнинг хабарингиз йўқдир! Аммо бизнинг хабаримиз бор! Мусулмонлар ҳадларидан ошиб кетдилар. Улар жамоалар тузишяпти. Ҳиндийларни таҳқирлашяпти. Мархум ҳокимимиз ва бош зобитимиз айнан мусулмон жангарилари томонидан ўлдирилди. Бу масалада бизда етарлича далил ҳам, гувоҳ ҳам бор. Кўплаб мусулмонлар ташқаридан қурол сотиб олишган. Бомбалар тайёрлашган. Ҳиндистон озодлигига қарши курашишган. Англиядан ёрдам олишган. Покистон билан ҳамкорлик қилишган. Биз бу жиноятларни зинҳор бу ҳолда ташлаб қўймаймиз!

– Ёлғон! – деди Нигор она кўзидан ёш оқиб. – Тухмат қиляпсиз!

– Буни яқинда билиб оласиз! – қамоқ бошлиғи гапни қисқа қилиб, оломонга қўлини бигиз қилиб деди: – Хўш, вазиятни тушундингларми? Тарқалинг! Нима қаҳрининг бўлса, мусулмонларга сочинг. Нима саволингиз бўлса, улардан сўранг! Боринглар! Йигирма кундан кейин қамоқхона учрашувларига рухсат берилади!

Одамлар тарқала бошлади. Бу ҳеч ким кутмаган ечим эди. Мусулмонлардан ёмонлик кўрмаган бутпарастлар ҳозир ҳайрон эдилар. Бироқ уларнинг аксарининг қалбида мусулмонга нисбатан қора нуқта пайдо бўлди. Мусулмонлан ҳам ғайридинлардан келиши мумкин бўлган ҳужумга ҳиссий равиша ўзларини ҳозирладилар. Ҳамманинг кўз ўнгида давлат одами илк бора ҳалқ орасига диний адоват уругини сепди. Бу уруғ қалбларга бориб тушди, хаёлларга қадалди, энди томир отади, ниш уради, дараҳтга айланади, фитна ва фасоддан иборат мева тугади.

Нигор она ҳорғин уйга қайтди. Қайтаркан, кўзига олам торайди. Қалбида чукур, симмилаган оғриқ уйғонди. У оғриқ на кўзёш билан, на нола билан кетмайдиган бир оғриқ эди.

– Қизим, – деди уйга кириб, ҳолсиз бўлиб ерга чўкаркан. – Бир ойдан кейин қамоқ учрашувларига рухсат бериларкан... Сизнинг бормаганингиз яхши бўлибди...

Сабринисо эрини қамаб қўйганларидан кейин ўзини худди бўшлиққа йиқилаётгандек туйди. Қизиқки, ичи бўм-бўш эди. Қалбида титроқ... Бироқ бу титроқ кўзёшни чақирмайди. Муздай.

“Энди нима қиласман?”

У ўзига шундай савол берди. “Астағфируллоҳ!” – деди у. Чунки ичи унинг жуда хотиржам эди. “Наҳотки, эримнинг қамалгани, азоб тортаётгани мени қайғуга солмаса! Наҳотки, мен унга шу қадар бефарқман!” – деб ўйлади. Ўзини бемехр умр йўлдоши каби ҳис этди. Ҳолбуки, туйгуларни бошқариш имконсиз. Аслида, Сабринисонинг ҳолати Аллоҳнинг унга берган инояти эди. Сабринисода бир сабр, бир тоқат бор эдики, бу тоқат эрининг қамоққа тушиши келтирган қайғуни бемалол кўтарди.

Хўжа Алининг қандолат корхонаси ёпилди. Аввал шогирдларнинг қадами узилди. Кейин мижозлар келмай қўйди. Ойнинг охирига бориб, уйда на егулик, на кийгулик қолмаслиги аён бўлгач, қайнона-келин қандолатхона дастгоҳларини сотишга қарор қилишди.

– Ўғлим озодликка чиққач, яна сотиб олади, иншаАллоҳ, – деди Нигор она. – Ҳозир Озодга ғамхўрлик қиласайлик. Сиз яхши овқатланинг. Болага сут бўлсин. Чақалоққа яхши парвариш зарур.

Белгиланган йигирма куннинг эртаси куни Нигор она келини ва неварасини олиб, қамоққа келди.

Қамоқ олди тумонот.

Ёмғир мавсуми бошлангани учун дамба-дам ёмғир шивалайди. Аёдхияда иқлим қуруқ бўлса-да, йилнинг баъзи фаслларида ёмғир қўп ёғади. Илиқ ёмғир. Кўпчилик бошига ёмғирдан ҳимоя учун пўстин ташлайди. Сабринисо чақалоғини қучоқлаб қамоқнинг яқинидаги қайсиdir бойнинг иморати панасида туриб қолди. Нигор она учрашувни ҳал қилгани кетди.

Қамоқ панжараси атрофида одамлар асалариdek ғувиллайди. Ҳеч кимнинг ёмғир билан иши йўқ. Бутун вужуди билан тамжид калимасини тақрорлайди:

“Субҳаналлоҳ! Валҳамдуиллаҳ! Ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!
Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил аъзийм! Ма шаа Аллоҳу кана
ва ма лам яшь лам якун”.

“Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан, ширкдан покдир! Ва Аллоҳга ҳамд бўлсин! Ва Аллоҳ Улуғдир! Олий, Азийм бўлган Аллоҳнинг қувватидан, қудратидан бўлак куч ҳам, қувват йўқ! Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади! Хоҳламагани ҳаргиз бўлмагай!”

Нигор она шошиб келини қошига келди:

– Қизим, бўлақолинг, – деди ҳаяжонда. – Рухсат беришди. Рухсат олдим!
Юринг!

Сабринисо шошиб қайнонасининг ортидан эргашди.

– Ўғлим билан учрашувга рухсат тегди, лекин қайнотангиз билан учраша олмаймиз бугун... ИншаАллоҳ, хайрли бўлсин! – Нигор она ўғлининг дийдорига етишидан жуда хурсанд эди. Тез гапирганидан ва қувончдан нафаси тиқилиб, битта сўзни икки-уч бор тақрорларди.

Қамоқнинг пўлат дарвозаларидан унинг тор ҳовлисига киришди. Кейин чала ёритилган йўлакдан юриб кетдилар. Йўлакдан хизмат либосидаги полициячилар у ёқдан бу ёққа югургандек қадам босади.

Ҳаммасининг турқи совуқ. Баشاрасида нур йўқ. Қараса, одамнинг эти жунжикади. Ҳарқалай, Сабринисога шундай туюлди. Бироқ у бу ҳолга эътибор беришга ҳозир қодир эмас. Чунки эри билан бўлажак учрашув уни ғалати бир аҳволга солмоқда.

“У абгор ҳолга тушдими? Озиб кетмабдими? Қорни тўйиб овқат емаётган бўлса-чи? Уриб шикаст етказишмабдими? Аллоҳим, Хўжа Алини

ўзинг сақла! Ҳифзингда ҳимоя эт!” – Сабринисонинг қалбидан шундай ўтинч отилиб чиқаётган эди.

Қизиқки, у қамоқнинг ичкарисига киргани сайин эридан хавотири кучайди. Бу хавотир кўчада, ҳатто, бироз олдин ҳам бу қадар қучли эмасди.

Нигор онанинг ичи тўлиб келди. Йўл бошлаб кетаётган полициячи изидан югургудек юраркан, йиғисини босиш учун лабларини тишлаб олди.

Бу йиғининг сабабини она англашдан ожиз. Фарзанд ҳам ожиз. На-да она, на-да фарзанд – инсон боласи бу йиғини таҳлил эта билмас! Зотан, жигаргўшасини зулм чанглида кўргач, Одам боласининг ич-ичидан ташқарига вулқондай отиладиган бу нола Аллоҳнинг фитратга жойлаб қўйган марҳматидир.

Нихоят, ўнгга бурилиб, бироз юрганларидан сўнг, яна бир эшикдан ичкари кирдилар. Ўрта панжара эди. Қалин темирли панжара. Бу панжара девор ўн қисмга ажралган. Ҳар қисм ярим қулоч. Ярим қулочнинг ичидаги курси. Икки томонда. Полиция ўтиринглар, деб шундай курсилардан бирини кўрсатди.

– Онажон, ўтиринг, – деди Сабринисо.

– Йўқ, қизим, сиз ўтиринг, – деди Нигор она. – Кўлингизда бола бор.

– Йўқ-йўқ! – деди шошиб Сабринисо.

Нигор она курсига ўтиреди, қўлидаги тугунни қаршисидаги токчага қўйди. Панжара ортида хонанинг чап томонидаги эшик очилди ва Хўжа Али кўринди.

Озибди. Сочи янада ўсибди. Юзи... У юзини қайгули кўрсатмаслик учун жилмайиб келаётган эди. Бироқ кўзларининг тубида бир ғам нурни яширибди. Шодлик нурини беркитибди. Буни онаси ҳам, аёли ҳам дарҳол англадилар.

Онаизор ўғлини кўрдию, ўрнидан беихтиёр туриб, икки қўли билан панжарани ушлади:

– Болажоним!.. – деди овози титраб. Нигор онанинг титроқ саси ичига ютилди, чунки қўзидан шашқатор оқаётган ёш, бўғиздаги чўғ бу сасни ушлаб олди. Ушлаб олдию, қўйиб юбормади. Онаизор бир сўз айта олмай туриб қолди.

Сабринисо эса чақалогини бағрига янада маҳкам босиб йиғисини кўрсатмасликка тиришди. Хўжа Али ичидан зил кетди. Лекин жилмайди. Югуриб онасининг қаршисиага келди.

– Онажон! – деди кувноқлик билан. – Нега йиғлайсиз, йиғламанг! Йиғламанг, она!

У кулса-да, ўзининг қўзидан чиқаётган ёшни сезмаётган эди. Нигор она юзини панжарага босди. Панжарадан унинг бармоқлари сифарди, қўли сифмайди. Гўё панжарани қучса, ўғлини бағрига босгандек эди у ҳозир.

Бир неча лаҳзадан сўнг туйғулар босилди.

– Ассалому алайкум, яхшимисиз, онажон? – деди Хўжа Али.

– Шукур, болам, – деди Нигор она. – Ўзинг яхшимисан? Қийналмаяпсанми?

– Йўқ-йўқ! Сира хавотир олманг! – деди Хўжа Али.

– Болам, Аллоҳим лутф кўрсатди: ўғилли бўлдинг! – деди Нигор она ва келинига қаради: – Қизим, Озодни менга беринг!

Нигор она неварасини авайлаб қўлига олиб, кўтариб юзини панжарага яқинлатди:

– Мана, ўғлим, сенинг ўғлинг! Хўжа Озод! Аллоҳим отангга, сенга озодлик берсин, деб ният қилиб, дуо қилиб шу исмни қўйдим! – Нигор она ўғлининг дийдоридан шодланиб шошиб гапиради. – Қара, худди ўзинг! Худди бобоси!

Хўжа Али панжара ортидан ширингина бўлиб ухлаб ётган ўғлига қаради. Ичи бошқача бўлди. Бошқача эдики, бу туйгуни у аввал туймаган эди, зотан. Ажабки, болани олиб қучоқлаб эркалашга эҳтиёж сезмади, чунки иложсиз ишга қандай қилиб эҳтиёж сезиш мумкин! У боласи қучли бўлиб ўсишини орзу қилди. Бу шундай орзу эдики, на қалбда, на онгда сўзга эврилмаган бир ният эди. Заифлик, тутқунлик чангалидаги ҳар бир отанинг қалбидан ўтиши мумкин бўлган ягона бир хоҳиш эди бу.

Нигор она яна фарзанди олдида қўпроқ қолишни истарди, лекин полициячининг овози келди:

– Беш дақиқа! Беш дақиқадан кейин учрашув тамом!

Онаизор шунда ўзига келди. Етти қат осмон устидан ерга тушди, гўё. Шунда у атрофга қараб атрофда яна тўккиз маҳбус ўз оиласи билан гаплашаётганини, хона чуғур-чуғурга тўла эканлигини идрок этди. Шошиб ўрнидан турди:

– Қизим, эрингиз билан гаплашиб олинг! – деди болани қучоқлаб. – Мен тураман.

– Йўғе, она... – деди қизариб Сабринисо.

– Ўтилинг! – деди буйруқ билан Нигор она.

Сабринисо эрининг қаршисидаги курсига қимтинибгина ўтиреди. Панжара ортидан ўзига интизорлик ила боқиб турган бир жуфт меҳру андуҳ тўла кўзларга секингина қаради.

ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ

Абдуллоҳ яна аввали камерага қайтарилиди. Камерада ўша эски нусхалар – Айдар, Найнов ва Кичкина бутун дунёнинг сиёсати уларга қолиб кетгандек бир-бирларига ақл сўқиб ўтиришган экан.

Аслида, ақл сўқаётган, одатга биноан, Айдар эди. Найнов оёғини кўтариб ётган қўйи эснаб, ҳафсаласизлик билан уни маъқуллаб қўяди. Кичкина оғзини очиб, Айдарнинг оғзига тикилади. Абдуллоҳ кириши билан у томонга ўгирилишиди. Найнов оёғини туширди, ўтиреди.

Абдуллоҳ қўлини чайди. Камерадошларига:

– Ҳорманглар! – деди, ҳеч кимга ортиқча эътибор бермади, сўрашишга қўл ҳам узатмади. Ётар жойнинг юқорисига чикиб, чўзилди. Унинг баданида мих санчилган жойлар кўриниб турарди. Айдар пастки лабини тишлаб, ачингандек бошини лиқиллатиб қўйди. Кейин қўлинни силтаб, ўз лоқайдлигини эълон қилган бўлди. Найнов эса эшик тагига бориб, тақиллатди.

– Энди эшит! – деб Кичкинага келган жойидан вайсашга тушди Айдар. – Шундай қилиб, дунёдаги энг буюк давлатлар ичида Хитой энг буюги, энг кучлиси, энг қудратлисиdir. Биласанми, Россия ҳам, Америка ҳам у билан хисоблашиб ишлайди. Чунки Хитой маҳсулотлари жаҳон бозорларини эгаллаб бўлди. Осиёни Хитойсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Хитойнинг армияси, саноат, ҳалқи – жуда бетакрор. Сиёsat масаласида бизнинг ҳукуматдан бутун дунё ўrnak олса, арзиди. Бизга Европанинг сиёsatини мақташади: инсон ҳуқуқлари, бошқа, бало, баттар! Тошини терсин булар! Баъзи хоинлар Хитойда демократия ўрнатамиз, дейди. Европа чириб, адо бўлди. Ҳамма ёқни кўтлар босиб кетган. Хитой бунга йўл қўя олмайди, ахир. Хитой қадимдан келаётган ҳамма илмларни ўрганиб, коммунизмни танлаган. Энг буюк ғоя. Инсон озодлиги шунда! Хитой раҳбарлари мамлакатни гуллатиб юборишаётти! Ҳалқимиз меҳнаткаш! Кимлардир Хитойда яшаш қийин, шароит йўқ, дейишади. Ҳой, нонкўр! Ишла, меҳнат қил! Бутун дунёдан Хитойга одамлар орзуманд! Бизнинг уйғурлар ҳам баъзан аҳмоқ. Хитойдан озод бўлиш керак, дейдиган тоифалар чиқиби. Унақаларнинг жойи қамоқ! Зиндон! Ўлим! Осув! Отув! Чунки Хитойдан ажраб чиқиши ўлим билан teng. Ахир, бизни кимдир ҳимоя қилиши керак-ку! Агар Хитойнинг қўл остида бўлмасак, Россия бизга ҳужум қиласди, Америка босиб олишга интилади. Хитой эса бизни бу балолалардан тўсиб турибди. Ҳамма нарсага йўл бор: коммунизм сиёsatи худони инкор этса ҳам, масжидлар ишлаб турибди. Уйғурлар, мусулмонлар ҳажга боряпти. Қуръонлар сотиляпти. Ахир, нима керак? Тинч ва осуда яшаяпмиз! Аблаҳ ватан хоинлари Хитойдан уйғурни озод қиласман, дейди. Ахир, биз озодмиз! Бунақа исқиртлар жамлоқларда тўлиб ётибди. Борсанг, кўрасан. Бутун дунё Хитойга тан беради.

Вайсашлари Абдуллоҳнинг қулоғига кирмаётганидан Айдар ғофил, албатта.

Абдуллоҳ хотиржам, қалби осуда эди. Туну кун тинмайдиган, айниқса, кечалари деворларни куйдириб юборгудек қийноқ нолаларини эшитаркан, қалби билан Аллоҳга боғланди, истигфор айтди, Роббисидан мазлумлар учун ёрдам сўради.

Орадан бир ой ўтгач, Абдуллоҳни судга чақиришди. Судгача адвокатни ҳам, терговчини ҳам қайта кўрмади. Қизиги, қамоқ биноси ичида суд зали бор экан! Абдуллоҳ шундай ўйлади. Чунки у қандайдир “кўринмас кучлар” қамоқ ичидаги тузукроқ хоналардан бирини таъмирлатиб, суд залига айлантириш ҳақида буйруқ берганини билмасди, табиий. Ўша кучлар

Абдуллоҳнинг қамоқдан чиқарилмай тўғри жамлоққа олиб бориш ва у ерда жиддий назорат остида саклаш ҳақида қарор қилган эдилар.

Абдуллоҳ “Судга ҳозирлан!” буйругини эшитиб, қандай ҳозирланиш тўғрисида ўйлади. Эгнидаги кийимни қайта-қайта ювиб, қуритиб, кийиб юрибди. Ташки либосини ювса, ич кийимда ўтиради. Ич кийимини ювса, таш кийимда.

Миршаблардан бири устара узатди.

– Соқолинг-мўйловни қир! – деди дағаллик билан.

Абдуллоҳ миршабга тикка қаради ва устарани олди. Ойна йўқ эди. Совун йўқ эди. Абдуллоҳ сўрамади. Сўрагиси келмади. Муздай сув билан ўсиқ соқолини ювди. Иягини ишқади, соқолини юмшатган бўлди.

Ўнг узорини бармоғи билан пайпаслаб, устарани тифи билан юргазди. Ўт ўрганда чиқадиган овоз қулоғининг тагидан эшитилди. Устарани сувга ботира-ботира Абдуллоҳ соқолини таги билан олишга киришди. Айдар, Найнов ва Кичкинанинг наздида Абдуллоҳ хўмрайиб, бефарқ ҳолда соқолини қирап эди. Аслида эса қалбини истиффор жарангни тўлдирди.

“Аллоҳумма анта Роббий!” – “Аллоҳим, Сен менинг Роббим, парвардигорим, Тарбиячимсан!”

“Лаа илаҳа алла ант!” – “Сен бошқа ибодатга сазовор бўлган бошқа илоҳ йўқдир!”

“Холақтаний!” – “Сен мени яратдинг!”

“Ва ана аъбдука!” – “Ва мен Сенинг қулингман!”

“Ва ана аъла аҳдиқа!” – “Ва мен Сенга берган аҳдим устидаман!”

“Ва ваъдика мастатоът!” – “Ва Сенга берган ваъдамга қувватим етганича, имконим борича, ўзимни бутунлай сафарбар этиб амал этмоққа тиришаман!”

“Ауъзу бика мин шарри ма сонаът!” – “Қилмишларим: нохуш кирдикорларим, хатою гуноҳларимнинг ёмонлиги ўзимга етишидан қўрқаман ва ўша ёмонликдан қочиб, Сенинг паноҳингни сўрайман!”

“Ва абуу улака би нийматика аълаййа!” – “Сен, Ўзинг менга чексиз неъматлар ато этдинг! Беминнат берганинг барча неъматларни эътироф этаман, тан оламан!”

“Ва абуу у бизан бий...” – “Сенинг қошингда, Сенинг кўзинг ўнгиди, Сен кўриб турганинг ҳолда қилган барча гуноҳларимга иқрорман...”

“Фағfirлий...” – “Аллоҳим, мени кечир!..”

“Фа иннаху лаа яғфируз зунуба илла Ант!” – “Зотан, Сендан бўлак гуноҳларни кечиргувчи ҳеч ким йўқ! Фақат Сен маъсият ва хатоларни афв этадиган Зотсан!”

То соқолини буткул қириб бўлгунича Абдуллоҳ истиффордан тўхтамади. Бу шундай истиффор бўлдики, фақат Аллоҳ ва унинг бир шикаста кули орасида эди.

Абдуллоҳ судга чиқаркан, унинг тик қадди, дадил қадамлари миршаблар қалбига англамсиз қўрқув олиб кирди. Бу қўрқувни улар қандай ҳам

англасинлар, қандай тушунсинглар! Күр бўлган қалб кўзи на ёруғни, на зулматни идрок эта олмас, зотан. Фақат бу маҳбусга қаттиқ бир овоз-ла, кўпол бир сўз-ла муомала қилишга ғайритабиий бир Қудрат йўл қўймади.

Сунъий ҳозирланган суд залига Абдуллоҳни олиб кирдилар. Суд зали, ажабки, тўла. Баланд қилиб ўрнатилган столда уйғур судя кўр тўкиб ўтирибди. Икки ёнида икки нафардан халқ маслаҳатчилари.

Қамоқ инсон сезгиларини қайрайди. Маҳбуснинг кўзлари қаршисидаги ҳар нарсани ипидан игнасигача, миридан сиригача бир лаҳзада хотираға мухрлайди. Хотира мияга узатади. Мия бир он ичида бу сувратни таҳлил элагидан ўтказади.

Абдуллоҳ судяни уйқуга тўйган, деб ўйлади. Бироқ, ажабки, маслаҳатчиларнинг кўзлари шишиб кетган. Валлоҳи, улар ухламаган кўринадилар.

“Кайфу сафода тонг оттирган бўлсалар керак...”

Прокурор душманга қўшин тортиб чиқкан саркарда каби жанговар. Панжара ичига киргач, Абдуллоҳ оҳиста ўриндиққа чўқди. Эшиқдан:

– Мен адвокатман, адвокат! – деган овоз эшишилди ва Тублибек шошибишишиб кириб келди. Абдуллоҳ кўз қири билан Тублибекка қараб қўйса-да, эътибор қаратмади.

Зални тўлдирғанлар Абдуллоҳнинг кўзига битта қолипдан чиқарилган темир ҳайкалчалардек туюлди: юзлар бир хил, қириб силлиқланган ияклар бир хил, маънодан холи, бўм-бўш нигоҳлар бир хил. Ҳиссиз. Совуқ.

Абдуллоҳ деворга суюнди.

Юзлари чўзинчоқ, озгин, ўтирган жойидан ҳам новчалиги билиниб турган мўйловли судя Абдуллоҳга қошини чимириб қаради. У тажрибаси давомида бу қадар бетакаллуф маҳбусни ilk бор кўраётганини хаёлидан ўтказди.

“Синдириш керак, албатта, синдириш керак! Бурни осмонда-ку! Худди жонини тикиб қўйгандек!” – судя ўз ўйидан ўзи мутаассир ҳолда лабини бурди.

– Демак, судни бошлаймиз, – деди судя залга қараб. Абдуллоҳ эса кўзини хонанинг ўзининг қаршисидаги деразасига тикди:

“Ҳаво қандай экан? Салқинмикин? Ё иссиқмикан? Одамларнинг кийимиға қараганда совуқ, шекилли. Ўраниб олишганини кўр буларнинг...” – деди ўзига ўзи. Судя эса маҳбусни таништираётган эди:

– Абдуллоҳ Ёрқин Иброҳим Ёрқин ўғли, ёши ўттиз иккода, Туркия ватандоши, аслан, Уйғур қочқини. Отаси билан бундан қарийб йигирма беш йиллар илгари Хитой ҳудудидан ноқонуний равишда чегарани бузиб қочган... – судя яна бир нималарни гапирди, Абдуллоҳ эснади. Кўзини юмибочиб, елкасини кериб, танасидаги қонни юриштирмоқчилик бир қўзғалди. Маҳбус ўтирган панжара тепасида турган миршаб кўзларини ола-кула қилиб, дам судяга, дам Абдуллоҳга бокди. Судя судланувчига савол берди. Абдуллоҳ уйқудан энди уйғонгандек: “А?” – деди.

– Судланувчи, ухляяпсизми? – деди судя зард билан.
– Йўғе, сизлар ухляяпсизларми, дебман, – деди Абдуллоҳ.
– Тушунмадим?! – деди судя ҳайрон бўлиб.
– Ҳеч нарса, сўрайверинг, нима керак сизга? – деди Абдуллоҳ. Судя маҳбус уни мазах қилаётганини сезди. Биргина у эмас, залда ўтирганлар – фаросатдан бир зарра насибаси борларнинг ҳаммаси буни англади. Миршаблар, куч ишлатиб, ақлни унутган золимларнинг барчаси, бундай ҳолга илк бор учрашаётгандилар. Зотан, судларда ҳамма синик ва йиғлоқ бир ҳолда туради.

Бу қандай исён бўлди!?

Судя учун мазах бир зарба эди. У фикрини жамлаб, “жиноятчи”га қайта бирор хужумни режалаштириш учун саволини такрорлади:

– Уйланганмисиз?

– Уйланганмисиз? – судянинг гапини айтди Абдуллоҳ. – Билмайсизми?

Қўлингиздаги анави қалин жилд ичидаги қоғозларда мен ҳақимдаги зифирдек маълумотни ҳам қайта-қайта ёзишган. Ўқиб олинг.

Судя довдиради.

Маҳбус у кутганидан кўра безбет чиқди. Довдираганини билдирамади:

– Ўқиб олайми, ўртоқ жиноятчи? – деди. – Ўқиб олишга ақлим етмай турган эди.

Судя маҳбуснинг вужудидан ёғилиб турган қаҳр қаршисида ўзининг ожизлиги хусусида эътирофга келди. Ҳозирча у билан teng бўлмасликка қарор қилиб, прокурорга айловни ўқиши буюрди. Прокурор Абдуллоҳга ўқрайиб қараб, айловни эълон қилди.

– Сўз сизга, судланувчи, жиноятингиз тафсилотини сўйланг, – деди судя ўзини ўта лоқайд кўрсатишга тиришиб прокурор айловни ўқиб тугатгач.

– Менгами? Машаа Аллоҳ! – деди Абдуллоҳ ўрнидан туриб. “Машаа Аллоҳ” калимаси ўтирганларга ўқдек санчилди. Ҳамма қалқиб кетди. Абдуллоҳ шошмай ҳар бир одамга бирма-бир қараб, баланд ва дадил сўз бошлиди. У гапирапкан, овози очилар, ҳар бир сўзи жаранглаб янгарар эди. – Мендай гуноҳкор қулини Ислом ила неъматлантирган, Иймон ила нажотлантирган Аллоҳимга ададсиз ҳамд! Исломни етказиб, Иймон тарбиясини берган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга дурудлар, саловотларим бўлсин!

Судя, Абдуллоҳ гапирапкан, болғаси билан столга бор кучи билан урди, прокурор ўрнидан туриб кетди, қолганлар эсини йўқотиб қотдилар.

– Бас қил, маҳбус! – деди чинқириб прокурор.

– Бу сизга дин мажлиси эмас! – деди судя гезариб.

Абдуллоҳ кулди.

– Мен айбдор эмасман! Мени эшитинглар! Мени эшитинг! – деди ҳайқириб. – Шайтонламанглар! Сизлар ҳаммангиз ёлғончисиз. Ўлкангизда қонун йўқ. Қоида йўқ. Золимлар истаган ишларини қиладилар. Халқни қонини ичасиз. Элни алдайсиз. Ҳукуматда турган бирор инсон одамлар

дардини ўйламайды. Менинг бўйнимга ёлғон жиноят қўймоқдасиз. Мен айбдор эмаслигимни сизлар яхши биласиз. Ноҳақ қамаёттанингиз сизга кундай равшан. Бирортангиз мени жиноятчи деб билмайсиз. Тепангизда турган нобакор қамаш амрини берди – қамайсиз. Билингки, мен мусулмонман ва мусулмонни Аллоҳнинг ўзи ҳимоя қилади. Ёлғиз ва иложисиз қўймас! Мени ўлдирасизми, осасизми, сўясизми, зинданда минг йил сақлайсизми – менга фарқ этмас. Мен ўзимни ўлган, деб хисоблайман. Сизлар эса, албатта, бу дунёда хорлик ила жазоланурсиз. Қиёматда эса оловда ёнажаксиз. Масхарабоз судингизни тугатинг. Судсиз белгилаб қўйганингиз қамоқ муддатини айтинг. Мен каби минглаб, юз минглаб, миллионлаб уйғурларни, мусулмонларни, мазлумларни азобламоқдасиз. Огоҳ бўлинг! Бунинг бадалини, албатта, ўтаяжаксиз! Биз ўлсак ҳам, қонларимиз оқса ҳам, сизларга жазо Берувчи Зот ўлмас! Ҳаргиз ўлмагай! Аллоҳ буюқдир!

Ҳамма сукутда қолди.

Абдуллоҳ гапини тугатди. У қизишиб кетган эди. Юзлари бўғриқди. Жойига ўтирди. Судя бошини эгиб, бир муддат сукут сақлади-да, сўради:

- Бошқа гапингиз йўқми?
- Йўқ!
- Суд саволларига жавоб беришдан бош тортяпсизми?
- Ха!
- Тўлиқ такрорланг: суд саволларига жавоб беришдан бош тортаман, деб!

– Сизларнинг судингиз масхара суд бўлганлиги учун саволларингизга жавоб беришдан бош тортаман!

– Яхши. У ҳолда, сиз билан пачаклашиш учун вақтим йўқ, – деди судя ўрнидан туриб. Ҳамма ўрнидан турди. Абдуллоҳ ўрнидан қўзғалмади ҳам. – Ўртоқ прокурор, қанча сўрайсиз?

Прокурор гезариб илондек вишиллади:

- Бир умрлик қамоқ жазоси!
- Шундайми? Халқ маслаҳатчилари ҳам фикримга қўшилишса, не ажаб!

Мен судланувчи Абдуллоҳ Ёрқин саволларга жавоб беришни истамагани, суд ишини бузгани, суд раиси ва аъзоларини масхара қилгани, суд жараёнида диний тарғибот олиб боргани учун Хитой Халқ Республикаси номидан хукм ўқийман: Абдуллоҳ Ёрқин ўттиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилсин. Жазони энг қаттиқ турдаги қамоқда ўтасин. Тамом.

Бу воқеалар жуда тез фурсатда содир бўлди. Судя гапини битирди ва: “Маҳбусни қўзимдан йўқотинглар!” – деди миршабларга. Миршаблар Абдуллоҳни силтаб, деярли судраб олиб чиқиб кетдилар. “Суд зали” эшиги ёпилиши ҳамон Абдуллоҳ бошига тушган зарбдан кўзи тиниб йиқилди. Овоз чиқаришга улгурмади: аъзойи баданига уни ўраб олган миршабларнинг елимтаёклари ёғилди. Абдуллоҳ уч-тўрт зарбани сездию, ҳушидан кетди.

Беҳуш ётган маҳкумни аввал миршабтаёқ билан беаёв савлаганларидан кейин, судраб пастдаги зиндонга олиб кетдилар.

Абдуллоҳ ўлик ё тирик бўлсин, шу тунда жамлоққа – энг оғир турдаги қамоққа жўнатилиши шарт эди...

У кўзини очганида қандайдир темир қутининг ичидаги силтана-силтана кетаётганини билди. Ўт уловнинг гулдирак овози тўрт томондан унинг қулоғини батанг қилди. Қимирлай олмади. Назарида, бутун танаси майдалаб ташлангандек. Ҳақиқатан, Абдуллоҳнинг вужуди қон ичидаги. Кийими қон. Танасига ёпишган... Қовурғаси синган. Боши ёрилган. Ички аъзолари ҳам, шубҳасиз, эзилган. Абдуллоҳ шундан кейин то жамлоққа бориб тушгунича ҳушини йўқотиб, на беҳуш бўла олмади ёки ҳушига келиб, на ҳушёр юролмади.

Улов қаердадир тўхтади. Абдуллоҳ чўзилиб ётган темир қутининг бир тарафи эшик экан, тарақлаб очилди. Абдуллоҳ эшик томонга қарамоқчи бўлиб, ингради. Баҳайбат бир зобит кириб келди ва Абдуллоҳнинг қўлидан судради. Абдуллоҳ англамсиз бир ҳолда ундан қутилмоқчи бўлди. Буни кўриб, зобит шеригидан қора қоп олиб, Абдуллоҳнинг бошига кийгазди. Арқон олиб, оёғига боғлаб, тортди. Абдуллоҳнинг танаси ерни “супурди”: уловнинг зиналарига урилиб, ерга тушди. Боши ерга урилиб, “турс-турс” овоз чиқарди. Зобит бир шериги ёрдамида уни арқон билан судраб, маҳбусларни ташийдиган поезд эшиги олдига келди. Икки қадам судралишда ердаги майда тош, хас-ҳашаклар Абдуллоҳнинг қонли қўйлагига илашиб улгурди. Агар Абдуллоҳнинг ҳуши ўзида бўлганида бошига қоп кийгизилган ва буқчайган ҳолда сассиз-садосиз поездга турткилаб, қамчилаб олиб кирилган яна ўнлаб, юзлаб маҳкумларни кўрган бўларди, албатта.

Маҳкумларни жамлоққа элтадиган темир поезд ичининг бир томони йўлак, бир томони эса уч қаватли токчалар. Токчаларга буқчайган маҳкумлар тахлаб ташланган. Ҳа, тахлаб ташланган. Худди ғишт тахлагандек.

Барча маҳкумларнинг бошларида қоп, қимирлашга-да, сасланишга-да, кувватлари етмайди. Абдуллоҳни худди шундай буқлаб токчага орасига тиқиб юбордилар.

Абдуллоҳ чала беҳуш ётди. Унинг мияси ишляяпти. Фикрляяпти. Кўзлари очилмас даражада қовоқлари шишган эса-да, қулоқларининг ичига тўлган қон қотиб қолган эса-да, овозларни мияси аниқ ва равшан фаҳм этди. Фаҳм этди ва таҳлилга киришди. Ҳолбуки, тана жонидан айрилгандек. Танадаги оғриқлар шу қадар кучайди, чоғи, мия бу оғриқларни қабул этмай қўйди, гўё.

Поезд уч кун юрди. Уч кунки, маҳкумларга бир томчи сув, бир бурда нон берилмади. Кўллари орқага қайириб боғланган ва елкаси тепадаги тўсиққа тегиб, букилиб ўтирган одамларнинг нафаслари бўғилди, ҳолсизланди, бир неча киши жон берди. Тириклари чала ўлик ҳолга келди.

Уч кундан сўнг поезд Уйғуристоннинг шимоли шарқидаги сахро ҳудуди ичидаги биринчи бекатда тўхтади. Бекатда совук кулранг уловлар жуда кўп.

Уларнинг юкхоналари тўртбурчак. Темир. Юкхоналарда бармоқ сиғарли туйнук ҳам йўқ. Ҳамма уловлар кулранг бўлгани ҳолда ўн дона тўқ қизил рангли шундай улов кўзга ташланади.

Хитойи аскарлар бошига қоп кийдирилган маҳкумларни қоп каби судраб туша бошладилар. Бекатдаги бир неча ҳарбий ва шифокор кийимида гилар ҳам нимадир кутардилар. Олиб тушилаётган маҳкумларни шифокорлар бошидаги қопини сал кўтариб, бўйини очиб, бармоқлари билан текширишга киришдилар. Улар ўлик ва тирикларни ажратишлари керак.

Ўнта вагондан иборат поездда минг нафар маҳкум келтирилган эди. Тиббий текширув билан уларнинг икки юз эллик учтаси жонсиз эканлиги тасдиқланди. Алвон рангли уловларнинг юкхоналарига ўликларни тартиб билан жойлаштиришди. Зичлаб, тепиб-тепиб ҳар бир уловга элликтадан мурда сиғдирилди. Бешта улов ўлик билан тўлди. Уловлар кетди. Улар маҳсус тажрибахоналарга кетди. Тажрибахоналарда бу ўликлар бўлакланади. Уларнинг ҳар бир аъзоси тадқиқ этилади. Яроқли аъзолар сотувга чиқарилади. Йўқса, мурдалар илм учун ишлатилади.

Абдуллоҳ аёвсиз калтакланганига қарамай, ҳамон тирик эди. Уни текширган дўхтирир ўлик, деб ташхис қўйишига бир баҳя қолди. Кўрдики, юрак заиф уриб турибди.

Бу дўхтирлар вазифаларини “ҳалол” бажарадилар: ўликни тирик, тирикни ўлик, деб айтишга ҳаққлари йўқ. Биргина хато сабабли улар ҳам қоп кийиб, шундай темир поездда сайрга чиқишилари ҳеч гап эмас, зотан.

Аслида, Абдуллоҳ текширувларни ҳам идрок этди. Ҳамма-ҳамма ҳодисани англади. Қоп кийган маҳкумларнинг аксари қамчи остида югуриб кулранг уловларга чиқишиди. Уларнинг уни чиқмасди, ҳарбийларнинг овози эса оламни бузаман, дейди.

Уловлар сахро ўртасидаги жамлоққа кириб бордилар. Узун йўлнинг бўйида бир неча километрларга чўзилган деворларни кўриш мумкин. Бу деворлар оқланган, баланд. Деворларнинг тагидан йўлгача йигирма қадам келади. Шу йигирма қадамнинг ҳар қадамига тиканли сим тортилган. Йигирма қатор тиканли симдан мушукнинг ҳам омон ўтиши гумон. Девордан ичкари ҳам йигирма қадам худди шундай тўсилган. Деворнинг қалинлиги бир қулочдан кам эмас. Ҳар йигирма қадамда кўтарма, кўтарма ичидаги қурол кўтарган аскар бургут каби атрофни кузатади.

Девор ортини уловнинг темир юкхонасида букланиб ётган чалажон одамлар ҳали билишмайди. Улар сиёсий ва миллий қатағоннинг янги курбонлари эди. Улар бу деворлар орти бутун инсоният кўзидан яширин дўзахни энди кўрадилар. Одам боласи тасаввур этмайдиган қийноқлар ана шу жаҳаннамлар ичидадир.

Жамлоқларнинг бир томонига бир хил ўлчамда, бир хил кўринишида маҳкумлар учун ётоқ қуриб ташланган. Ётоқлардаги хоналар ўлчами бир хил. Ётоқ бинолари рақамланган. Нафақат, ётоқлар, жамлоқлар ҳам рақамланган. Масалан, биринчи рақамли жамлоқни олайлик. У жамлоқда йигирмата ётоқ

биноси бор. Ҳар бир ётоқقا минг маҳкум жойлашади. Бу дегани икки қаватли беш юз ётар жой дегани.

Бир жамлоқда йигирма минг маҳкум сақланади. Биринчи жамлоқ, тўртинчи ётоқ, етти юз эллик иккинчи ётар жойнинг биринчи қавати куйидагича ёзилади: 010407522.

Кўриниб турганидек, дастлабки икки рақам нол ва бир жамлоқ рақами.

Кейинги икки рақам нол ва тўрт ётоқнинг тартиби.

Навбатдаги тўрт хонали рақам ётар жой саноғи, охирги битта рақам эса ётар жойнинг қаватини англатади.

Ҳар бир маҳкумга ана шундай рақам берилади. Бу рақам маҳкумларга кийдириладиган кулранг, қора ёки йўл-йўл маҳбус кийимига чандиб тикиб ташланади. Рақам ўчиб кетиши, йўқолиши мумкин эмас. Жамлоқда исмлар унутилади, лақаблар ёки рақамлар ҳаммасидан муҳим. Тўққиз хонали рақамни маҳбус ёдлаб олиши шарт. Қамоқ назоратчилари сўраганида, албатта, ўйламасдан жавоб бериши керак.

Жамлоқ ичидаги тартиблар ҳар хил, бироқ маҳкумлар адади тенг. Ҳозирча элликта жамлоқ ёғланган ўт уловдек ишлаб турибди. Бу бир миллион маҳбус демақдир. Янги келаётганлар эски жамлоқса жойлаштирилса, эски маҳкумлар ботқоқларга, тўқайларга, конларга юборилади ёки одам оёғи етмаган жойларга бориб, у ерда ўзлари учун янги зиндонларни қурадилар. Албатта, ўз хоҳишлари билан эмас.

Ҳа, биз ўз хоҳишлари билан эмас, деб айтамиз, ҳолбуки, юз минглаб инсонлар ўн йилларки, тутқунликдан озод этилмагач, уларнинг онгиди мустакил равишда ҳаёт қуриш, деган нуқта таг-туби билан батамом ўчиб ҳам кетган эди.

Зотан, уларнинг тасаввурлари ва тафаккурлари бошларида қамчисидан қон томган бирор золимнинг туришини қатъяян тақозо этади. Бир миллион тутқун бир вақтнинг ўзида эркинликка қўйиб юборилса, улар ичидан бир неча юз мингги зиндонларга ўз ихтиёрлари билан қайтиб келишлари эҳтимол. Миллат шу аҳволга солинган эди.

Йилларки, қўлдан киshan ечилмаса, бу хатарли эмас, бироқ онг кишанланса-чи?! Онг кишанлангач, қалб занжирбанд этилгач, миллат, албатта, ҳалок бўлади. Миллат Ер юзидан миллат сифатида ном-нишонсиз йўқликка юз тутади.

Бир асрдан кўпроқ муддат зиндандан чиқарилмаган авлод зиндонсиз яшай олмайди. Улар қулдирлар. Тутқунлик узок давом этгани сайин қалбда эркка бўлган ташналик сўнади, ҳуррият истаги ўлади, озодлик деган сўз луғатдан чиқиб кетади. Бу инсон боласи учун, нафақат, бир инсон учун, балки Ер юзидаги Одамзод учун энг Улкан фожиадир. Бу фожиа олдида урушлар баҳт, қон тўкишлар жаннатдир.

Аллоҳ таоло одамзодни ана шундай қулликдан қутқариш учун ўз пайғамбарларини юборар эди. Пайғамбарлар инсониятнинг чангакка тушган онгини қутқариб, тош остидаги қалбига ҳаёт баҳш этганлар.

Абдуллоҳ Ёрқин келаётган маскан ана шундай маскан эди. Аслида, Абдуллоҳ ўз ихтиёри билан келмаяпти, уни келтирмоқдалар. Уни беҳуш, беҳол келтирмоқдалар. Агар тоқати етса, агар Аллоҳ қувват берса, ҳуррият руҳини инсон қалбидан суғуриб оловчи жаллодлар зулмгоҳидан Абдуллоҳ жон топиши мумкин, тирилмоғи мумкин. Энди бу унинг Иймонидаги қувватга, Исломидаги ихлосга боғлиқ. Бошқа ҳеч қандай нажот йўқ.

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

... Сабринисо панжаранинг майдада туйнуклари орқасидан боқиб турган эрининг юзига қараб кўнгли тўлиб кетди. Ҳиққилаб йиғлаб юборди. Икки кафти билан оғзини тўсиб, силкиниб-силкиниб кўзёш тўқди.

– Йиғлама, нега, йиғлайсан? – деди кулимсираб Хўжа Али. Кулимсирадиу, кўзидан оқаётган ёшни сезмай қолди. – Қўй, ўзингни бос. Аллоҳга йиғла. Аллоҳдан ёрдам сўра. Майлими? Аллоҳдан бўлак ёрдамчимиз йўқ бизнинг.

– Вақт тугади! – ўшқирди назоратчи. Сабринисо чўчиб ўрнидан туриб кетди. Хўжа Али ҳам тезда оёққа қалқиб, юзини панжарарага деярли текизиб деди:

– Онажон, Сабринисо! Қўрқманглар! Умидсиз бўлманглар! Дуони тўхтатманглар!..

...Қайнона-келин ташқарига чиққанларида ёмғир ҳамон шиваларди. Индамай юриб кетишиди.

Эрталаб эшикнинг гурсиллаб урилгани овози икки аёлни қўрқитиб юборди. Озод чинқириб йиғлади.

Нигор она дарвозага югорди. Дарвоза ёнида полиция ходимлари турган экан.

– Хўжалар хонадони, шундайми? – деб сўради уларнинг каттаси.

– Ҳа... Ҳа... – деди Нигор она юраги ўйнаб.

Полициячи бироз тараддуудланди-да, деди:

– Сизлардан... икки киши қамоқда экан... – қўлидаги қоғозга қаради у. – Хўжа Асқар ва Хўжа Али. Шундайми? Яхши. Улардан бири қамоқда вафот этди.

“Вафот этди!..”

Нигор онанинг қулоғи шанғиллади.

– Ўзингизни қўлга олинг! – деди аёлнинг ҳолидаги ўзгаришни кўрган полициячи. – Ўлган одам... Хўжа Асқар! Олиб киринглар мурдани!

Қанонасининг ёнига келган Сабринисо ҳам қотиб қолди. Қамишдан тўқилган бўйрани тўрт томонидан ушлаб олиб киришиди. Ичида оқ латтага ўралган мурда ётибди. Полициячи бир-бирига суюниб қолган икки аёлга қараб нимадир демоқчи эди, бироқ луғатида ҳам, миясида ҳам уларга таскин берадиган сўз йўқ эди, шекилли, қўлини силтади-да, чиқиб кетди.

Нигор она титраб-қақшаб мурда ёнига тиз чўқди. Секин юзини очди: эри Хўжа Асқарнинг кулимсираган чехраси... Юзига қон теккан. Оқи қўпайган соч-соқоли, ажинли пешонаси, туртиб чиқсан ёноғи – ҳаммаси айни дамда Нигор онага жуда нурли кўринди. Чиройли кўринди. Эрининг мурдасини кўрган ҳамон Нигор она қалбидан енгиллик пайдо бўлди. У бунинг боисини англай олмади. Англай оладиган ҳолда ҳам эмасди. Бу енгиллик эридан кутулдим, деган ўй эмаслигини билиб турибсиз, албатта, бу енгиллик эрининг шахид мақомида кетганига бўлган ишончдан эди. Жилмайиб ётган ўлик, Нигор она наздида, Аллоҳнинг хузурида, албатта, шахиддир. Чunksи жон бераркан, ўзининг ўлимдан кейинги мақомини кўрган Хўжа Али беихтиёр жилмайган. Жилмайиши асносида эса Азроил алайҳиссалом ҳалимлик ила унинг жонини суғуриб олган. Нигор онанинг қалбидан ўтган англам шу эди, аслида. Уни хотиржам этган ўй эди бу. Эътиқод эди бу.

Фассол келди. Гўрков иш бошлади.

Бошларидан мусибат ёмғири ёғиб турган эса-да, мусулмонлар ўз биродарларининг жаносини ўқигани, сўнгги манзилга муносиб кузатгани ийғилдилар.

Ички хонада Нигор она Қуръон ўқиб ўтирган эди. Бир савол билан кирган Сабринисо қайнонасининг ҳолатини қўриб, юраги орқага тортиб кетди. Юраги бежиз орқага тортмабди: Қуръонга юзини қўйган қўйи Нигор она омонатини Аллоҳга топширибди.

Шу куни хонадонда икки марҳумга жаноза ўқилди.

Кетадиганлар кетди. Баъзилар ҳамдардлик учун қолишли.

Ярим тунда Сабринисо қаттиқ ухлади. Икки соатдан сўнг уйғонди. Чақалоги Озод ҳам ухляяпти. Жаноза бўлган куни у йифламади. Онасини безовта қилмади. Сабринисо бу ҳолни таҳлил қилишга улгурмади. Югурюгурлар кўплигидан, ҳатто, қайфу ҳам кўтарилиб кетди, гўё. У қамоқдаги эри билан якка ўзи қолганини ҳам ҳали идрок этмади. Мияси ишлашдан тўхтагандек. Эртага нима содир бўлишини у ўйламади.

Тонг яқин. Қалбida ғамдан асорат кўринмади.

Таҳажжуд ўқиди. Бомдод вақти киргани ҳамон адо этди. Уйда ётиб қолган аёллар ҳам уйғонишли. Ибодат қилинди.

Қуёш кўтарилиши палласида кўчадан шовқин эшитилди. Уйдагилар хавотирга тушдилар, чунки шовқин худди шу хонадонни нишонга олиб яқинлаб келаётгандек эди.

- Йўқолсин мусулмонлар!
- Мусулмонларни ўлдир!
- Ислом – бу ёвузлик!
- Масжидларни ёқинг!
- Мусулмонларни ҳайданг!
- Мусулмонларни қириб ташлайдиган вақт етди!

Сабринисо уй ичига югурди. Боласини қучоқлаб олди. У қочиши кераклигини ҳис этди.

– Қочишимиз керак! Бу яхшиликка эмас! – деди нафаси тиқилиб. Мехмонларнинг ҳаммаси у ёқдан бу ёққа чопдилар.

Икки дақиқа ўтмасдан шовқин Хўжа Али ҳовлиси ёнида қўтарилид. Қутурган оломон ҳовли эшигини ағдариб юборди. Елкасига узун ходани кўйиб олган беш-олти барзанги бўкириб уй деворини ура бошлади. Эски девор дарз кетди. Ҳар зарбдан сўнг қийшая бошлади.

Сабринисо, қариндошлари ва уйда шу кеч ётиб қолганлар ҳовли ўртасида туриб қолишиди. Оломонга бирор сўзни тушунтириш мумкин эмасди. Чунки... оломон қайсиdir мусулмонни ушлаб олиб, ўртага тортиб кетди. Юзга яқин одам бир кишини бор кучи билан урди. Сабринисо секин тисарилиб, орқа эшикдан чиқди ва қувватини йифиб, боши оққан тарафга югурди.

Оломон мусулмонлар мавзесини ёқиб юборди. Мусулмонларни қувиб, ушлаб олиб, уриб ўлдириди. Катл этилаётганларнинг саноғи йўқ эди. Қутурганлар инсонни ўлдиришга қаноат этмай, жонсиз жасадларни хорлади: ўликларнинг бошларини мажақлашди, қўлларини узишди, қоринларига белкурак учини санчиб, ичак-чавоқларини ағдаришиди.

Ўн-йигирма одам бир мусулмонни қувади, у қочади. Додлаб, фарёд уриб қочади. Унинг овозида жон аччиғи янграйди. Қуваётганлар эса унга етиб олиб, аёвсиз хорлаб, ўлдиради.

Қирғин кун бўйи давом этди. Ҳатто, ярим тунда ҳам кўчада қўринган мусулмонни қувиб юрганлар учарди. Оломон сўйил, кетмон, белкурак, ўроқ, чалғи, ошпичноқ кабилар билан куролланган. Ҳиндий, пуштун тилларида бақиришади. Ўз худоларини улуғлашади. Мусулмонларнинг қилган қирғинлари учун қасос олмоқдамиз, дейдилар. Қон уларни жазавага солади.

Кўчалар мурдаларга, йўқ, мурдаларнинг бўлакларига тўлди. Қаерга қараманг, қон қўлмакларини кўрасиз. Итлар, мушуклар жасад парчаларини, қонни ялаб кўради. Баъзилари эса ғажишга журъат қиласди...

Ҳавода ўлаксахўр қушлар изгийди. Осмон ҳам булатга тўлди. Куннинг қоқ ярмида бутун шаҳарни ўлик ва қоннинг ачимсиқ ҳиди қоплаб олди.

Эллик йил одам қорнини ёриб, жарроҳлик қилган шифокорнинг айтишича, дунёдаги энг сассиқ ҳид инсоннинг қорнининг ичидан чиқар экан. Ичаклар, ичак иchlари бениҳоя бадбўй бўлиб, унга одам боласи тоқат этолмайди.

Жиноят қидирув бўлимида ишлаган ва ўликларни ҳаммадан биринчи текшириб юрган миршабнинг гувоҳлик беришича, у доим қотиллик содир бўлган хонадонларга ҳаммадан биринчи кирган, кунларки, қаровсиз қолган ўлик бижғиб кетаркан. Аслида, ташқи қиёфаси Аллоҳ яратиқлари орасида энг гўзали, энг дилбари бўлган одамзоднинг қорни, ошқозони, ичаклари ана шундай ўта бадбўйдир.

Мутаассиб ва жоҳил оломон мусулмонларни – инсонларни тутиб бирмабир қиймалаб ўлдиаркан, қурбон бўлганлар юзлаб, балки минглаб эди.

Бурдаланган одамларнинг қонидан, ёриб ташланган қорин, ошқозон ва ичакларидан тараган ис эса ўта хушбўй эди, гўё...

Оломон қутурган куни уйидан қўрқиб чиқмай ўтирганларнинг аксари бу ҳидлардан кўнгли озди, ҳушидан кетганлар ҳам бўлди. Бу ҳиддан қочиб, уй ичига кириб, эшик ва деразаларини ёпиб ўтирганлар ҳам кўп эди. Шахар кўчаларида ваҳшийлик содир бўларкан, одамлар қийнаб ўлдирилиб, таналари парчаланиб ташланаркан, масжидларнинг миноралари ерга қулатилиб, гумбазлари йикитиларкан, на полиция, на хукуматнинг куч ишлатадиган адолатли “қўшини” ҳеч қаерда кўринмади.

Бу умумий ҳолатнинг манзааси эди. Биз Сабринисони кузатайлик. Унинг ҳоли не кечди?

Сабринисо қочиб шаҳарнинг қайси қисмига борганлигини билмай қолди. Нафас ростлаш учун тўхтаб ортига қарадио, ўзи томон икки юз қадам нарида шитоб билан келаётган ўнга яқин ваҳшийни кўрди.

“Ё Аллох!” – дедио, бор кучини оёғига тўплаб, югурди.

Сабринисо югуриб қочаётган жойлар унга мутлақо нотаниш. Бироқ шаҳарнинг чека қисми эканлиги сезилиб турибди. Аёл қочиб эски кўпқаватли уйлар орасига кириб кетди. У боласини маҳкам қучоқлаб олган эди.

Ҳансираганда нафаси чақалогига озор бермасин учун, осмонга қараб нафас оларди. Қуваётганлар бениҳоя яқинлашдилар. Сабринисо қаршисидан чиқкан қандайдир кўпқаватли уйнинг ичига кириб кетди. Зиналардан тепага кўтарилиди.

Бу уй йигирма йиллар олдин инглиз томонидан қурилган, бироқ ҳудудда яшаш қийин бўлганлиги учун шу атрофдаги пулдорлардан бирига сотиб кетилган эди. Пулдор эса камбағалларга уйни ижарага берди. Чунки сув муаммоси, қайноқ шамол яшашни қийинлаштиради.

Инглизлар қандай режа билан бу уйни қургани номаълум, бироқ юзлаб камбағаллар бошпанали бўлиб қолди. Кўча-кўйда, ахлатхоналарда, иссиғу совуқда хорланиб яшагандан кўра, имкон бўлса, шу уйнинг қайсиdir ҳужрасини макон тутиш кулай эди. Уйнинг деразаларининг кўпида ойна йўқ, деворлари сувалмаган, кўримсиз эди. Охиригача қурилмаган бино эди чунки.

Уйда яшовчилар шовқин-сурондан безовта бўлиб, деразалардан бошларини чиқардилар. Кўпчилик жон аччиғида бола қучоқлаб қочаётган аёлни кўрди, девдай-девдай одамлар бир аёлни қувиб келаётганига ҳам аксари яшовчилар гувоҳ бўлишди. Лекин ҳеч ким эътибор бермади. Кимдир ачингандек бошини лиқиллатди, кимдир лабини буриб қўйди, кимдир умуман таъсирланмади.

Сабринисо зинадан тепага кўтарилиди. У қандай кўтарилганлигини кейинчалик умуман эслай олмади. Лекин бинонинг томига чиқиб олгани аниқ ёдида. Аёл бино томида у ёқдан бё ёқа зир югуаркан, бироз ўтмай қуваётганлар ҳам томда пайдо бўлишди. Сабринисо улардан қочиб, томнинг четига бориб қолди.

Қуваётганларнинг силласи қурибди. Тўққиз киши экан. Ҳаммаси қорни осилган, қора, мўйловдор, соchlари бетартиб, кийимлари ўзига ярашмаган, ғалати одамлар эди. Улар аёлнинг чорасиз қолганлигини кўриб, нафас ростлагани тўхташди. Букчайиб, тazzасини ушлаб, нафасларини ростлаган бўлишда ва Сабринисо томон келишди.

– Қаёққа қочаётгандинг? Шу ергами? – деди қизил ва кенг, ярашимсиз кийиниб олган биттаси. Унинг пешонасига бармоқдай қалинликда уч қатор оқ бўёқ тортиб қўйилган.

– Сен энди мусулмонсан-да! – деди яна бири. Қолганлари негадир хоҳолашди.

– Бу том кўпчилик эркакларнинг бир муслима билан бўлажак ишқий яқинлигига гувоҳ бўлажак! – деди яна бошқаси.

– Агар бу бизга ёқса, сени тирик қолдирамиз, – деди яна бири. Улар Сабринисодан беш қадам нарида ярим айланга бўлиб уни ўраб олдилар.

– Болангни шу томдан пастга улоқтирсақ, парчаланиб кетади! – қизил қўйлаклиси таҳдид қилди.

– Ўз ихтиёринг билан бизга ишқ ўйини кўрсатарсан! Биз ҳиндий қизларини яхши биламиз, муслималарни эса билмаймиз! – деди бири беҳаёларча.

– Суйилма! Энди билиб оламиз! – дакки берди бошқаси унга.

Улар шу туришларида шоқолдан зарра фарқ этмасдилар. Сабринисо одам қиёфасидаги ва гапирадиган ҳайвонларга нафрат ила қаради-да, осмонга юзланиб нидо қилди:

– Ё Аллоҳ! Ё Арҳамар Роҳимијин! Ё Аллоҳу Каријм! Ё Аллоҳу Ҳафийз! Ё Аллоҳу Насийр! Ё Аллоҳу Салаам!

Аёл боласини янайм қаттироқ қучоқлади ва пастга қараб бор кучи билан ўзини отди. Одам нусхасидаги ваҳшийлар донг қотдилар.

Сабринисо бино томидан пастга неча сонияда етиб келганлигини билмайди. Балки бу кўзни юмиб очгунча содир бўлгандир! Бу учиш эди.

Валийлар ҳақидаги manoқибларда ёзилишича, Жалолиддин Румий бола эканида ўртоқлари билан томдан томга сакраш ўйнардилар. У замонда томлар лойдан бўларди. Кўкламда том устида лолақизғалдоқлар очиларди. Уйлар одамларнинг қалби каби хокисор эди. Одамлар томни баланд қилиб, кибр талашмасдилар. Шундай қилиб, Жалолиддин Румий олти яшар болакай, ўртоқлари билан у томдан бу томга сакраб юришаркан, ким узоқроққа сакраш баҳси бошланди. Ҳар бир бола сакраб, ўзининг чақкон ва чапдастлигини мақтанаркан, олти ёшли Жалолиддин: “Сизлар уйларнинг томига сакранг, мен эса осмоннинг томига сакрайман!” – деди-да, тепага сакраб, кўздан ғойиб бўлди. Ривоятда айтилишча, қий-чув кўтарилиди. Бир лаҳзадан кейин Жалолиддин томга қайтиб тушди. Ранги оқариб кетган, ҳуши ўзида эмасди. Бу қанчалик ҳақиқат – Аллоҳ билгувчи. Аллоҳ ўз валийларига каромат беришлари айни ҳақиқат. Юсуф алайҳиссаломнинг бегуноҳлиги ҳақида гувоҳлик берган ҳам бешикда ётган чақалоқ эди. Исо алайҳиссалом

ҳам йўргакда ётиб, оналари Марямнинг маъсума, афиға эканлигини гапирган эдилар. Аллоҳ пайғамбарларини ана шундай хориқул одот мўъжиза билан неъматлантиргани каби ўз валийлари, солиҳ қулларини кароматлар билан сийлаб қўйиши жуда осон. Шундай экан, Жалолиддин Румийнинг олти ёшлигига самога сакрайман, дея даъво этгани ҳамда бир сакраб ғойиб бўлгани ҳақидаги хабарлар рост бўлса ҳам, ажабланарли жойи йўқдир.

Сабринисо баланд бино томидан Аллоҳга нидо қилган қўйи сакраркан, унинг қалбида ўз жонига қасд қилиш хаёли йўқ эди, унда Иймон ва Иффатини сақлаш нияти бор эди, холос. У томдан гўё парвоз этди. Тушган жойи... кир ёйиладиган арқонлар бўлди.

Пастда аёллар орасини ярим қулочдан қилиб, узун-узун арқонлар боғлаган эдилар. Бу арқонлар ювилган кирлар билан тўла эди. Фарзандини кўксига босган Сабринисо шу арқонлар устига келиб тушди. Тушди, десак, бироз қўполроқдир, Валлоҳи, у фаришта янглиғ бу арқон устига қўнди. Ҳа, қўнди. Арқонлар оҳиста эгилди, Сабринисо оёғини ерга қўйиб, тик туриб қолди. Боласининг юзига юзини босиб, нафассиз ҳолда бир он туриб қолди. Кейин чуқур нафас олиб: “Субҳаналлоҳ!” – деди. “Субҳаналлоҳ!” – дедио, ҳеч нарса бўлмагандек юриб кетди.

Сабринисо кейинчалик айтадики, ҳаёти давомида бу парвозда туйган шавқни, ҳавловатни қайтиб топмади. Чунки бу парвоз Аллоҳнинг ҳифзи эди унинг учун. Бу парвоздан кейин мўмин йиқилмасликни, Аллоҳга қатъиyroқ суюнишни ўрганади, табиий.

Шу оқшом Сабринисо тунни шаҳарнинг энг овлоқ жойида боласини кучоқлаб ўтказди. Энди у боласини боқиши, жонини сақлаши, эрининг ҳам ҳолидан хабар олиши ва, энг муҳими, шариат истиқоматини сақлаши керак эди.

Шу оқшом Сабринисонинг қалбига шундай ўйлар, туйғулар келдики, уларнинг ҳаммасини сўзга ўгириб тақдим этиш имконсиз. Лекин баъзиларини ифодалаш мумкин.

“Аллоҳим, мени сақлаганинг – менга марҳамат қўрсатганинг учун Сенга ҳамд, мақтовларим бўлсин! Сен менга бу қадар раҳмат қўрсатмаганингда ҳам, мақтовга, ҳамдга лойик бўлган Зотсан! Сен ўз сифатларинг, Борлигинг, Вожиблигинг билан ҳар қандай эҳтиёждан холи бўлган Зотсан! Аллоҳим! Иймон ила неъматлантирдинг! Аллоҳим! Ислом ила ҳаётимизга маъно бердинг! Аллоҳим!..

Бу қандай яшаш бўлдики, ахли Ислом учун Ер юзи бу қадар тор бўлди?

Аллоҳим, бу қай сабабданки, муслима бўлганим учун мени шайтон қуллари хорлашни истадилар. Бизга ҳеч қандай ҳимоя йўқми? Мусулмонни куфр ахли бу қадар хорлашига сабаб недир? Қалбимиздаги изтироблар, бошимиздаги синовлар Сендандир, Роббимиз! Биз қандай гуноҳларга йўл қўйган эдикки, мусулмонлар бу қадар хорликка маҳкум бўлдилар?! Биз ана шу гуноҳларимизни тушуниб етсакки, Ислом туфайли Ер юзида хорланмасак! Асли, Ислом бизни азиз этмоғи лозим, лекин у бизни азиз

этмаяпти... Демакки, биз Исломга тўкис амал қилмадик... Демакки, Аллоҳга етарли қуллик қилмадик... Ва хорликка, зиллатга, залолатга чўқдик...”

Уйдан чиқмаган, оддий хонадоннинг бир бекаси бўлган аёлнинг хаёлида бу каби фикрлар айланиши нечоғли ҳақиқат?

Бу фикрлар кимлар учундир эриш туюлиши мумкин. Лекин Аллоҳнинг Ўзи ўлим ва ҳалокатдан сақлаб қолгач, банданинг қалбидаги футух – ҳақиқатлар сари очилиш содир бўлиши ўта табиий. Инсон ҳаётида шундай воқеалар бўладики, умрни беихтиёр икки қисмга ажратишга эҳтиёж туғилади: ғафлатда ўтган вақт ҳамда изтироб уйғотгач, бедорликда кечган ҳаёт.

Бедорлик бутунича изтиробдан иборат. Буни моддият ахли ҳис этмайди. Моддият ахли учун қориннинг тўла бўлиши ва баданинг турли ранги латталар билан ёпилиб туриши ёхуд очилиб туриши муҳим. Шунингдек, шу ҳолга бошқаларнинг ҳасад билан қараашлари ҳам заруратдир улар учун. Аллоҳ олдидаги масъулиятини ҳис этмайдиган бандалар ҳаёт мақсадларини ўта содда ва жўн кўрадилар.

“Қорним тўқ, устим бут, таним соғ, тинч яшаяпман – менга бошқа нима керак?” деб ўйлайдиган тоифанинг миясидаги бу хаёлни ҳайвонларнинг миясидан ҳам топиш мумкин. Бу хаёл ҳайвонларнинг миясида инстинкт тилида ифодаланади, холос.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар қорин тўйдириш учун курашмаган эдилар. Улар Аллоҳнинг розилиги, Аллоҳнинг муҳаббати учун жон олиб, жон беришди. Акс ҳолда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга мислсиз очлик ва машаққатга чидай олмасдилар. Улар матонат билан сабр этдилар.

Қалби Аллоҳ билан боғланган одам умрбод жангчига айланади. Бу жангчи коғирларга қарши курашишдан аввал ўз нафси билан, шайтон билан курашади. Бу кураш ўлимга қадар тўхтамайди. Нафс ва шайтон билан курашаётган мўмин бу икки душмандан Иймонини ҳимоя этади. Муҳаббатни, садоқатни, шиҷоатни ҳимоя этади.

Қадим донишмандлар ҳам шоҳидлик берадиларки, инсон умрининг осойишта ўтган қисмларида жозиба йўқдир. Илму маърифат, жангу жадал, ишқу муҳаббат, дўстлик ва ухувват умрнинг осойишта ўтишига йўқ қўймайди. Бу неъматлар умрни тирилтиради. Умрни яшатади. Буюкларни буюклаштирган имтиҳонлар, синовлар, мусибатлар эди. Улар ҳар бир синовдан ғолиб бўлиб чиқишаркан, маънавий оламларида, руҳоний дунёларида улкан хазиналар билан одамзод қўз ўнгига намоён бўлганлар. Кайфу сафо, еб-ичишдан иборат умрларда на файз, на ғалабалар бор. Уларда, ҳатто, мағлубият ҳам йўқдир.

Сабринисо аёл боши билан улкан мусибатни бошидан ўтказди. У энди аввалги заифа эмасди, хуркак бир аёл эмасди. Жонини ўртага қўйиб, курашга чиқа оладиган бир Иймон соҳибаси эди.

Тонг отгач, Сабринисо чақалогига кўкрак тутса-да, сут келмаётганини билди. Чунки икки кунки туз тотмагач, сут қаердан бўлсин! Озод қорни очиб, ийғлади.

Сабринисо ўзи турган кўча бўйлаб, юриб кетаркан, одамлар кўринмаётганидан ҳайрон бўлди. Балки, кўринмагани яхшидир!

– Боланг нега йиғлаляпти? – хитоб ҳиндийча янгради. Сабринисо қаради: кекса ҳинд аёли бир хароба ҳовли эшигида унга гапираётган эди. – Бу ёққа кел-чи, қизим. Вой бў! Сенга нима қилди? Нега ҳамма ёғинг чанг? Мусулмонмисан? Худойим-а! Эшитдим! Шаҳарда катта тўполон бўлибди! Сен бу ерга қандай келиб қолдинг! Бизнинг жоҳил эркакларимиз, баъзи ярамас хотинлар ҳам мусулмонларни ўлдирамиз, деб шаҳарга кетишган. Мен сенга ёрдам бераман, қўрқма! Уйимга яшириб кўяй, келақол.

Сабринисо иккиланиб қолди. Кампир сидқидилдан гапираётгандек эди... “Таваккал!” – деди у томон юрди.

– Жоним қизим, қўрқма! Кел, – кампир Сабринисони эргаштириб, ҳовлига кирди. Ҳинdlар бобурийлардан таъсирланиб, уйларининг атрофини девор билан ўрашни ўрганишганди.

Кампир меҳрибон чиқиб қолди. Унинг тўрт хонали уйи бор экан.

– Мен қисирман, – деди кампир Сабринисога егулик келтириб. – Бу гапдан уядиган, хафа бўладиган жойим йўқ. Худо бермади-да. Чолим катта одам эди. Бошқа бир хотин олди. Ундан кўп фарзанд кўрди. Мени ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўймади. Шу ҳовлини олиб берди. Йўқса, уйга эга бўлиш осонми, қизим? Тирикчилигимни қилиб, ғимирлаб юраман. Мен мусулмонлар маҳалласида катта бўлдим. Мусулмонлардан кўп яхшилик кўрдим.

Кампир дадил гапиаркан. Лекин мусулмонлар мавзусидан сўз очиб, овози хазин тортди.

– Сен бизни кечир, қизим... Қари бошим билан қўлимдан нима келади? Буюк Шивага дуо қилишдан бошқа ишим йўқ. Сизларга қилинаётган бу зулмга рози эмасман...

... Сабринисо хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, шу ерда бир муддат қолишига мажбур бўлди. Кампир Сабринисонинг хулқи, меҳнаткашлиги, эрталабдан яrim тунгача тинмаслигини кўриб ҳайрон қолди. Сабринисо ҳар тонг фажрдан аввал таҳажжуд ўқир эди. Узоқдан узоқ дуо қилиб, Аллоҳдан најот сўрар эди.

Кампир кам уйқу – Сабринисонинг жойнамоз устидаги ибодатига маҳлиё бўлди. Ичida Ислом ҳақида кўпроқ билиш истаги кучайиб борди. Кампир қизлик пайтида отасидан қатъий насиҳат эшитган: “Мусулмонлардан узоқ бўл! Узоқ бўла олмасанг ҳам, уларнинг динига қизиқма!”

Ҳинdlар ва мусулмонлар ёнма-ён яшаркан, улар орасида кўп баҳслар бўларди, Ислом олимлари ўз динларига одамларни ошкор даъват этолмасдилар, бу мумкин эмасди. Шу боис, кампир Исломни сиртдан биларди.

Кунлар ўтгани сайин кампир Сабринисога боғланиб қолди. Сабринисо күчага умуман чиқмасди, кампирнинг ўзи кўчадаги ҳамма ишни битиради: бозорга боради, сабзавотлар келтиради, биргаликда тикккан, тўқиган кийимларини сотади.

Уч ойлардан кейин шаҳар тинчланди. Ҳукумат вазиятга эътибор қаратди, чунки хорижий давлатлар, ташкилотлар бўлиб ўтган қатлиомни қатъян танқид қилишди. Ҳукумат бу ишдан жуда яхши хабардор эди. Чунки бу ишни ташкиллаштирган кучлар ҳукумат ичида фаолият юртишади. Ташқи босимлар сабабли улар Аёдхияда содир бўлган тартибсизликлар юзасидан “текширув” белгилашди. Мусулмонларга қарши чиқишларни камайтиришди. Бир қадар хотиржамлик ўрнатилди. Мусулмонлар кўчага бемалол чиқишларига, тирикчилик қилишларига рухсат берилди.

“Текширув” натижасида бетартибликни мусулмон радикаллари чиқаргани “асосланди”. Ҳукумат бундан кейин бундай кўнгилсизликларни тақрорланмаслиги учун бор кучини сафарбар қилишга ваъда берди. Шу воқеалар жараёнида Сабринисо қамоқقا боришга жазм этди. Кампир “Йўқ!” – деб туриб олди.

– Ота-онам, қариндошларим... Эрим... Уларнинг аҳволини билишим керак... – деди Сабринисо. – Қирғинда улар омон қолдишми, йўқми, билмайман...

Кампир Сабринисо билан бирга борадиган бўлди.

Кўчага чиқиши. Сабринисо Озодни қучоқлаган кўйи юаркан, бегона оламга келиб қолгандек ҳис этди ўзини. Қалби бу жойлардан олисларга кетишини истади. Шу кўчалардан нафаси тиқилиб юргургани, ваҳшийликлар, қонхўрликлар беихтиёр хотираси қатларидан уйғониб, кўз олдига чиқа бошлиди. Кайфияти тушиб кетди. Ҳар бир хинд унинг кўзига манфур киёфада кўринди.

“Астағфируллоҳ!” – деди ичида Сабринисо.

Қамоқقا етиб келганларида кун тиккада эди.

– Хўжа Али суд қилинди, йигирма йилга қамалди, – деди қўрслик билан соқчи. – Гужаратдаги қамоқقا юборилди. Мана манзили. Эрингни ўша ердан топасан. Агар тирик бўлса.

Кампир “Вой Худойим! Бу қандай адолатсизлик!” – деди куйиб. Сабринисо индамай манзил ёзилган қофозни олиб, соқчига бир оғиз ҳам гапирмай ортга бурилди.

Бобурийлар маҳалласи деярли ёниб кетибди. Кўча ҳувиллайди. Одамлар кўринмайди. Масжидларнинг баъзиларини қисман тиклашибди. Сабринисо ўз уйига келди: ўтган вақтда ҳеч ким қарамабди. У харобанинг ичига киришга ўзида куч топмади. Куч эмас, истак ҳам йўқ эди.

– Қандай замонларда қолдик! – дерди оҳ тортиб кампир.

– Гажаратга кетаман! – Сабринисонинг қарори қатъий янгради.

– Қачон? – сўради кампир.

Сабринисо саволдан ажаблангандек қаради:

– Ҳозир, – деди хотиржам.

– Пиёда кетасанми?

– Албатта, Аллоҳим хоҳласа, етиб бораман.

– Жон қизим, – деди йиғламсираб кампир Сабринисонинг елкасидан кучиб. – Бугун уйимда мөхмон бўл. Айтажакларим бор... Эртага кетишинг мумкин.

... Кампир бисотини очди: борини Сабринисонинг пойига қўйди. У ииққан-терганини ҳадя қилди.

– Динингга жуда муҳаббатим тушиб қолди, – деди охири. Сабринисо жуда хурсанд бўлиб кетди:

– У ҳолда... Исломга киринг! – деди.

Кампир тараддуға тушди. Бошини қуи солиб ўйга толди. Сабринисо кампир томонга бироз сурилиб сўз бошлади:

– Она, – деди меҳр билан. – Аллоҳ ўз бандаларига доимо меҳрибон. Мен илм соҳибаси эмасман. Лекин динимни ўзим учун биламан, Алҳамдуиллаҳ. Менинг диним бутун инсоният учун ягона нажот эканлигини ҳам, шубҳасиз, яхши биламан. Сиз менга жуда кўп яхшиликлар қилдингиз. Сизга бу яхшиликларингизни қандай қайтарсан, деб ўйлаб турган эдим... Сиз учун тақдим этишим мумкин бўлган ягона жавоб яхшилиги Исломга даъватдир. Аллоҳ марҳамат этса, қалбингиз Ўз динига очиб қўяди. Мен шуни Сизга тилайман.

Кампир бошини қўтарди:

– Мени кечирасан, қизим... – деди хазин жилмайиб. – Кечирасан... Лекин динингга муҳаббатим баланд бўлгани билан уни ҳозир қабул қила олмайман...

– Қабул қила олмайсиз? Нега?! – деди Сабринисо астойдил куйиниб.

– Чунки... – деди кампир ўйланиб. – Бу мусулмонларга бўлаётган зулм ёки босим сабабли эмас, мен ёшимни яшадим, ошимни ошадим. Қўрқадиган ҳеч нарсам йўқ. Ҳаётнинг ҳамма жиҳати билан юзлашдим. Мен отабоболарим эътиқод қилган ҳиндилиқдан воз кеча олмайман...

– Ахир... – деди Сабринисо. – Ахир... у йўл ботил-ку! Сиз ҳидоят остонасидасиз. Ҳақ ва ботил ажралиб турган паллада қандай қилиб ботил тарафда қолиш мумкин! Сиз сифинаётган ҳайкаллар Аллоҳга ширк келтиришдир. Бу иш куфрдир. Ахир, қандай қилиб худолар шу қадар кўп бўлиши мумкин?! Индра, Браҳма, Рам, Кришна, Ганеша... булар жуда кўп. Ҳар бирига алоҳида ибодат, алоҳида қурбонлик... Шунча риёзатингиз учун охират диёрида сизга ҳеч нарса берилмайди. Рўзалар тутасиз, назрлар қиласиз. Лекин бу ишдан сизга манфаат йўқ. Оlam иши бу қадар саноқсиз маъбуллар қўлида бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло – оламларнинг Роббиси, ягона, якка Илоҳ. Унга қудратда ҳеч ким teng келмас. Сиз чақмоққа, филга, сигирга, қуёшга биттадан маъбудни бириктириб қўйгансиз. Масъул, деб ҳисоблайсиз. Ахир, илоҳ дегани шу қадар заиф бўладими? Илоҳ дегани ўзига шерикни раво кўрадими? Илоҳнинг сифатига бундай чекланиш

тўғри келмайди. Илоҳ оламдаги ҳамма нарсани идора этади. Ҳамма нарсани ихота қилади. Унинг илми, ҳикмати, қудрати ҳамма нарсадан устундир. Илоҳ ҳар бир ишга Қодирдир. Бу Аллоҳдир. Унинг ўхшаши йўқ. Мисли йўқ. Тенги йўқ. Аллоҳ ҳеч нарсага ўхшамайди, ҳеч ким, ҳеч нарса Аллоҳга ўхшамайди. Сизнинг ҳайкалларингиз эса инсон тасаввурининг ва шайтон васвасасининг ҳосили. Унда илм, ҳақиқат йўқ! Сиз эътиқод қилаётган дин асл Тавҳиднинг бузилган шакли. Ширк аралашган шакли. Шунинг учун кўп динларда, хусусан, ҳиндийликда ҳам Исломга уйқаш ўринлар учрайди. Аллоҳ Ислом билан инсонларни тўғри Иймонга, ҳидоятга йўллаб қўйди, зотан.

Сабринисо кўп гапирди. Гапини тугатиб, савол назари ила кампирга қаради.

– Йўқ... Ичимдаги бир куч мени ўз динимда ушлаб турибди... – деди кампир ва ниҳоят.

Сабринисо уни тушунди:

– Майли... – деди ҳазин бўлиб. – Сизни мажбурламайман. Мажбурлашга ҳаққим ҳам йўқ. Ҳақни етказаман, кифоя. Ҳидоят қилса, Аллоҳ ҳидоят қилади... Бандаси эмас.

... Тонгда Сабринисо кампир билан хайрлашди. Чақалоғини елкасига авайлаб бойлаб олди. Кампир берган юкларни қўл аравага юклаб, секин судраб кўчага чиқди.

– Сизни Аллоҳга омонат қилгим келади, – деди ўқинч ила. – Лекин Аллоҳга ионномасангиз, нима қиласай? Исломда бўлмаган инсонга тиланиши мумкин бўлган ягона тилак: Аллоҳ сизни ҳидоятласин!

Сабринисо йўл олди. У қанча вақтда, қандай Гужаратга етиб боришини билмайди, аммо етиб боришига, эрини топиб, унга ғамхўрлик қилишига амин. Чунки у Аллоҳга тинимсиз дуо ила ёлвормоқда.

Сабринисо беш дақиқалар юриб, кампирнинг кўчасидан бироз узоқлашганда ортидан “Сабринисо!” – деган овозни эшишиб тўхтаб, ўгирилди. Кампир ютургудек бўлиб келар эди. У бироз вазнли бўлгани учун ҳаллослаб қолгани шу ердан ҳам билинди. Сабринисо кампир томонга қараб қадам босди.

Эллик қадамлардан кейин кампир билан юзлашди.

– Сабринисо... – деди кампир. Унинг ажинли пешонасида тер томчилари қалқиб туради. Сариси елкасига тушиб қолган, оқ соchlари эса бироз ёйилибди. Кампир Сабринисонинг елкасига қўлини қўйди. – Жон қизим... Сен гувоҳ бўл! Сен гувоҳ бўл, дедим. Мен Исломни қабул қиласман. Гувоҳ бўл, жон қизим!

Кампир шундай деди, ерга ўтириб йиглади. Сабринисо тезда унинг ёнига тиз чўқди.

– Йигламанг, она... Йигламанг! – деди кампирнинг бўйнидан қучиб. – Аллоҳим қалбингизни Ўз динига очиб қўйгани рост бўлсин! Айтинг: Ашҳаду ан лаа илаха иллаллоҳ!

– Ашҳаду ан лаа илаха иллаллоҳ!..

- Аллоҳдан бўлак ибодатга лойиқ Зот йўқ, деб гувоҳлик бераман!
 - Аллоҳдан бўлак ибодатга лойиқ Зот йўқ, деб гувоҳлик бераман!
 - Ва ашҳаду анна Мұхаммад абдуҳу ва расулуҳ!
 - Ва ашҳаду анна Мұхаммад абдуҳу ва расулуҳ!
 - Ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман!
 - Ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир, деб гувоҳлик бераман! – дедио, кампир йиғлаб юборди. Юзини беркитиб елкаси силкиниб йиғлади.
 - Онажоним! Сиз менинг онамсиз! – деди меҳри товланиб Сабринисо. – Сизни ҳидоятга йўллаган Аллоҳимга ҳамд бўлсин!
- Икки аёл бироз йиғлашганларидан кейин, овуниб ўринларидан турдилар.
- Қизим, сен Гужаратга бор! Аллоҳим ёрдамчи бўлсин! Золимларнинг жазосини Аллоҳнинг Ўзи берсин! Мазлумларга нажоткор бўлсин! – деб дуо қилди Онахон.
 - Амийн! – деди Сабринисо.
 - Мен ҳамма ишларимда ҳайкаллардан, бутлардан, санамлардан ёрдам сўрар эдим. Энди якка Аллоҳга сифинаман, фақат Ундан ёрдам сўрайман! Ҳар бир ишимда, ҳар бир нафасимда Унинг амрига суюнаман! Сени дуо қиласман, – деди Онахон. – Тезда намоз ўқийман. Шариатга бўйсунаман, қизим.
 - Аллоҳим ёрдам берсин! Аллоҳга омонат бўлинг! – деди сидқидилдан Сабринисо.

Сабринисо йўлида давом этди. Ҳозир гўё унинг қаноти ўсиб чиқди. Ҳозир у жуда баҳтили эди. Ортидан дуо ила қолаётган муслима учун, Аллоҳнинг унга бу оғир кунларда ёғдириб қўяётган неъматлари учун Роббисига қандай шукур қилишни, қандай ҳамд айтишни билмасди. Қалбининг ич-ичида бир нидо қуёшдек нур сочаётган эди: “Субҳаналлоҳ! Валҳамдуиллах! Ва лаа илаха иллаллоҳу Валлоҳу акбар!”

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Бу зиндон ўрта асрлар услубида қурилган: ўн қулоч чукурликда, пастга бир киши сифадиган тик зина билан тушилади. Зиндоннинг зулматига қўзлар кўниkkан.

Асосийса, сув бор. Қувур тортилган. Жўмрак. Сувдан ичиш, юваниш мумкин. Ҳожат учун ҳам шароait бор. Нажосатни ювиб юбориш чораси ўйланган.

Бу ерда икки маҳбус: бири ёши юздан ошиб кетган чол. Соч-соқоли оппоқ. Елкаси буқчайган бўлса-да, суюги йирик эканлигини билиш қийин эмас. Соқоли узун, кўксини қоплайди. Эгнида жандага айланган, ранги униқсан кийим. У Хитой ҳукуматининг ҳурматига сазовор бўлган шахс.

Шунинг учун, айнан шу зиндонда. Қариянинг хизматида ёши қирқни қоралаган яна бир маҳбус. У ашаддий қиморбоз бўлган. Албатта, зиндон маъмуряти қария қийналмасин, дея бу хизматчини тайин қилмади. Бошқа мақсадда бу қиморбозни маҳсус зиндонга туширишди. Бу ҳақда кейинроқ билиб оламиз.

Қариянинг исми Ҳақназар, қиморбознинг исми Абдуссамиъ. Унга Ҳақназар ота шу исмни берди. Бунинг ҳам тарихи бор.

Бу тур зиндонлар ҳамма жамлоқда учрайди. Одатда, бу жойларда сақланадиганларнинг сони ўн нафардан ошмаслиги лозим. Чунки бу зиндонлар енгиди бўлмас маҳбусларнинг макони. Бу маконга ҳукм қилингандар ўз маслакларидан қайтиб, таслимият келтирса, ёруғликка чиқаришлари мумкин ё умрбод шу ерда яшайди.

Ўн беш кун олдин бу зиндонга яна бир маҳбус келтирилди. У чала ўлик эди. Баданида соғ жойи йўқ: товонидан пешонасига қадар кўкариб, қорайган, нафас олиши сезилмайди, юзи қонга беланганди.

Соқчилар уни зинадан пастга думалатишиди. Абдуссамиъ базўр ушлаб қолди. Ҳақназар ота билан маҳбусни ювинтиришиди.

Маҳбус – Абдуллоҳ Ёрқин эди. Ҳақназар ота Абдуллоҳни текшириди: ажабки, суяклар синмабди. Бироқ у анча муддат беҳуш ётди. Мехмоннинг ҳолатига қараб, унинг зулм кўрганини англаш қийинмасди.

Абдуллоҳ ҳушга келди. Ўзини кутиб олганлар билан танишиди...

Абдуллоҳ беш йил шу зиндонда қолди. Зиндондаги ҳар бир кунни тасвиrlаш, икир-чикирларигача айтиб беришнинг қизиқ жойи йўқ. Абдуллоҳ жамлоқ ичида жазо ўтаганида биз у ердаги воқеаларни ҳикоя қилса, одамни ўзига жалб қилган бўларди, чунки у ерда ҳар куни минглаб баҳтсизликлар содир бўлади: мусулмонларни ўлдиришади, кимдир нимадир ўғирлаб, қўлга тушади, янги маҳбуслар келади, конга ишга олиб чиқишади, ер тагига мажбуран киритишади, юзлаб маҳбуслар тупроқ остида қолиб кетадилар, қор-ёмғир демай, жуда оғир меҳнатларга мажбурлайдилар: зовур тозалашади, тўқайларни кесишади, ботқоқларни қуритишади, бошқа юртларда биргина тугмачани босиш билан бажаралидиган ишларга минглаб одамларни жалб этадилар...

Инсонлар ўз қадр-қимматларини унутиб қўйганлар, ҳаёт кул ранг тусга кирган. Буришган башаралар, хўмрайган турқлар, охири қўринмайдиган гийбатлар... Биргина маҳбуслар эмас, жамлоқ соқчилари ҳам бу жойларда ишлашдан безор: улар ўзларини маҳбуслардан фарқ қилмасликларини яхши билишади.

Бу кунларнинг охири қўринмайди, гўё. Мазлумлар ўз бошлари устида турган золимга боқадилар: Хитой!

Хитой давлатининг қудрати маълум-ку! Демак, зиндонда умрбод қолиб кетишга мажбурдирлар! Бу хаёл заиф қалбларни қўркувга солади, кўпчилик ўз иймони ва эътиқодини сотади, золимга хизмат қилсан, озодликка, нажотга эришаман, деб хаёл қилади.

Оғриқдан оламни тутган фарёдлар, қалбларни эгаллаб олган зимистон, хаёлларни занжирилаган қуллик, аччиқ аламга эврилган ҳёт миллионлаб инсонларни таги қўринмайдиган жарликка улоқтирган.

Улар кимдан нажот кутишни билмайдилар, гоҳо. Шайтон золимларнинг ўчогидаги оловга қараб пуфлайди, шикаста қалбларни парчалаб, уларни абадий азобга гирифтор этишни истайди.

– Менинг отам – Ҳаққулибекдир. Милодий ўн тўққизинчи асрда Хитойдан мустақил бўлган Еттишаҳар давлатининг асосчиси Ғозий Муҳаммад Ёқуббек Бадавлатнинг ўғлидир у. Ғозий Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат Кўқон хонлиги таркибидағи Пискент вилоятида туғилган. У моҳир саркарда, эътиқодли инсон эди. У Ислом дини учун, мусулмонлар учун, уммат ҳимояси учун кўксини қалқон қилиб чиқсан буюк шахс бўлган. Ҳаққулибек Ёқуббек Ғозийнинг кенжасиман. Бобом Хитой давлатига қарши урушди. Мусулмонлар учун, Ислом учун жанг қилди. Хитой бобомни енга олмади. Кучи етмади! – Ҳақназар отанинг ҳикояси шундай бошланди. У Абдуллоҳга яқин тарих сирларини очди. – Бироқ хоинлар бобомни заҳарлашди... Ёқуббек Ғозий Туркия султонига элчи юборди, Англия қироличаси билан алоқа боғлади, дунёning барча қудратли давлатлари билан тенг даражали мулоқотга киришди. У лашкарни мустаҳкамлаб, давлатни оёққа кўймоқ учун кўп интилди. Бироқ Ислом қувватдан кетган эди, Абдуллоҳ. Мовароуннаҳр давлатлари коғир ўриснинг қўлида қўғирчоқ бўлди, Турк султонлари эса тинимсиз алмашар эдиларки, бу Ислом оламининг ягона таянчи емирилиб бораётганидан далолат эди. Агар эътибор берсанг, охирги икки юз йилда бутун куфр дунёси бирлашиб, Ислом дунёсини ерга йиқитмоқ учун курашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйиб кетган пойdevор устига терилган ғиштларни бирма-бир сочдилар, синдиридилар. Ислом иморатини ер билан яксон қилиб, унинг эшикларини майдаладилар, деразаларини ёқдилар, пойdevорига қадар етиб келдилар. Пойdevорни эса йўқотиб бўлмайди, ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўйиб кетган бу пойdevorga ҳеч ким шикаст бера олмас, зотан! Бу пойdevор – Қуръон ва суннатдир.

Коғирлар пойdevорни йўқотиш тугул, жойидан силжита олмасликларига иқрор бўлганларидан сўнг, унинг устини тупроқ билан ёпишга киришдилар. Бу ишни улар – санъат ниқоби остидаги шайтоний ўйин-кулгулар, кўнгилхушликлар;

спорт номи билан аталган қиморлар – футбол, баскетбол, бокс...

ва одамларнинг пул учун, шуҳрат учун, бошқа ҳеч қандай сабабсиз бир-бирларини уриб ўлдиришлари;

саноғи ва адади қўринмайдиган майшатлар;

бехаёликлар, ҳирс ва шаҳват қуллигига даъват қилиш;

ошкора фахш, ошкора луттибозлик;

гуноҳларни ҳуқуқ ўлароқ тақдим этиш воситасида амалга оширдилар.

Мусулмонлар омматан бу ҳийлага алданиб қолдилар.

Аслида, қўлида қуроли бўлмаган мусулмонни, бутун дунёнинг куролини ийғиб келса ҳам, кофир енга олмайди.

Мусулмон ўз иймонига терс ишни қилган нуқтадан бошлаб кофирнинг хужумисиз ҳам мағлубиятга учрайди. Шармандаларча асир тушади. Бизнинг ахволимиз шундай кечди.

Мусулмонлар Ер юзига Исломни фатҳлар ила тарқатдилар. Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, залолатдаги одамларни Аллоҳнинг динига киритдилар. Чунки Аллоҳнинг амри, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари шу эди.

Ислом Ер юзига туширилди. Аллоҳ Ер юзини мусулмонлар учун хужжатлаштириб берди. Аллоҳ мусулмонларга Ер юзини забт этиб, Исломни жорий этишни буюрди. Бироқ мусулмонлари буни унутдилар. Улар ўзларининг коинот ичидаги мавқеларини ёддан чиқардилар.

Улар Олам ишининг низомини юритишлари лозим эканлигини фаромуш қилиб, ярим коса овқат билан тўладиган қориннинг ичига қамалиб олишди.

Уларга жон фидо қиласидиган аёлларнинг пойига тиз чўқдилар. Оёқлари остида зарра қадр топа олмайдиган бойликларга муккасидан кетдилар. Аллоҳ бизни шунинг учун жазолади.

Ўйла: сенга отанг бир уйни ҳадя қилса, шу уйда сен, болаларинг, авлодларинг яшайди, уни ҳимоя қил, дея амр қилса, сен нима қиласан? Аввало, уйнинг ҳамма бурчагини ўрганасан. Ноқулай жойлари бўлса, таъмиrlайсан, бузиб, қайтадан қурасан.

Уйнинг ҳар бир қаричини ўрганиб чиқасан. Кўзингни юмиб, уйнинг исталган нуқтасига бора оласан.

Аллоҳ Ер юзини мусулмонларга Уй қилиб берди-ку! Нима учун мусулмонлар Ер юзини ўрганишни тўхтатиб қўйдилар? Нима учун тоғларни, ўрмонларни, чўл ва сахроларни ўрганмадилар? Тадқиқ этмадилар?

Аллоҳ таоло Искандар Зулқарнайн деган пайғамбарга Ер юзининг подшоҳлигини берди. Искандар умри давомида, нафақат, Ер устини ёки остини, балки сувнинг ҳам тубларини ўрганиб, ўзида илм ҳосил этди. Искандар, нафақат, Ерни, балки коинотдаги юлдузлар, уларнинг жойлашув ўринлари хусусда ҳам таълим олди. Биз-чи? Биз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шарафсиз уммати нима қилдик?

Тафриқага берилдик. Ер юзида қилинадиган оламшумул ишлар қолиб, ўзаро баҳс ила машғул бўлдик.

Аллоҳнинг зотини билиш имконсиз, Унга иймон келтирмоқ шарт, вассалом.

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари замиридаги ҳикматларнинг ҳаммасига этиб бўлмагай, унга эргашмоқ керак, вассалом.

Биз нима қилдик? Биз Аллоҳ қаерда, деб тортишдик. Биз Аллоҳнинг қўли борми, йўқми, деб тортишдик. Биз Аллоҳнинг юзи борми, йўқми, деб

тортишдик. Биз суннатга эргаашамиз, бизга мазҳаб керак эмас, деб тортишдик.

Бу тортишувлар билан биз минг йил банд бўлдик. Ҳолбуки, Аллоҳ бизга шуни ҳукм қилганмиди?

Бизнинг иймонимиз қай даражада бўлдики, Аллоҳ буюрмаган ишлар устида, хулосалари аниқ бўлган масалалар устида токайгача жанжал қилурмиз?!

Умматнинг юлдузлари бор. Бу юлдузлар – сахобалардир, сахобаи тобеинлардир, таба тобеинлардир, салафи солихинлардир. Биз уларга сўзсиз ва сассиз эргашурмиз, зотан, улар Аллоҳнинг Сўзига, Набийнинг йўлига қандай эргашишни яхши биладилар.

Биз эса бу ишлар ҳақида ўйламаймиз. Уларнинг ҳаётларини ўрганмаймиз. Биз ўзимиз қолиб, ўзгаларни муҳокама этамиз, гўё бизнинг ҳукмимиз билан Аллоҳ одамларни жаннат ва жаҳаннамга ҳукм қиладигандек тутамиз ўзимизни!

Илм олсак, билагимизда куч йўқ. Билакда куч бўлса, ақлимиз бўш. Ибодат қилсак, дунё ишларини унутамиз. Дунёга берилиб, ибодатларимиз сусаяди.

Иродамизни тоблашдан ожиз, иймонимиз устида ишлашдан заиф бир уммат бўлдик. Ҳолбуки, сахобаларнинг ҳаммалари рижол эдилар. Улар жанг майдонида мужоҳид, ибодатда обид, зухд ичида зоҳид, илмда олим эдилар. Амаллари гўзал, юзлари нурли, қалбларида Аллоҳ зикри жўшиб турган зотлар эдилар улар!

Биз ким бўлдик, Абдуллоҳ?!

Биз мазлум бўлганимиз учун жавоб бермаймиз, дея хотиржаммиз, ҳолбуки, бизни мазлум этган ўз амалларимиз эмасми? Роббимиздан узилиб, Унинг фарзларида сусткашлик қилганимиз учун хорлик чоҳига йиқилмадикми?!

Динимизда ахлоқ, ахлоқимизда дин қолмади. Сўзларимиз ҳаддан зиёд кўп, амалларимиз ҳаддан зиёд кам. Сўзларимиз тепага ўсиб боргани сари амалларимиз ерга кириб бормоқда.

Абдуллоҳ!

Қани ўша уммат – “Ла илаҳа иллаллоҳ!” деганида қалби туб-туби билан ларзага келадиган??

Қани ўша уммат – намозга қойим турганида шамдек қотиб қоладиган??!

Қани ўша уммат – рўза тутганида ошқозони эмас, тили ҳам, кўзи ҳам, кулоги, қалби ҳам рўз тутадиган??

Қани ўша уммат – дунёнинг жамики молига эга чиқса-да, бир закотга етгулик бойликни қўлида сақламайдиган??!

Қани ўша уммат – Аллоҳнинг байтини тавоф қилажакманми, дея кўзларидан кўзёшлари булоқ бўлиб оқадиган??!

Қани ўша уммат – мусулмоннинг бир охи учун Ер юзини остин-устун қиладиган??!

Йўқ, бутун бундай уммат йўқ, Абдуллоҳ!

Бугун уммат айтаётган калиманинг қироати чиройли, холос.

Ўқиётган намози эмас, ичида тургани масжиди серҳашам, холос.

Тутаётган рўзаси эмас, сахарлик ва ифторликда еяётган овқатлари турфа ва ранго-ранг, холос.

Бераётган закоти эмас, тўплаётган моли ва у молга қўрсатаётган муҳаббати гўзал, холос.

Қилаётган ҳажи эмас, ҳаж орқасидан хоҳлаётган обрў-эътибори беҳад баланд, холос.

Олаётган илми эмас, илмини кўз-кўз қилиши муҳташам, холос.

Астағфируллоҳ! Минг марта астағфируллоҳ!

Бошимиз билан ботқоққа ботдик, Абдуллоҳ! Гўзал сўзларимиз бизга бугун шуҳрат келтирмоқда, эрта қиёматда бошимизга оғат келтирмасми?

Ўз ҳаётини тартиблашга ожиз бўлган умматнинг Ислом ғамида юрибман, дея кўқрак кериб, оғзидан тупук сачратиб ҳайқирганидан кимга қандай наф?!

Абдуллоҳ!

Одамлар зиндандан қўрқадилар. Менинг бутун умрим зинданда ўтди. Мен Ёқуббек Ғозийнинг жигаргўшасиман. Конимда, томиримда мужоҳиднинг, ғозийнинг, шаҳиднинг, ислом амирининг фарёдларини эшитаман, гўё.

Қирқ йилки, шу зиндандан мени ташқарига чиқармайдилар. Қирқ йилки, кун ва туннинг фарқини билмайман. Қирқ йилки, умримни шу чоҳда зикру ибодат ила кечирдим.

Мен Аллоҳимга мени хорлама, дея дуо қилдим. Аллоҳим мени хорламади. Мени коғирнинг калтагидан, ҳақоратидан омон сақлади.

Бу ерда мен тириклай ерга кўмилдим. Жисимдаги қалбимнинг ичида эса олов ёнади. У оловнинг тафти, у оловнинг ёруғи Ер юзини ёритмаса-да, қабримни ёритишидан, охиратда юзимни ёритишидан умидворман.

Абдуллоҳ!

Ҳар ким учун Аллоҳ берган бир йўл бор, бир тақдир бор. Ҳар ким ўзига берилган тақдирни яшаяжак. Билки, Аллоҳ ҳаётни, оламни ҳикмат ила яратди. Мусулмон ҳар ишини ҳикмат ила қилмоғи жоиз.

Сен коғирга қарши собит турибман, дея хаёл қилган онингдан бошлаб, улкан ҳалокатга қараб юз тутасан. Чунки сен нафсингни Аллоҳнинг қаршисига олиб чиқдинг. Агар Аллоҳ омонлик бермаса, қандай қилиб, амниятга эришмоғинг мумкин?!

Иблиси алайҳи лаъна қиёматга қадар куфрда собит туради. У бир қайсарлик ила собит. У ўз ибодатига ғурур қилди. Сен ҳам Исломда, иймонда собитман, дея, бошқаларни маломат қилиб, ҳалок бўлмагайсан!

Биз ҳеч қачон нафс оғатидан омонда эмасмиз. Биз ҳеч қачон шайтон кутқусидан қутула олмасмиз. Қалбимизни, нафсимизни ҳар куни, ҳар лаҳза

назорат этишга мажбурмиз. Агар заррача фахр, заррача кибр сезсанг, уни ўлдир.

Айтаётганинг сўзлар, қилаётганинг амаллар ўзингни танитиш, ўзингни олий қилиш учун экан, Аллоҳга истиғфор айт, кечирим сўра. Акс ҳолда, сенинг бутун умр қилганинг хайр ишлар охиратда ҳеч қандай ёрдам бермайди.

Аллоҳ Ўзи суйган мўминни бу дунёнинг ҳаётида тарбиялайди. Унга синовлар юборади, Ўзига юзланиши учун йўл кўрсатади. Шунинг учун, бошингдан ўтаётган бу имтиҳонларни Аллоҳнинг фазли, деб қабул эт.

Абдуллоҳ! Билки, Аллоҳ ал-Адлдир. У иймон эгаси бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, дунё ҳаётида банданинг бошига тинимсиз равишда офатлар ёғдирмайди.

Ҳар қандай мусибатдан сўнг қалбга таскин беражак хурсандчиликни тақдим этади. Мўминлар учун ҳар қийинчиликдан сўнг икки енгиллик бўлиши шубҳасиздир.

Абдуллоҳ! Билки, банда зинҳор ўз иши билан Аллоҳнинг раҳматига эришмас. Барча иш Аллоҳнинг фазли биландир. Бугун ўзини мусулмон, дея ҳисоблайдиган ҳар бир инсон, аввало, ўз иймонини мустаҳкамламофи, илму ҳикмат ила ўз нафсига қарши мужодала этмоғи, сўнг уммат ғамида бўлмоғи лозим.

Инсоннинг қалбини Раслуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг икки бармоғи орасидадир, деб айтдилар. Қалб сўзининг луғавий маъноси ҳам айланиб, ўзгариб турувчи, демакдир. Аллоҳ инсоннинг қалбини икки бармоғи орасида айлантириб туради. Шунинг учун, биз, Аллоҳим, эй қалбларни айлантириб тургувчи Зот, қалбимни динингда собит эт, Аллоҳим, эй қалбларни тасарруф этувчи Зот, қалбимни тоатингда тасарруф айла, деб дуо қилишга буюрилдик.

Қалбингга дикқат қил! Агар уни Қуръонсиз қолдирсанг, намозсиз қолдирсанг, зикрсиз қолдирсанг, у ўлади. Ўладики, тирилтириш жуда мешаққат!

Луқмони ҳакимдан сўрадилар: “Сиз бундай гўзал хулқни қандай қўлга киритдингиз?”

Луқмони ҳаким айтди: “Бадхулқларнинг қилган ишларини тескарисини қилдим ва хулқим гўзаллашди”.

Амалларимизни ўнглаш учун атрофда кўзгу кўп. Одамларнинг нуқсонларини оламга жар солгандан кўра ўша нуқсонни ўзимизда топиб, бартараф этмоқ керак.

Биз ғофилмиз. Дунёдан қувонч ва баҳтиёрлик излайдиган даражада ғофилмиз.

Боязид Бистомий қайғуда экан, шогирди ундан бунинг боисини сўради. “Оламга боқиб, бирор одамни кўрмадим”, – деди Боязид Бистомий. Шогирд густоҳларча: “Ахир, ўзингиз ҳам олам аҳлидансиз! Сиз ҳам одам эмасмисиз?!” – деди.

“Эй ғофил! – деди Боязид. – Инсон иймон билан ўлмаса, у одам эмасдир. Бирор банда иймон ила Аллоҳнинг хузурига борадими, йўқми, билмайди. Шундай экан, мен қандай хурсанд бўлайин? Тириклар орасида иймони ила Аллоҳга боражак бирор кишини билмасман, билмай туриб, кимни одам деб атай?!”

Абдуллоҳ, мусулмон уммати иймон ила Аллоҳнинг қаршиисига бориш муждасини олгандек, бир-бирини такфирда айблаётир. Бу ишларини дин учун бир хизмат, деб ўйлайдики, бу ўйдан кўра улкан бало топилмас бир мўмин учун.

Адолат талаб этарканмиз, биз, аввало, Роббимизга адолат қилишимиз керак. Роббимизга қилган адолатимиз – У буюрганидек Унга таслимият келтириш, Унга итоат қилиш, Унинг амрларини бажаришдир. Бироқ қалбингга бок – у бўм-бўш.

Қалбингда бирозгина шавқ тўлқини уйғонса, буни ҳаммага кўз-кўз қилишга шошасан. Бироз қайғуда қолсанг, ҳаммага ғамингни намойиш этиб, одамзоднинг раҳму шафқатини уйғотишни истайсан. Қилмаган ишларингни айтиб фахрланасан, қилган ишларинг гуноҳдан иборат бўла туриб, сени мадҳ этишларидан мастилик, хузур туясан. Бундан кўра каттароқ ноҳақлик, бундан кўра каттароқ зулм ва кизб бўлгайми?!

Бизнинг ҳолимиз шу, Абдуллоҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, у зотнинг асҳоби, тобеинлар, табаа тобеинлар, салафи солиҳийлар ундей эмас эдилар. Улар Аллоҳга қуллик қиласан, ўз жонларини ҳам Аллоҳга бир совға ўлароқ бердилар. Ўз жонларини Аллоҳга қурбон этарканлар, бу қурбонликлари қабул бўлиши ё бўлмаслигидан қўрқиб турдилар.

Уларнинг ҳилми, уларнинг илми, ҳикмати ва иззатидан бизда бир қатра ҳам йўқ, бироқ уларга эргашиб даъвоси ила Ер юзини бузиб, осмонларни қора тутунларга тўлдирдик. Ҳолбуки, ишнинг мевасини қўр – ҳаммамиз хорлиқдамиз. Қўлларимизда кишан, душманга қарат: “Сен душманимсан!” – дейишга-да, журъатимиз йўқ.

Бутун олам бир инсоннинг нутқини тинглаши мумкин, бироқ ҳаётда ҳеч нарса ўзгармайди. Модомики, нотиқ ўзини улуғлаш учун сўз айтган бўлса! Аллоҳнинг Сўзини етказиш учун сўйлаганинг ондан бошлаб қалбларга ларзага келади, одамлар гўзал амаллар учун оёққа қалқадилар. Аллоҳнинг сўзини етказмоқ учун эса инсоннинг жони ўртага қўйилади, гоҳо.

Исломнинг буюк саркардаларидан бири Ҳасан Рабиъ айтадики, бир жанг майдонида мубориза бошланди.

Кутурган чўчқадек жаҳлдор кофир яккама-якка жангда бир неча мусулмонларни ер тишлатди. Мусулмон лашкари тушкун бўлиб тураркан, юзини парда билан тўсган бир суворий майдонга отилиб кирди. У бир лаҳзада ҳеч кимнинг кучи етмаётган кофирнинг бошини танасидан жуда қилди. Майдон такбир билан тўлди. Мусулмонларга Аллоҳнинг нусрати келиб, ғолиб бўлди.

Ҳасан Рабиъ саркарда ўлароқ юзига парда тортган суворийнинг ортидан бориб, “Аллоҳ учун юзингни оч!” – деди. Суворий: “Аллоҳ учун юзимни очаман, акс ҳолда, бундай қилмас эдим!” – деди ва чехрасидан пардани кўтарди.

У мужоҳидлар арслони Абдуллоҳ Муборак эди. Ҳасан Рабиъ: “Эй Абдуллоҳ Муборак! Ўзингни элга танит! Нима учун юзингни беркитиб юрибсан!” – деди. Буни эшитиб, Абдуллоҳ Муборак: “Ҳасан, қандай ижтиход бўлди бу! Мен жиҳод қилсам, фақат Унинг ишқида қилдим! Аллоҳ менинг ҳар қадамимдан, олган нафасимдан огоҳdir. Мени фақат Аллоҳ таниса, етар, олам аҳлининг танишидан қандай наф! Ёридан васл тилаган инсоннинг иши ағёр кўзидан пинҳон бўлмоғи жоиз!” – деди.

Улар шундай эдилар. Биз-чи? Биз қандаймиз?

Модомики, қалбимиизда Аллоҳ розилигини истасак, нечун ишларимизда бу акс этмас! Нечун Аллоҳ ва ўзимизнинг орамизда бирор муносабат тикламай туриб, одамларнинг ёқасидан оламиз, ўзимизни юксакларга кўтарамиз!

Абдуллоҳ! Огоҳ бўл! Дунё бир зиндан, у зиндандан сени Иймон кутқарди, вассалом!

... Беш йил ўтди.

Бу орада қиморбоз Абдуссамиънинг ҳаёти тарихи ҳам Абдуллоҳга маълум бўлди. У Ҳақназар отанинг ёнига жосус ўлароқ киритилган. Бироқ Абдуссамиънинг қалбида ҳидоят нури порлади – ўз қилмишини, ниятини Устозига баён қилди. Устоз унга тўғри йўлни кўрсатди.

Абдуссамиъ зиндан золимларига жосуслик қилмаслигини айтган куни унга “Ўлгунингча чолнинг ёнида қоласан, бу ишинг учун афсус чекасан!” – дедилар. Абдуссамиъ индамади. Шу-шу у зинданда қолиб кетди. У кўпинча тақдиридан рози эканлигини айтиб мақтаниб қолади.

Кутилмаганда Абдуллоҳни чорладилар.

– Абдуллоҳ, – деди Ҳақназарбек. – Сени озодликка чиқаришлари мумкин, иншаАллоҳ!

– Наҳотки... – деди беихтиёр Абдуллоҳ.

– Шундай, Валлоҳу аълам, – деди Ҳақназарбек. – Беш йилнинг беш сониядек ўтганини унутма. Аллоҳдан қўрқ! Эркинлик учун эшиклар очилса, бу эшикни ёпма. Аллоҳдан хайрлисини сўра ва “Бисмиллаҳ!” деб қадам қўй. Дуоларингда биз ғарибларни унутма.

...Зиндан эшигидан чиқаркан, Абдуллоҳнинг ичи ҳувиллади. Унинг қалбидан бир парча шу Ернинг остида қолди гўё. Ўзидаги ҳиссиётнинг нима эканлигини таърифлашга ожиз эди. Устози айтганидек, озодлик неъмати унга насиб этса! Ахир, озодлик... буни қандай таърифлаш мумкин?!

Абдуллоҳ гўё mast эди. Юради, оёғи ерга тегмайди. Кўзлари очиқ, ҳеч нарса кўрмайди. У беш йил аввалги оловдек қайноқ, сойдек жўшқин

Абдуллоҳ эмас, ҳозир заминдек вазмин эди. Ички оламида ғалати бир нотаниш пўртана кўтарилса-да, ташида бир туки “қилт” этмади.

Улар ўтирган зиндан Ернинг анча тубида экан. Ундан юқоридаги йўлакка чиқишилари билан дунёниг шамоли эсди: соқчиларнинг бақирчақири, сўкинишлар эшитилди. Яна юқори чиқдилар. Ўн дақиқалар юрилди. Бир неча панжаралардан ўтиб, зина орқали юқори кўтарилдилар ва ниҳоят қандайдир хона эшиги олдида тўхтадилар.

Абдуллоҳ атрофга бефарқ назар солади. Унинг учун қизиқарли бирор нарса кўринмади. Соқчи ичкарига кириб, рухсат олгач, Абдуллоҳга киришни буюрди.

Ичкарида каттагина хона бўлиб, ўнг тарафда жигарранг эшик кўринди. Шу хонада ўтирган бир неча маҳсус кийимли ходимлар эшикка ишора қилишибди. Абдуллоҳ эшикни беихтиёр тақиллатди.

– Киринг, – деган сас келди ичкаридан.

Абдуллоҳ эшикни очиб, ичкари қадам босди. Мухташам хона – деворлари сариқ рангли, зарли; қандайдир сувратлар осилган; жавонлар бор, жавонда китоблар; стол ва стуллар жуда серҳашам.

Столнинг тўрида басавлат бир хитойи, ўнг томонида яна бир хитойи ва бир уйғурбашара одам уни кутаётган эканлар.

– Келинг, Абдуллоҳ Ёрқин! – деди кулиб хитойлик соф турк тилида.

Абдуллоҳ ҳайрон қолди. Кулимсираши керак эди у бу ўринда, бироқ лаби табассумга айланмади, юзи кулгини излаб топа олмади. Шунинг учун куруқкина бошини силкиб қўйди.

– Ўтилинг, – дейишибди меҳмонлар мулозамат билан.

Абдуллоҳ ўтирди. Икки қўлининг бармоқларини кийиштириб, қошини чимириб қаршисидаги одамларга қаради.

– Яхшимисиз, Абдуллоҳбей? – деб ҳол-аҳвол сўради тўрдаги хитойи. – Менинг исмим Ли Кай Гу. Ўртоқ Ли, десангиз бўлади. Сиз билан кўп нарсани гаплашиб олишимиз керак.

Абдуллоҳ ўйланиб деди:

– Майли..

– Тўғри, қоронғу зинданда беш йил ҳеч қаерга чиқмай ўтириш осон эмас... – деди ҳамдардлик билан ўртоқ Ли. – Торми, зиндан?

– Одам кўникади... – деди паст овозда Абдуллоҳ.

– Оёқлар ҳам уюшиб қолса керак... Уюшган оёқларни ёзиш учун юриб туриш керак... – хўрсинди ўртоқ Ли. – Сиз сиқилманг. Ҳаётда нималар бўлмайди... Сиз менга айтинг-чи, қилган жиноятингизни чуқур ўйлаб кўрдингизми?

Абдуллоҳ бошини қуи солди. “Қайси жиноят?! Майли-да...”

– Ха, ўйлаб кўрдим... – деди.

Ўртоқ Ли уни маъқуллаб бошини иргади.

– Афсусдамисиз?

Абдуллоҳ энди бошини күттарди. Унинг кўзининг ичини тўлдирган хотиржамлики уни тинглаётганлар ҳам қўришди.

– Афсусдаман, жиноятларимдан афсусдаман, – деди Абдуллоҳ ишонч билан.

– Биз сизга қандай ишонайлик? – деди уйғурбашара. Ҳа, у ҳақиқатан уйғурлиги бир оғиз сўзидан маълум бўлди. – Қўлимиздаги маълумотларга кўра сиз терговда, судда ўзингизни айбсиз, деб тўполон кўтаргансиз!

Абдуллоҳ унга кулиб қаради.

– Беш йиллик зиндан ҳамма нарсани тушуниш учун етади.

– Ўртоқлар, – деди ўртоқ Ли икки мулозимига. – Бизни ўртоқ Абдуллоҳ Ёркин билан ёлғиз қолдиринг. Ўзимнинг гапим бор.

Икки мулозим чиқиб кетгач, ўртоқ Ли ўрнидан турди, Абдуллоҳнинг атрофида айланиб юриб, узоқ гапирди.

– Абдуллоҳбей, мен турк тилини маҳсус ўргандим, болалиқдан. Маҳсус хизматда ишлаш учун тарбияландим, чунки. Жангарилик, одам ўлдириш, одам алдаш ва ҳоказо жиҳатлардан мукаммал таълим олдим, – деб ўзини батафсилоқ танитишдан бошлади у сўзни. – Мен мияси қотиб қолган қолоқларни ёмон кўраман, бироқ ўз давлатимни севаман. Хитой давлати учун жонимни бераман. Давлат раҳбарларига содикман, агар улар давлатни одамларни қўрқитиб бошқарамиз, дейишса ҳам, хизмат қиласман. Қўрқитмасдан, эркинлик бериб, бошқарамиз, дейишса ҳам, хизматга шайман. Чунки Хитой учун ҳаётимни тикиб қўйганман. Мен Хитой давлати учун умримни бағишиладим. Турк тилини биламан, турк зеҳниятини яхши танийман. Шунинг учун, уйғурлар учун мўлжаллаб қурилган жамлоқларнинг тўртдан бирини бошқариш менга топширилди. Мен жамлоқлар ишини ҳар томонлама мувофиқлаштириб тураман. Сиёсий маҳкумлар билан ишлайман. Сизнинг ишингиз менга қамалган кунингиз маълум эди. Ўз наздингизда айбсиз одамсиз, бироқ миянгизда Хитой сиёсатига, Хитой давлатига қарши фикрлар бор. Бу биринчи жиноят. Иккинчидан, ота-бобонгиз Хитойга қарши уруш қилган, қон тўккан, ирсиятингизда бизга қарши кайфият ва бўйсунмаслик яширинган. Ана шу сабаблар сизни қамаб, зинданда умрингизни чиритиш учун етади. Сизни Ёқуббек Фозийнинг невараси билан бир жойга мен қаматдим. Биласизми, нега? Менга ҳаққини ўлгунича талаб қиласидиган мардлар ёқади. Уларни хурмат қиласман. Ундей мард инсонларни бағримга қаттиқ қучоқлаб, юзларидан ўпиб, кейин оғритмасдан бар зарб билан ўлдиришни истайман. Чунки улар хурматга лойиқ. Улар учун бош кийимни ечса ҳам, арзиди. Сизнинг ишингизни менга топширишган эди. Ҳақназарбекнинг ёнида ўтиришингизни хоҳладим. Мавриди келса, сухбатлашгим бор эди, бироқ иш қўп. Миллионлаб одамларни қамашим керак. Ўликлар муаммосини ҳал этиш керак. Давлатимиз раиси менга катта ишонч билдиригандар. Нега сиз ўзингизни айбдор, деб атай бошладингиз? Ё устимдан куляпсизми? Қандай қилиб жони бўғзидан чиқаман, деса ҳам айбини тан олмаган одам, бугун мен жиноятчиман, деб ўтирибди?!

Абдуллоҳ ўртоқ Лига тик қаради.

– Тўғри топмадингиз, жаноб Ли! – деди “жаноб” сўзига урғу бериб. – Сизларнинг хоҳишингиз мени жиноятчи сифатида кўриш эди, шунинг учун ўзимни жиноятчи, деб тан олдим.

– Ажиб мантиқ! – кулди Ли. – Бироқ бу ёндашув замираидаги ҳам бизни менсимаслик турибди. Сизнингча, биз золимлармиз. Йўқ, биз яшаш учун курашаётган одамлармиз. Биз нима учун Исломга, мусулмонларга қарши курашамиз, биласизми? Чунки биз курашмасак, Ислом бизга қарши курашади. Ислом бизни ютиб юборади. Буни тарих кўрсатди. Ўзингиз яхши биласиз. Шундай экан, мусулмонларни қамоққа қамаб, Ер юзини Исломдан кутқарамиз, мусулмонлардан тозалаймиз. Баъзи миллатлар Ер юзида ортиқча, айниқса, туркийлар, айниқса, уйғурлар... Тарихда Хитойга икки марта юриш қилинганди. Биринчи юриш Искандар Зулқарнайнга, иккинчиси Чингизхонга тегишли бўлган. Учинчисига журъат этган одам ким эди, биласизми? Биласиз, у Амир Темур эди! Қолган юришларни мен уруш деб ҳисобламайман. Хитой ўз душманларни бир пуфлаб, ҳавога учиради. Хайриятки, Темур йўлда ўлди. Акс ҳолда, Хитой тақдири хатар остига тушаётган эди. Сиз уйғурлар шундай миллатсизки, жуда қайсарсиз. Аввал Ёқуббек Ғозий, кейин Алихонтўранинг ҳаракати... Хитой жуда катта куч билан уйғурларнинг руҳини ўлдиришга интилди, лекин сизлар бу руҳни сақлаб қоляпсиз. Биргина Алихонтўрада жуда катта куч бор эди. Руҳий куч... Биз сизларни орангизда хоин бўлмаса, енга олмас эдик. Уйғурларнинг ичидан чиқкан хоинлар бизга сидқидилдан хизматда экан, биз ҳали ҳукмронликни бой бермаймиз, бу аниқ. Хоинларни кўпчилик ёмон кўради, яхши томони ҳам бор: улар қайта хоинликда айбланмаслик учун бор кучлари билан ишлайдилар. Ўз хиёнатларини ич-ичларидан билиб, янада кўпроқ хиёнатларга қўл урадилар. Шунинг учун, мен улардан қўрқмайман. Улар бир-бирларини еб юраверишади. Ўрнимга ишлашади – ахборот йиғиб келишади, дўстларини сотишади, ўрнимга уруш ҳам қиласидилар, олдимга егуликларимни келтириб беришади, менга эса маза! Раҳмат, хоинларга! Яшасин, хиёнат! Сиз кабилар эса Ер юзидан садоқат излаб, содиклик даъвосини қиласиз! Тўғрими?

Абдуллоҳ бошини қуи солиб, Лининг нутқини эшитаркан, жавоб беришга ўзида иштиёқ сезмаса-да, “Ха”, дегандай бошини силкиб қўйди.

– Гаплашишни истамайсизми? – сўради Ли.

– Йўқ, – деди Абдуллоҳ.

– Мажбурламайман, – деди Ли ҳам. – Энди гапнинг асосий қисмига келдик. Европа, Туркия, Америка Хитойга босим қилаёттир. Уларнинг наздига, Хитой золим давлат, уйғур миллатини қириб юбориш учун амалиётлар ўтказаётган эмиш. Иddaolariiga кўра, улар инсонпарвар эканлар. Шунчаки, Хитой бу давлатларнинг ўйинига ўйнамайди. Хитой Ер юзининг энг қудратли, мустақил давлати. Уйғурлар баҳона, холос. Агар биз Америка ёки Европанинг ноғорасига рақс қилсак, қўшилишиб, уйғурларни эзган

бўлишарди. Лекин Хитой ўз манфаатини, ғуурурини поймол этмайди. Бунга кўнмайди. Ўшаларнинг хукуқбонлари Абдуллоҳ Ёрқин, деган одамнинг озод бўлишини маҳсус талаб қилишмоқда. Ҳукуматимиз сизни озод қилиш ҳақида ўйлаб кўряпти. Шунинг учун, сиз билан гаплашиб ўтирибман.

Абдуллоҳ озод бўлиш хабарини эшишиб, қалбида ғайритабий тўлқин уйғонганини сезса-да, буни билдирамади.

– Сиз ўз айбингизга иқор бўлиб, Хитой Раисидан афв сўранг, балки афв этар! – деди Ли. – Мен очиқ ўйинни яхши кўраман, бутун дунё давлатлари талаб этса ҳам, сизни озод этмаслик бизга осон, лекин ўзингизда озодлик истаги бўлса, шу инобатга олиниши мумкин.

– Мен озодликка чиқишни истайман! – деди Абдуллоҳ.

– Яхши, Раисимиздан сизни афв этишини сўраб, ариза ёзинг, – деди Ли Кай Гу Абдуллоҳнинг олдига қоғоз ва қалам қўйиб. – Агар муносиб кўрилсангиз, озод бўласиз. Озодликка чиққанингиз ҳамон Хитой ҳудудидан зудлик билан ташқарига чиқариласиз.

Абдуллоҳ қаламни олиб нима ёзишини билмай, ўйланиб қолди. Ли унга афв сўровининг намунасини бериб:

– Юқоридаги гапларимни ўйлаб, мен шундай катта қудрат эгаси эканман, деб юрманг! – деди ва тиржайди. – Сиз каби бир маҳбус озодликка чиққани билан Хитойдек улкан давлат қаршисида чивинчалик аҳамият топмайди. Омадингиз келиб қолди, сизга ғоялар ҳақида гапирдим-қўйдим.

Абдуллоҳ Лининг гапига кўп эътибор бермади, индамай аризани кўчирди.

– Урумчидаги қамоққа кетасиз, ўша ерда қолган масалаларни гаплашишади, – деди Ли Абдуллоҳнинг афв ҳақидаги илтимос хатини қўлига олиб кўраркан. – Маҳбус ташийдиган битта уловни ажратдим. Шу билан биз қайта кўришмаймиз. Қамоққа қайтиб юрманг!

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Сабринисо хоним Анжелинага қараб чуқур тин олди.

– Гужаратга етиб боришим учун икки ой йўл босдим. Пиёда. Бирор уловга чиқмадим. Болам елкамда. Қорнимиз очади. Ювенишимиз учун совун керак. Йўл-йўлакай қишлоқларда хизматкорлик қилдим. Бирор бойнинг ҳовлисига кириб, кир ювдим, ерини чопдим, молини боқдим, Аллоҳнинг марҳаматини қарангки, У мени ёлғиз қолдирмади. Ишонсангиз, бирор марта танглик сезмадим. Қўлимда ортиқча бир рупий йўқ эди, лекин кўнглим шу қадар хотиржам эдики, ризқим менга олаётган нафасим каби яқинлигини сезиб турдим. Эртага қандай нон топаман, боламни қандай боқаман, эрим қамоқда қолиб кетса, нима қиламан, деган ўйлар умуман хаёлимга келмади. Тунлари ўрмонларда, овлоқларда, харобаларда ухладим. Заррача ҳайиқмадим. Зулматларда йўлларимга ғойибдан нур тушарди, гўё. Ёлғиз кетарканман, мени кўзга кўринмас қўриқчилар қўриқлаб юрадигандек эди.

Аниқ ишонардимки, Аллоҳим мен учун жуда кўп яхшиликларни ҳозирлаб қўйган, аниқ ишонардимки, тақдиримда фақат яхшиликлар бор, аниқ ишонардимки, ҳаётимдаги бирор воқеа менинг зараримга ишламайди, аниқ ишонардимки, Аллоҳим Ўзига иймон келтирган бандасини зинхор оғир аҳволда қолдирмайди. Юрган йўлимда, ўтирган ўрнимда, ётган жойимда фақат Аллоҳни зикр этдим, ёд олганим сураларни тинимсиз тарорладим, иймон калималарини айтдим, ҳар бир лафз юрагим уриши билан ҳамоҳанг янгарди.

Гужаратга кириб бордим. Жуда гавжум шаҳар. Янги чиқсан ўт уловлар кўчаларни тўлдирган. Одамларнинг минг хилини кўрасиз. Ёмғир ҳам кўп ёғади, қуёш қайнатади.

У ерда мени кутиб оладиган бир инсон, йўл кўрсатадиган раҳнамойим йўқ эди, ич-ичимдан суюнганим Роббим, Аллоҳим эди, У мени ташлаб кўймаслигига амин эдим.

Бу ерда мусулмонларга бўлган зулм бироз кам эди.

Гужаратнинг мусулмонлари яшайдиган мавзеларини изладим. Танишим йўқ. Лаҳжам ҳам бу ернидан фарқли. Уларнинг сўзлашувларини тушунишга баъзан қийналётган эдим. Ҳеч кимга сир бой бермадим, боламни кучоқлаб, бироз егулик сотиб олдим, бир четга ўтириб тамадди қилдим. Яrim соатча юрдим, қуёш тиккадан оға бошлади. Айни пешин вақти кирди. Шу он қулоғимга аzon саси эшитилди. Танимга жон киргандек бўлди. Муаззиннинг товуши қай тарафдан келаётганини аниқлаш учун ҳар ёққа алангладим. Сўнг жойимга қайтиб ўтириб, овоз янграётган нуқтани аниқлаган бўлдим, ичимда аzonнинг дуосини ўқигач, ўша томонга юрдим. Катта кўчанинг нарига томонига ўтиб, ўнг тарафга кетавердим. Тахминимча, шу ердан чапга йўл бўлиши керак эди. Аллоҳим адаштиrmабди: чап томонга торгина йўл бор экан, қайилдим. Бу йўлакнинг охири яна ўнгга буриларкан. Ана шу ерда, ўша ўнг йўлнинг охирида пештоқига араб, урду ва ҳинд тилида катта ҳарфлар билан “Хожа Айюб жоме масжиди” деб ёзилган даргоҳни кўрдим.

Масжидга аёллар ҳам кириб, ибодат қилишлари учун учун чап тарафида дарвоза бор экан, ўша жойдан кирдим, аёллар таҳоратхонасига ўтдим. Таҳоратхонани супуриб, тозалаб юрган нуроний чехрали кекса аёлга салом бердим:

- Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатух, онажон!
- Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатух, кел қизим, – деди аёл ишини тўхтатиб ва менга жилмайди.
- Анча олисдан келяпман, боламга қараб тура оласизми? Бироз ювиниб, таҳорат олмоқчиман, – дедим хижолат бўлиб.
- Мусофира эканлигинг билиняпти, қизим. – деди фаррош аёл. – Болангни бера қол, олти ойлик бўлиб қолдими? Исми нима полвоннинг?
- Хўжа Озод, – дедим боламни аёлга узатиб.

— Мaa шаа Аллоҳ, кўз тегмасин, солиҳ бўлиб улғайсин! — дуо қилди фаррош аёл. — Сен бемалол ишингни қилавер, ўзим қарайман. Тўрт ўғил ўстирганман мен ҳам!

...Хонақоҳда — охирги сафда болалардан кейин бир неча аёллар билан имомга эргашиб, пешинни адо қилдик. Дарвоҷе, масжидда болалар кўп эди. Ҳатто, икки ёшли болаларни кўрдим. Отаси ёки онаси намозда, бола ўйинчоғига овора, баъзилари йиғлагаб қолади, намозхонлардан кимдир, албатта, йиғлаган, инжиқлик қилаётган болани овутишга шошилади.

Масжидда болалар учун алоҳида хона бор экан. У ерда муслималар болаларга қараб туришар экан.

Масжиднинг ҳовлиси кенг, ҳавони тозалаш учун ўртага фаввора ўрнатилган, фаввора ёnlари яшил майдонча, гуллар ҳам очилган. Масжид айвонлари, хонақоҳлари кенг.

Намоздан сўнг, қалбим алланечук бўлиб, хонақоҳда бироз ўтириб қолдим. Ичимдан бир йифи тошиб келарди. Роббимнинг қаршисида ўтириб, Унга заифлигимни, иложсизлигимни айтиб йиғлагим келаётган эди, балки, билмадим. Ёки бу йифи Аллоҳимнинг менга кўрсатаётган карам ва шафқати муқобаласида муносиб бирор амал қила олмаслигим туфайли туғилган хаё кўзёшларими迪, бу – билмайман. Балки, у ҳам эмас, бу ҳам эмас, Аллоҳимга бутун вужудим, қалбим, ақлим билан таслимият келтириб, изҳор этаётган шукур бўлса, не ажаб!

Намоздан чиққанимда, фаррош аёл боламни менга берди, у кейинги жамоатга эргашиб, пешинни адо қилишга киришиди. Хонақоҳга кириб кетаркан:

— Кетиб қолма, — деди қаттиқ тайинлаб. — Мени кут.

Масжиднинг аёллар бўлмасига ўтиб, ўтиридим. Боламни ўйнатдим. Бир неча дақиқа ўтиб, фаррош аёл келди. У ҳам ёнимга чўқди.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуху, — дедим унга.

— Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатух! — деб алиқ олди фаррош аёл ва ўзини таништириди. — Исмим Фотима, қизим. Хожа Айюб маҳалласида яшайман. Тўрт ўғлим, тўрт келиним, неваларим бор. Қариганимда масжидда фаррошлиқ қилиб, Роббимнинг хизматида бўлишни орзу қиласиди. Келинларим ҳам, ўғилларим ҳам, алҳамдулилаҳ, мўмин, мўмина, невараларим ҳам тарбиямни олиб катта бўлишяпти. Мени она, деганинг учун раҳмат. Зотан, мусулмонлар бир-бирларига шундай яқинтирлар. Қани, ўзингни таништири-чи.

— Исмим Сабринисо, — дедим ва шу билан ўзи ҳикоямни қисқача айтиб бердим. Фотима хоним сўзларимни бўлмади. Тинглади. Ора-сирада “Субҳаналлоҳ!” — деб қўйди. Гапларимни тугатганимдан сўнг, қарасам, кўзлари жиққа ёш бўлибди.

— Ислом умматининг ҳолини қара, қизим! — деди овози бўғилиб. — Эрларимиз қамоқларда, аёлларимиз саргардон! Мусулмонни ҳимоя қиласидиган бирор куч қолмадими Ер юзида! Зотан, биз Ер юзидаги бирор

кучга ҳам умид боғламаймиз, ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмаймиз, биз учун Аллоҳ қифоя, Аллоҳ биз учун етарли! Лекин Аллоҳ бутун Ер юзини Исломият учун бир ҳовли қилиб берди-ку! Биз мусулмонлар эса бу ҳовлига сиғмай қолдик. Уйларимизнинг тўрини душманларга бўшатиб бердик. Душманга меҳр ва шафқат кўзи билан боқдик, улар эса кўзларимизни ўйдилар... Исминг жисмингга, тақдирингга монанд келибди, Сабринисо! Сен сабр учун туғилганмисан, Валлоҳу Аълам! Ҳали жуда ёш экансан. Бироқ ёш бўлсанг-да, Роббим сени ажиг имтиҳонлардан ўтказмоқда экан. Охиригача бу синовлардан юзларинг ёруғ бўлиб ўтгин, қизим. Энди менинг уйимга борасан, то эринг қамоқдан чиққунича менинг уйимда, менинг хонамда мен билан бирга яшайсан. Ўғилларимнинг уч нафари алоҳида ҳовли олиб чиқишиган, ҳаммаси қўшним. Кенжам билан яшайман. У эса ҳар куни ишда. Сен ёнимда бўласан, келиним билан дугона тутин. Бугун бемалол дам ол. Ўғлимга айтаман, у эринг ётган қамоқни бориб топади, кейин бирга бориб, Хўжа Алини зиёрат қиласиз, иншаАллоҳ.

Фотима хонимнинг ҳовлиси кенгина экан. Ҳиндийларнинг турар-жойларидан фарқ қилиши, табиий. Ахир, бу бир мусулмоннинг макони!

Кенжак келин мени умрида илк бор кўриб турган эса-да, хурсанд бўлиб кутиб олди.

Икки кундан кейин эрим ўтирган қамоқнинг манзили маълум бўлди. Фотима хоним ўтулов чақиртирди. Шу куни ҳам эрталабдан чиқиб, масжид таҳоратхонасини тозалаб келишга улгурди. У мени қўлтиқлаб олиб, ўтуловга ўтирди. Ярим соатларда айтилган манзилда ҳозир бўлдик.

Икки соатларда қисқа муддатли учрашувга рухсат олдик. Деворлари баланд, тиканли симлар билан ўралган, кўтармаларида қуролли соқчилар – энди менга қизиқ ҳам эмасди. Эримни кўришим керак.

Темир эшиклардан ўтиб, худди Аёдҳиядаги каби қисқа учрашув бўлмасига кирдим. Бу ерда сал кенгчилик бор экан – хона ёруғ, оқланган, учрашувчилар орасида дераза, деразанинг ўртаси эса думалоқ очиқ. Юз-юзга, кўз-кўзга тушади.

Суҳбат бўлмасига ўтирдим. Хўжа Алини кута бошладим. Бошқалар киряпти, гаплашяпти. Бир неча дақиқа ўтиб, эрим кўринди. У ҳам бошқа маҳбуслар каби сариқ рангли кийим кийибди. Сариқ эмасу, оловрангга мойил, зарғалдоқ. Унинг қовоқлари ичига тортилибди, қорачиқларига чуқур бир жиддият инибди. Қаршимга келиб, ўтиаркан, негадир, уялдим. Кўзимни ерга олиб қочиб, секин салом бердим.

– Ваалайқум ассалом ва раҳматуллоҳи барокатух, Сабринисо, – деди у. Ўз турмуш йўлдошимдан нима учун уялаётганимни билмасдим, балки, бу уялиш эмасди, балки, биз учун узоқ кечган айрилиқдан кейинги дийдорлашувнинг номаълум бир ҳиссиёти эди. – Қийналмадингми?

– Аллоҳим бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўймади, – дедим пичирлаб.

– Мaa шаа Аллоҳ, – хотиржам бўлди эрим. – Аллоҳга таваккул қилган мўминнинг қалбида хавотирга ўрин йўқ. У ҳеч нарсадан қўрқмайди.

Модомики, Аллоҳга суюнибсан, модомики, Ундан қўрқиб гуноҳлардан тийилибсан, Роббимиз бизни хорликка ташламайди, У бизни ҳимоя қиласди, шармандалиқдан асрайди.

...Шу билан сұхбатимиз қизиди. Боламизни кўрсатдим. Унинг кўзлари ёнди. Ойна орқасидан Озодни эркалади. Думалоқ дарчадан пешонасини тутдим, ўпди. Анча ўтирик. Жуда ҳам енгил тортдим. Кучимга куч қўшилди. Узоқ муддатли учрашувга келишим мумкинлигини билиб олдим...

Анжелина хоним, мен Гужаратда йигирма йил яшадим. Фотима хоним йигирма йил мени ўз ёнидан жилдирмади. Тириклий қилишим учун хунар ўргатди: тикувчилик, тўқувчилик, пазандалик, фаррошлиқ, тозалаш, хуллас, аёл киши учун бойлик бўладиган ҳамма ишни қилдим. Топган пулимга барака ёғар эди. Тўғри, ёнимда ўз эҳтиёжимдан ортиқча қора чақам ҳам бўлмади, кўнглим қаноат ила тўла эди, бироқ.

Ўзгалар билан ишим бўлмади. Эрим билан ҳар бир йилда тўрт марта кўришишим мумкин эди – икки марта қисқа, икки марта узоқ муддатга. Тўрт марта унга егулик, юваниш воситалари киритардим. Бу мен учун баҳтиёрлик бағишиларди. Ҳар сафар эримнинг хузурига борарканман, жаннатга талпинаётгандек ўзимни ҳис этдим. Умримнинг мазмуни – қамоқда дини учун, эътиқоди учун коғирлар зулмини кўраётган эримнинг кўзларини ойдин этиш эди, гўё. Аслида, бу муҳаббатнинг қандай туғилганлигини билмайман. Эримнинг биргина назари мен учун кифоя эди. У эҳтиёжини айтиб, лаб жуфтлашига ҳожат қолдирмадим.

Йигирма йилда Аллоҳим бизга фарзандлар берди. Яна бир ўғил ва икки қизни дунёга келтирдим. Уларга гўзал исмлар қўйдик. Кунларнинг қандай кечганини билмайман.

Ажабки, машаққатлар ҳаётимни қатъий тартибга солиб қўйгандек эди: эрталаб фажр намози учун нисбатан эрта уйғонаман, ярим жуз Қуръон ўқийман, кейин ибодатимни қилгач, яна ярим порани тиловат қиласман. Қуёш чиқади. Ишга киришаман. Ҳар ишимнинг аввалида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуоларни ўқишини одат қилдим. Фарзларни ўтайман. Хуфтондан сўнг, тезда уйқуга ётаман.

Уйқуларим чарchoқларимдан халос бўлишим учун етди. Аллоҳнинг изни ва марҳамати ила йигирма йилда бирор марта касал бўлмадим. Касал бўлиб, ётиб қолмадим. Ҳамиша кучли эдим, ҳамиша қувватли эдим.

Дуоларимда бирор марта эримни унутмадим. Бирор марта уни хотиримдан фаромуш этмадим. Аллоҳим ўша вақтларда мендан тушкунликни кўтариб қўйди.

Қамоқ муддати тугагач, эрим қамоқдан чиқди. У, назаримда, ҳамон ёш ва ҳамон бақувват эди. Одамлар қамоқдан қийналиб, эзгин ҳолда чиқадилар, одатда, у эса кучли ва ҳикмат соҳиби ўлароқ бағримга қайтди.

Биз Фотима хонимнинг уйида яна олти ой қолдик. Эрим бу орада озодлик ҳаётига мослашмоққа интилди. У қийналди. Бироқ сездирмади.

Үйқуси кам, хаёли паришон эди. Сабабини сўрасам, индамасди. Мен ҳам безовта этмасдим.

Бир куни ўзи ёрилди.

— Ҳолимизга паришонман, Сабринисо, — деди у менга. — Мен-ку, Аллоҳимнинг изни ила озодликка чиқдим, Аллоҳимнинг марҳамати ила мана, хавфсиз бир турмушни кечирмоқдамиз. Атрофга қараб, ҳамма нарсани омонат қўрмоқдаман. Дунёнинг ҳеч бир ишида сабот йўқ, ҳамма нарса ёлғондан тиклаб қўйилган, ҳамма одамлар қумдан бўлган уйларнинг ичларида яшамоқдалар, гўё. Кўзимга қиёмат шу қадар яқин кўринадики, унинг даҳшатидан юрагим зириллайди. Ўлимнинг юзи юзимга тегиб тургандек бўлади. Бутун олам, исломият аҳли, мусулмонлар ҳамма нарсадан ғофил. Ҳаммамиз Аллоҳнинг ҳузурида беражагимиз жавобни, жазони унугтганмиз. Ўз жонимиздан бўлак қайғумиз қолмаган. Уммат ғами биздан кўтарилиган. Уммат ғами даъвосида бўлганларнинг аксари риё ва кибрга ботиб қолганлар. Жасоратдан айро тушдик. Зулм исканжасида қолаётган миллионлаб инсонлар бор. Бизнинг ҳаётимиз қора турмушнинг қора меҳнатига қоришиб кетган. Қорнимиз тўйганига, хатарсиз кун ўтказганимизга мастмиз. Озгина меҳнатимиздан шодмиз. Ҳимматимиз шу қадар ҳам паст бўладими? Беш вақт намоз, бир ойлик Рамазон рўзаси, закот ва ҳажнинг ўзи билан бизнинг вазифамиз, наҳотки, буткул тугаса?!. У ҳолда, ҳаммаси жуда содда экан-да! Йўқ, бу ҳаммаси учун илк қадам. Аллоҳнинг ҳузурида бизнинг ҳолатимиз қандай — билмаймиз, амалларимизни, қувончларимизни, ташвишларимизни, қайғуларимизни, шону шухратимизни кўрмайдиган бўлиб, уларни унумтоғимиз керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида шундай эди. Саҳобалар ўзларини Аллоҳ ҳузурида йўқ, деб ўйлардилар, ўзларини йўқ, деб ишонардилар. Ер юзига Ислом рисолатини етказган буюк зотлар ўзларини Ер юзидаги аввалу охир одамларининг энг гуноҳкори, дея маломат этардилар. Аллоҳнинг муҳаббатини қозониш, Аллоҳнинг ризосига мушарраф бўлиш учун бору йўқларини бериб юбордилар. Биз эса... чуқур чоҳ ичидамиз... Бизнинг вазифамиз не? Бир мусулмон ўлароқ динимиз ҳимояси, исломият ривожи учун қандай хизмат қилишимиз мумкин? Бу масалада жуда кўп ўйладим, биз жуда ожизмиз. Биздек фақирлар, фуқароларнинг йўли — Аллоҳга холис ибодат қилиш, иститоатимиздан — бутун қувватимиздан, Аллоҳ берган имконияларимиздан келиб чиқиб, Исломнинг барча шартларини адо этмоқдир. Солих, олим фарзандларни тарбия этмоқ, улуғларга ихлос ила эргашмоқ, тилларимизни тийиш, дилимизда Аллоҳнинг зикри, амалимизда Аллоҳнинг фарзи ва Расулимизнинг суннати бўлар экан, яқийнни, ихлосни, муҳаббатни, садоқатни бой бермасак, Аллоҳнинг Ўзи йўлимизни очишига шубҳа йўқ!..

...Шундай деди эrim. Кейин Аёдҳияга қайтди. У ерга бир неча марта қатнади ва эски яшаган ҳовлимизни янгитдан қуришни бошлади. Бир хона ва бир даҳлизни тиклагач, мен ҳам кетдим. Фотима хоним билан ажралишимиз

қийин кечди. У биздан Гужаратда қолишимизни ўтингди. Эрим рози бўлмади. Аёдхияда мусулмонлар мавзеини оёқка тургазиш керак, деди.

Қайтдик.

Бу воқеаларга ҳам яна йигирма йил бўлди. Бошимиздан кўп ташвишлар ўтди. Уларни ҳикоя қилсам, охири қўринмайди, Анжелина хоним. Менинг аёл киши ҳақида, муслима аёл қандай бўлиши тўғрисидаги хулосаларим Исломий эътиқодим ва кўриб ўтган тажрибаларимга асосланган. Ҳаётим менга Исломнинг энг тўғри йўл, исломий таълимот инсоният ҳаёти учун энг мақбул ечим, энг мукаммал қонун эканлигини исботлаб берди. Аёл кишининг ичида қандай шайтони бор, у аёл хиссиётларини қандай ўйин қилишини, қандай адаштиришини биламан. Аёлнинг қатъий матонат, эътиқод соҳибаси ўлароқ комиллик касб этиши қийин. Биз ўзгарувчанмиз. Гоҳо нималарни хоҳлаётганимизни ўзимиз билмаймиз. Бизнинг табиатимиз жуда ўзгарувчан. Ақлимизга хилоф равишда макру ҳийлалар қиласкерамиз. Ўзимизни ҳаммага ақлли, ҳикмат соҳибаси ўлароқ кўрсатишга ўчмиз. Бироқ бизни оналик тийнатимиз ўзгармас хислатларимиздандир. Умуман, аёл фитрати жуда қизиқ ва мураккаб. Уни фақат Аллоҳга бўлган қўрқув тарбиялаши мумкин. Ислом аёлнинг қалбини ҳимоя қиласди, Ислом аёл қалбини бузуқ хаёллардан, изтироблардан, иккиланишлардан, азобдан, тушкунликдан, беҳаёликдан ҳимоя қиласди. Ислом аёлнинг иффатини, номусини, ҳаётини сақлайди. Аёл қанчалик донишманд, қанчалик салоҳиятли, қанчалик оқила бўлмасин, Исломдан ташқарида ўзига йўл изласа, унинг бирор амали на дунёсига, на охиратига фойда келтирмас. Чунки биз дунёни бир экинзор ўлароқ билдик. Бизга Расулимиз соллалоҳу алайҳи ва саллам шундай таълим бердилар. Бу дунё экинзорига нима эксак, охират куни уни териб оламиз. Шу қоида жаҳондаги саодатни таъминлаб бериши шубҳасиз.

Анжелина Сабринисо хоимнинг ҳамма гапларини эшитиб, бир савол берди:

– Хоним, бу қарашларингиз мусулмон аёлларининг барчасига хосми? Чунки Исломда мазҳаблар кўп, мазҳаблар орасида ихтилофлар бисёр. Қарашлар турфа. Мен мусулмонларни ўрганиб, улар орасидаги аёвсиз тортишувларни, ҳақоратларни, бир-бирларини диндан чиққансан, дея маломат қилишларини кўрганман. Бунинг сабаби нима? Модомики, Ислом Сиз айтганингиздек, мукаммал қоида экан, бу ахволнинг боиси қаерда?

– Анжелина, – деди кулимсираб Сабринисо хоним. – Бундай мураккаб саволларингизга Сизни қониқтирадиган жавоб бера оламанми, йўқми, билмайман. Бироқ мусулмонлар орасидаги ихтилофлар Исломнинг эмас, мусулмонларнинг нуқсонидир. Ўз динини яхши билмаган, унинг руҳоний хазинасидан баҳра олмаган мусулмонлар ана шундай хатоларга йўл кўйишлари табиий. Мен уларни бу учун қоралмайман, балки, Аллоҳим барча мусулмонларга ўз нусратини ёғдирсинг, мусулмонларнинг қалбларини ўзаро улфат қилсин, деб дуодаман.

...Анжелина Ҳиндистонда яна бир ой юрди, мақсад қилгани лойиҳаларни муваффақиятли тугатди, бир неча қисмли илмий-оммабоп фильмлар суратга олишда қатнашди.

Хаёлини Зайнаб ва Сабринисо хонимларнинг ҳаётлари ҳақидаги қиссалар қамраб олди. Икки муслиманинг бу қадар уйғун фикрлаши, бу қадар қатъяти, ҳаётнинг зарбаларидан ғолиба ва музafferар бўлиб чиқишлиари ҳайратини уйғотарди. Кексайган овруполик хонимларнинг фарзандлар қаровидан четда, қарияларнинг маҳсус уйларида ўлимни умидсиз кутаётганларни ҳамиша унинг кўз ўнгидан...

Бутун умр меҳнат қилган, ҳаётини лаззат ва ҳузур топишга сарфлаган аксар аёллар кексайганларида жуда шикаста эдилар. Уларнинг баъзилари мижғов, жанжалқаш, оқибатда, бор куч-куватлари танларини тарқ этгач, овозлари-да, чиқмай қолади. Шифтга нур кетган кўзларини қадаб, жимгина ётадилар. Хизматчилар уларни аравачада очиқ ҳавога олиб чиқадилар, ям-яшил майдон, ранго ранг-гуллар, денгиз нафаси, мовий осмон уларнинг қалбларига ҳам, кўзларига ҳам қувонч бермайди. Айтишга сўзлари тугаган ёки сухбатга ҳафсала ҳам йўқ. Уларнинг кўпчилигини ўлимнинг нариги томонидаги ҳадсизлик, қоронғулик қўрқитади.

Анжелинанинг наздида Зайнаб ва Сабринисо хонимлар учун ҳаётнинг гўзали ўлимнинг нариги томонидадир. Улар дунёга бир бекат сингари қарайдилар, Аллоҳнинг тақдирини шодлик или қабул қилиб, ўзларини Роббилари ихтиёрига буткул таслим этишган.

Анжелина учун бу энг мақбул, энг нурли бир йўл ўлароқ туюла бошлади.

Ўша вақтда Францияда бутун Ислом оламини ларзага келтирган бир воқеа содир бўлди. Бу ўша манфур воқеа – “Шарли Эбдо” журналининг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни мазах қилиб пайдар-пай сурат чизиб, эълон қилиши эди.

Анжелина Парижда эди. “Шарли Эбдо” муқовасидаги бу суратлар унга мутлақо маъкул бўлмади. Зудлик билан ўзининг интернетдаги сахифасида раддия эълон қилди.

“Биз демократия номи остида мусулмонлар ва ўзимизнинг ўртамиизда катта муаммоларни келтириб чиқаришимиз мумкин. Франция, балки Оврупо танлаган инсонпарвар тамойиллар ўзгаларнинг эътиқодий йўлбошчиларини бу тариқа таҳқирлашни назарда тутмайди. Ислом тарихида ғайридинларнинг бошлиқларига бу каби муносабат кўрсатилганига бирорта далил йўқ, “Шарли Эбдо”нинг бу иши қонли зиддиятлар келтириб чиқаришидан қўрқаман, чунки менга мусулмонларнинг ўз динлари ҳимояси йўлидаги қайтмас табиатлари жуда яхши маълум”, – дейилган эди ушбу раддияда.

Мазкур фикрлар катта баҳсларни уйғотди. Раҳбарияти Анжелинани чақирди.

– Сизнинг қарашларингиз нотинчлик уйғотяпти, – деди компания директори.

– Бунинг нимаси хавфли? – ҳайрон бўлди Анжелина.

– Сиз қандай қонли зиддият ҳақида ёзяпсиз? – жиддийлашди бошлиқ. – Бу билан Франциянинг ўзини террор ишлаб чиқарувчисига айлантиряпсиз.

– Шундай эмасми? – деди Анжелина. – Биздаги фикр эркинлиги қаерда қолди?

– Фикр эркинлиги ўз йўлига, – деди бошлиқ. – Бироқ давлат сиёсатининг йўналишини сиз тўғри тушунинг. Фикр эркинлиги омма учун, сиз эса ўзингизни эҳтиёт қилинг.

– Жуда қизиқ бўлди-ку, бу! – деди Анжелина. – Менга ошкора равища фикрлаш тўсиғини қўймоқдамисиз?

– Жаҳлингиз чиқмасин, Анжелина хоним, – деди бошлиқ хотиржам. – Франция бугун нафақат Оврупода, балки Ер юзида ўзининг сиёсий иродаси, мавқеи учун курашмоқда. Глобал шароитда қундан қунга янги сиёсий, ҳарбий кучлар пайдо бўлмоқда. Хусусан, Яқин Шарқда Ислом муҳоҳидларининг қонли ҳаракатлари, сиёсий фаолликнинг кучайиши, Афғонистон муаммоси, Исломнинг тарқалиб бориши вазиятни жим қузатиб туришга йўл бермайди. Бугун демократия номи остида ўрнатилган тизим ичида қайси давлатнинг обрўси юқори бўлишини биласизми? Бу Исломга қарши тура олган давлатдир. Курашнинг ягона йўли – Исломнинг қонли гояларига қарши курашмоқ, мусулмонларнинг руҳиятини синдиришdir. Қўрқитиш ва ахлоқни бузиш билангина мусулмонларнинг руҳиятини синдира оламиз. Ҳозир Исломга қарши ошкора курашиш учун бирор давлатнинг журъати йўқ. Бироқ бунга эришмоқ керак. Бунинг учун мусулмонларнинг раҳнамоларини обрўсизлантирамиз, мусулмонлар Ер юзида кераксиз эканлигига ҳаммани ишонтиришимиз шарт. Шунда уларга қарши кураш жуда осон кечади. Сиз жуда обрўли компанияда ишлайдиган ва илми билан, ижоди билан танилган муаллиф, сценарийнавис ўлароқ бу сиёсий курашни чукур тушунинг ва давлат манфаатини ҳимоя қилинг.

– Жаноб! – деди Анжелина директорга ажабланган нигоҳларини қадаб.

– Кечирасиз, бундай гапларни очиқ гапириш хавфли эмасми? Сиз бу гапларни менга гапириш учун қаердан жасорат топдингиз?

Директор кулди.

– Буни гапириш учун жасоратнинг кераги йўқ, шунчаки, ватанпарвар бўлиш керак, – деди. – Иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврупо Америка ва Собиқ Иттифоқ қўлида қолиб кетди. Сиёсий, ҳарбий жихатдан оқсадик. Исроил деган давлатни ташкил қилиб, ҳамма унинг ноғорасига ўйнай бошлади. Дунё банклари, қурол савдоси, қорадори тижорати, одамларни олди-сотди қилиш кимларнинг қўлида, биласизми? Ҳаммаси ҳукуматларни орқадан туриб бошқараётган кучларнинг қўлида. Франция бу зиддиятли майдонда ўз сўзини айтиши керак. Бир томондан Туркия қад ростлаб келяпти. Мисрда Мурсий, Ливияда Каддафий, Ироқда Саддам, Афғонистонда

Толибон – буларнинг ҳаммаси бир куч бўлиб шаклланди. Бирини йўқотсак, иккинчиси оёққа туряпти. Сиз дахлдор бўлган лойиҳаларнинг ҳаммаси Исломнинг маънавий ва руҳоний жиҳатларига урғу беради, шу нарсага инсониятни ишонтиришга қаратилган. Исломнинг бошқарув қудрати, Ислом муаммоларни амалий ҳал қилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Араб давлатларининг аксарида ўз тизимларимизга эга бўлдик. Саудия, Сурияда бизнинг манфаатларни акс эттирадиган сиёсий ақийдаларни ўрнатдик. Айниқса, Асадлар сулоласи тўлигича бизнинг қарашларимизни истифода этади. Ҳозир у минтақада бошланаётган ҳарбий можароларга бутун дунёда салбий бир муносабат уйғотиш бизнинг бурчимиз. Ишнинг аввалидаёқ сизни диний мотивдаги, айнан, Ислом динига боғлиқ ишларга биз жалб этдик. Натижада, Ислом масаласида ҳам амалий, ҳам назарий илмга эга бўлдингиз. Сиз, Анжелина хоним, онгли равишда исломий кучларга қарши туришингиз керак. Сиздан шуни талаб қиласман. Бу сизнинг вазифангиз. Оммага Муҳаммад пайғамбар ҳам одам эканлигини, унинг ҳуқуқлари ҳеч кимнидан устун эмаслигини ва Оврўпо ҳалқи учун зинхор устун бўла олмаслигини сингдиришингиз шарт. Муҳаммад ким? Бир араб, холос. Уни илоҳий олам билан боғлаш бизнинг манфаатларга тўғри келмайди. У ҳақда мусулмонлар эмас, бошқалар ҳам дахл қилиб бўлмайдиган шахс, деб ишоняпти. Инсониятнинг энг буюк шахси, деб эълон қилишларининг ўзи аҳмоқона иш. Демак, биз Исломга қарши курашар эканмиз, аввало, Муҳаммад титулини, Муҳаммад тотемини парчалаб ташлаймиз. Бутун дунё Муҳаммаднинг ҳам ҳақоратланиши, мазах қилиниши мумкин бўлган одам эканлигига ишонсин. Биз бу борада курашни асло тўхтатмаймиз. Бу ишимиз йиллар ўтиб ўз мевасини беради – Муҳаммад ҳамма қатори одамга айланади. Аслида ҳам, шундай. Ўн тўрт асрдан бўён унинг мутаассиб тарафдорлари уни шундай илоҳийлаштириб олишган. Мақсад – Муҳаммад титули остида ўз ҳокимиётларини мустаҳкамлаш бўлган, холос. Биз буни йўқ қиласмиз. Сиз Ислом ғояларига алданманг. Унинг руҳий, ақлий ҳужумларига таслим бўлманг. Биз қандай таълим олдик? Биз эркин тафаккур таълимини олдик! Биз учун илоҳ ҳам, шайтон ҳам бир. Чунки биз уларга ишонмаймиз. Биз ўзимизнинг эркимиз учун курашамиз. Агар бу эркка шайтоннинг тарафида туриб эришсак, шайтон тарафга ўтамиз. Лекин Худо тарафига эмас! Худо ҳамма нарсани монополия қилиб олган. У истагандек буйруқ чиқаради, истаган одамини жаҳаннамга тиқади, истаганини жаннатга киритармиш! Сафсата! Бундай бўлишига биз йўл қўймаймиз! У Ийсо бўлсин, у Муҳаммад бўлсин – Худога хизмат қилишни истаётган гумроҳларнинг ҳаммасини ертишлатамиз! Буюк Франция учун, буюк Оврупо учун, буюк Озодлик учун!

Директор шундай деб оташин нутқини тугаллади. Анжелина сукут сақлади, ўйланиб қолди. Бу нутқ, ҳақиқатан, жўшқин янгради, бошлиқ ҳам парижлик эмасми, адабий француз тилида шеър ўқигандек сўзларди.

Анжелинанинг онгидаги Зайнаб ва Сабринисо хонимлар сабабли туғилган кўплаб хulosалар аралашиб кетди, бу хulosалар ва директорнинг ғоялари

орасида катта жарлик бор эди. У янада чуқурроқ ўйлаб олиши кераклигини хис этди.

– Жаноб, – деди бошлиғига Анжелина. – Менга айтганларингизни ҳазм қилишим учун вақт беринг.

– Албатта, – деди бағрикенглик билан бошлиқ. – Истаганча ўйланг, ўрганинг. Ҳамиша ёдингизда сақланг – буюк Франция учун! Аниқ қарорга келинг ва менга хабар беринг. Сизга меҳнат таътили бераман. Агар айтганларимга рози бўлсангиз, сиздаги юксак иқтидор ила мусулмонлар онгини алғов-далғов қиласидиган ўйлаб улкан лойиҳаларни амалга оширамиз.

...Шу кундан бошлаб, Анжелина Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам тарихини ўрганишни бошлади. Аввал, француз тилида ўқиди, кейин инглиз тилида, немис тилида. Бироқ ўқиганлари уни қониқтирмади. У араб тилини ўрганишга аҳд қилди. Араб тилини ўрганиш учун маҳсус дарсни бошлади. Анжелина кунларини араб тилига бағишлади. Ҳар бир ўзлаштирган сўзини амалда қўллашга уринди. Араб тили қутилмагандан унинг учун осон туюлди – Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам ҳақидаги матнларни тезда ўқиб, равон тушуна бошлади.

Бир неча тилда, қолаверса, айнан араб тилидаги сийратларни ўқиб тушунишга уриниш Анжелинани еттинчи асрдаги Арабистон яриморолига, Маккага, Мадинага олиб кетди. Табиатан мукаммалликни яхши кўрувчи бу аёл уйидан деярли чиқмай қолди. Икки ой бошини исломий манбалардан кўтартмади. У, аввалбошда, ўз бошлиғи ғоясига таянишни маъқул топди – Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва салламга бир ғаним ўлароқ бокди. Лекин икки ойнинг сўнгида бу Инсониз инсониятнинг нақадар улкан ҳалокатга мубтало бўлишини тушуниб етди.

Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва салламга яқинлаб келгани сайин Анжелина бу Инсон учун жон бериш энг улкан шараф, деган тўхтамга келди. Ичидан отилиб келаётган бир вулқон уни бу нуқтада қолишига, яъни умрини бу хатоликлар ичida ўтказишига йўл қўймасди.

У Париждаги масжидлардан бирига борди, масжидда турк миллатига мансуб одам имомлик қилар экан. Ўзини Метинбей деб таништирган имом Анжелинани дикқат билан тинглади. Уни табриклади.

– Энг гўзал қарор! – деди.

Орада Анжелинанинг мусулмонлар жамоаси билан яқиндан танишгани, исмини Мубина, дея ўзгартиргани тафсилотларига кенг тўхталиб ўтирмаймиз. Бироқ бу жараён унинг учун нисбатан енгил кечди, муслималар билан сухбатга киришар экан, уларга ўзини жуда яқин сезди.

Анжелина ўзининг интернетдаги сахифасида маҳсус видеочиқиши қилиб, Исломга кирганлигини эълон қилди. Қуйида Сиз унинг ана шу чиқища сўзлаган нутқини ўқишингиз мумкин:

“Коинотни яратган яккаю ёлғиз Аллоҳга ҳамдлар айтаман! У фақат ибодат қилинишга лойиқ бўлган Зотдир! Унинг шериги, тенги, ўхаши йўқ деб гувоҳлик бераман! Ва Мұхаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам

Аллоҳнинг сўнгги элчисидир. Мен уни Аллоҳнинг расули ҳамда қули, бир оддий бандаси, деб гувоҳлик бераман.

Бизнинг жамиятимизда адолат бор, дея қўп бонг урамиз. Аслида, биз адолат, дея нафсимизга тўғри келган ишларни тақдим этамиз. Бугун Франция, балки Оврупо бир ҳақсизлик устида турибди. Бу ҳақсизлик – икки олам сарвари Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилинган хурматсизликдир.

Бу оддий хурматсизлик эмас, бу инсоният учун қилинган жиноят. Одамзодга тарих мобайнида ҳеч ким Ул Зот каби хизмат қилмаган, Ул Зот каби инсониятга оламшумул ғалабалар тақдим этмаган, ҳеч ким Ул Зот каби Аллоҳнинг ҳузурида улкан мартабага эришмаган.

Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар, деб тан олмайдиган мушриқ ва даҳрийлар ҳам У Инсоннинг ҳаётига қараб ақллари лол қолади. Зотан, ҳеч кимнинг ҳаёти Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам каби сонияма-сония тарихга зарб этилмаган. Ҳеч кимнинг издошлари Ул зотга эргашгани каби ўз йўлбошчисига эргашмаган. Илмиз ва етим бўлиб улғайиб, жаҳолатга ботган бир ҳовуч халқнинг ичида Илоҳий бир Нурни порлатиб, Ер юзига Ислом неъматини етказиши Ул Зотнинг зиммасида эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни адо этдилар.

Инсониятнинг жами донишманлари, улуғлари, ҳакимлари, қирол ва императорлари йиғилиб келсалар-да, набийимиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оёқлари остидан чиққан бир гардга teng кела олмаслар!

Менга Исломга қарши курашмоқни таклиф қилишди. Мен Исломга қарши курашмоқ учун Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётларини ўргандим ва бу ягона ҳақ динни қабул қилдим, Алҳамдулилаҳ. “Шарли Эбдо” журналида юз берган қотилликдан бутун Франция қайғуда, бироқ мен қотиллик, дея аталаётган воқеанинг сабабини яхши тушунаман. Бутун борлиги, ота-онаси, фарзандларидан афзал қўрганлари бир Инсонни ҳақоратлашга бирор мусулмон сукут сақлаб турмайди. Агар мусулмонлар сукут сақласалар ҳам, Аллоҳ сукут сақламайди. У Ўз Набийсини барча балолардан омон сақлагани каби то қиёматгача ҳимоя қилишига мен аминман!

Билингки, мен бугундан бошлаб Ислом динини қабул этганимни эълон қиласман, ишлаётган идорам бутунича Исломга қарши курашиш учун йўналтирилган экан, у жойда ишлаш мен учун ҳаром. Ва билингки, менинг пайғамбарим – Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга қарши қаратилган ҳар бир хужум менга қилинган хужумдир. Мен ўз Йўлбошчимни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам, ҳимоя қилишга тайёрман!”

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Урумчида ҳам қамоқقا бориб тусишини тахмин қилган Абдуллоҳ янглишибди: уни қандайдир маъмурий бино ҳовлисида ўтуловнинг темир қутисидан тушириши.

Ҳовли тўрт бурчак – ўртада яшил чим, гуллар. Ерга мармар парчалари терилган. Кичиккина ҳовуз, ҳовузнинг ўртасида қизилга бўялган аждаҳонинг осмонга қараган очиқ оғзидан сув отиляпти.

Ҳарбий ва полициячилар. Бино – узун. Уч қаватли. Пештоқлари алвон. Деразали уйғур услугида. Девори кулранг. Учта алоҳида кириш эшиклари бор экан.

Ҳовлининг бир томони темир панжара. Учланган темирлар тепага қараган.

Ҳаво илиқ. Абдуллоҳ совуқ қотмади ҳам, терламади ҳам. Бироқ оёқлари, думғазаси уюшиб қолди. Йигирма тўрт соатдан ошиқ йўл ҳоритиши керак, аслида.

Инсон, одатда, кетма-кет муаммоларга дуч келаркан, унинг ички дунёсида курашувчанлик, енгилмаслик табиати тарбияланади, ҳатто, жисм ўзига келаётган хужумларга нисбатан онгдан ташқари ҳолда ҳимоя ўйлаб топади. Бу ҳимоя тизими ўчмайди. Бу ҳимоя хавфдан тўла сақлай олмаса ҳам, зарбаларга чап беради ёки уларнинг кучини кесади. Шунинг учун, кўпчилик хотиржамликка берилиши билан касал бўлиб қолади ёки ерга йиқилади.

Абдуллоҳнинг салқам олти йил давомида бошидан ўтиб келаётган синовлар уни чарчоқларни ҳис қилмайдиган ҳолга келтирди. У бирор қийинчиликни қийинчилик, деб қабул қилмайдиган нуқтага чиқди. Ўнқирчўнқир йўлда юрган от аравадан қаттиқроқ силкиниб юрадиган ўт уловнинг темир қутиси ичидаги йигирма тўрт соат тўхтовсиз “йўл босганига” қарамай у тетик. Танаси ҳоргинликдан холи эди, гўё.

Абдуллоҳни бинонинг ўрта эшигидан ичкарига олиб киришди. Чапга эллик қадамча юргач, ювиниш хонасига рўпара қилишди.

– Мана бу либосларингиз, – деди уйғурчалаб уни кузатиб келаётган зобит ўралган кийимни узатиш асносида. – Ичкарида ювиниб, ўзингизга қараб чиқинг.

Абдуллоҳ индамай кийимларни олди.

Ичкари – ювиниши хонаси экан. Катта ва узун оқ тос, бири оқ ва бири қизил рангдаги бурамалар, жўмраклар... Ойна. Совун. Соч-соқолни тартиблаш учун устара...

Абдуллоҳ секин қизил бурамани айлантирди. Жўмракдан аввал илиқ, кейин иссиқ сув тушди... Сувни маромига келтирди.

Вужуд илиқ сувни унутиб қўйган эди. Терилар, ички аъзолар юмшади. Илиқ сув жисмга шу қадар хуш ёқдики, Абдуллоҳ беихтиёр роҳатланди. Бу лаззат унинг танасини забт этса-да, миясига ғайритабиий бир оромни баҳш

этса-да, унугилган хузурларни уйғотган эса-да, онг тагидаги безовталик кетмади. Ўша безовталик: “Роҳатланишга ҳақынг йўқ!” – дер эди.

Абдуллоҳ кўзгуга тикилди. Қаршисида бегона бир одамни кўрди. Беш ийлки, ўзининг қиёфасини ҳам ёддан чиқарган эди. Ҳозир кўзгуга қараб, қаршисидан қандайдир ўта жиддий инсонга дуч келди. У шундай жиддий эдик, кўнгилхушликлар, ҳазил-хузуллар унга яқинлашишдан ҳам ҳайқиса, не ажаб.

Соч-соқолини жамлоқ зиндонида қириб ташлашган эди. Бироз қорайибди. Озгани учун бурни кўпроқ кўзга ташланади. Қовурғалари саналиб турибди. Кўл ва оёқ суяклари туртиб чиқкан. Лекин кўзлар кўркувдан йироқ. Бу кўзларга ҳаяжон ёки севинчни тўлдириш анча қийин...

Юзига ажин тушмабди. Қизик. Абдуллоҳнинг ўз қиёфаси туйкус ўзгармагандек, худди аввалгидек туюлиб кетди. Ювиниб бўлгач, артинди, янги кийимларга қаради.

Ўлчамини топишибди. Бироқ либослар ранги қора экан. Кийиниб, яна кўзгуга бокди: озғин баданига кўча кийимлари ярашибди. Энди у бошқа бир суратга кирди. Ўзининг кўзига яна нотанишдек кўринди. Бироқ янги кийим унинг кайфиятини сездирмай кўтарди.

“Аллоҳим, ҳуснимни чиройли қилганинг каби ахлоқимни гўзал қил! Бу либосларни фақат Сенинг ризолигинг йўлида кийиб, тугатай!” – деб дуо қилди пичирлаб.

Абдуллоҳнинг кейинги учрашуви янада хушмуомала ва хушхулқ одамлар ила кечди. Улар уч киши эдилар ва Абдуллоҳни афв этилгани билан табриклишди.

Абдуллоҳ у қадар шодланмади. У бу табассумлар ортида яшириниб турадиган заҳарни яхши танийди. Лаблардан учётган гўзал сўзлар бир ондаёқ оғу сурилган найзага айланиши ҳеч гап эмас. Ўнг кўл силаб тургани билан чап қўл белнинг ортида ханжар тутиб туриши ҳам ўта табиий.

Абдуллоҳ шуларни хаёлдан ўтказди. Бир соат атрофида у билан хушчақчақ, “дўстона” сухбат бўлди. Маҳбусликни тугатаётган бу инсон гапларга қисқа-қисқа жавоб бериш билан чекланиб ўтираверди. Ниҳоят, у билан тушлик қилиш учун Туркиядан меҳмон келгани айтилди. Бу хабар Абдуллоҳнинг кўзларини чақнатди. Туркия сўзи унинг ухлаб ётган ҳиссиётларини қўзғаб юборди. Шу онда у озодликка чиқаркан, эркинлик ҳаёти қандай кечишини мутлақо хаёлига келтирмаганини идрок этди. Отанаси, оиласи, фарзандлари ҳақида, Истанбулдаги ҳовлиси, яқин дўстлари, биродарлари – буларнинг барчаси у учун ўтмишдаги рўёга айланган эди, ҳозир эса ана шу рўёning ичига кириб бориши аниқлигини туйкус ҳис этди. Йўқ, рўё эмас, улар ҳақиқат-ку! Ҳаётидаги энг қийматли неъматлар-ку! Ҳа, ота-онани, оиласи, эркни, умуман, яшашни биз неъмат, деб танишга ўргандик. Аллоҳ берган бекиёс ризқдир улар. Бироқ бу ризққа, бу неъматларга муҳаббат қўйиш жоиз эмас экан. Уларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг қўлида. Аллоҳ бергани каби қайратиб олиши ҳам осон. Дунё ҳаётида

топилган ҳамма нарса дунёнинг зийнати, дунёнинг чирои. Бу зийнатга эргашиб, шу чироига эга бўламан, деган инсон Аллоҳни унутиши мумкин. Қолбуки, қўлимиз ушлаб, қўзимиз кўриб турган ҳамма нарсанинг йўқ бўлиб кетиши ақлимизга ҳам, қалбимизга аён-ку!

Абдуллоҳ Ернинг остида яшади. Ер остида яшаётган тирик одамларни кўрди. Улар Ер устидагиларни масти қилган неъматлардан бебаҳра эканликларини кўрди. Бироқ бу бебаҳралик уларни баҳтсиз этмабди. Улар бу неъматларсиз ҳам Аллоҳга холис қул ўлароқ нафас олмоқдалар.

Одамзод ер юзида ўзига жаннат қураман, деб ўйлайди. Охират жаннатини бой беради. Абдуллоҳ учун охират ва ундаги жаннату дўзах шу қадар яқин кўриниб қолган эдики, у ота-онаси, оиласи ҳақида, қадрдон ҳовлиси, жаннатмонанд Истанбул ёки денгизнинг саррин ҳаволарини ўткинчи, деб ич-ичидан инониб, шу инонч билан яшаётган эди. Бироқ улар билан қайта кўришмоқ, ота-она, оилани бағирга босмоқ, жонажон Юртнинг соғ ҳавосидан ўпкани тўлдириб нафас олиш, сокин ва улуғвор денгизга термилиб, унинг тўлқинларини томоша қилиб, тафаккурга чўмиш мумкинлиги унинг қамоқда йифиб-терган, мустаҳкам барпо бўлган хулосаларини бир чайқатди. Бу неъматлардан баҳра олиб, олий ва улуғ бўлган Аллоҳга ҳамд айтиш ҳам ибодат эканлигини англамсиз равишда онгидан ўтказди.

Туркиядан келган меҳмоннинг исми Маҳмуд Четинтоғ экан. Ёши улуғ, олтмишга боргандир. Соқоли бор. Пешонаси кенг. Юзи очиқ. Бақувватлиги билинади. У Абдуллоҳни маҳкам қучоқлаб олди. Бир муддат бағридан қўйиб юбормади. Маҳмудбейнинг икки ёрдамчиси, ёшроқ йигитлар экан, қўл қовуштириб жим туришарди.

– Абдуллоҳбей! – деди кўзида ёш билан Маҳмуд Четинтоғ. – Аллоҳга ҳамд бўлсин! Буюк Роббимга ҳамлар бўлсин! Сизни кўриш насиб этди! Отангиз Иброҳим Ёрқин сиз қамалиб қолгач, жуда қаттиқ ҳаракат қилди. У Туркия раҳбариятига мурожаат билан чиқди. Оврупо, Амирқо ҳуқуқчиларини оёққа тургазди. Мен катта ҳуқуқшуносман. Эҳсон афанди муршидимизнинг муҳлис шогирдларидан бўлган менинг отам ҳам. Иброҳим Ёрқин афандимиз билан дўстликлари бор экан. Биз мусулмонлар бир-биrimизга ёрдам бермасак, эртага Аллоҳимнинг қошида нима деган одам бўламиз? Бир мўмин қон ютиб ётсаю, биз ўйин-кулги ичида яшасак, бизнинг Исломга, Иймонга қилган даъвойимиз қаерда қолади? Олти йил биз ухламадик. Оёқда бўлдик, Абдуллоҳбей. Юринг, энди кетамиз. Бугун шомдан кейин Истанбулга учамиз. Ҳаммаси битди, иншаАллоҳ. Сизга ҳаммасини айтиб бераман. Ҳозир эса тушлик қилайлик.

Ҳар хил расмиятчиликлар тугади. Кўчага чиқдилар. Абдуллоҳнинг наздида, ҳаммаси тушдек эди. Бир тубсизликка оёқ қўяётгандек қадам босарди у.

Одамларнинг кийинишлари ҳам унинг учун ғайритабиий туюлди. Ҳамма тор кийиниб олгандек. Сал кенгроқ кийинса, бўлмайдими? Аёллар... Аёллар

бутун борлиқлари ила эркакларни шаҳвоний ишларга чорлаяптими? Бу қадар очиқ ва яланғоч кийиниб юрган аёллар билан аралашыб хотиржам юриш мүмкинми?!

Абдуллоҳни ғалати ҳайиқиши қамраб олди. У ўзини оламга буткул бегона эканини идрок этди.

“Ё Аллоҳим! Одамлар нима учун хотиржам? Йўқ, улар хотиржам эмас, шекилли... Улар шошяптилар... Улар ниманинг истагида бу қадар шошиб юрибдилар? Нима учун дунё ишига чўкиб кетишган?! Ахир, шошаётган, талпинаётган нарсалари, аслида, йўқ нарса-ку! Ўзларини кўз-кўз қилганлари билан нимага эришяптилар? Бошқаларни ҳайратлантиришнинг нимаси қизиқ?! Ахир, эртага ўлим келгач, бу нарсалар қолиб кетади-ку! Рост бўлган, ҳақиқат бўлган,adolat билан тўлган оламга кетамиз-ку! У ерда бу дунёда қилган ишларимиз учун жавоб берамиз-ку! Роббимизга ибодат ва итоат қилганимиз ҳақида сўраламиз-ку!.. Ахир, бу қадар ғафлатда яшаш фожия! Инсоният улкан жарликка қараб кетмоқда! Йиқилишига жуда оз қолибди...”

Абдуллоҳ ўзини шундай фикрлашдан тўхтата олмасди. У кўраётганларидан изтиробга тушди. Беихтиёр Ҳақназарбекнинг олдига – ўша Ернинг остига, уч киши бўлиб беш йил яшашган жойи – зиндонга кетгиси келди. У ерда гуноҳлардан тўсилган эди. Шаҳватдан тўсилган эди. Ҳирсдан тўсилган эди. Ҳавасдан ҳимояланган эди...

Озодликка чиққан чекиладиган изтироб, елкага тушадиган юк қамоқقا киргандан учрайдиганинг зарбалардан, хатарлардан, қўрқувлардан кўра улканроқдир. Ернинг остида кўриб чиққанинг ҳақиқатлар сени кўз юмишга кўймайди. Қон томчилаб турган ярадек қийнайди.

Абдуллоҳни бир уйғур ошхонасига олиб киришди. У ерда ўрта бўйли, тўладан келган, ихчам мўйлаби ярашимли, юзи думалоқ, бошига қалампирнусха дўппи, эгина бекасам тўн кийган бир одам алоҳида мулозамат билан кутиб олди.

– Абдуллоҳбей! – деди у ҳам шодлиқдан терисига сиғмай. – Юсуф алайҳиссаломнинг мадрасасидан чиқиб келдингиз! Аллоҳим бу таҳсилингизни муборак этсин! Ўзингиз учун, миллат учун, уммат учун, дин, дунё ва охират учун хайрли этсин!

– Амийн! Амийн! – деди Абдуллоҳ қўлини кўксига қўйиб.

– Менинг исмим Абдураҳим Ҳайит. Ҳофиз Абдураҳим! – ўзини танитди янги биродар.

Абдуллоҳ ўзини қуршаган инсонларнинг қалбидан тошиб турган хуррият ва дард алангасини бутун борлиғи билан ҳис этди. Тушлик баҳона эди, холос. Сўз факат миллат эрки, қирилган уйғурлар, хорланган миллат, қулликка маҳкум этилган халқ ҳақида борди.

– Бизнинг минглаб ўғлонларимиз душман қўлида шаҳид кетди, – деди ёниб Абдураҳим Ҳайит. – Йигирма тўрт ёшида ҳибсхонада Лутфулло Муталиби үлдирдилар. Турфонда босқчинчига исёнлар қилдик. Ул исёнда шаҳид бўлган Абдулхолик Уйғурларимиз бор эди. Тангрим менинг қалбимга

миллат ҳуррияти учун бир Олов солди. Нетай, шундай туғилдим. Шундай яшамоқдаман! Бирор жойда ноҳақлик кўрсам, жим кета олмадим. Абдуллоҳбей, мени Овруполарга чорладилар, лекин мен қон қусаётган ҳалқимни қандай қилиб ташлаб кетай! Сиз эшитинг! Мен айтай!

Шундай деб Абдураҳим ҳофиз сокин овозда айта бошлади:

Саҳар вақи кўрдим кўзим султонини,
Дедим: “Султонмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.
Кўзлари оташили, қўллар хиноли;
Дедим: “Чўлтонмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Исминг недир?” Деди: “Ойхондир”.
Дедим: “Юртинг қай ер?” Деди: “Турфондир”.
Дедим: “Бошингда не?” Деди: “Хижрондир”.
Дедим: “Ҳайронмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Ойга ўхшар...” Деди: “Юзимму?”
Дедим: “Юлдуз каби...” Деди: “Кўзимму?”
Дедим: “Ёлқин сочар...” Деди: “Сўзимму?”
Дедим: “Вулқонмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Қийиқ недир?” Деди: “Қошимдир”.
Дедим: “Қундуз недир?” Деди: “Сочимдир”.
Дедим: “Ўнг беш недир?” Деди: “Ёшимдир”.
Дедим: “Жононмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Денгиз недир?” Деди: “Дилимдир”.
Дедим: “Раъно недир?” Деди: “Гулимдир”.
Дедим: “Шакар недир?” Деди: “Тилимдир”.
Дедим: “Бир тотсайдим...” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Занжир бордир...” Деди: “Бўйнимда”.
Дедим: “Ўлим бордир...” Деди: “Йўлимда”.
Дедим: “Билакузук?” Деди: “Қўлимда”.
Дедим: “Қўрқармисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Чин, қўрқмассан?” Деди: “Тангрим бор”.
Дедим: “Яна не бор? Деди: “Халқим бор”.
Дедим: “Яна борму? Деди: “Рұхим бор”.
Дедим: “Шукронмисан?” У деди: “Йўқ, йўқ”.

Дедим: “Истак недир?” Деди: “Гулимдир”.
Дедим: “Курашлар бор?” Деди: “Йўлимдир”.

Дедим: “Үткір кімдір?” Деди: “Кұлімдір”.

Дедим: “Сотармисан?” У деди: “Йүқ, йүқ”.

Хофизнинг овози ҳаммани сеҳрлади. Күзлардан отилган ёшлар қайнок эди. Минг йилларки, Ер юзининг гавхари бўлган Ватан, инсониятнинг энг мукаммал покиза халқларидан бўлган Уйғурнинг дарди шу мисраларда, шу оҳангларда бутун оламга ўт қўйишга қодир эди, гўё.

– Биз қўрқмасмиз, Абдуллоҳбей, – деди хофиз дардманд бўлиб. – Биз учун ўлим – орзу. Шаҳидликни бутун умр ният қиласиз. Тангрим бизни бу шарафли йўлда жонимизни олса, кошки! Тангрим бизнинг арзимаган жонимизни шу йўлга муносиб билса, кошки! Тангрим қизил қонимиз билан шу тупроқларни гулларга тўлдирса, кошки! Миллатинг, дининг, халқинг қуллик ичидан ётаркан, қандай қилиб нафас олиш мумкин. Бўғзимга кириб чиқадиган ҳар бир нафас ўт каби, ҳар бир сўз тош каби.

Абдуллоҳбей жимгина хофизни тинглади. Маҳмуд Четиндоғ қўзларида ёш ила тинглади.

– Қанийди, бизда бир қудрат бўлсаю, қардошларимизни бу азоблардан озод қиласак! Қанчалар заиф бўлдикки, акамиз, укамиз, отамиз, онамиз – кишанди, биз жиммиз. Чурқ этиб оғиз очмасмиз. Темурлар, усмонлилар, бобурлар Ер юзини титратди. Турк дунёси бутун дунёни идора этди. Аллоҳ турклар ила Ўз динини қувватлантириди, бироқ бугун тушган ҳолимизни кўринг, – деди Маҳмудбей.

Абдураҳим Ҳайит қамоқ ҳаёти билан танишлиги учун ҳам Абдуллоҳга жуда яқин туюлди. Албатта, улар қалбан яқин эдилар, аслида.

– Биз умидсизликка тушмасмиз, дўстларим, – деди Абдураҳим Ҳайит. – Биз дард ичига нақадар чуқур чўксак, шу қадар куч топажакмиз. Бало тоши тифларимизни ўтқирлашдан бошқа ишни уddeлай олмас. Бир оёғимизни ўлим диёрига қўйдик. Иккинчи оёғимиз эса дунё ҳаётидан кўтарилиб турибди, иншаАллоҳ. Дунёдан юз ўғирган кунимиздан бошлаб, бизни ҳайқтирадиган ғанимлар қаршимиздан чиқмас. Биз қайғурсак, ўзгаларнинг жони учун қайғурдик. Ғам чексак, миллат учун ғам чекдик. Биз йўқмиз, миллат бор. Бизнинг танимиз ҳам, жонимиз миллат йўлида фидо бўлса, кошки! Бу миллат – Ислом миллати, мусулмон умматидир. Исломсиз ўзимизни бой бердик, Ислом билан ўзимизга қайтажакмиз.

... Абдуллоҳ Ёрқиннинг ҳикояси барча тингловчиларни лол қилди.

Соатлаб, кунлаб давом этиб келаётган ҳикоя ҳаммани бирдек мутаассир этди. Жозеф, кема бошлиғи Масъуд Ҳасан ва, умуман, ўтирганлар Абдуллоҳга ҳайрат ила боқардилар. У айтаётган воқеаларга бошидан ўтказмаган инсоннинг ишониши, балки, маҳол эди.

– Уйга қайтдим, – деди Абдуллоҳ ҳикоясини якунлаш оҳангига. – Ҳаётим энди аввалгидек эмасди. Аввалгидек бўла олмасдим. Кўрганларим тушимга кириб чиқарди. Қамалган онимдан бошлаб ҳаёт мен учун тушга, бир

рўёга айланди. Оламда бирор нарса мен учун жиддий ёки событ кўринмай қолди. Жаҳон минбарларидан туриб, инсониятга, халқларга баҳт ва саодат ваъда қилаётган сиёсатчилар мен учун каззоб ўлароқ кўринарди. Саҳналарга чиқиб, қоматини кўз-кўз қилиб, ҳирс оғушида маст бўлаётган эрсифат хотинлар, хотинсифат эрлар; ойнаи жаҳондан тушмай гап сотадиган сафсатабозлар, фидойиликдан ваъз ўқийдиган қўрқоқлар, ҳурриятдан вайсайдиган қуллар, ўзини катта, деб ўйлайдиган кичик зехниятлар, ўзини факр ва зуҳд соҳиби кўрсатадиган мунофиқлар, одамларда ўзи ҳақида яхши тасаввур уйғотиш учунгина яшайдиган қўғирчоқ нусхалар, кичик ариқдан ҳатлаб ўтганини уммондан омон чиқдим, деб тамсил этадиган хунасалар, миясини қўрқув билан тўлдириб, замон фиръавнларига сифинадиган фикрсиз манқуртлар, ҳаётнинг юришини золимларга боғлаб тасбит айлайдиган ўликлар, бутун дунёдаги муқаддас дардларни танимайдиган, муқаддас қайғулар борлигини билмай ошқозон ва киндик тагига тобе бўлган чўчқалар – яна қайси тоифани айтай?! – назаримда, бутун одамзод ўзлигидан, қалбидан ажралиб, озодликка чиқиши мумкин бўлмаган пўртана ичида қолиб кетган эди. Бу ҳолни англаганимдан кейин сукут, сукут ва яна сукут, Аллоҳнинг зикридан бўлак ҳақиқат йўқ, деб ўйлаб қолдим. Умуман, тирикликтининг ичида Аллоҳдан бўлак ҳақиқат йўқ, зотан. Тириклиқдан ташқарида ҳам Аллоҳ бор. Аллоҳнинг Ўзи мангу Тириклиқ! Ҳаййидир, Қайюмдир, зотан! Фақат Аллоҳ, фақат Аллоҳ!

Мени йўқлаб келганлар кўп бўлди. Уйимиздан меҳмон қадами узилмади. Ҳаммага мулозамат қилдим. Ҳамон бегонадек эдим.

Ҳаёт ташвишларига кирдим. Энди аввалгидек қизиқкон эмасдим. Истасам ҳам, шошилишнинг имкони йўқ эди. Ҳар бир ишда Роббимнинг дастахатини кўрганим учун ўзимни шошишдан, ҳаяжондан, жўшишдан, эҳтиросдан тийдим. Мусулмон ўлкаларига саёҳат қилдим. Араб жазираларида, Африқо сахроларида, Покистон тупроқларида, Уммон давлатларида бўлдим. Ер юзининг қайси нуктасида мусулмонлар яшаса, уларнинг ҳаётини кўришга интилдим. Ислом оламининг бугунги манзарасини билгим келди. Сиз бу сен учун нега керак, деб савол берарсиз. Мен Ислом аҳлининг Ер юзидаги бугунги ҳаётини чукур ўрганишим, Роббимнинг динига хизмат қилишнипнг энг мақбул бир йўлни топишим керак эди. Ва топдим, деб умид қиласман. Исломга даъват марказлари, кутубхоналар, етимхона, саховат уйлари очдим, турли мамлакатларда масжидлар курдим, мадрасаларни ишга туширдим, мусулмонларнинг илм олиши учун ҳаракат қиляпман. Фақат илм олиши учун эмас, жабр кўрган, қашшоқлашган, касалланган, қўли калта мусулмонларни иш билан таъминлаш, уларга моддий кўмак бериш устидаман. Аллоҳнинг дини, унга амал қиласиган мусулмонлар қувватли, баҳтли, саодатли бўлишлари учун ўзимни бағишиладим. Кўксимнинг ичидаги охирги ният – Роббимнинг қаршиисига шаҳодат шарбатини ичиб боришидир. Бу насиб этармикин, йўқми, билмайман.

Менинг азиз биродарларим! Азиз диндошларим!

Мен мусулмонларнинг ўзаро ғаним бўлишларини кўтара олмайман. Мазҳаб талашиб, таҳқир ва такфирга берилганларидан озурдаман. Биз мусулмонларни якка Аллоҳга ибодат қилиш ва Унинг Расули, севгилимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш бирлаштириши керак эмасми?! Қайси мазҳаб, қайси йўлни тутмасин, бир масжидда, бир меҳробга қараб, бир имомга иқтидо қилиб ибодат қиласиган уммат эмасмизми? Ихтилофлар зинҳор тугамас, ихтилофлар саҳобалар орасида учраган. Ихтилофлар қонлар тўкишга олиб келган. Қалбларни парчалаган. Чунки ихтилофимиз ортида ҳақиқат эмас, нафсимиз устунлиги бўлиб қолди. Ихтилофни уламоларга қолдиринг. Улар илмий, ақидавий масалаларни ҳал қилишсин. Биз эса Динга амал қилайлик. Шариатда юрайлик. Чунки қандай яшаш, қандай ибодат қилишнинг намуналари бор. Биз уларни биламиз. Ўзаро ғанимлашмоққа қандай эҳтиёж бор? Сену мен мусулмонман, деб ёқа бўғиб, бир-биirimизга ханжар санчаётган пайтимизда кофирилар Ер юзини фасодга тўлдирияпти, мусулмонлар зинданларда азоб ва қийноқ ичида фарёд чекяпти. Бир-биirimиз учун ёвлик қилмасдан Ер юзини исломият билан, ҳаётимизни исломий ахлоқ ва амал билан тўлдирсак, бўлмайдими? Ҳар қуни ғийбат ва дилозорликка ружу қўймасдан, Қуръон ўқисак, илм ўргансак, яқинларга меҳр кўрсатсак, бўлмайдими?!

Мана, Аллоҳнинг тақдири экан – ўз ҳаётимни Сизга ҳикоя қилиб бердим. Бу менинг ҳаётимдан йиққан-терган камтарона хulosаларимдир. Мен дин олими эмасман, бироқ динимнинг мукаммалигини ва унга амал қилувчи – бизнинг нуқсонли эканлигимизни тушуниб етдим. Энди сизлар сўйланг, биз тинглайлик.

...Хуфтон намози вақти кирган эди. Жамоат бўлиб намоз ўқилди. Суҳбат эртага давом этадиган бўлди.

Жозефнинг хаёлини Абдуллоҳ Ёрқиннинг ҳикояси буткул эгаллади. Хаёлини, қалбини нима олиб қочаётганини ўзи идрок этмасди. Соатига қаради – тунги ўн биру ўттиз.

Кема айвонига – палубага чиқди. Денгиз сокин. Кема жуда секин сузяпти. Осмонда тўлин ой нур сочади. Юлдузлар бошга тегтудек яқин. Гўё осмон ва денгиз бирлашиб кетган: юлдузлар гўё олтинранг гул, бу гуллар фалакка ҳам, уммонга сочиб юборилган. Ой эса нилуфаргулдек сувнинг ичида чайқалади.

Кема сокин. Кема бўлмаларининг баъзилари ёруғ, баъзилари қоронғу. Минг кишини ўз бағрига олган “Урватул вусқо” осмон ва уммоннинг қоқ ўртасида ажиб заифлик билан ягона Аллоҳнинг чексиз қудратини намойиш қилгандек сузиб бораётир...

Жозеф фикрларини жамлашга қийналди. Аслида, гап бошқа ёқда. У Абдуллоҳнинг ҳикоясидан кейин қалбан ўзини мусулмон, деб ўйлаб қолди. Беихтиёр оламдаги ҳар бир ишнинг якка Эгаси Аллоҳ, деб ич-ичидан иқрор бўлаётган эди. Шунинг учун олган тарбияси, мансуби бўлган давралар,

миясига, ақлига қуилган фалсафа бу фитрат исёнига тўсқинлик қилишга интиларди. Ички оламида рўй бераётган талотум Жозефни палубага олиб чиқди. Уни уммонга термилишга, наҳотки, Ислом ҳақ дин бўлса, дея пиҷирлашга мажбурлади.

“Анна! Анна қаерда?” – Жозеф Аннини қўриши кераклигини билди. У билан гаплашиши лозим. Бироқ аёллар бўлимига ўтиб бўлмайди. Анна муслималарнинг олдидан чиқмаяпти. Кемада уяли алоқа ишламай қоляпти.

Тун яримлади. Тонгда гаплашар, балки?!

Жозеф ётоғига қайтишни истамади. Нега истамади – ўзи тушунмади. Палубада тебранма курсига ўтирди, қалин ёпинчиққа бурканиб ухлаб қолди.

Туш кўрди. Тушида зимистонда юрар эди. Кўлида чироқ. Эски фонус. Фонус ёниб турибди. Бироқ... оловнинг нури йўқ эди! Олов ёниб турсаю, ундан нур таралмаслиги қандай иш бўлди! Жозеф қўрқиб кетди. Чироқни отиб юборди. Шу пайт момақалдироқ гумбурлади. Шамол турди. Ёмғир шаррос қуиди. Жозеф жойида қотиб қолди. Юра олмай қолди. Чақмоқ чақди. Чақмоқнинг чақини шундай ёрқин эдикни, Жозефнинг кўзи ўйилиб тушгудек оғриди. У шу оғриқ ичиди атрофни кўришга ва бир қадам бўлса ҳам, юришга ҳаракат қилди. Жозеф бу даҳшатга чидай олмади, беихтиёр “Аллоҳ!” деб ҳайқирди. Шундай ҳайқирдикни, бу ҳайқириқдан осмон ёрилди. Осмондан бир нур тушди. Нур Жозефнинг атрофини ёритди. “Зулматдан нурга чиқдим! Зулматдан нурга чиқдим! Сенга раҳмат, эй Аллоҳ!” – деди Жозеф ва ўйинга тушиб кетди.

Шу жойда туш тугади. Жозеф уйғонди. Қулоғига кема муаззини айтаётган азон саси кириб келган эди.

Уммонга туман тушибди. Тўлқин йўқ. Кема ҳамон сузяпти. Сув пўлат тусга кирибди. Жозеф беихтиёр бориб, мусулмонлар билан намоз ўқигиси келди. Ўзини тўхтатди. Қандай қилиб?! Ахир, у мусулмон эмас-ку!

Жозеф ўзи кўрган тушдан ҳам қўрқди, ҳам бир ҳузур туйди. Унинг онгини, қалбини “Мусулмон бўламан!” – деган ўй забт этиб бўлган эса-да, у яна қандайдир туртки кутаётган ёхуд қўрқаётган инсондек бу ишга журъат тополмаётган эди.

Соат саккизларда туман сал тарқалди. Булутлар ичидан қуёш кўринди. Суҳбатдошлар Жозефнинг сувратга олиш хонасига йиғилдилар. Абдуллоҳ ўз ҳикоясини айтаётган пайтда кўпчилик келиб уни эшитган эди. Бутун ҳам одам йиғилди.

Абдуллоҳ Ёрқин ҳам келди. Масъуд Ҳасан ҳам ҳозир бўлди.

– Азиз дўстлар! – деди Жозеф ўзининг мутаассир ҳолда эканлигини, Абдуллоҳ ҳикоясининг таассуроти ҳамон уни тарқ этмаганини усталик билан яшириб. Бироқ ҳар қандай адолатли бир нигоҳ Жозефнинг аввалги кибри кетиб, мусулмонларга хос хокисорлик унинг қиёфасида акс эта бошлаганини кўриши мумкин эди. – Абдуллоҳ Ёрқин жанобларининг саргузаштларга бой ҳикояларини тингладик. Яна ким бизга ўз қисмат йўлини таништиради? Биз у инсондан ҳам ўрганайлик, дунёқарашимиз бойисин.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! – деб сўз бошлади янги мусоҳиб. Унинг ёши олтмишларга атрофида эди. Соч-соқоли оқарган, кўзи кўк, ўзи озғин, эгнига осиёлик мусулмонлар киядиган яхтак кийган, оёғида маҳси, бошида эса оқ тўр дўппи. Соқоли узун, қовоқлари ичига ботга – кўринмайди, юзи Оврупо одамининг юзи. Овози жаранглаб чиқар экан. – Аллоҳимга ҳамд бўлсин, У бизга иймон неъматини берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга дурудлар, саловатлар айтамиз, биз бечора умматга энг тўғри йўлни кўрсатиб бердилар. Мен биродаримиз Абдуллоҳ Ёрқиннинг ҳикоясини иккинчи кундан бошлаб эшитдим. Орқа сафда ўтириб, йигладим. Кўп йигладим. Кўрдимки, тинглаган бошқаларнинг ҳам кўзлари қизарди. Кўзлардан ёш оқди. Бу ёшни Аллоҳ қалбимизга солиб қўйган раҳмат чақириб келди. Кеча биродаримиз ўз сўзини тугатгач, мен ҳам ҳаётимни гапириб беришим кераклигини ҳис қилдим. Эшитганларга ибрат бўлар, дунё ҳаётини яхшироқ ва яқинроқдан танишларига сабаб бўлар, деган умиддаман.

Исмим Умар, Татарман, биродарлар. Ўрислар мамлакати бўлмиш Ўрусијанинг Московости худудлариданман. Подмосковье, дейишади. Ўша ерда Балашиха деган қадимий бир ўлка бор. Балашиха ўрмонлар, кўллар юрти. Яшил диёр. Балашихада Татар овули деган қишлоқ бор. Татар овули шундоққина яшил ўрмон қучоғида. Ўрмонимизнинг ичидаги бир неча катта-кичик кўллардан кўнгил яйрайди. Энг йириги овулимизга яқин бўлган Лайлаккўлдир. Мен ўша қишлоқда туғилдим, отам Балашихадаги кислород заводида ишларди. Қора ишчи эди. Онам фаррош.

Татарлар ҳам ўша пайтлар серфарзанд бўларди.

Онам ҳам туғиши керак, деб кўп тукқан. Ўн фарзандни дунёга келтиргану, етти нафари ўлиб қолган. Яшаб кетгани мен ва икки опам эди. Отам иcharди. Ўн беш ёшимда бўлган воқеани эслайман – отам ишга ичиб бориб, баланддан йиқилган. Бели синиб, ётиб қолди. Ишидан ҳам айрилди.

Ақлимни таниганимдан бери биламанки, онам уйда кўп масалаларни ҳал қиларди. Отам пулини онамга топширади, онам уйдаги қурилишни ҳам, бузилишни ҳам ўзи бошқаради. Отам ётиб қолгач, уйимизда ҳокимият бутунича онамнинг қўлига ўтди.

Онам гавдали, кучли аёл эди. Тиним билмасди – эрталаб уйғониб, овлул мактабини тозалагани кетади, соат олтигача мактабнинг ҳамма хонасини чиннидай қилиб келади. Ҳовлимиз кенг эди. Девор ҳам йўқ. Шунчаки, бел баробар қилиб сўйил қадаб чиқилган. Бир томонимиз яйлов, яйловнинг тугаш жойидан ўрмон бошланади.

Сигир, хўқиз, қўй, эчки, товуқ, курка, ўрдак, ғоз боқамиз. Онам ўзи тинмаганига яраша бизга тиним бермайди. Опаларим эрта тонгдан ишга киришади – бири ҳовлини супурса, бири сут соғади. Бири сут пиширса, бири молнинг тагини тозалайди. Бири товуқни боқса, бири уй тозалайди. Мен ўйинқароқ эдим. Овлул болалари билан шаталоқ отиб қочаман. Онам мени роса қарғайди.

– Ер юткур! – дейди жиғибийрони чиқиб. – Жувонгиға ўлгур! Ҳўкиз!
Рўзғорга қарашибсанг, ўласанми! Сени сўқимга боқяпманми!

Ушлаб олиб урмоқчи ҳам бўлади, лекин мен қочиб кетаман. Айланиб
келиб қолсам, яхши ҳам гапириб қолади:

– Умар, мол боқиб келақол, болам!

Мен “Хўп!” – дейман-да, оғилдан қўйлар ва молларимизни чиқариб,
яйловга ҳайдайман.

Балашихада ҳарорат паст, лекин совуқ қотмайсиз. Ёзда энг юқори
ҳарорат ўн саккиз мусбатга чиқади. Қишида эса манфийга қараб кетади.

Онамнинг харакатчанлиги сабабли ҳеч машаққат кўрмадик – ёзда
ҳовлимиз озода, қишида уйларимиз ичи иссиқ. Қишида оғилни кигиз билан
ўраб ташлаймиз. Қалин пўстинларни кийиб эрта тонгдан оғил тозалайман.
Онамнинг қарғиши мен учун оддий ҳол эди. Қарғаб-қарғаб иш буюради, мен
ҳам уни бажараман.

Мактабда ўқидим. Октябрят, пионер, комсомол бўлдим. Уришқоқлигим
учун мактабда обрў зўр эди. Онамдан ўтган бўлса керак уришқоқлик. Ҳеч
нарсадан қайтмасдим. Овулга бегона бола кириб қолса, ўртоқларим билан
бориб аямай урадим. Унинг айби борми, йўқми, бизга умуман қизиқ
бўлмаган.

Ўзимдан катта йигитлар ҳам мени ҳурмат қилишарди.

“Гап йўқ, эркак!” – дейишарди. Ўн олти ёшимга келиб, ичиб, чекиб, аёл
зотининг таъмини билиб бўлдим. Яrim кечгача сангийман. Балашиха
марказига бораман. Жанжал излайман. Пиво ичиб, магнитафон қўлтиқлаб
юраман. Сочларимни ўстирганман.

Чала битган иморатларни топиб олиб, ўртоқлар билан футбол ўйнаймиз.
Баданимга игна билан суратлар солдирдим. Танамга қувват тўлиб, бўйим
ўсиб борарди.

Энди уй ишларига ҳам вақтим камроқ эди. Опаларим бўй етиб, бирма-
бир эрга тегди. Улар ҳам онамнинг қизи эмасми, эрларини борган
пайтларидаёқ жиловлашди.

Болалигим, ўсмирилигим умумуй суратда ана шундай кечди. У даврларда
жиддий воқеа бўлган эмас. Отам ногирон бўлиб, эшигимиз тагида чекиб
ўтиради. Олдига бир дастгоҳ қўйиб бердик. Овулнинг йиртилган
пойабзалларини тикишни касб қилди.

Ўн саккизга тўлганимда армияга кетадиган бўлдим.

– Ёлғиз ўғлимни юбормайман, дод! – деди онам.

– Қўйсанг-чи, қачонгача этагингга солиб юрасан, борсин армияга,
ҳаётни қўрсин, – деди отам болғачаси билан қандайдир кавуш остига мих
қоқаркан. – Эркак бўлади.

– Шундоқ ҳам эркакман, дада! – дедим жаҳлим чиқиб. – Онамнинг
этагига ҳам беркиниб олганим йўқ.

– Ер юткур бола! – деди онамнинг фиғони ошиб. – Биттагина ўғлимсан. Армияда ўққа учраб ўлиб кетсанг, ким насл қолдиради? Қизлардан насл тарқармиди?

– Ким ўламан, деяпти! – дедим онамга. – Бораман, келаман. Уч йил экан.

– Уй йил-а! Уч йил! – онам гапидан қайтгиси келмасди. – Уч йилда учта болани туғдирсанг бўлади.

Онамнинг айтгани бўлмади, албатта. Армияга боришга қатъий қасд қилгандим. Бордим. Рўйхатдан ўтдим. Текширишди. Танамнинг ҳар бир бўғимини кўриб чиқишиди. Соғлом, зўр ҳарбий бўлади, дейишиди.

Хурсанд эдим. Қаёққа кетишим маълум эмасди. Бироқ армияга кетяпман!

Бутун овул уйимизга келди.

– Йигитнинг бурчи, – дейишиди овулимизнинг қари чоллари. – Биз ҳам қизил армияда урушганмиз. Умар ўзимизнинг йигит. Уялтирмайди.

Урф-одатларни ўтказиб, армияга кетдим. Онам, отам, опаларим Балашиха темир йўли бекатига чиқишиди.

– Ўқ-мўққа учиб кетсанг, ўлдираман сени! Тушундингми! – деб онам дўйк урди.

– Ўладиган аҳмоқ йўқ, она. Урушга кетаётганим ҳам йўқ! – дедим хотиржам.

Кетдим. Уч йилда қайтаман, деб чиққандим. Бироқ тақдир менга ўзим тасаввур қила олмайдиган ажабтовур воқеаларни тайёрлаб қўйганини билмасдим ўшанда. Совет давлати Афғон юртларига армия киритиши ва мен ҳам бу жангари ўлкага кириб боришимни етти ухлаб тушимда қўрмаган эдим, албатта. Масалан, билганимда нима бўларди? Билмайман. Афғонистонда қўлимга қурол олиб, Совет манфаати учун курашдим. Афғон уруши мени ўзгартириди. Афғон урушига кириб, биринчи марта Худо деган зот ҳақида ўйладим. Болалигимдан худосиз бўлиб улғайган, Худога умрида бир марта ҳам иши тушмаган Умар Сайфуллин деган йигит, ҳаёти буткул ўйин-кулги ва енгилтаклиқдан иборат бўлган ўспирин Афғон юртида ҳақиқий ҳаёт билан, бешафқат тақдир билан тўқнашди. Энди менинг ҳикоям Афғонистонда давом этади. Одамлар Афғон юрти, деб ваҳм ила ўйлашади. Афғонлар, деганда қолоқ бир миллатни тушунади. У ерда фақат афғонлар бор, деб ўйлайди. Афғонларнинг ҳаёти жаҳаннам, деб ишонадиганлар бир марта ўша жаҳаннамга тушиб, ёниб чиққанларида баъзи калта фикрлар ва ҳукмлардан, албатта, воз кечган бўлардилар. Мазлумларга ҳамдард бўлишни ўргана дилар.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Мубина хоним тин олиб, сўздан тўхтади ва бир нуқтага қараб қолди. Исломни қабул қилган илк лаҳзалари хаёлидан кечди. “Ла илааха иллаллоҳ”ни айтганида қалбидан нималар ўтган эди?..

Имом хатиб Метинбей унга деди:

– Хоним, бу ҳиссиёт йўли эмас. Бу ҳаяжон йўли эмас. Бу иймон йўли. Бу коинотдаги ягона ҳақ йўқ. Бундан бошқа ҳақ йўл бўлмайди, бўлиши мумкин эмас. Одамзод Ислом дини билангина комилликка, комил сифатларга ва мукаммал ҳаётга эришмоғи мумкин. Ислом дини икки дунёда бирдек аҳамиятга эга бўлган қонунлар мажмуасидир. Ислом дини қонунлари ўлим ва тириклиқ, инсу жин, фаришталар, жонли ва жонсиз жамики мавджудотлар учун амал қиласиган қонунлардир. Коинотда инсон ва жиндан бўлак ҳамма Ислом асосида, яъни Аллоҳнинг қонуни асосида яшайди. Фақат одамзод нафси ва шайтон сабабли Исломни тарк этади. Ислом билан яшашга қийналади. Инсонлар ё мусулмон, ё кофир бўлади. Ё Ислом аҳли, ё куфр аҳли бўлади. Учинчи тоифа йўқ. Аллоҳни тан олмайдиган даҳрийлар, Аллоҳнинг сифатларини бузиб талқин қиласиганлар, Аллоҳга ширк келтирадиганлар, тошлар, ҳайвонлар, юлдузлар, ҳайкаллар ва бошқа нарсаларга сифинадиганлар, Аллоҳнинг қонунидан бошқа қонунни устун кўриб, шу асосда яшайдиганлар – уларнинг ҳаммаси даҳрий, кофир ва мушриклардир. Ё Аллоҳнинг қули бўласан, ё нафснинг, шайтоннинг қули бўласан. Ё Аллоҳнинг чегараси ичига кириб, Аллоҳ жорий қилган қоидаларга итоат этиб, Аллоҳни севиб умр кечириб саодатга эришасан, ё Аллоҳнинг чегарасидан ташқари чиқиб, ҳимоясиз қолиб, қурбон бўлиб кетасан. Сиз айтишни истаётган калимаи шаҳодат иймон калимасидир. У иймон калимаси сизнинг Исломга кирганингиз ҳақидаги ҳужжатдир. Сиз уни тилда айтиб, иқрор бўласиз, қалбда тасдиқлайсиз. Иймоннинг жойи қалбда, иқрори тилда, исботи амалда. Иймон калимасини айтиш билан Сиз бамисоли Аллоҳнинг кўл остига кирасиз. Буни бирор мамлакат ватандошлигини қабул қилишга қиёслаш мумкин. Сиз паспорт билан ватандошлиқ мақомини ҳужжатлаштирганингиз каби Аллоҳга бўлган қуллигингизни иймон калимаси илиа ҳужжатлаштирасиз. Қайси юртнинг паспортини олсангиз, Сиз ўша юрт қонунига бўйсунасиз, шу юрт учун хизмат қиласиз, эвазига Сизни шу юрт эгалари ҳимоя қиласиди. Агар қонунларини бузсангиз, жазолайди. Вақтинча жазодан қутулиб юришингиз мумкин, лекин жазо Сизнинг устингизда тураверади. Иймон калимасини айтиб, Аллоҳнинг ҳудудига кирасиз. Аллоҳга итоат қилишингизни одамлар, жинлар фаришталар гувоҳлигида Аллоҳга маълум қиласиз. Тилдан чиқкан сўз учун масъулият нақадар муҳим бўлса, иймон калимаси учун масъулият ундан муҳим. Биргина иймон калимаси Сизни Ислом амниятига, Ислом ҳовлисига, Ислом ҳимоясига олиб киради, Сизни ўлимдан аввалги ва кейинги ҳаётингиз бахтиёрлиги учун кафолатга айланади. Демакки, Сиз бир юртнинг ватандошлигини қабул қилганингиздек, қўлингизга ўша юрт паспортини олганингиздек! Исломга кирганингиздан сўнг унинг қонунларига амал қилиш билан Сиз ўзингизни Исломга лойик эканингизни исбот қиласиз. Қўлингизда паспорт борлиги бирор мамлакат ватандоши эканингиз учун кифоя қилганидек, ҳар қандай ҳолда ҳам бирорлар Сизни сен биздан эмассан, деб маломат эта олмагани каби иймон калимасидан сўнг Ислом қоидаларига амал қилмасангиз-да, ҳеч ким Сизни

мусулмон эмассан, дея олмайди. Чунки иймон калимасининг ўзи хужжатдир. Бироқ Ислом рукнларига амал қиласангиз, иймон ҳақидаги даъвоингиз пучдир. Ислом рукнларини ҳаётингизга татбиқ этмасангиз, Сиз Аллоҳнинг ҳимоясини кутманг. Ислом қонунларига беписанд қарсангиз, Исломдаги иззатни орзу қилманг. Шариатдан юз ўгириб, мукаммал иймонни ҳаёлга келтирманг. Шариатни тутмасдан туриб, гўзал ўлим ёхуд охират ҳаётидаги нажот ҳақида хотама бўлманг. Бирор корхонага ишга кириб, ишламасангиз, Сизни ҳайдаб соладилар. Мусулмонлар ҳайдаб солмайди. Бир диндош ўлароқ кўрадилар. Лекин улар ичида ҳурмат, эҳтиром топмайсиз. Демакки, иймон калимасини айтар экансиз, икки дунёнинг баҳту саодатига эришмоқдасиз, баҳту саодатнинг эса ўз шартлари бор. Ислом амаллари икки хил кўринишда адо этилади: жисмоний ва руҳий. Тилингиздан янграётган калималар, Қуръон ўқиб-ўрганиш, ибодатларни адо қилиш, мусулмонларга ёрдам бериш, турмушингизни икир-чикирларигача Ислом асосида ташкил этиш жисмоний амаллардир. Чунки бу амаллар жисмингиз ҳаракати ила қўзга ташланади. Бу амалларни бажаришда камида тилингиз ҳаракатга келиши керак. Шу амалларни бажаришда қалб Аллоҳга боғланган бўлиши шарт. Ҳар ишни Аллоҳ ризоси учун адо қилаётганингиз ҳақида бир ниятингиз бўлсин. Бу руҳий бир амалдир. Фарз, суннат ёхуд вожибни адо қилар экансиз, уни бажаришда қалбда ихлос, муҳаббат, эҳтимом, эътибор бўлиши лозим. Шошиш, эътиборсизлик билан ёхуд одамлар меҳрини қозониш мақсадида қандай исломий амални бажармаанг, Аллоҳнинг наздида мутлақо қадрланмайди, ҳисобингизга яхшилик сифатида ёзиб қўйилмайди, билъакс, риёкорлик қилди, Аллоҳнинг кўз ўнгиде ёлғончилик қилди, Аллоҳ буюрган амалдан ўз нафсини олий қилиш учун фойдаланди, дея ёзиб қўйилади. Хоним! Исломга кирганингиздан сўнг Сизга қаршиликлар бошланади. Ишларингиз орта қетгандек бўлади. Сиз шу чоққача йиққан барча дўстларингиздан айриласиз. Чунки Сизнинг ва уларнинг қарашларида, ҳаётларида фарқ уйғонади. Сизнинг дардингиз ва уларнинг дарди бир хил бўлмайди. Маломатлаб, бармоқларини бигиз қиласидилар, балки. Менсимай боқишли мумкин. Бу Сизнинг руҳиятингизга оғир юк ўлароқ тушади. Одамларнинг озорлари қалбинингизда нега мусулмон бўлдим, деган ўйни уйғотмасин. Албатта, бу Оврупо. Инсонларнинг танловини ҳурмат қиласидиганлар кўп. Динингиз сабабли Сизга душманлик кўрсатмайдилар. Лекин ана шундай ҳолга учраб қолсангиз, зинҳор иккиланишга тушманг! Ҳамиша мусулмонлар жамоасига интилинг. Мусулмонлардан ҳамсуҳбатлар топинг. Илм ҳақида суҳбатлашинг, ўқинг, изланинг, вақтингизни беҳуда ўтказманг. Қалбинингизда эски даврингиздан қолган қора нуқталарнинг катталашувига йўл қўйманг, балки бу нуқталарни зикр ва истиғфор ила ювиб ташланг. Бошингизга қандай мусибат келса, фақат Аллоҳдан ёрдам сўранг. Икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳ билан боғланинг. Дардингизни Унга айтинг. Ундан кўмак ўтининг. Хоним, бу сўзларни чуқур тафаккур қилинг!

... Анжелина исмини Мубина, деб ўзгартирди. Иймон калимасини айтгач, ҳамма уни табриклади. Муслималар уни ўраб олишди. Бағрига босдилар.

— Кўпчилик жаннатда бирга бўлайлик, деб айтади, — деди Метинбейнинг завжаси. — Жаннатда бирга бўлиш буюк неъмат! Дунё ичидаги энг гўзал ниятлардан бири бу, бироқ жаннатгача узоқ йўл бор. Бу йўлни босиб ўтганингдан кейин орtingдаги вақт бир он каби туюлади. Аллоҳим Сизнинг йўлингизни осон қилсин! Ҳаммамизни рушди ҳидоятда айласин, Мубина хоним!..

Мубина уйига қайтди. Энди у ёнида бирор мусулмон қўшниси бўлиши кераклигини ҳис этди. Хонасига кириб ўтирди. Ўз-ўзидан ичиди бир йиғи отилди. Оғзини ўнг кафти билан беркитиб, елкаси силкиниб-силкиниб йиғлади...

— Олти ой тинимсиз ўқидим, — сўзида давом этди Мубина хоним. — Масжидлардаги ўқув марказларига қатнадим. Динимни чуқурроқ ўрганишга интилдим. Ҳар бир дарсдан кейин ўзимни кучлироқ ҳис қиласдим. Ўтказган олти ой вақтим ортимдаги умримдан кўра гўзал, ёқимли, файзли ўтди. Ислом қалбимга олиб кирган ҳаловатни таърифлашга ожизман. Олти ойдан кейин қалбимдаги ниятни айтиш учун имом Метинбейнинг ҳузурига бордим. У мени аёли билан бирга кутиб олди. “Метинбей, — дедим бир қаҳва турк чойидан хўплаб Аллоҳга ҳамд айтиб. — Мен турмушга чиқмоқчиман. Менга муносиб бир қуёв топиб берсангиз...” Метинбейнинг аёли ўрнидан туриб келиб, мени қучоқлаб олди: “Аллоҳим қалбингизга солган бу ният муборак бўлсин!” — деди қувониб. Метинбей ҳам жилмайиб: “Субҳаналлоҳ! Мен ҳам доим шуни ўйлаётган эдим. Муслима синглимиизни ўз тенгига узатсак, дер эдим. Ҳаёлан Сизга бир қуёв ҳам топганман... Истасангиз, мен уни бугуноқ хонадонимизга чорлайман. Кечкиликни бирга ўтказамиз. Хуфтон намозига боришдан аввал иккингиз учрашасиз, маъқул топсангиз, никоҳ ҳаракатини қиласдим. Хайрли ишни кечикиришдан ҳеч қандай фойда йўқ. Аксинча, бу ишни тезлаштиromoқ лозим”, — деди. Шу куни Метинбей хонадонида кунни ўтказдим. Метинбей ишга, яъни масжидга чиқиб кетди. Масжид унинг уйига жуда яқин — беш дақиқалик масофада жойлашган. Шом намозидан сўнг, Метинбей бир инсонни ўзи билан бирга олиб келди. Мен имомнинг завжаси билан таомландим, Метинбей меҳмонхонада меҳмонни сийлади. Хуфтон намозига йигирма дақиқалар қолганида мени бўлажак қуёв билан учраштирилар. Унинг исми Томас экан, кейин Юсуфга ўзгартирган. Швецариялик. Соҳаси иқтисод. Исломий молия банкида ишлайди. Парижга иш билан келибди. Метинбей билан қалин дўст. Исломни йигирма йил аввал қабул қиласди. Аёли оламдан ўтганига бир йил тўлибди. Икки фарзанди бор. Юсуф билан қисқа сухбатда айнан у мен излаган эркак, деган хulosага келдим. У хуфтонга боришимиз керак, деб ўрнидан турар экан: “Мубина хоним, — деди у менга. — Ўйлайдиган бирор нарсани кўрмаяпман. Аллоҳ қалбимга Сизни маҳбуб қиласди. Эртага никоҳдан ўтайлик. Уч кундан кейин

Стокголмга кетамиз”, – деди. Валлоҳи, қалбимда унга турмушга чиқишига тайёр эдим. Хурсанд бўлганимни яширишга тиришиб: “Хўп, у ҳолда, никоҳ вақтини айтинг”, – дедим. Эртаси қун Метинбей никоҳимизни ўқиди. Мен ўз ёнимдан, Юсуф ўз ёнидан пул сарфлаб, ихчам бир валима қилдик. Жамоат намозига йифилганларни шомдан кейин мусулмон ошхонасига таклиф этдик. Ўша ерда никоҳимиз эълон қилинди. Мен Стокголмдаги масжиднинг ўқув марказида иш бошладим. Араб тилидан қизиқувчиларга дарс ўтдим. Ислом тарихига оид китоблар ёздим. Муслима опаларим, сингилларим! Шу менинг ҳаётим. Менинг Исломгача босиб ўтган йўлим. Роббимиз ҳеч биримизни Ўз хидоятидан адаштирмасин! Энг буюк неъмат Ислом ва Иймон. Ўлар чоғимизда Иймонимизни бизга ҳамроҳ қилсин!

Абдуллоҳ Ёркин воқеоти Жозефни нақадар ларзага солган бўлса, Мубина хоним қиссаси Аннага шу қадар таъсири қилди. Лекин у Жозефни кўришга қалбида бирор иштиёқ сезмади. Қалбида бўлаётган талотум уни муслималарни кўпроқ тинглашга, уларнинг дунёси билан яқиндан танишмоққа ундаётган эди. Зотан, мусималарнинг сўзлари худди бир малҳам каби туюлардики, қалбидаги жароҳатларни даволаётган эди...

– Исмим Ҳумайро, – деб янги суҳбатдош ўзини танитди Аллоҳга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга дуруд ва саловатлар айтиб, салом бергач. – Ўзим сурияликман. Суриянинг шарқида, Ироқ чегарасига яқин жойда Маядин тумани ва Маядин қишлоғи бор. Маядин қишлоғи тарихий Фрот дарёсига жуда яқин жойлашган. Фротнинг баракасидан қишлоғимиз ҳамиша фаровон яшаган. Дарё бўйида яшайдиган одамларнинг феъли кенг, юзи тиниқ, ахлоқи гўзал, табиати юмшоқ бўлади. Қишлоғимиз ўта қадимий эди. Расулуллоҳ соллаллаҳу алайҳи ва салламнинг буюк саҳобаларининг қадами етган. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу ва Исломни Ер юзи бўйлаб тарқатган буюкларнинг файзи сабабли бўлса керак, қишлоғимизда қайғунинг қорасини деярли сезмаганман. Маядинда ҳамма диндор. Қишлоғимиз Доруз Зор вилояти таркибига киради. Қишлоқ аҳолиси аҳли сунна мазҳабида, тўғри, биздан шарқда – Ироққа яқинлаб борганинг сайин шиаларга қўп учрайсиз. Шиалар ўз худудларини алоҳида ажратиб олганини ҳам кўришингиз мумкин. Бироқ мен сен суннийсан, сен шиасан, деб бир-бирига овоз кўтарган одамларни йигирма ёшимгача кўрмадим. Қишлоғимизни эсласам, қалбим тубида бир ҳапқириқ уйғонади. Камтарона ҳовлимиз бор эди. Алҳамдулилаҳ. Ҳовли саҳни кенг эди, яшайдиган уйларимиз – хоналаримиз ҳам етарли бўлган. Бироқ ҳашамати йўқ эди. Нима учундир, отамда ҳам, онамда ҳам ҳашамга ўчлик бўлмаган. Отам оддий дехқон эди. Бағрикенг одам эди. Онам ҳам отамга муносиб. Биз фарзандларга овоз кўтарганини эслай олмайман. Уриши ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Дехқончилик оғир касб. Кўп меҳнат талаб қиласди. Оиламиз катта: тўрт акам, тўрт опам ва мен. Ҳеч зориқмадик. Еримиз кичик эди, бироқ. Отам ерини кўпайтириш ҳақида ҳеч ўйламасди. Борига шукур қиласди. Ҳовлимиздан қишлоқнинг

чекароғыда бўлгани учун далага чиқишимиз осон. Уч дақиқа юрсак, экин ерлари бошланади.

Оиламиз нақадар катта бўлмасин, ортиқча шовқин эшитмадим. Акаларим, опаларим жуда иноқ эдилар. Отам акаларимни навбати билан уйлантириди, опаларимни турмушга узатди.

Болалигим жуда гўзал ўтди: оиламиз чинакам баҳт маскани бўлган. Уйимиздан табассум, кулги аримасди. Отам парҳезкор, камгап, очиқоз, камтар ва жуда викорли эди. Парҳезкорлиги – динимизда мубоҳ ва шубҳа сифатида кўрсатилган кичик амаллардан ҳам ўзини тиярди. Камгаплиги шу эдики, ортиқча бирор сўзини эсламайман. Ҳар бир жумласи ўз ўрнига қўйилган ғишт каби муҳим бўлган. Отамни маҳзун ҳолда ҳеч қўрмадик. Қийинликда ҳам, баҳтиёрликда ҳам доим бир хил – табассумли эди. Викори – бирор билан овоз кўтариб гаплашмаган, тортишмаган, шошиб ишламаган, ҳеч бир амални ўз вақтидан кечиктирмаганида кўринарди. Онам ҳамиша, аввало, отамнинг хизматида эди. Туя боқардик. Қўй ва эчкиларимиз бор эди. Еримизда кўпчилик экмайдиган еролма (помидор), қулупнай етиширардик.

Ота-онам фарзандларига ҳадя беришни севишарди. Ойда бир марта, албатта, қайсиdir жума куни бизга ота-онамиз ҳадя беришни канда қилишмасди. Ҳадялари бошқалар наздида жуда оддий бўлиши мумкин, бироқ бизга олам-олам қувонч бағишлиаган. Масалан, ширинлик, рангли пуфак, қизларга тароқ, китоб ва ҳоказолар олиб беришарди. Биз қувонардик.

Келин топиш, куёв танлаш бизга қийин бўлмаган. Оиламизни билганлар биз билан қариндошлиқ риштасини боғлаш учун зинҳор иккиланмаганлар. Оиламиздаги файзни қўни-қўниларимиз, қариндош-уругларимиз кўриб туришарди, зотан.

Мен оиламиздаги бу баҳтиёрликнинг сабабини кўп ўйладим. Кейин топдим – ота-онам муҳлис мусулмон эдилар. Эсимни танибманки, Қуръонсиз ўтган бирор кунимизни билмайман. Далада ишларимиз қайнаб-тошса ҳам, уйимизга меҳмонлар келса ҳам, тўй ёки аза бўлса ҳам, албатта, хонадонимизда камида бир жуз Қуръон ўқилиши шарт эди. Отам ўзи ўқирди ё онам, ё бирор акам, опамни алоҳида ажратиб, Қуръонни шошмай ўқишига буюрар эди. Таҳорат олган ҳолда улар Қуръонни майин, ширали овозда тиловат қилишарди. Шу тариқа, бизнинг бирор ойимиз Қуръон хатмисиз кечмаган.

Фарз ибодатларимиз энг муҳими эди. Ақлимда инсоннинг умрида қиласидиган энг муҳим иши Аллоҳнинг фарзларини адо этишдири, деган қонун онгимга шу қадар мустаҳкам ўрнашган эдики, келажакда ҳам намоз вақти кирса, ҳар қандай ишни келган жойида тўхтатадиган бўлиб қолдим. Бу менинг онгимга бу қадар қатъий ўрнашгани сабаби – ота-онамнинг фарзларни адо қилишга бўлган ҳарислиги эди. Мен улар бизни бирор марта намозга келинглар, деб чорлаганларини билмайман, чунки биз онамизнинг қорнидан намоз вақтларини билиб тушгандек эдик. Жойнамоз қошида

каттамиздан кичигимизга саф тортардик. Биз қизлар онам билан сафнинг ортида намоз ўқирдик.

Ҳаёт биз учун диндан иборат эди. Диндан ташқарида бошқа ҳаёт борлигини билмасдик. Ҳар бир ишни шариатга тушиш ё тушмаслигини ўйлардик. Акаларим ҳам, опаларим ҳам мадрасада таълим олишди. Қуръон, ҳадис ёд олишди.

Катта акам Фассон шифокорликни танлади. Ундан кичик акам Аҳмад ўқитувчи бўлди. Учинчи акам Зайн қурилиш соҳасида муҳандислик илмини олди. Туркияда ўқиди. Кенжа акам Жамол нисбатан эркатой эди, у сополчилик соҳасига қизиқди. Ўша пайтда бу соҳа ривожланиб бораётган эди. Сополчилик – кулолчиликнинг шериги, лекин айнан у эмас. Замонавий уйларга ўрнатиладиган қўл ювиш тослари (раковина) ва хожатхона туваклари ишлаб чиқариладиган соҳанинг номи сополчиликдир. Уни керамика, деб аташади. Кенжа акамнинг сополчиликка қизиққани сабаби – бир сафар Туркияда муҳандисликка ўқиётган акам билан унинг ўқиш жойига кетди. Отам бағрикенг эди, рухсат берди. Учинчи акамнинг бир дўсти ўқиш билан бирга тирикчилик ўтказиш учун шундай корхоналардан бирида ишлар экан. Кенжа акам корхонага борибди ва шу ишга ишқи тушибди. Ўша корхонада ишлайман, деб туриб олди. Отам рози бўлди. Онам йиглади. Кенжа акам уч ой ишлаб, уйга келди. Бўйи чўзилиб, бақувватлашибди. Жиддий тортибди. “Мен моҳир сополчи бўламан!” – деди. Отам эшитиб, жилмайди, “Алҳамдуиллаҳ! Аллоҳим муборак қилсин, ўғлим!” – деди.

Катта акам шифокорликка қизиққанида ҳам отам суюнган эди. “Кишлоғимизда шифокор етишмайди. Эски табибларнинг маҳорати етмаяпти. Касал кўп, сен шифокор бўлсанг, хурсанд бўламан, ўғлим”, – деган эди отам. Иккинчи акам ўқишни яхши кўрарди. Китоб ўқигани ўқиган эди. Уйимиздаги китобларнинг учдан икки қисмини ўзи йиққан эди. Китоблар орасида дин тарихи, шариат қонунлари, Қуръон тафсирлари билан бирга ҳисоб, риёзиёт, фалакиёт, кимёга оид китоблар ҳам кўп эди. Акам шеърга ҳам қизиқди. Ҳеч кимга билдирамай шеър ёзаркан, онам топиб олибди. Акам роса уялибди. Онам ўқиб кўриб, “Вой болам-а, ичингда шундай дардинг борми!” – дебди. “Отангга шеърларингни кўрсатайлик”, – деб акамни кўндирибди. Отам ҳам акамнинг байтларини ўқиб, “Шеър ёзишни хунар қилиб олиш шариатда маъқулланмайди, болам. Лекин шеърда ҳикмат бор. Ҳикматни шеър қилиб ёзсанг, яхшироқ бўлади. Шеър ёзсанг, фикр ҳам теранлашади. Ёзганларинг жуда равон, ёзавер, болам. Сен муаллим бўладиган болага ўхшайсан”, – дебди.

Шу билан у ҳисоб фани муаллими бўлди. Опаларим рўзгор ишининг устаси эдилар. Бири шириналк пиширишда, бири тикиш-бичишда моҳир. Улар ҳам мактаб, мадраса кўришди. Узатиб юбордик, айтганимдек.

Болалигимни ўйласам, вақтнинг жуда тез ўтганини тушунаман. Худди туш каби ўтди болалик. Тўғри, биз кўплаб бойларнинг болалари каби қулайликлар тўлиб-тошган ҳаётда бола бўлмадик. Кишлоқда, далада катта

бўлдик. Лекин ота-онам ҳимматни, қийинчиликлардан Аллоҳнинг зикри илағолиб бўлишни ўргатиши.

Пойтахт Дамашққа ҳар йили бир марта айлангани борардик. Отам у ерда уламоларни зиёрат қиласди. Бир йиллик ҳосилининг даромадидан олим ва талабаларга ҳадя ажратишни хуш кўрарди. Доруз Зордаги олимлар ҳам, майдинлик илми толиблар ҳам, шайхлар ҳам отамни қадрлашарди. Отам уларга ҳамиша юксак эҳтиромда бўлган.

Тўққиз фарзандни боқсан отам эҳсон қилишга ҳам ўзида моддий қувват топгани мени ҳамон ҳайратлантиради, аслида, Аллоҳ таоло отамга ўз баракасини ёғдириб кўйган эди.

Ўн олти ёшимда узатиши. Кўшни маҳаллага келин бўлдим. Куёв бўлмиш ҳам тақводор, камсуқум йигит эди. Дамашқ мадрасаларида таълим олган. Масжидда ҳалқаси бор эди. Асосан, ёш болаларга Қуръон ўқитарди, балоғатдан дарс берарди. Гоҳо жума куни хутба ҳам ўқирди. Эримнинг исми Муҳаммад Толҳа эди. У билан турмушимиз яхши бошланди. Фарзандлар кўрдик. Катта ўғлим ўнга, қизим еттига кирди. Негадир, ўша пайт фарзанд кўришимиз кечикиб, иккинчи фарзандимдан етти йил ўтиб, юкли бўлдим.

Шу арафада Сурияда нотинчлик бошланди. Ироқда бўлаётган можаролардан хабардор эдик, албатта. Саддам Ҳусайнни осишгани, Мисрдаги Абдураҳмон Сисий хуружи, Либяди Муаммар Каддафий фаолияти ҳақида кўп муҳокамалар, сұхбатлар бўларди. Эрим жамоат ичидағи инсон бўлгани учун ўзим хоҳлаб-хоҳламай сиёсий воқеалар жараёнини кузата бошладим. Отамда зухд ва факирлик бор эди, шунинг учун, уйимизда ойнаи жаҳонга эътибор кам эди. Унда уламоларнинг сұхбати, Қуръон тафсирлари, Қуръон қироатлари ҳақида кўрардик. Сиёсий каналларга деярли дикқат бермаганмиз. Бироқ эрим ҳар куни сиёсий каналларни кўрарди. Ўша вақтларда Башир Асадга қарши пойтахтда норизолик бошланди. Ал-Қоидадан “Ислом давлати” гурухи ажраб чиққани ва бизнинг ҳудудларда фаоллашгани ҳақида хабарлар тарқалди. Телевизор кўпинча кўрсатмай қоларди.

Интернетдан фойдаланишини янги ўргангандан кезларимиз интернет ҳам кўп ҳолларда ишламасди. Эрим ёш эди. У кўпинча масжиддан қизишиб келарди. Сабабини айтмасди. Нафл намоз ўқиб, ғазабини босиб олгач, мен билан сұхбатлашарди. Онам: “Эрингдан ҳол сўра, кўнгил сўра, лекин хоҳламаган сўзини айтишга мажбурлама!” – деган. Шунинг учун, ундан фаолияти ҳақида чукур сўрамаганман.

Дамашқда намойишлар бошланиб кетди, ким нима бўлаётганини билмасди. Телевидение хабарлари бир-бирини инкор этар эди. Мен билган Майдин ари уясидек тўзғиди. Одамлар кўча-кўйларда тўпланишиб бир нималарни муҳокама қилишади. Эрим ҳам шу ҳаракатлар ичидаги эди. Бир куни хуфтондан кейин кеч қайтди.

– Эшит, Ҳумайро, – деди ташвишга тўлиб. – Катта фитналар орасида қолдик. Қаёққа қочишни билмайсан. Қочганинг саодатми, қолганинг

ҳалокатми – билмайсан. Бизга йўл кўрсатадиган уламоларимизнинг сўзлари бири иккинчисига уйқаш эмас. Дамашқда Ассад намойишчиларга ўқ узди. Ал-Қоиданинг ўнг қаноти – “Ислом давлати” Дамашққа келяпти. Яқинда биз катта олов ичида қоламиз. Маядинда, Доруз Зорда жиҳод қилишни истайдиган ёшлар кўп. Ҳозирдан бошлаб бир қанча жамоалар тузилди. Одамларга раҳбар бўлишни истаган ҳар бир пешво қўл остида мужоҳидларни йиғмоқда. Ҳисобим бўйича, ўттизга яқин мужоҳидлар жамоаси ҳозир бўлди. Улар ҳар ер-ҳар ерда тўпланишиб, машқларни бошлаб юборишиган. Чет элдан айланма йўллар орқали қурол сотиб олишяпти. Қурол учун хориждан пул келяпти уларга. Устига устак, мужоҳидларнинг аксари араб бўлмаганлардан иборат. Доруз Зор ҳукумати заиф. На мудофаа, на ички ишлар, на хавфсизлик – бирортасида мужоҳидларга қарши турадиган қувват йўқ. Иккинчидан, уламоларимиз жиҳоднинг фарз бўлгани ҳақида фатво бера бошладилар. Ер юзида мусулмон ёшлари ҳаракатга келмоқдалар. Бизда икки йўл қоляпти – оила билан юртни жон сақлаш учун тарк этиш ё бирор мужоҳид жамоасига кўшилиб, қўлга қурол олиш. Ҳумайро, сен оқила аёлсан, сендай умр йўлдошини берган Аллоҳимга ҳамд! Шуни билки, мужоҳидлар, уламолар соғ исломий давлат қурамиз, деб айтишяпти. Бироқ уларнинг ичида юрибман, азизам, исломий давлат қуриш буюк бир иш, улуғ бир гоя, бироқ уларда ишни амалга оширадиган салоҳият йўқ! Уларда манмансираш, тажрибасизлик, ҳаволаниш бор. Ўзларига катта баҳо бермоқдалар. Аллоҳнинг нусрати бизнинг бошимизга келди, деб ишонмоқдалар. Бироқ бу Аллоҳнинг нусратими ё балосими – буни ҳеч ким билмайди. Битта қишлоқ ё маҳаллага ўз қонунинингни ўрнатишни Аллоҳнинг нусрати, деб билиш нақадар хато! Ҳали аниқ ғалаба йўқ, аниқ натижа йўқ – улар амирлик талашяптилар, ақийда талашяптилар. Бир гурухи ашъарийликни давъо қилса, бир гурухи салафийлик талабида. Бир гурухи ҳали тикланмаган ислом давлатини шофийлик асосида бошқарамиз, деса, бир гурухи Китобу суннат, деб айтади. Ўзлари хоҳлаётган мақсадни аниқ билмайдилар. Ҳалок бўлиб кетмасалар, деб қўрқаман. Эртага Сурия ҳукуматининг кучи мужоҳидларга етмай қолади. Ассадда ҳам, унинг қўшинида ҳам, мулозимларида ҳам бу қадар катта кучга қарши турадиган қудрат йўқ. Улар Амирқо, Ўрусияни биринчи галда ёрдамга чақирадилар. Сурияда шу икки давлатнинг қўшинлари пайдо бўлади. Туркия бу ҳолга жим қараб турмайди. Туркия ўз ҳарбийларини киритади. Мужоҳид жамоалари бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, бир-бирларининг қонларини тўкиш билан бирга ҳам Ассад, ҳам Амирқо, ҳам Ўрусиya, ҳам Туркияга қарши курашишлари лозим. Ҳолбуки, бу тўрт давлатнинг ҳеч бири бизга қайишмайди. Амирқо бизга тўлақонли демократия жорий қилишни истайди. Демократия воситасида у бизни ўзи учун дала майдонига айлантиради. Ўрусиянинг мақсади ҳам шу. Бироқ унинг услуби бўлакча – у дўстона ҳамкор қиёфасида ҳаракатланади. Ҳолбуки, нефт, қишлоқ хўжаалиги маҳсулотлари, зайдун тижорати, яна жуда катта ҳажмдаги ҳисобни ташкил этадиган соҳаларни қўлга олишни хоҳлайди. Туркия эса

эски Усмонли худудларини тиклаш орзусида. Тушуняпсанми, Ҳумайро? Сен буларни тушунишинг шарт. Бутун ўлкамизга ёқилғи сепиб қўйилган. Кимдир гугурт чақса, бас. Шому Ироқни олов ўз қучоғига олади. Ислом давлати мужоҳидларининг фаолиятини Ал-Қоида ҳам қораламоқда. Бироқ ҳеч ким билмайди: бу қанчалик самимий? Менга айтишларича, жанубий Шом ўлкаларида Амирқо шакллантирган бир қанча исломий гуруҳлар ҳам бор. Улар ҳам ўт очишга шай. Улар Амирқоға эмас, Ўрусиyaға эмас, бизга ўт очади, Ҳумайро. Бу ўлкаларда ҳазрат Ҳасан ва Ҳусайнларнинг бошлари узилган, буюк саҳобаларнинг қонлари тўкилган. Бу ўлка ўз вақтида Исломнинг қуввати эди. Бу ўлкада улғайган олимлар, мужоҳид ва буюк арбобларнинг саноғини билмайсан. Бу ўлкани ёқиб кул қилиш – Ислом оламининг кўксига ханжар санчиш, демакдир. Ҳумайро! Менинг вафодор завжам! Бу шароитда нима қилишимиз керак? Мен Аллоҳга дуо қилдим. Аллоҳдан йўл кўрсатишини сўрадим. Устозларим билан маслаҳатлашдим. Қолсак, қўлга қурол олиб ё бир мусулмоннинг қонини тўкаман, ё оиласиз билан қирилиб кетамиз. Бир тушни кўп кўрдим. Мен тушга эътибор бермайман. Лекин бир туш қайтарилаверса, ҳикмати борми, деб фикрга чўмасан. Тушимда китоб ўқиётган эмишман. У китобда ҳар бир сўзи олтиндай товланиб, бўртиб ушбу ҳадис қўзим олдидан нари кетмасмиш: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Мусулмонларнинг икки гуруҳи бир-бирлари билан урушмагунича Қиёмат бўлмайди. Улар ўртасида улкан жанг бўлиб ўтади. Ҳар иккисининг даъвоси битта бўлади”.

Имом ал-Бухорий ва имом Муслимда айни матн ила келган ҳадис. Бу иш тарихда ҳазрат Али розияллоҳу анҳу ва Муовия ўрталарида кечган Сиффин жангига кўринган, дейишади. Бу ҳадисни ўқиб бўлсам, бошқа бир ҳадис қаршидан чиқди: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

- Ҳарж кўпаймагунича Қиёмат қойим бўлмайди.
- Ё Расулуллоҳ. Ҳарж нима ўзи? – деб сўрашди саҳобалар.
- Қатл, қатл, – деб жавоб бердилар Набий алайҳиссалом”

Бу имом Муслим ривояти. Қўзимга кўринган учинчи ҳадис эса Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган эди:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Қиёмат олдидан қоп-коронғу тун бўлаклариdek фитналар бўлади. Киши мўмин ҳолда тонг оттириб, кофир ҳолда кеч киргизади. Мўминлигида кеч киргизган киши кофир бўлиб тонг оттиради. Қавмлар ўз динларини дунёning бир арази – ўткинчи нарсаси учун сотадилар”

Термизийнинг китобида келган ривоят. Ҳасан ва саҳиҳ ҳадис, деб айтилган. Ҳумайро, мен жангдан қўрқмайман. Аллоҳнинг йўлида жиход қилиш менинг орзуим. Шаҳид бўлиш яккаю ягона ниятим. Бироқ бу ҳолатда қўллимга қурол олсан, бирор мусулмон қонини тўкаман. Ҳолбуки, у ҳам, мен

ҳам Исломни даъво қиласиз. Агар Ислом ҳимояси учун чиққан бирор жамоани кўрсам эди, иккиланмай шу жамоага кўшилган бўлардим. Мен таниган бирор жамоа ундаи эмас. Бири ўзи амир бўлишини истайди, бири ўз нафси хоҳлаган ишга мойил, бири ҳокимият ишқидан маст бўлиб қолган. Олимларнинг кучи етмаяпти. Телевидениедан очиқдан-очиқ қон тўкишга чорламоқдалар. Мусулмонлар бир-бирини коғирга чиқармоқдалар. Ҳумайро! Менинг ақлли завжам! Фарзандларни оламиз, эртанги кунни ўтказиб, индин куни сахарда фажрни адо этамиз ва ҳижратга чиқамиз. Юртдан ҳижрат қиласиз. Аллоҳ биз мусулмонларга бир йўлни кўрсатмагунча, биз заифмиз. Бошқаларга биз билан кет, дея олмаймиз. Бироқ биз кетамиз, Ҳумайро! Эртага ота-онанг қошига бор, улар билан хайрлаш, мен айтган гапларни етказ, кечроқ ўзим ҳам ҳузурларига хайрлашмоқ учун ўтаман, истасалар, улар ҳам тайёрлансинлар, бирга кетамиз. Биз боражак бирдан бир йўл – Туркия. Туркияга бора олсак, бас! Аллоҳим мусулмонларни ўз ҳолига ташлаб қўймагай, иншаАллоҳ!

Ҳумайро эридан бу каби сўзларни илк бор эшилди. Эри жуда жиддий гапирди. Узоқ гапирди. Гап орасида тўхтади, бир нуқтага қараб қолди, унинг ташвиши жуда оғир эди, гўё.

– Ҳумайро, – деди у. – Шуни билки, биз жон сақлаш учунгина қочмаяпмиз, биз Ислом ва иймонимизни сақлаш учун кетяпмиз. Жонимизни бериб, динимизни сақлаб қолсақ, жонимиз фидо бўлсин, азизам! Бироқ бошимизга тушиши мумкин бўлган оғатлар қаршисида динимиз гаровга олинмаса, деб қўрқаман. Ана шу қўрқув менга ҳижрат қарорини бердирди.

Ҳумайро эрталаб отасининг уйига борди. Онаси жуда суюниб кетди. Отаси Ҳумайронинг ҳар бир гапини жим тинглади. Кейин деди:

– Қизим, Мухаммад Толҳа күёвимни жуда яхши тушундим. Мен уни ҳақ, деб умид қиласман. Аллоҳим унинг қалбига ҳижрат ниятини солибди, хайрли этсин! Сен эрингдан бир қадам жилма, итоатидан чиқма! Ибодат ва дуони унутма! Ҳар қандай ҳолда ҳам Аллоҳга боғлан. Мен эса кетмайман. Умрим бир жойга бориб қолди. Онанг ҳам шу фикрда. Агар акаларинг кетаман, деса, йўқ демайман. Лекин менинг кетиш ниятим йўқ...

Ҳумайро йиглади. Онасининг бағри эзилди. Бироқ у ота уйида узоқ қола олмасди. У сафар тадоригини кўриши керак эди. Ота-онасини бағрига қаттиқ босди. Яна йиглади.

Маядин кўчаси ҳар қачонгидан қўра нотинч. Одамлар ниманидир кутаётгандек, нимадир содир бўлиши керақдек. Юзига ниқоб тортган, қурол осган йигитларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Осмонда ҳам дам учувчиси йўқ учоқлар, дам ҳарбий учоқлар ўтиб қолади. Ҳумайро кўрдики, кўчиши истаги фақат уларда эмас, бошқаларда ҳам сафар кайфияти сезилади. Дўконлардан одамлар юк аравачалари сотиб олиш учун навбатга турган эдилар. Қишлоқ дўконида бу матоҳ кам.

Ҳеч ким ўз ишида эмасди. Мактабдан ўқувчилар эрта қайтмоқдалар.

Хумайро кечгача сафархалта тайёрлади. Эри Мұхаммад Толҳа унга факат энг керакли нарсаларни ол, деб тайинлади. Керакли нарсалар ҳам күп экан...

Хумайро юкли бўлганига уч ой тўлган. Иш муҳимлиги учун қийналаётганини унутди. Эри келганидагина чарчоқни ҳис қилди, ҳатто, билдики, ҳомиладорлиги ёдидан кўтарилибди.

– Тезда ухла, азизам! – деди Мұхаммад Толҳа. – Эртага кўп юрамиз, инша Аллоҳ.

Тун чўккан. Ой тўлган. Чигиртка чириллайди. Шабада Фрот нафасини олиб келади. Лекин Хумайронинг уйқуси келмайди. Мұхаммад Толҳа қўшни хонада намоз ўқияпти... Хира чироқ ёруғида унинг рукуъ, саждалари сояси кўзга ташланади. У саждада узоқ қолиб кетади...

Хумайро истиғфор айтади. Лаблари зикр ила банд бўлгани сайин кўзи юмилиб, ухлаб қолди. Бу унинг ўз она қишлоғида сўнгги туни. У қайтиб Маядинга кела олмайди. Энди унинг қунлари таҳлика остида ўтади. Унинг кулоқлари ўқ овозларини, снаряд портлашларини, учоқларнинг гулдирашларини, бомбаларнинг гумбурлашларини эшитади, икки фарзанди қўлида, қорнида туғилмаган чақолоғини асраш қайғусида зир югуради...

Бошлирга тушажак синовлар шу қадар қуюқки, бир заифа ўлароқ гоҳо унинг тили калимага келмай қолади, гоҳо кўрқувга тушиб, болаларини қучоқлаб, Ерга ётиб олади. Она қадар қадрли бўлган Ватан уни қўйдирадиган бир ўчоққа айланадики, куймаслик учун олисларга қадам босишга мажбур бўлади. Бу мажбурият эса уни тоблайди, уни Роббисига яқинлаштиради.

Эрталаб Хумайрони одатдаги аzon саси ва... шундоққина уйининг тепасидан учиб ўтиб, овози ерларни силкитган учоқ уйғотди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

...Афғон шамоли беҳад иссиқ.

Кобул шимолидаги Даштимарг сахроси. Кумлар шамолнинг кафтида осмонга сочилади. Тақир ер юзининг ҳар жойида ўсган яккам-дуккам саксовул, юлғун, янтоқлар бир тутам соқолдай ҳилпирайди. Қуёш эринмай қайноқ сел тўқади. Қимирлаган жонвор кўринмайди. Қушлар учишдан тўхтаган. Фалак ялтирайди. Парча булат йўқ. Кўтарилган қум чангига баъзан ҳамма ёқни бир неча лаҳзага қоплайди.

Даштимаргда бир неча танобни эгаллаган бир “ҳовли” бор. Бу “ҳовли” одатийларидан фарқ қиласи. Унинг атрофи баланд сим тўсиқлар билан қуршалган. Симдеворларнинг тепаси тиканак. Ҳар эллик қадамда ҳарбий кўтарма. Кўтарма ичида Шўро давлатининг қайсиdir бурчагидан нега келганини билмайдиган бир шўрпешона аскар Калашников отмасини қучоқлаб турибди.

Бу ҳовлини “ҳарбий казарма” деб аташади. Тезкор тикланган ётоқлар, курол омборлари, уловгоҳлар, ҳарбий учоқ ва парракучоқларнинг қўнок

майдонлари, машқ майдонлари шу ҳовлиниң ичида. Шўро халқларининг гулдай йигитлари мустабид ҳукумат учун янги мустамлакани зabit этиб беришлари учун шу ҳовлига банди қилинган, бироқ улар буни “Афон халқларига эркинлик бериш”, деб тушунишади. Айни шу “ҳовли”да Афғонистонни “Ислом жангарилаидан озод қилиш мақсади” билан Шўроларнинг бўйинтуруғига бошини тиқкан ерлик “фидойи”ларнинг аскарлари ҳам жой олган.

Ташқаридан боққанда ҳаммаси расамади билан келиширилган. Бироқ ички ҳолат – ҳарбий бўлинмалар: дивизия, полк ва батальонлардаги шўро аскарларининг ҳолати уларнинг ўзига аён. Аскарларнинг емаклари, сувсизликдан қийналишлари, хўл мевалар таъмини унутиб юборгандар, шўронинг қизил шиорлари фақат деворларга ёзилган ҳарфлардан ташқарига чиқмаслиги, аскарларга маҳаллий сувдан ичиш таъкиқлангани – қонунларда ёзилмаган, ёзилган бўлса ҳам, маъноси мужмал: хоҳишга қараб ўнгу тесқарига айлантирса, бўлаверади.

Шаҳар аҳолисининг Гарбга, ўрисларга, коммунистларга ошиқ бўлган озгина қисмини истисно қилсак, қишлоқ одамлари – дехқонлар, чорвадорлар, боғбонлар ва деярли ҳамма босқинчлилар учун ўта хатарли эди. Чунки улар ўрис аскарлари ҳақида, албатта, муҳоҳидларга маълумот етказадилар.

Шўро аскарлари шаҳар ва қишлоқларга киришлари мумкин эмас.

Мен, Умар Сайфуллин, татар ўғлони дастлаб Кубага кетдим. Кемада Атлантика океанини кесиб ўтганмиз. У ерда бир йил хизмат ўтадим. Флотда. Кейин умуман кутилмаган ҳол юз берди. Мени ва ўн нафар аскарни ажратиб олиб, ортга қайтаришди. Ҳаммамиз ҳайрон бўлдик. Москвага келтиришди ва Шўро давлати Афғонистона бошланган озодлик ҳаракати учун ёрдам беришга қарор қилганини билдик. Бизни Афғонга – урушга юборишар экан. Бу кутилмаган ҳол эди. Одатда, армияда ҳамма қарорлар кутилмагандага қабул қилинади. Ҳеч бир қарорга эътиroz мумкин эмаслиги табиий. Муҳокамага ўрин йўқ.

Мен поездда Афғонистонга кириб келиш азоблари, у ерда ташқаридан кўркам, ичкарида эса мутлақо ҳароб бўлган казарма ҳақида айтишни истамайман. Мозори Шариф, Кобул, Қундуз деган жойларга олиб боришли. Ҳамма жойда шароит ҳар хил эди. Ҳарбий учоқмайдонларда алоҳида қулайликлар бўлгани ҳолда чодирларда яшаётган минглаб аскарлар катта мاشаққат ичида эдилар.

Амударёдан ўтгач, ҳарбий уловда жуда узоқ юрдик. Бизга заифлик, нолиш мумкин эмас. Қуролларимизни қучоқлаб кетавердик. Мен ўқчи дивизияда эдим. Калашников қуроли доим йўлдошим бўлган. Кубада ўтган бир йилимда чеккан мешақатларим ва олган тажрибаларим Афғон чўлларию тоғларида иш бермай қолди. Аскарларнинг бирортасида шашт йўқ эди. Тўғри, биз ўзимизни дадил, жангари кўрсатишга интилардиқ, командирлар, зобитлар ҳам шунга ҳаракат қилишарди гоҳо, лекин армияда ғалаба қилишга иштиёқ йўқ эди. Биз бу жазирамада нима учун қурол қўтариб юрганимизни

англамасдик. Бошлиқлар афғон халқини озод қиласыз, деб гапирғанлари билан ұлар ҳам күпинча тушкун ва қовоғи солиқ ҳолда юрар эдилар.

Кундалик ҳаётимиз: әрталабки уйғониш, югурыш, нонушта, машқлар, тунда аскарларнинг гурухларга ажралиб бир-бирини дүппослашлари ҳақидаги тағсилотлар мен учун жуда ҳам нохуш. Умуман, армия ҳаёт ҳақида айтиш тугул, эслашни истамайдиганим воқеалар жуда күп. Аскарларнинг аксари ҳовлиқма, содда, баъзилари ўз кучига ахмоқларча ишонса, баъзилари жуда анқов, лақма эди. Кундалик давом этадиган машғулотлар танамизни чиниктирган бўлса-да, миямизни чиниктиրмасди. Жисмимиз пишиб, вужудимиз пайдан иборат бўлиб кетса-да, фикрлашдан йироқ бўлганмиз. Фикрламасдик. Фикрлаш бизга таъқиқланган. Биз учун ҳаётда яхши-ёмон, оқ-қора, юмшоқ-қаттиқ, иссиқ-совуқ деган тушунчалар ёт бўлиб қолди. Биз учун фақат лейтенантлар, капитанларнинг буйруқлари бор эди.

Чекиниш мумкин эмас. Faқat ҳужум! Қўрқиши мумкин эмас, фақат қўрқитиш! Ўлиши мумкин эмас, фақат ўлдириш! Тартиб шундай эди. Бироқ аскарнинг рухиятида шашт ва шижаот йўқ. Оғиздан учаётган калималарнинг тескариси бизнинг онгимизни тўлдирган эди: ҳужум қиласыз, бироқ ўйимизни соғиндик – чекиниб бўлса-да, уйга кетгимиз келарди; шахсан ўзим урушга чиққани қўрққанман. Жуда қаттиқ қўрққанман.

Командирларимизнинг қонига зулм сингиб кетган. Оғиздан чиқадиган сўзларни тилга олсангиз, у тилни бир неча бор ювиб поклай олмайсиз. Ўзлари ҳам уради, биздан каттароқлар ҳам уради. Калтак бизни ҳам чиниктириди, ҳам дийдамизни қотирди, ҳам раҳму шафқатдан қутқарди, лекин қўрқувдан ъалос этмади. Мен Балашихадаги Умар эмас эдим. Ерга урса, кўкка сапчимасдим энди. Инсон бир хил тартибда яшайверса, кўнишиб қоларкан. Бошқалар учун оғир туюлган тартиб ўзимизга ёқиб ҳам қолган экан, бугун ўйлаб боқсам. Чунки биз учун ҳаммаси ҳозирланар эди, биз бирор нарса ҳақида, бирор муаммони ечиш ҳақида бош қотирмаймиз, биз учун ўйлашади. Биз ижро қилсак, кифоя. Шу ҳаётни йўқотмаслик учун ҳам курашганмиз, эҳтимол. Бу кураш онг ости буйруғи билан бўлган. Биз онгли ўйламасдик, лекин ич-ичимиздан ҳар кунги бир хил ҳаёт тарзига қаттиқ ўргандик.

Оғирлик қилар эди бу, гоҳо. Ўша пайтларда Балашихага кетгим келган. Одамларга ўхшаб яшасам, дердим. Кунларим ўтмаётгандек, вақтнинг оёғига тош боғлангани, юра олмаётгандек туюларди.

Дарвоқе, қўрқув ҳақида гапирғандим.

Янги келганимизда, негадир, на Мозори Шарифдаги ҳарбий бўлинма, на Кобулдаги казарма, на Қундузда бизни қабул қилишмади. Қундуздан Кобулга қайтдик яна. Ўшанда тўсатдан биз кетаётган улов ўққа тутилди. Ким қаердан отяпти – билмаймиз. Faқat буни эмас, душманнинг кимлигини ҳам билмаганмиз күпинча. Кейинроқ Афғонда ярим йил юриб Ҳикматёр деган одам ҳақида эшитдим, Аҳмад шоҳ деган исм қулоғимга чалинди. Улар душман тараф эди.

Ўшанда ўқлар ёмғирдай ёғилди: уловимиз тұхтади. Брезентни тешиб ўтаётган ўқлардан бири ёнимдаги шеригимининг күзига кирди. Отилган қон ҳаммамизга сачради. Командиримиз: “Ёт ҳамманг!” – деб бақирди. Ўзимизни ерга ташладик, жой торлик қилиб биримиз иккинчимизнинг устимизга тушдик. Ғужанак бўлиб қотиб қолдик. Бошқаларни билмайману, мен фалаж бўлдим. Кўзларим юмилди. Кўлларим, оёқларим қотди. Командиримиз уруш кўрган бўлса-да, бу вазиятда у ҳам биз билан ерга ётиб жим кутди. Ўқ бир дақиқадан сўнг тинди. Лекин деярли ҳамма йигитлар кўркувдан эсини йўқотган эди. Аскарларнинг ўзаро ҳазил-хузуллари, мақтанишлари кўп бўларди, лекин биргина ўқ ёмғини ҳаммамизни ўзимизга танитиб, гангитиб қўйди.

Беш дақиқаларда ўзимга келибман. Қарасам, ерда – қумда ётибман. Командиримиз юзимга сув уряпти. Нимадир дедио, тушунмадим. Бир амаллаб ўтирдим. Бошқалар ҳам мендан фарқсиз: кимdir бошини, кимdir кўксини ушлаган. Йигирма дақиқада эс-хушимиз қайтди, тилимиз калимага айланди. Ўша онларни умримнинг охиригача унутмасам керак – бизнинг кувончимиздан асар қолмади. Ҳаммамизнинг кўзимизга чуқур ғам, қайғу инди. Ўн беш аскарнинг олти нафари ўлибди. Ҳайдовчи ва унинг ёнидаги йўл бошловчи афғонни ўқ илма-тешик қилибди. Бизни ўққа тутганлар нима учун устимизга бостириб келишмаганига ҳайрон бўлдим, кейин айтишдики, бу уруш услуби экан. Мужоҳидлар кўпинча Шўро аскарларини тўлиқ қирмас экан, ердан чиққандек ё осмондан тушгандек бўлиб, ўқ ёғдиришар экану, ғойиб бўлишаркан. Нечи киши хужум қилгани кўпинча номаълум эди.

Командиримиз сўкинар эди. Ўзи грузин, лекин русчалаб юzlари гезарib, қизариб сўкинарди. Афғон қуёши унинг юзини куйдиргудек қорайтирган бўлса-да, ғазаб ва асаби алвон тусда ўзини кўрсатаётган эди.

– Бу ерда йигитлар қириляпти! Уруш кўрмаганларни жаҳаннамга юборгандарга лаънат! Саккиз киши ўлди! Қолгани эсини йўқотди. Э, сенларнинг...

Дашт. Чакалак, саксовул ва янтоқлар билан қопланган япасқи дўнгликлар. Биз юраётган йўл шу дўнгликлар оралаб ўтган. Узоқлардан тоғлар билан ўралган бу даштда бизга ўқ ёғдирганларни аниқлаш ҳозир имконсиз.

Командир ўликларни уловга орттириди. Бироз олдин тирик юрган ошналаримизнинг жонсиз ва қонга беланган мурдаларини устма-уст тахладик. Ҳеч кимнинг саси чиқмади. Командир ҳам сўкишни бас қилиб, совуққонлик билан буйруқлар берди. Кейин бизни сафга тизди. Саккиз киши куролларимизни ушлаб бир чизиқ бўлдик.

– Аскарлар! Ҳамманг эшит! Сенларга шонли армия, ёрқин келажак ҳақида гапирмайман. Бунақа гапларни ...ларга қолдиридим. Билиб қўй! Ўлим водийисидасан! Ўлиб кетсанг, уйингга темир тобут боради. Ичиди бўласанми, йўқми, ҳеч ким билмайди. Билолмайди ҳам. Сенларга очиқ гапиряпман. Биз давлат одамимиз. Давлатнинг буйругини бажарамиз. Шу

йўлга жонни тикканмиз. Биз учун шўро давлати бор, вассалом. У юборган жойга борамиз, қайтарса, қайтамиз. Сотқинлик қилишга, қочишга ҳаққимиз йўқ! Бизнинг ҳаммамиз шу давлатнинг бор бўлиши, ичида яшаётган икки юз миллион одам учун керакмиз. Кимдир ўзини фидо қилиши керак. Бу – бизмиз! Сенларда ғоявий қатъият йўқ. Бу аниқ. Ҳатто, баъзи генералларда бу фазилат етишмай турган паллада оддий мишиқи аскардан нимани кутиш мумкин! Тўғрими, нотўғрими – бир ғоя эгаси бўл! Ана шу сени қучли қиласди. Ана шунда тушкунликка тушмайсан. Ғоя жондан қиммат бўлиши керак. Жонни ҳам ғоя учун тикишинг керак. Лекин афсусланма! Афсусландингми, ўласан. Сенларни бу ерда ғоя кутқаради! Яхшилаб билиб қўй – ғоя инсоннинг нажоткори! Бир томчи сувга зор бўлиб ўларкансан ёки душман танангни парчалар ташларкан, ғоянг билан ғолибсан. Одамлар ғоя учун курашга кирадилар. Мен учун ўзимнинг ғоям бор – давлат! Бўлди. Бошқаси бекор. Давлат менга нимани буюрса, қиласман. Ёш болани ўлдир, деса, ўлдираман, ёндири, деса ёндираман. Ғоя қўрқувни енгади. Ғоя ҳиссиёт балосидан қутқаради. Ғоя сени ўқ ўтмас метин қояга айлантиради. Ғоя учун яшасанг, умрингга зинҳор ачинмайсан. Ғоя одамнинг ҳаётини бошқаради, йўқ бўлиб кетишдан, ҳалок бўлишдан сақлайди. Тушуняпсанларми? Сенларнинг ҳар биринг ўз ғоянгни топ! Акс ҳолда, шармандаларча қул бўлиб, хор бўлиб ўлиб кетасанлар! Камида ҳар биринг “Тирик қолишим керак, тириклик ҳаммасидан муҳим!” – деб миянгга сингдириб ол. Ўлсанг, ҳаммаси тугайди. Тириклик учун курашсанг, душман қўлига тушмаслик учун интилсанг. Яшаб қоласанлар! Акс ҳолда, қирилиб кетасанлар. Ҳозир шу даштда ҳаммамизнинг жасадимиз қолиши мумкин эди. Ўликларимиз устида осмонда учиб юрган қуғунлар зиёфат қилаётган бўлардилар ҳозир. Тасодифан тирик қолдик. Энди ўлишга ҳаққимиз йўқ! Ҳозир уловга чиқамиз. Кучли бўламиз. Ҳар биринг ўз ғоянгни топ. Қўрқма! Қуролни маҳкамам ушла. Душманни қўрсанг, аямасдан от!

Командирнинг гапи тугади. Биз бундай гапларни энди эшитаётган эдик. Айниқса, бу менга қаттиқ таъсир қилди. Беихтиёр командирга бўлган ҳурмати жўшди. У кўзимга бошқача кўрина бошлади. Бўлиб турган воқеалар баёнини кейинроққа қўйсам-да, мени ўзгартирган баъзи мулоҳазаларимни айтсам. Командир билан яқиндан суҳбатлашгим келди, лекин юзи чўтири, ияги узунчоқ бу одам бирор аскарни ўзига яқин олмас экан. Гаплари хаёлимни анча вақт банд қилди. Рангиз ва маъносиз ўтадиган кунларни ўзимизга қолса, кайфу сафо билан тўлдириар эдик: қизлар топардик, майшат қилардик, наша чекардик, ичардик. Хуллас, кунларимизни хурсандчилик билан ўтказган бўлардик, бироқ бу ишларнинг бирортасига имконимиз йўқ, демак, чекимизда хаёл суриш ва ўйлаш масаласида бироз эрк бор, холос. шу эркдан фойдаланиб, командирнинг гапларини узоқ ўйладим. Аслида, вақт ўтиб, ақлиминг кемтиклари тўлиб боргани сайин ҳаётнинг маъноси тўғрисида, обрўли, эътиборли, бой одам бўлиш ҳақида кўпроқ хаёл сурадиган бўлиб қолган эдим, очиғи.

Уч йиллик армияни якунлаб, Балашихага қайтсам, уйлансан, тўкин бир хаёт қурсам, деган ўйлар онгимнинг туб-тубида айланади. Ойнага боқиб, тўлишган мушакларимга, баланд бўйимга, калта олинган соchlаримга, оқсариқ юзимга, қўк кўзларимни томоша қилиб, “Жуда кўркам йигитман, кучим танамга сифмайди, ёшлик йилларим ўтиб кетади, мен ёшликтан, албатта, баҳра олишим шарт!” – деган фикрларни кечирардим. Кубада юрган кезларимда – у ерда экркинлик кўп эди, фурсато топдим дегунча, Гавана кўчаларига чиқиб, ҳар турли аёллар, ёш қизлар билан танишишга уч бўлдим, ичклиникнинг ҳамма туридан татиб кўрдим. Хаёлимда дунё гўзалликларидан, маза ва лаззатдан баҳраманд бўлиш истаги жўш уриб тургани учун ҳамиша кайфу сафо эшиклари менга очилди. Қора танли қайноқ баданли қизлар, шаҳло кўзли испан нозанинлари, кўчманчи лўлилар, саргузаштталаб мексикаликлар, қадим арабларнинг бузилиб кетган наслларидан бўлган жунунваш жононлар билан сухбатдош бўлганман. Хушчақчақлигим, пулни аямаслигим, беғамлигим сабабли атрофим дўстлар ва қизлар билан тўлибтошди. Биз, совет армияси аскарлари Кубада ўзига хон – кўланкаси майдон бўлиб яшардик. Бизнинг бир қанча имтиёзларимиз бор эди. Шахсан Фидель Кастронинг ўзи совет армияси бўлинмаларига, ётоқларига келиб кетган. Тўғри, Куба оген билан ўралган макон, намлик юқори эди, мен буни сезмаганман, иссиқ бўлса, иссиқдан, ёмғир шаррос қуйса, ёмғирдан завқ олдим. Шу ҳолатда Афғон сахросига келиб тушганим мен учун нақадар изтироб етказганини тасаввур қиляпсизми?

Гўзалларнинг қайноқ қучоқлари тушларимда қолди, холос. Жаҳаннам каби ёниб, атрофдан ажал нафаси келиб турган бу ўлка мени сўндира бошлади. Ичимда кечадиган зиддиятлар турфа эди. Гоҳо ўзим ўзимни танимайман.

“Ҳаммаси яхши, вақт ўтиб кетади, яқинда Балашихага қайтаман!” – десам-да, олдинда турган икки йилнинг поёни йўқдек, Афғон юртида умрбод қолиб кетадигандек ҳис қилганман ўзимни. Йиртилган этиклар, қорайган пайтавалар, шўр сувни қўйиб туринг, ёрилган лабларим, тўрлаган юзларимни кўришни истамаганим учун ойнга қарагим келмасди. Одам ҳам ўз юзидан юз ўгрирар экан-да!

Командирнинг ғоя ва шу каби гапларини эшишиб, ўзимга қатъий бир гояни белгилаб олишга қарор қилдим. Бу “Хаётдан лаззат ол!” деган мафкуранинг айни ўзи эди, шунчаки, мен уни: “Қандай бўлмасин, яшаб қол!” деган жумлада ифода қилдим. Командир давлат деб айтди. Давлат менга нима берди? Билмайман. Мен учун давлат жуда мавҳум тушунча. Кўзга кўринмайдиган ғалати арвоҳ. Коммунизм, дейишади, партия, яна алламбалолар! Ҳаммаси менга жуда узоқ ва мен хоҳлаётган лаззатларни инкор қилади. Шундай экан, нима учун шу мавҳум арвоҳга жонимни фидо қилишим керак? Асло! Отамнинг оёғи синиб, юра олмайдиган бўлиб қолди; онам эртадан кечгача меҳнатдан умр ўтказди; опаларим ҳам турмуш машаққатига сингиб кетди, биз чумоли бўлдикми – қисқа ҳаётни, бир тутам

умрни бутунича ишлаб ўтказиб юборадиган?! Йўқ, ундаи бўлиши мумкин эмас!

“Мен учун нима муқаддас? Командир айтганидек, мени қутқарадиган гоя борми? Менинг ғоям – ҳаёт! Яшаш! Яхши яшаш! Бордию, ўқса учсан, ўлиб кетаман – ёш умрим хазон, танам эса ўлаксахур қушларга ем бўлади. Қочсамми? Йўқ, қамоқда чирийман. Демак, фақат курашиб, нима қилиш керак бўлса, қилишим керак ва тирик қолишим шарт! Душманга асир тушиб қолсан-чи? Улар асир олишмас экан! Кофир, деб бизнинг аскарларни ўлдириб юборишар экан. Йўқ, тирик қолишининг йўлини топишим керак!”

Шундай ўйлар хар қадамимда ҳамроҳ бўлди. Мен учун Афғон саҳролари, тоғлари жуда катта қафасга айланди. Бу қафасдан омон ва соғсаломат чиқиши учун курашмоққа мажбурман! Кулғимга чалиндики, юзмайоз келганда душман “Аллоҳу акбар!” деб бақирап эмиш. Улар учун “Ла илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадун Расулуллоҳ” деган жумла жуда мухим экан. Гоҳида аскарлар орасида ҳам ҳудодан баҳслар бўлганида кўпчилик худо йўқ деган гапни ушлаб оларди. Кўпчилик ёшлар жуда аққли одамга ўхшаб, “Хурофот!” дер эди. Худосизлик, уларнинг фикрича, ўта юксак маданият эди. Айниқса, бир сафар ўрта осиёлик бир шоиртабиат йигит худонинг йўқлигини исботлаш учун роса жон куйдирган, диндорларнинг худо масаласидаги сафсаталарини келтириб, ўзининг наздида уларни чиппакка чиқарган эди. Мен учун худо бор ё йўқлиги аҳамият қилмагани учун, уни қулиб эшитганман. Гарчи, қизиқ бўлмаса ҳам, эрмакка қулоқ тутганман.

“Худо ўзини ишини билиб қилиб юрса, у билан ишим йўқ. Худога сен йўқсан, деб уни ранжитмайман. Агар чиндан бор бўлса, йўқ деганинг ва уни инкор қилганинг учун роса жаҳли чиқади, кейин ўша жаҳаннамида сени куйдирди, мен эса уни бор демасам ҳам, йўқ демайман, чунки аниқ билмайман. Шунга менга қараб, “Умар, сен, ҳартугул, мени йўқ демагансан, лекин бор ҳам демадинг, жаҳаннамнинг пастроқ градусида қовуриб, кейин жаннатга киритиб юбораман, олий бўлмаса ҳам, ўртачароқ жаннатга кирасан”, – дейди”, – деб уни мазах қилардим.

Бу ерда душман мусулмон эмиш. Асирга тушиб қолсан, аввало, эсон-омон қтулиб кетай, лекин шундай ҳол рўй берса, айтаман, зора мени ўлдиришмаса, деган хаёлда “Ла илаҳа”ни ёдлаб олдим.

Жангарилар соқолини тарвақайлаб ўстириб, тиззагача тушадиган кўйлак кийиб, бошига ҳар турли рангли латталарни ўраб олишар экан. Узоқдан кўрсангиз ҳам, уларни ваҳший эканига шубҳа қилмайсиз. Бу қадар қўпол кийим ва қўрқинчли қиёфадаги одамлар, шубҳасиз, ҳар қандай мудҳишиш ишларга қодир бўладилар, деб ўйлардим.

Воқеа баёнидан бироз четга чиқиб кетдим-а? Бизни ўқса тутишгач, нима бўлгани ҳақида гапирай.

Бирорта рация ишламаётган, тўлқин ушламаётган эди. Ҳартугул, улов юрди. Командир рулга аскарлардан бирини ўтқазди, ўзи унинг ёнига жойлашди.

Тахминан икки юз чақирим йўл босдик. Бир неча чодирлардан иборат казармага етиб бордик. Пастак ёғочга шўро байроғи илиб қўйилиби. Кенг даштда шамол йўқ. Дим. Байроқ шунинг учунми, ҳилпираш ўрнига шалвираб қолиби.

Казармани қўриқлаётган аскарлар бизни кутиб олишди. Командиримиз казарма бошлиқларини сўради.

– Нима гап, йигитлар? – бизни кутиб олиб йўл бошлаб кетаётган ёшгина аскар.

Бирортамипзда гапиришга кайфият йўқ эди, индамадик. Аскарлар ўз чодирлари ёнида ювиняпти, бирор майкачан, бирор майкасини ҳам ечган. Соқолини олаётганлар ҳам бор, кимдир тамаки тутатади, шом қоронғуси тушаётгани баъзилар олов ёқади.

Кечга бориб шабада келди. Нафас олдик. Текширув бўлди. Сафга тизилдик...

Үйку вақти ётдик. Бу жойда аскарлар эркин эди. Худди ғам-ташвишлари йўқ. Ўз уйларида юришгандек. Гаплашиб билдик – беш ойки, улар шу ерда экан. Таъминот кам. Улар сувни ҳам, овқатни ҳам тежашга мажбур. Лекин баъзи тартиблар юмшабди.

Беш ой ичида ўн мартадан қўпроқ хужум бўлиби. Ҳимояланишибди. Қурбонлар берилиби. Лекин хужумга ўтишмабди.

Қоғозда “Қақшатқиши хужумга ҳар қандай ҳолатда шай бўлган буюк шўро қўшини” бўлган бу бўлинма таркиби турлича эди: ёшларда тафовут бор, миллатлар ҳар хил: рус кам, бироқ ўзбек, қозоқ, тожик кўп.

Шу ерда қолдик.

Харбий машқ қилиб турдик, гўё. Мен зирхланган жанговар танкда – БТРда ишлашни ўргандим. Командиримиз қаергадир кетди. Биз шу ердаги взводлардан бирига қўшилиб кетдик.

Тахминан икки ойдан кейин буйруқ келди. “Шонли қўшинимиз”нинг бир “жанговар” бўлинмаси навбатдаги хужумга ўтиши керак экан. Ўзимизга яқин қишлоқларни жангарилар қўлидан бирма-бир озод қилишга киришадиган бўлибмиз.

Мен ҳам хужумга йўлланган қисм ичида эдим. Юз аскар энг яқин қишлоққа ҳам юз чақирим зиёд йўл босиб бордик...

Шўро қўшини нишонга олиб келаётган қишлоқ атрофи узумзор эди. Мол-қўй қўзга ташланади. Қишлоқ оқсоқолини чақиргани аскар жўнатилди.

Оқсоқолни келтиришди. У ўрта ёшли, соқоли қалин одам экан, кўзлари чақчайиб, таптортмаслиги кўриниб турибди, командир у билан гаплашди. Чол тилида гапирди. Таржимон: “Қишлоққа кирманглар. Жангарилар йўқ, келишмайди, яқин-орада қўрмадик”, – деб таржима қилди. Командир: “Алдама, қари така! Бизда аниқ маълумот бор! Жангарилар қишлоққа тез-тез келиб туришади, ким улар билан алоқа боғлаган?” – деди. Оқсоқол: “Сенларни алдаб нима қиласман!” – деб жавоб берди. Командир:

“Қишлоғингни йўқ қилиб юбориш менга қийин эмас, алдаяпсан, бошлаб сени отаман, кейин қулбаларингга ўт қўйман! Ростини айт: жангарила билан ким алоқа қилади?” – деди бақириб. Оқсоқол сал ҳовуридан тушиб: “Унда рухсат бер, мен бориб буни текширай!” – деди. Командир рухсат берди.

Бу бир режа экан. Қишлоқда шўро жосуси бўлиб, у оқсоқол келиши билан ким билан гаплашади, кимни қандай огоҳлантиради – шуни аниқлаб совет аскарларига маълумот етказиши лозим. Лекин вазият бошқача бўлиб чиқди: тўсатдан қишлоқ томондан шўро қўшинига қаратади очилди.

Аслида, жосус қўлга олиниб, унинг номидан хато маълумотлар юборилган эди.

Режага кўра, қишлоқ тезда қўлга олиниб, жангарилалинг кейинги нуқтасига кучни ташлаш керак. Бироқ маҳаллий аҳоли орасидан чиқкан етакчи атрофида бирлашган ҳарбий куч борлиги совет ҳарбийларига номаълум эди. Ёлғон маълумотга алданган шўро командири қатъий қароргоҳ қурмай туриб, ишга киришган эди. Шўро аскарлари ҳужумга қарши ҳимояни ташкил қилишга улгурмай ўқлар ёмғири қуюқлашди.

Командир чекинишга буйруқ берди. Сафни тезда қайтадан тизди.

“Ёппасига ҳужумга ўтамиз! Қишлоқда бир ҳовуч одам бор. Битта қўймай қириб ташланг! Энди бизнинг навбат!” – деди у.

Сафнинг олдида юраётган БТРлар қишлоққа қараб плумётдан ўқ ёғдирди. Кейин аскарлар ҳужумга ўтди.

Қишлоққа кираверишда тўсиқлар ўрнатилган: қум билан тўлдирилган қоплар, кавланган хандақлар ичидаги кўринмаётган одамларнинг қаттиқ қаршилиги бошланди. Улар томонидан нимадир жуда баландга отилди: жосуснинг кесилган боши шўро аскарлари орасига келиб тушди.

Отишма тўхтаб-тўхтаб давом этди.

Командирнинг қишлоқни бир ҳужум билан эгаллаб олиш ҳақидаги режаси амалга ошмади. Шу куни шўро аскарларининг ўн нафари ўлди. Кечга бориб икки томон ҳам ўқ отишни тўхтатди. Командир қўл остидагиларнинг бир қисмига қишлоқдан ташқарига чодирлар тиклашни буюрди. Бошқа қисм ҳимоя чизигига жойлашди, уларга эҳтимолий ҳужумларни қайтариш ва ўз вақтида огоҳлантириш топшириғи берилди.

Кичик қишлоқни эгаллай олмаслик шўро аскарлари учун катта муваффақиятсизлик эди, айниқса, аскарларнинг кайфияти туша бошлади. Командир ўзидан ўтганини ўзи билиб, йўл қўйгани хатоларни такрорламаслик ҳақида ўйлай бошлади:

“Биринчидан, қишлоққа ҳужум буйруғи юқоридан берилди, бироқ мен маълумотга кўр-кўрона ишондим, қишлоқда қуролли ҳимоя бўлиши ҳақида ўйламадим. Иккинчидан, оқсоқолни чақириб, катта хатога йўл қўйдим. У аскар, қуролларимиз ҳақида маълумот олиб кетди. Учинчидан, уч қунки тинимсиз оёқда юриб келаётган аскарларга дам бермай, тўғридан тўғри ҳужум бошладим. Тўртинчидан, ҳужумни тезкор ташкиллаштирамадим...”

Командир чодирига бўлинманинг масъул зобитлари йиғилди.

– Бугунги хужум талофати жуда ёқимсиз, – деди зобитлардан бири, мүйловдор, ёш бўлса-да, унинг сочига оқ тушган эди. – Ҳисобимизда ўнта БТР, бешта ҳарбий машина, ўзимизга маълум миқдорда грната, снаряд, ўқдориларимиз бор. Лекин ҳудуди кичик ва аҳолиси оз бўлган қишлоқ қархисида бу миқдордаги йўқотиш жуда ёқимсиз. Агар ўқдорини тежамасак, эртага жангариларнинг катта гурухлари қархисида гўшт бўламиз.

– Марказдан навбатдаги таъминот карвони юборилган, – деди командир. Биз унинг ташқи қиёфаси ҳақида ҳали айтмаган эдик. Фурсатдан фойдаланиб, кўз олдингизга аникроқ келтиришингиз учун унга бироз чизги берсак: командирнинг бўйи баланд, юзи сариқ, қоши оқ, кўзи кулранг, кал, чап оёғида оқсоқлик бор. Гапирганда сезилар-сезилмас дудукликни пайқаш мумкин.

– Бу эртакка биз ишонмаймиз, ўртоқ командир, – деди яна бир зобит. – Марказнинг аҳволи маълум. Юқорига ким қандай рапорт беряпти, билмадим. Бироқ ҳозир биз турган координатага таъминот, қурол-яроқ олиб келиш осон эмас. Жангарилар учоқларни ҳам уриб туширишни ўрганиб олишган.

– Аскарларнинг руҳияти паст! – деди бошқа бўйи пастроқ зобит. – Агар шу тарзда вақт ўтказсак, бўлинма қирилиб битади.

– Ва қирилиб битган биринчи бўлинма бўлмаймиз, – деб кесатди бошқаси. – Баъзи бўлинмалар техникасиз қолиб кетган. Совет қўшинлари парча-парча бўлиб юрибди бу ерда. Кунимиз эшакларга қолди: аскарлар қурол-яроғни эшакка, хачирга юклаб юришибди.

Командирнинг қовоғи солинди. Лаби титради. Икки қоши уйилди. Икки қўлини маҳкам мушт қилиб тугди ва:

– Бу нима дебилизм! – дея столни муштлаб бўкирди. – Сизлар исён қиляпсизми? Ҳаммангни отиб ташлайман! Нимани хоҳляяпсанлар? Латта бўлиб қолдингларми? Ўзингларни жангариларга олиб бориб топширинглар унда! Шонли совет давлатли, коммунизм учун кураш қиласиз, деган ғоя қаерда қолди! – командир гезарди, оғзидан тупук саҷради, ғазабдан титраб қолди. Зобитлар бу шиддат қархисида бирдан жим бўлишди. Командир сал овозини пасайтириб. Давом этди: – Сизларнинг ҳаммангизни шу айтган гапларингиз учун жазолашим керак! Лекин унутаман. Ҳаммангиз эшитинг: агар қуролимиз қолмаса, қўл билан жанг қиласиз! Шунчаки, ўлиб кетиш йўқ! Битта қишлоқ нима бўлибди? Ҳарбий тарихда ҳаммаси бўлиб ўтган. Қайтадан режа тузамиз! Маслаҳат қиласиз! Биз фақат ғолиб бўлишимиз шарт! Ғолиб бўлмасак, шармандаларча, ҳайдаламиз!

... Командирнинг мажлиси ярим тунгача чўзилди. Орада қароргоҳ тикланди. Аскарлар юклари билан чодирларга киришди. Кўриқлаш чизиги белгиланди. Навбатчилар қўйилди. Ярадорларга ёрдам кўрсата бошладилар.

Командир ҳам, зобитлар ҳам англаб турардиларки, эрталаб қилинадиган хужум бесамар. Айни ҳолатда фақат ҳимояни мустаҳкамлаш зарур. Бўлинмага камида бир кун дам керак. Шунга қарор қилинди. Индинга қилинажак хужум пухта режалаштирилди. Ёппасига зарба бериш ва яшин

тезлигидан қишлоқни эгаллаш, агар қишлоқ одамлари бўйсунмаса, бирортасини тирик қўймасликка келишилди.

Афсус, бу режа ҳарбийлар чодирининг ичидан ташқарига чиқиб улгурмади, чунки фажр вақти жангариларнинг ҳужумга ўтиши ишни чигаллаштириб юборди: навбатда турган аскарлар қоронғуда пусиб келаётганларни пайқамадилар. Бўғизларига тортилган пичоқ уларни ўз қонига белади, бир вақтда кесилган бўйинлардан хириллаган овоз ва қора қон қора тун бағрига сачради.

Бу жуда қисқа сонияларда рўй берди. Бош кесиш ҳадисини мукаммал эгаллаган тоғликлар ўз ишларини қойилмақом уддалаб, чодирлар ичига бостириб киришди. Чарчоқдан донг қотган аскарлар қўзларини очиб улгурмадилар. Чодирлардан ҳар хил овоз чиқди. Қонлар оқди, одам тойиб йиқиладиган ҳолга келди.

Командир биринчилардан уйғонди. У жимжитлик ичидаги рўй берадиган ғайритабии ҳаракатларни ички ҳиссиёт билан сезди ва автоматини қучоқлаб ташқарига чиқди, ҳаммасини тушунди:

– Тревога! Тревога! Тревога! Уйғон ҳамманг! – деб бақирган кўйи автоматини осмонга қаратса ўт очди.

Қароргоҳда қиёмат қўпди: аскарлар бетартиб ҳолда даҳшат ва қўрқув ичидаги уйғондилар, кимдир бақирди, кимдир ингради, кимдир йиглади, кимдир қўлига тушган қуролни олди ва дуч келган тарафга қараб тепкини босди. “Қассоблар” эса ёғдан суғурилиб чиқсан қилдек чодирлардан чиқишида ва дашт ичига сингиб кетдилар.

Икки дақиқалик ғала-ғовур бирдан тинди, советлар қароргоҳида оҳвоҳдан бўлак ҳеч вақо қолмади; ўқдан тешилган чодирлар, чодирдан чиқиб ерга йиқилган ёш-ёш аскарлар, бўйни чала кесилган бошлар Шарқ томондан кўтарилиб келаётган қуёш ёруғида беҳад аянчли манзара касб этиб ётарди.

Командир ерга беихтиёр ўтирди. Икки қўлини икки чакасига қўйди. Бир муддат шу кўйда қолди-да, ўрнидан туриб юра бошлади: навбатчи ҳарбийларнинг ҳаммаси ўлган. Чодирлар йиртилган. Оёқ ости шилимшиқ қон.

“Бу жасад... Ким бу? Кеча мажлисда қатнашган зобит-ку! Бу-чи? Тошкентлик аскар-ку! Буниси-чи? Юзини қон шу қадар қоплабдики, таниб бўлмайди”.

Осмонда қузғунлар пайдо бўлди. Улар қон исини сезгани аниқ. Қароргоҳ тепасида улар қора булутдек айланди. Овозлари жуда хунук.

“Яшашдан қандай наф бор?”

Командирни туйқус умидсизлик қуршади. Умидсизлик сиртмоқ каби унинг томоғини чангллади ва бўға бошлади: у атрофга аланг-жаланг боқди. Хотирасига ўтган умри қуюндек ёпирилди: ёшлиги, Иккинчи жаҳон уруши энди тугаган вақт эди; отаси урушда ўлди; онаси урушдан ўн йил ўтиб бир ўқитувчига эрга тегди; у мактабни битирди, комсомол бўлди; армияга кетди, ҳарбийликни танлади; қасамёд қилди; “юлдузчалари” кўпайди; бутун умр

харбий буйруқлар учун яшади. Энди топгани шу бўлдими? Қани, қайноқ нутқлар? Қани, қонни жўштирган ҳиссиётлар? Қани, оламшумул шуҳрат?! Қани? Ҳеч нарса йўқ! Топгани шу – яйдоқ саҳро, ўлиб ётган бир бўлинма аскар! Кўнгилни оздирадиган ҳид! Нақадар рангсиз ҳаёт! Нақадар аччиқ қисмат! Яшашдан маъни борми? Йўқ, маъни йўқ! Хотини ажрашиб кетди, боласи мактабга боряпти, лекин отасини танимайди; хат ёзса, жавоб келмайди; ўзини нима учун бағишлаб яшади, ахир, у?! Энди бу жойдан соғ чиқиши мумкинми?! Соғ чиққани билан уни қандай истиқбол кутяпти?!

“Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон! Лаънат бўлсин!”

Командир нимага нима учун лаънат айттаётганини билмасди. У айбдорни излаб топа олмади. Ким айбдор? Партиями? Совет мудофаа вазирлигими? КГБми? Афғонларми? Тақдирми? Худоми? Худо йўқ-ку, ахир! Худо йўқ бўлса, ким айбдор унда? Шунчаки, туғилиб, шунчаки яшаб, шунчаки ўлиш – чексизлик ичида инсоннинг қисмати нақадар аччиқ! Чидаш мумкин эмас! Тоқат мумкин эмас! Ҳаммасига чек қўймоқ лозим. Тўхтатмоқ керак.

“Дунёнинг ўзи ёлғон. Дунё мен борлигим сабабли мавжуд. Мен ўлсам, ҳаммаси тугайди. Мендан кейин ҳеч нарсанинг мен учун қизиги қолмайди. Етар, бас!”

Командир гандираклади. Миясида ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Белидан тўппончани олди ва гарданига тираб, тепкини босди... Сараган қон ярим қадамлар атрофга сочилди. Бир сониядан сўнг девдай тана гурсиллаб кулади. Бу ҳолни ерда қон ичида ётиб қузатаётган бир аскар бор эди. У Умар Сайфуллин эди. У ўзи ичида бўлиб турган манзарадан бамисоли тахтага айланди. Командир ўзини ўзи отиб ташлаганини кўрдию, нафаси етмаётгандек, кўкси қисилди. Ғайришуурый бир тарзда оҳ тортиб юборди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Ҳумайро югуриб ҳовлига чиқди – Муҳаммад Толҳа осмонга қараб нимагадир қулоқ тутаётган экан:

– Ҳумайро, – деди у. – Фажрни ўқи. Бомба ташлайдиган учоқ учяпти осмонда. Намозни кечиктирма!

Ҳумайро таҳорат олгани сувга чопди. Шу пайт узокроқдан гумбурлаган товуш янгради, сўнг шарқ томон оппоқ бўлиб ёришиб кетди, уйнинг дераза ва эшиклари зириллади, ойналар синди, чироқ ўчди. Ҳумайро беихтиёр оёқлари чалишиб, ерга ўтириб қолди.

– Қўрқма, қўрқма, Ҳумайро! – Муҳаммад Толҳанинг овози келди. Ҳумайронинг қулоги шанғиллади. “Анас! Сумайя!” – фарзандларини эсладиу, ўрнидан қандай турди – ўзи сезмади. Уй ичига югарди. Ортидан қўлчироқ кўтарган Муҳаммад Толҳа кирди.

Ҳумайро болалари ётган ўринга қараб шошаркан, яланг оёғига ойна бўлаги санчилди. “Оҳ!” – деб юборди. Муҳаммад Толҳа ёритди: оёқ ости

майдаланган ойна синиқлари билан тўлганини кўрди. Ҳумайро девор тагида бир-бирининг пинжига кириб ўтирган болаларига талпинди.

Анас ўнга, Сумайя еттига тўлган. Иккисининг ажиб табиати бор: Анас ўйчан, болалар билан ўйнайди, югуради, лекин кўп гапирмайди. Кўп ҳолларда кулиб тураверади. Яқинда ўттиз пора Қуръонни ёд олиб тутгатди. Ҳумайро уни кўп имтиҳон қилди. Муҳаммад Толҳа ўғлининг бу ҳадясидан боши қўкка етди, мукофотига велосипед олиб берди. Боланинг оёғи эндинига велосипедга ўрганган эди.

Ҳумайро ўғилчасининг бир ҳолатини яхши билади: болакай қўрқса, бирор жойи оғриса, тишини тишига босади, лабини жуфтлайди ва жим ўтираверади. Қўрқса ҳам, оғриса ҳам оппоқ юзи қизариб кетади. Пешонасига ҳалқа-ҳалқа бўлиб тушган соchlарининг ости ҳам қизғиш тусга киради. Думдумалоқ ва мовий қўзларидан бир-икки томчи ёш юмалайди, лекин боладан “миқ” деган сас чиқмайди. Ҳумайро шундан қўрқади, “Анас, болажоним, чинқириб йиғла! Бошқа болалар каби ерни теп!” – дер эди, гоҳо.

Сумайя ҳам акаси билан бир вақтда Қуръонни хатм қилди, фақат у ёд олмади, ўқиб чиқди. Қуръонни тўла ва мукаммал, тажвидли ўқийдиган бўлди. Ёши еттида. Кўпчилик қизчанинг зеҳнидан ҳайратланади. Сумайядаги бироз эркали бор. Доим акасининг ўйинчоқларини ё емагини тортиб олади. Анас эса қизғанмайди: синглиси сўраса, бас, дарров узатади.

Анаснинг болалар ичида шовқин солганидан кўра ариқ бўйларида сувга, дараҳт танасидаги чумолилар карвонига ёки бирор мушук, кучукни эркалаб ўтирганига гувоҳ бўлиш мумкин. Унинг мушуги бор эди. Бир йил олдин дадаси олиб келди: қорнидаги узунчоқ оқни айтмаса, қоп-қора мушук Анасга жуда ёқди. Бир қарич ҳам келмайдиган жониворни қучоқлаб, сут берди, таомидан чиққан гўштларни чайнаб едирди, бағрига босиб ухлади. Мушукча ҳам ақлли чиқди: зарурат туғилса, ташқарига эшикни очиб йўл олади. Лекин қайтишда ёпишни билмайди. Ҳаво салқин эди, эшик очиқ қолиб, бола шамоллади. Ҳумайро мушукни бошқаларга бериб юбормоқчи эди, лекин иситма аралаш йўталаётган бола уни қучоғидан қўймади. Анаснинг ана шундай табиатли бола.

Ҳозир ҳам Анас синглисини қучиб, девор бурчагида нафасини чиқармай ўтирган экан. Ҳумайро болаларини қучоқлади. “Субҳаналлоҳ! Валҳамдуиллаҳ! Ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!” – дерди тинмай.

– Кетдик, чиқамиз, бўлди! – деди Муҳаммад Толҳа Ҳумайронинг қўлидан тутиб. Ҳумайро ўрнидан турди. Анас шу ерда ҳам мушугини унутмагани маълум бўлди: мушук унинг оёғининг тагида экан. Сумайянинг уйқуси энди очилди: қизча ҳиққилаб йиғлай бошлади. Муҳаммад Толҳа уни кўтариб, ёногини артди:

– Йиғлама, қизим! Қўрқма!

Отасининг хотиржам овози қизчага таскин бўлди. У тинчланди.

– Дада, намоз!.. – деди Анас. Муҳаммад Толҳа болакайга: “Хўп!” – деди ва Сумайяни ерга қўймай ташқарига чиқди, атрофга бироз қулоқ солди.

– Ўғлим, таҳорат ол! – деди.

...Оила жам бўлиб ибодатга турди. Суннат адосидан сўнг, фарз учун қўллар кўтарилиди. Таҳrima такбири айтилди. Муҳаммад Толҳа Роббиси қархисида хокисор туриб, “Фотиҳа”ни бошлади...

Фажрнинг икки ракат фарзини адо қилар экан, Муҳаммад Толҳа қалбан ҳам шошаётган эди, ҳам намозни хушуъсиз ўқий олмаслик ғамида эди. Ажабки, Аллоҳ унинг қалбига бир сакинат туширди. Намозни тугатиб, салом бергунича қалбини коплаган хотиржамлик нури унга ҳузур бағишилди.

Намоздан сўнг қўлларини кўтариб Роббисига ёлворди...

Дуо битгач, жойнамоздан турдилар.

– Ўтиргилар! – деди Муҳаммад Толҳа. Ҳумайро ва болалар оила бошлиғи қархисида итоаткорона ўтирилар. – Болаларим! Анас! Сумайя! Ҳеч қачон намозни фаромуш қилманг! Аллоҳга ибодат қилишни зинҳор унутманг! Бошингиз устидан ўқ ёғиб турса ҳам, бўғзингизга пичноқ тақалса ҳам, фарзни адо этиш фурсати кирса, бутун вужудингиз билан фарзни адо қилиш учун қайғуринг! Унутманг, болаларим! Биз давлат учун, мулк учун, бойлик учун, ҳатто, яшаш учун яшамаяпмиз. Биз Аллоҳга итоат қилиш, Аллоҳга ибодат қилиш учун яшамоқдамиз! Қалбимиз Аллоҳга шу қадар боғланса, Аллоҳ бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизга ташлаб қўймайди! Аллоҳга ҳеч кимни тенглаштирманг, Аллоҳни қўйиб, одамдан, ҳайвондан қўрқманг. Ўзингизни сақлаш учун, ал-Мусаббиб бўлган Зотга ҳурмат қўрсатиб, қочар экансиз, ўлимдан ё душмандан қўрққанингиз учун қочманг. Аллоҳдан қўрққанингиз учун, хорлик ва зиллатдан қутулиш учун қочинг. Муҳаббат ҳам Аллоҳ учун; шукур ҳам Аллоҳ учун, сабр ҳам Аллоҳ учун; душманлик ҳам Аллоҳ учун, дўстлик ҳам Аллоҳ учун! Анас, ўғлим! Сен ёш бола эмассан, Қуръон ҳофизи бўлдинг. Оиланинг эрисан, онанг ва синглингни ҳимоя қил! Унутма, ўғлим! Ўз аҳлини, ўз молини ҳимоя қилиб ўлган одам шаҳиддир! Биз ҳозир сафарга чиқамиз, насиҳатларим ёдингизда бўлсин. Ҳеч қачон қўрқманг. Ҳайиқманг. Ақлингизни йўқотманг. Аллоҳдан бир он ҳам узилманг. Биз Аллоҳга қайтгувчимиз!

Муҳаммад Толҳа шундай деди ва икки қўлини кўтариб, қисқа дуо қилди.

У кулранг “Жип” сотиб олган эди. “Жип”нинг ёқилғиси тўла, бир неча кунлик захира қилинган ва оиланинг керакли анжомлари ортилган. Аввал, Сумайя, кейин Анас ва Ҳумайро уловга ўтирилар. Муҳаммад Толҳа ҳам уларнинг ёнига чиқди. Қўлида қора матога ўралган нимадир бор эди. Матони очди: икки дона тўппонча. Ҳумайро ва болалар ҳайрон қарадилар.

– Учта тўппонча топдим. Бири менда. Ҳумайро, бирини сен ол. Анас, буниси сенга, – деди узатиб. – Ўқ мана бу ерда, – деб тўппонча қўндоғининг тагини суғурди ва ўқлашни, отишга тайёрлашни қўрсата бошлади. – Мен сизларга бу учун эҳтиёж бўлмайди, деб ўйлаган эдим. Лекин олаётган хабарларим хавотирли. Хавфсизлик сабабидан ҳимояга мажбурмиз. Тўппончани отишда қўндоғини қаттиқ ушланг. Нишонга карата, тепкини иккиланмай босинг. Фақат ўзингизни отиб қўйманг.

Мұхаммад Толқа түппонча билан ишлашни хотини ва ўғлига қисқача ўргатиб, ўзи рулга ўтди. Тинчлик ва осойишта ҳаётда ялло қилиб юрганлар бу дарсни ақлига сиғдира олмас, лекин ўқлар учиб турган шароитда ўта табиий ва зарурий иш эди бу. Қурол ишлатишни билмай ўзини отиб қўйиш хавфидан кўра душман қўлида ўлиб кетиш ачинарлироқ, зотан.

Мұхаммад Толқа “Жип”ни катта қўчага ҳайдади.

Субҳ ёришди. Куёш қизил эди. Худди қон каби қип-қизил, ол, алвон эди қуёш.

Маядин кўчалари бузилган арининг уясидек ғувиллайди. Одамлар хар ёққа шошади. Қуролланмаган бирор одам кўринмайди. Ҳатто, жиход жамоалари ўз воизлари қошида йиғилиб турганларини кўриш мумкин.

Куёш бир терак бўйи кўтарилиганда Мұхаммад Толқанинг улови Маядиндан чиқди. Ҳижратга отланганлар хийла кўп: ҳар доим бўш бўладиган катта қўчада уловлар сезиларли тирбандлашган.

Тез юриш имконсиз – йўл нотекис. Яқин-орада соатлар оралаб шу атрофга тушаётган бомбалар, портлаётган снарядлар тўлқини зарбидан йўлларда, биноларда, балки қалбларда ҳам дарз пайдо бўлаётир.

Хумайро ич-ичдан бу ҳижрат хавфнинг айни қучогида кечишини билиб турган эди. Биргина бомба ё бошқа портлатгич уларнинг кулини кўкка совуриши, натижада, бу оила Ер юзида аввал бўлмагандек йўқликка юз тутиши ҳеч гап эмас. Улар йўқлик билан юзма-юз эдилар. Мұхаммад Толқа ҳам, Ҳумайро ҳам, ҳатто, Анас ва кичик Сумайя ҳам йўқликнинг нафасини сезишар, бу нафас уларнинг юзини енгил насим каби силаб ўтаётган эди айни пайт. Лекин фавқулодда уларнинг ҳаммаси хотиржам эди. Худди боғ сайри учун сафарга чиққандек эдилар. Аллоҳ уларнинг қалбидан қўркувни кўтариб қўйган эди, зотан.

Икки соатча йўл босдилар.

Сумайя паст овозда, уловнинг юришига монанд чайқалиб “Бақара”ни ўқирди. Унинг саси болаларини маст қилди: иккиси ҳам ухлаб қолишиди. Улар оламда бўлаётган қирғинни унутдилару, уйкуга чўмдилар. Бу жуда гўзал уйку эди. Мұхаммад Толқа завжасининг тиловатини тинглаган кўйи кўзлари йўлда, теваракдаги ҳар бир ҳаракатни бургутдек кузатиб борарди.

Атроф бийдий дашт. Даشت тугади ва узокдан уйлар кўринди. Бу улар кесиб ўтиши керак бўлган шаҳар. Уруш шаҳардан сал узокда бошлангани учун бу ер осойиштароқ.

Шаҳарга кириш нуқтасида бир неча ўн уловлар қаторлашган: қандайдир назорат. Назорат нуқтасида Америка байроғи ҳилпирайти.

“Америкаликлар?!” – шу хаёл Мұхаммад Толқанинг хаёлидан “йилт” этиб ўтди.

Америка қўшини бу шаҳарни назоратга олган, кирувчи ва чиқувчиларни синчиклаб текширмоқдалар. Ўн дақиқада Мұхаммад Толқа текширувчи зобитлар қаршисига бориб тўхтади. Текширувчи баланд бўйли, кенг елкали америкалик аскар экани кўрга ҳам маълум.

– Ҳужжатлар! – деди қўполлик билан у. Муҳаммад Толҳа уловни кечадан сотиб олган, ҳужжатни расмийлаштиришга улгурмаган эди. Шунинг учун ўз фуқаролик ҳужжатини берди. Аскар расмга, Муҳаммад Толҳага диққат билан қаради.

– Орқадаги ким? – сўради аскар яна. Муҳаммад Толҳанинг инглиз тилидан хабари бор, табиий.

– Хотиним, болаларим, – деди хотиржам.

– Уларнинг ҳужжатлари! – сўради аскар. Муҳаммад Толҳа энсаси қотди:

– Менинг оилам, ҳужжат шарт эмас! – деди овозини кўтариб.

– Ҳужжат шарт эмас?! – деди аскар қутурган ит каби ириллаб. – Балки сен террористдирсан! Бу бечора аёлни ўғирлаб кетаётгандирсан!

– Эсинг жойидами, аскар? – деди Муҳаммад Толҳа. – Бизни қўйиб юбор, тинч кетишимиз учун кетайлик. Мен террорист эмасман.

– Буни биз аниқлаймиз, – деди аскар ва орқасига қараб бақирди. – Мана бу ерда шубҳали шахс! Машинасида аёл ва болалар! Лекин ҳужжатлари йўқ!

Шуни кутиб тургандек улов атрофида автомат кўтарган, юzlари ниқобли саккиз ҳарбий пайдо бўлди. Бояги аскар ҳам ортга чекинди ва белидан тўппонча олиб ўқталди:

– Уловдан туш, террорист! Туш!

– Учгача санайман! Туш машинадан! – деди яна бир ва бақириб санай бошлиди: – Бир! Икки!..

Ҳумайро қўрқиб кетди. Болалар уйғонди. Сумайя ҳиққилаб йиглади. Анас қўзларини катта-катта очиб, қурол ўқталганларга қаради. Муҳаммад Толҳа:

– Аллоҳга омонат бўлинглар! Тезда қайтаман, иншаАллоҳ! – деди-да, улов эшигини очиб, ерга тушди ва қўлларини кўтарди. Шу ондаёқ уни ерга йиқитиб, қўлларини кишанлашди.

– Муҳаммад Толҳа! – деб қичқириб юборди уни бу ахволда қўрган Ҳумайро. Эҳтимол, бу унинг умрида илк бора шу қадар баланд овозда ҳайқирган бўлса, не ажаб. Муҳаммад Толҳанинг оёқларини ерга тегизмай судраб қандайдир ҳарбий машинанинг тўрт томони ёпиқ юкхонасига улоқтиридилар. Ҳумайро қотиб қолди, лекин ўзини қўлга олди ва эшикни очиш учун қўл узатган эди, зобитлардан бири ундан аввал эшик дастасини тортди:

– Эй хотин! – деди у. – Йиғлама! Овоз чиқарма!

Ҳумайро беихтиёр сумкасига солиб қўйгани – тўппончага қўл узатди, бироқ ўзини босди.

Зобит эшикни ёпди ва уловни айланиб ўтиб, чамбаракка ўтирди. Уловни ўт олдирди ва эллик қадамлар ҳайдади. Чегара нуқтасидан ичкари кирди. Ўнг томонда катта майдон бор экан. Бир неча машиналар жойланган. Шу ерда тўхтатди ва:

– Қочишни хаёлингга келтирма! – деб Ҳумайрога таҳдид қилди ва уловдан тушди.

Америка аскари ўн қадам йироқлашгани ҳамон Ҳумайро эри ўтирган ўринга бокди: түппонча қани? Ҳа, мана, улов ўринидиги тагида экан. Аёл куролни олди ва уни ҳам сумкасига солди.

– Кўрқманглар, болаларим, – деди у ўғли ва қизчасини қучиб. – Қочамиз!

Туйқус Ҳумайро дадил эди. У фитратий бир шижаат ва ва ички бир хоҳиш билан тезда уловдан тушиши ва қочиши кераклигини, бу он заифлик ва қўрқув они эмаслигини англади. Шошмай улов эшигини очди, бошини этган кўйи тушди. Қўлидаги ихчам сумкада пул, ҳужжат, қурол.

Ҳумайро улов панасига беркиниб бошини эгди. У Мұхаммад Толҳа олиб чиқилган уловга қаради: у ерда икки аскар тамаки тутатиб турибди. Имиллаш мумкин эмас: шаҳар ичидағи маҳаллаларга кириб кетиш керак. У ҳеч ким уловмайдонга қарамаётганига ишонч ҳосил қилгач, икки боласининг қўлидан тутди ва деярли югуриб уловмайдондан чиқди.

Катта қўчанинг икки ёнида ҳар хил бинолар, уйлар. Деворларга араб ва инглиз тилида баланпарвоз шиорлар ёзилган. Шиорлар қандайдир баҳт ва озодлик ваъда қиласди. Йўл ёқасидаги пиёдалар йўлакчасида ҳеч ким кўринмади. Ҳумайро болалари билан йўлакчага ўтди ва тезлашди. Аzon овоз янгради. Пешин. Сал нарида ўнгда бир қўча борлиги кўринди. Ҳумайро шу қўчага кириб олиши кераклигини фаҳмлади.

Қўчага бурилган эдики, қаршисида яна бир америка аскари чиқди. Аёл чўчиб, “Вой!” – деди ю, орқага икки қадам босди. Болалар онасининг оёғини қучоқлашди. Аскар ичиб олган, ширакайф экани сезилди. У бошдан оёқ қорага бурканиб, кўзлари устига ҳам қора тўр тутиб олган аёлга қараб, бирдан тўхтади. Секин яқинлашди.

– Нега қўрқдинг? – деди паст овозда. Ҳумайро ўнг томонга қочмоқчи бўлди, аскар унинг йўлини тўсди. – Тўхта, қаёққа, жонидан?

Ҳумайро инглиз тилини яхши ўрганган. У аскарнинг нима деганини яхши идрок этди, айниқса, охирги жумла уни қаттиқ ғазабга солди. Ичидан нимадир титради ва у сумкасидан тезлик билан түппончани олди ва икки қўллаб аскарга қаратди, бор кучи билан тепкини босди. Ҳумайро илк марта курол ишлатди, таажжубки, түппончанинг овози баланд чиқса ҳам, ўқ чиққач, қўлдан отилиб кетгудек бир силтанса ҳам, аёл ўзини йўқотмади. Аскар қаршисидаги хотиннинг түппонча олиб, сумкасини ерга улоқтириб, унга қарата тепкини босишигача бўлган жараённи англаб улгурмай, нақ юрагига қадалган қўрғошин унинг ҳаётига нуқта қўйди: орқага йиқилди, боши йўл четидаги қувурга урилди, ҳатто, питирламади, жимиб қолди. Лекин ўқнинг овози атрофдаги ҳамманинг қулоғига етди.

Ҳумайро боя ғайришуурый бир тарзда отиб юборган сумкачасини олди, куролини унга жойлади ва қотиб турган болаларининг қўлидан тутиб, югарди. Юз қадамлардан кейин уйлар ғариблашди: бироз ҳашамдор уйлар қўчанинг бўйига қурилган экан. Ўнг томондан қандайдир қўча чиқди, Ҳумайро ўзини шу қўчага урди.

Орқасидан элас-элас американча сўкиниш ва автоматнинг тариллагани эшитилди. Ҳумайронинг ортга қарашга вақти йўқ, у фақат югуриши керак! Аёлнинг нафаси тиқилди. Оёқларидан мадор қочаётганини ҳис қилди. Баланд-паст, сувалган-сувалмаган, оқланган-оқланмаган, ғиштин-гувала деворлар ёнидан қочиб бораркан, тўсатдан эшикларидан бири очилди. Қари бир кампир нима учундир ташқарига чиқсан эди, у ўзи томон кимдантир қочиб келаётган аёлни кўрди ва:

– Ҳой, қизим, ичкари кир! – деди. Ҳумайро кампирнинг нима деганини англамаса ҳам, унинг ичкарига таклиф қилаётганини сезиб, ўзини ҳовли ичига олди. Кампир дархол эшикни ёпди, зулфинни туширди – қулфлади. Ҳумайро кирган ҳовли тор эди, бироқ ҳовлида тут, тут тагида супа бор экан. У супага ўтириб, ҳансираф нафас ола бошлади. Кампир унга қаради ва бу ерда ўтиришни хавфли деб билди:

– Қизим, тезда уйга кир! Агар сени қувиб келаётган бўлсалар, ҳовлига мўралашлари мумкин!

Ҳумайро кампирга сўзсиз эргашди, уйга кирди: даҳлиз ва яна икки камтаргина хона бор экан. Хоналарда бирор безак йўқ, ерга шолча тўшалган, кўрпа, лавҳ. Деворга ўйилган токчада Қуръон.

Ҳумайро ўтириб нафас ростлади. Кампир сув кўтариб кирди.

– Вой қизим-а, юкли экансан-ку! Сувдан ич! – деди.

Ҳумайро “Бисмиллаҳ!” деб пичирлаб сувдан бир ҳўплади, кампир чўкка тушиб ўтириб олган Анас ва Сумайяга ҳам сув ичирди. Кейин Ҳумайрога юзланди:

– Нима бўлди, қизим?

Ҳумайро оғиз жуфтлаган эдики, ташқаридан эшикнинг гурсиллаб урилгани қулоққа чалинди. Кампир чиқди. Бориб кўча эшигини очди. Ёш инглиз аскари қаршисида мункиллаган ва ҳассага таянган кампирни кўрдию, ортга бурилди. Кампир эшикни қайта ёпиб, уйга кирди.

– Ҳомиланг неча ойлик? – деди Ҳумайронинг қаршисига ўтириб.

– Олти ойлик...

– Аллоҳ омон қилсин! – деди кампир.

Ҳумайро кампирнинг уйида қолди.

– Нима бўлаётганини мен билмайман, – деди кампир. – Кофиirlарнинг лашкари шаҳrimизни ҳаром қилди. Бизнинг давлат нега уларни киритди, ҳайронман. Оҳимизни эшитадиган бу оламда ҳеч ким йўқ, қизим. Аллоҳга дуо қилиб ўтирибмиз. Қўшнилар билан гаплашгани юрагинг безиллайди. Ҳар сафар бир шумхабар! Бу инглизлар бировнинг қизини ўғирлайди, бировни отади, бировни зўрлайди, бировнинг уловини тортиб олади! Улар шаҳарда беш ойки, хоҳлаган ишини қилиб юрибди. Аллоҳ бу кофиirlарни хор қилсин! Сен анави итни отиб тўғри қилгансан! Бизнинг мужоҳидларимиз қаерда қолди! Қачон кофиirlарнинг ақлини киритиб қўйишаркан!

Кампирнинг гаплари телба-тескари чиқишини Ҳумайро кечга бориб пайқаб қолди. Кекса аёлнинг ақли заифроқ эди. Зарурий эҳтиёжларни

тушунади, ҳар бир ишини түгри бажаради, дилозорлик қилмайди, лекин гапсұzlари соғлом одамницидан бошқача. Гаплари ёлғон ёки чинлигини ажратиши қийин. Унинг телбалигини маҳалласидаги ҳамма билади.

Шомдан кейин кимдир таом келтирди. Ичкарига кириб, уйингизни тозалаб берай, деди. Кампир уни эшик тагидан ҳайдади.

– Уйимга кирмайсан! Кирсанг, овқатинг билан бошингга соламан! – деди. Келган одам кирмади. Кампир овқатни күтариб келди. Дастанхонга қўйди.

– Еб олинглар! – деди меҳрибонлик билан. – Кўшним. Киритмадим. Ҳозир одамларга ишонч йўқ. Америкаликлар доллар кўрсатса, сени сотиб юбормасин!

Кампир хуфтонни сидқидилдан ўқиди. Кейин тезда ухлаб қолди.

Хумайро ҳовлини айланди, шароити билан танишди: эски ўчоқ, қозон. Камтарон таҳоратхона. Деворлар кўчган. Қувурдан сув жилдираб оқади.

Анас ва Сумайя кампирнинг пинжига кириб ухлаб қолишиди. Хумайро даҳлизда ўтириб, лавҳга Қуръонни қўйди, Каҳфни ўқиди. Дажжол фитнасига йўлиқмаслик учун Аллоҳдан паноҳ тиланди. Эрининг ҳақига йиғлаб дуо қилди. Сўнг ичкари кирди, бир қаватли юпқа тўшакка ёнбошлаб, кўзини юмди. Бугун бошидан ўтказгани воқеаларни ўйлади... Қалби хотиржам, хавотирдан холи эди.

Кечанинг икки қисми ўтгач, ўз-ўзидан уйғонди. Болалари, мезбон кампир уйқуда. Ташқарига қулоқ тутди. Ўрнидан туриб ўтириди. “Ўлим ўйқусидан тирилтирган Аллоҳга ҳамд! Ўзинг кунимни ибодатинг ва рози бўладиган амаллар ила ўтказ!” – деб дуо ўқиди.

Таҳорат олиб, таҳажжуд ўқиди. Зикрга чўмди. Осмонда учоқлар учарди, бир марта гумбурлаган товуш ҳам келди; инглиз аскарларининг ҳам гапирганлари ҳавода учиб юргандек эди. Лекин зикр гўё қанотли фаришта қиёфасига кириб, унинг қўлларидан тутди ва бу талотум дунёдан ҳаловат оламига олиб чиқди.

Фажр азони янгради.

Хумайро кампирни уйғотди. Кампир уйғонгиси келмаётган ёш боладек ғингшиди.

– Фажр вақти, эй она! – деди пичирлаб Хумайро.

Кампир “ярқ” этиб қўзларини очди ва тезда ўтириб олди.

– Фажр? Субҳаналлоҳ! – деди ю, ўрнидан турди.

Хумайро болаларини ҳам уйғотди.

Намозни адо этдилар.

Бир ойлар ўтди. Хумайронинг вужуди оғир эди. Олти ой давомида ҳомиласининг бирор мاشақкатини сезмади, бироқ не ажабки, охирги бир ойда ўзини беҳад оғир сезди. Бир куни тонгга яқин аччиқ оғриқдан уйғонди. Терга ботган эди. Унинг ингрофидан кампир ҳам турди. Чироқни ёқди.

– Аллоҳ-Аллоҳ! Аллоҳ сени асрасин! Боланг туғилмоқчи! Ҳали вақт бор эмасми? – деди.

Хумайронинг жавоб беришга мажоли йўқ эди. Оғриқ изтироби кўзининг ичидаги ёшларни ташқарига қуя бошлади.

– Кўрқма! Иншиқоқ сурасини ўқи! Мен жуда тажрибали дояман!

Хумайро кампирнинг нима деб гапираётганини унча тушунмаса-да, Иншиқоқни ўқи деганини илғади. Ғужанак бўлиб олиб, Иншиқоқ сурасини пичирлай бошлади.

...Кампир дояман, деганида тўғри айтган, шекилли, Хумайронинг кўзи осон ёриди. Туғруқолда бўлган азоб нақадар шиддатли кечган бўлса, боланинг дунёга келиши шу қадар енгил ўтди. Хумайро чақалоқнинг йиғисидан унинг туғилганини билди. Кампир унинг киндигини кесди, матога ўради ва дарҳол онанинг кўкрагига қўйди...

Хумайро уч кун ётди. Тура олмади. Кампир эса унинг хизматини қилди. Гарчи кекса аёлнинг эси кирди-чиқди, гапи ўнг-терс бўлишига қарамай, бирор ишда хатога йўл қўймади. Хумайро ҳам она каби меҳр кўрсатаётган бу аёлнинг ақли заифлигини ёддан чиқарди. Унинг хаёлида бу кампир каби яқин инсон йўқ эди дунёда.

Уч кундан сўнг Хумайро ўрнидан турди, кампир ҳар куни уйидаги қора ундан атала тайёрлаб берди. Хумайро ўғил кўрган эди. Ўғлига нима исм қўйишни билмасди.

Анас укасини туғилган куниёқ қўлига олди. Кўтарди.

– Ойи, – деди у худди катта одамлардек. – Укамга Сайд дея исм қўйайлик!

– Сайд... – деди ҳорғин жилмайиб Хумайро. – Хўп, ўғлим.

Анас укасини қучоқлаб ўнг қулоғига шивирлаб аzon, чап қулоғига эса такбир айтди. Сўнг:

– Эй менинг укам! – деди кўзларини юмиб, бир парчагина бўлиб ухлаб ётган бегуноҳ гўдакка қараб. – Сенинг исминг Сайд ибн Муҳаммад Толҳа!

Анаснинг эгнида кулранг қўйлакча, узун – тиззасига тушади, соchlари яқин-орада олинмагани – ўсиб елкасигача тушган, ҳатто, қулоқларини ёпган. Қоп-қора соchlар ичидаги оппоқ юзи тунда порлаган ойга ўхшайди. Пешонасига тушган жингалалар орасидан кўриниб турган оқ жойлари гўё юлдузлар. Беғубор болакайнинг чақалоқ укасига азону такбир айтиб, исм бериши уни Хумайронинг наздида янада гўзаллаштириб, янада нурлантириб юборди. Беихтиёр қалбидан “Алҳамдулилаҳ!” деди.

Янги меҳмоннинг ташрифидан тўрт кун ўтиб, бешинчи кун эшикдан бешта инглиз аскари бостириб кирди. Уларнинг нима қидираётгани номаълум. Негадир ҳовлининг ҳар бурчагига данак йўқотган жиннидек аланг-жаланг қилар эдилар. Кампир уларнинг қучоқлаб, бир ёнида Анас, иккинчи ёнида эса Сумайя билан ўтиради. Сайдни тиззаси устига ўй ичидан учиб чиқди.

– Ҳой, менинг уйимда нима бор? Кетинглар! – деб битта гапни такрорлайверди. Аскарлар унга эътибор беришмади. Кейин уйнинг ичига юришди. Уй ичидаги эса... Хумайро тўрда Сайдни қучоқлаб, бир ёнида Анас, иккинчи ёнида эса Сумайя билан ўтиради. Сайдни тиззаси устига ўтқизиб,

тепкисига бармоғини қўйгани – ўқли тўппончани тиззаси устига ёпилган кўрпанинг остида маҳкам чангллаган эди.

Кампир эшик олдига туриб қўлини икки ёқقا чўзди:

– Сенларни уйим киритмайман! Кет, ҳамманг!

Аскарлардан бири юзини ижирганиб четга бурди ва қўлини мушт қилиб, бор кучи билан кампирнинг жағига урди. Кампир “ҳиқ” деган овозни чиқариб, остонаяга сулайиб йиқилди. Иккита аскар уни судраб четга олиб қўйди ва учтаси ичкарига кирди. Улар уй тўрида қоп-қора чодра ичида, кўзлари устига ҳам қора тўр тортган аёлни ўтирганини кўрдилар.

– Ия, кампир мана буни ҳимоя қилиби-ку! – деди аскарларнинг биттаси.

– Бу ёшроқ, шекилли! – деди иккинчиси.

– Ҳозир юзини очаман! – деб учинчи Ҳумайронинг устига бостириб борди. Ҳумайро “Now I will open her face!” – инглизча жумлани жуда яхши тушунди ва тўппончани кўрпа остидан чиқарди, ўзига қараб келаётган аскарга қаратса тепкини икки марта кетма-кет босди. Биринчи ўқ аскарнинг сонига тегди. Иккинчиси эса тегмади. У ихраб тиззалаб қолди ва сўкинди. Қолган тўртта аскар эса қутурди. Оч бўридек Ҳумайронинг устига отилдилар. Ҳумайро улар ҳам ўқ узишга ҳаракат қилди. Лекин бир зумда унинг қўлини қайириб, ташқарига судрадилар. Сайд бифиллаб йиғлади. Анас ҳам отаси берган тўппонча билан аскарларга қаратса ўқ отди. Лекин ўқлар тегмади. Бир аскар боланинг юзига шапалоқ урди. Анаснинг кўзи тиниб, ерга йиқилди.

Ҳумайрони судраётган аскар уни ҳовли ўртасига силтаб улоқтириди. Уйнинг девори тагида кампир ҳамон бехуш ётарди. Лабидан қоп-қора қон сизиб чиқаётган эди унинг.

Ҳумайро бир амаллаб ўрнидан турди. Юзини шошиб беркитди. Оёғи яралангани билан жами тўртта америкалик Ҳумайронинг қаршисига тизилдилар.

– Эй хотин! – деди бири. – Бундан бир ойлар аввал бир аёл қўлимиздан қочди. Устига устак, бир аскаримизни отиб кетган. Бу сен эмасмисан?

– Нега тергов қиляпсан? – деди иккинчисига унга қараб. – Қўлимизда турибди, тайёр. Ишни битирайлик-да, кетайлик.

– Аёл зотини кўрмагандек, шошилма! – деб жеркиди бошқаси. – Қаёққа шошасан! Балки, у ўз ихтиёри билан бизга қўшилар!

Аскарлар хоҳолашди.

Ҳумайро ёшли кўзларини самога тикди. Қалби парча чўғдек қизиди.

“Роббим! Ёрдам бер! Роббим! Ўз ҳолимга ташлама! Роббим, ёрдам бер!”

– Сен жуда жасур экансан. Ҳатто, қурол ишлатар экансан!

– Қайсар байталлар жоннинг хузури!

– Хўп, десанг, биз билан бўл! Кейин биз билан юр. Бўлинмамиз ичида қоласан. Сени Европа ё Америкага чиқариб юборамиз. Ислом жангариларидан кўрган азобларингни айтиб берсанг, бас!

- Катта нарса ваъда қилма! – эътиroz билдири бошқа аскар унга.
- Бундан осони борми? Шунчаки, бизнинг кўнглилизни хуш қил! Биз гурух бўлиб ишлашни севамиз! – давом этди буниси эътирозга эътибор бермай.
- Сиз мусулмонларга ҳам бу маданиятни етказсак, деймиз!
- Хумайронинг тоқати тоқ бўла бошлади. Уй ичидан Сайднинг йифиси янада баландлади.
- Бу кўнмаяпти-ку!
- Балки тилимизни тушунмас!
- Биз эса арабчани билмаймиз-ку!
- Зўр йўли бор! – деди бошқаси. – Чақалоқни олиб чиқ! Ҳаммасига кўнади!
- Тўхта! – деди ҳайқириб Ҳумайро. Уйга кираётган аскар тўхтади.
- Бу инглизчани билар экан! – деди бошқаси. – Айни муддао! Қани, хоним, сўзланг! Очиқ савдо: бизга танангизни берасиз, биз сизга болангизни, ҳаётингизни ва эркингизни берамиз. Тахминан икки ойларда сизни Ислом терористларидан, Сурия армияси аскарларидан жабр кўрган аёл ўлароқ дунёга танитамиз. Камера қаршисида бечораҳол бўлиб йифлаб берасиз. Икки ой ичидаги аскарларимизнинг кўнглини хушлайсиз. Бунинг сира ёмон томони йўқ.
- Мени ҳам, болаларимни ҳам от! – деди Ҳумайро. – Кўз ўнгимда болаларимни ўлдир, кейин мени! Лекин сенинг бу таклифингга зинҳор рози бўлмасман!
- Америка аскарлари аёлнинг шиддат билан ва инглиз тилида бу қадар равон сўзлашидан ҳайратга тушдилар.
- Жуда қўрқмас аёл экансан! Лекин бу гапларингни турклар ё хитойликларнинг бадиий фильмларида суратга тушганингда айтасан. Бизга ўйин қилма! – деди улардан бири.
- Агар йўқ, десанг, нима бўлишини биласанми? Аввал сендан баҳраманд бўламиз, қолаверса, биз болалардан ҳам роҳатланишни биламиз. Ҳаммасига гувоҳ бўласан. Кейин битта-битта итдай отиб ташлаймиз.
- Ундей қилмаймиз, бу енгил. Мана бундай қилсак-чи! Болалардан лаззатланамиз, кейин уларни шу ернинг ўзида тириклиайн ёқиб юборамиз. Кейин аёлнинг ўзига навбат келади.
- Бу анча мантиқли таклиф! – деб маъқуллади ҳаммаси.
- Аллоҳ сенларга кифоя қилсин! Аллоҳ бизни ташлаб қўймайди! – деди Ҳумайро бор овози билан. Ва икки қўлини осмонга кўтариб, ҳайқири: – Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ! Ё Аллоҳ!
- Ҳумайро тинмай “Ё Аллоҳ!” деяверди, унинг бу саси осмондан келаётган гулдиракка қоришиб кетди: қандайдир ҳарбий учоқ соя солиб ўтди. Уни америка аскарлари таниди, шекилли, қий-чув қилиб юборишиди, қўлларидаги қуролни ҳам унутиб, ўзларини ерга отдила. Бу бежиз эмас экан, чунки осмонни бундай учоқлар тўлдириб юборди. Инглиз аскарлари эса

сирланган товоқقا тушиб, мушукдан қочаётган сичқонлардек ердан у ёқдан бу ёққа юмалашар, бир-бирларининг устига чиқиб, тушишарди.

Хумайрода уларга эътибор бермоқ учун вақт йўқ, уй ичига югурди. Анас ўзига келиб, укаси Сайдни қўтариб олибди. Сумайя эса киприкларини пирпиратиб, акасининг пинжида.

Хумайро Сайдни қўтарди, Анас ва Сумайяни эргаштириб, ташқарига чопди. Айни шу дамда атрофга бомба ёғила бошлади. Кетма-кет бўлаётган гумбурлаш қулоқларни батанг қилди, тўлқинлар зарбидан ойналар синди, деворлар қулади. Хумайро чиқиши билан уйнинг орқа томондаги девор йиқилди.

Кампирни ташлаб кетиш мумкин эмас! Хумайро чанг-тўзон ичида кампир томонга талпинди. Бироқ... кекса аёлда тириклик аломатлари йўқ! Унинг жони узилибди!

Энди бу ерда қолиш мумкин эмас. Хумайро ҳовлига қарадио, гувала деворларнинг ерда сочилиб кетганини кўрди. Америка аскарлари дуч келган томонга тирақайлаётганини аранг илғаб қолди.

Аёл нима қиласини билмай кўчага югурди. Ҳавода ғувиллаб юрган учоқлар америкаликларнинг қароргоҳларини мўлжалга олаётган эди, аслида. У ерда бўлаётган портлашлар эса бутун шаҳарни ларзага солмоқда.

“Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!” – деган кўйи Хумайро кўчага чиқиб, тўхтаб қолди.

Беш дақиқада бомбалаш тўхтади. Бироқ атрофдаги аксар уйлар қулаг, маҳалла хароба тусига кирди. Гумбурлаш тиниши билан чинқирган, йиғлаган овозлар эшитила бошлади. Қаердадир итлар улиди. Еру осмон қуюқ чанг ва тутунга тўлди. Хумайро йўталди. Этагидан ушлаб олган икки боласига бир парчадан мато узатиб, оғиз-бурнингизни ёпинг, деди. Ўзи эса Сайднинг оғзи ва бурнини авайлаб беркитди.

Улар жойларида қимиirlамай туриб қолдилар. Йигирма дақиқаларда чанг ва тутун тарқалди. Қуёш кўринди. Йўлда турли уловларда юзларини рўмол билан ёпган, қўлларида автомат тутган ва соқоллари юзини қоплаб, соchlари бўйнигача тушган жангарилар кўринди. Улар ғалаба билан шаҳарга кириб келаётган эдилар. Қўлларини баланд қўтариб, “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” – деб ҳайқирадилар.

Шундай уловдагилардан бири Хумайрони йўл четида қотиб турганини кўриб, қўли билан у томонга ишора қилди. Улов Хумайронинг олдига келиб тўхтади. Қўли билан ишора қилган одам Хумайрога яқинлашди, қизил думалоқ гулли мато беркитган юзини очди:

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ! Муслима синглим! – деди мулойим овозда. Жангарининг соқол қоплаган юзи меҳрибон табассумли эди.
– Уйингиз борми? Кимингиз бор? Нима учун кўчадасиз?

Қўлида автомат тутган ва келбатли бу йигитнинг шафқатли саси ва ўзгача салобати бор эди, унинг гапириши бу ернинг лаҗжасида, балки,

умуман, кенг тарқалган араб шеваларида эмас эди, у мумтоз тилда, ҳар бир харакат ва маҳражни ўз ўрнига қўйиб гапирав эди.

– Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ! – деди Ҳумайро кўзини ерга тикиб. – Биз бироз зулм кўрдик. На уйимиз, на молимиз йўқ! Аллоҳдан бўлак ҳеч кимимиз ва ҳеч нарсамиз йўқ!

– Аллоҳ ҳаммамиз учун энг буюк ва ишончли Вакийлдир! Аллоҳу акбар!
– деди жангари. – Ижозат берсангиз, Аллоҳнинг изни билан Сизга қўмак берсам...

– Аллоҳ рози бўлсин! – деди Ҳумайро дарҳол. – Эримни америкаликлар бир ой аввал асир олган эдилар. Кофирлар ўзлари ўрнатган анави чегарада эримнинг қўлларини қайриб кетишиди. Ҳозир у шу атрофда бирор жойда бўлса керак. Исми Муҳаммад Толҳа. Менинг исмим Ҳумайро. Маядинданмиз. Ўғлим Анас ва қизим Сумайя. Қўлимдаги боламни бир ҳафта олдин дунёга келтиридим. Исми Сайд. Эримни топишга ёрдам беринг! Аллоҳим Сизни бу ишга сабабчи этсин!

Жангари Ҳумайронинг гапларини диққат билан эшилди ва эслаб қолди:

– Сиз Ҳумайро, эрингиз Муҳаммад Толҳа, Маядиндан келдингизлар. Фарзандларингиз Анас, Сумайя ва Сайд. Жуда соз. Мен суриштириб қўраман. Сизни мана бу уловда сокинроқ бир жойга элтадилар. У ерда муслима опа-сингилларимиз Сизни парваришлийдилар, иншаАллоҳ. Дарвоқе, менинг исмим Сайфуллоҳ. Биз Ислом учун қурашга чиққанларданмиз. Араб эмасман, ажамман. Ажам юртлардан келганман. Сизни элтажак жойимизда ҳар ким қўмакка шай, – Сайфуллоҳ шундай деб уловдагилар қаради: – Тушинглар. Биз бу ерларни текширамиз. Юсуф, сен муслима опамизни байтул унсга олиб бор! Кейин ўзинг у ердан биродарларни олиб кел!

Ҳумайро болалари билан уловга чиқди. Юсуф ўрта бўйли йигит экан, у ҳам юзини қора мато билан тўсиб олган. Улов ўт олганда Сайфуллоҳ ташқаридан туриб, фақат Ҳумайро эшита оладиган қилиб савол берди:

– Кечирасиз, опа, бир савол сўрайман, айбламайсиз, иншаАллоҳ. Маядиндан нега кетдингиз? У ерда кофирлар йўқ эди-ку!.. У ер бугун мусулмонлар буткул қўлида!

Ҳумайро дарҳол жавоб берди:

– Бу эримнинг қарори. У билмаса, бирор иш қилмайди.
– МашааАллоҳ! – деди Сайфуллоҳ кулиб. Сўнг Юсуфга буюрди. – Ҳайда!

Улов шаҳарни кесиб ўта бошлади.

Ярим соатлардан кейин шаҳарнинг ғарбий чекасига бориб тўхтади. Кўчага чодирлар тикилган, ташқарида болалар ўйнар, одам кўп. Уларнинг барчасида қурол – қайсиидир жиҳод жамоасига мансуб эканликлари аниқ эди.

Ҳумайрони ёши улуғроқ бир аёл кутиб олди.

– Биз Аллоҳ учун ўзимизни бахшида қилганмиз, – деди аёл Ҳумайрони бошлаб бораркан. – Биз мужоҳид ва мужоҳидалармиз. Эрларимизга эргашдик. Исломнинг қадимий юртларини кофирлар, тоғутлар қўлидан

кутқариб, Аллоҳнинг динини олий қилмоқ мақсадимиз. Бу йўлда ўлмоқ – мақсадимиз, коғирлар жонини олмоқ – шарафимиздир, иншаАллоҳ. Биз араб ва ажамни фарқламасмиз. Биз учун инсонлар ё муслим, ё куффор! Вассалом! Шу чоққача юзлаб жиҳодларга кирдиқ, юзлаб шахидлар бердиқ, юзлаб мушрик ва тоғутларни ўлимга жўнатдиқ, Алҳамдулилаҳ. Аллоҳ ўз динига нусрат ёғдирмоқда. Ер юзини, албатта, Ислом забт этажак!

Улар бир чодир қархисига келиб тўхтадилар.

– Бу чодир Сиз ва болаларингиз учун, Ҳумайро, – деди аёл. – Қандай камчилик бўлса, чақиринг, дарҳол етиб келаман. Сизга ҳали қўл телефони бераман, иншаАллоҳ. Қани, киринг чодирга, марҳамат.

Чодир кенгтина экан. Ёш бола ётиши учун ёғоч беланчақ, кўрпа, тўшак, бир четда жавон, унинг ичида турли идиш ва тавоқлар. Чодирнинг ўртасига кўлбола фонус илингган.

– Фонусни шомга яқин ёқасиз, чодирни ёритади. Электрдан кўра бу мақъул, – деди аёл тушунтириб. – Сиз жойлашинг. Бу ерда аёллар учун кийимлар, бу ерда ювениш учун совун, мисвок, мушк. Аллоҳ қодир қилган даражада шароит ҳозирладик. Қорнингиз оч эмасми? Ташқарига чиқсангиз, ошхона қаерда, десангиз, айтиб юборишади. Ҳеч тортинманг.

Аёл чиқиб кетди. Ҳумайро ерга тўшалган кўрпага ҳолсиз ўтиради. Юзлари чанг бўлиб, бир сўз айтмай онасиға қараб турган болаларига қараб ғамгин жилмайди. Аслида, у ғамгин жилмаймоқчи эмасди, лекин чин дилдан севинишининг имкони йўқ, зотан. Ҳумайро биринчи галда болаларини ювинтириб, қоринларини тўйдириши кераклигини ўйлади...

Кечга бориб чодирлар атрофи гавжумлашди. Хуфтон намозини ўқигани ҳамма масjidга йўл олди. Ҳумайро жуда чарчаган. Чодирда хуфтонни адo қилди, болаларини ётқизди, устларига ёпинчиқ ёпди, Сайдни эмизиб, тўйдиргач, беланчакка солиб тебратди.

Чодирн ғарибона, буюмлари фақирона, аслида. Лекин Ҳумайрога шу ҳолнинг ўзи бағоят қадрли қўринди. Бугунги ҳалокатдан омон чиққани, номуси ва шаънини сақлагани учун Роббисига шукурлар, ҳамдлар айта-айта кўзи илинди...

Масжид эмиш. Ҳумайро масжид хонақоҳида намоз ўқиш ниятида юрар эмиш. Хонақоҳда ҳалқалар – ҳар ҳалқада ўн-беш йигирма чоғли инсон ўз шайхидан ваъз тинглайди. Уларнинг овози бир-бирини кесиб ўтмас, насиҳатлари бир-бирига ҳалал бермасди. Ҳумайро ҳалқалардан бирига бориб ўтиromoқчи бўлди, лекин ҳаммаси эрлар! Аёллар учун йўқми? Ҳалқага кўшилишдан аввал икки ракат таҳияти масжид ўқиши керак.

Хонақоҳнинг ўртасига ёғочдан қўлпанжаралар қўйилган эканн, яъни уларни қўтариб у ёқдан бу ёққа олиш мумкин. Нега хонақоҳ иккига ажратилибди? Ҳумайро ҳайрон бўлиб борди, панжара орасидан аёлларни кўрди. Ҳа, бу ёқ аёллар учун экан. Лекин уларнинг ҳалқаси йўқ-ку! Аёллар илм билан эмас, ибодат билан машғул!

– Қизим! – бу овоздан Ҳумайро чўчиб, қаради. Қаршисида нуроний ва гўзал бир аёл унга табассум билан боқиб турарди. – Қизим, сен бирор ҳалқага қўшилишдан аввал Аллоҳдан сиротул мустақимни сўра! Тўғри йўлга йўллашини сўра, майлими? Аллоҳдан ўзингга хайрлисини сўра. Чунки банданинг ақли тўғри йўлни билишдан ҳамиша ожиз, Аллоҳ унга йўл кўрсатмаса, ақли йўл топа олмас! Сен яхши деб билганинг, балки ёмондир! Ёмон деб билганинг, балки яхшидир!

– Бу қай ер? Сиз кимсиз?

Аёл кулди:

– Бу Ақсо масжиди, мен пайғамбар Ийсо алайҳиссаломнинг онасиман, Марям!

Ҳумайро уйғонди. Чироқ хира нур сочяпти. Ташқари жимжит. Ҳумайро беланчакка қаради: Сайд ухляяпти. Анас ва Сумайя ҳам уйқуда.

Қандайир ички ҳаяжон Ҳумайрони ташқари чиқарди.

Чодирлар оралаб юрган қуролли йигитни кўрди.

– Муаммо йўқми? – деб сўради у.

– Йўқ, – деди Ҳумайро ва аёллар таҳоратхонасига йўналди.

...Чодирига қайтгач, жойнамоз устида қиёмга турди. Аллоҳга қалбан ёлвориб, таҳажҷуд нияти билан кўлинини таҳrima такбири учун кўтарди...

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

...Эрталаб чодирга Муҳаммад Толҳа кириб келди.

Ҳумайро буни кутмаган эди. Муҳаммад Толҳа аёлига бу сафар кўп тушунтириш бермади.

– Кетамиз, тайёрлан, – деди. Ҳумайро ортиқча саволга тутмай, “Хўп!” – деб тезда нарсаларини йиғиширишга киришди. У, албатта, Муҳаммад Толҳа ва Сайфуллоҳ ўртасида бир неча соат давом этган сухбатдан бехабар. У фактат эрига итоат этиши лозимлигини яхши билади.

Кеча оқшом Муҳаммад Толҳа қамоқдан озод қилинди. Сайфуллоҳга Муҳаммад Толҳа Ҳумайронинг эри эканлиги маълум бўлди.

– Сиз Маядиндан экансиз, биродар, – деди Сайфуллоҳ у билан ўз қароргоҳида сухбат бошлаб. – У ерда ҳукумат бизнинг қўлимизга ўтган паллада, нима учундир, ҳижратни маъқул кўрибсиз. Агар америкаликлар Сизни қамоққа тиқмаганларида, аёлингизни мазлума бир ҳолда кутқармаганимизда улардансиз, деб ўйлаган бўлардим. Нега жиход майдонини тарк этмоқдасиз?

Муҳаммад Толҳа сукут қилди. Кейин бошини кўтариб, Сайфуллоҳга тикилди.

– Биродарим, – деди бениҳоя дардли сас билан. – Сиз жиход майдони деб ҳисоблаётган масканлар ҳақида зинҳор бундай ўйлай олмайман. Бу жойлар бегуноҳ мусулмонларнинг қони дарё бўлиб оқаётган бир ўлка, холос.

Бу гап Сайфуллоҳга ёқмади.

– Тушунмадим... – деди ранги ўзгариб.

– Бир мусулмон ўлароқ сўзларимни сўнгига қадар тингланг! – деди Муҳаммад Толҳа овозини кўтариб. Унинг товушида бир шиддат уйғонди. – Бу улкан фитнадир. Мен ҳақиқатларни Аллоҳим англатгани учун юртни тарк этмоқдаман. Сизлар Ислом давлати, деб номлаганингиз даҳшатли қирғин ўчогидир. Сизлар Ислом давлати дея, қўйилган бир тузоқقا илиндингиз. Бу тузоқ Ер юзидағи минглаб мусулмон ёшларини ўз домига тортаётир. Сиз қилаётган ишларнинг ҳеч бири шариат амрига мувофиқ эмас. Абубақр Бағдодийнинг хутбалари, мусулмонларининг туйғуларига, хиссиётларига қилаётган ҳужумлари бир алдовдир.

– Сен бизнинг амиримиз ҳақида бу сўзларни айтишга қандай журъат этяпсан! – Сайфуллоҳ сапчиб ўрнидан турди ва автоматини Муҳаммад Толҳага ўқталди.

– Ўзингни бос, биродар! Эҳтимол, сен унга байъат қилгандирсан, лекин мен эмас! Биргина сўзим учун, ҳолбуки, куфр ё ширк келтирмадим, мени – Исломда бўлган бир мусулмонни ўлдиришга шайсан! Бу иймон амрими?! – ўтирган жойида ҳайқирди Муҳаммад Толҳа. – Мен ўлимдан заррача қўрқмайман. Келишим Аллоҳдан, боришим Аллоҳга! Унинг раҳмати ва мағфиратидан зинҳор умид узмасман! Лекин сенга, сен каби биродарларимга ҳақни етказмоғим шарт! Мени тингла. Ўлдиришни истасанг, албатта, ўлдиришга вақтинг бор!

Сайфуллоҳнинг юzlари ғазабдан пир-пир учди, соқоллари титради, юзи қизариб, қўрқинчли тус олди, кўзининг оқига қон тепди. Бироқ Муҳаммад Толҳанинг шиддати уни босди. Жойига ўтирди.

– Астағфируллоҳ, де, биродар! Астағфируллоҳ! – деди Муҳаммад Толҳа.

– Зотан, бир мўминни отиб ўлдиришингга бир баҳя қолди. Сизлар коғирларга ҳужум қиляпмиз, деб қадим Шом юртларида ўчмайдиган олов ёқдингиз. Миллионлаб оилаларни ўз маконидан айирдингиз. Қурбон бўлаётганларнинг сони ҳам, саноғи ҳам йўқ. Харобага айланётган шаҳарларга боқинг. Сиз Ассадни айблайсиз, Американи айблайсиз, Россияни айблайсиз, Туркияни айблайсиз, сизларда айбу нуқсон йўқми?! Сиз томонда бўлмаган ҳаммани куфр ва ширқда санайсиз. Сиз Аллоҳ Ерга нозил қилган Буюк Исломни эмас, ўз нафсингизга мақбул бўлган шахсий Исломни Ер юзига ёймоқчисиз. Амин бўлингки, агар дунёда Сизга қарши чиқадиган бирор куч бўлмаганда ҳам, нусрат ва зафар қозонмас эдингиз. Чунки ишнинг аввали фитна бўлса, кейини дини суст ва эҳтиросли ёшлардан ва илмдан бехабар жоҳиллар гуруҳидир. Сизлар Шомда, Ироқда бу қирғинларни қилиш билан мамлакат ҳимояларини бузиб чил-парчин этасиз, ҳаяжонингиз оловида, туйғуларингиз чақмоғида ўзингизни ҳам, халқингизни ҳам куйдириб ҳалок этасиз!

— Асессиз сўзлар! — деди Сайфуллоҳ. — Мен ўз амирларимга итоат қиласан ва уларнинг ҳаммаси содик инсонлар. Сафимизга келаётганлар эса ихлосли йигитлар.

— Амирларингизга итоат қиласиз, бироқ уларни танимайсиз! Аминманки, сен бу ердан эмассан. Сен Шом тупроғида Шом сувини ичиб, унинг ҳавосидан нафас олиб улғайган эмассан. Ўзинг эргашиб келган, даъватларига жавоб берганинг одамларни ҳозир ҳам танимайсан. Сени майдонга келтирдилар, диннинг бир қисмидан дарс бердилар: туйғуларинг ёнди; машқ қилдиринг: мушакларинг кучга тўлди; аёлларга эришдинг Энди эса Ислом учун жиход қил, деб айтдилар. Лекин сен ўз амирларингга руҳан бегонасан. Уларнинг тепасида ким турибди, ҳатто, Абубакр Бағдодий қаердан чиқиб келгани ҳақида ҳам билмассан. Инсон шу қадар содда бўлурми? Мусулмон шу қадар гўл бўлурми?! Бир-бирига табассум билан “Биродарим!” — деб юрган бу йигитлар ҳаётда нимани кўрдилар? Ёшлари ўн саккизда. Ўтизга ҳам тўлмабдилар. Ўзларини шаҳид этмоқни, жаннат хурларидан баҳра олмоқни истайдилар. Ё Аллоҳ! Мусулмоннинг қонини тўқмоқ билан, мусулмоннинг ўқидан ўлмоқ билан шаҳодат қўлга киурми?! Бугун бу шаҳарни америка қўшинидан озод қилдиқ, деяпсиз. Ҳолбуки, қўллаётганингиз қуроллар ўта содда, учираётган учоқларингиз беҳад эски! Уларни қачонгача қўллай билурсиз? Дунёнинг қудратли давлатлари тўлқинланиб, қўпиришингиз учун қўйиб беради. Ҳатто, сиз билмайсиз — ўзлари сизни қурол билан таъмин этадилар. Сукут билан боқадилар. Сиз эса буни нусрат фаҳм қиласиз. Ёнасиз, куясиз. Масжидларни ширк аралашди, деб бузасиз. Мусулмонларни, эътиқоди тўғри эмас, деб сўясиз. Асиrlарни қасос дея ёкиб юборасиз. Кул бозори тиклайсиз. Динорлар ишлаб чиқарасиз. Вазирликлар ташкил этасиз. Наздингизда, Ислом давлати шу билан барпо бўлур. Сизга бу ишларни қилишингиз учун шароит берадилар. Бутун бошли ўлка ерларини сиз учун театр саҳнаси ўлароқ тортиқ этадилар. Бу саҳнада бир рол ўйнаётганингизни билмай қон тўкиш ва вайронкорликда давом этасиз. Турли тасвирлар тайёрлайсиз, Ер юзига Исломни жорий қилиш ҳақида лоф урасиз. Қалбингизда муҳаббат, шижаот жўшади, гўё. Лекин буларнинг ҳаммаси алдамчи бўлса-чи?! Буларнинг ҳаммаси шайтон кўрсатиб турган бир ўйин бўлса-чи?! Ислом қўлни қўксига қўйиш ва биродарига бир марта ёрдам бериш билан барпо бўлмайди. Мусулмонларга Ер юзида зулмлар бўлаётгани ҳақида бонг урасиз. Жиҳоднинг йўқлигидан, жиход тўхтагани учун шундай бўлди, деб ҳаммага тушунтирасиз. Бу йўлда ўлиш бизнинг шарафимиз, дейсиз. Биродарим! Лекин орангизда неча кишида қандай илм бор?! Куръон тафсирини биласизми? Ҳадис шарҳларидан хабардормисиз? Сиз Шомда ўтириб, Осиё диёрлари учун фатво топасиз. Сизлар одамларнинг қалбини хурматламассиз. Сизлар инсонлар нафсининг нақадар мураккаб яратилгани ҳақида ўйламассиз. Оддий гапни оддий тушунтирамиз, тушунмаса, отамиз, ўлдирамиз, Ер юзини кофирдан тозаласак, дин олий бўлади, деб айтасиз! Валлоҳи, нақадар илмсизлик!

Нақадар хомлик! Нақадар ҳикматсизлик! Аллоҳ бир лаҳзада Ер юзини мусулмонлар ихтиёрига топширмоғи мумкин, қачонки мусулмонлар тайёр бўлсалар! Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам Исломни олий қиласман дея умрларини бахшида этдилар. Ул зот саҳобаларнинг қалбларини тарбият қилдилар, уларнинг нафсларини покладилар. Илк жиҳодга қадар нақадар олис бир машаққатни босиб ўтдилар. Бир инсоннинг жонини олиш шу қадар осонми?! Бу майдонга ҳовлиқиб келган йигитларнинг нечаси йифлайди, кетишни истайди, лекин сизлар уларга раҳм қилмайсиз. Улар йўлсиз бир ҳолга тушадилар. Кўрққанлари учун, ортларига йўл қолмагани учун кўлларига курол оладилар. Тўғри, ҳаммаси шундай эмас. Ҳақиқатан кўйсларида олов ёнганлари бисёр, лекин улар адашганларини идрок қилурми эканлар?! Мен сизларни маломат қилмайман, сизларга ҳукм бермайман, лекин сизларнинг ишларингизни қўлламайман, бу ишларни бас қилинг, деган бўлур эдим. Ўзим сизлар томонга ўтмайман ва ниятимда собит туриб, юртни тарқ этаман.

– Мұхаммад Толҳа! – деди Сайфуллоҳ бироз сукут сақлаб. – Сенинг иddaоларинг асоссиз. Сен жиҳод ҳаловатини билмайсан!

– Валлоҳи! – деди Мұхаммад Толҳа ҳайқириб. – Осиёдан икки йигит келмиш. Бири сизларга, бири бошқа жамоага қўшилган. Сўнг икки жамоа бир-бирини такfirда айблаб, бир-бирига ўқ узди! Жиҳодий жамоа дейсиз, бироқ бирингиз Аллоҳ осмонда, деб ашъарийларга раддия берасиз, бирингиз эса яна бошқа диндошингиз нуқсонларини излайсиз, минг афсуски, унинг ҳаққига дуо қилмайсиз. Ҳатто, ўз ҳаққингизга дуо қилмайсиз!

– Сен қаердан биласан бизнинг дуо қилмаслигимизни?! Туҳмат қилма! – деди Сайфуллоҳ томирлари бўртиб, автоматини маҳкам ушлаган кўйи.

– Дуо қилганингизда бутун оламга шу қадар нафрат ила боқкан бўлармидингиз? Ҳар бир воқеага ҳикматсизлик билан боқасиз. Эшитганингизни, ўқиганингизни моҳиятан англамайсиз, билъакс, шаклини оласиз ва жорий қилмоқ истайсиз! Бу нақадар хато! – деди Мұхаммад Толҳа.
– Мен тўғри йўлдаман, бошқалар залолатдадир, дея таассуб қилишдан кўра катта хатар борми?!

– Тўғри йўл – битта! Аҳли Сунна вал жамоа! – деди Сайфуллоҳ. – Бошқа ҳар қандай йўл ботилдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар.

– Соллаллоҳу алайҳи ва саллам! – деб саловат айтди Мұхаммад Толҳа ва давом этди. – МашаАллоҳ! Бу, шубҳасиз, тўғри гап. Лекин аҳли сунна вал жамоада бўлишнинг шартлари шундайми? Нафсимиз ва қалбимиз тарбияси қаерда қолди? Шариатнинг одоби ваadolati қани?!?

– Биз шариат таъқиқлаган ишларни қилмаймиз! – деди Сайфуллоҳ. – Ароқ йўқ, фахш йўқ, лағв йўқ, қимор йўқ! Ўғрининг қўли кесилади, фохиша тошбўрон қилинади. Биз шариатни шундай барпо қиласмиз.

– СубҳанаАллоҳ! – деди Мұхаммад Толҳа. – Қанийди, Аллоҳнинг дини шундай осон барпо бўлса! Бундан осон иш бўлмас эди. Гап бунда эмас,

биродар! Исломни фақат куч билан ўрнатаман, дейишдан кўра нуқсонликроқ бир фикр йўқ. Шариатга мажбур қилиш фақат шариатсизликни келтириб чиқаради. Исломга одамларни қўрқитиб киритиш билан одамларни исломдан чиқарасизлар. Сизларнинг бу шовқинингиз узоги беш – етти йилда тўхтайди. Ортингиздан минглаб мурдалар, хароба шаҳарлар ва ададсиз қочқинлар қолади. Бутун дунё сизларга қарши оёқланади. Чунки сизлар меҳр ва муҳаббат қозонадиган бирор иш бажармадангиз, балки қаҳру ғазаб, нафрат ва қўрқув уйғотадиган чексиз амалларни қилдингиз, афсус. Сенга айтажак гапларим шу! Вассалом! Бир мусулмон сифатида сўрайманки, оилам билан бу ердан дарҳол кетишимиға изн бер.

Сайфуллоҳ ўйга чўмган эди. Муҳаммад Толҳанинг сўзи тугагаса ҳам, индамади. Фақат:

– Юсуфга айт, оиланг ёнига элтсин. Шу соатдаёқ бу ердан қорангни ўчир! – деди. Муҳаммад Толҳа ўрнидан туриб, ташқарига йўл оларкан, Сайфуллоҳ уни тўхтатди. – Эй! Ҳақсизлик қаршисида мусулмонлар сукут сақласинларми? Бошларида зулм қиличи ўйнаркан, бола-чақалари хорланар экан, ўзлари қул каби эзиларкан, қўлларига қурол олиб, душманларга ўт очмасинларми? Зулмга рози бўлиб, бош эгсинларми?

Муҳаммад Толҳа тўхтади. Ортга қайтиб, Сайфуллоҳнинг олдига келиб, унинг кўзларига тик қаради:

– Зулм ва ҳақсизликка бир он ҳам рози бўлмасмиз! Лекин Аллоҳнинг қадарига сўзсиз розимиз! Зулм қиличига бош эгмасмиз, Аллоҳнинг қадарига бош эгажакмиз! Халифа Умар розияллоҳу анҳу ўзидан мадад сўраган лашкарбошига: “Сен душман қўшини кўплигидан қўрқма, гуноҳларинг кўплигидан қўрқ! Гуноҳлардан сақлансанг, Аллоҳ сени сақлайди ва кофирлар устидан нусрат беради!” – дея мактуб йўлламиш. Мусулмон уммати ўзини гуноҳлардан қўриқласа, гуноҳдан ўзини сақласа, илм ва амални уйғун қилса, Аллоҳ зулмни синдиради, мусулмонларни иззатлади, уларни балолардан асрайди. Зотан, бу уммат қудратга фақат қурол билан эмас, тақво билан эришган эди. У пайтда иймону тақводан бўлак бойликлари йўқ эди, бойликлари Ер юзига сифмаган вақтда эса уларнинг фақат шу тилло ва зарлари бор эди, холос. Бироқ бойликтининг кўплиги Ислом салтанатини сақлаб қола олмади. Аллоҳдан қўрқ, мусулмонларни сев, нафсингдан ғолиб бўл, вассалом! Ва Аллоҳнинг нусратини кўриб лол қолажаксан!

...Хумайро бошидан ўтказганларини ҳикоя қилиб, шу нуктага етиб келган вақтда “Урватул вусқо” кемаси сузиг бораётган денгизда бир тўлғаниш бошланди. Бу денгизнинг остидан тепага қараб келаётган улкан тўлқин эди.

Масъуд Ҳасан ва Жозефлар даврасида эса Умар Сайфуллин афғонлар қўлига қандай асир тушганлиги ҳақида сўзлар эди. У қириб юборилган совет бўлинмаси ичида ғайритабиий бир мўъжиза сабаб омон қолганлигини айтди. Ўликларни ташлаб, боши оқкан тарафга қараб юргани, ўша атрофдаги тоқقا

яқинлаб, хушдан кетгани, ҳушига келганида уни кекса дехқон топиб олгани ва парваришилагани түғрисида сўзлади. Шу тариқа афғон юртида беш йил қолди у. Шу вақт унинг иймон калимасини айтиши учун етарли бўлди. Бироқ воқеаларнинг давомини батафсил эшитиш ҳеч кимга насиб этмади, чунки денгизда қўтарилаётган тўфон кемани писта пўчоғи каби силкитар эди.

Бирор ахборотда денгиз тўфони ҳақида огоҳлантириш бўлмаган эди. Кемада ваҳима бошланди.

Масъуд Ҳасан палубага чиқди. Ғарбдан келаётган шамол сонияма сония кучга кираётган эди. Шамолнинг шиддати баробар тўлқинлар улкан деворлардек ҳавога отиласди, аждаҳодек оғзини очиб, кўкка сапчийди. Тўлқинлар кемани кафтида ўйнайди. Кема ичида тик туришнинг имкони қолмади.

Чироқ ўчди. Барча алоқа воситалари ишдан чиқди.

Тўфон шиддати уйфонаётган кезда Анна Жозефнинг хонасига катта машаққатлар билан ўтиб олди. Улар суратга олишни бошлаганларидан кейин кўришмагандилар...

Кема пўртанага тушгандек эди: ғарбдан келган тўлқин унинг бўйи баробар қўтарила, шарқдан келган бошқа долға уни ағдарилиб, чўкиб кетишдан ҳимояларди, гўё. Кема ичидагилар ўлим таҳликасини яққол ҳис этдилар. Қанот йўқ эдики, учиб кетмоқ учун! Кема денгизнинг қўлида ўйинчоққа айланди. Денгиз ёш бола каби ўйинчогини у ёқдан бу ёққа отар эди.

Бўлмалар ичи сувга тўла бошлади.

Аксар одамлар бирор тутқични маҳкам ушлаб, калимаи шаҳодатни айтар эди, баъзилар истиффор, баъзилар такбир ила сасланар эди.

Осмонда қуёш кўринмайди. Кема тўлқин қўлида ҳавога қўтарилиб, булувларга тегар эди, гўё. Ўн дақиқаларда бу силкиниш кема аҳлини хушдан айрди. Ҳеч кимда кўз очишига, ҳатто, бирор дастакни тутиш учун қувват қолмади...

– Жозеф! – деб бақирда шовқин ичида Анна. Жозеф бўлманинг бир четида ўзини тута олмас, кўз ўнги хиралашиб, қулоқлари батанг битди. Лекин Аннанинг ҳайқиригини англади. Кўркувдан қуруқшаган лаблар орасидан “Анна! Анна!” – деган сўз сирғалиб чиқди.

– Жозеф! Мен мусулмон бўлдим! Гувоҳ бўл! Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ! Муҳаммад унинг элчиси ва бандасидир! – тўфон сурони ҳар қандай товушни ямламай ютаётган бўлса-да, Жозеф хотинининг нидосини англади.

– Мен... – деди у бор кучини тўплаб. – Мен кема ажал комидан қутулса, шу ондаёқ иймон келтираман!

Тўфон қутургандан қутурар, кемада минг нафар инсон ҳушдан кетгани учун на қўрқув, на даҳшатни сезмасдилар. Улар учун дуёning муҳаббати ҳам, ажалнинг даҳшати ҳам энди аҳамиятли эмас. Улар тириклик ваҳмидан озод эдилар. Кема ичида жон сақлайдиган жонзотлар ҳам ўлик мисоли қотдилар.

Бу қанча вақт давом этгани бирор шоҳидга маълум эмас, лекин кўзини илк очган Жозеф бўлди. У хуши ўзига қайтгани онда ҳис қилгани суякларидағи аччиқ оғриқ, бўғзини тахир қилган денгиз сувининг таъми эди. Суръатли лаҳзаларда: “У дунёдаманми?!” – деган ўй онгини кесиб ўтди.

Кўрдики, у кема айвонида – палубада.

Ажабо! Денгиз ҳеч бир иш бўлмагандек ястаниб, беозор ётибди. Сув тонг қуёшининг олтин нурлари билан қоришиб жимиirlайди. Кема эса... кумга тиқилган кўйи тек қотган. Рўпарада соҳил!.. Қандайдир орол, балки; дараҳтлар билан қопланган.

“Демак, тирик қолдик! Демак, тирик қолдим! – деди ўзига ўзи Жозеф овоз чиқариб. – Аллоҳ буюқдир! Аллоҳдан бўлак илоҳ йўқ! Ва Мұхаммад Унинг элчиси ва бандасидир!”

Бу калима Жозефнинг тилидан эмас, қалбидан ситилиб чиқди. Оловдек ёнди, ловуллади. У ўлимдан омон чиқиш ҳиссиётiga сифмас эди. Туғилганидан буён у излаган Сўз шу эди унинг учун. Беихтиёр бор овози билан ҳайқирди, ҳайқириғи, ҳатто, қуёшга етиб борди, денгизнинг эти жимиirlаб кетди, кемада беҳуш ётганлар кўзларини очдилар.

Жозеф сувга сакради. Шўнғиди ва соҳилга сузди. Бироздан сўнг оёқлари кумга тегди. У юра бошлади. Юаркан, бутун кучини товушига жамлаб, такрорларди, такрорлагани сайин қуввати ошиб, руҳи тетиклашар эди:

– Лаа илаҳа илаллоҳ! Лаа илаҳа илаллоҳ! Лаа илаҳа илаллоҳ! Лаа илаҳа илаллоҳ! Мұхаммадун Расулуллоҳ!

ҚИССА ТУГАДИ

МУАЛЛИФ ШУКРОНАСИ

Қаламга жамики бўладиган воқеаларни ёзdirган Аллоҳга ҳамду саноларимиз чексиз ва ададсиздир.

Бизга ҳидоятни, ҳақиқатни етказган набийимиз, расули мухтарам Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга дурудларимиз, саловатларимиз бўлсин!

Аллоҳнинг марҳамати билан “Ҳалқа” қиссасига нуқта қўйдим.

Уни ёзишни насиб этган, илҳомлантирган, ўкувчилар ва тингловчиларга манзур айлаган Роббимнинг Ўзига яна мақтовлар йўллайман!

Шу ўринда, камина Ақром Малик, мазкур қисса ҳақидаги баъзи саволларга ойдинлик киритиб ўтсан.

1. Воқеалар бўлиб ўтганми? Ёки муаллифнинг хаёлот маҳсулими?

Жавоб:

Бу бадиий асар бўлиб, тарихий воқеаларни бутунича ёритишни мақсад қилмайди. Мозийда яшаганларни, бизга замондош бўлганларни инсон ўлароқ кўриб, машакқатлари, бошдан кечирганларини уларнинг ҳиссиётлари, оғриқ ва изтироблари билан биргаликда ёритиш мақсад қилинган.

2. Қиссада қайси давр воқеалари тасвирланган?

Жавоб:

Қиссада инсониятнинг барча даврларига хос бўлган жиҳатларга диққат қаратилди. Шунинг учун уни ўқиган одам худди ўз замонасидаги ёхуд ўтмишдаги воқеаларни кўраётгандек бўлади. Воқеаларда замон ва маконлар алмашиб туради. Мақсад эътиборни макон ёки замонга қаратиш эмас, балки инсон муаммосига, инсон фожиасига диққатингизни жалб қилишдир.

3. Бу қиссани ёзишдан мақсад нима эди?

Жавоб:

Қиссани ёзишдан мақсад – ўқувчиларга замонамиз талотумларини англатиш ва Ҳақ йўлидан айро тушганимизни эслатмоқ, пировардида, Ҳақ йўлга чорламоқ эди, холос.

4. Қисса нима учун бундай тугади? Воқеаларга ечим берилмади, қандайдир тўмтоқ ҳолда қолдиришдан мақсад нима?

Жавоб:

Қиссадан мурод ҳаётимизни, ҳаёлларимизни, эътиқодимизни акс эттириш, ҳаёт, умр эса давом этаётир. У тугамади. Шиддат билан кечмоқда. Ҳар ким ўз йўлида событ. Шунинг учун қаҳрамонларнинг ҳар бирига доир маълумотлар очилмади, қиссани эса ёзишдан тўхтадим. Балки келажакда, Аллоҳим насибага ёзган бўлса, асарнинг кейинги қисмларини ёзсан ҳам, не ажаб.

Ушбу асарни ёзишга даъват қилган, муҳлисларга етиб боришида кўмаклашган, беғараз бир шаклда жон куйдирган ҳаммага, хусусан, Дилнора Тўлабойзодага самимий раҳматимни айтаман, Роббимдан яхшиликлар тилаб, ҳидоятда событқадам этишини дуо қилиб сўрайман.

Кўлёzmани олиб, имло хатоларига кўзини юмиб, сабр ва таҳаммул билан тингловчиларга ўқиб етказган воиз, маҳоратли сухандон, кўнгилга яқин акам Абдул Карим Мирзаевга ташаккурларимни изҳор қилиш баробарида савобли ишларига барака, Аллоҳимдан хайру ажрлар сўраб дуо қиласман.

Шунингдек, қиссанинг боблари кечикса ҳам, тоқат қилиб ўқиган, садоқат сақлаган, самимий ҳурмат кўрсатган китобхонларга миннатдорлик билдириган ҳолда Роббимизга юzlаниб, ҳеч биримизни ҳидоятдан айирмаслигини ўтинаман, фақат Унга сифинаман.

Албатта, иш нуқсонсиз бўлмайди. Ёзиш жараёнида кўплаб камчиликларга йўл қўйдим. Исмларда, жойлар номларида, тасвирларда, сўз кўллашда сахвлар содир бўлди. Буларнинг ҳаммаси каминанинг эпсизлиги, паришонхотирлиги ва заифлигидандир. Агар бу сўзлар Сизнинг қалбингизга манзур келган бўлса, фақат ва фақат Роббимнинг марҳаматидир.

Аллоҳим!

Гуноҳларимизни кечир! Нуқсонларимизни афв қил. Агар Сен бизни хайрга йўлламасанг, имконимиз йўқ. Бизни хайрга бошла, ғазабингдан, ўзинг рози бўлмаган ишлардан омон айла!

Аллоҳим!

Хатоларга тўла ушбу қиссани ўқиганлар қалбига марғуб қил! Ким мутолаа этса, қасддан нуқсон изламаса, ихлосига яраша уни манфаатлантири. Бу манфаатни динига, дунёсига, охиратга хос айла!

Аллоҳим!

Ўзинг барчамизга ёрдамчи бўл! Бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйма! Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам ёзган ва айтган сўзларимиз учун бизни шарманда қилма, балки иззат, юксаклик ва қурбат мақомига қўтар!

Омин, ё Роббул аъламийн!

Тошкент, 2020 йил.